

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожда алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.


Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК



ТОШКЕНТ - 2022

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ ЖИЛД

*** **

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” ОБРАЗЛАРИ:
РАМЗ ВА МАЖОЗ ОЛАМИ

*** **

Сурдарёхон ЎТАНОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИЁТИДА
РАНГ СИМВОЛИКАСИ

*** **

София ЖУМАЕВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА
РАМЗИЙ РАҚАМЛАР ТАЛҚИНИ

*Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади*

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Муслиҳиддин Муҳиддинов, Муҳаммаджон Имомназаров,
Сирожиддин Саййид, Иброҳим Ҳаққул, Шухрат Сирожиддинов,
Баҳром Абдуҳалимов, Мирзо Кенжабек, Жаббор Эшонқул, Нурбой Жабборов,
Афтондил Эркинов, Исажон Султон, Ваҳоб Раҳмонов, Шухрат Ризаев,
Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Каромат Муллахўжаева


ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

ЗУҲРА МАМАДАЛИЕВА

**“ЛИСОН УТ-ТАЙР” ОБРАЗЛАРИ:
РАМЗ ВА МАЖОЗ ОЛАМИ**

(монография)



QALM AHLI, BILINGIZKIM, ISE ERNAS IJSHANLIK,
ZOR OLING BIR-BURLINGIZGAKIM, ERUX FORLIG IRI.

Ушбу китоб мутолаасидан ҳосил бўладиган савобни улуғ устозим, ўзбек тасаввуфшунослик илмини шакллантирган заҳматкаш олим ва фидоий инсон, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комиловнинг пок руҳларига бағишлайман.

Муаллиф.

СЎЗБОШИ

Ҳар бир тадқиқот ишининг ўз хусусияти, мақсадлари, ёзилиш услуби бўлади. Жумладан, Зухра Мамадалиева тадқиқотининг ҳам диққатни тортадиган ва илм аҳлига манзур бўладиган жиҳатлари кўп. Аввало шуки, мавзу анчайин мураккаб ва мунозарали жиҳатлари ҳам бор. Гап шундаки, улуғ Навоийнинг ушбу достони ҳақида бир нечта тадқиқотларда фикр-мулоҳазалар билдирилган, турли қарашлар баён этилган.

Аммо дostonнинг поэтикаси, алалхусус, рамзий образларнинг генезиси, манбалари ва уларнинг асрлар давомида турлича бадий талқинлари, типологик ўхшашликлар ва фарқлар, мифологиядан то сўфиёна-орифона адабиётгача ривож, Алишер Навоийнинг бу майдонда кўрсатган бемисл шоирона маҳорати махсус ўрганилмай келарди. Аксар ишларда Аттор ва Навоий асарлари қиёсига эътибор қилинган, холос. Шунда ҳам асарларнинг мазмунига кўпроқ эътибор қилинган ва шўролар даври мафкуриси таъсирида нотўғри талқинлар, Навоийни Атторга зид қўйиб, хато фикрларни баён қилиш бор эди.

Зухра Мамадалиеванинг ютуғи шундаки, у мавзуга холисона, объектив ёндашади. Шарқ адабиёти, айниқса, тасаввуфий адабиётнинг ўзига хос талаблари, анъаналаридан келиб чиқиб фикр юритади, Навоий ва Аттор ижодига ҳам шу нуқтаи назардан ёндашади. Тадқиқотда шу боис ўзбек шоирининг тимсоллар тавсифи ва тасвири, ирфоний маъноларни ғоят аниқ ва ифодали, равон баён этиш маҳорати ишончли мисоллар таҳлили билан очиб берилган.

Тадқиқотда “Лисон ут-тайр” достони юзасидан билдирилган фикрлар танқидий кўздан кечирилган ва Навоий билан Аттор дунёқараши, орифона фикрларнинг ҳамоҳанглиги, айни вақтда талқинлардаги фарқлари манбалар асосида ёритиб берилган. Бунда тадқиқотчи ҳам адабиётшунос, ҳам тасаввуфшунос сифатида мулоҳаза юритиб, айнан тасаввуфий шеърият поэтикаси, шунинг бир қисми бўлган рамзий ифодалар ва маънолар, ишора ва иборалар устида тўхтаб, турли хислат-хусусиятлар, тариқат йўлида учрайдиган руҳий кечинмалар, хавфу хатар ва умидбахшлик оҳанглари, Илоҳга бўлган муҳаббатнинг зоҳирий ва ботиний тасвирлари, қушлар (муридлар)нинг ҳар бирига хос сифатлар, бардош ва сабр, шу билан бирга Олий мақсадни англаш иштиёқи, водийлар тасвирининг мураккаб қатламлари ҳақида изчил фикр юритади ва Навоийнинг ниятлари ҳикоядан ҳикояга, водийдан водийга қандай шоён бўлиб боришини кўрсатишга муваффақ бўлади.

Тадқиқотчининг яна бир ютуғи шуки, у рамзий тимсоллар (қушлар)нинг қадимги Шарқ адабиёти ва фалсафасидаги ўрнини очиб берган, уларнинг турли талқинлари, бадий қиймати ҳақида кузатишлар қилган.

Айни шу фикрнинг мантиқий давоми сифатида “Лисон ут-тайр” тимсоллари кўлами, уларнинг бир бутун тизим сифатидаги ўзаро боғлиқлиги, ҳикоя ва ривоятларнинг тузилиши, савол-жавоблардан кузатилган асосий мақсад, Навоийнинг тасаввуфий шарҳу изоҳлари тафсилоти, нутқий жозибadorлик ва мўлжалга тегадиган ифода-аборлар характери ҳам ўрганиб чиқилган.

Ишда “Авесто”, “Шоҳнома”, “Қуръон” қиссалари мазмуни, шу каби Ибн Сино, Имом Ғаззолий, Яҳё Сухравардийларнинг Симурғ ҳақидаги фалсафий-ирфоний қарашлари батафсил тадқиқ этилгани, Фариддин Аттор ва Алишер Навоий асарларида бу тимсолнинг талқинларининг кўриниши, фарқларининг ажратиб кўрсатилганлиги, мисолларнинг кенг таҳлил қилиб, керакли илмий хулосалар чиқарилгани киши диққатини тартади.

Иш илмий-назарий жиҳатдан пухта ишланган, муаллиф қадимги туркий, форсий манбалар, рус ва ўзбек тилидаги назарий адабиётларни яхши ўргангани кўриниб турибди. Тадқиқотнинг боблари бир-бирини мантиқан тўлдиради. Айниқса, рамзий тимсолларнинг ҳар бирига хос хислатлари, бадиий-тасвирий воситаларни ўрганиш орқали Навоий ижодининг муҳим қирралари очилганки, бу навоийшуносликка қўшилган муносиб ҳиссадир.

Хуллас, танланган мавзу қиёсий-таҳлилий усулда ўрганилиб, яхши бир илмий-тадқиқот иши яратилган.

Нажмиддин Комилов,
филология фанлари доктори, профессор.
19 ноябрь 2010 й.

К И Р И Ш

Мустақиллик йилларида юртимизда барча соҳалар каби маънавият жабҳасига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Халқимизнинг бой илмий-адабий, маънавий-маърифий мероси, миллий қадриятлари, урф-одат ва анъаналари тикланди. Маънавиятимизга қаратилган бундай эътибор унинг узвий бўлаги ҳисобланган адабиёт тарихига ҳам қаратилган эътибор, аҳамиятдан далолат беради.

Маълумки, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони ҳақида бир қатор илмий ишлар қилинган. Ш.Эшонхўжаев достоннинг илмий-танқидий матнини яратган, Ш.Шарипов асарнинг насрий баёнини амалга оширган. Достоннинг ғоявий-бадий хусусиятлари, ундаги образлари ҳам Ш.Шариповнинг тадқиқотида текширилган бўлса-да, лекин у биринчидан, бир бутун тизим сифатида ўрганилмаган, уларнинг келиб чиқиш манбалари етарлича тадқиқ этилмаган; иккинчидан эса, ишда образларга ўша давр нуқтаи назаридан баҳо берилган ўринлар ҳам учраб туради. Бундай камчиликлар “Лисон ут-тайр” достони бўйича қилинган бошқа илмий ишларда ҳам мавжуд, уларда достоннинг ва, албатта, ундаги образларнинг тасаввуфий маъноси етарли даражада тадқиқ қилинмаган.

Достондаги образларнинг бир бутун тизим сифатида ўрганилмаганлиги, уларнинг тасаввуфий мазмуни тадқиқ этилмаганлиги эса ўзбек адабиётшунослиги олдида бир қатор вазифаларни қўяди. Ушбу вазифаларни ҳисобга олган ҳолда достондаги тасаввуфий-рамзий тимсолларни тадқиқ этиш, уларнинг келиб чиқиш манбаси ва тадрижий тараққиёти ҳамда Навоий ижодидаги, хусусан, “Лисон ут-тайр”даги ривожини солиштириб таҳлил қилиш юзасидан яхлит илмий иш яратиш зарурати ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонига муносабат XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб шакллана бошлади. Бу жиҳатдан Е.Э.Бертельс, В.Зоҳидов, И.Султонов, Н.Маллаев, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Б.Валихўжаев, С.Ғаниева, Ш.Эшонхўжаев, Ш.Шарипов, З.Ҳамидов ишларида мазкур асарнинг бадий ва услубий жиҳатларига эътибор қаратилди¹. Мустақиллик йилларида Алишер Навоий ижодига холис, илмий баҳо бериш, улуғ шоир ижодини изчил тадқиқ этиш баробарида мазкур достон қайта таҳлилга тортилди. Н.Комилов, И.Ҳаққулов, М.Имомназаров, М.Орипов, Ё.Исҳоқов, В.Раҳмонов, С.Олимов,

¹ Бертельс Е. Навои и Аттар / Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1966. – С.377-421; Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1961. – Б.16-46; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1968. – Б. 508-518; Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 192-198; Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги ижодий-матбаа уйи, 2010. – Б. 55-63; Абдуғафуров А. Алишер Навоий ижодида сатира. – Тошкент, 1972. – Б.189-198; Қаюмов А. Алишер Навоий. – Тошкент: Ёш гвардия, 1976. – Б. 118-135; Валихўжаев Б. Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарида шеърий минатюраларни қайта ишлашдаги маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1976. – № 6. – Б. 35-41; Ғаниева С. Алишер Навоий. – Тошкент: Ўзфанакаднашр, 1968. – Б. 108-111; Ш. Эшонхўжаев “Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарида “Ғаввос” ва “Ҳинд савдогари” ҳикоялари // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1976. – №3. – Б. 41-53; Шарипов Ш. “Лисон ут-тайр” ва ўзбек достончилиги // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1976. – №1. – Б. 56-78; Ҳамидов З. Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” асари тилининг лексик-семантик ва лингвопозтик хусусиятлари. Фил.фан ном.дисс.... – Тошкент, 1982; Алишер Навоий асарларида тасдир санъати / Она тили ва адабиёт ўқитишнинг айрим масалалари. – Тошкент, 1989. – Б. 5-8.

Ҳ.Эшонқулов каби адабиётшуносларнинг рисола ва мақолаларида асар янгича нуқтаи назардан таҳлил қилинди¹.

Тадқиқотимизда қуйидаги ишларни кўриб чиқиш мақсад қилиб қўйилди:

- Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образларни бир бутун тизим сифатида ўрганиш;
- Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий образларнинг келиб чиқиш манбаларини ўрганиш;
- тимсолларнинг Навоий ижодигача бўлган адабий-ижодий майдондаги ривожини тадқиқ этиш;
- Навоийнинг образ яратишдаги ўзига хослиги ҳамда маҳоратини таҳлил қилиш;
- достондаги образларнинг тасаввуфий ва рамзий маъноларидаги ўзаро боғлиқликни тадқиқ этиш.

¹ Комилов Н. Хилват ва анжуман / Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O‘zbekiston, 2009. – Б.101-102; Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б.139-150; Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз. Иккинчи мақола // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1889. – №4. – Б.152; Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз. Учинчи мақола // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1991. – № 4. – Б.176-181; Орипов М. Етти водий таърифи // Гулистон. – Тошкент, 1991. – № 9. – Б.18-20; Исоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 60-61; 89; 120; Раҳмонов В. Аттор ва Навоий. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1990. – 09.02 – Б. 4; Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 197-140; Эшонқулов Ҳ. “Лисон ут-тайр”ни янгича ўрганиш тажрибасидан / Алишер Навоий ва форс-тожик шеърятини (Халқаро конференция материаллари). – Хўжанд: Давлат нашриёти, 2001. – Б.31-32.

I БОБ. МУМТОЗ АДАБИЁТИДАГИ РАМЗИЙ ОБРАЗЛАР

1.1. Туркий ва форсий халқлар эпик адабиётида рамзийлик

Мусулмон дунёси адабиётида рамзийлик анъанаси Қуръони Каримга бориб тақалади. Ушбу муқаддас китобдаги “оқ ва қора ип” («Бақара» сураси), “думи қирқилган” («Кавсар» сураси) каби рамзий сўз ва жумлалар Қуръони Карим орқали савод чиқарган авлодга сўзни мажоз билан англашдан таълим берди. Қуръони Каримнинг ўзбек адабиётига таъсири масаласи адабиётшунос олим Ҳ. Кароматов томонидан махсус ўрганилганлиги учун бу мавзуга алоҳида тўхталмаймиз.¹ Қуръони Каримни зоҳирий маънода шарҳлаш (тафсир) билан биргаликда унинг ботиний маъноларини изоҳлаш (таъвил) ҳам алоҳида илм даражасида юксалди.²

Ҳали тасаввуф (демакки, мажоз) адабиёти ўз такомиллигига етмасдан, яъни X асрдаёқ Ибн Синонинг асарлари мажозий услубда ёзилишининг ўзи мусулмон Шарқи адабиётида образли фикрлаш ва сўзлашнинг ўрнини кўрсатиб беради. Бироқ Ибн Синонинг “Ҳайй ибн Яқзон” (“Уйғоқ ўғли Тирик”) ва “Тайр қиссаси” (“Қуш қиссаси”), “Саломон ва Ибсол” каби фалсафий қиссалари зоҳиран шарқона қиссалар эса-да, ботинан юнон фалсафий тафаккури таъсирида эди. У ўз таржимаи ҳолида таъкидлаганидек, юнон фалсафасини ҳам у жуда эрта ўрганади.³

“Ҳайй ибн Яқзон” қиссасининг тили, услуби жуда оғир. Бунинг сабабини Ғарб олимларидан Меҳрон “Ибн Сино бу рисоаларни ўзининг энг яқин шогирдлари учун ёзган”, деб изоҳлайди.⁴ Ушбу қиссада асарнинг бош қаҳрамонлари муаллиф ва унинг суҳбатдоши – Ҳайй ибн Яқзон – юнон мутафаккирлари фикри бўйича, коинотдаги илк яратик – логосдир. Мусулмон Шарқи фалсафасига Ақли Аввал, Руҳи Аввал тарзида сингган бу яратикни Ибн Сино ўзининг ушбу фалсафий асарига бош қаҳрамон этиб танлайди ва уни Уйғоқ ўғли Тирик, Ақли фаол номлари билан атади.

Асарда Ҳайй ибн Яқзон ўзининг саёхатчи эканлигини, хунари дунё кезиш бўлганини айтади ва муаллифга бир қанча маслаҳатлар беради. Жумладан, унинг биринчи маслаҳати фаросат (мантиқ) илмини эгаллаш ва бу илмнинг фойдаси нақд илмлардан деб баҳолаш бўлади. Ҳайй ибн Яқзоннинг бу маслаҳати асарда ўқ чизикдай ўтган. Қиссада муаллиф мантиқ илмини ҳаёт чашмасига ҳам ўхшатиб, унинг сувидан ичган зот Баҳри муҳитда чўкмайди, жазирамада куймайди, музликларда қотмайди, дейди. Бу фикри билан Ибн Сино ўз фалсафий қарашларида мантиқни (рационал билишни) биринчи ўринга қўйишини кўрсатмоқда. Шундан сўнг Ҳайй Ибн Яқзон муаллифни, аввало, ёнидаги учта (олдидаги, ўнгидаги ва сўлидаги) ошноларидан эҳтиёт бўлишга чорлайди. Бу ошноларни Ибн Сино фалсафий қиссаларининг тадқиқотчиси, адабиётшунос олим А. Ирисов “ички ва ташқи сезгилар” деб номлайди.⁵

Ҳайй ибн Яқзон муаллифга ўзи билган нарсаларни ҳикоя қилиб беради. Ушбу ҳикоялар борлиқнинг яратилиши “онтология” ва инсоннинг билиш муаммолари “генесиология” билан боғлиқки, бу фикрларнинг барчасида юнон фалсафаси, жумладан, Афлотун ва

¹ Бу ҳақда қаранг: Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993.

² Бу ҳақда қаранг: Эркинов А. Алишер Навоий “Ҳамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари: Фил. фан. докт. ... дисс.– Тошкент, 1998. – Б. 33-34.

³ Ибн Сино Абу Али. Шеърлар ва тиббий дoston. – Тошкент: ЎзКПМК нашриёти, 1981. – Б.11.

⁴ Ибн Сино Абу Али. Саломон ва Ибсол. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б.13.

⁵ Ибн Сино Абу Али. Кўрсатилган асар - Б.118.

Арастуниг таъсирини сезиш мумкин. Бироқ бу таълимотни Ибн Сино ўз ўқувчисига образли тил билан баён қилади. Жумладан, коинот жисмлари ва қаватлари мамлакатларга, иқлим, денгиз ва дарёларга, инсон руҳиятидаги ҳолатлар ҳайвон ва афсонавий жонзотларга ўхшатишган. Одам руҳиятидаги сезгилар турли лавозимдаги ходимларга қиёсланганки, бу каби ўхшатишлар асарни фалсафий тезис ҳолидан образли тил билан сўзлайдиган бадий асар даражасига кўтарган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Қисса охирида Ҳайй ибн Яқзон барча яратикнинг подшоҳини таърифлаб, уни ҳеч кимга ўхшамайдиган, ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ, васфини баён этишга тиллар ожиз бўлган зот деб таърифлайди. Асар “Истасанг, менга эргаш, сени унга олиб борайин” деган жумла билан яқунланади. Кўринадики, бу ерда гап Тангри ҳақида бормоқда, лекин Ибн Сино унга тасаввуф таълимоти таълим берганидек, “ўзликни англаб”, “ахлоқни поклаб” эмас, балки, рационал билимларни эгаллаб, дунёни англаш орқали, яъни фаол ақл ёрдамида боришни таъкидламоқда.

Ибн Синонинг яна бир асари “Тайр қиссаси” (“Қуш қиссаси”) деб номланади. Асар сюжетида тасвирланишича, бир гуруҳ қушлар нафс илинжида тузоққа тушиб қолишади. Кўкда учиб юрган озод қушлар ёрдамида қанотлари ва бўйниларидаги тузоқдан қутуладилар. Бироқ оёқларидаги тузоқ ҳалқаларидан халос бўла олмайдилар. Улар тузоқ ҳалқаларидан озод бўлиш умидида ва овчилардан қочиб, парвоз этадилар. Шу тахлит саккизта баланд тоғдан учиб ўтишади. Саккизинчи тоғдан кейинги гўзал бир водийда донлаб юрган қушлардан адолатли подшоҳнинг дарагини эшитиб, унинг саройига борадилар. Унга дардларини айтдилар. Подшоҳ “Оёқларингиздаги тузоқни уни қўйган кишидан бўлак ҳеч ким еча олмайди. Мен унга бир элчи юбораман. Элчи Сизларни тузоқдан қутқаришни овчидан илтимос қилади. Хурсанд бўлиб тарқалинглар” дейди.¹ Бизнинг фикримизча, ушбу қиссанинг тўлиқ ва аниқ изоҳини Ибн Синонинг диний, илмий ва фалсафий қарашларидан излаш керак.

“Ибн Сино фикрига кўра, барча мавжудотнинг асоси ва ибтидоси “вужуди вожиб”, яъни Тангридир. Вужуди вожиб – бу биринчи моҳият, жавҳар”.² Олам ва ундаги жами мавжудот, жумладан, инсон ҳам бу моҳият, жавҳардан босқичма-босқич эманация (таназзулот) йўналишида яратилган. (Мавзудан бироз четга чиқиб бўлса-да шуни айтиш жоизки, тасаввуф таълимотида Ибн ал-Арабий асослаган “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотининг илк куртакларини биз айнан Ибн Сино фалсафий дунёқарашида кўришимиз мумкин.)³ “Ибн Сино тушунчасида билимларни чуқур ўрганиш орқали Худони билиш мумкин, деган фикр ётади. У мавжуд билимларни эгаллаган инсонгина ҳақиқий мусулмон бўла олади, деб тушунади. Ибн Сино мантиқни илмий билишнинг, мавжудотни ўрганишнинг илмий усули деб билади”.⁴ Демак, юқоридаги билганларимиз, Куръони Каримнинг Ибн Сино бадий ижодига, юнон фалсафасини эса унинг илмий дунёқарашига таъсиридан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулоса чиқаришимиз мумкин:

Қиссадаги қушлар – инсонларнинг руҳлари, уларнинг подшоҳ олдида бориши – Тангри сари сафари ёки кўнгил (қуши)нинг Роббисига илтижоси десак, тўғрироқ бўлади. Асар сюжетидаги қушларнинг сафари Куръони Каримдаги “Ал-Исро” сураси ва меърож ҳақидаги ҳадислар асосида яратилган. Ундаги қушлар ошиб ўтган водийлар – Муҳаммад Расулуллоҳ (с.а.в.) Меърож кечаси босиб ўтган осмоннинг саккизта қаватига ишорадир. Ундан кейинги

¹ Ибн Сино Абу Али. Тайр қиссаси. / Ислом тасаввуфи манбалари. Тўпловчи: Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005 – Б.82.

² Фалсафа. Қомусий луғат. Тошкент: Шарқ, 2004. – Б.140.

³ Бу ҳақда қаранг: Давлатов О. Ибн ал-Арабий ва унинг “ваҳдат ул-вужуд” фалсафаси. Тошкент: Фан, 2008.

⁴ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. №4. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2002. – Б. 55.

серўт, серсув водий – жаннатга, кейинги икки сарой – малакут ва жабарут оламларига муқояса қилинади. Бу оламлар бевосита юнон фалсафаси, янада аниқроқ айтадиган бўлсак, неоплатончи Плотин таълимотига бориб тақалади. Унинг таълимотига биноан, олам Бирликдан – Илоҳий Ибтидодан, унинг тошиб, ўз чегарасидан чиқиб кетишидан пайдо бўлган. Ундан кейин ақл, сўнг эса руҳ яралган. Худди мана шу оламлар билан боғлиқ фикрлар Форобий орқали мусулмон Шарқи фалсафасига кириб келган ва юқоридаги тартибда ўзгаришга учраган. Ўрни келганда, шуни айтиш керакки, айти шу даврда араб дунёсида муътазалийлар воситасида ҳам неоплатончилик тасаввуф таълимоти билан синтезлашаётган эди.¹ Водийда донлаб юрган қушлар эса фаришталар оламидаги малаклар тасвиридир.

Ниҳоят қушлар – кишилар подшоҳ ҳузурига – Тангри даргоҳига етиб борадилар. Ундан оёқларидаги тузоқдан халос бўлиш йўлини сўрайдилар. Шунда подшо оёғингиздаги тузоқни уни қўйган овчидан бошқаси еча олмайди, дейди ва овчига элчи жўнатади. Асардаги овчидан мурод бу дунё, ундаги тузоқ – дунёвий орзу-ҳаваслар, элчи эса – ақл тимсолидир. Яъни ўзлигини маълум маънода англаган кишилар дунёвий орзу-ҳаваслардан бизни қутқар, деб Тангрига илтижо қиладилар. Уларга жавобан Тангри Ақлни юборади. Бу асар ўз маъно-мазмунини билан ақл ва мантиқни аввалги ўринга қўйиб, рационалликни оқласа-да, услуб жиҳатидан Қуръони Каримга яқинлиги ва образли фикрлашда устуворлиги сабабли тасаввуф адабиётининг ривожига катта таъсир кўрсатди.

Ибн Синонинг яна бир фалсафий асари “Саломон ва Ибсол” тасаввуфий фикрлар таъсирида яратилган бўлиб, унинг сюжети қуйидагича: Саломон исмли бир подшоҳ бўлиб, унинг Ибсол исмли укаси ақлу камол ва ҳусну жамолда етук йигит бўлиб етишади. Бундан хабардор бўлган янгаси – Саломоннинг хотини ўзи тарбиялаб вояга етказган Ибсолга кўнгил қўяди. Ва унга етишиш учун турли ҳийла-найранглари ишлатади. Лекин Ибсол унинг тузоғига тушмайди. Янгасидан узоқроқ бўлиш ниятида фотиҳлик йўлига кириб, турли юртларни забт этади. Охири, Ибсол саройга қайтиб келгач, унга етолмаслигини билган янгаси қайнисини ўлдирмоқчи бўлади ва сарой ошпази ҳамда унинг ёрдамчиси кўмагида ниятига етишади. Шундан сўнг Саломон бу суиқасдни англаб қолади ҳамда хотини ва унинг ёрдамчиларини қатл эттиради.

Бу рисола билан Ибн Сино фалсафа оламида кўп асрлик баҳс бўлмиш – руҳ, ақл, нафс ва уларнинг жангу жадали масаласига ўз муносабатини билдиради. Мутафаккир Саломонни – инсон руҳига, унинг укаси Ибсолни – ақлга, Саломоннинг хотинини эса – нафсга қиёслади. Унинг Ибсолни ўлдиришга ёрдамлашган икки мулозимини – сарой ошпази ва унинг ёрдамчиси – “Ҳайй ибн Яқзон”даги “ёмон ошнолар” билан ва “Тайр қиссаси”даги қушларнинг қаноти, оёғи ва бошларига тушган тузоқлар айнан бир нарсанинг, яъни нафснинг уч кўриниши – шаҳват, ғазаб ва истак майлларининг тимсолидир.

Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи “Ишорот ва танбеҳот” рисоласида қуйидаги фикрни билдирган: Агар қулоғингга чалинган бўлса, эшитганларинг орасида “Саломон ва Ибсол” қиссаси сенга ёқиб қолган, шуни билгилки, агар ирфон аҳлидан бўлсанг, Саломон сенинг ўзинг учун тўқилган масал, Ибсол маърифатдаги даражанг ҳақида тўқилган масалдир. Агар кучинг етса, шу рамзни ечгин”.²

Юқорида айтганимиздек, биз таҳлил қилаётган асарлар шунчаки бадий асар бўлмай, фалсафий қиссалар сирасига киради. Демак, муаллиф бу қиссалар орқали ўз илмий-фалсафий қарашларини намоён қилмоқда. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, аввалги икки қисса ақлни илк ўринга қўйиши билан аҳамиятли. Кейингиси эса инсон руҳиятини

¹ Бу ҳақда қаранг: Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 27-28.

² Ибн Сино Абу Али. Ишорот ва танбеҳот. – ЎзР ФАШИ Қўлёзмалар фонди. Инд №2213. – 11-б варақ.

илк ўринга қўяди. Демак, бу асарлар ёзилиши оралиғида муаллифнинг фикри, дунёқараши қандайдир таъсирга учраган ва ўзгарган. Бу таъсир Ибн Сино асарларидаги образлар учун ҳам аҳамиятли бўлгани боис дастлаб ушбу таъсирнинг қандай ва ким томонидан берилганлигига тўхталиб ўтамиз.

Маълумки, Ибн Синонинг фалсафий тафаккури шаклланиши жараёнида (яъни ёшлигида) унинг атрофи (Бухоро ва Хоразм)да тасаввуфий муҳит бўлмаган. Мавжуд илмий муҳит фақат дунёвий ва шаръий илмлар атрофида бўлган. Демак, “Ҳайй Ибн Яқзон” ва “Тайр қиссаси” асарлари мана шу билим ва таассуротлар асосида яратилган. Ибн Синонинг Ҳамадонга ва умуман, Эрон заминига қилган сафари уни тасаввуф илми билан таништирди. Бу ҳақда, айниқса, сўфий олимлардан Шайх Абусаид Абулхайр Мейхений (967 – 1049) билан учрашуви, у билан қилган турли мунозаралари ҳақида тасаввуфга оид бир қатор тазкираларда маълумотлар учрайди.¹ Бу илмнинг таъсири ва сўфийлар билан бўлган мунозаралар натижаси даҳо ижодкор онгига ўз инъикосини кўрсатиши табиий эди. Айнан мана шу таъсирлар самараси ўлароқ, кейинчалик Ибн Сино инсон руҳиятини ақлдан-да устун қўйиб, “Саломон ва Ибсол”дан ташқари “Ишорат ва танбеҳот” асарида ориф инсон ҳақида ўз фикру мулоҳазаларини баён этиб, махсус бир боб яратди. Асарда муаллиф тасаввуф таълимотини тан олибгина қолмай, орифлар ва уларнинг мартабалари, ирфон даражалари тўғрисида мутасаввуф олимлардан кам бўлмаган мушоҳадаларини баён этган.²

Тасаввуф адабиётининг бу даврдаги вакили, Ибн Синонинг кичик замондоши Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийдир. Уни тасаввуф оламида ҳам ислоҳотчи сифатида билишади. Сабаби, у тасаввуф фалсафасини ислом динининг калом ва тафсир илмлари билан яқинлаштирди. Бу ҳақда нафосатшунос олим А.Шернинг қуйидаги фикри ўринлидир: “... Тасаввуф назариясини фалсафа даражасига кўтарган аллома «Хужжат ул ислом» Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғазоллийдир... у сўфийлик ғояларини тарғиб қилар экан, уларни шариат аҳкомлари билан уйғунлаштириб юборишга ҳаракат қиларди”.³

Ғаззолийнинг илмий асарларида образли фикрлаш, тимсоллар тили билан сўзлаш унсурларини кўплаб учратишимиз мумкин. Жумладан, унинг “Кимёи саодат” асаридаги “Олам тузилиши баёнида” фаслидаги қуйидаги сатрларга эътибор берайлик: “Кавокиб ва табойиъ (табиат) ва фалакул кавокибнинг буржлариким, тақсим этилгандур ўн икки қисмға. Ва Аршким, булардан муғайирроқдур (бошқача, ғаройиброқ), мисоли подшоҳнинг хужраи хоси бўлғайким, вазир ул хужрада ўлтургай. Ва бул хужранинг атрофида равоқи бўлғайким ва ҳар тоқида ул вазирнинг ноиби ўлтургай. Ва етти нақибсувор бу ўн икки тоқнинг атрофидан айлангай. Бу нақиблар (рахбарга яқинлар) вазирнинг ноиблари фармонидадур. Ва тўрт пиёда камонандоз бу етти нақибдан йироқроқ мунтазир турурларки, ҳазрат подшоҳдан нечук фармон еткусидур. Ва тўрт каманд – арқонни бу тўрт пиёдаға берибдурлар, токим фармон тақозоси бирла баъзисини подшоҳ даргоҳига тортарлар ва баъзисини йироқ қилурлар”.⁴ Кўрганимиздек, Ғаззолий бу ерда Аршни – подшоҳнинг хужраи хоси, осмон буржларини – ўн икки равоқда ўтиргувчи вазирнинг ноиблари, осмоннинг етти қаватини - етти нақибсувор, тўрт унсурни – тўрт камонандоз тимсолида тасвирлаган. Яна ушбу асарда инсон вужудини – бир мамлакатга, дилни – унинг подшоҳига, қолган аъзоларни унинг аъён ва мулозимларига қиёс қилса⁵, одам баданидаги

¹ Бу ҳақда қаранг: Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 87-88; Қориев М. Ибн Сино. Тошкент: Шарқ, 1995 – Б. 175-177.

² Бу ҳақда қаранг: Ибн Сино Абу Али. Ишорат ва танбеҳот. – Душанбе: Ирфон, 1980.

³ Шер Абдулла. Тасаввуф, Ғаззолий ва гўзаллик фалсафаси. // Соғлом авлод. – Тошкент, 2002. – №2. – Б.12-21.

⁴ Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимёи саодат. - Тошкент: Адолат, 2005 - Б.80.

⁵ Ғаззолий Абу Ҳомид. Кўрсатилган асар. – Б. 35-40.

шаҳватни – тўнғизга, ғазабни – итга, ақлни фаришталарга ўхшатади.¹ Бу фикрлар юқорида кўриб ўтганимиз Ибн Синонинг “Ҳайй Ибн Яқзон” рисоласидаги тасвирларга оҳангдош.

Демак, Ғаззолий “Тағофил ал-фалосифа” асарида Форобий ва Ибн Синони юнон фалсафаси таъсирида, деб танқид қилган бўлса-да, ўзи ҳам рамзий тимсолларни қўллашда Ибн Синонинг таъсирида эканлигини кўрамиз. Бу борада олим М.Маҳмудов тўғри таъкидлаган: “Жумладан, Форобий ва Ибн Сино ҳам руҳ камолоти босқичлари ҳақида фикр юритиб, ўсимликлар руҳи, ҳайвонот руҳи, инсоний руҳ деб, фаришталар руҳи ва илоҳий руҳ деб тасниф қиладилар”.²

Биз қуйида Имом Ғаззолий Ибн Синонинг “Тайр қиссаси”га жавоб тарзида битган “Рисолат ат-тайр” асарини кўриб чиқамиз.

Асар сюжети бизга “Тайр қиссаси”ни эслатади. Унда тасвирланишича, бир тўда қушлар ўзларига подшоҳ излайдилар. Бу вазифага Ғарб томондаги ярим оролларда яшайдиган Анқони лойиқ деб топадилар. Қушлар Подшога ғойибона мурожаат қилиб, “Сени қаердан излайлик?” деб сўрашганларида. У “Сизнинг мақсадларингиз учун тараф йўқ” деб қушларни йўлдан қайтармоқчи бўлади. Бироқ изловчи қушларга бу каби истиғнолар акстаъсир қилади – улар аввалгидан-да кучлироқ шахд билан йўлда давом этадилар. Қушларнинг йўлларида турли машаққат, баланд тоғлар, ғарқ қилувчи денгизлар, шиддатли иссиқ, қаттиқ совуқлар учрайди. *Ихтиёр, изтирор* (ноиложлик, чорасизлик) каби водийлардан ўтадилар. Кўплари ҳалок бўладилар. Ниҳоят уларнинг маълум қисмига висол насиб этади – улар ниятларига этадилар. Шунда қушлар Анқодан бу манзилга етолмай, йўлда қолиб кетганларнинг тақдирини сўрайдилар. Анқо Қуръони Карим ояти билан жавоб беради: “Аллоҳ йўлида ўлганларни ўлик деб атаманг, балки улар тириклардир, Сизлар сезмайсизлар.”(Бақара сураси 154-оят)³

Адабиётшунос олим Ш. Шариповнинг фикрича, “... унинг (Ғаззолийнинг – таъкид бизники З.М.) “Рисолат ут-тайр” асари ўз ғоявий мазмуни билан ва фалсафий концепцияси жиҳатидан Ибн Синонинг шу номли рисоласида илгари сурган фикрларига зид бўлиб, унга раддия сифатида вужудга келган,”⁴ Ш. Шариповнинг бу фикрида жон бор. Зеро, ҳар иккала асар сюжетига назар ташлайдиган бўлсак, бу фарқни яққол кўрамиз. “Тайр қиссаси”да да қушлар овчидан қочадилар ва тасодифан подшоҳ даргоҳига бориб, Уни учратадилар. Подшоҳдан ҳам улар ўзлари учун керакли нарсани – овчи тузоғи қолдигидан қандай қутулишни сўрайдилар. Ғаззолийнинг асарида эса қушлар подшоҳнинг ўзини талаб қилиб борадилар: “Улардан баъзилари Ҳазрати Олийга яқинлашдилар. Шунда Ҳазрат:

– Менинг хузуримга Сизларни нима ҳозир қилди? - деди.

– Сенинг қулинг бўлиш учун ҳозир бўлдик, - дедилар”.⁵

Демак, Ғаззолий бу асарда тасаввуфий фикрни қушлар – инсонларнинг руҳлари ўз подшоҳи (Аллоҳ)га интилиши керак, Уни излаб, тасаввуф водийлари узра сафар қилмоғлари лозим, деган фикрни илгари суради.

Кўрганимиздек, Ибн Синонинг фалсафий рисолаларида рамзий тимсоллар, асосан, муаллиф фикрини “ёмон кўздан” яшириш учун хизмат қилади. Сабаби, Ибн Сино бу рисолаларни фақат шогирдлари ва яқин кишилари учун ёзган бўлиб, уни омма тушунишини зарур, деб

¹ Ғаззолий Абу Ҳомид. Кўрсатилган асар. – Б. 42-46.

² Ғаззолий Абу Ҳомид. Кўрсатилган асар. – Б.29-30.

³ Ал-Ғаззолий ҳужжат ул ислом Абу Ҳомид Муҳаммад. Рисолат ут-тайр. / Мажмуат ул-рисола. (Араб тилида.) Курдистон. Ҳиж. 1328. ЎзФАШИ инв № 13262.- Саҳ. 536.

⁴ Шарипов Ш. Алишер Навоий “Лисон ут тайр” достонининг генезиси ва ғоявий-бадий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1982. – Б. 15.

⁵ Ал-Ғаззолий ҳужжат ул ислом Абу Ҳомид Муҳаммад. – Рисолат ут-тайр. (Араб тилида) / Мажмуат ул-рисола. Курдистон. Ҳиж. 1328. ЎзРФАШИ инв № 13262. – Саҳ. 536.

ҳисобламаган. Имом Ғаззолийнинг асарларида эса тимсоллар, аскинча, ўқувчининг асарни яхшироқ тушуниши учун хизмат этган. Биз таҳлил қилган рисолада Ғаззолий Ибн Сино асарининг сюжети ва образларини мутлақо янги ғояга сафарбар қилдирди – тасаввуфий қисса яратди. Бироқ бу қиссалар орасида яна бир ўхшашлик бор эди, бу ҳам бўлса - ҳар икки файласуфнинг рамзий қиссаларида бадиийлик омили иккинчи даражали ҳисобланади, яъни у асарда етакчилик қилмади. Образлар фақат муаллифнинг фикрини баён этиш учун хизмат қилди. Яъни бу асарлар бадиий – фалсафий асарлар эмас, балки фалсафий - бадиий рисолалардир.

Тасаввуфнинг ривожланиши натижасида, таълимот нафақат тасаввуфнинг мағзини баён этадиган назарий-фалсафий рисолалар ва самоъ мажлисларида ижро этиладиган шеър ва рубойларга, балки катта-катта бадиий асарларга ҳам эҳтиёж сеза бошлади. Профессор Е.Э.Бертельс тасаввуфий ҳикоятчилик тарихини Абу Ҳасан Ҳараконийдан бошлайди. Унинг “Нур ул-улум” рисоласида рамзий тил билан баён қилинган Мусо алайҳиссалом, каптар ва лочин ҳақидаги ҳикоятни шарҳлайди. Ҳараконийнинг шогирди, пири Хуросон номи билан машҳур шайх, фақиҳ ва муҳаддис олим Абдуллоҳ Ансорийдир. “Табақот ас-суфийа”, “Манозил ус-сойирин” ҳамда “Муножот” каби асарларни унга нисбат берадилар. “Манозил ус-сойирин” асарида руҳнинг тўрт манзили ҳақида сўз боради.

Абдуллоҳ Ансорийнинг шогирди Санойй тасаввуф адабиётининг форс тилидаги дастлабки ижодкорларидандир. Унинг “Ҳадиқат ул-ҳақойиқ” ҳамда “Сайр ул-ибод ва илал-маод” асарлари мавжуд бўлиб, сўфийлик адабиётининг ривожига ҳар иккаласининг ўрни аҳамиятлидир. “Ҳадиқат ул-ҳақойиқ” достони тасаввуфнинг дидактик йўналишдаги адабиётини бошлаб берган бўлса, “Сайр ул-ибод ва илал-маод” рамзий-аллегорик йўналишдаги адабиёт ривожига муносиб таъсир ўтказди.¹ Ушбу асарда мистик “йўл”нинг биз Ибн Синода кўриб ўтганимиз каби бир қанча манзиллари рамзий-аллегорик йўналишда тасвирланган. Унда ҳам худди Ақли аввал каби пир муаллифни руҳни юқорилаш ва қайтиш йўллари билан таништиради.

Ушбу тажрибалар натижасида тасаввуфнинг эпик адабиёти XII-XIII асрда форс тилида янада ривожланди. Бу адабиётнинг етакчи вакилларида бири Фаридиддин Аттор Нишопурийдир. Ушбу буюк мутасаввуф тўғрисида Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида қуйидагича маълумот беради: *“Алар шайх Мажсудиддин Бағдодий (қ.с.)нинг муридидурлар ва “Тазкират ул-авлиё” китобиким, аларнинг мусаннафотидиндир. Анинг дебодчасида Шайх Мажидуддинға иродатларин зоҳир қилибдурлар ва баъзи дебдурларки, увайсий экандурлар ва Мавлоно Жалолуддин Румий қ.с. сўзларида мазкурдурки, Шайх Мансур Ҳаллож нури юз элик йилдин сўнгра Шайх Фаридуддин Аттор руҳиға тажаллий қилди ва онинг мураббийси бўлубдур”*.² Демак, Фаридиддин Аттор зоҳиран Мажидиддин Бағдодийнинг муриди, яъни кубровийлик тариқати вакили бўлса ҳам, ботинан у Мансур Ҳалложнинг “Анал Ҳақ” таълимоти тарафдорларидан эди. Профессор Н.Комиловнинг фикрича, буюк мутасаввуф Фаридиддин Аттор “Ваҳдат ул-вужуд” ғояларини кичик замондоши – Ибн ал-Арабий китоблари ҳали Эрону Хуросонда тарқалмасдан олдин ўз асарларида ифодалаган эди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Фаридиддин Атторни “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотининг асосчиларидан деб ҳисоблаш мумкин.³

¹ Бу ҳақда қаранг: Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – Б. 68-72.

² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2001. Т.17. – Б. 459.

³ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Moʻgʻolnashr – Oʻzbekiston, 2009. – Б. 316; “Ваҳдат ул-вужуд” (араб. жисмоний бирлик) – абадий ягона Аллоҳгина бор деб ҳисобловчи пантеистик таълимот. Бу таълимотга кўра жисмоний олам, предметлар дунёси ҳақиқий эмас, ҳақиқат фақатгина Аллоҳда мужассамлашган, моддий олам Аллоҳнинг нури, шуъласидир. (Ибн Арабий, Муҳаммад Ғаззолий ва б.) Худо бутун борлиқни яратиб туради, деб ҳисоблаганлар. (Ўзбекистон Энциклопедияси. Тошкент: 2001. - № 2. – Б.404.)

Ушбу назариянинг тарғиботи Аттор асарларида, дарҳақиқат, ўқ чизиқ мисол ўтган. Бу ҳақда тасаввуфшунос олим И. Ҳаққул: "... Аттор ваҳдат шаробидан маст, олам ва одам ҳодисотларини ваҳдат шуури ила мушоҳада қилишдан ҳеч четламаган, сўзи ҳам, фикру ифодалари ҳам кашфу илҳомдан туғилган ижодкор эди. Унга кўра, зоҳирий бу олам "кўплик", яъни касратдир. Азалий оламда у Ҳақнинг зоти билан "бир" эди. Ажралиш ва кўплик йўқ эди. Зоҳирий олам бир оташ – алангадан юзага келган тутун янглиғдир. Коинотда Бирдан бошқасини кўрмаганлар, ваҳдат дарёсига чўмганлар ва ишқ оловида ёнганлар ҳисобланади."¹ дейди.

Атторнинг тасаввуфий ғояларга асосланган "Мушибатнома", "Илоҳийнома", "Уштурнома", "Тазкират ул-авлиё", "Мантиқ ут-тайр" каби бадиий асарлар ёзганлигини Навоий "Лисон ут-тайр" достонида алоҳида таъкидлаган. Аттор ижодини тадқиқ этар экан, шарқшунос олим Ҳ. Риттер "Ислом қомуси" китобидаги "Аттор" мақоласида уни уч босқичга ажратади: "... Биринчи даврда у шеъриятнинг барча санъатларини яхши билувчи устоз ҳикоячи санъаткор сифатида кўринади. Аттор чаржавали (ҳошияловчи) ҳикоятли маснавийлардаги сон-саноксиз жажжи ривоятларга тасаввуфий маъноларни сингдира олган буюк маҳорат эгасидир. Иккинчи даврда ижодий режа ва тартибга унчалик риоя қилмайди... Шу давр изидан учинчи давр – ихтиёр, яъни қарилик даври етиб келади. Бу даврда шоирнинг ҳаяжонлари шиддати сўниб, асарларидаги ижодий режа тартиб ва сокинлиги кўринади."²

Аттор ижодида Шарқ адабиётида, хусусан, ҳикоятчилигида ривожланган образлар тасаввуфий маънода бор бўй-басти билан намоён бўлади. Биз бу ўринда файласуф адиб ижодининг Ҳ.Риттер ҳаяжонли ва серзавқ деб баҳолаган иккинчи даврига мансуб "Илоҳийнома" асаридаги образларни таҳлил қилмоқчимиз.

"Илоҳийнома" – бу маънавий дoston ҳам бир қамровли ҳикоя ва бир қанча кичик ҳикоятлардан ташкил топган... Асосий ҳикоя тўқимасига сингдирилган кичик ҳикояларда Аттор зуҳдий ва тасаввуфий мавзулардан баҳс этади.³ Ушбу асар ҳақида Алишер Навоий "Лисон ут-тайр" да:

*Чун рақам айлаб "Илоҳийнома"ни,
Ваҳйига айлаб муҳаррир хомани.
Шарҳи асрори илоҳи айлабон,
Халқ аро шарҳин камоҳи айлабон⁴*

деб баҳо беради. Яъни Навоий маънавий устозининг бу асарини жуда муболағали равишда илоҳиётдан ваҳий сифатида қабул қилди ва илоҳиёт сирлари билан халқни таништирди, демокда. Демак, асар илоҳиётдан, илоҳий асрорлардан баҳс қилади. Бироқ унинг сюжети жуда оддий. Қолиповчи ҳикояда тасвирланишича, бир подшоҳнинг олти ўғли бўлади. Подшоҳ уларнинг ҳар бирини алоҳида чақириб, ўзлари учун энг қадрли нарса нима эканлигини сўрайди. Ўғиллар жавоб беришади. Подшоҳ уларнинг ҳар бир жавобига ўз муносабатини билдирар экан, ўғилларига гоҳ оталик насиҳати билан панд берса, гоҳ дўст бўлиб фикрлашади. Саволларига жавоб қайтаради. Уларни қайсидир маънода тарбиялайди,

¹ Ҳаққул И. Кўнгил кимёси. Сўзбоши. / Аттор Шайх Фаридуддин. Илоҳийнома. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Мусиқа, 2007. – Б.10-11.

² Риттер Ҳ. Фано эмас, бақо қайғуси. (Фаридуддин Аттор) Таржимон: Маҳкам Маҳмуд / Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Тузувчи: Жўраев З. – Тошкент: Адолат, 1994. – Б. 63-64.

³ Комилов Н., Маҳмудов М. Фаридуддин Аттор маънавий мероси. Сўзбоши. // Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр. Насрий баёни. Таржимонлар: Комилов Н., Маҳмудов М – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 8.

⁴ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2001. Т. 12. – Б. 29.

фикрларини ижобий томонга ўзгартиришга ҳаракат қилади. Бу сюжет кўпгина Шарқ эртаклари, афсона ва ривоятларида учрайди.¹ Лекин ўз мақсадига эришиш учун Аттор унга тасаввуфий маъно юклайди. Ушбу маънони асарнинг аввалидаги “Рухга мурожаат” бобида кўрамиз. Аттор рухга мурожаат қилиб, дейди: “Сен ҳам шоҳсан, ҳам халифа, безаволсан ва боқийсан. Сенинг асосингда олти белги бор, аммо уларнинг ҳар бири бир жаҳон – алоҳида бир олам. Ҳар бири – бир соҳибқирон, бир қудрат.

Бири нафс бўлиб, унинг жойи сезги аъзоларидир.

Бири нафси аммора (шайтоний нафс) бўлиб, зиддиятлар, нифоқ шундандир.

Бири ақлдир, у мувофиқликни, мантиқни бошқаради.

Бири илмдир, маълумот, билим тўплаш билан банд.

Бири фақрдир, фано-йўқлик истар ҳамиша.

Бири тавҳиддир, Ягона зот истар ва Унга интилар доим.² Демак, “Илоҳийнома”даги ота образи рух, унинг олти фарзанди – инсон руҳиятининг олти асосидир.

Достонда подшоҳнинг биринчи ўғли – парилар подшосининг қизига ошиқ бўлганини ва унга етишиш нияти борлигини айтади. Бунга жавобан

*Атоси дедиким, шаҳватпарастсен,
Ки шаҳват зўри бирлан маст-аластсен³.*

Бу билан подшо шаҳватни қоралаб, бир қанча ҳикоятлар айтади. Демак, руҳнинг биринчи асоси – инсон баданидаги сезгилар – ҳайвон ва инсонларга бирдек хос бўлган емоқ-ичмоқ ҳамда жимоъ қилмоқ майлларини бошқаради. Шунинг учун унинг орзуси фақат шу бўлади. Рух эса унинг бу ниятини инкор этади. Юқорида кўрганимиз Ибн Синонинг “Ҳайй Ибн Яқзон” қиссасида нафснинг бу тури – сезгилар – ёмон ошноларга, Ғаззолийнинг “Кимёи саодат”ида эса тўнғизга қиёсланади. Иккинчи ўғилнинг нияти:

*Не истасам, ўшанга топсам имкон,
Юритсам еру кўкда амру фармон,⁴*

дейди. Ота унинг фикрини кескин инкор этади ва бу йўлдан қайтишга тарғиб қилиб, “Бир хотин шаҳзодага ошиқ бўлгани”, “Сулаймон алайҳиссалом ва чумоли ҳикояти” каби бир қанча ривоятлар келтириб, насиҳат қилгач:

*Агар шайтонинг ул бўлса мусулмон,
Бўлур сеҳринг фикҳу, қуфринг имон,⁵*

деб маслаҳат беради. Бу ўғил – тасаввуф таълимоти қоралаган – нафси амморанинг рамзий тимсоли бўлиб, Ибн Сино тасвирлаган “ёмон ошнолар”нинг бири, Ғаззолийда эса ит қиёфасида келган. Тасаввуф таълимоти бу нафсни тарбиялаб, нафси комила (софийа) ҳолига келтиришни маслаҳат беради.

¹ Қаранг: Уч оға-ини ботирлар. / Булбулиғўё. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б. 84-94.

² Аттор Фаридуддин. Илоҳийнома. Насрий таржима. Талқин ва тафсир (амалга оширувчи Нажмиддин Комилов). – Тошкент: Ёзувчи, 1994. – Б.7.

³ Аттор Шайх Фаридуддин. Илоҳийнома. Форсийдан Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 51.

⁴ Аттор Шайх Фаридуддин. Кўрсатилган асар. – Б. 127.

⁵ Аттор Шайх Фаридуддин. Илоҳийнома. Форсийдан Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 187.

Учинчи ўғил – жаҳонни кўрсатувчи жом борлигини эшитганини айтади ва унга соҳиб бўлмоқ ниятини билдиради. Муаллифнинг қиёси бўйича бу ўғил – инсондаги ақлнинг рамзий тимсоли бўлиб, у оламни бутунлай қамраб, англаб олишни хоҳлайди. Бироқ ота – рух ўғлининг бу ниятини амалпарастликка мойиллик деб, уни оқламайди, унинг жаҳонни билиши ўзига кибр олиб келишини, ажал келгач эса унинг билганлари барибир фойда қилмаслигини айтади. Бу ғоя умумтасаввуфдаги илми зоҳирнинг инсон камолига сабаб бўлмаслиги ҳақидаги фикрларга ҳамоҳангдир.

Тўртинчи ўғил абадият сувида даъвогардир. Муаллифнинг изоҳи бўйича у – инсондаги илм эгаллашга бўлган хоҳишнинг рамзий тимсоли бўлиб келган. Ибн Сино ҳам илмни қайнаб турган чашмага ўхшатади.

*Атоси деди: истак бўлди ғолиб,
Дилинг умри абадга бўлди толиб...*

*Агар бир зарра сидқинг бўлса, ул дам
Бўларди истагинг сенга мусаллам.¹*

Эътибор берадиган бўлсак, ота унинг ниятини инкор қилмаяпти, балки бу йўлда саботлироқ бўлишга чорлаяпти, холос. Одатдагидай, бир қанча ҳикоятлар билан насиҳат қилар экан, отаси:

*Илм сориға юрсанг, тўғри тут йўл,
Агарда чалғисанг, шайтон этар ул,²*

деб ҳам огоҳлантиради.

Бешинчи ўғил асарда дунёдаги фонийликларга интилишнинг рамзи бўлиб келади. У Сулаймон узугини хоҳлаётганини айтади. Отаси эса унга – фоний хоҳишларни қўй, “тиларсен, давлати боқий ҳавас қил”, дейди.

Олтинчи ўғил – илми кимёга талабгор. У инсон руҳиятидаги Яратганга интилишнинг табиий майлидир. Отаси аввал унинг талабини ҳирсу ҳавасдан иборат деб рад этади. Кейин унга бир қанча насиҳатлар беради. Яъни унга кимё илмини ўргангандан кўра, ўзингдаги кимёни кашф эт, деб уқтиради. Бу фикр умумтасаввуфдаги Худони ташқаридан эмас, ўзингдан, ўз дунёнгдан излагин, деган ғоядан озиқланган.

Умуман, бу асарда бир қанча тимсоллар – нафс, сезгилар, рух, илм, ақл каби фалсафий тушунчалар образли тарзда тасвирланади.

Тасаввуф адабиётининг Аттордан кейинги улуғ вакилларида бири Мавлоно Жалолiddин Румий ҳисобланади. Унинг шеърлар тўпламидан иборат “Девони кабир” (“Катта девон”), муаллиф суҳбатларидан иборат насрда битилган “Фийҳи мо фийҳи” (“Ичиндаги ичиндадир”), замондошларига ёзган мактубларидан иборат “Мактубот” ва “Мавойизи мажолиси сабъа” (“Етти мажлис ваъзлари”) каби асарлари илмий жамоатчиликка маълум.³ Бироқ уни дунёга машҳур қилган улуғ асари - 6 жилддан иборат “Маснавийи маънавий” бўлиб, бу асар тасаввуф назариясининг улкан қўлланмаси бўлиши билан биргаликда тасаввуф адабиётининг гўзал намунаси ҳамдир. Шогирди ва муриди Хусомиддин Чалабийнинг илтимосига кўра ёзилган ушбу буюк асарда Румий салафларининг анъанасини давом

¹ Аттор Шайх Фаридуддин. Кўрсатилган асар. – Б. 236-237.

² Аттор Шайх Фаридуддин. Кўрсатилган асар. – Б. 255.

³ Бу ҳақда қаранг: Маънавият денгизи. Сўзбоши. Ориф Усмон. / Маснавийи маънавий. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 10.

эттиради, яъни 25.685 байтдан иборат асарда муқаддима сифатида келган “очувчи” ҳикоя ва ундан сўнг кўпгина ҳикоятлар берилади. 18 байтдан иборат бўлган бу муқаддиманинг моҳияти най ноласи ва унинг сабабини тасвирлашдан иборатдир. Ушбу ҳикоятга биноан, ноланинг сабаби – унинг қамишзордан кесиб келтирилганлиги, яъни ўз аслидан жудо қилинганлигидандир. Бу инсоннинг ваҳдат оламидаги асоси ва ундан жудо бўлиши, яъни касрат оламига – Ерюзига туширилиши билан боғлиқ ривоятнинг тасаввуфона талқинидир. Шунинг учун ҳам бу ҳикоят кўпгина сўфий ижодкорларнинг қизиқишларига сабаб бўлган. “Жумладан, “Нақшбандий шайхлардан Жомий ва Мулло Яқуб Чархий “Маснавий” ибтидоси - най ва найистон хусусида шарҳлар ёзганлар”.¹ Шоир Асқар Маҳкам “Маснавийи маънавий” куллиётининг 1-китобини Обиддин Пошшонинг шарҳи билан таржима қилган. Унда ҳам муқаддима – “Найнома” ҳикоятига, айниқса, унинг биринчи байтига алоҳида эътибор қаратиладик, буни унга тўрт саҳифа ажратилганлигидан ҳам кўришимиз мумкин: “Мазкур байтда орифнинг, комил инсоннинг найга нисбатан ташбеҳ бўлишига жуда кўп муносабатлар мавжуд. Улардан баъзиларини эслаб кўйиш ўринлидир: биринчидан, най, одатда, қамишдан ясалади. Қамиш кесилмасдан бурун доимо нашъу намода ҳаёт кечиради. Кесилгандан сўнг қурийдик. Комил инсоннинг руҳи ҳам арвоҳ оламида (руҳлар дунёсида) бениҳоят маънавий лаззатлар ичида яшайди. Ғаддор ва қуп-қуруқ бўлган дунёга келгач, айни зилол сувдек руҳлар оламидан жудо бўлади, гуё сувсизликдан адо бўлади. Иккинчидан, найдан ошиқона, лаззатбахш садолар таралади: ориф инсондан ҳам ошиқона ва орифона сўзлар зухур этади. Учунчидан, най ноласи тингловчи ишқини зиёда айлайди. Орифнинг ҳам калимот, ҳикмат ва оёти тингловчилар ишқини ошириб, қалбини алам ва изтиробдан озод этади...”² Демак, Обиддин Пошшо найни – комил ва ориф инсон тимсолида шарҳлаган.

«Найнома»дан кейин Румий:

*Тинглангиз, дўстлар, мен айтай дoston,
Филҳақиқат ҳолимиз бўлгай аён,*

дейди ва бошқа ҳикояларга ўтади. Бу сатрдан кўринадик, асар сўфий инсоннинг ҳоли, унинг одам ва илоҳ, одам ва олам, инсон ва жамият, руҳ ва жисм, ботин ва зоҳир, фано ва бақо кабилар тўғрисидаги фикрларидан, туйғуларидан, баҳсларидан иборат дostonдир.

“Маснавий”даги ҳикоятларда Румий лирик чекинишлар орқали ўқувчига ўз фалсафий фикрларини баён этади. Баъзан бир ҳикоят орасида бошқаларига ўтиб кетиш ҳолатлари, гоҳида эса ҳикоятга фалсафий яқун ясаб, унинг сюжетини чала қолдириш ҳоллари ҳам учрайдики, бундай ҳолатлар муаллиф учун ҳикоятнинг якунидан кўра ундан келиб чиқадиган фалсафий хулосалар муҳимроқ эканлигини кўрсатади.

“Маснавий”да Қуръони Каримдан оятлар шарҳланади, ҳадислардан намуналар изоҳланади, ундаги ҳикоятларда “Калила ва Димна”, Ғаззолийнинг “Иҳйа ал-улум ад-дин”, Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”, “Мантиқ ут-тайр” ва, айниқса, Румийни мафтун этган “Асрорнома” асарларидан, халқ оғзаки ижоди ва бошқа манбалардан фойдаланган эсада, муаллиф уларни шунчаки қайта ҳикоя қилмайди, балки уларнинг барчасига орифона – тасаввуфона маъно юклайди. Бу ҳақда эронлик румийшунос олим Истеъломий шундай ёзади: “... Мавлоно бирон бир ҳикоятни орифона маънолар учун асос қилиб олган ҳолда, исмлар сўзлар ва барча бўлаклари билан маъно оламига етаклайди. Натижада, ҳикоядаги шаҳару қишлоқлар номи ҳам янги маъно касб этади.... “Тўти ва тожир” номли машҳур

¹ Истеъломий М. Мавлоно Жалолiddин Муҳаммад Балхий. – Техрон: 2001. – Б. 80.

² Румий Жалолiddин. Маънавийи маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб. (Таржима шарҳи билан.) Таржимон: Асқар Маҳкам. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 23.

қиссада тўти ҳақидаги қиссани Ҳақ ошиқлари ҳақидаги қиссага айлантириб, Мавлоно “овози ваҳийдан келган тўти”дан гапириб кетади. Аслида эса у тўти эмас, балки “Борлиқдан олдин бор бўлган” (Биринчи дафтар, 1727-байт), Ҳаққа етишган кишидир.¹ Мавлоно баъзи ҳикоятларни, ундаги тимсолларнинг сўфиёна маъноларини ўзи шарҳлайди. Бир аъробий ва унинг хотини ҳақидаги 1-дафтарда келтирилган қиссада эр – ақл, хотин – нафс, Подшоҳ – Аллоҳ, кўзадаги сув – дунё неъматини, моли, амали, давлати, эрнинг бир кўза сувни Подшоҳга олиб бориши – ақлнинг нафс йўлига юриб, бу дунё неъматини Тангрига гуё тухфа этмоқчи бўлиши, Подшоҳнинг арабнинг кўзасини қабул қилиши ва олтинга тўлдириб қайтариши – Тангри карами, Дажла дарёси – Ҳақ даргоҳи маъноларида келишини муаллифнинг ўзи шарҳлайди.² Бироқ бу каби шарҳлар жуда кам эди ва оддий ўқувчига Мавлоно фалсафий байтларининг аксарияти барибир тушунарсиз эди. Шунинг учун “Маснавий”га бир қанча шарҳлар ёзилди. Дастлаб Мавлононинг ўғли – Султон Валад ва муаллифнинг муридлари уни “Маснавий”хонларга шарҳлаб берган бўлсалар, кейинчалик илмий жамоатчиликка маълум бўлган биринчи шарҳни XIV асрда Камолиддин Хусайн Хоразмий ёзган. Сўнгроқ “Маснавий”га шарҳ тариқасида ёзилган “Мабдаи нур” асарини XVII асрда яшаб, ижод этган ўзбек шоири Бобораҳим Машрабга нисбат беришади. Биз ушбу тадқиқотда шундай шарҳлардан бири бўлмиш XIX асрда Хоразмда яшаган Шайх Одина Муҳаммад Хоразмийнинг “Мифтоҳул-асрор” номли китобидан фойдаландик. Ушбу муаллиф “Подшоҳнинг бир канизакка ошиқ бўлиб, уни сотиб олгани ҳикояти”даги тимсолларни қуйидагича шарҳлайди: канизакни даволаган ҳозиқ табиб – ҳақиқат илмига ошно инсон, сарой табиблари эса – тақлидчи, даъвогарлар.³ Ёки “Баққол ва унинг тўтиси” ҳақидаги ҳикоятдаги баққолнинг тўтиси – муқаллид, кўчада учраган дарвеш – муҳаққиқ.⁴ Умуман, Шайх Одина Муҳаммад “Маснавий”нинг уч дафтарига шарҳ ёзган бўлса, муқаллид ва муҳаққиқ ҳақидаги фикр бутун шарҳ давомида ўқ илдиздай ўтган. Бу ҳам Румийни англашнинг ўзига хос услуби эди.

Тасаввуфнинг лирик адабиётида шаклланган *май*, *майхона*, *соқий*, *ринд*, *тарсо*, *муғбача* каби образлардан фарқли равишда Ибн Сино ижоди ва ундан таъсирланган тасаввуфнинг эпик адабиётида нафс, руҳ ва ақл ҳамда уларнинг мунозараси мавзуси Румийгача турли тимсол ва услубларда куйланди. Румий “Маснавийи маънавий”сининг ғояси – бошловчи ҳикоясининг ҳам асосини ушбу мунозара ташкил этади. Бироқ ҳатто Аттор ижодидан фарқли равишда ҳам “Маснавий” ҳикоятларида образлар бирдан сезиларли даражада кўпайди ва анча мураккаблашди. Масалан, у “Арслон ва Товушқон қиссаси”да Арслон тимсолида жидду жаҳдни ёқлайдиган қадарийлар ва ўрмон ҳайвонлари тимсолида таваккулни ёқлайдиган қавмнинг мунозарасини ифода этган.⁵ Биз ушбу тадқиқотда бу тимсолларга батафсил тўхталмадик. Ишимизнинг мақсадидан келиб чиқиб, фақат таъкидлаш билан чекландик.

XV аср Ҳирот адабий муҳитида кўпгина илм ва санъат турлари қатори тасаввуф илми ва адабиёти ҳам ривожланди. Зеро, бу давр ҳақида жомийшунос олим Жаъфар Холмўминов: “XV асрга келиб, ислом минтиқа маънавиятининг 700 йиллик тажрибалари Мовароуннаҳр ва Хуросонда ўзининг энг юксак натижаларини намоён этди. Бу даврга келиб, тасаввуф жамиятнинг туб илдизларига кириб борди, суфиёна шеърият билан биргаликда ирфон

¹ Румий Жалолиддин. Кўрсатилган асар. – Б. 66.

² Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Meriyus, 2010. – Б. 96-97.

³ Хоразмий Шайх Одина Муҳаммад. Мифтоҳ ул асрор. Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Мусиқа, 2006 – Б. 107-111.

⁴ Хоразмий Шайх Одина Муҳаммад. Кўрсатилган асар. – Б.111-127.

⁵ Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий. 1- китоб. Форсийдан Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, – 2005. – Б. 92-133.

фалсафаси ҳам ўзининг энг юксак чўққисига кўтарилди”¹, деганида ҳақли эди. Бу жараёнда ўша давр темурий ҳукмдорларининг пири ҳисобланмиш нақшбандия тариқати муршидларидан бири, мутафаккир файласуф ва даҳо ижодкор Абдурахмон Жомийнинг ўрни аҳамиятлидир.

Навоий ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида устози Жомийнинг: “Фотиҳат ул-шабоб”, “Воситат ул-икд” ва “Хотимат ул-ҳаёт” каби девонлари, “Ҳафт авранг” тўпламида жамланган “Тухфат ул-аҳрор”, “Силсилат ул-заҳаб”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун”, “Хирадномаи Искандарий”, “Суҳбат ул-аҳрор” ҳамда “Саломон ва Абсол” каби дostonлари мавжудлигини айтиб ўтади.² Айтиш жоизки, Навоийнинг фалсафий дунёқарашида ва асарларининг ёзилишида Жомийнинг ўрни беқиёс бўлган.³

“Саломон ва Абсол” қиссаси мана шундай тасаввуф адабиётининг рамзий тасвирлаш мотиви жо бўлган гўзал намунаси. Жомий Ибн Сино ижодида ишланган Саломон ва Абсол асарига ўзгартиш киритади. Натижада, асар сюжети қуйидагича бўлди:

Бир юртнинг подшоҳи шаҳватга яқинлашмайдиган покиза фарзанд кўриш орзуси борлигини айтади. Бироқ сарой ҳакими бунинг иложи йўқлигини, инсон зоти борки, унда албатта шаҳват бўлиши табиийлигини айтиб, унга эътироз бидиради. Лекин подшоҳ бу талабида қатъий туриб олгач, ҳаким илми билан онасиз ўғил фарзанд яралади. Фарзанд гўдаклигидаёқ жуда гўзал ва баркамол бўлади. Унга Саломон деб исм қўйишади ва болани Абсол исми бокира қизнинг қўлига тарбиялаш учун топширишади. Энага бола тарбиясига жуда масъулият билан ёндашади. Оқибатда бола жуда тез камол топади. Бироқ Саломон ўн олти ёшга киргач, уни кўрган Абсол ўзи тарбиялаган болага ошиқ бўлиб қолади ва кўпгина ҳийлалар қилгач, охири унинг васлига етишади. Саломон ҳам энди Абсолсиз ўзини бир дақиқа ҳам тасаввур эта олмас эди. Бу муҳаббатдан хабардор бўлган подшоҳ ва ҳаким унга бу ишқни тарк этиш ҳақида насиҳат қилишади. Бироқ Саломонга бу насиҳат акс таъсир қилади: у Абсолни олиб, отасининг салтанатидан қочиб кетади. Севишганлар мовий денгиз оша бир гўзал оролга бош олиб кетишади ва у ерда танҳоликда, муҳтожликда бўлса-да, бахтиёр яшайдилар. Ўғлининг қочиб кетганидан хабар топган ота ойнайи жаҳоннамо орқали унинг қаердалигини билиб олгач, Саломон ва Абсолни салтанатига қайтариб олиб келади. Яна Саломонга ота ва сарой ҳакими ишқнинг зарари, гўзалларнинг ҳийласи ҳақида насиҳат қилишади. Маломатларга чидолмаган севишганлар бу сафар саҳрога бош олиб кетишади. У ерда катта гулхан ёқиб, Саломон ва Абсол қўл ушлашганча, оловга кирадилар. Саломон оловдан саломат чиқади, бироқ Абсол гулханда ёниб кетганди. Саломон бу ҳижронга чидай олмай, анча қийналади, фироқда нола чекади. Бироқ сарой ҳакими унга аста-секин таъсир этиб, бошқа бир гўзалга – Зухрага кўнглини мойил этади. Вақт ўтиши билан Саломон Абсолни бутунлай унутиб, Зухрага шайдо бўлади. Подшоҳ ҳам салтанатини Саломонга топширади. Дoston сўнггида муаллиф “Бу қиссадан мурод фақат ҳикоя қилиш эмас, балки мақсад бошқа маънода ва у баён этилади, шунга ишора” сарлавҳали боб киритади ва унда ўз мақсадини ўқувчисига билдиради. Ушбу бобда жумладан, Жомий дostonидаги образларига автошарҳ беради:

*Аслида хаёлдир зангори денгиз,
Хаёлотнинг эса қамрови чексиз...*

¹ Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 9.

² Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2001. Т. 17. – Б. 481.

³ Бу ҳақда қаранг: Навоий Алишер. Ҳамсат ул мутаҳҳайрин. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1999. Т.15.

*Не эди у оташ – оғир машаққат,
Табиатни ёқиб кул қилур фақат...
Ким эди ул Зухра – юксак камолот,
Саломонга қайта бахш этди ҳаёт...¹*

Сўнг Жомий ва бу шарҳлар тугал эмаслигини, асардаги қолган образларнинг жумбоғини ечиш ўқувчига ҳавола эканлигини айтади:

*Мужмал айтиб ўтдим Сизларга, аммо,
Ечилмай қолди бу сирли муаммо.
Ким агар фикр этиб ўйласа узоқ,
Шунда ечилур бу қадимий жумбоқ.²*

Демак, муаллиф достонидаги бошқа рамзий образларнинг маъноларини англашни ҳар бир ўқувчининг шахсий фикри ва дидига ҳавола этади. Биз ҳам бу тимсоллар тўғрисидаги ўз мулоҳазамиз баён этишга журъат этдик. Асардаги подшо – ақл тимсоли. Юқорида кўриб ўтганимиз Ибн Сино, Имом Ғаззолий каби файласуф адибларнинг асарларида ҳам вужудни мамлакатга, ақлни унинг подшоҳига қиёс қилганлар. Ҳаким эса – Пири комил тимсолидир. Пири комил ички сезги – интуиция орқали ақлга шаҳватсиз инсон бўлмаслиги ва шу кабиларни англашга ҳаракат қилади. Саломон – инсон руҳининг, Абсол эса нафснинг тимсоли. Чунки нафс руҳни тарбиялаб камолга етказишини, кейин эса унга ошиқ бўлиб, йўлдан уришга интилиши кўпгина фалсафий-ирфоний (шу жумладан, Ибн Синонинг “Саломон ва Ибсол”ида ҳам) асарларда акс этган. Достондаги зангори денгиз - хаёл тимсоли эканлигини муаллифнинг ўзи шарҳлагани ҳолда, ундаги севишганлар қочиб борган оролни бекорчиликда ўтган умрга ёки нафс йўлида қилинган бемаъни ишларга қиёслаш мумкин.

Саҳродаги олов – машаққат ёки тариқат йўлидаги риёзат бўладиган бўлса, саҳронинг ўзи тариқат йўлига кириш ёки иродат қўлини муршидга топширишдир. Саломоннинг янги маъшуқаси Зухра – юксак камолот рамзи эканлигини англадик, у Саломон – инсон руҳига янги ҳаёт – маънавий гўзал ва баркамол ҳаёт бахш этади.

Демак, достоннинг бизнинг талқинимиздаги яширин сюжети қуйидача бўлади: Пири комил руҳнинг мукамал бўлмаслиги ҳақидаги фикрига қарши ақл унинг камолотига шахд қилади. Бироқ нафс – ақлнинг баркамол деб ўйлаган руҳини ҳам йўлдан оздиради. Ақл уни ўз йўлига солишга кўп уринади. Лекин руҳ (инсон) ақлнинг эмас, нафснинг йўлига юришни, у билан умрини бемаъниликда ўтказишни маъкул кўради. Ақл ҳам инсонни тўғри йўлга бошлашдан, нафснинг ёмонлигини таъкидлашдан чарчамайди. Ниҳоят, руҳ унинг йўлига юриб, пири комил этагини тутади. Нафсини риёзат оловида ёндиришга мажбур бўлади. Бироқунинг ожизлигини қарангки, шунда ҳам у нафсдан кўнгил узмайди. Ана шунда инсон руҳиятига Пири комил ёрдамга келади. У камолотни инсон руҳига аста-секинлик билан сингдиради. Шундан кейин инсон вужудининг подшоҳи – ақл мамнуният билан ўз ҳукмронлигини комил руҳиятга топширади. Бу достон ҳақида жомийшунос олим Жаъфар Холмўминов қуйидаги фикрни билдиради: “Қадимги юнон афсона ва ривоятлари асосида вужудга келган ва Шарқ адабиётида илк бор Абу Али Ибн Сино томонидан фалсафий-ахлоқий қисса шаклига келтирилган бу достон Жомий талқинида фалсафий-ирфоний оҳанг касб этади. Яъни бу асар ҳам тасаввуфий-ирфоний асар, аммо биринчи навбатда, бадиият

¹ Жомий Абдурахмон. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол. / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи: А. Қаюмов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 223.

² Жомий Абдурахмон. Кўрсатилган асар. – Б. 223.

либосидаги манзум (шеърӣ) асар ҳисобланади. Унинг фалсафий-ирфоний жавҳари рамзу тамсиллар ичида яширинган.

Эронлик олима Заҳро Мунҳожий Жомийнинг “Саломон ва Абсол” достонини форс адабиётининг ирфоний-тамсилий достончиликдаги ўрнини аниқлаб, уни Атторнинг “Мантиқут-тайр” достони ва Мавлавийнинг “Маснавий”сидан кейин учинчи ўринга қўяди”.¹

1.2. Навоийгача бўлган туркий мумтоз адабиётда рамзий образлар

“Қутадғу билиг” – “Саодатга элтувчи билим” ҳозирча илмий жамоатчиликка маълум бўлган илк туркий тилдаги фалсафий-дидактик ва ахлоқий достондир. Асар Қорахонийлар ҳукмдори Табғач Буғрохонга бағишланган бўлиб, унда Юсуф хос Ҳожиб, асосан, ўзининг давлат бошқаришга, ҳукмдорнинг халқ билан, халқнинг ҳукмдор билан муомаласи, оила аъзолари, болалар тарбияси ва ҳоказоларга тааллуқли фикрларини баён қилган.

Унинг сюжети қуйидагича: Ҳукмдор Кунтуғдиннинг илмга, маърифатга муҳаббати, олим ва фозил одамларни тўплаб, уларга ҳомийлик қилаётганини эшитган Ойтўлди унинг ҳузурига етиб келади ва саройга қабул қилинади. Ойтўлдиннинг ҳаёти шундан кейин тез орада тугалланади ва унинг ўрнига ўғли Ўғдулмиш майдонга чиқади. Асардаги қаҳрамонларнинг ўзаро мунозараси асносида турли ҳаётий зарур масалалар бир-бирига боғлаб баён қилинади ҳамда ягона бир мақсадга бўйсундирилади. Ҳар бир бобда маълум масала баён қилинади, баён тугагач, яқунловчи бир байт келтирилади, сўнг *шоир сўзини эшит, доно нима дейди, билимли бундай дейди* каби хитоблар билан тўртлик келтирилади ва фикр шу билан хулосаланади.

Достоннинг тўртала бош қаҳрамони рамзий бўлиб, уларни муаллифнинг ўзи шарҳлайди:

*Бу Кунтуғди Элиг тедим сўз баши,
Тузуниг айайин, эй эзгу киши.
Баса айдим эмди бу Айтўлдини,
Анингдин яриюр изуқ қут қуни.
Бу Кунтуғди тегли турур ул кўни,
Бу Айтўлди тегли қут ул кўр ани.
Баса айдим эмди кўр Ўғдулмишиг,
Ўқуш ати ул безутур кишиг.
Анингда(н) бабаси бу Ўзғурмиш ул,
Муни афият теб ўзум йўрмиш ул.*

Мазмуни:

*Бу Кунтуғди Элиг дедим сўз боши,
Сабабин этайин, эй эзгу киши.
Яна айтдим энди бу Ойтўлдини,
Ёрир у туфайли бу давлат қуни.
Бу Кунтуғди деган адолат эрур,
Бу Ойтўлди деган – давлат эрур.
Яна айтдим Ўғдулмиш отини кўр,
Заковат отидир, кишиин юксатур.
Унингдан бўлиги бу Ўзғурмиш ул,
Уни офият деб йўриш келди қўл.²*

Асарнинг “Ойтўлди элигга давлат сифатини кўрсатади” бобида қаҳрамон ўзининг давлат

¹ Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 23-24.

² Хос Ҳожиб Юсуф. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 112-113.

ва қут (бахт) тимсоли эканлигини айтади.¹ Бу билан Юсуф Хос Ҳожиб ойнинг гоҳ тўлиб, гоҳ камайиши давлатнинг доимо мустаҳкам турмаслиги – омонатлигига ҳам ишора қилади.

“Кунтуғди элиг Ойтўлдига адл сифатларини айтади” бобида Кунтуғди ўзининг адолат тимсоли эканлигини айтади ва буни қуйидаги предметлар орқали изоҳлайди:

Кунтуғди ўтирган кумуш курси – у уч айрилик бўлиб, бу унинг асоси мустаҳкам эканлигининг рамзи. Яъни адолатнинг асоси мустаҳкам бўлади.

У қўлида улкан пичоқ тутган. Пичоқ унинг феълининг ўткирлигига, кескирлигига ишора.

Чап ёнида уроғун (бир хил дори) – ёмонликларга жазо.

Ўнг ёнидаги шакар – яхшиликларга мукофот рамзларидир.² Демак, Кунтуғдининг (“кун”, “офтоб”, “күёш”) – адолат тимсоли бўлиб келгани адабиётимиздаги одил шоҳ тимсолининг такомиллигига хизмат қилган. Ўғдулмиш – (ақли расо) ақл тимсоли бўлиб, вазирнинг ўғли, кейинчалик вазир. Ушбу тимсол орқали адолат ва давлатга ақлнинг доимо ҳамроҳ бўлиши кераклиги кўзда тутилган. Ўзғурмиш (уйғонган) – қаноат тимсоли бўлиб, дунё ишларидан зуҳду тақвони афзал кўрган дарвеш тимсолида намоён бўлган.

Кўринадики, муаллиф асарда нафақат дунё ишидан, балки бу тимсол орқали зуҳду тоат, қаноатнинг афзаллиги тўғрисида ҳам ўз фикрларида баён қилади. Жумладан, Ўзғурмиш ўзини саройга хизматга таклиф этган Кунтуғдига тўрт тилаги борлигини айтади. Булар қуйидагилар: нуқсонсиз тириклик, қариликсиз йигитлик, касалсиз эсон (омонлик) ва камчиликсиз бойлик.³ Бироқ айтилган пайтда у ўзини зиёрат қилишга келган Ўғдулмиш – вазирга “Халққа хизмат қилмоқ дарвешлар зиёратидан афзал” деган мазмунда маслаҳат беради. Хуллас, Юсуф Хос Ҳожиб ақл адолат билан бирга халққа хизмат қилмоғи керак, бироқ қаноат ҳам бир-икки дарвеш каби улус учун зиён қилмайди, демоқчи бўлади. Ўзғурмишнинг уйғоқ зот эканлиги ҳам унинг Ҳақни таниган инсон эканлигига ишоратдир.

Маълумки, Юсуф Хос Ҳожиб даврида тасаввуф дастлабки кўринишда, яъни зоҳидлик кўринишида куртак ёйганди. Шунинг учун Юсуфнинг дарвешлиги зоҳид бўлиши табиий эди. Бироқ, унинг маърифатли эканлиги Ўзғурмишнинг шунчаки зоҳид эмас, дарвеш дейишимизга асос бўлади. Унинг юқоридаги тўрт тилаги шаҳзода Сиддхарта Гаутама – Будданинг тахтни эгаллаб, юртга бош бўлишга таклиф қилганларга қарата айтган жавобининг айнан ўзи эканлиги⁴ ўша даврда энди шаклланаётган туркий тасаввуфда буддизм таълимотининг таъсири борлигини англатади. Асарда биз юқорида айтиб ўтган рамзлардан ташқари яхши сўзни – ипакка, ёмон (қўпол, нораво) сўзни – тиканга қиёслаш ҳам учрайдики, бу асарда рамзийлик ундаги етакчи адабий унсурлардан дейишимизга асос бўлади.

Туркий ёзма ёдгорликлар орасида Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” деб номланган насрий асарида ҳам бир қатор рамзий тимсоллар берилган ва шу сабабли биз бу асар ҳақида ҳам тўхталиб ўтишга қарор қилдик. Асар муқаддимасида айтилишича, обида Хоразмда Работ ўғуз деган жойнинг қозиси Бурҳониддин ўғли Носируддин томонидан мусулмон динини қабул қилган мўғул бекларидан ҳисобланган Носируддин Тўқбуғанинг илтимосига кўра, ҳижрий 709 (милодий 1309-1310) йилда ёзилган.⁵ “Қисса” пайғамбарлар тўғрисидаги илк туркий тазкира бўлганлиги билан аҳамиятлидир. Унга асос қилиб муаллиф, албатта, Қуръони Каримда келтирилган бир қатор

¹ Хос Ҳожиб Юсуф. Кўрсатилган асар. – Б.152-165.

² Хос Ҳожиб Юсуф. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 169-171.

³ Хос Ҳожиб Юсуф. Кўрсатилган асар. – Б.575.

⁴ Ландау Ж. Будда қиссаси. Инглиз тилидан Жамол Камол таржимаси. // Сирли олам. 1991. – № 1. – Б. 48.

⁵ Фозилов Э. Сўзбоши. / Рабғузий Носируддин Бурҳониддин. Қисаси Рабғузий. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 6

ривоятларни олади. Қуръонда бўлмаган тафсилотларни бошқа ривоятлардан, Абу Исҳоқ Нишопурийнинг “Қисас ул-анбиё”сидан, исломга оид китоблардан келтиради.¹ Асар бадий адабиёт намунаси сифатида ҳам аҳамиятлидир. Сабаби унда тафсирлар, ҳикоятлар оддий баёнчилик услубида бўлмай, образли тилда сўзлайдиган бадий асар талабларига жавоб берадиган ҳолда яратилган. Бу ҳақда адабиётшунос олим И. Остонақулов қуйидагиларни ёзади: “Қисаси Рабғузий” – бошдан-оёқ бир сюжет чизиғига эга бўлмаган асар. Ўттиз уч пайғамбар, тўрт саҳоба, етти тарихий шахс ва адабий қаҳрамонлар тўғрисидаги мустақил қиссалардан иборат бир неча ҳикоят ва ривоятлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир мустақил ҳикоят ёки ривоят мазмун жиҳатидан асосий қиссага боғланади.”² Асардаги шундай образли ифодалардан бири ундаги рамзий тимсолларидир. Жумладан, асардаги “Нуҳ ялавоч қиссаси”да айтилишича, Нуҳ тўфонда кема тешилиб қолади. Илон кулча бўлиб тешикни беркитади. Ва бу ёрдами учун Нуҳ а.с. унга дунёдаги “энг тотли эт” ейиш учун рухсат беради. Тўфон тингач, “энг тотли эт” нималигини татиб кўриб, аниқлаб келиш учун арини юборишади. У келавермагач, қалдирғоч уни излаб кетади. Йўлда арини кўрган қалдирғоч ундан ниманинг гўшти ширин эканлигини сўрайди. Ари одамнинг гўшти энг ширин эканлигини айтади. Қалдирғоч ҳийла билан арининг тилини чўқиб олади ва натижада унинг гапига ҳеч ким тушунмайди. Қалдирғоч эса арининг сўзларини гўё таржима қилгандек бўлиб, энг ширин гўшт қурбақанинг гўшти эканлигини айтади. Ваъда бўйича илонга қурбақа гўшти буюрилади.³

Бу ривоятнинг таъсири натижасида қалдирғоч нафақат адабиётимизда, балки халқимиз орасида ҳам “дўст” рамзига айланди. Унинг одамлар уйига келиб ин қўйишини ҳам ушбу ривоятга йўядилар. Ушбу асарнинг “Сулаймон қиссаси”даги “Сулаймон ва қаринча” ривоятида тимсолларга бундан-да оғир бадий юк юклатилади. Унда Сулаймон – ҳукмронлик ва такаббурлик, чумоли (қаринча) – хокисорлик ва донишмандлик рамзи сифатида гавдаланади. Ривоятда айтилишича, Сулаймон (а.с)га чумолиларнинг улуғи қуйидагича саволлар беради:

- Сен Тангридан нимани сўрадинг?
- Ҳеч кимда бўлмайдиган даражада қўп мулким бўлишини сўрадим.
- Бу тилакдан ҳасаднинг иси келяпти. Яна нима тиладинг?
- Шамол сўрадим, менга бўйсундирди. Уни миниб, бир ойлик йўлни бир кунда босиб ўтаман.
- Ундан кўра маърифат уловини сўрасанг бўларди. Кўз очиб-юмгунча Аршга бориб-келардинг. Яна нима сўрадинг?
- Учар қушларга бошим узра соя қилишларини буюришини сўрадим.
- Кўкнинг соябонлиги сенга етмасмиди? Яна нима берди?
- Бир узук бердики, унинг шарофатидан жами махлуқот менга бўйсунарлар.
- Бу билан Тангри еру кўк, маърибу машриқни сенга бердим. Унинг баҳоси бир кесак тошча демоқчи, халойиқ билсинларки, унинг баҳоси йўқ. (камбаҳо)...⁴ Ушбу мунозарадан “мазкур қиссалар тасаввуфнинг амалиётига хизмат қилувчи асарлар”⁵ эканлигини кўришимиз билан биргаликда асар туркий адабиётдаги рамзий тимсоллар қўлланадиган ва бадий жиҳатдан бақувват асарлар қаторига кирганлигининг гувоҳи бўламиз. Ушбу асар туркий

¹ Ўзбек адабиёти тарихи. I том. Тошкент: Фан, 1977. – Б.180.

² Остонақулов И. Қисас ар-Рабғузий. Фил.фан. ном.дисс. ... Автореферат. – Тошкент: 1993. – Б. 9.

³ Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б. 43-44.

⁴ Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Кўрсатилган асар. – Б. 36.

⁵ Остонақулов И. Қисас ар-Рабғузий – адабий асар. Фил.фан. ном.дисс. ... Автореферат. – Тошкент: 1993. – Б. 7.

адабиётда илк маротаба тимсолларнинг тасаввуфий маънода аксланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқотимизнинг биринчи бобига қуйидагича хулосалар чиқариш мумкин:

1. Биз Ибн Синонинг бадий ижодида Куръони Карим орқали ислом фалсафасини, Форобий орқали юнон мутафаккирлари таълимотини ҳамда эронлик сўфийлар орқали қисман тасаввуф фалсафасининг таъсирини кўрдик. Биз кўриб ўтган қиссалардан аввалги иккитаси “Ҳайй ибн Яқзон” ҳамда “Тайр қиссаси”нинг ғояси юнон фалсафий тафаккури таъсирида яратилган. “Саломон ва Абсол”да эса тасаввуф таълимотининг таъсирини кўрамиз. Ушбу фикрлар қиссалардаги тимсолларга ҳам тааллуқли бўлибгина қолмай, нафс, жон ва ақл тимсоллари Ибн Сино ижодидаёқ бир бутун тизим сифатида шаклланган эди.

2. Ибн Сино ўз рисоаларини фақат шогирдлари ва яқин кишилари учун ёзган бўлиб, уни омма тушунишини зарур деб ҳисобламаган. Имом Ғаззолийнинг асарларида эса тимсоллар, аксинча, ўқувчи асарни яхшироқ тушуниши учун хизмат қилган. Ғаззолий ўз асарларида Ибн Сино қўллаган тимсолларни система сифатида айнан сақланиб қолди ва муаллиф уни мутлақо янги ғояга – тасаввуф таълимотига хизмат қилдиради. Лекин улар ҳали ҳам асосан муаллифнинг фикрини ўқувчига яққолроқ ифода этиш учун хизмат қилган бўлиб, асарда бадийлик омили биринчи ўринга чиқмади. Яъни бу асарлар бадий-фалсафий эмас, балки фалсафий-бадий асарлар эди.

3. Ибн Сино ва Ғаззолийдан фарқли равишда Аттор ижодида ҳикоятлар назмий тизмаларга солинди. Бу унинг бадийлик факторини кучайтиради. Зеро, ўрта асрлар адабиётшунослигида насрга қараганда назмнинг ўрни анча катта бўлган.¹ Шарқ адабиётининг “Калила ва Димна”, “Минг бир кеча” каби бадий асарларида тажрибадан ўтказилган ҳикоят ичида ҳикоят услуби жонлантирилди. Образлар қуюқлашди. Ҳикоятлар ва образлардан фалсафий-тасаввуфий маънолар чиқариш кучайди. Бадий фактор – шеърӣ санъатлар, образлилик ва ҳоказолар ривожланди.

4. Ибн Сино ижоди ва ундан таъсирланган тасаввуфнинг эпик адабиётида нафс, руҳ ва ақл ҳамда уларнинг мунозараси мавзуси Румийгача турли тимсол ва услубларда куйланди. Румий “Маснавийи маънавий”сининг ғояси – бошловчи ҳикоясининг ҳам асосини ушбу мунозара ташкил этади. Бироқ ҳатто Аттор ижодидан фарқли равишда “Маснавий” ҳикоятларида образлар бирдан сезиларли даражада кўпайди ва анча мураккаблашди. Бу ҳолат асарнинг нафақат фалсафий жиҳатдан мураккаблашувига, балки бадий қувватининг ошишига ҳам сабаб бўлди.

5. Тасаввуф адабиётидаги рамзий образлар Румий ижодида сон жиҳатидан кўпайгани ва сифат жиҳатидан такомиллашганлиги Румийнинг мухлиси ва шарҳловчиси (“Найнома”) Абдураҳмон Жомий ижодига таъсир этмай қолмади, албатта. Бироқ биз унинг «Саломон ва Абсол» достонида Аттор анъанасининг давомини кўрдик. Сабаби, дoston ҳажман кичик, унда битта воқеа (“Илоҳийнома”, “Булбулнома”, “Гумгумнома” каби) баён этилади. Гарчи сюжет кичик ҳикоятлар билан бойитилган бўлса-да, у дostonнинг асл воқеасидан чалғитмайди. Жомий Аттор анъанасини ихчам ифода ва фалсафий мулоҳазаларнинг аниқлиги каби новаторлик билан бойитди.

6. “Кутадғу билиг” достонидаги рамзий тимсоллар: Кунтуғди – подшоҳ – адолат; Олтўлди – вазир – бойлик (қут); Ўгдулмиш – вазирнинг ўғли, кейинчалик вазир – ақл; Ўзғурмиш – дарвеш – қаноат тимсолларида келиши исломдан кейинги, айтиш мумкинки, дунёвий адабиётдаги илк рамзий тимсоллар системаси сифатида қўлланилганлиги аниқланди.

¹ Бу ҳақда қаранг: Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1991. Т.7. – Б. 57.

Ўзғурмиш тимсолининг қаноат рамзи эканлиги туркий адабиётдаги илк тасаввуфий тимсол бўлиб келганлигини кўрсатади.

7. Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асаридаги ҳикоятларда тасвирланган қалдирғоч – дўст, илон – душман, чумоли – камтарин, донишманд каби рамзий тимсоллар ўзидан кейинги халқ одатлари ва ёзма адабиётга катта таъсир ўтказди. “Қиссаси Рабғузий” илк бор яхлит ҳолдаги тасаввуфий мазмунни акс эттирган асар эканлиги сабабли гарчи бир бутун система ҳолида бўлмаса ҳам, ундаги рамзий тимсоллар туркий адабиётда илк бор тасаввуфий маънони акс эттирган образлар мажмуи, деб хулоса чиқаришимизга сабаб бўлди.

8. Шу давргача бўлган рамзий тимсолларни тизим сифатида қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

а) инсон руҳияти билан боғлиқ рамзлар. Ақл, нафс ва руҳни мамлакатлар ва иқлимлар, инсон хусусиятлари эса турли ҳайвонлар (тўнғиз, ит) тимсолида талқин этилган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу тимсоллар Ибн Сино асарларидаёқ бир бутун система шаклини олган эди;

б) ҳайвонлар, қушлар тимсоллари (жонзотлар). Буларга бўри, бургут, оққуш каби тотемистик аҳамиятга молик бўлган тимсоллар ҳамда эчки, тулки, арслон, чумчуқ сингари рамзий аҳамиятга эга тимсоллар мисол бўла олади. Бундай тимсоллар бир қанча масал ва эртакларда бир хил ва бир-бирига яқин вазифани бажариши натижасида муайян маънода рамзлашган. Жумладан, арслон – мардлик, тулки – айёрлик рамзи ва ҳоказо;

в) диний тушунчалар билан боғлиқ рамзлар. Жумладан, “Авестода” тасвирланган Озар ва Атар номлари билан тимсоллашган олов – покляниш рамзи бўлса, навқирон, гўзал қиз тасвирида тасаввур этилган Ардвиссура Анахита – тўлиб оққан дарё, барака рамзи тарзида ифодаланган. Яна Варахран – куч-қудрат, Хаома – ҳаёт дарахти рамзларини ифодалаб келган. Қуръони Карим ва ислом дини билан боғлиқ ривоятлар асосида эса Юсуф – гўзаллик, Зулайхо – ошиқ рамзи, Исо – поклик, Хизр – умрбоқийлик, Айюб – сабр, Абу Бакр – садоқат, Усмон – ҳаё рамзи сифатида ифодаланган.

г) инсоннинг рамз сифатида ифодаланиши. Бунинг мисолини Подшоҳ – Аллоҳ, руҳ ва ақл тимсоларида, Саломон – руҳ, Абсол – нафс ёки ақл, хотин киши – нафс ёки шаҳват тимсолларида гавдаланганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, инсон хусусиятлари ҳам турли ошналар сифатида рамзий тимсол бўлиб қўлланган (Ибн Сино ижодида). Юсуф Хос Ҳожиб ижодида эса подшоҳ – адолат, вазир – давлат, ақл, дарвеш эса – қаноат тимсолларида гавдалантирилган.

II БОБ. “ЛИСОН УТ-ТАЙР” ДОСТОНИДАГИ РАМЗИЙ ОБРАЗЛАРНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

2.1. Худхуд образининг талқини ва ғоявий-бадий хусусиятлари

Бошқа тасаввуфий бадий асарлар сингари Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони ҳам бутунлай тасаввуфий асосга қурилган ва албатта, ундаги образлар ҳам мажозий тимсоллардир. Бу ҳақда тасаввуфшунос олим Н.Комилов: “Худхуд – пир тимсоли бўлса, ўттиз қуш солиқ муридлар тимсолидир. Аттор ва Навоий тасвирлаган етти водий эса солиқ руҳининг етти товланувчи манзараси – Илоҳга восил бўлиш босқичлари, маърифат зиналарини билдириб келади ” деб фикр билдиради.¹ Бу тимсол ҳақида совет даври навоийшунослигида Н.Маллаев, А.Ҳайитметов, В.Зоҳидов, Ш.Шарипов каби бир қатор олимлар томонидан мулоҳазалар айтилган. Бироқ бу каби муносабатлар давр нуқтаи назаридан билдирилган бўлиб, унда образга “Навоийга замондош шайхларнинг аллегорик образи, шоир уларни бу тимсол орқали ўз достонида танқид қилган” деб баҳо бериш каби ноҳолис қараш устунлик қиларди.² Мустақиллик даври адабиётшунослигида ҳам Худхуд тимсолига турли хил қарашлар вужудга келди. Уни пайғамбар ёки ислом дини тимсолларида талқин этиш ҳам кузатилди.³

Биз Худхуд ҳақидаги ўз фикрларимизни айтишдан олдин бу тимсолнинг келиб чиқиш тарихига мурожаат қилсак. Навоийнинг “Лисон ут- тайр” достони генезис нуқтаи назаридан мутафаккир ватандошимиз Ибн Сино (980-1037)нинг “Тайр қиссаси”га бориб тақалишини навоийшунос Ш.Шарипов 1982 йилда нашр этилган рисоласида исботлаб берган.⁴ Ибн Синонинг “Тайр қиссаси”да қушларга ном берилмаган. Уларнинг раҳнамоси ҳам йўқ.

Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий қаламига мансуб “Рисолат ут-тайр” асарида муаллиф қушлар подшоҳининг номини конкретлаштириб, уни Анқо деб атайди. Бу асарда ҳам қушларга йўлбошчи бўлган образ йўқ.

Худхуд образини “Лисон ут-тайр” йўналишидаги дostonларга форс тасаввуф адабиётининг етакчи вакили, шоир ва мутаффакир шайх Фаридуддин Аттор Нишопурий (1119-1229) ўзининг шоҳ асари ҳисобланмиш “Мантиқ ут-тайр”га марказий қаҳрамон сифатида олиб кирди: “Шоирнинг мазкур мавзуни ривожлантиришга қўшган улушини белгиловчи омиллардан яна бири дostonда Худхуд образининг мавжудлиги билан характерланади. Худхуд асарнинг етакчи қаҳрамонларидан бири бўлиб, асарда тасвир этилган барча воқеа-ҳодисалар бевосита унинг фаолияти билан боғлиқ ҳолда берилган... Аттор Худхуд образини ушбу мавзу доирасига олиб кирар экан, биринчи галда у ҳақдаги Шарқ фольклори ва Қуръонда мавжуд (XXVII сура 20-оят) айрим тасаввурларга асосланади.⁵

Қуръони Каримнинг 27-сураси “Намл” (“Чумоли”) деб номланади. Суранинг изоҳида келтирилишича, унда “хусусан, Сулаймон алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг пайғамбари бўлиш билан бирга яна жамийки инсу жин ва паррандаю даррандалар оламига подшоҳ қилинганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади ҳамда у зот билан Сабо мамлакатининг маликаси Билқис ўртасида бўлиб ўтган воқеалар ҳам тасвирланади.”⁶

¹ Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б.162.

² Бу ҳақда қаранг: Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1965. – Б. 572-573.

³ Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. – Тошкент: Ниҳол, 2008. – Б. 63.

⁴ Қаранг: Шарипов Ш. “Лисон ут тайр” дostonининг генезиси ва ғоявий-бадий хусусиятлари. Тошкент: Фан, 1982. – Б.14

⁵ Шарипов Ш. Кўрсатилган асар. – Б. 17.

⁶ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи: шайх Аловуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 2004. – Б. 418.

Маълумки, мана шу сурадаги оятлар асосида Сулаймон ва унинг ел кўтариб учувчи тахти, Сулаймон ва девлар, Сулаймон ва чумоли мавзуларидаги ҳикоятлар Шарқ, жумладан, форс ва туркий халқлар оғзаки ва ёзма адабиётида ҳам ривожланди. Бу туркумдаги ҳикоятлардан яна бири Сулаймон ва Худхуд ҳикоятидир.

Суранинг 20-27 оятларида Худхуд Сулаймон алайҳиссалом билмаган нарсани билгани, яъни Яман мамлакатадаги Сабо шаҳрида Билқис деган малика ҳукмронлик қилишини, унинг катта тахти борлигини ва маликанинг қавми қуёшга сажда қилишини кўрганлигини айтади. Оятда Худхуд ғоят ақлли ва зеҳли қуш тимсолида тасвирланган. Шу боис бу образ форс-тожик ва туркий адабиётда зеҳли, идрокли қуш образи сифатида ифодаланади. Атторман кейин бу образга Мавлоно Жалолиддин Румий мурожаат қилди. Улуғ шоир ва мутафаккир “Маснавийи маънавий”сининг 1-китобида Сулаймон алайҳиссаломнинг Худхуд билан танишуви акс эттирилган ҳикоят бор.¹ Унда барча қушлар Сулаймон (а.с.)га фазилятларини айтиб, ўзларини таништиришади. Шунда:

*Худхуд айтди: ташласам кўкдин назар,
Мен кўрармен хоҳ баланд, хоҳ пастида
Қайда сув бўлса агар ер остида.*

Сулаймон (а.с.) унинг бу хунарини қадрлаб, ўзига йўлдош қилиб олмоқчи бўлади. Бироқ Худхуднинг бу даъвосига Зоғ қарши чиқади ва “Худхуд ер остидаги сувни кўрса, нима учун овчи тузоғини кўрмайди” дейди. Шунда Худхуд:

*Ҳақ – қазо ҳукмига зоғ мункир ўзи,
Ақли комил бўлса ҳам, кофир ўзи...*

*... Мен йироқдин домни кўргум бехато,
Гар кўзим кўр этмаса ҳукми қазо, - ²*

деб жавоб беради. Ушбу ҳикоятдаги мана шу қисқагина савол-жавобда Худхуднинг нафақат оқил, балки имонли зот сифатида акс этганлигини кўришимиз мумкин. Ва аксинча, у ақлли бўлса ҳам, тақдир ҳукмини тан олмаган Зоғни кофирлиги учун танқид қилади. Кўриниб турибдики, мавлоно Жалолиддин Румий Худхуд образини Қуръони Карим оятларидан таъсирланган ҳолда кичик ҳикоят орқали бўлса-да, мукамал талқинда ўқувчига етказган.

Худхуд тимсоли туркий адабиётга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Бунинг яққол мисоли Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” китобидаги Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом бобида намоён бўлади.³ Ушбу бобда Сулаймон алайҳиссаломнинг Худхуд билан мунозараси баён қилинади. Унинг Сулаймон (а.с.) ва Сабо мамлакатининг маликаси Билқис ўртасида воситачилик саргузаштлари келтирилади. Қисса Қуръони Карим оятларига асосланган бўлса-да, кўпгина қўшимча деталлар билан бойитилган. Бунинг натижасида Худхуд образи, ақлли, тадбиркор ва имонли, бироқ анчагина саркаш тимсол сифатида юзага чиқади. Баъзи ўринларда у ҳатто Сулаймон (а.с.)дан ҳам ақллироқ қилиб тасвирланади. Бу ўринда Сулаймон образи адолатли ва оқил подшоҳ, Худхуд тимсоли эса донишманд сўфий образларини кўз олдимишга келтиради.

¹ Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Merijus, 2005. – Б. 45.

² Румий Мавлоно Жалолиддин. Кўрсатилган асар. – Б. 45.

³ Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – Б.47.

Турк адиби Гулшаҳрийнинг “Мантиқ ут-тайр” достони Атторга жавоб тарзида ёзилган илк туркий дoston бўлиб, унда ҳам Худхуд – қушлар йўлбошчиси тимсолида гавдаланади. Муаллиф ушбу дostonда Худхудни ақл тимсоли, деб баҳолайди.¹

Аттор дostonидаги Худхуд образи ҳам “Намл” сураси асосида яратилган. Аттор Худхудни асар дебочасида:

*Марҳабо, Худхуд, ҳақиқат элчиси,
Жумла водийларда қушлар йўлчиси.*

*То Сабо етгунча ул сайринг на хуш,
Шоҳ бирлан мантиқут-тайринг на хуш²*

деб таърифлайди.

“Соҳиби сирри Сулаймонсан, ажаб” сатрида Аттор Худхуднинг Сулаймон пайғамбар орқали азал асроридан баҳраманд бўлганлигини таъкидламоқда. Бироқ Аттор Худхудни Қуръони Каримдаги Сулаймон билмаган асрорни (Сабо шаҳри, унинг маликаси Билқис ва аҳолисининг қуёшпарастлигини) билгучи қуш эканлигини эътиборга олиб, уни оддий хабарчиликдан комил йўлбошловчи даражасига олиб чиқадики, Худхуд образи билан боғлиқ кўриб ўтганларимиз муаллифларнинг асарларида бу қадар тубдан қайта ишлаш кузатилмайди. “Жумла водийларда қушлар йўлчиси” сатрларида бу ният намоён бўлади. Худхуднинг қушларга Симуруғдан хабар бериши унинг камолотидан дарак беради. Аттор “Булбулнома” деб аталган кичик маснавийсида ҳам Худхудни камолотга етган сўфий сифатида тасвирлайди ва уни дунёвий ишқ асири Булбулга қарши қўяди.³ “Мантиқ ут-тайр”да Худхуд тилидан Аттор назаридаги тасаввуфий масалалар, жумладан, тажаллий фалсафаси:

*Битта пар тушди қанотидин ҳамон,
Тутди жумла шаҳру кўйларни сурон.*

*Ҳар кишиким кўрди, андин олди нақш,
Ҳар киши бир ўзга суврат солди, нақш.⁴*

ишқи ҳақиқий билан ишқи мажоз ўртасидаги фарқ:

*Гул деган не эрмиш ул, соҳибжамол,
Хусни рўйи ҳафтада топгай завол.*

*Бўйла бир ишқдан завол келгай фақат,
Аҳли комилға малол келгай фақат.⁵*

каби тасаввуфий мулоҳазалар баён этилади.

¹ Қаранг: Ш. Шарипов “Лисон ут тайр” дostonининг генезиси ва ғоявий-бадий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1982. – Б.21.

² Нишопурий Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 59.

³ Нишопурий Фаридуддин Аттор. – Кўрсатилган асар. – Б.71

⁴ Бу ҳақда қаранг: Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 352.

⁵ Аттор Фаридуддин Нишопурий. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.68.

Аттор ижодида ушбу образ биз юқорида кўриб ўтган талқинлардан, аввало, мукамал ва муфассаллиги билан фарқланади. Худхуд қушларни Симурғ (Ҳақ) сари бошқарар экан, дostonдаги воқеалар ривожидан аввалда унинг комил йўлбошчи эканлиги намоён бўлади. У қушларнинг оддий саволларига, масалан, ғознинг “Сув менга макон, демак мен покман, шундай экан, менга Симурғ нима керак?” деган мазмунда берган саволига чуқур фалсафий мушоҳада билан яқунланадиган дунёнинг бир томчи сувга арзимаслиги ҳақидаги ривоят билан жавоб беради.¹ Худхуд Атторнинг инсон ва илоҳ муносабатлари, инсон ва унинг камолоти, инсон ва олам тўғрисидаги фикрларини асосий баён этгувчи образ эканлиги билан ҳам бу дostonда характерлидир. Айтиш мумкинки, Атторнинг бу асардаги имкониятлари ҳеч қайси образда Худхудчалик аниқ ва равшан намоён бўлмаган.

Маълумки, “Лисон ут-тайр” “Мантиқ ут-тайр”га жавоб тарзида битилган асардир. Мана шу ҳақиқатга асосан, “Лисон ут-тайр” тасаввуф назарияси, амалиёти ва адабиёти ўз чўққисига кўтарилган даврнинг мутафаккир фарзанди бўлмиш Навоийнинг, тасаввуф нуқтаи назаридан туриб қараган Яратган ва яралмиш, олам ва одам, фано ва бақо ҳамда бошқа масалалар тўғрисидаги фикрларининг асоси ифодаланган дostonдир. Ушбу дostonнинг марказий қаҳрамони ҳисобланмиш Худхуд образига эса, ҳеч бир истисносиз, мана шу асос фикрларнинг-да қаймоғини баён этиш, яъни шоир эстетик идеалини бадий тасвирлаш вазифаси юклатилган.

Навоий Аттордан фарқли равишда ўз дostonини қушларга хитоб билан бошламайди. Шу сабабли Худхуд унинг дostonига хийла кейинроқ – қушлар мажлисда жой талашиб, келишмовчиликка борганлари саҳнасида кириб келади. Бу келишмовчиликларнинг сабаби уларнинг подшоҳи (шаҳи соҳибшукӯх) йўқлигида эди. Бундай подшоҳ бормикин ўзи? Бўлса, қаерда экан? Мана шунда мажлисга, айни пайтда дoston воқеаларига ҳам Худхуд кириб келади. Навоий ҳам уни Аттор каби олқишлаб қарши олади:

*Худхуд ул нури хираддин баҳраманд,
Роҳбарлиғ афсаридин сарбаланд.*

*Зотида иззат шараф меърожидин,
Бошида зевар ҳидоят тожидин.*

*Жаброилосо аён юз ноз анго,
Қурб арши авжсида парвоз анго.*

*Кирди ул мажмаъ аро девонавор,
Шамъи мақсуд васфида парвонавор.²*

Эътибор берсак, Навоий бу ерда Худхудни Муҳаммад пайғамбарга Жабройил сирдош бўлгани каби, у Сулаймон (а.с.)га шундай ҳамроз дея таъкидлайди. Ва бошқа салафлари каби Худхуднинг улуғлигини Сулаймон пайғамбар ва Сабо мамлакати билан боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Воқеалар ривожидан Навоий талқинидаги Худхуд Аттор Худхудни каби қушларни Симурғ сари сафарга даъват этади. Йўл оғирликларига чидолмай, қайтмоқчи бўлган қушлар узрини тинглаб, саволларига жавоб бериш асносида уларни янгитдан

¹Аттор Фаридуддин Нишопурий. – Кўрсатилган асар. – Б.71.

²Аттор Фаридуддин Нишопурий. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржумаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 77.

³Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2001. Т. 12. – Б. 35.

сафарга руҳлантиради. “Қушлар диққат ила сўрғонларидин сўнгра Худхуд Симурғдин нишонлар айтқони” бобида Худхуд тилидан қуйидаги байт келтирилади:

*Иш улукдир, шоҳ улук, даргоҳ улук,
Йўл қотиқ, водий узун, дилхоҳ улук.*

Демак, Худхуд илоҳ ва унинг даргоҳи улуғлиги сабабли, водий узун ва йўл қаттиқ – машаққатли бўлади, дейди. Бу ўзига хос огоҳлантириш эди. Қушлар ҳам бу йўлга ўз ихтиёрлари билан кирганларига иқроп бўлишади:

*Киргобиз ул шоҳ йўлиға жон била,
Жон овучлаб дийдаи гирён била.¹*

Демак, Худхуд уларни Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру фано водийлари оша саёҳат қилдирар экан, руҳан чиниқтириб, Симурғ васли учун восилликка тайёрлайди.

Худхуд ҳар бир қуш билан яккама-якка суҳбат қурар экан, у билан Симурғни боғлаб турган риштадан гап бошлайди ва ана ўша ришта туфайли унинг Симурғга боғлиқлигини, унинг висолига қараб интилиши даркорлигини тарғиб қилади. Хулоса қиладиган бўлсак, совет навоийшунослари айтгани каби, Навоий Худхудни ҳеч қачон аллегория йўли билан ўзига замондош шайхлар мисолида танқид қилмаган, балки ушбу образни салафлари анъаналаридан чекинмаган ҳолда янги ва ўзига хос ифодалар билан талқин этган. Биз қуйида, Навоий талқинидаги Худхуд тимсолининг мана шундай анъанавий ва ўзига хос хусусиятларини кўриб ўтамиз.

Бу образдаги анъанавий хусусиятлардан *биринчиси*, унинг Қуръони Карим оятлари асосида, Сулаймон алайҳиссаломнинг ҳамсуҳбати, унинг Сабо мамлакатига юборган элчиси сифатида тасвирланганлигидир. Бу Худхуд образи билан боғлиқ кўриб ўтганимиз барча муаллифлар асарларида намоён бўлади. Навоий бу жиҳатга дostonнинг уч ўрнида: Худхуд дoston воқеаларига кириб келаётганда, яъни XV бобнинг аввалида, XVI бобда ҳамда LXXXVI бобда, яъни водий қийинчиликларидан иккиланган қушларнинг дастлабки саволига жавоб тарзида тўхталиб ўтади.

Иккинчидан, Худхуднинг донишманд киши образида гавдаланганлигидир. Биз бунини Аттор, Рабғузий ва Румийнинг асарларида ҳам кўрдик. Навоий талқинидаги Худхуд ҳам ҳозиржавоб, донишманд ва закий. У худди Атторнинг Худхуди каби қушларнинг оддий саволларига фалсафий жавоблар қайтаради.

Учинчидан, ҳар иккала талқинда ҳам Худхуд асарнинг марказий қаҳрамони ва дostonдаги бошқа қушларга йўлбошчи тарзида ифодаланган. Бироқ Атторнинг Худхуди қушларга ўз-ўзича раҳнамо. У Сулаймон алайҳиссаломнинг элчиси ва ҳамсуҳбати бўлганлиги учун ҳам бундай вазифага сазовор. Қушларнинг қуръа ташлашлари ҳам бунда фақатгина рамзий аҳамият касб этади. Навоийнинг Худхудидан эса йўлбошчи бўлишини қушларнинг ўзлари илтимос қилишади. Балки бу ҳолат раҳнамо (пир) танланиши жараёнининг Аттор ва Навоий замонидаги тасаввуф амалиёти билан боғлиқдир.

Худхуднинг комил йўлбошловчилигини яна бир далил орқали кўрамиз. Яъни ҳар икки асарда қушлар йўл бошида қийинчиликлардан иккиланиб, узр сўрашганда, уларнинг ниятлари асосан, Симурғ сари сафардан қайтиш эди. Худхуд уларнинг узрини тинглаб,

¹ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2001. Т. 12. – Б. 36.

ҳар бир қушнинг баҳонасини асосизга чиқаргандан кейин ва, айниқса, шайх Санъон ҳикоясидан сўнг сойир қушларнинг руҳиятида анчагина ўзгариш содир бўлганди. Энди уларнинг саволлари қайтиш ҳақида баҳона эмас, балки йўлдаги машаққатларни енгиш ва Симуруғ сари бориш масалаларига алоқадор эди. Саволлар ҳар икки дostonда айнан бир хил, яъни ижтимоий саволлардан фалсафийликка қараб кўтарилиб боради. (“Мантиқ ут тайр”. Ўн учинчи - ўттиз саккизинчи мақолалар,¹ “Лисон ут тайр” LXXVIII-CXLVIII боблар).² Бу лавҳа ҳар иккала дostonда ҳам энг узоқ давом этган лавҳа ҳисобланади ва айнан мана шу жойда Худҳуднинг комил йўлбошловчи эканлиги яққолроқ намоён бўлади.

Тўртинчидан, ҳар икки асарда ҳам биз Симуруғни кўрмаймиз, лекин Худҳуд тимсоли иккала асарда ҳам ҳар бир солиқ қуш билан Симуруғ ўртасида боғловчи ришта вазифасини ўтаган. Бу унинг қушларнинг саволларига берган ҳар бир жавобида, сўзининг исботи учун айтган ҳар бир ҳикоятида намоён бўлади. Бу ҳолат муаллифларнинг даҳо ижодкорлигидан (марказий қаҳрамоннинг бош қаҳрамон ва асардаги бошқа образлар ўртасидаги алоқасини таъминлаганлигида) ва тасаввуф назариясининг пухта билимдонлари эканлигидан далолат беради.

Демак, Навоий Куръони Каримдан илҳомланган салафлари Аттор, Рабғузий, Румийлар талқинидаги Худҳуд образининг анъанавий асосларини сақлаб қолган ҳолда ўзига хос ва ҳаётий талқинлар билан бойитди. Шу ўринда биз ушбу ўзига хосликни герменевтик нуқтаи назардан талқин этишга ҳаракат қилдик. Маълумки, герменевтикада образга берилган талқинлар хилма-хил ва кўп маъноли бўлиб, ҳатто бу маъноларнинг бири иккинчисига зид бўлиши ҳам мумкин. Бу биз англамоқчи бўлган бадий ҳақиқатни юзага чиқаришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради.³

Бундай ўзига хослик биринчи ўринда Худҳуд тимсолининг шахсиятида намоён бўлади. Яъни у доно, закий ва аслзода (Сулаймоннинг элчиси) бўлганига қарамасдан, анча камтарин ва камсуқум. Аттор талқинидаги Худҳуд ўзини-ўзи таърифлаб, Сулаймонга маҳрам бўлганлигини, унинг олдида иззати баланд эканлигини таъкидлайди, натижада, Ҳақ асроридан хабардорлигини айтади. (Биринчи мақола. Худҳуднинг қушларга хитоб этгани.)⁴ Навоий эса “Лисон ут-тайр”да бу таърифни бошқа қушлар тилидан беради (XVI боб)⁵.

Навоий талқинидаги Худҳуд дoston қаҳрамонлари бўлмиш солиқ қушларнинг инжиқлик билан берган саволларига ҳам, ўзларини такаббурлик билан таъриф-тавсиф қилишларига ҳам чидайди. Сиполик билан жавоб қайтаради. Атторнинг Худҳудидан фарқли равишда сомеларига қаттиқ гапирмайди. (XXXIII – LXXIV боблар)⁶ Дунёвий ва диний билимлари етарли бўлса ҳам, уни ноўрин намоиш қилмайди, фақат берилган саволларгагина жавоб беради. Шунда ҳам дostonда унинг донишмандлиги етарлича намоён бўлади. Бу фазилат, яъни камтаринлик комил инсон ахлоқининг муҳим сифатларидан бўлиб ҳисобланганлиги⁷ ҳам Худҳуд Навоий талқинидаги комил инсон тимсолида намоён бўлганлигидан далолат беради.

¹ Аттор Фаридуддин Нишопурий. Мантиқ ут-тайр. Насрий баён. Форсийдан Н.Комилов ва М.Маҳмудов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2006. – Б. 61-170.

² Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б.95-212.

³ Бу ҳақда қаранг. Эркинов А. Алишер Навоий “Ҳамса”сининг XV-XX аср манбалари. Фил фан. докт. ... дисс. ... – Тошкент: 1998. – Б. 15-40.

⁴ Аттор Фаридуддин Нишопурий. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 64-65.

⁵ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б. 34.

⁶ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 35-43.

⁷ Бу ҳақда қаранг: Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. – Тошкент, Фан, 2001. Т. 17. – Б.21.

Иккинчидан, Навойнинг Худхуди юксак ирфоний мушоҳадаларни содда ҳаётӣ мисоллар, воқеалар орқали тушунтириб беради, у ҳар бир қушнинг ўз даражасига қараб сўзлайди. Бунга оддий мисол унинг Ўрдакнинг:

*Сувдадир мақсудима чун етмагим,
Бас хатодир ўзга ён азм этмагим,¹*

деган узрига

*Пок эсанг недир суға чўммоқ ишинг,...
... Эр эсанг оллингдатур баҳри фано,
Чўмғилу қилғил ўзингни ошино²*

деб жавоб беришида намоён бўлади.

Учинчидан, Аттор ўз достонида асар сюжетини ҳеч бир воқеасиз қушларни таърифлаш билан бошлайди. Уларни Ҳақ сари сафарга даъват этади. (Дебоча. Қушларга хитоб.)³ Навоӣ эса қушларни таърифлаш вазифасини Худхудга юклайдики, (XXII-XXXII боблар)⁴ бу достоннинг мантиқий кучини ва ушбу тимсолнинг асардаги бадий-эстетик қувватини оширишга сабаб бўлади.

Тўртинчидан, Атторнинг Худхуди ҳеч бир сўроқсиз ўз-ўзидан Симурғни таърифлайди ва у қушларга подшоҳ бўлишга арзигулик эканлигини, фақат унинг ёнига бориш кераклигини айтиб, қушларни бу йўлга тарғиб қилади. Симурғнинг Чин мамлакатидан жилва қилиши воқеасини сўзлаб беради. (Худхуднинг қушларга хитоб этгани.)⁵ Навоӣ талқинидаги Худхуд эса Симурғ таърифини ҳам қушлар савол бергандан сўнг айтади ва бу ҳолатга муаллифнинг ўзи ҳам алоҳида урғу бериб, боб сарлавҳасига чиқаради. (XVII боб. Қушлар диққат ила сўрғондин сўнгра Худхуд Симурғдин нишоналар айтқони.)⁶

Бешинчидан, Аттор достонидаги воқеалар етти водийга келганда Худхуд тимсолининг вазифаси тугайди. Шундан сўнг достонда қушлар раҳнамосиз ҳаракат қиладилар. Балки бу Аллоҳ васлига яқинлашаётган солиқнинг раҳнамога эҳтиёжи қолмаслиги тўғрисидаги атторона фикрдир. Бироқ Навоӣ талқинидаги Худхуд ўзи эргаштирган қушларни энг охирги лаҳзада, яъни улар фано водийсида ноумидликка тушганларида ҳам қўллаб-қувватлайди. Умидлантиради. Мана шу умид қувватида қушлар мақсадга эришадилар. Бу хусусият ушбу тимсолнинг комил инсонликдан ташқари Ҳаққа етган муршид маъносида келаётганлигига ҳам мисол бўла олади. Бу ҳақда Навоӣ “Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулға еткони” бобида, уларнинг висолга эришганликларини таърифлар экан,

*Ҳам аларда бор эди мардоналиқ,
Ҳодий комилда ҳам фарзоналиқ,⁷*

деб Худхудни комил йўлбошчи сифатида баҳолайди.

¹ Навоӣ Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б.84

² Навоӣ Алишер. Шу асар. Б.85

³ Аттор Фаридуддин Нишопурий. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржумаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 59-63.

⁴ Навоӣ Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б.43-51.

⁵ Аттор Фаридуддин Нишопурий. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржумаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 65-69.

⁶ Навоӣ Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б 35-39.

⁷ Навоӣ Алишер. Шу асар. Б 267.

Яна бир ўзига хослик шундан иборатки, ҳеч қачон, ҳатто жамоавийликни ёқлайдиган нақшбандийлик тариқатида ҳам Ҳаққа етиб бориш йўли жамоавий эмас, индивидуал йўлдир. Демак, дostonдаги қушлар – кишилар, соликлар тимсоли эканлигини инкор этмаган ҳолда, бошқа маънода (зеро, юқорида айтиб ўтганимиздек, бадий матнда маъно бир эмас, бир нечта бўлиши кўпгина олимлар томонидан қайд этилган.¹) бир кишининг турли хулқ-атворларининг тимсолида гавдаланган бўлиши ҳам мумкин. Бу ўринда Ҳудхуд ўз-ўзини тарбиялаётган нафс (нафси лаввома)² ёки Роббисини таниётган руҳ тимсоли, дейиш ҳам мумкин.

Адабиётшунос олим Ш.Шарипов “Лисон ут-тайр” дostonинг генезиси ва ғоявий-бадий хусусиятлари” китобида таъкидлаганидек, “Ҳудхуд образига Навоийнинг фалсафий масалаларга оид қарашларини ифода этувчи бадий восита сифатида қараш мумкин”.³ Хусусан, Навоий ўзининг худбинлик ва зоҳирга бино қўйиш, хилватнишинлик ва узлатнишинликка муносабат, молу мулкка, амал-мартаба ва куч-қудратга ружу қўйишнинг зарари, зеб-зийнатга ўчлик ва шаҳватпарастликдан нафратланиш, беҳунарлик ва беғайратликни қоралаш ҳамда бошқа бир қатор ижтимоий фикрларини, ишқ олдида шоҳу гадо баробарлиги, нафс ва шайтоннинг соликка муносабати, етти водий таърифиди, фақру фано ва бақо ҳамда инсон ва унинг камолотига оид фалсафий фикрларини, ваҳдат ул-вужуд ва тажаллий назарияларига доир дурдона ирфоний мулоҳазаларини дostonда Ҳудхуд тилидан ифода этади. Демак, Ҳудхуд образининг яна бир қирраси – уни муаллифнинг дostonдаги биринчи рақамли тимсоли дейиш ҳам мумкин.

2. 2. Симуруғ образи ва унинг талқинлари

Шарқ адабиётида бир бадий тимсолнинг бир қанча маънолар билдириб келиш (полифония) ҳодисаси кўплаб учрайди. Шундай бадий тимсолларга Симуруғ образи ҳам мисол бўла олади. У ҳақда “Жаҳон халқлари мифлари” энциклопедиясида қуйидагича маълумот берилган.

Симуруғ – Эрон мифологиясида сеҳрли, барча нарсага қодир қуш рамзи сифатида тасвирланади, Ахурамаздага тенглаштирилади. У Евросиё мифологиясида бургутсимон тумшуқли, катта қанотли, баҳайбат ва патлари ҳам сеҳрли бир қуш тарзида тасвирланади. Ҳаёт дарахти, осмон ва муқаддас тоғ рамзлари билан бирга акс эттирилади. XIII-XIV асрлардаги тасвирий санъатда кўпинча Симуруғнинг аждар, сфинкс каби махлуқлар билан жанги тасвирланади.⁴

Биз Симуруғнинг илк ёзма шаклини зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да кўраимиз. Унинг яшт қисмида “Варахран алқови” (“Бахран яшт”) мавжуд. Унда Зардуштнинг “Бу дунёда энг кучли, жанговар ким?” деган саволига Ахура Мазданинг Варахран – Бахран тангриси деб жавоб бериши ва бу жавобга далил сифатида Бахран тангрисининг Зардушт

¹Бу ҳақда қаранг: Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1- китоб. – Тошкент: Ёзувчи, - 1996; Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 46; Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари. Фил фан. док. ... дисс. Тошкент: 1998.

²Бу ҳақда қаранг: Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 39.

³Қаранг: Шарипов Ш. “Лисон ут тайр” дostonининг генезиси ва ғоявий-бадий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1982 – Б.14

⁴Мифы народов мира. Энциклопедия. В 2-х томах. 2-том.. – Москва: Наука, 1988. – С.436.

хузурига бир неча қиёфада келиши тасвирланган.¹ Бу қуш ҳақида қуйидагича изоҳ берилади: “Варағн – мифологик қуш. У “қушларнинг қуши” деб таърифланади “Авесто”да. Унинг пати сеҳрли кучга эга деб тушуниланган. Кимки ихлос билан Варағн патини олиб, танаси бўйлаб, у билан сийпаса, душманларнинг сеҳр-жодуси, илму амалларидан қутулади, куч-қудратга тўлади. Унга омад кулиб боқади, майдонда довюрақ бўлади, зўравон ёки қотил уни ўлдирмайди. У ўз душманларини маҳв этади”.²

Демак, бизнингча, ушбу кучли, жанговар, ғайритабiiй қуш Симуруғ образининг мифологик тимсол сифатида яратилишига асос бўлган. Натижада, Симуруғ патининг олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо металллардан экани, унинг ярим подшолик мулкига тенглиги (қимматбаҳолиги), пати билан сийпалса, жароҳатнинг битиши (шифобахшлиги), пати қуйдирилса, соҳибининг етиб келиши (мўъжизакорлиги) каби хусусиятлари ҳақида тасаввурлар пайдо бўла бошлади. Патнинг хусусиятлари ҳақидаги тасаввурлар нафақат Симуруғ тимсолига тамал тоши бўлиб хизмат қилди, балки форсий-туркий халқлар орасидаги кўпгина одатларнинг, жумладан, болаларнинг бош кийимларига қуш патларини қадаб қўйиш (бало-қазодан асраш рамзи сифатида), подшоларнинг бошларига жиға (шоҳона дасторга қимматбаҳо тош билан бирга қадаладиган товус ёки бошқа қуш пати) - уларнинг илоҳий ҳимоят остида эканликларини билдириш учун бир восита бўлиб хизмат қилди. Худди шу яштнинг XV бобида Саэна қуши ҳақида ҳам гап боради:

*Намозимиз Баҳромга –
Аҳура яратганга.
Улкан Саэна қуши
Ёмғирли булутдайин,
Тоғни қоплаган каби
Тўлдиради Варахран
(Имонлиларнинг уйин)
Молу қўйю қут билан.*

Изоҳ: “Саэна ирғға – эртақлардаги синмуруғ – симуруғ – семуруғ қушининг “Авесто”даги кўриниши. Унинг улкан қанотлари сояси фаровонлик, тўқлик келтирувчи ёмғирли булутга ўхшатишмоқда”.³ “Худди Саэна қуши каби”, деб эслатилишидан шунга ўхшаштиқи, Симуруғ ҳақида «Авесто»нинг тўлиқ матнида кўпгина таъриф-тавсиф бўлиши керак. Саэна ирғғанинг ёмғирли булутдайин фаровонлик белгиси эканлиги ундан кейинги оғзаки ва ёзма адабиётга бу тимсолнинг ижобийлик хусусияти янада ортишига хизмат қилган.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида, хусусан, эртақларда Симуруғ тимсолини давлат қуши, Бахт қуши, Булбулигўё каби вариантларда кўришимиз мумкин.⁴ Бу вариантларда Симуруғ гоҳ подшоҳларни ўзига жалб этадиган, бир пати ярим подшоликка тенг ноёб қуш тасвирида (“Кенжа ботир”), гоҳ бош қаҳрамоннинг ҳомийси ва ҳимоячиси қиёфасида (“Гулиқаҳқаҳ”), гоҳ инсонни ўзига мафтун этадиган сайроқи ва гўзал қуш тимсолида (“Қора холли от”)

¹ Бу ҳақда қаранг: Ишмурадов М. Авестода мифологик қатлам (табиат культлари асосида). Фил.фан. номз. ... дисс. Тошкент: 2002. – Б. 27.

² Авесто. Яшт китоби (Худо Ахура Мазда ва у яратган маъбудлар шаънига алқовлар) . Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима. Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси. Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 100. 3-изоҳ.

³ Кўрсатилган манба. – Б. 101. 4-изоҳ.

⁴ Булбулигўё. Ўзбек халқ эртақлари. Тузувчи – ф.ф.к. М.Маҳмудов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б. 202; 215- 216; 220; Ўзбек халқ эртақлари. Тузувчилар: М.И.Афзалов, Х.Расулов. Биринчи жилд. Тошкент, Ўзадабий-нашр – 1963. – Б.17-20; 210-215.

келади. “Шоҳнома” мотивлари асосида яратилган “Семурғ” эртагида эса у Зол ва Рустамга ёрдам берувчи донишманд қуш сифатида акс эттирилган.¹

“Калила ва Димна”даги бир ҳикоятда Симурғ қушларнинг подшоси тимсолида ифодаланади. Қушлар унинг ҳузурига учиб бориб, болаларини илон еб кетаётганлигини айтиб, ундан ёрдам сўрашади. Симурғ уларга ёрдам беролмагандан сўнг, қушлар бу ишни ўзлари ҳамжихатлик билан бажаришади.² Кўринадики, бу тимсол форсий ва туркий халқлар адабиёти билан чекланиб қолмасдан, ҳинд эртақларига ҳам таъсир ўтказган.

Бадий адабиётдаги Симурғ тимсолини илк бор улуғ форс шоири Абулқосим Фирдавсий “Шоҳнома”да тасвирлайди. Сюжетда тасвирланишича, Шоҳноманинг асосий қаҳрамонларидан бири паҳлавон Сом сочлари, қошу киприклари оппоқ ўғил кўради. Бундай ҳолатдан уялган ота ўғлини саҳрога ташлаб келади. Маълум вақтгача она шер уни сути билан боқади. Шундан кейин саҳрода чақалоқни кўрган Симурғ уни ўз уясига олиб чиқиб, тарбиялайди.³

Фирдавсий ижодида фольклордаги кўпгина анъаналар бирлаштирилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Биринчидан, Фирдавсийнинг Симурғи – ноёб қуш. У бошқалардан ажралиб туради: юксақда – “Элбурз тоғининг учи”да яшайди.

У қушлар подшоси: Ҳамма қушлардан улуғвор, улкан, кўркмас, емиши қулон, қўй каби жониворлар.

У доно: саҳрода ётган чақалоқни кўргани заҳоти унинг Сомнинг ўғли эканлигини, отаси ташлаб кетганлигини англайди, уни тарбиялайди, одамзод тилини ўргатади, отаси излаб келгач, унга бир қанча насиҳатлар қилиб, Сомга топширади.

У нажоткор: одам боласини чақалоқлигида ўлимдан қутқариб қолади, ўз уясида тарбиялайди, ҳатто Достон (Зол)нинг отасига топширгандан кейин ҳам унга ва ўғли Рустамга кўп ёрдам беради. Ва ниҳоят, у мўъжизакор қувватга эга: одамзод тилини билади, ҳатто келажакни кўриш қобилиятига ҳам эга, пати куйдирилганда етиб келади, она қорнини ёриб, Рустамни олишларида ёрдам беради.

Маълумки, фалсафий-ирфоний адабиётнинг ривожланишида Ибн Сино “Тайр қиссаси”нинг ўзига хос ўрни бор. Ушбу рисоладаги бир лавҳа эътиборимизни тортди: “Биз кирган саройнинг кенглигинию гўзаллигини тавсифлаб бериш қийин. У саройдан ўтганимиздан кейин кенг ва ярақлаган бир сарой дарвозаси очилди. Бунга кўзимиз тушганда олдинги кўрган саройимиз анча тор, кичкина туюлди. Ниҳоят, подшо ҳузурига етдик. Парда кўтарилиб, подшо жамолини кўргач, ҳаммамиз беҳуш бўлиб қолдик. Ҳайтовур, унинг ўзи дардимиздан огоҳ бўлиб, ўз лутфи билан ҳушимизга келтирди.”⁴ Қиссада гарчи номи келтирилмаган бўлса-да, унинг улуғворлиги ва қушларнинг подшоси эканлигидан бизга Симурғни эслатади.

Ибн Синонинг қиссасида қушлар маъжозий бўлиб, ҳақиқий маъноси инсонларнинг руҳларидир. Демак, қушлар подшосининг тимсоли улуғ ва қудратли Яратгувчининг рамзий тимсолидир. Бу тимсолни символик маънода Шарқ адабиётида илк марта Ибн Сино қўллади. Бироқ бу тимсол ҳали ирфоний-тасаввуфий маъно кашф этмаганди.

¹ Ўзбек халқ эртақлари. Тузувчилар: М.И.Афзалов, Х.Расулов. Иккинчи жилд. Тошкент, Ўзадабийнашр – 1963. – Б.426.

² Калила ва Димна. Нашрга тайёрловчи: С.Ғаниева. – Тошкент: Истиқлол, 1994. – Б. 85.

³ Фирдавсий Абулқосим. Шоҳнома. Форсийдан Шоислом Шомухаммедов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – Б.143, 148; 170-171.

⁴ Ибн Сино. Тайр қиссаси. / Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. Тўпловчилар Н.Раҳмонов, Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Фан, 2003. – Б. 118.

XI-XII асрларда яшаб ижод этган Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий қаламига мансуб “Рисолат ут-тайр” асарининг сюжети ҳам Ибн Сино қиссасини деярли айнан акс эттиради. Мазмуни: “Табиати ва хилларига кўра турли-туман бўлган қушлар йиғилишиб, ўзларига бир подшоҳ сайлашга қатъий қарор қилишибди. Улар Ғарб томондаги ярим ороларда яшайдиган Анқодан бўлак қуш бунга лойиқ эмас, деган фикрга келдилар. Шундай қилиб, уларни шавқ даъватчиси ва талаб ҳиммати жамлади. Улар самимий азму қарор қилиб, самимият соясида сояланиб, фанога мойил бўлдилар. Улардаги завқ-шавқ кучли истакка айланади ва унга томон юриб, унинг маконига боришни, унинг хизматида бўлишни бахт-саодат деб ҳисоблайдилар”.¹

Анқо – афсонавий қуш. Қадимги Шарқ халқлари афсона, эртак ва дostonларида бош қаҳрамонга ҳомий. У инсонларнинг кўзига кўринмайди, пати олтин, кумуш ва бошқалардан деб таърифланади. Халқимиз орасида бахт, толе, давлат қуши, кимга сояси тушса, ўша бахтли бўлади, деган фикр мавжуд. Ривоят, эртак ва чўпчакларда Анқо Симурғ, Хумога ҳам ўхшатилади.² Ғаззолий асарида ҳам Анқо Симурғ каби қушлар подшоси ва рамзий маънода Аллоҳнинг тасаввуфий образини акс эттиради.

Тасаввуф луғатларида ҳам Симурғ тимсолининг бир неча хил талқинлари берилади. Жумладан, “Миръоти ушшоқ”да қуйидагича келтирилган: Симурғ деб – раббул-оламин ва мусаббул-асбоб (сабаблар сабабчиси)нинг ҳузурини айтарлар (Ҳазрат – бўсаға, даргоҳ, ҳозир бўлмоқ).³ Техронда нашр этилган “Фарҳанги мусталаҳоти урафо” луғатида “Симурғ – комил инсондир” деб ёзиб қўйилган.⁴ Бироқ бу талқинлардан энг кўп қўлланилгани Симурғнинг илоҳий идеал – Тангри таолонинг рамзий маънода қўлланилган тимсоли эканлигидир.

Ўз даврида “Ишроқ шайхи Яҳё Сухравардий” яъни “Нурни алқовчи олим” деб ном олган (1153-1191) эронлик бу тасаввуф олимининг бир қатор асарларида рамзий тимсолларга аҳамият берган. Бу ҳодисани биз унинг асарлари номидан ҳам билсак бўлади. Жумладан, Ибн Синонинг “Тайр қиссаси”нинг форсий таржимаси, “Жабройил қанотининг овози”, “Ишроқ ҳикмати”, “Қизил ақл”, “Партавнома”, “Симурғ қичқириғи” каби китоблари тасаввуф фалсафасида ўз давридан бошлаб то шу кунга қадар турли хил баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Сухравардий ўз асарларида Симурғ тимсолига ҳам фалсафий томондан эътибор бериб, рамзий тимсол даражасида қўллаган. Жумладан, файласуфнинг “Қизил ақл” китобида ўқиймиз: “Симурғнинг уяси тўбо (Жаннат дарахти)нинг остидадир. Ҳар тонгда у ўз уясида чиқиб, қанотларини Ерга қаратиб ёяди. Унинг парвози таъсирида Ерда ўсимликлар ўсиб чиқади, дарахтлар гуллаб мева беради... Симурғда шундай хусусият (хосият) борки, агар рўбарўсига ойна ёки шунга ўхшаш нарса қўйсалар, унга қараган кўз хира тортади.

Пирдан “Жаҳонда фақат ўша битта Симурғ борми?” деб сўрадим.

Пир деди: “Билмаган одам шундай деб ўйлайди. Аслида ҳар лаҳзада Тубо дарахтидан бир Симурғ Ерга тушади ва олдингиси кўздан ғойиб бўлади.”⁵ Бунда Сухравардий тажаллий фалсафасини рамзий сўзлар воситасида ифодаламоқда. Ундаги “кўзгу”дан мурод – биз кўзимиз билан кўриб турган оламдир. “Унга қараган кўз” – Аллоҳни англашга ҳаракат

¹ Ал- Ғаззолий ҳужжат ул-ислом Абу Ҳомид Муҳаммад. Рисолат ут-тайр. (Қуш рисоласи). (Араб тилида) / Ма-жмуат ул-рисола. Курдистон ҳиж. 1328. Ўз ФА ШИ инв № 13262. – Саҳ. 536.

² Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2000. - Б. 66

³ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Москва: Наука, 1965.

³ Фарҳанги мусталаҳоти урафо. (Форс тилида).Техрон: ҳиж. 1329. – Саҳ. 243.

⁵ Жилваҳойи тасаввуф ва ирфон дар Эрон ва чаҳон. / Нигориши Атоиллоҳ таддин. (Форс тилида) Техрон: 1955.– Б. 92-93.

қилган ақл хира тортиши – ожизлик қилишига ишорадир. Асардаги “Ҳар лаҳзада пайдо бўладиган янги бир Симуруғ”дан мурод эса – Яратганнинг тажаллий нурлари боис Ер юзида бўладиган тўхтовсиз ривожланиш ва тараққиётни таърифлашдир. “Олдингисининг кўздан ғойиб бўлиши”дан мақсад эса денгиздаги мавжлар сингари аввалгиларнинг фоний бўлишига ишорадир.

Олимнинг яна бир “Симуруғ қичқириғи” китобида Қоф тоғи ҳам рамз ўрнида ифодаланган: “Симуруғ ҳар фаслда уясини тарк этиб, Қоф тоғига йўл олади. Тумшуғи билан патлари, қанотларини узиб ташлайди. Қоф тоғи сояси унга тушгач, минг йилни бир кундай ўтказди. Бу минг йил ҳикмат аҳли тақвимида бир тонготардай. Буюк Лоҳут Шарқидан бу муддатда бошқа бир Симуруғ пайдо бўладики, у уйқуда ётганларни уйғотади. Унинг қўнадиган макони Қоф тоғидир, унинг овози ҳаммага етади, аммо уни кам киши эшитади. Барча У биландир, кўпроқ У биландир, чунончи:

*Биз билан Сену Бизники эмассан,
Жонимиз сену, пайдо эмассан”¹*

Бунда Қоф тоғи бу дунё билан илоҳиёт олами орасидаги барзах дунёси маъносидадир. Ундаги Симуруғ кишиларни уйғотиши Тангри ҳидояти демақдир. У пайғамбарлар юбориб, барчани огоҳлантиради, бироқ уни кам киши эътиборга олади. Симуруғнинг тумшуғи билан патлари, қанотларини узиб, Ерга ташлаши – “Мантиқ ут-тайр”даги Симуруғнинг пати Чин шаҳрига тушиши лавҳаси билан боғлиқдай кўринади. Яъни юқорида айтганимиздай, тажаллий фалсафасини акс эттиради. Бироқ бу каби асарлар (Ибн Сино, Ғаззолий, Сухравардий асарлари)да фикр тимсоллар тили билан акслантирилган бўлса-да, ҳали бу асарлар бадий адабиёт намуналари эмас, балки фалсафий ва фалсафий-тасаввуфий рисолалар эди.

Туркияда нашр этилган “Тасаввуф терминлари луғати”да Симуруғнинг комил инсон, ўттиз қуш, Худхуд бошчилигида йўлга чиққан қушлар етти водийдан ўтгандан сўнгра етишадиган подшоҳ ва Аллоҳ каби маъноларда талқин этилиши қайд қилинган.² Биз бу тимсолнинг навбатдаги талқинини тасаввуф адабиётининг етакчи вакили, шоир ва мутафаккир шайх Фаридиддин Аттор Нишопурийнинг “Мантиқ ут-тайр” асарида кўрамиз. Аттор достонига Симуруғни бош қаҳрамон қилиб танлади.³ Шу билан бирга бу образни ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитди.

Аттор бош қаҳрамонини Анқо деб эмас, Симуруғ деб аташининг бир нечта сабаблари бор эди. *Биринчидан*, бизнингча, китобхонга Симуруғ фольклор ва “Шоҳнома” орқали Анқога қараганда яхшироқ таниш эди. Лекин Аттор уни бир-икки ўринда Анқо деб ҳам атайди.

Иккинчидан, Симуруғ сўзи қушлар подшосининг номи бўлиб келиши билан бирга ундан форс тилида сўз ўйини орқали си муруғ – ўттиз қуш сўзини ҳосил қилиши мумкин эдики, бу муаллифнинг мақсадига тўғри келарди.

Учинчидан, Аттор Ибн Синонинг рамзийлик анъанасига асосан унга Яратганнинг тимсоли вазифасини юкладдики, бу номи бор, ўзи йўқ қуш Анқодан кўра қушлар подшоси Симуруғга кўпроқ мос тушар эди.

¹ Қўрсатилган манба. – Б. 78

² Тасаввуф терминлари сўзлиги. Тайёрловчи: Улуғдағ С. (Турк тилида) – Истанбул: 1995. – Б. 475.

³ Аттор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006.

Атторнинг Симурғи худди “Шоҳнома” қаҳрамони каби макони юксак тоғлар бағрида:

*Подшо тоғ ортида, бул беҳилоф,
Бир баланд тоғдирки, дерлар Кўҳи Қоф.¹*

“Мантиқут-тайр” достонининг сюжетида худди Ибн Сино ва Ғаззолийнинг қиссаларидаги каби қушлар йиғилишиб, ўзларига подшоҳ излашади. Шунда Худхуд ўртага тушиб, бундай подшо борлигини айтади:

*Шоҳи Симурғдир, ўшал султони тоғ,
Ул яқиндир бизга, биз андин йироқ.²*

Ва қушларни унга томон йўлга чиқишга даъват этади:

*Менга ҳамроҳ бўлсангиз, собит қадам,
Шоҳга етгайсиз, ўшал даргоҳга ҳам.³*

“Мантиқ ут-тайр”да “Шоҳнома”дан фарқли равишда сюжет линиясида Симурғ воқеалар саҳнасида деярли чиқмайди. У, асосан, Худхуд (йўлбошчи қуш) тилида таърифланади. Уни таърифлашда Аттор фольклор намуналарига суянади:

*Битта нар тушди қанотидин ҳамон,
Тутди жумла шаҳру кўйларни сурон.⁴*

Бу тасвир “Авесто”даги Варағн қуши патининг сеҳрлилиги мотиви билан бошланиб, эртақларда учрайдиган булбулигуёнинг битта пати ярим подшоликка арзиши ҳақидаги тасавурларга асосланган, бироқ Аттор бу лавҳага ҳам рамзийлик юклаб, ундан тажаллий фалсафасини баён қилишда фойдаланади (Юқорида биз бундай тасвирни Сухравардийда ҳам учратгандик):

*Ҳар кишиким кўрди, ондин олди нақш,
Ҳар киши бир ўзга суврат солди нақш.⁵*

Аттор Симурғни Фирдавсий тасвирлаган каби виқор ва салобатли қилиб таърифласа-да, ундан фарқли равишда жуда сирли тасвирлайди:

*Васфини айтурга жони пок йўқ,
Ақлу хушга қобили идрок йўқ.*

*Ҳам ақл, ҳам жон сусту хийрадир,
Санъатин кўрмакка кўзлар тийрадир.*

¹ Аттор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 66.

² Аттор Шайх Фаридуддин. Кўрсатилган асар. – Б.66

³ Аттор Шайх Фаридуддин. Кўрсатилган асар – Б. 66.

⁴ Аттор Шайх Фаридуддин. Кўрсатилган асар – Б. 68.

⁵ Аттор Шайх Фаридуддин. Кўрсатилган асар. – Б. 68.

*Бир буюк билгич камолин кўрмамиш,
Бир буюк кўргич жамолин кўрмамиш.¹*

Қушлар ўзларининг Симуруғга нисбатларини сўрашганда, Худхуд:

*Жумла қушлар суратин ҳам сарбасар,
Соёйи Симуруғ бил, эй беҳабар,²*

деб жавоб беради. Бу тасаввуф таълимотидаги “ваҳдат ул-вужуд” назариясининг бадий адабиётда инъикос этиши бўлибгина қолмасдан, Атторнинг бадий кашфиёти ҳам эди.

Асар сюжети ниҳоясида қушлар фақру фано водийсидан бақо мартабасига ўтишади. Шунда воқеалар саҳнасида ҳам парда очилиб, ўқувчи бир лаҳза Симуруғни кўргандай бўлади:

*Чеҳра очди бўйла Симуруғи жаҳон,
Кўрдилар Симуруғни қушлар ул замон.*

*Кўрдилар Симуруғни, гўё туш эди,
Аслида Симуруғ у ўттиз қуш эди.³*

Аттор асарининг асл ғояси, яъни “ваҳдат ул-вужуд” фалсафаси шу байтларда ўқувчига аён бўлади. Муаллиф айтмоқчи соя нурга қўшилиб, сингиб кетди:

*Солсалар Симуруғ тарафга гар нигоҳ,
Унда ўттиз қуш эди беиштибоҳ.⁴*

Муаллиф бу билан ҳам кифояланмай, Симуруғнинг ўзини ҳам гапиртиради:

*Барча қушларнинг азиз, аълоси биз,
Чун ҳақиқатнинг асл маъноси биз.*

*Маҳв ўлиб бизда, кўриб юз иззу ноз,
Топдингиз бизда бу янглиғ ўзни боз...⁵*

Демак, Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарида Симуруғ тимсоли уч маънода қўлланилади. Булар:

1. Қушлар подшоси.

2. Илоҳий идеал – Яратгувчи.

3. Ўттиз қуш маъноларидир. Шу ўринда Симуруғ образининг келиб чиқиш ва ривожланиш жараёнини қуйидаги жадвалга туширдик.

Навоий ҳам Симуруғ образини ўз дostonининг бош қаҳрамони тариқасида қолдиради. Бунинг сабаби, Навоийнинг ўқувчилари бўлмиш туркийгўй китобхонларга ҳам бу тимсол

⁶ Аттор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 67.

¹ Аттор Шайх Фаридуддин. Кўрсатилган асар. – Б. 97.

² Аттор Шайх Фаридуддин. Кўрсатилган асар. – Б. 357.

³ Аттор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 357.

⁴ Аттор Шайх Фаридуддин Аттор. Кўрсатилган асар. – Б. 359-359.

Симурғ образининг келиб чиқиши ва такомилли



халқ эртаклари ва Фирдавсий асари орқали яхши танишлиги бўлса керак. Лекин Навоий уни бир ўринда Анқо деб ҳам атайти:

Ҳам лақаб ул Қоф уза Анқо анга.¹

Навоий достонида ҳам Симурғ идеал тимсол сифатида парда орқасида тасвирланади. Унинг таърифини “Лисон ут-тайр”да ҳам Худхуд сўзлайди. Аттордан фарқли равишда Навоийнинг Худхуди қушларнинг:

*Ҳам сифотидан ривоят айласанг,
Зоти сори ҳам ҳидоят айласанг,²*

деган сўроғига жавоб бериб, Симурғнинг зоту сифоти ҳақида ҳам хабар беради:

*Бирлик ойинида зотидир онинг,
Лек мингдан кўп сифотидир онинг.³*

Навоий Симурғ таърифига Атторга қараганда кўпроқ мулоҳаза ва тасвир уйғунлигини амалга оширади. Профессор Бертельснинг фикрига кўра “... Навоий қушларни ўзларининг сирли подшоси ҳақида қизиқишга икки ҳисса кўпроқ мажбур қилади.”⁴ Бу уйғунлик қуйидаги ҳолларда яққол намоён бўлади. Хусусан, Навоий Симурғга таъриф бериш асносида Ҳақ қазоси – илоҳий ирода масаласи ҳақида:

¹Навоий. Алишер Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б – Б.34.

²Навоий Алишер. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б – Б.23.

³Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б – Б. 22.

⁴Бертельс Е.Э. Наваи и Аттар.// Суфизм и суфиская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 388.

*Кимсага урмоқ нафас имкон эмас,
Бўлмайин ундан ирода бир нафас.¹*

Ёки ваҳдат ул-вужуд фалсафаси тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдириб ўтганда:

*Сиздан ар бўлсун азим, ар худ ҳақир,
Тавру вазъ ичра сағир, ар худ кабир.*

*Ҳар бирида неча минг пар бордур,
Ҳар парида неча ҳар ён тордур.*

*Барчасига бор унинг илми муҳит,
Гар мураккаб бўлсун ул шай, гар басит.*

*Сиз онинг нашъасидандур ҳаёт,
Ким учарсиз ҳар тараф очиб қанот.²*

Аттор ва Навоий – устоз ва шогирд муаллифларнинг маҳорати шу қадарки, дostonларнинг ҳар бир бобида, ҳар бир савол-жавобда, ҳар бир ҳикоятда, умуман, асарнинг бошдан-охиригача бўлган сюжет линиясининг ҳар бир деталда Симурғ тимсолидан нишона кўрамиз.

“Қушлар ўз нисбатларини Симурғга Худхуддин сўрғонлари” бобида Симурғ тимсолига нисбатан Навоийнинг Аттордан фарқли муносабати ойдинлашади. Юқорида кўрганимиздай, Атторнинг фикрича, бу дунё, ундаги қушлар Симурғнинг сояси холос, яъни улар Симурғга интиланларидагина аҳамиятли. Қушлар (инсонлар)нинг бу дунёдаги ҳаёти ҳижрон ва айрилиқда. Аттор мана шу фикрни таъкидлар экан, унинг нуқтаи назари бўйича инсоннинг шахс сифатида борлиги унинг Симурғга (Аллоҳ васлига) интилиши билан аҳамиятли.

Навоий эса инсоннинг яратилишини ҳижрон ва айрилиқ эмас, балки Яратгувчининг ҳикмати, деб баҳолайди. У бу фикрга “Мен махфий хазина эдим, ошкор бўлишни хоҳладим” мазмунидаги қудсий ҳадисга асосланиб келади:

*Ганже эрди, лек махфий зот анга.
Ёшурин ҳусн эрди, қун – миръот анга.*

*Ўз зуҳурин чун таманно айлади,
Чиқдию аввал тажалло айлади.*

*Бу тажаллийси аро хуршидвор,
Ўз туман минг соя солди ошкор...*

*Чун муҳаққақ бўлди бу ҳикмат санга.
Бўлди туз Симурғ ила нисбат санга.³*

⁵ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б 36

¹ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б 36-37.

² Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б 89-90.

“Кушларнинг фано хусулидин бақо вусулиға еткони” бобида Симурғ билан бўлган висолни Навоий шундай таърифлайди:

*Кўрдилар ўзни қаёнким тушти кўз,
Аллоҳ-Аллоҳ не ажойибдур бу сўз.
Ким қилиб Симурғ ўттиз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул си мурғу бас.¹*

Эътибор берадиган бўлсак, Аттор “Симурғ юз кўрсатди ва қушлар Унинг симурғ – ўттиз қуш, яъни ўзлари эканликларини билдилар”, дейди. Яъни Аттор фикрича, илоҳий ўзлик ўздан баланд юксакликдадир, унга риёзат чекиб етмоқ керак.

Навоий эса “ўттиз нафар солиқ қуш фано водийсидан бақо мартабасига ўтганларида, яъни камолотга етган лаҳзаларида ўзларининг Симурғ эканликларини англаб етдилар”, дейди. Яъни илоҳий ўзлик инсоннинг ичидадир, риёзатлар чекиб, нафс қутқуларини енгиб бориш асносида уни кашф этмоқ керак.

Бир қарашда бир хилдай туюлган бу фикр икки даҳо ижодкор қаламида икки хил хулоса беради:

Аттор фикрича, ўттиз қуш (тариқат йўлидаги солиқлар) риёзат чекиб Симурғ (Ҳақ таоло) даргоҳига етдилар ва унга айландилар. Яъни ўзликдан юксакликдаги илоҳий Ўзликка етдилар.

Навоийнинг нуқтаи назари бўйича эса ўттиз қуш (тариқат йўлидаги солиқлар) риёзат чекиш асносида табиатлари софланиб, ўзларидаги Симурғни (Аллоҳнинг зуҳурини) кашф қилдилар. Яъни ўзларидаги Илоҳий Ўзликни қайта кашф этдилар. Демак, Навоий “Лисон ут-тайр”да Симурғ тимсолини Аттор кашф этган уч хил талқиндан ташқари, тўртинчи, Симурғ – комил инсон рамзи деган талқинни кашф этган дея оламиз.

2. 3. Достондаги бошқа қушлар образлари талқини – ҳақиқат ва мажоз тадқиқи

Қушлар жаҳон халқлари мифологиясида катта аҳамиятга эга бўлиб, воқеалар жараёнида бирданига пайдо бўлувчи, қаҳрамонларга ёрдам берувчи ва вазиятни бирданига ўзгартирувчи элемент сифатида эътироф этилади. Улар, асосан, илоҳиёт билан одамларнинг ўртасидаги кўприк сифатида, юксаклик ва осмон рамзи тимсолида талқин қилинган. Бу ҳақда “Жаҳон халқлари мифлари” энциклопедиясида шундай маълумот берилади: Уларнинг Рух қуши, кувёш, шамол, эркинлик, ҳаёт, хаёл, туш, нафас (жон) қуши, элчилик қуши – пайғамбарлар мисолидаги талқинлари фикримизга далил бўла олади.

Қадимги мифологияда қушларнинг уча олиши, пати ва қанотлари илоҳийлик касб этган. Бу эътиқоднинг илдизи юқори палеолит давридаёқ вужудга келган ва маданиятларнинг кўчиши сабабли турли элатларга тарқалган. Янги неолит даврига келиб эса қушлар билан боғлиқ суратлар, қўшиқлар бир-бирига боғлиқ тарзда мукамал характерга эга бўлди ва санъат сифатида ҳам, тўлиқ характерга эга бўлиб, шаклланди.²

“Лисон ут-тайр” генезис нуқтаи назаридан “Тайр қиссаси”га бориб тақалар экан, демак, Навоий достонидаги қушлар тимсолининг келиб чиқиши Ибн Сино тасвирлаган қушлар тимсолига боради. Демак, бу қушлар тимсолларининг келиб чиқиш тарихини туркий халқлар меросидан изласак хато бўлмайди. Туркий халқлар мифларида баъзи қушлар

¹ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 268.

² Мифы народов мира. Энциклопедия. В 2-х томах. 2-том.. – Москва: Наука, 1988. – Ст. 346.

– бургут, оққуш кабилар тотемистик қарашларга сабаб бўлган ва бу ҳақда ишимизнинг биринчи бобида тўхталиб ўтганмиз.

Озарбайжонлик фольклоршунос Мирали Сеидов “Азарбайжан мифик тафаккурун ганжиналари” китобида туркий тилли халқлар оғзаки ижодидаги тотем қушлар тимсолини – онгонлар деб атайди ва уларга *лочин*, *қирғовул*, *қирғий*, *бургут* кабиларни киритади.¹

Қушлар тимсоли бошқа кўпгина халқлардаги сингари туркий халқлар мифологиясида ҳам илоҳий олам билан мулоқот қилувчи восита сифатида ифодаланган.² Одам ўлганидан кейин ёки уйқусида руҳи қушга айланиб учиб кетиши ҳақидаги тасаввурлар халқ одатлари ва фольклорда, хусусан, “Майна”³, “Опа-ука”, “Дев қиз”⁴, “Гуноҳсиз мусича”, “Рустам” каби эртақларда ўз аксини топган. Бу ҳақда ф.ф.д. Баҳодир Саримсоқов шундай фикр билдирган: “Жуда кўп халқларда, жумладан, ўзбекларда ҳам одам уч қисмдан ташкил топганлиги ҳақидаги тасаввур жуда қадимдан мавжуд. Бу қисмлар: тана, жон ва руҳ. Тана – жон ҳамда руҳ билан тирик. Инсон ўлгач, унинг танаси ерда қолади ва чириб, тупроққа қўшилади. Жон эса осмонга учиб кетади. Руҳ ҳам танани тарк этади, аммо қуш ёки бошқа жондор сифатида ўлганнинг уйига, унинг яқинларидан хабар олгани тез-тез келиб туради”.⁵ Жон, руҳ ҳақидаги бу каби мавҳум тасаввурлар кейинчалик аниқлаштирилиб, жон қуши, руҳ тўтиси, чивиндек жон каби нисбатан конкрет тимсолларда тасаввур қилина бошланган.

“Ҳақиқатан ҳам халқимизнинг энг қадимги анимистик тасаввурларига қараганда, одамнинг жони қуш ёки чивин кўринишига иниш хусусиятига эга эмиш. Нуроталикларнинг афсонаси бўйича, муқаддаслаштирилган нарсалар ҳақидаги мифологик қарашларга доир қимматли материаларни тўплаган Раҳматулла Юсуф ўғли “жон” тўғрисида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Девларнинг жони кабутар суратида намоён бўлиб туради. Айтишларича, дев нафас чиқарса, далаларга бир қучоқ кабутар парвоз қилиб, нафасни тортса, томоғига кириб кетиб туради. Ажойиб афсоналар дostonларда жуда кўп, аммо одамнинг жони тўғрисида ҳам, девларнинг жони ҳақидаги афсонага ўхшаш бир кичик афсона бор. Одамнинг жони жасадига яраша, яъни чибиндай бўлар эмиш. Агар одам туш кўрса, жони бурнидан чиқиб, кўп жойларга бориб-келар эмиш. Ўша юртларда нимани кўрса, одам уйқуда уларнинг аксини кўриб, шуларни “туш” деб атар эмиш”.⁶

Бу каби тасаввурлар ёзма адабиётга таъсир қилмай қолмади, албатта.

Ибн Сино “Тайр” қиссасида мана шу каби халқ фольклори мотивларидан таъсирланган ҳолда инсонларнинг руҳларини қушлар шаклида тасвирлайди. Бу ифода унинг тиббиётдаги билимларига ҳам асосланган бўлиши мумкин. Зеро, замонавий тиббиёт ҳам инсон руҳининг ўлимдан кейин қуш каби парвоз қилишини исботлади.⁷

Ибн Сино қиссасининг сюжети асосида асар яратган Абу Ҳомид Ғаззолий эса қушларни умумий маънодаги инсон руҳи эмас, балки тасаввуф йўлидаги соликларнинг Роббисини

¹ Сеидов М. Азайбаржан мифик тафаккурун ганжиналари. – Йазичи, 1983. – Б. 227-228.

² Бу ҳақда қаранг: Черценов В.Н. Представления о душе у обских угулов. / Исследование материалы по вопросам первобытных религиозных верований. – Москва: 1959; Баскаров Н. Душа и древних верованиях тюрков Алтая. // Советская этнография. 1973. – №5; Евсеков В.В. Мифология китайского неолита. Новосибирск: 1988. – С.79-89. (Раздел: Структура души); Боболардан қолган нақллар. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: М.Жўраев, У. Сатторов. – Тошкент: 1998.

³ Чўлоқ бўри. Ўзбек халқ эртақлари. – Тошкент: Юлдузча, 1988. – Б. 134-137.

⁴ Ўзбек халқ эртақлари. Тузувчилар: М.И.Афзалов, Х.Расулов. Биринчи жилд. Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963. – Б.17-20; 210-215. Ўзбек халқ эртақлари. Тузувчилар: М.И.Афзалов, Х.Расулов. Иккинчи жилд. Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963. – Б. 27-28.

⁵ Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1878. Б. 54.

⁶ Нарзиқулова М. “Сабъаи сайёр” достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром тимсоли. Фил. фан. ном. ... дисс. – Тошкент. – 2006. Б. 45.

⁷ Бу ҳақда қаранг. Моуди Р. Ўлимдан кейинги ҳаёт ҳақида мулоҳазалар. – Тошкент: Меҳнат, 1992. – Б. 28-58.

излаётган кўнгиллари тимсолида тасвирлайди. Айнан мана шу ўринда ҳар икки асар орасидаги нафақат ғоялар хилма-хиллиги, балки образларнинг фарқли хусусиятлари кўзга ташланади.

Мана шу тахлит тасаввуф адабиётида қуш тимсоли Тангрисини излаётган солиқ(нинг кўнгли ёки руҳи) шаклида қабул қилинди. Кубравия тариқатининг асосчиси, ватандошимиз Шайх Нажмиддин Кубронинг “Фавойиҳ ул-жамол” рисоласида тасаввуф йўлига кирган солиқнинг ҳолати ҳақида шундай мотив бор: “Сайёр нидоси ва фарёди беихтиёр унга томон одим ташлашидан нишондир. Дарвоқе, жами қушларнинг овозлари уларнинг кўксиларидаги соғинчдан туғилур. Бу товушлар дастлаб ҳузунсиз бир завқ, сафо ёхуд аввалида куч берувчи бир ҳузун бўлган ҳузур ва завқнинг натижасидир.

Сайёр ўзидан қуш саслари тараладиган бир ҳолатга етишур. Бу Аллоҳ ила унс ёки баст ҳолатининг, ундан-да аввал У билан бўлган фараҳ ва севинчининг натижаси ва меваси эрур”.¹

Адабиёт тарихидан маълумки, тасаввуф шоирларининг аксарияти ўзлари солиқ бўлишган ва тасаввуфдаги мақомот ҳамда ҳолатларни бошдан кечиришган. Натижада, бу ҳолатлар ҳақидаги мулоҳазалар, тасвирлар эса кейинчалик образ даражасига кўтарилган. Жумладан, худди мана шу ёки шунга ўхшаш ҳолат тўғрисида Аҳмад Яссавий ҳикматларида куйидаги сатрларни ўқиймиз:

*Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса,
Ўн сакиз минг қамуғ олам ғул-ғул бўлур.
Кўнгул қуши шавқ қанотин тўқуб учса,
Жумла вужуд ёдин сайрар, булбул бўлур.*²

Бу байтларда кўнгил ёки жоннинг қушга ўхшатилиши тасаввуф адабиётидаги қуш образининг турли талқинлардаги ривожланишига сабаб бўлди. Навоий асарларидаги қушлар тимсоллари замирида ҳам анимистик қарашларга асосланган фольклор мотивлари ҳамда тасаввуф амалиётини ўтаётган солиқ сўфий ҳолатига асосланган тасаввуф адабиёти мотивлари жо бўлган дейишимиз мумкин.

Навоий лирикасида умумий маънодаги қуш образи: *жон қуши, кўнгил қуши, малойик қушлари, арвоҳи қудсий қушлари, ҳидоят қушлари, васл қуши, хирад қуши, жунун қушлари*³ каби вариантларда учрайди.

Жон қуши фольклор сингари мумтоз адабиётимизда, хусусан, Алишер Навоий ижодида ҳам асосий тимсоллардандир.

*Бўлди равзан-равзан ул қотил хадангидин кўнгул,
Жон қуши чиқмоққа бир йўл англа ҳар равзан манга.*⁴

Ёки:

*Жон қуши ўртанди севгач ёрнинг ўтлуғ юзин,
Найлагай куймай, чу бўлғай шамъ ила парвона дўст.*⁵

¹ Кубро Нажмиддин. Фавойиҳ ул жамол. / Кубро Нажмиддин. Тасаввуфий рисолалар. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар Иброҳим Ҳаққул., Азиза Бектош. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 180.

² Яссавий Аҳмад. Девони ҳикмат. Нашрга тайёрловчи: Расулмуҳаммад Ашурбой ўғли Абдушукуров. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1992. – Б. 91.

³ Навоий Алишер. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.3; Навоий Алишер. Наводир уш-шабоб. МАТ. 20 томлик.– Тошкент: Фан, 1989. Т.4; Навоий Алишер. Бадойи ул-васат. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1990. Т.5; Навоий Алишер. Фавойид ул-кибар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1990.Т. 6

⁴ Навоий Алишер. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.3. – Б.35.

⁵ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 90.

Ёхуд:

*Эй Навоий, истама жон булбулин ҳар гулдаким,
Ул тўни гулгун, лаби гулбарги хандонимдадур.¹*

Ёрининг ўтлуғ юзини қўмсаган жон (қуши)ни парвонага қиёслаш ёки ёрнинг юзини кўриш учун танадан чиқишга шайланиши каби тасвирлар қушнинг парвозига ўхшатишмоқда. Бу тимсол ишимизнинг объекти “Лисон ут-тайр”нинг илк байти билан ҳамоҳангдир:

*Жон қуши чун мантиқи роз айлагай,
Тангри ҳамди бирла оғоз айлагай.²*

Навоий лирикасидаги “жон қуши” образи билан дostonдаги “жон қуши” тимсолининг ўхшашлик томони: ҳар иккаласи ҳам қуш, демак парвозга ташна. Фақат лирикадаги жон қушининг ошиқлик ҳолати устунроқ тасвирланган. У ёрнинг қошида парвона ёки унга етиш учун шай ҳолатда. Дostonдаги “жон қуши” эса ориф ошиқдир. У Тангри ҳамди билан сайраб, (у ҳақда билганлари ёки ишқ асрорини) баён этмоқчи.

Навоий лирикасида энг кўп учрайдиган вариантлардан бир – кўнгул қуши образидир. Уни жон қуши тимсолининг маънодоши дейишимиз мумкин. Фақат кичкинагина фарқ – жон қуши – Ёр жамоли – Тангри дийдорини қўмсаб, учишга, демак, танадан чиқишга интилади. Кўнгул қуши эса вужуднинг ичида ўз шавқ ва завқини изҳор этади, ҳижронда қийналади, висолдан шодланади.

*Десанг, кўнглум қуши айлаб ҳаво, чеккай навоийи ишқ,
Хадангингнинг парин айлаб қанот, пайконни минқор эт.³*

Ёки:

*Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач,
Эрур андоққи, қушлар қичқиришғайлар йилон кўргач.⁴*

Ёхуд:

*Гулни ўхшатқан учун ёримға гўё боғ аро,
Музтариб кўнглум қушидир, булбули шайдо эмас.⁵*

Малойик қушлари ёки арвоҳи қудсий қушлари образининг тарихи ҳам жаҳон халқлари мифологиясига бориб тақалади. Жумладан, эрамиздан олдинги IV асрдан то эрамизнинг XVII асригача бўлган Европа ва ҳинд, эрон тасвирий санъатида фаришталар қанотли йигит ва қизлар шаклида тасвирланганлигини кўрамиз. Европа тасвирий санъатида улар айниқса муҳим аҳамият касб этиб, мажусийлик билан боғлиқ санъат асарларида ҳам, Инжил билан алоқадор санъат намуналарида ҳам аҳамиятли тасвирлардан саналган. Шарқ тасвирий санъатида ҳам фаришталар қанотли йигит-қизлар шаклида тасвирланиши Навоий замонасида ҳам фаришталар – малойикалар қуш кўринишида тасаввур қилинганлигидан далолатдир.

⁶ Навоий Алишер. Бадоеъ ул-васат. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1990. Т.5. – Б. 143.

¹ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б 7.

² Навоий Алишер. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.3. – Б. 83.

³ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 96.

⁴ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 193.

Ибн Синонинг “Тайр” қиссасида овчидан қочган қушлар саккиз тоғдан учиб ўтгач, гўзал бир водийга етишади. Унда донлаб юрган қушларни кўришади. Йўловчи қушлар улардан подшонинг дарагини эшитишади. Мана шу тасвирдаги гўзал водийда донлаб юрган қушлар орқали Ибн Сино ишора тарзида фаришталар тимсолини адабиётимизда биринчи марта рамзий усулда тасвирлаган.

Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонида қушлар фано водийсига етишгач, даракчи қушдан подшоҳни мутлақо ҳеч нарсага эҳтиёжсизлиги ҳақидаги хабарини эшитишади. Бу тимсол Н. Комилов ва М. Маҳмудов таржимасида “иззат човуши – хизматчиси”¹, Жамол Камол таржимасида эса “шотир”² деб ўгирилган.

Навоий ўзининг сеvimли тимсолларидан бири бўлмиш – малойик қуш(лар)и образини “Лисон ут-тайр”нинг “Қушларнинг фано водийсининг ниҳоятидин бақо мулкидин нишон топқонлари” бобида “иззат човуши” номи билан тасвирлайди:

*Пардадин ногоҳ иззат човуши,
Жилва қилди ўйлаким давлат қуши.*³

Бу ўринда ҳам иззат човуши – подшоҳнинг хос маҳрами маъносида келаётганлиги унинг фаришта рамзи эканлигини тасдиқлайди.

“Лисон ут-тайр”даги қуш тимсолларини эса иккига ажратиб таҳлил қилиш мумкин. Буларнинг биринчиси афсонавий қушлар: Симуруғ, Анқо, Хумо ва Қақнус тимсоллари ҳисобланади.

Симуруғ ва Анқо тимсоллари ҳақида ишимизнинг биринчи бобида тўхталиб ўтганмиз. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий “Лисон ут-тайр”да Анқо сўзини уч маънода қўллайди.

Асарнинг “Ул рисолат Қофи Анқосининг баландпарвозлиғи ва маҳбуби ҳақиқий васлиға етиб, қуш тили била такаллум ва ҳамрозлиғи” деб номланган илк бобида Анқога дуч келамиз. Демакки, бу ўринда Навоий истиора санъатидан фойдаланган ҳолда пайғамбаримизнинг рисолат (пайғамбарлик) тоғида ҳам ноёблигига назар қаратмоқда, яъни Муҳаммад алайҳиссаломнинг мурсал пайғамбарлигини эътиборда тутган ҳолда Анқога ўхшатмоқда. Иккинчидан, бу бобда гап меърож воқеаси ҳақида кетаётганлигини ҳисобга олсак, Анқонинг баландпарвозлигига пайғамбарнинг меърожга кўтарилиш воқеасини қиёсламоқдаки, бу ўринда Анқонинг ҳам ноёб, қимматли, топилмас, ҳам юксак парвозли забардаст қуш эканлиги бу қиёслашга айнан мос тушган.

Иккинчи ўрин достоннинг XV бобида келган бўлиб, Худхуд қушларга Симуруғдан хабар бераркан, уни Анқо деб атайтиди:

*Ҳам нишиман Қофи истиғно анго,
Ҳам лақаб ул Қоф уза Анқо анго.*⁴

Навоий Симуруғни Анқо деб аташининг сабаби, унинг Аттор ва Ғаззолий анъаналаридан чекинмаган ҳолда образ тарихига мурожаат қилиши бўлса, яна бир сабаби, Анқо тимсолининг ноёб ва топилмаслик хусусиятидир.

¹ Аттор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. Насрий баёни. Таржимонлар Комилов Н., Маҳмудов М. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2006. - Б.208.

² Аттор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.352.

³ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б.262.

⁴ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 33.

Учинчи ўрин дostonнинг CLXXIII боби бўлиб, унда Навоий маънавий устози Атторни Анқога қиёслайди:

*Қойси қуш – Қофи фано анқоси ул,
Жумлаи қушлар тили доноси ул.¹*

Демак, Навоий Анқо тимсолидан “Лисон ут-тайр”даги биринчи ўринда пайғамбарнинг сифати маъносида, яъни унинг беназирлигини ифодалашда, иккинчи ўринда Симурғнинг яна бир номи сифатида, учинчи ўринда эса Атторга берилган таъриф ўрнида, яъни “ноёб, қимматли” маъноларида фойдаланган. Муаллиф ҳар учала ҳолатда ҳам Анқонинг халқ оғзаки ижодида шаклланган ноёб, топилмаслик хусусиятларига мурожаат қилган.

Ўзбек халқ фольклоридаги “давлат қуши” мамлакат подшоси вафот этгач, тахт вориси бўлмаган пайтларда учирилган афсонавий қуш сифатида талқин қилинади. Эмишки, қуш муносиб тахт эгасини ғойибона тарзда танлаб, бошига қўнаркан. Бу мотивни кўпгина халқ эртаклари ва дostonларида, жумладан, “Кунтуғмиш”да ҳам учратамиз. Дostonда тасвирланишича, мамлакат подшоси Буврахон ўлгач, меросхўр бўлмаганлиги сабабли давлат қушини учиршибди. У учиб бориб, даладаги бир қуриган дарахтнинг тагида ётган Кунтуғмишнинг бошига қўнибди. Кунтуғмиш девона-банги суратида бўлганлиги учун аркони давлат “қуш адашибди” деб ўйлаб, уни иккинчи марта учирибдилар. Қуш иккинчи марта ҳам, учинчи марта ҳам Кунтуғмишнинг бошига қўнибди. Шундан кейин аркони давлат уни иззат-икром билан олиб бориб, тахтга ўтқазибди. Қарангки, дарҳақиқат у тахтга муносиб инсон – подшоҳзода бўлади.² Давлат қушининг “бахт қуши”, “толе қуши” сингари вариантлари бор. Бу тимсол ёзма адабиётда, жумладан Навоий ижодида ҳам Ҳумо шаклида учрайди.

Шоир Носир Муҳаммаднинг “Анқони маҳрам қилдингиз” рисоласида ёзилишича: “Ҳумо қуши қадимги эртақ ва афсоналарда кўп тилга олинади. Уни жаннат қуши ҳам деб атаганлар. Баъзи ривоятларга кўра, у Чин оролларида яшайдиган ва суюкларни еб юрадиган бир қуш бўлиб, кимнинг бошига сояси тушса, ўша одам давлат ва салтанатга эришар экан.”³ Халқ орасида ҳали-ҳанузгача сақланиб келаётган “бошига бахт қуши қўнибди-да” ибораси ҳам мана шу қуш билан боғлиқ одатлардан келиб чиққандир.

Унаштирилган қиз ёки йигитларни “қуш муборак бўлсин” деб табриклашларида ҳам бахт қушига ишора бор. Хоразмнинг Янгибозор туманида шундай одат бор экан. Унда янги унаштирилган қизнинг дугоналари ё йигитнинг ўртоқлари табриклагани келишаркан ва бу маросим “қуш қўнди” деб аталаркан.

Ҳумо туркий халқларнинг оналик, аёллар ва оила ҳомийси Умай илоҳаси билан боғлиқлиги ҳақида ҳам кўплаб олимлар фикр билдиришган.⁴

“Мантиқ ут-тайр”да Ҳумо ўзининг давлат қуши эканлигини, иши подшоҳни тахтга қўтариш бўлган жонзотга эса подшоҳ керак эмаслигини айтиб, узр сўрайди. Унга жавобан Ҳудхуд подшоҳ бўлишнинг, тожу тахтнинг зарари ҳақида гапиради ва “Султон Маҳмуд

¹ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 276.

² Кунтуғмиш. / Булбул тароналари. 1-том. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг дoston ва термалари. – Тошкент:Фан, 1971. – Б.290-291.

³ Муҳаммад Носир. Анқони маҳрам қилдингиз. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 45.

⁴ Черемисин Д. К ироно-тюркским связями в области мифологии: богиня Умай и мифическая птица // Народы Сибири: история и культура. Новосибирск. 1997. – С. 38; Басилов В. Умай. / Мифы народов мира. Москва, 1992. – С. 574.

пок ниятли одамнинг тушига кирганлиги” ҳақидаги ҳикоятни мисол келтириб, сўзини исботлайди.¹

“Лисон ут-тайр”да эса Хумонинг юқоридаги мазмундаги узрига:

*Деди Худхуд: – “К-эй сўзунг афсонае,
Ким ани қилғон баён девонае”..
Филмасал бўлса бу даъво рост ҳам,
Келса сендин бу сифат бехост ҳам.
Берса элга шоҳлиғ ҳайи вадуд,
Сен не бориким санга ондин не суд, -²*

тарзида танбеҳ беради.

Қақнус ҳақида “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да шундай дейилган: Қақнус – мавҳум бир қуш, афсонага кўра тумшуғида жуда кўп тешиклар бўлиб, бу тешиклардан чиққан овозлардан гўё мусиқа чиқарар эмиш.³ Бу образнинг илк куртакларини биз юнон халқ мифологиясида учратамиз.

Феникс – грек мифологиясида сеҳрли қуш. Грек ва Эфиопия мифологияси билан боғлиқ ҳолда учрайди. Уни узоқ ўтмишда оссурияликлар кашф этган эмиш. Феникс 500 йил ёки 1460 йил ва ё 12954 йил яшайди дейишади. Унинг кўриниши бургутсимон ва ранги қизил-тилласимон ёхуд олов рангда деб тасаввур қилишади. Умрининг охирида у турли хушбўй ўтинлар келтириб, ўз уйчасини ёндираркан, унинг кулидан эса қақнус бола пайдо бўлармиш. Мисрликларнинг варианты бўйича, у ўтларнинг хушбўй ҳидидан ўлар экан, сўнгра у қуёшда ёниб кетармиш ва унинг танасидан қақнус бола чиқар эмиш. Геродотнинг фикрларига кўра, Феникс деган юнон шаҳзодаси Мисрдаги ёниб кетган жойдан отасига тухум келтириб берибди, у эса Феникс тухуми бўлиб чиқибди.⁴

Феникснинг Шарқ адабиётига Қақнус шаклида ўзлашиши билан биргаликда ушбу образга бир қатор мотивлар қўшилди. Натижада, ушбу образнинг таъсирчанлиги, бадий куввати ортди. У ҳақида “Ажойиб ул-махлуқот” асарида қуйидагича маълумот берилган: “Унинг жуфти, фарзанди бўлмас эмиш. Тумшуғидаги беҳисоб тешиклардан сеҳркор оҳанглар янграр экан. Тумшуғидаги тешиклардан ва қанотидан ўт чиқиб, ўтинга тушар ва ўзи ҳам ёниб, кулга айланармиш. Кулдан эса тухум ва бу тухумдан ёш Қақнус пайдо бўлар экан. Куй ва арғанун (орган) мусиқа асбоби унинг овозига тақлидан кашф этилган эмиш”⁵

Бу тимсолдан Шарқ жумладан туркий адабиётда Навоийдан олдин ҳам фойдаланилган. Жумладан, Ҳайдар Хоразмий “Маҳзан ул-асрор” достонида ўзининг ушбу асарни ёзиш ҳолати баёнида қуйидаги байтларни келтиради:

*Ҳар даму, ҳар лаҳза бир ўтқа ёниб,
Ғояти йўқ оташ ичра ўртаниб.*

¹ Аттор Шайх Фаридуддин. Манتيқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.55.

² Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б. 82-83.

³ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1972. – Б.733.

⁴ Мифы народов мира. Энциклопедия. В 2-х томах. 2-том.. – Москва: Наука, 1988. – С. 436-437

⁵ Ажойиб ул-махлуқот. Хондайлиқий Сирождиддин Махдум Сидқий таржимаси. Ўз ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди инв №8884. – Саҳ. 67.

*Ўт ичида қақнуси бечоравор,
Нолаи жонсўз тузиб сад ҳазор.¹*

Навоий “Лисон ут-тайр”дан олдин ушбу образга лирикасида ҳамда “Фарҳод ва Ширин” достонида мурожаат қилади. Лекин уни “Лисон ут-тайр”да мукамаллик ва бадий санъаткорликнинг баркамол даражаси билан куйлайди. Бунинг сабабини устози Аттордан таъсирланганлигида десак, хато бўлмайди.

“Мантиқ ут-тайр”да Аттор тасвиридаги Қақнус умр бўйи хас-хашак йиғади ва умрининг охирида шундай нола чекадики, натижада хас-хашак йиғилган уясига ўт тушиб, уя билан унинг соҳиби – Қақнус ҳам ёниб кетади. Аттор бу анъанавий образдан фано ҳақидаги хулосани чиқариш учун фойдаланади:

*Қақнуси саргашта умри минг, ҳазор,
Бир умр йиғлаб, чекар фарёду зор...
Бўйлаким сен ҳам қутулмассан сира
Шум ажалдин ҳийлаву тадбир ила.²*

Навоий эса бу ҳикоятдан “Лисон ут-тайр”нинг CLXXIV бобида фойдаланади ва бобни “Ўзининг шайх руҳи мададидан анга татаббуъ қилғонига қақнус тамсили” деб атайди. Шоир ҳикоятни айнан келтирар экан, унга Фисоғурс (юнон файласуфи Пифагорнинг Шарқона аталиши)нинг бу наволарни эшитгани ва унга асосланиб, мусиқа фанига асос солганлиги ҳақидаги мотивни киритади. Қақнуснинг ҳаёти, ўтин йиғиши ва ноласи, шу сабабдан атрофга ўт кетиши ҳақидаги фикрлар айнан берилади, унинг ўтидан атрофдаги кўнгулларга ўт тутатиши ҳақидаги фикр кучайтиради, лекин хулоса мутлақо ўзгача маъно касб этади. Яъни:

*Шайх гўё келди ул аввалғи тайр,
Ким наво ичра қилиб умрида сайр...³*

байтида Навоий маънавий устози Атторни Қақнусга қиёслайди:

*Юз наво зоҳир қилиб минқоридин,
Борча Ҳақнинг ёшури асроридин.
Ўзига, хирманга доғи ўт уриб,
Ҳам ўзин, ҳам ўзгаларни куйдуриб.⁴*

Навоий бу даъвони мавжуд адабий анъаналардан четлашмаган ҳолда, камтаринлик билан изҳор этади:

*Мен демонким ул атодур, мен ўғул,
Ул шаҳи олийсифот, мен банда, қул...*

⁵ Навоийнинг нигоҳи тушган... Тузувчилар: Муҳаммад Али., Қосимов Б., Нурматова Р. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1996. – Б.188.

¹ Аттор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.205.

² Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, - 1996. Т.12.– Б. 281.

³ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 281.

*Ҳар неким кўрди отомдин рўзгор,
Ҳам они бўлди манга омузгор.¹*

Навоий “Лисон ут-тайр”нинг XIII бобини Атторга бағишлайди ва “Қудватул аҳрор ва қиблатул-аброр Шайх Фаридиддин Аттор қаддасаллоҳу руҳаҳуға мадҳу сано оғозим ва ўз арзу ниёзи” деб номлайди. Унда Навоий Атторнинг асарларига ва тасаввуфий фаолиятига:

*Назму насридинки таҳрир айлабон,
Ваҳдат асрорини тафсир айлабон.²*

деб муносабат билдиради. Мана шу бобда Навоий Аттор руҳига мурожаат қилиб, ундан қўллаб-қувватлашни сўрайди. CLVIII бобда эса айнан мана шу мурожаат амалга ошганлиги, яъни Навоийнинг Аттор руҳи томонидан қўллаб-қувватланганлиги айтилади. Навоий Атторни Қақнусу, ўзини Қақнус бола дейиши фақатгина санъат нуқтаи назаридан бўлмай, муаллиф бу даъвога қандайдир маънода ўзини ҳақли деб ҳисоблаган. Бу даъвонинг исботини айнан нақшбандийлик таълимотида ёқланадиган увайсийлик назариясидан излаш керакка ўхшайди.

Маълумки, Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Аттор ҳақида фикр билдириб, қуйидагиларни ёзади: “ ... баъзи дебдурларки, увайсий экандурлар ва Мавлоно Жалолуддин Румий қ.с. сўзларида мазкурдурки, Шайх Мансур Ҳаллож нури юз элик йилдин сўнгра Шайх Фаридуддин Аттор руҳига тажаллий қилди ва онинг мураббийси бўлбдур”.³ Атторнинг увайсий эканлигини, Мансур Халложнинг руҳи уни тарбия қилганлигини эътироф этган Навоий ўзи ҳам Аттор руҳига иқтидо қилиши – эргашиши ва ундан руҳий мадад кутиши мумкингина эмас, тасаввуф таълимоти ва амалиёти ўз тақомилига етган XV аср шароитида зарур эди.

*Ўртадим олам элини, ўзни ҳам,
Қуш тилидан ўзга қилмай сўзни ҳам.⁴*

сатрларида эса Навоий бу асар ўзининг энг сўнгги (бадий) ҳамда энг кучли асари эканлигига ишора қилаётгандай бўлади.

Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, Навоий Атторни қақнусу, ўзини қақнус болага ўхшатиши фақатгина санъат нуқтаи назаридан эмас, балки тасаввуф фалсафасининг увайсийлик назариясига биноан ўзини ҳам Атторнинг руҳидан маънавий тарбия олган деб ҳисоблаганлиги учун эътироф этаётган экан.

Достондаги реал қушлар ҳақида гап кетганда, шуни таъкидлаш жоизки, муаллиф “Мантиқ ут-тайр”нинг “Дебоча. Қушларга хитоб” бобида Ҳудҳуд билан биргаликда мусича, қумри, тўти, каклик, лочин, дуррож, булбул, товус, тазарв, қумри, ғуррак, қарчиғай, хумой каби қушларга мурожаат қилиб, уларни Симурғ сари йўлга чорлайди. Уларнинг асоси Симурғдан эканлигини, бу дунёда умрни беҳуди ўтказмай, аслини излаши лозимлигини англатади. Достоннинг иккинчи мақоласида Ҳудҳуд Симурғни мадҳ этгач, қушларнинг узр сўраши ушбу тартибда бўлади: булбул, тўти, товус, ғоз, каклик, хумо, лочин, бўтимор, бойқуш, саъва.

⁴ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, - 1996. Т.12.– Б. 281-282.

⁵ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 28.

¹ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2001. Т. 17. – Б. 459.

² Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 282.

Профессор Бертельс “Навоий ва Аттор” мақоласида: “Аттор қушларидан Навоий фақат саккизтасини сақлаб қолди, иккитасини эса тушириб қолдирди. Лекин бу қушларга қумри, кабутар, бургут, тазарв, товус ва хўроз каби тимсолларни қўшди. Бу рамзлар Навоийдан олдинги адабиёт анъаналарида ҳам акс этган бўлиши мумкин. Навоийнинг қўшимчаларидан қарчиғай ва бургут рамзлари ҳали ўрганилмаган ва ушбу қуш тимсолларининг келиб чиқиши ҳам номаълум”¹ деб таъкидлаган. Демак, Навоий “қушлари”нинг тартиби қуйидагича бўлади: *тўти, товус, булбул, қумри, каклик, тазарв, дуррож, кабутар, шоҳбоз (қирғий), шунқор*. “Мантиқ ут-тайр”дан фарқли равишда муаллиф эмас, балки марказий қахрамон – Худхуд ушбу қушларга бирма-бир мурожаат қилиб, уларни Симурғ сари сафарга даъват қилади: Йўл қийинчиликларига чидолмай, узр сўраган қушлар тартиби эса қуйидагича: *тўти, товус, булбул, қумри, кабутар, кабки дари, тазарв, қарчиғай, шунқор, бургут, куф, хумой, ўрдак ва товук*.

Туркиялик адабиётшунос олим, профессор М.Жонпўлат 1995 йил Туркияда нашр этилган “Лисон ут-тайр”нинг сўзбошисида бу тимсоллар ҳақида қуйидагича фикр билдиради: “... Аттор тилга олган 16 қушдан Гулшаҳрий танлаган 8 қушни олиб, уларга 6 қуш қўшиб, бу рақамни 14 тага чиқариши асарнинг янги бир режа ва ўзгариш асосида янгиланиши унинг қуруқ тақлиддан йироқлигининг айни далилидир”.²

Юқоридаги тимсоллардан адабиётда энг кўп аҳамият берилгани – бу *булбул* тимсоли бўлиб, у “ошиқ” рамзида келиши нафақат адабиётшуносларга, балки барча шеърят мухлисларига маълум. Навоий лирикасидаги энг кўп мурожаат қилинган қуш рамзи ҳам булбул бўлиб, у гул тимсоли билан уйғун ҳолда ошиқнинг изтироблари, унинг маъшук гўзалликларидан таъсирланиши каби ҳолатларни тасвирлаш учун қўлланилган фаол тимсоллардан бири саналади.³ Навоий булбул тимсолини ишқда фарёд қилувчи, яъни сукур – шовқинли йўлдаги ошиқ соликка ҳам қиёслайди ва тазод санъатидан фойдаланиб, уни ўтда жимгина ёнувчи парвонага – ишқини пинҳон сақловчи саҳв йўлидаги ориф соликка қарши қўяди. Ушбу дostonда эса Навоий Аттордан таъсирланган ҳолда (Атторнинг “Булбулнома”сида ҳам булбул худди шундай вазифани бажарган)⁴ булбул образини сал бошқачароқ – зоҳирий гўзалликка, ўткинчи жилогга мафтун киши тимсолида ишлатиб, унинг ишқини нуқсонли дейди ва танқид қилади:

*Ким ясаб сен ўзни ошиқ зўр ила,
Кўргузурсен ишқ аро минг шўр ила.*

*Бир чечаккаким – вафоси йўқ онинг,
Умр боғинда бақоси йўқ онинг.*⁵

Ушбу тимсолнинг дунёвий гўзалликларга ҳирс қўйиб, асл маънони – илоҳиётни унутган руҳият маъносидаги талқини ҳам мавжуд.

Тўти мумтоз адабиётда ширинсўзлик тимсоли бўлиб келади. Унга ёрнинг ширин каломини муқояса қилдилар. Дostonда *тўти* ўзини қийинчилик кўрмаганлиги учун “*бургутлар пашшадек бўладиган йўл*”да қийналиб қолишини айтади. Ушбу тимсол билан

³ Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука: 1965. – С. 398.

¹ Жонполат М. Сўзбоши. / Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. Нашрга тайёрловчи М. Жонполат (Турк тилида). Анқара: 1995. – Б. 14.

² Бу ҳақда қаранг: Муллаҳўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъат уйғунлиги. Фил.фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2006.

³ Бу ҳақда қаранг: Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 340-353.

⁴ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2001. Т. 12. – Б. 61-62.

Навоий зоҳирӣ орзу-ҳавасларга ўч, худбин кимсаларни ёки руҳиятнинг ўз-ўзига бино қўйиш хусусиятини акс эттиради.

Товус мумтоз адабиётда маъшуқанинг гўзаллиги ва қадам ташлаши рамзи (товус хиромон) сифатида талқин қилинган. “Лисон ут-тайр” да товус тимсоли зебу зийнатларига бино қўйган киши ёки ўзининг илмига, амалига кибр айлаш рамзи сифатида тасвирланади. Худхуд уни суратга бино қўйганликда айблаб, танқид қилади:

*Сенки бу суратқа бўлдунг мубтало,
Ур тамасхурға улус ичра сало.¹*

Қумри ҳам мумтоз адабиётда сайроқи қуш сифатида тасвирланади. Бироқ Навоий ушбу тимсолга янги маъно юклаб, уни боғ-бўстонни севувчи, ундан бир дақиқа ҳам айрилмайдиган қуш – ўз уйига меҳр қўйган ва ундан нарини кўролмайдиган киши ёки руҳиятнинг дунё “ялтир-юлтир”ларига асир бўлиб, ундан ажралишни тасаввур қила олмайдиган ҳолати тимсолида талқин қилади. Худхуд унинг хонанишинлигини танқид қилгани ҳолда, Ҳақ йўлига киришни тарғиб қилади:

*Эр эрсанг, мақсуди асли истабон,
Йўлга кирсанг ёр васли истабон.²*

Кабутар дostonга Навоийнинг ўзи киритган қуш тимсолларидан саналади. У дунё мифологиясида руҳ, тинчлик маъносини англатади, туркий халқлар асотирларида ҳам “девларнинг жони кабутар шаклида бўлар эмиш” деган тушунчани эслаган эдик. Шу билан бирга, одам руҳига ҳам муқояса қилинади. Навоийнинг кабутари ҳам шуни назарда тутган ҳолда узрида ўзини “барча қушлар ичра ҳаййу ло ямут” – тирик, ўлмайдиган қушман, деб таништиради. “Лисон ут-тайр” да кабутар уй-жойига асир бўлган одам ёки вужудига асир нотавон руҳ тимсолида талқин қилинади:

*Ким санга Тенгри насиб айлаб қанот,
Қилғудек бир дамда қатъи коинот.*

*Сен халойиққа бўлуб фармонпазир,
Дона бирла сув учун зору асир.³*

Навоийшунос олим С. Олим “Нақшбанд ва Навоий” рисоласида ушбу қушлар тимсолларини шарҳлайди.⁴ Жумладан, Худхуднинг қушларга берган жавоблари ҳақида фикр билдириб: “... Қумрига берган жавобда беҳунарлик қораланган эди, энди беғайрат киши танқид қилинпти”, дейди.

Кабки дари (каклик) – узлатни макон тутган зоҳид (ёки руҳиятнинг ўз ибодатларига ружу қўйиши) образида талқин қилинади. С. Олим бу қуш билан бўлган савол-жавоб лавҳасига ҳам фикр билдириб: “Худхуд (демак, шоир ҳам) Кабки дариини бемақсадликда, олий ният сари интилмасликда айблади, шунчаки узлатга чекиниб, нуқул зикр тушиш

¹ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 59

² Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 64.

³ Навоий Алишер. Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б 66.

⁴ Олим С. Навоий ва Нақшбанд. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б.118-131;87

билан шуғулланишни бемаънилик деб ҳисоблайди”.¹ Бизнинг фикримизча ҳам, бу тимсол билан Навоий ибодатга ружу қўйган зоҳид асл ҳақиқатдан – Аллоҳдан узоқдадир, деган умумтасаввуфий ғояни олға суради:

*Тоғ аро дерсенки туттум инзиво,
Инзиво эрмас, эрур нафсу ҳаво.*

*Ҳарза гардисен югурмаклик ишинг,
Пўя тоғу қулла узра варзинг.²*

Тазарв (тустовуқ) мумтоз адабиётда гўзаллик тимсоли бўлиб, бу ўринда ташқи чиройига ружу қўйган энгилтак ёхуд руҳиятнинг энгил-елпиликларга мойиллиги тимсолида гавдаланади:

*Эр кирар эр сониға ҳиммат била,
Эр эмас фахр айлағон зийнат била.*

*Эрга хулқу феъл эрур зебу камол,
Янги заркаш ҳулласидур эски шол.³*

Қарчиғай “Мантиқ ут-тайр”да санаб ўтилади, лекин у дostonда узр сўрайдиган қушлар қаторига кирмайди, шунинг учун Аттор у ҳақда махсус тўхталмаган. Бу тимсолга Навоийнинг алоҳида эътиборига сабаб, бизнингча, бу образ туркий халқлар фольклорида кўп тилга олинганлигидан бўлса керак. Жумладан, “Кунтуғмиш” дostonида Холбеканинг канизи савдогар қиёфасида келган Кунтуғмишни қуйидагича таърифлайди:

*Ўзи сардор экан, сардор сабоқли,
От устида минган қуни ўмоқли.
Халойиққа ёмон қуни керакли,
Қарчиғай келбатли, бургут қобоқли
Йигитнинг лочини кўрдим, бувишим.*

Ушбу парчадаги каби фольклор адабиётининг кўпгина ўринларда қарчиғай, бургут образлари мард, ботир, ёвқур маъноларида ишлатилади. Навоийнинг “қарчиғай”и ҳам тумшуғи ва чангалини намойиш қилиб, ўзининг ов қуши эканлигини, ўрни шоҳлар қўлида бўлганлигини айтади. С. Олимнинг фикрига кўра, “Худҳуд ов қуши бўлмиш Қарчиғайни ғурур йўлида пастликда, жаҳолат ва ғафлат босганликда айблаб, аслида шоҳга ҳам, овчига ҳам қул эканлигини таъкидлайди”.⁴ Бу тимсол билан Навоий подшоҳнинг надимларини тасвирлайди:

*Деди Худҳуд: - “К-эй ғурур илкида паст,
Жаҳл ила ғафлатқа бўлғон зери даст.*

⁴ Олим С. Кўрсатилган асар. – Б. 125.

⁵ Алишер Навоий. – Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б. 68.

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. – Б. 71.

² Олим С. Навоий ва Нақшбанд. – Тошкент: Ўқитувчи 1996. – Б 128.

*Шоҳ аёғингға солиб банди азим,
Йўқки шах, ҳар қайси сайёди лаим.¹*

Шунқор ўзининг подшоҳлигини айтиб, шоҳга эҳтиёжи йўқлигини изҳор этади. Навоий бу тимсол билан тахт ва амалга ружу қўйган шахсларни ҳамда руҳиятдаги амалпарастлик иллатини ифода этади:

*Қавми нодонким, дегайлар сени шоҳ,
Бутни ё ўтни дегондекдур илоҳ.*

*Зотинга шатранж шоҳидур адил,
Ким ўзидек ўтрисидадур бадил.²*

Бургут Навоийнинг ўзи киритган яна бир қуш тимсоли. Достонда Навоий бургутни нафсга, жисмоний куч-қудратга берилиб, тоат-ибодатни эсидан чиқарган инсон ёки аслиятни унутган руҳ тимсолида талқин қилади:

*Мунча бирла ўзни тавсиф эткасен,
Зўру шавкат бирла таъриф эткасен.*

*Паҳлавону қаҳрамон ул бўлди, ул –
Ким кечиб жонидин эткой азми йўл.³*

С. Олимнинг фикрича, “Бургут ўзини тоғ қаҳрамони деб атайди, қаҳридану савлатидан бошқа қушлар кўрқишини пеш қилади, қулону кийикларни овлашини ва шу билан озиқланишини айтади... Худхуднинг йўли қатъий – у бундай қаҳрамонликни қаҳрамонлик деб билмайди, унинг наздида жондан кечиб, йўлга равона бўлган киши - қаҳрамон”.⁴

Куф хазина топиш ишқига тушганлигини айтиб, узр сўрайди. Бу тимсол Навоий талқинида кундалик тирикчилигига ружу қўйган одам ёки руҳиятнинг шу хилдаги хусусияти маъносида гавдалантирилган:

*Менки ганж уммедидин девонамен,
Кеча-кундуз сокини вайронамен.*

*Бу узун йўлдин мени тутқил маоф,
Мен киму Симурғ ила Кўҳи Қоф.⁵*

Унинг бу хилдаги қарашлари Худхуд томонидан умрнинг беҳуда ўтказилиши деб танқид қилинади:

*Филмасал билфарз топсанг ҳам бу ганж,
Қил хаёл, эй нотаवони ғуссасанж.*

³ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б. 73.

²¹⁹⁰ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар.– Б. 76.

¹ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 78-79.

² Олим С. Навоий ва Нақшбанд. – Тошкент: Ўқитувчи 1996. – Б 128-129.

³ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б. 80

*Ким не бўлғай баҳринг ондин жуз бало,
Ҳардам ўзга ғамға бўлмоқ мубтало.¹*

Ўрдак сохта кароматфуруш сўфий тимсолида ёки руҳнинг ўз илму хунарларига мағрурлиги қиёфасида гавдалантирилмоқда:

*Мавждин сажжода солиб сувда,
Кўргузиб мақсуд юз ул кўзгуда...*

*Сувдадур мақсудима чун етмагим,
Бас хатодур ўзга ён азм этмагим.²*

Навоий бундай кароматфурушликни ҳам инкор этади:

*Сувғаким сажжода солибман дединг,
Чузғ ҳолидин магар ғофил эдинг...*

*Эр эсанг, оллингдадур баҳри фано,
Чўмғилу қилғил ўзингни ошно.³*

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, адабиётшунос олим С.Олим “Нақшбанд ва Навоий” рисоласида “Лисон ут-тайр”ни нақшбандия тариқати билан боғлаб талқин этган. Ушбу талқин товуқ (хўроз) образига берилган шарҳда ҳам намоён бўлади. Унга кўра “Ризқ топишда Товуқ бошқа қушлардан қолишмайди. Фойда келтириш жиҳатидан Товуқ кўп қушлардан устун. Меҳнаткаш, йўқ жойдан йўндириб, ризқ топади. Тер тўкиб, дон излайди”.⁴ Бизнинг фикримизча эса товуқ (хўроз) руҳиятда мавжуд бўлган шаҳвоний ҳирс тимсоли. Ҳудхуд унинг бу хусусиятини эркакнинг фазилати эмас, деб қаттиқ танбеҳ беради:

*Юз ямонлиғ бирла шанъат айлабон,
Яшиларға ўзни нисбат айлабон.*

*Сустлуғлар бирлаким қилдинг аён,
Демагил ўзни хурўс, эй мокиён.⁵*

Яна шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, “Лисон ут-тайр”нинг айнан мана шу ўрнида Навоийнинг тариқатдаги маслаги – нақшбандийликка муносабати аён бўлади. Яна С.Олимга мурожаат қилсак, “Товуққа жавобан Ҳудхуд зоҳиран энг уcholмайдиган қуш ҳам ботинан, яъни қалбан Симурғ сари парвоз айлаши мумкин, демоқчи. Симурғни излаш кўнгил орқали кечадиган жараён деб уқтирилаяпти”.⁶ Шу жавобда Ҳудхуд жаннатдаги Сидра дарахти узра сокин турган қушлар ҳақида ҳикоя қилади. Улар зоҳиран сокин кўринсалар-да, лекин қалбан доим парвоздалар – Симурғ билан биргадирлар, дейди. Бу билан Навоий нақшбандийликка ишора қилибгина қолмасдан, тариқатдаги “хилват дар анжуман” ғоясини бевосита тилга олади:

⁴ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 81.

⁵ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 85.

¹ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б. 85

² Олим С. Навоий ва Нақшбанд. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 132.

³ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 88.

⁴ Олим С. Навоий ва Нақшбанд. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 135.

*Келди хилватгоҳи онинг анжуман,
Сайр этар, лекин ери доим ватан.¹*

Ушбу ҳикоят ҳақида фикр билдирган тасаввуфшунос олим Н. Комилов “Хилват ва анжуман” мақоласида жумладан шундай ёзади: “Улуғ шоир Нақшбанд сулукининг моҳиятини жуда аниқ таърифлаб берган: ботиний ҳолни халқдан яшириш, ботиний олам билан Ҳақ васлига мушарраф бўлиш, кўнгулда ирфон нуруни лиммо-лим сақлаш, аммо бунинг ўзгалардан (ғайрдан) пинҳон тутиш, дилда маърифатнинг юз минг дарёси тошиб турса ҳам, садаф каби оғизни очмаслик. Зеро, садафнинг оғзи берк бўлгани учун ичида дур ҳосил бўлади”.² Умуман, дostonда нақшбандийлик тариқатининг тарғиби ҳам ўзига хос бир тизим тарзида баён этилган. Бироқ бу ҳақда бир қанча олимлар тадқиқот олиб борганликлари учун биз ушбу мисол билан чекландик.³

Шуни алоҳида қайд этиш ўринлики, ушбу қушлар узрларидан сўнг Худхуд уларни Симуруғ сари сафарга даъват этар экан, ҳар бирини Симуруғ билан боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратади. Худхуднинг оташин нутқи ва айниқса, “Шайх Санъон қиссаси” таъсирида улар йўлга шавқ билан талпиндилар. Бу борада туркиялик олим М. Жонпўлат қуйидагича фикр билдирган: “... Шайх Санъон ҳикояси ишқ кудратини кўрсатган ҳикоядир. Кейин қушлар ўзларига бир йўл кўрсатувчи кераклигини сезишади. Ва бундай масъулиятни ўз бўйнига олишини Худхуддан илтимос қилишади. Лекин у бундай вазифага рози бўлмайди. Шунда қушлар раҳбарни қуръа ташлаб аниқлашга келишадилар. Қуръа эса Худхуднинг номига тушади. Асл буюк йўлчилик ана шундан кейин, яъни муршидга қўл берганларидан кейин бошланади”.⁴ Шунда қушлар Худхудга аввалгидек ижтимоий-маиший мавзуларда эмас, балки маънавий камолот ва руҳоният ҳақида саволлар беришади. Натижада, Навоий ҳам Аттор сингари уларни менликдан қутула борганлигига ишора қилиб, ўз номлари билан эмас, “бир қуш” деб атайдди. Демак, солиқлар тасаввуф йўлига киришди. Энди улардан ному нишон, ўзлик даъвоси узоқлашди. Энди улар барчалари бир вужуд, бир тан бўлиб, илоҳий ўзликка қараб интила бошладилар.

Дostonдаги барча қушлар алоҳида тимсоллар бўлиши билан биргаликда, бошқа маънода, жон қушининг турли ҳолатдаги кўринишлари, турфа кайфиятдаги товланишларидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ишимизнинг II бобига қуйидагича хулоса ясадик:

1. Худхуд образи мусулмон Шарқи адабиётига Қуръони Карим оятлари асосида ўзлашгандан сўнг Рабғузийнинг “Қисас ул-анбиё”сида зийрак ва саркаш тимсол сифатида намоён бўлди.

2. Бу тимсолнинг Румий ижодидаги талқинига назар ташлайдиган бўлсак, “Маснавийи маънавий”даги қисқагина бир ҳикоятда унинг оқил ва имонли сўфий тимсоли даражасида намоён бўлганлигини кўрамиз. Кўриб ўтганимиз талқинлар натижасида бу тимсол Қуръони Каримдаги ривоят қаҳрамонидан бадий тимсол даражасига кўтарилди.

3. Худхуд тимсолининг Аттордаги ижодий ишланмасининг юқоридаги талқинлардан фарқли томонлари қуйидагилар:

⁵ Навоий А. – Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12.– Б. 87.

⁶ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009. – Б. 101.

¹ Бу ҳақда қаранг: Комилов Н. Хилват ва анжуман. / Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009. – Б.101-102; Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 60-61; 89; 120; Олим С. Навоий ва Нақшбанд. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 107-131.

² Жонпўлат М. Сўзбоши. / Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Нашрга тайёрловчи М. Жонпўлат (Турк тилида) – Анқара: 1995. – Б. 14.

– Аттор талқинидаги Худхуд доно ва закийлигидан ташқари комил йўлбошчи ҳамдир. У ўз ортидан “юз туман минг” қушларни эргаштира олди.

– Унинг пири комил рамзи эканлиги шунда намоён бўладики, у Симурғ (Ҳақ таоло)ни таниган, унга борадиган йўллардан хабардор. Қушлар (соликлар)нинг саволларига жавоб бериб, уларни сафарга руҳлантиради, қийинчиликда қўллаб-қувватлайди.

4. Худхуд тимсолининг Алишер Навоий ижодида пири комил, доно йўлбошчи каби маънолари чуқурлаштирилди, бундан ташқари комил инсон, камтарин устоз, муаллифнинг асардаги биринчи рақамли тимсоли каби талқинлар билан бойитилди.

5. Худхуд тимсоли “Лисон ут-тайр” достони образлар системасида солиқ қушлар ва Симурғни боғловчи ришта сифатида асосий тимсол вазифасини бажаради.

6. Симурғ образи форс асотирларидан келиб чиққач, Авестода Варағн ва Саэна ирғға каби вариантларда қўлланилган. Ўзбек халқ эртақларида Симурғнинг Давлат қуши, Бахт қуши, Булбулигуё каби бир қанча вариантлари бор. Унинг “Калила ва Димна”да тасвирланиши эса ҳинд адабиётига ҳам таъсир этганлигидан далолат беради.

7. Симурғ тимсоли Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида бадиий тимсол сифатида тубдан қайта ишланди. Натижада, ушбу образнинг бадиий қуввати ошди. Бу унинг дostonдаги асосий қахрамонлар сирасидан ўрин олганлигида, дoston бош қахрамонларидан бири Сом ва унинг ўғли Рустамнинг ҳомийси сифатида талқин этилганлигида намоён бўлади.

8. Аттор ижодидаги Симурғ тимсолининг талқинидаги янгиликлар, хусусан, бу тимсолга тасаввуфий томондан нигоҳ ташланиши, унга Тангрининг мажозий тимсоли маъносининг юклатилиши билан боғлиқдир. Оқибатда, Симурғнинг ярим подшоликка арзийдиган сеҳрли пати ҳам тажаллий фалсафасини англатадиган рамзий тимсол даражасида юксалди.

9. Навоий ижодидаги образнинг ўттиз қуш, илоҳий идеал ва қушлар подшоҳи рамзлари чуқурлаштирилди, янги тасвирлар билан биргаликда комил инсон талқини кашф этилди. Тимсолга ваҳдат ул-вужуд фалсафаси нуқтаи назаридан туриб баҳо берилди. Натижада, ушбу янги талқин илоҳий Ўзлик инсоннинг ичидадир, яъни Симурғ – ўттиз қушнинг илоҳий ўзлигини кашф этилишидир, деган янги, айтиш мумкинки, инсонни улуғловчи ғояга хизмат қилди.

11. “Лисон ут-тайр” ва “Мантиқ ут-тайр”да Симурғ тимсоли бош қахрамон даражасига чиқарилди. Бу ҳол дostonларнинг ҳар бир лавҳасида, сюжет чизигининг ҳар бир деталда намоён бўлади. Яъни сойир қушларнинг саволи ё баҳонасиме ёки Худхуднинг уларга жавобими, умуман, дostonлардаги ҳар бир лавҳада фикрнинг бевосита ёки билвосита Симурғ тимсоли билан боғлиқлигини кўради.

12. Қуш образи жаҳон ва туркий халқлар мифологияси ва фольклорида элчи, инсон руҳи, жони ва кўнгли рамзларини ифодалаб келган. Тасаввуф адабиётидаги қушлар образининг келиб чиқиши ва ривожланиши фольклордаги қуш тимсолига ҳамда инсон жонининг қуш каби парвоз этиши ҳодисасига бориб тақалади. “Лисон ут-тайр” типидagi тасаввуфий асарлардаги қушлар оддий кишилар руҳлари эмас, балки Тангрисини излаётган солиқларнинг кўнгли рамзидир.

13. Қуш образининг жон қуши, кўнгул қуши, малойик қушлари каби вариантларининг келиб чиқиши ва Навоий ижоди билан боғлиқлиги шу даражадаки, уларда ҳам фольклор элементлари бойитилган ва ривожлантирилган. “Лисон ут-тайр”даги афсонавий Симурғ, Хумо, Анқо, Қақнус каби қушлар тимсолининг таҳлили Навоийнинг бу тимсолларга ўзига хос қарашлари бор эканлигидан далолат беради.

14. Реал қушлар (*тўти, товус, булбул, қумри, кабутар, кабки дари, тазарв, қарчиғай, шунқор, бургут, куй, хумой, ўрдак ва товук*)нинг келиб чиқиши ва дostonдаги вазифаси

ҳамда образлар тизимидаги ўрнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бу образларни руҳиятдаги айрим қусурларга ва айни пайтда жамиятдаги муайян иллатларга муқояса қилиш мумкин. Бу кўпмаънолилиқ хусусияти дostonнинг бадий қувватини оширади. Дostonдаги сидра дарахтидаги қушлар гарчи кичик ўринда эътироф этилган бўлса-да, Навоийнинг та-саввуфдаги маслағи – Нақшбандия ғояларининг тарғиби учун муҳим аҳамият касб этган.

III БОБ. РАМЗИЙ ОБРАЗЛАР ВА ОРИФОНА ТАЛҚИН

3.1. ЕТТИ ВОДИЙ ОБРАЗИ: ҒОЯ ВА ТАСВИР.

“Етти” рақами нафақат туркий ва форсий халқлар оғзаки ижодида, балки дунё халқлари мифологиясида, фольклори ҳамда маънавий маданиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган “сеҳрли” рақамлар сирасига кирган. Бу борада жуда кўп манбаларда маълумотлар учрайди. Жумладан, адабиётшунос олим С. Ҳасановнинг “Навоийнинг етти тухфаси” китобида қуйидагича маълумот берилган: “Бу рақам турли халқлар орасида турлича тушунилган. Баъзан яхшилик, баъзан ёвузлик, аксарият ҳолларда муқаддас рақам ҳисобланиб келган ва унга асосан юз бериб турадиган воқеаларнинг етти рақами билан боғлиқлиги сабаб бўлган. Етти иқлим, етти сайёра, ойнинг тўртта етти кунликда янгилашиб туриши ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Етти рақамини белгилашда асосий ролни ҳафта кунлари билан боғлиқ бўлган Қуёш, Ой, Марс (Баҳром), Венера (Зухра), Меркурий (Уторид), Юпитер (Муштарий), Сатурн (Зухал) планеталари ўйнаган.

Бобилнинг жанубида яшаган қадимги шумерларда эрамиздан тўрт минг йил илгари етти сайёра билан боғлиқ алоҳида диний тушунчалар ҳам пайдо бўлган. Кейинчалик етти рақами мазкур сайёралар туфайли бобилликларнинг диний маросимлари ва кундалик ҳаётларида кенг ўрин олган. Бобилликлар ўз ибодатхоналарини шунга биноан етти зинапоя шаклида устма-уст қуриб, унинг деворларини ҳам етти рангга бўяганлар.¹

Етти рақамининг сеҳрли сон сифатидаги ўрни ва ўзига хос хусусиятлари, қадимги кишиларнинг бу рақам билан боғлиқ қарашлари ҳақида А. Бородин, Н. Жуковская каби олимлар фикр билдиргани,² ўзбек халқ эртақларидаги сеҳрли рақамларнинг тарихий асослари, мифологик моҳияти ва фольклор асарларидаги бадий вазифаси эса фольклоршунос М. Жўраев³ томонидан тадқиқ қилинганлиги учун биз бу ҳақда махсус тўхталмадик. Жумладан, Низомий Ганжавий достонининг “Ҳафт пайкар” – “Етти гўзал” деб номланиши, Жомийнинг етти достондан иборат асари умумий ном билан “Ҳафт авранг” деб аталиши ва бу каби машҳур асарлардан ташқари мумтоз адабиётда “Ҳафт манзар”, “Ҳафт кишвар”, “Ҳафт иқлим” номли асарлар ҳам мавжудлиги фикримизга далил бўла олади.

“Етти” тимсолининг “Лисон ут-тайр” туркумидаги достонларга кириб келиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги қизиқ ҳолатга дуч келамиз. Ибн Синонинг “Тайр” қиссида қушлар овчидан қочиб, саккиз тоғни ошиб ўтишади. Ушбу мотив, яъни қиссадаги қушлар учиб ўтган саккиз тоғ пайғамбаримиз меърож кечаси босиб ўтган осмоннинг саккиз қаватига ишора эди⁴. Ғаззолийнинг қиссида эса қушлар учиб ўтган тоғлар “водий” сўзи билан алмаштирилади. *Ихтиёр, изтирор* водийлари ҳақида сўз боради. Бироқ уларнинг сони ҳақида аниқ маълумот берилмайди. Атторга келиб эса, бу тартиб аниқ еттита қилиб белгиланади, уларга *Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат ва Фақру фано* дея

¹ Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. – 1991. – Б. 18.

² Бородин А.И. Числа и мистика. – Донецк, 1975; Жуковская Н.Л. Семантика чисел в калмыцком эпосе «Джангар» // «Джангар» и проблемы эпического творчества тюрко-монгольских народов. – Москва, 1980. С.200-212.

³ Жўраев М., Холмухамедов К. Етти иқлимдаги “етти”лар. – Тошкент, Фан, 1989; Жўраев М. Сеҳрли рақамлар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991; Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида “сеҳрли” рақамлар. – Тошкент: Фан, 1991. – Б.90-126.

⁴ Бу ҳақда қаранг: ал-Бухорий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмойил. Ал жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 2-китоб. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. 1996. – Б. 567-571.

номлар қўйилади, ҳар бирига ўзига хос тасниф берилади. Навоий “Лисон ут-тайр” да водий номлари ва уларнинг таснифларини ўзгаришсиз қолдиради. Лекин уларни муаллиф эмас, кушларнинг саволларига жавоб тарзида Худхуд таърифлайди.

Аттордан кейин бу каби асарлар яратиш ва водийларни шу тарзда таърифлаш адабиётда анъана даражасига чиқди. Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институтида 2312/21 рақам остида сақланаётган қўлёзмада Амир Сайид Али бин Шаҳоб ал-Ҳамадонийнинг (786/1385 й вафот этган) “Ҳафт водий” номли асари мавжуд. Бу асар руҳнинг Яратганга етишиши учун етти водийни қандай босиб ўтиши кераклиги ҳақидадир. Ушбу асарда муаллиф Аттордан бевосита таъсирланган бўлиб, ундаги баъзи сатрлар “Мантиқ ут-тайр”дан айнан келтирилади. Баъзан эса муаллиф мавжуд фикрлардан оригинал хулоса чиқаради:

*Шундайин талаб лозим гар сен толибе,
Сен на толиб, эурсан бадаъвойи ғолибе.*

*Гар топмасанг уни излаб рўзу шаб,
Йўқ бўлса у, нуқсон бордур дар талаб.*

Келтирилган парчада Амир Сайид Али бин Шаҳоб ал-Ҳамадоний “талаб қилинган мақсаднинг топилмаслиги, бу толибнинг саъй-ҳаракатидаги қусурдандир”, - деб баҳолайди.

Водийларнинг бу каби аталиши ва талқин этилиши Навоийдан кейин ҳам давом этганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, XVIII асрда Хоразмда яшаб ижод этган Мавлоно Ҳожа Қози Ризоий Пайвандий “Қуш тили” деб номланган достонида Навоий тимсоллари воситасида улуғ шоирнинг фикрларини тадрижий давом эттириш билан чекланмасдан, уни ўзига хос новаторлик билан ривожлантирди. Бу ривожланишни Пайвандийнинг ўз достонига “етти водий” тимсоли билан биргаликда “ўнта тўша” образини ҳам олиб кирганлигида кўришимиз мумкин. Пайвандий тўшаларни қуйидаги тартибда таснифлайди: *тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, узлат, зикр, таважжух, сабр, мувоқиблик ва ризо*.¹ Пайвандийнинг фикрича, бу тўшаларда тариқатга кирган солиқ йўл учун маънавий озуқа жамлаб олиши керак эди. Бу ислоҳи билан Пайвандий салафларининг фикрларига аниқлик киритади. Яъники, етти водийни тариқат мартабасидаги ҳоллар, ундан олинги ўн тўшани эса мақомлар тариқасида талқин этади.

Айтиш мумкинки, мумтоз адабиётнинг ажралмас қисми бўлмиш тасаввуф адабиётида ҳам “етти” рақами рамзий маънога эга деб қабул қилинди. Тасаввуфда “етти мақом”, “етти ҳол” каби атамаларга мувофиқ равишда “етти иқлим”, “етти сайёра”, “етти олам” каби рамзий тимсоллар пайдо бўла бошлаган. Тасаввуфнинг аввалги босқичларида тўртга бўлиб таснифланган нафс мартабаларини нақшбандийлар еттита деб белгиладилар. Улар қуйидагилардир: *нафси аммора, нафси лаввома, нафси мулҳама, нафси мутмаинна, нафси розийа, нафси марзийа ва нафси комила (софийа)*.²

Сўфийлар етти қават осмонни инсоннинг етти сифатига муқояса қилишган. Бунда ҳам айнан етти рақамининг ифодаланиши осмоннинг етти қаватлиги ҳақидаги маъълумотлар тасаввур билан боғланадики, тасаввуфда бу тимсол, кўрганимиздек, ўзига хос қайта ишланганлигига, яъни илоҳиётнинг мазҳари инсон билан боғланганлигига гувоҳ бўламиз.

¹ Бу ҳақда қаранг: Ҳасанова Ш. Мавлоно Ҳожа Қози Пайвандий Ризоийнинг «Қуш тили» достони ва унинг қиёсий-текстологик тадқиқи. Фил.фан. номз. ... дисс.– Тошкент: 2006.

² Бу ҳақда қаранг: Авроди Куръоний. Мусанниф: Муҳаммад Зоҳид Иброҳим ал-Бусравий. – Тошкент: Моваруннаҳр, 2005. – Б. 86-100.

Демак, сўфийлар талқинидаги афлоки саъбага инсоннинг қуйидаги сифатлари муқояса қилинади: *ҳаёт, илм, эшитиш, кўриш, қудрат, калом, ирода*. Кўрганимиздек, юқоридаги барча сифатлар, аввало, Яратганнинг сифатлари ҳисобланади. Унинг инсонга мансуб деб англаниши эса нафақат Инсон Яратганнинг ҳалфасидир, деган ислом тушунчасига, балки Инсон Яратганнинг бир қисмидир, Унда бор нарса, бунда ҳам мавжуддир, деган умумтасаввуфий эътиқодга боғланади. Осмондаги етти сайёрани инсоннинг етти узвига қиёслаш ҳам тасаввуф фалсафасининг асосий тушунчаларидан ҳисобланади. Бу инсонни кичик олам (олами суғро) деб тушуниш ва унинг катта олам (олами кубро) – космоснинг кичрайтирилган нусхаси деб қабул қилиш билан боғлиқ фикрга бориб тақалади.

Бу тасаввурларнинг илдизи пайғамбаримиз меърожига, ундаги осмонлар ва уларнинг соҳиблари ҳисобланган пайғамбарлар билан учрашувлари ҳақидаги таассуротларга бориб тақалади. Адабиётшунос олима София Жумаеванинг “Ўзбек мумтоз шеъриятида рақам рамзлари ва уларнинг талқини” номли тадқиқотида маълумот берилишича, сўфийлар руҳнинг мартабаларини ҳам еттита деб билишган. Булар: 1) *ҳаёти ҳайвония*; 2) *руҳи изофия*; 3) *ҳаёти сария*; 4) *руҳи касиф*; 5) *руҳи латиф*; 6) *руҳи алтоф*; 7) *руҳ ул руҳ*.¹ Ушбу даражалар ҳам тасаввуф босқичлари каби руҳнинг камолоти ва оқибатда, Холиқ даргоҳига восил бўлиши билан изоҳланади. Демак, Аттор ва Навоийларнинг дostonларидаги етти водий аввало меърож ҳақидаги тасаввурлардан, Пайғамбар уружига ҳавас тариқасида инсон руҳиятининг Роббисига томон рамзий парвози ҳақидаги ҳикоятлардан келиб чиққан бўлса-да, ўзи мансуб бўлган тасаввуф адабиётининг таъсирида ўзгарган. Биз буни Ибн Сино асаридан тадрижий ривожда саккиз тоғдан етти водий шаклига келтирилганлигида ҳам кўришимиз мумкин.

Маълумки, “Лисон ут-тайр” рамзий-тасаввуфий дoston бўлиб, тасаввуфшунос олим Н.Комилов таъкидлаганидек, “Аттор ва Навоий тасвирлаган етти водий солиқ руҳининг етти товланувчи манзараси – Илоҳга восил бўлиш босқичлари, маърифат зиналарини билдириб келади”.² Бу водийларни тасаввуф босқичлари – мақомлар ва ҳоллар дейиш мумкин. Лекин қайсиси мақом, қайсиси ҳол деган саволга жавоб бериш бироз баҳсталаб қилади. Бунинг сабаби мақом ва ҳолларнинг адади ва таснифи тасаввуфдаги турли тариқатларда турлича белгиланган. Масалан, Нажмиддин Кубро бу манзилларни 10 та деб белгилайди ва уларга тавба, зуҳд, Аллоҳга таваккул, қаноат, узлат, доимий зикр, тавжжух (йўналиши), сабр, муроқаб ва ризони киритади.³ Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да шариатнинг 5 талаби: имон келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш, ҳажга бориш билан бирга тавба, ҳилм ва бурдборлиғ, ризо, сабр, сидқ ва азим риёзат кабиларни тасаввуф талаблари сифатида санайди.⁴ “Фақрнома”да эса бу мақомлар ўнта деб белгиланиб, қуйидагича таснифланади: тавба, мурид бўлиш, хавф, ражо, вирд-зикр, пирга хизмат этиш, насиҳат эшитиш, тажрид, тафрид.⁵ Профессор Н. Комилов тасаввуф назариётчиларининг фикрларига асосланиб, тасаввуфдаги асосий талаб ва рукнларни риёзат, иродат, узлат, маърифат (ирфон), ишорат ва муҳаббат деб таснифлаган.⁶ Лекин Навоий “Лисон ут-тайр”да ва умуман бошқа дostonларида ҳам салафи Аттор айтиб ўтган тасаввуфнинг етти босқичи асосида мулоҳаза

¹ Жумаева С. Ўзбек мумтоз шеъриятида рақам рамзлари ва уларнинг талқини (XII-XV асрлар). Фил. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: 2006. – Б. 39.

² Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 37-38.

³ Кубро Нажмиддин. Фавойих ул жамол. / Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий рисоалар. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул., Азиза Бектош. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 34-70.

⁴ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан. 2001. Т.17. – Б.15-21.

⁵ Фақрнома. / Ислом тасаввуфи манбалари. Тўпловчи: Ҳ.Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005 – Б. 108.

⁶ Комилов Н. Тасаввуф. / Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 42.

юритганлигини кўришимиз мумкин. Бу босқичларни у Аттор номлагандай “водийлар” деб атайди. Бу ҳақда туркиялик профессор М. Жонпўлатнинг фикри ҳам тасаввуфшунос олим Н. Комиловнинг фикрига ҳамоҳангдир: “Асл буюк йўлчилик муршидга қўл бергандан сўнг бошланади. Шунда қушларнинг олдиларидан таҳликали водийлар чиқади. Улар кўрқинч билан Худхудга саволлар бера бошлайдилар. Бу саволлар ичида маълум бир инсон типларининг ҳаммаси ҳам бу йўллардан ўтиб, Ҳаққа бора олиш-олмаслигининг жавоби изланади. Бу водийларнинг барчаси инсон бошидан ўтказадиган ҳолатлар эканлиги кўриниб турибди”.¹

Навоий водийларни устози Аттор каби таърифлайди. Бу водийлар – тасаввуфга кириб келган солиқнинг ҳолатига мувофиқ бўлиб, унда толибнинг қатъияти ва саботи синалади, бошига келган укубатларга мардонавор бардош берса, Ҳақ йўлида бору йўғидан воз кеча олсагина унда Тангридан илтифот - “ҳол” пайдо бўлади:

*Қолмаса олам матоъидан жиҳот,
Ўзга навъ ўлғай санга ул дам сифот.*

*Ганждин етқай асар вайронинга,
Зоти нуридан ёруғлик жонинга.*

Демак, тасаввуфдаги мақом ва ҳол кетма-кет келадиган ҳодиса бўлмай, солиқ маълум бир мақом ичида бўлса-да, унга ҳол юзланиши мумкин экан.

Талаб водийси ҳақида тадқиқотчилар турлича фикр билдирганлар. Жумладан, адабиётшунос олим М.Орипов “Етти водий” мақоласида “Бунда солиқ қийинчиликларни ва тўсиқларни енгиб, ўзини маънавий жиҳатдан тозалаб, тариқатга тайёрлайди”,² дейди. Лекин, бизнингча, сўфий бу водийда аллақачон тариқатга кирган ва ҳатто унда бир неча йиллаб фаолият кўрсатиб, тоат-ибодат билан машғул бўлган. Талаб водийсидаги тоатнинг оддий ибодатдан фарқи шундаки, унда солиқнинг ибодатидан мақсад дунёвий орзу-ҳаваслар ёки жаннату, ундаги кавсар ва хурлар тамаъси эмас, фақат Яратганнинг Ўзи бўлмоғи керак. Бу ҳақда Навоий ушбу дostonнинг CLXXV “Талаб тариқи адосида муножот” бобида шундай ёзади:

*Сендин ойру гар малакдур, гар пари,
Толиб ўлмоққа гари, қилмас гари.*

*Жаннату кавсару гар тўбию хур,
Истамак сенсиз талабдиндир қусур.³*

Навоий талаб водийси ҳақида сўзлар экан, Аттордан фарқли равишда ундаги тасвирни кучайтирадиган, таъсирни оширадиган байтлар киритади. Яъни талаб йўлидаги солиқ ҳолатини тасвирлар экан, шоир ёзади:

*Оллинга келса агар пили дамон,
Кўргосен пашша ҳамону ул ҳамон.*

¹ Жонпўлат М. Сўзбоши. / Алишер Навоий Лисон ут-тайр. Нашрга тайёрловчи: М. Жонпўлат (Турк тилида). – Анкара: 1995. - Б. 16.

² Орипов М. Етти водий. // Гулистон. 1991. – № 9. – Б 18-20.

³ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 282.

*Гар йўлунгни тутса юз шеру паланг,
Бўлғай оллингда нечукким мўри ланг.*

*Аждаҳодин етмагай кўнглунгда ранж,
Ўйла бўлмиш бўлғай ул машъуф ганж.¹*

Бу байтларда Навоий тазод санъатидан фойдаланган ҳолда (пили дамон) фил ва пашша, шеру паланг (йўлбарс) ва мўри ланг (чўлоқ чумоли), аждаҳо ва ганж (хазина) тимсолларини муқояса қилиб, фикрини янада таъсирчан ифодалаган. Яъни бу водийдаги толибнинг кўзига Худога бўлган талабнинг зўрлигидан олдиға фил келса, пашшадай, арслон ва йўлбарс йўлиқса, чўлоқ чумолидай кўринади. Аждаҳо дуч келса, ундан кўрқув эмас, маънавий хазина орзуси хаёлиға келади.

Тасаввуфшунос олим А.Абдуқодиров “Тасаввуф ва Алишер Навоий ижоди” номли тадқиқотида “Лисон ут-тайр”даги водийларни Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” дostonлари билан қиёслайди. Натижада, талаб водийсини “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги Фарҳоднинг ғамгинлик ҳолати ҳамда хазинадаги кўзгунинг сирини англаш учун юнонга бориши, ҳаким Сухайло раҳнамолигида аждаҳо – нафс, Аҳраман дев – салтанат рамзи кабиларни енгиб, кўзгуда нақшланган сўзни ўқишға муваффақ бўлишини мисол қилиб келтиради.² Навоийнинг бошқа дostonларини кўрганнимизда ҳам дарҳақиқат, унинг “етти водий”ға асосланиб фикрлаётганиға гувоҳ бўламиз. Масалан, “Сабъаи сайёр” дostonи бир қараганда, ишқий-романтик дostonдай тасаввур уйғотади. Ундаги қизиқарли сюжет линияси, турли-туман ишқий ҳикоятлар, тасвирдаги ранг-баранглик “Минг бир кеча” эртақларини ёдимизға солади. Лекин диққат қаратсак, дostonдаги шоҳ Баҳром учун қурдирилган етти қаср, унда шоҳнинг етти кеча етти иқлимдан келган сайёҳнинг ҳикоятини тинглаши, шоҳ ва қаср соҳиби бўлган қизларнинг либосларининг ранги ҳамда энг муҳими, сайёҳларнинг айтиб берган ҳикояларида фақат Навоийғагина хос бўлган рамзий-мажозий маънолар яширинганлигиға гувоҳ бўламиз.

Жумладан, бу қасрларнинг биринчиси қора рангда бўлади. Бу ранг ҳақида Нажмиддин Кубронинг “Усули ашара” рисоласида мулоҳаза юритилади. Унда муаллиф ўлимни беш турға ажратиб, мавти асвад – қора ўлимни “қайғу ва мусибатларға таҳаммул этиш, халқу халойиқнинг ҳар қандай жабру жафосиға чидаш,” деб изоҳлайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Сабъаи сайёр”даги шоҳ Баҳром учун қурдирилган биринчи қасрни биз талаб водийсига муқояса қилдик. Зеро, бу қасрда Баҳром Дилоромға борар йўл – сабр ва саъй-ҳаракатдан дарак топади. Ундаги сайёҳнинг “Ахий ва Фаррух ҳақидаги” ҳикоятдан талабдаги устуворлик ва ундаги қоидалар – бору йўғидан кечиш, тинимсиз сайъ-ҳаракат ва айни пайтда тақдирға ризолик, фақирлик тимсоли (“қора палос”)ни кўрамиз. Ундаги ҳикоят қаҳрамонлари Ахий ҳам, Фаррух ҳам ёр йўлида қанча саъй-ҳаракат қилишмасин, уларда тақдирға таҳаммул, муҳтожлик ва кимсасизликни тақдир синови, дея мамнуният билан қабул қилиш туйғулари каби ҳақиқий ошиқ ва соликка хос бўлган сифатларни кўрамиз. Ҳикоятни тинглаган Баҳромнинг қалбида Дилором ишқига талаб яна кучаяди ва айни пайтда, тақдирға таҳаммул туйғулари ҳам ривожланади.

Иккинчи водий *ишқ* водийсидир. Бу водий талабнинг узвий давоми бўлиб, солик қалбида талаб комиллашгач, ишқ пайдо бўлади. Тасаввуфнинг ҳам, унинг бадий адабиётдаги

¹ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 215.

² Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижоди (ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича). Фил.фан докт. ... дисс. – Тошкент: 1998. – Б. 156.

инъикоси бўлмиш тасаввуф адабиётининг ҳам асосий куйланиш объекти бўлган бу даража ҳақида узоқ гапириш мумкин.

Аллоҳга бўлган ишқ ибодатнинг асосини ташкил этиши тасаввуфнинг узоқ тарихига бориб тақалади. Жумладан, машхур суфий аёл Робия ал-Адавия муножотларида Тангрига Ёр дея мурожаат қилади ва илтижоларидан мақсади жаннатдан умид-у, дўзахдан қўрқув эмас, балки Яратганнинг дийдори эканлигини изҳор этади. Бу туйғунинг фалсафий асосларини Аҳмад Ғаззолий тасаввуф илмига назария сифатида татбиқ этди.

Бу каби ишқнинг ҳатто замонавий фанда ҳам тан олинганлигини айтиб ўтиш аҳамиятли: “Шу ўринда маҳлиёлик билан мистик-азбаройи диндорлик ўртасида аллақандай боғлиқлик борлигини пайқаймиз. Аллоҳга таважжуҳ қилган мўмин ҳам шундай савдойи ҳолатга тушади ва бу шунчаки қуруқ гап эмас. Дуолар ва азбаройи таважжуҳ воситасида диндор илоҳий Аллоҳ тимсолини аниқ кўрмаган тақдирда ҳам, тўла-тўқис ҳис этади-илғайди, натижада, илоҳий ишқи қон-қонига сингиб, ички оламининг таркибий қисмига айланади. Шундан эътиборан, диққат-эътибори токи сусаймас экан, диндор Аллоҳ билан рамзий маънода бир бутун, яхлитга айланади. Исталган ботиний кучли ҳис-ҳаяжон уни Илоҳиётга дохил этади, яъни ёлғиз Унинг фикру зикрига такроран қайтади”.¹ Бундай муҳаббатни таърифлар экан, тасаввуфшунос олим Н.Комилов қуйидагиларни ёзади: “Шундай қилиб, чинакам ошиқ – бу солиқ ошиқдир, ишқ (тасаввуф адабиётида “муҳаббат” ва “ишқ” тушунчалари барабар ишлатилади, бу арабча сўзлар англатадиган маънолар деярли бир хил, яъни кўнгилнинг маҳбуб томон кучли иштиёқ билан интилиши) илоҳий маърифатни кашф этувчи қудрат, солиқ вужудини ёндириб, маҳбуб висолига яқинлаштирувчи муқаддас олов”².

Машхур тасаввуф назариётчиларидан Боязид Бистомий тасаввуфий ишқдаги беҳудлик йўли “сукра”ни ҳақиқий ошиқликнинг – маърифатнинг йўли, деб белгилади.³ Бу йўл Жунайд Бағдодий томонидан танқид қилинган ва унга қарши саҳв – хушёрлик концепцияси илгари сурилган бўлса ҳам, тарихда кўпгина сўфийлар, айниқса, ижодкорларни бу йўл сершовқин жазбаси билан ўзига тортгани маълум. Аҳамиятлисиси шундаки, Аттор ҳам Боязид ва Мансур Халложларнинг йўли ҳисобланган сукрни ёқлаган бўлиб, жумладан у ҳақда “Мантиқ ут-тайр”да ҳам ишқ – маърифат, яъни Аллоҳни таниш илмининг ибтидосидир, дейди. Навоий тариқатдаги маслағи бўйича Жунайд Бағдодий йўли бўлмиш саҳвни ёқласа-да, Мажнун, шайх Санъон каби қаҳрамонлари орқали сукрага ҳам рағбат билдиради. Унинг бу рағбатини, “Лисон ут-тайр”да янада яққол кўрамаиз. “Ишқ водийсининг сифати”да Навоий ишқни қуйидагича таърифлайди:

*Чун талаб водийсини қилдинг тамом,
Қўйгунг ул дам ишқ водийсиға гом.*

*Ишқ келди машъали гетифуруъз,
Дема машъал, шуълаи офоқсўз...⁴*

Навоий ишққа бўлган Аттор таърифини янада кучайтириш учун капалак – парвона, булбул ва сайрай олмайдиган қуш тимсолларига мурожаат қилади. У тазод санъатидан фойдаланиб, ҳақиқий ишқни оташ-оловга, ошиқни парвонага, ишққа ҳавасманд сохта ошиқларни эса капалакка, ошиқни булбулга, ҳаваскорларни эса сайрай олмайдиган бошқа

¹ Ортега-и-Гассет Хосе. Севги сеҳри. // Жаҳон адабиёти. – 2008. – №1. – Б.103.

² Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 49.

³ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O‘zbekiston, 2009. – Б. 98.

⁴ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 219.

кушларга қиёслар экан, ошиқнинг ҳақиқий вазифаси ишқ аро куйиб кул бўлишдир дейди:

*Шод эрур ишқ аҳли ўртанмак била,
Бўлмағай бу шева ўрганмак била.¹*

Бу таърифлари билан Навоий ишқ тасвирини янада кучайтиради ва ташбеҳ санъатидан фойдаланиб, ошиқ ҳолатини чақмоқ урган хашакка қиёслайди:

*Кимса бўлди ишқ аро тушган дам ўт,
Ўтқа неким тушти бўлди ул ҳам ўт.²*

Энди юқоридаги қиёсимизга қайтсак. “Сабъаи сайёр” даги иккинчи қаср олтинранг бўлиб, ундаги барча жиҳозлару, қаср соҳибаси бўлмиш Рум гўзалининг либоси ҳам заъфароний тусда бўлади. Ушбу кеча ҳикоят айтувчи сайёҳ шоҳга Зайд Заҳҳоб ҳақидаги ҳикоятни айтиб беради. Ушбу ҳикоятга кўра, бир мамлакатда подшоҳнинг Зайд исмли хос заргари бор эди. У шоҳга турли хушомадлар қилиб, олтин тахт ясаб беришни таклиф этади. Бу антиқа тахтнинг ўзи юрар зина ва яна аллақанча ғаройиботлари мавжуд бўлади. Бироқ подшоҳ тахт олтиндан бўлмай, кумушдан ясалганлигини, фақат унга олтин суви югуртирилганлигини билиб қолади ва Зайдни зиндонбанд қилади. Ҳийлакор Зайд зиндондан чиқиш йўлини ҳам эплайди ва ўз юртидан қочиб, Фаранг диёрига боради. Ундаги бир бутхонада олтин бутларни кўргач, ўзини бутпараст қилиб кўрсатади. Маҳаллий аҳолининг эътиборини қозониб, машҳур руҳоний бўлиб олган Зайд бир кечада икки ҳамроҳи билан барча бутларни кемага ортиб, ўз юртига олиб келади ва ўз шоҳига инъом этади.

Бизнинг талқинимизча, ушбу ҳикоят ишқ ҳақида бўлиб, унинг ҳақиқий маъноси куйидагичадир: Вужуд мамлакатининг подшоҳи бўлмиш дил ишқнинг жозибаю найрангларини кўриб, унга мафтун бўлади, бироқ унинг ҳунари сохтакорлик (сохта ишқ) эканлигини билгач, уни назаридан узоқлаштиради. Шунда ишқ фаранг юртига (балки муҳаббат шаҳрига, балки сеҳру жоду юртига, балки узлатга) кетади ва ўша юрт бутхонасидаги олтиндан ясалган бутларни (ҳақиқий муҳаббатга мазҳар бўлмиш гўзални) ўз подшоҳига тухфа қилади (дилга ҳақиқий ишқни инъом этади).

Достондаги етти водийдан учинчиси *маърифат* водийси деб аталади.

Маърифат тасаввуфий истилоҳ сифатида ҳам икки хил маънони билдириб келади. Биринчиси, тасаввуфнинг тўрт умумий босқичидан учинчиси бўлиб, у ҳақда адабиётшунос М. Орипов “Етти водий таърифи” мақоласида шундай дейди: Маърифат ҳақиқатни, худони билиш босқичи. Бунда солиқ ўз сезгиларидан холи бўлиб, айрим дақиқаларда бир лаҳза ҳақиқатга етиш имконига эга бўлади, ҳаяжонланади. Бу жазавали ҳолат “ҳол” дейилади. Маърифат босқичига етган солиқ ўзи ҳам муршид, устод бўлиши мумкин.³ Профессор Н. Комилов тасаввуф назариётчиларининг фикрига асосланиб, маърифатни “илми ҳол” деб баҳолайди.

*Навоий ушбу водийни таърифлаб:
Ихтилофи жузв ила кул мундадур,
Ким тараққию таназзул мундадур,⁴*

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 220

² Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. – Б. 220.

³ М.Орипов. Етти водий таърифи. // Гулистон. – 1991. – № 3. – Б.16.

⁴ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 224.

дейди. Яъни, ҳар ким ўзи ҳосил қилган маърифатга асосланиб, бир-бири билан ихтилофга боради. Ушбу маънодаги маърифат ҳақида янада аниқроқ тасаввур олиш учун хуросонлик машҳур шайх Харақонийнинг (вафоти 1033 йил) “Нур ул-улум” рисоласидаги фикрини келтириш жоиз: “Агар сен маърифат тўғрисида сўз очмоқчи бўлсанг, унда етти юз боб, ҳар бир бобда бир-бирига ўхшамаган етти юз шахобчалари бор. Олим ўзига илми танлаган ва илм билан овунади; зоҳид ўзига зуҳд йўлини танлаган ва шу машғулоти билан хушвақт бўлади. Сан ҳам андуҳ ва ғам-ғусса йўлингдан қолма ва шу йўлда худо (висоли) билан овунишга интилин”¹. Агтор “Мантиқ ут-тайр”да маърифат водийсини Худони англаш илми дея уқтиради ва ўқувчисини Яратган маърифатини англашга даъват қилади.

Навоий эса устозидан фарқли равишда Аллоҳни англаш йўлидаги фарқни айтиб ўтади ва ўз фикрини “бу водийда Мусою Фиръавни, Маҳдию Дажжолни кўриш мумкин, буларнинг ҳаммаси ўз йўлида собит, Аҳмад нурга ғарқ бўлган бўлса, Абу Жаҳл зулмат ичида деб таърифлар экан, ўз хулосасини қуйидагича билдиради:

*Чунки партав солди ул покиза нур,
Бўлди ҳар кимнинг камолига зуҳур.²*

“Сабъаи сайёр”даги Баҳромга ҳикоя айтувчи учинчи сайёҳ ҳикояси – Шаҳрисабз шаҳри билан боғлиқдир. Унда тасвирланишича, бир сахий савдогарнинг Саъд исмли меҳмоннавоз ўғли бўлади. У худди Фарҳод сингари барча хунарда моҳир бўлиб етишади. Қизиқарлиси шундаки, нафақат қаҳрамонлар, балки ҳикоя сюжети ҳам “Фарҳод ва Ширин”га жуда ўхшайди. Бир куни савдогарнинг саройига яшил либос кийган икки мусофир келиб, меҳмон бўлишади. Саъд уларни ҳам одатдагидай яхши кутиб олгач ажойиб-ғаройиб ҳикояларни сўзлаб беришларини сўрайди. Меҳмонлар юртлари томонда Китвар номли ажойиб ўлка борлигини, унда бир бутхона мавжуд бўлиб, унда бир кеча тунаган киши ўз тақдирини, келажagini билиб олишини айтишади. Бу сирга қизиққан Саъд улар билан Шаҳрисабзга йўл олади ва ўша бутхонага кириб, бир кеча тунади. Унинг тушида бир қуш учиб чиқиб, “Сенга Шарқ қуёшидай гўзал насиб қилади” дейди. Иккинчиси эса, “Сени дев асир қилиб, икки оёғингга занжир солади” дейди. Тушининг таъбирини билиш учун Саъд ўша бутхонада кишиларнинг тушини таъбирловчи пирнинг ҳузурига боради. Пайлақус ҳаким номи билан аталадиган бу зот “Фарҳод ва Ширин”даги Суқрот ҳакимга ўхшайди. Пир Саъднинг тушини таъбирлабгина қолмасдан, Суқрот Фарҳодга ёрдам бергани каби, у ҳам йигитга ёрдам беради. У парининг қасри уч қават кўрғон билан ўралганлигини, биринчи қаватда Қатрон деган девсифат занги туришини, уни куч билан енгиб бўлмаслигини айтади ва Саъдга муҳра-мунчоқ беради. Уни оғзингга сол ва Қатрон дев билан олишаётганингда унга қарата туфла, деб ўргатади.

Иккинчи кўрғонда эса Исо нафасли устоз бўлиб, унинг саволларига жавоб бериш керак бўларкан. Учунчи кўрғонда сеҳр мавжуд бўлиб, унинг сирини ечиш талаб этиларкан. Пайлақус ҳаким бир мактуб ёзиб бериб, ўша олим унинг шогирди эканлигини, ушбу хатни кўрсатса, Саъдга яхши муомала қилиб, сеҳрни ечиш йўлини ҳам ўргатишини айтади. Бу кўрғонларда Навоий маърифатга етиш учун солиқда жоиз деб билган уч сифатни қайд этиб, уларнинг биринчиси – нафсни енгилдир, дейди. Маълумки, талаб ва ишқ водийлари аро ўтган солиқнинг нафси йўқ бўла боради, лекин у Навоийнинг фикрича, маърифат водийсида буткул маҳв этилиши керак. Шундан кейин ақл (Исонафасли олим) ўз савол-жавоблари

¹ Орипов М. Етти водий таърифи. // Гулистон. 1991. – № 9. Б. 18.

² Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б.226

билан соликни йўлдан қайтармоқчи бўлади. Зеро, Имом Ғаззолий айтганидек, илми зоҳир тасаввуф йўлидаги ҳижобдир.¹ Ёхуд ақл Аллоҳни англашга ожизлиги учун соликни йўлдан чалғитиши мумкин. Лекин солик Пирнинг раҳнамолиги билан нафси мағлуб этгач, ақлнинг ўзи унга Ҳаққа етказувчи жумбоқнинг сирини ечишни ўргатади. Шунинг ҳам эътироф этиш жоизки, ушбу қасрда ҳамма буюм, шунингдек, Баҳромнинг либослари ҳам яшил рангда бўлади. Бу соликнинг Илоҳ маърифатига яқинлашаётганлигидан нишонадир. Бу ранг ҳақида адабиётшунос олим С. Ҳасанов “Навоийнинг етти тухфаси” китобида қуйидагича фикр билдиради: “Яшил ранг сўфий таълимотида улуғ ранглардан бири ҳисобланади. Шарқ халқларининг тасавбурида бу ранг ҳаёт рамзидир, у самовий мавжудотлар билан боғланади. Яшил ранг, шунингдек, ўтмиш билан келажак тимсоли вазифасини ҳам бажарган”.² “Лисон ут-тайр”даги маърифат водийсининг таърифи атторона бўлиб, Навоий уни айнан таржима қилган. “Саъбаи сайёр”да эса у маърифатга бошқача нуқтаи назардан ёндашиб, ўз қарашларини ифодалайди.

Кейинги водий истиғно бўлиб, Навоий бу водий таърифида тасаввуфнинг борлиқ, олам ва одамзоднинг яратилиши ҳақидаги умумий мулоҳазаларини бадиий тасвирлайди. Ушбу таърифларда Тангрининг эҳтиёжсизлиги-ю, соликнинг мана шу эҳтиёжсизликни англаб етиши замиридаги ҳолати баён қилинади. Зеро, бу водийда соликка мана шундай истиғно (эҳтиёжсизлик) шамол ёки денгиз тўлқини каби қарши туради. “Мантиқ ут-тайр”да ўқиймиз: “Бениёзлик, Истиғно шамоли эсса, инсон кўнглида бир зумда мулку мамлакат ҳам елга созурилади. Бу жойда етти дарё қуриса, бир томчи ёмғир кам бўлиб қолмайди. Етти юлдуз учиб йўқолса, бир учкун сочилгандай. Истиғно водийсида саккиз жаннат хароботдай. У ерда етти дўзах музлаб қолгандай кўринади”.³ Бу водийни таърифлашда Навоий фақатгина Атторнинг фикрларини таржима қилибгина қолмасдан, уни қуйидагича ривожлантиради: Унда гумроҳ (йўлдан адашган) ва огоҳ, бутхона ва каъба йўли бир хилдир, улар ободми ё вайронми (истиғно соҳиби – Аллоҳ учун) фарқсиздир. Истиғнонинг кучидан минг яшар фил ҳозиргина туғилган филбачадай, улуғ чархи фалак бир дона хашак билан тенгдир. Куфр билан дин бу водийда баробардир, хуллас, бунда солик (йўловчи)га иш жуда қийиндир.⁴ Мана шу эҳтиёжсизликларни англаш ва ҳис этиш асносида солик (банда)да ҳам Тангридаги эҳтиёжсизлик сифати акс этади. Соликнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларга рағбати камайиши баробарида камолоти юксалиб, ахлоқи тозадир боради.

Адабиётшунос олим Фарҳод Исомиддинов ўз тадқиқотсида Шайх Санъоннинг ҳолатини дostonдаги водийлар таърифида боғлаб ўрганади. Шунда у истиғно водийси ҳақида қуйидагича фикр билдиради: Истиғно водийсида шайх Санъон тарсо қизи ишқига гирифтор бўлиб, унинг шартларига кўна боради, истиғносини қабул қилади ва бепарволик шуурида ҳукм суради. Шайх Ишқ туфайли шайхул-машойихликдан чўчкабоқарликкача қуйи тушиб боради. Асарларда ишқ йўлида шоҳ ҳам, гадо ҳам баробар, деган гап бунга яхши мисол бўла олади. Шайхнинг эътиборсизлиги шу даражага етадики, унинг учун ишқ олдида на дин, на мазҳаб ва на мартаба-ю мансаб аҳамият касб этмайдиган бўлиб қолади”.⁵ Демак, бу водийда Яратганнинг эҳтиёжсизлигини англаб етаётган солик Аллоҳнинг толиби бўлганлиги учун бу эҳтиёжсизлик натижасида матлубнинг унга бўлган эътиборидан бошқа ҳамма нарсага

¹ Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат. Туркий. – Тошкент: Адолат, 2005. – Б.57-60.

² Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. – 1991. – Б. 169.

³ Аттор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. Насрий баён. Форсийдан Н.Комилов ва М. Маҳмудов таржимаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б.185.

⁴ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 204-205.

⁵ Исомиддинов Ф. Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили. Фил.фан. номз. ... дисс. – Тошкент: 2001. – Б. 89.

– дунё ва унинг неъматларига эҳтиёжсизлик ҳис этади. Яхши-ёмонликни бепарво кутиб олади. Бу энди тасаввуфнинг мақомоти эмас, балки соф ҳол даражасидир.

“Сабъаи сайёр”даги тўртинчи сайёҳ айтиб берган ҳикоятда ҳам эҳтиёжсизлик мадҳ этилади. Воқеа зоҳиран Масъуд исмли йигитнинг таъриф-тавсифсиз сахийлиги ва бошига тушган мусибатларга сабр-бардоши ҳақида бўлса-да, асл маъноси солиқнинг бу водийдаги ҳолати тўғрисидадир. У бир танимаган меҳмонига беқиёс совғалар бериши билан бирга бошига мусибат тушган онда тасодифан подшоҳ саройига бориб қолади. Иттифоқо, ўша меҳмонининг подшоҳ эканлигини билса-да, ундан бирор нима тама қилмайди. Билдирмасдан подшоҳ ҳузуридан чиқиб кетмоқчи бўлади. Эътибор қаратадиган бўлсак, Навоийнинг қаҳрамони Маъсуд эҳтиёжсизлик билан бирга футувват қоидаларини ҳам бажарган. Кўрамизки, бу таълимот айнан нақшбандийликда ёқланиши ва Навоийнинг табиатига яқинлиги сабабли унинг талаблари ҳикоят қаҳрамонлари руҳиятига сингдирилган эди.¹ Истиқно водийсини Навоий “Сабъаи сайёр”да гулгун (қирмизи) қасрдаги кеча билан ифодалайди.

Бешинчи водий *тавҳид* водийси ҳисобланади. Тавҳид – нафақат тасаввуфий, балки умумисломий термин бўлиб, Аллоҳнинг ягоналигини англатади. Лекин тасаввуфий тавҳид – Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш билан бирга илоҳ ва олам, илоҳ ва инсон ягоналигини эътироф этадиган илмдир. Бу ҳақда “Тасаввуф истилоҳлари шарҳи”да куйидагича ёзилган: “Олимлар тушунчасида тавҳид эътиқодга тааллуқли бўлса, сўфийлар учун у мақсад, мушоҳада ва маърифат ҳисобланади. Биринчиси билиш ва тасдиқ этишга асосланса, иккинчиси – завқий идрокка суянади. Имом Ғаззолий таърифига кўра, “Тавҳид шундай шарафли мақомдирки, таваккул, ризо, Аллоҳга таслимият ҳоллари айни шу мартабанинг меваларидир”. Абдуллоҳ Ансорий ҳазратларининг айтишича “тавҳид – бирликда сўзламоқ, бирликда кўрмоқ ва якто бўлмоқдир.”

Тавҳиднинг даражалари куйидагилардир: тавҳиди сифот – ҳар қандай сифатни Худодан деб англаш ва уни мукаммаллаштириш; тавҳиди зот – борликдаги ҳамма нарсани фақат Аллоҳ вужудининг натижаси деб билиш”.²

Навоий тавҳид водийсини таърифлар экан, Аттор каби *тафрид* ва *тажрид* терминларини қўллаб, тавҳид учун бу икки хусусият керак деб ҳисоблайди.

*Чун бу водий сори сайринг қўйди гом,
Фарду яктолиғ санга бўлди мақом,*

*Чун бу водийға ниҳоят топти сайр,
Мунда бир бил юз туман минг бўлса тайр.*

*Борчаға кому ҳаво тажрид ўлур,
Борчаға лаҳну наво тафрид ўлур.*³

Аслини олганда, бу ҳар икки тушунча ҳам ягоналик, ажралиш, халқдан узоқлашиш маъноларини англатади. Тажрид – нафсни тўла мағлуб этиш ва дунёга муҳаббатдан қутулиб, фақат Аллоҳга боғланиш, тафрид эса дунёга берилганлардан узоқлашиб, вужуд инкорига етган ҳолда Аллоҳга қўшилишдир. Биз бу қўш атамаларни Навоий шеъриятидаги орифона

¹ Бу ҳақда қаранг: Кошифий Хусайн воиз. Футувватномаи султоний. Форс-тожик тилидан Н. Комилов таржимаси. – Тошкент: А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1994.

² Тасаввуф истилоҳлари шарҳи. / Кубро Нажмиддин. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул, Азиза Бектош. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б.242.

³ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 233.

ғазалларда ҳам учратамиз:

*Чу солик айлар эса азм водийи тавҳид,
Керакки минса бу сайр ичра маркаби тажрид.*

*Бу маркабу бу сафар кимсага муяссар эмас,
Ки, ҳосил айламагай олам аҳлидин тафрид.¹*

Ушбу водий таърифида Аттор ҳечликка, яъни инсон вужудининг ҳеч бўлишига эътибор қаратган бўлса, Навоий Аллоҳ билан бўладиган васл натижасида инсоннинг бирликка сингишига диққатини қаратади. Аттор:

*Чун азал кетса, абад бўлса адо,
Ўртада не қолгуси? Ҳеч бир вақо.*

*Ҳар вақо ҳечдир, бўлак бир сўз дема,
Дарҳақиқат даҳр аро ҳечдир ҳама...²*

Навоий:

*Чун сенинг олингға тушти бўйла печ,
Билки эрмиш бирдин ўзга барча ҳеч.*

*Бир бўлу, бир кўру, бир де, бир тила,
Майл қилма мунда иккилик била.³*

Ушбу водийга бағишланган ҳикоятда Навоий Мансур Халложни эслайди. Ҳикоятда тасвирланишича, Халлож “Муҳаммад пайғамбар меърож кечаси нега фақат ислом умматининг гуноҳини сўради, барча осийларнинг гуноҳини тилаганида нима бўларди?” – деган фикрда юраркан. Иттифоқо, бир куни Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам унинг тушига кирдилар ва шундай дейдилар:

*К-эй фузул айвонида ўлтирғучи,
Лофи ваҳдатдин “Анал ҳақ” урғучи...*

*Онда менликнинг хаёли йўқ эди,
Балки бу лафз эҳтимоли йўқ эди.⁴*

Навоий бу ҳикоят билан тавҳид водийсида “Анал ҳақ” деб нидо этган Халложнинг аслида ҳали комилликка етмагани – меърож кечаси пайғамбардан ўзликни талаб қилаётганлигини англайди ва Муҳаммад пайғамбар унинг тушига кирганлиги ҳақидаги мотивни киритиб, уни асл тавҳидни англаб етмаганликда танқид қилади. Зеро, Нақшбандийликда Халлож мартабаси ҳурмат қилинади, бироқ энг баланд мартаба деб тан олинмайди.⁵

¹ Навоий Алишер. Фавойид ул-кибар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1991. Т.6. – Б.85.

² Аттор Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006. – Б.317.

³ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б.234.

⁴ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б.235-236.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Боқир Муҳаммад. Баҳоуддин Нақшбанд. – Тошкент: Шарқ, 1993. – Б.48.

“Сабъаи сайёр” достонидаги бешинчи иқлимдан келган мусофир ҳикояти “Меҳр ва Сухайл” ҳақида. Унда Жобир зиндонига тушиб қолган Сухайл исмли шаҳзодани севгилиси Меҳр қутқариб олиши тасвирланади. Ҳикоятдаги маъшуқа Тангри мазҳари рамзи бўлиб, у дунё чоҳига тушган солиқни бу зиндондан озод этибгина қолмай, ўз дийдоридан баҳраманд қилиб, тавҳид мартабасига етказди. Бу ҳикоятдаги тавҳид ҳам рамзий бўлиб, ҳақиқий висол эмас, балки мазҳар билан бўладиган рамзий васлдир.

“Сабъаи сайёр”да бу кечанинг рамзий ранги мовий ёки кўк ранг. Бу ранг Шарқ халқларининг эътиқодларидан келиб чиққан ҳолда “қандайдир безовталиқ ва ғамгин ҳолатни эслатади” деб таърифлайди.¹ Лекин бизнинг фикримизча, ушбу ўринда мовий ранг ҳақиқий висол чаманидан келган хушxabар насимлари маъносида ифодаланаётир.

Ҳайрат водийси тавҳид мартабасининг бевосита давоми бўлиб, солиқнинг тавҳиддан, яъни Аллоҳ билан бир лаҳзалиқ бўлган висолдан ҳайратга тушиши билан изоҳланади. Бу истилоҳга “Тасаввуф терминлари сўзлиги”да қуйидагича таъриф берилган: “Ҳайрат – ҳайратда қолиш, лол бўлиш. Қалбга тушган тажаллий сабабидан солиқнинг тафаккур этолмайдиган ва муҳокама қилолмайдиган ҳолга келиши.”² Навоий ҳайрат водийсини таърифлар экан, “Ҳайрат водийсига етган солиқ ўзлигини йўқотиб, унинг вужуди ҳақиқат нури билан ёритилади ва кўнгли ҳақиқатни кўриб, ҳайратланади. Бу ерда ҳайрат тилни гунг (соқов) ва лол айлайди, ақлни зойил (йўқ), хушни поймол қилади. Кеча билан кундузнинг фарқини англолмайди. Йўқни билмас, борни ҳам англамас. Қайси томонга кўз солсанг (ҳақиқатдан) ҳайратда бўласан, ҳамма ҳайронликда саргардон бўлур. Бу ерга қадам қўйган аҳли сулук ҳайронликдан ўзга иш билмас”, дейди. Аттордан фарқли равишда солиқнинг ҳолати ҳақида яна қуйидаги тасвирларни киритади:

*Ҳарне касб айлаб эди тавҳид аро,
Водийи тафрид ила тажрид аро.*

*Барчаси ондин бўлур маҳву адам,
Йўқки ҳосил қилғоликим, ўзи ҳам.³*

Яъни тавҳид водийсида, тажрид ва тафрид мартабаларида ҳар нимаки ҳосил бўлган бўлса, ҳайрат водийсида буларнинг барчасидан асар ҳам қолмайди, балки бу водийда инсон ўзлигини ҳам англай олмайдиган ҳолатда бўлади.

Ишқ водийсида ҳам, маърифат даражасида ҳам ҳайрат бизнингча, ошиқ вужудини қамраб олади. Бироқ бу водийда у жуда кучли бўлиб, Аллоҳнинг қудрати, эҳтиёжсизлигию ягоналигидан ҳосил бўлиб, солиқнинг ақлу хуши, эгаллаган мартабаларию ўзлигини ҳам забун қиладиган кучли ҳаяжонли ҳайронлик тарзида кечади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Ақли Кулл барча ақлларнинг йиғиндиси ва бошланғич нуқтаси бўлгани каби, Ҳайрат водийсидаги ҳайрат барча ҳайратларнинг йиғиндиси ва бошланғич нуқтасидир.

Адабиётшунос олим А. Абдуқодиров бу водийни таърифлар экан, Фарҳод ва Мажнунни висол тавҳиди ҳайрат водийсига кўтарган ва бундан ўзлари ҳам, элу юрт ҳам ҳайронлигини, Мажнун ўзини Лайли эканлигидан ҳайратланса, Фарҳод эса Салосил қўрғонида Ширин билан биргалигидан ҳайратланарди, - деб ёзади.⁴ Ҳайрат ҳақиқий висол – фанодан далолат

¹ Ҳасанов С. Навоийнинг етти туҳфаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 173.

² Тасаввуф терминлари сўзлиги. Тайёрловчи: Улуғдағ С. (Турк тилида.) – Истанбул. – Б. 231.

³ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 137.

⁴ Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижоди (ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича). Фил. фан.док. ... дисс. – Тошкент: 1998. – Б.170.

берса-да, лекин ҳали унғача йўл олис, ҳайратдан забун бўлган руҳ фано водийсига етмаслиги ҳеч гап эмас.

“Сабъаи сайёр” достонидаги олтинчи ҳикоят Муқбил исмли тақводор ва покиза йигитнинг бир кимсасиз оролга тушиб қолиши ва ундаги бир чашмага чўмганида кўрган ғалати воқеалари ҳақида ҳикоя қилинади. Чашмадан бош кўтарган йигит ўзини ажойиб бир боғ ичидаги ҳовузга кўради. Боғнинг соҳиби бир гўзал маҳбуба бўлиб, у йигитга кўп илтифотлар кўрсатади, қадаҳ тўлдириб, май узатади. Маст бўлиб ухлаб қолган йигит эртаси куни ювиниб олиш учун ҳалиги ҳовузга тушадию, ўзини яна ўша аввалги чашма бошида кўради. Ўзи кўрган ҳовузу боғ ҳам сандал дарахтидан ясалган тахту гўзал қиз ҳам кўздан йўқолганди. Муқбил бу ҳолатдан ҳайратга тушади. Кўрган воқеалари тушидами ё ҳушида содир бўлганлигини англай олмай ҳайрон бўлади. Оқибат, покдомонлиги туфайли бир подшоҳнинг меҳрига сазовор бўлган йигит унинг қизига уйлангач, ҳудди ўша боғ, ҳовуз ва тахтни, ҳаммадан ажабланарлиси, ўша қизни кўргач, яна ҳуши бошидан учади. Ва бунинг сабабини хотинидан сўрайди. Малика бу жинлар шоҳининг иши эканлигини айтиб беради. Қизга ошиқ бўлган жинлар шоҳи унинг сиймосини денгиз остидаги қасрда акс эттирган экан, Муқбил ўша сиймони кўриб, унга ошиқ бўлган ва бу ҳолдан ҳайратга тушган экан. Ҳикоятдаги Муқбилнинг покиза ва тақводорлиги, сахро ва денгиздаги ҳалокатни кўрганда ҳам сабр қилиши, Аллоҳга тасбеҳ айтишдан тўхтамаслиги тариқат йўлидаги солиқни эслатади. Унинг қизни кўриб, ҳайратга тушиши ва тақвою ибодатларини маҳв этиши эса ҳайрат водийсининг Навоий айтган таърифларидан саналади. Маъшуқнинг тимсолидан марҳаматлар кўриш тавҳид даражаси бўлиб, ундан ҳайратланган солиқ ўзини фанога – Ёр билан бўладиган ҳақиқий висолга тайёрлаб боради. Бу ҳақда Навоий “Ҳайрат тариқи адосида муножот” да қуйидагича ёзади:

*Ушбу ҳайрат маслакида тут қўлум,
Бу таҳайюр ичра кўргузгил йўлум.*

*Ҳайрат ичра қўйма саргардон мени,
Торт ўз васлинг сори осон мени.¹*

Ҳақиқий васл – бу фано водийсидаги фонийлик мартабаси бўлиб, *Фано* водийсига Навоий алоҳида эътибор беради. “Фано” истилоҳи ҳақида “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” да қуйидагича изоҳ берилган:

- 1) бақосизлик, йўқ бўлиш, ўлиш;
- 2) ўзликдан кечиш, ўзни унутиш, тасаввуф йўлига кириш;
- 3) ўлим, ажал.

Фақру фано – бечоралик ва йўқлик, камтаринлик ва ўзни унутганлик”.² Ушбу изоҳлардан иккинчиси Навоий ижодида қўлланилган асосий маъно бўлганлиги сабабли, “Лисон ут-тайр” да ҳам ушбу истилоҳ айнан шу маънода қўлланилади.

Ишқ аҳлининг муроди бўлган фано мартабаси Навоийнинг ҳам мақсади эди. Шунинг учун бу водий ҳақида достон бошидаёқ сўзланади. “Қушлар диққат бирла сўргондин сўнгра, Худхуд қушларга Симурғдин нишонлар айтқони” бобида Худхуд қушларни Симурғ сари сафарга даъват этар экан, уларга қарата:

¹ Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 288.

² Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 3-том. – Тошкент: Фан, 1994. – Б. 318, 338.

*Навҳаи боғи фано тузмак керак,
Ул тараф парвоз кўргузмак керак.¹*

дейди. Яъни бу сафардан мақсад фано бўлмоғи керак. Хўш, бу охирги водий – Ҳудҳуддек комил йўлбошчининг, Навоийнинг мақсади бўлган водий қандай экан? Навоий - “Фақру фано водийсининг адоси” бобида:

*Барчасин Ҳақ зоти мавжи баҳри бил,
Ҳам вужудин мавж янглиғ онглағил...²*

дейди. Бу ўринда муаллиф тасаввуфнинг анъанавий тимсолларидан “баҳр” (денгиз) ва “мавж” каби истилоҳларга мурожаат қилади. Денгиз – Ҳусни мутлақ – Тангри, демакки боқийлик тимсоли, мавж эса – олам ва ундаги мавжудотлар – фонийлик рамзидир. Демак, фано водийсида турли хил мавжлар – оламнинг турли хилда ўзгарган манзаралари, шу жумладан, инсон ҳам баҳрга сингиб кетади – Худо зотига фано бўлади:

*Ғайри ҳақким қодири барҳақдир ул,
Барча фоний, боқийи мутлақдир ул.³*

Мана шундай фонийликни бақонинг аввалидир деб хулоса қилади Навоий:

*Фонийи мутлақдурур гар худ бақо,
Истасанг қилмоқ керак ўзни фано.⁴*

“Фано водийсининг адоси” бобида Навоийнинг Аттордан фарқини уч ҳолда кўрамиз.

1. Навоий асарда тарғиб қилган “Ваҳдат ул-вужуд” фалсафасини системали тарзда шарҳлайди. Жумладан, дунёнинг яратилиши, унинг Ҳақ вужудидан худди денгизнинг тўлқинлари каби ажралиб чиққанлигини таъкидлайди.

2. Оламнинг Тангри зотига маҳв бўлиши ҳақида гапириб, баҳр, мавж, нақш, фано, боқийи мутлақ, Ҳақ зоти каби тасаввуфий истилоҳлардан ошкор фойдаланиб, “вужуд ул-мумкин”, “вужуд ул-вожиб” каби атамаларга ишора қилиб ўтади.

3. Тангрининг яратмишлари орасида инсоннинг комиллиги ҳақида сўз юритиб, унинг камолотини ақл лол қоладиган даражада улуғ деб таърифлайди.

Навоий барча водийлар шарҳига биттадан ҳикоят бағишлагани ҳолда ушбу водий шарҳига тўртта ҳикоят бағишлайдики, бу билан биз бу бобга муаллифнинг эътиборини янада яққол кўрамиз. Яна бир таҳаллуси Фоний бўлганлиги сабабли ҳам Навоийда ўзини фано мартабасида кўрмоқчи эканлиги, комил фонийлар (Фаридиддин Аттор – “Қофи фано Анқоси”, Абдухолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби ориф-авлиёлар) замондошлари (Абдураҳмон Жомий, Саид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад кабилар)га ҳавас ва интилиш ҳамда алалоқибат бу мартабага ўзини муносиб деб англаш туйғулари мужассам эди. Турк адабиётшуноси М. Жонполат ҳам бу борада “ўз қушлари билан фано водийсида сайр этган шоир ҳаётда ҳам шу водийга етган эди” деб фикр билдиради.⁵ Айнан

¹ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 38.

² Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 251.

³ Навоий Алишер. – Кўрсатилган асар. – Б. 251.

⁴ Навоий Алишер. – Кўрсатилган асар. – Б. 222.

⁵ Жонпўлат М. Сўзбоши. / Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. Нашрга тайёрловчи М. Жонполат. (Турк тилида) – Анқара: 1995. – Б. 17.

“Лисон ут-тайр” да Навоий форсий тахаллусига мурожаат этишининг сабабини қуйидагича изоҳлайди:

*Бу рақамда Фоний айларга лақаб,
Мустамеъ бўлгонға айтурмен сабаб.*

*Ким бу дафтар назмидин қулли мурод,
Чунки маржаъ майли эрдию маод.*

*Мунда Фоний бўлмай иш бўлмас тамом,
Фоний ондин топти назмим ихтимом.¹*

Фано водийси ва ундаги фонийлик даражаси Навоий шеъриятида ҳам энг кўп ва гўзал қуйланган мавзулардан биридир.

*Кўнгул, қайғурмаким, дашти фаноға борғудектурмен,
Ҳам ўзни, ҳам сени ҳажр илгидин қутқарғудектурмен.*

*Сиёсатгоҳи ишқ ичра фано жаллоди чеккач тиғ,
Аёғиға тушуб таъжил учун ёлборғудектурмен.*

*Бало базмида соқийи ажал жоми фано тутса,
Тағор ўлсунки, оғзимға қуюб сипқарғудектурмен.*

*Фироқ андуҳи ўти дудидин кўнглум уйи тўлмиш,
Анинг дафъи учун кўксумни ҳар дам ёрғудектурмен.*

*Бу янглиғким, фано даштида юзландим, тўйиб жондин,
Масиҳо бўлса йўлдошим, ани қайтарғудектурмен.*

*Бу янглиғким, оқар ғам шоми бағримдин шафақгун қон,
Саҳарға тегру субҳи ҳажрдек сарғарғудектурмен.*

*Мунунгдекким, фано дайрида тутти муғбача соғар,
Навоий воқиф ўлғинким, ўзумдин борғудектурмен.²*

Жумладан, ушбу ғазалда фано кўйи, фано майхонаси, фано дайри, фано бутхонаси, фано мулки, фано дашти каби тимсоллар фано даражаси ва лирик қаҳрамондаги фонийлик ҳолатини чуқурлаштириш мақсади учун хизмат қилган.

Фано ҳақида Навоий “Сабъаи сайёр” достонида еттинчи қасрдаги ҳикоятда сўз юритади. Унда ҳажр ва изтиробда ўртанган Баҳром севгилиси Дилоромдан хабар топади. Хоразмлик сайёҳдан эшитишича, у Хоразмда соғ-саломат, лекин Баҳромга азбаройи садоқати туфайли ўзини ўлган ҳисоблаб, кафанга монанд оппоқ либос кийиб юрар, кундузлари ноиложликдан соз чалиб, элни хушнуд қилса-да, ўзининг чеҳраси очилмас, тунлари эса кўзда ёш билан

¹ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 300.

² Навоий Алишер. Фавойид ул-кибар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1991. Т.6. – Б.312.

Тангрига тоат-ибодат қиларкан. Баҳром ҳам ёрига етиш учун етти қаср аро покланган ва у ҳам кафанга монанд оппоқ либос кийган эди. Бу икки ёрнинг учрашув пайти ҳам иккаласининг беҳушлик ҳолати, бир-бирига жон фидо этишга интилишлари солиқ билан мазҳарнинг бирлашиши – фано ҳолатига қиёс бўла олади. Навоий ўзини, “Маҳбуб ул-қулуб” асарида, ҳақиқатни мажоз билан тасвирлайдиган ижодкорлар сирасига киритади. Шунинг учун “Сабъаи сайёр”да фано мартабасини тасвирлаш учун улуғ шоир мазҳар ва солиқ васлини тасвирлайди.

“Лисон ут-тайр” достони оригиналлигининг яна бир кўриниши айнан шу лавҳада аён бўлади. Навоий “Фақру фано водийсининг адоси”дан кейин қушларнинг сафарини тасвирлаш учун Аттордан фарқли равишда яна учта боб киритади. Булар CLXVI боб – “Қушларнинг Фано водийсининг ниҳоятидин бақо мулкидин нишон топмоқлари”, CLXVII боб – “Қушларга фано навмидлиғида Худхуднинг иршодидин қувват ҳосил бўлғони” ва CLXIX боб – “Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулига еткони” кабилардир. Ушбу бобларда Навоий фано мартабасини ва ундаги қушларнинг ҳолатини ўқувчисига Атторга қараганда мукамалроқ тушунтиради ва бир нечта ҳикоятлар ёрдамида бадиий ифодалайди.

Яъники, фано ичида қушлар ҳали ҳам ўзларини буткул унутмадилар. Биз Симурғни излаб келдик, Унинг Ўзи қани? Бизга шоҳ бўлишга розилик билдирармикин? – деб ҳайрон бўлдилар. Шунинг учун иззат човуши уларга қарата:

*Сизда не сон, не ҳисобу, не вужуд,
Будлик тухмат қилиб аммо набуд.*

*Кўнглунгизда сарбасар фосид хаёл,
Муддаонгиз барчаси – амри маҳол,¹*

деб танбеҳ беради. Бу Худодан бошқасига ҳисоб, сон, сафар ва ҳаттоки, вужуд бор деб даъво қилишнинг ўзи фосид хаёл эканлиги ҳақидаги “ваҳдати вужуд”га асосланган хулоса эди. Қушлар фано водийсида ҳам ҳали буткул камол топмаганликлари учун, буни англаб етмай, умидсизликка тушадилар. Шунда Худхуд:

*Ошиқеким ишқида бўлғай камол,
Тенг дурур оллида ҳижрону висол,²*

деб қушларга иршод беради – уларни йўлга бошлайди. Мана шу иршод – раҳнамолик кудрати туфайли пайдо бўлган қувват қушларнинг камолотига сабаб бўлади. Қушлар янги куч билан Худода сайр (сайрулиллоҳ) мартабасини бошлайдилар. Тасаввуф назариясидан маълумки, Худо сари сайрнинг охири бор, лекин Худода сайрнинг ниҳояси йўқ. Аттордан фарқли равишда Навоий “бу сайрда ҳам муршид керак”, дейди ва фано водийсида ҳам Худхуд тимсолининг ўрнини эътироф этади. Ниҳоят:

*Сидқи ихлос ичра иккинчи фано
Ёрни қилди аларга ошно.³*

Иккинчи фано – фанофиллоҳ мартабаси бўлиб, бақонинг ўзидир. Бундай фано ҳақида

¹ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 263.

² Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 265.

³ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 267.

Нажмиддин Кубро “Фавойих ул-жамол” асарида қуйидагича фикр билдиради: “Фано икки хилдир:

1. Ҳақ сифатларида башарий сифатлардан фоний бўлмоқ. Бу фардониятдаги фано.
2. Унинг Зотида экан, сифатларидан фано бўлмоқ. Бу эса ваҳдониятдаги фано.

Зот тажаллий этаркан, ҳайбати билан тажаллий этади. Шунда Сайёр ушалиб, йўқолгандай бўлади. Кичраяди ва ўлар ҳолатга етади. Ушбу онда: “Аҳад, Аҳад...” (Бир, бир!...) деган овоз эшитилади. Зотида фоний бўлгач эса У билан боқий бўлар ва Унинг-ла яшар”.¹ Навоий Аттордан фарқли равишда ўз достонида ана шу иккинчи фанога – фанофилҳаққа эътибор қаратади. Тасаввуфнинг энг оғир ва мураккаб бу босқичи ҳақида кўплаб алломалар, тасаввуф намояндалари фикр билдириб ўтганлар. Жумладан, тасаввуф ҳақида илк назарий асар ёзган мутафаккир ватандошимиз Шайх ал-Калободий “Тасаввуф сарчашмаси” асарида “Фано ҳолидаги банда ўткинчи момақалди роқ ёки шамол эмас, балки унинг инсоний сифатлари ўзгартирилиб, у руҳоний ёки фаришта бўлиб қолмайди, балки... нафсий рағбат, хоҳишлардан фоний бўлади”², деб фикр билдирган бўлса, тасаввуф ва шариатни бир-бирига яқинлаштирган, ислоҳотчи аллома, ҳужжат ул-ислом Ғаззолий фанони лаҳзалик бир ҳол деб ҳисоблайди. Боязид Бистомий ҳам “Илоҳий мулоқот” да: айнан фанофиллоҳ мартабаси ҳақида мулоҳаза юритиб, уни қуйидагича таърифлайди: “... Сўнг менга қудрат назари билан боқди. Ўз борлиғи билан мени қийматсиз (йўқ) қилиб қўйди ва Ўз зоти билан менда тажаллий этди. Мен У ила бор бўлдим, бирлашиш шу билан ниҳояланди ва дунё бир бўлди. Ҳамма нарса Унинг воситасида бир бўлди”.³ Бу манзил Аттор достонида “Қушларнинг хат ўқишлари” бобида ифодаланади. Бунда қушлар ўзларининг аввалги қилган гуноҳларини бирма-бир кўрадилар ҳамда бундан ғоят хижолатга тушадилар. Уларни шарму ҳаё босади ва тўтиё каби эриб, фанога ғарқ бўладилар. Шунда Аттор:

*Кулли кулдин покланиб чандон ҳама,
Топдилар нури бақодин жон ҳама,⁴*

дейди. Атторнинг мана шу биргина сўзда ифодалаган бақо сўзини Навоий анча кенг тасвирлайди ва “Қушларнинг Фано водийсининг ниҳоятининг бақо мулкидин нишон топмоғлари”, “Қушларнинг фано ҳусулидин бақо вусулиға еткони” шаклида махсус икки ажратади ва ўз бадийий ниятини тўлиқ тасвирламоқ учун боблар “фано ва бақо” истилоҳларини ҳар икки боб сарлавҳасига олиб чиқади:

*Ким магар Симуруғ кўргузгай лиқо,
Бу фанолардин етишгай ул бақо.⁵*

Шундан кейин қушлар учун ҳамма нарса – гулу гулшан кўзгу бўлиб, уларни висолга ошно қилади:

¹ Кубро Нажмиддин. Фавойих ул-жамол. / Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул., Азиза Бектош. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б.144.

² Ал-Калободий Шайх. Тасаввуф сарчашмаси. (Ат-Таъарруф – тасаввуфни таништириш китоби.) Арабчадан Отақул Мавлонқул ўғли ва Мавлуда Отақул қизи таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2002. – Б. 111.

³ Бистомий Абу Язид (Боязид). “Илоҳий мулоқот”дан. // Ислом тасаввуфи манбалари. Тўпловчи: Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005 – Б. 73.

⁴ Аттор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси - Тошкент: Фан, 2006. – Б. 356.

⁵ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 268.

*Кўрдилар ўзни қаёнким тушти кўз,
Аллоҳ-Аллоҳ не ажойибдур бу сўз.*

*Ким қилиб Симурғ ўттиз қуш ҳавас,
Ўзларин кўрдилар ул си мурғу бас.¹*

Қушлар не машаққат билан келган манзиллари – Симурғ асли ўзлари эканликларини, бу сафар садафнинг гавҳар бўлмоғи учун – дунёю нафс майлларидан кечиб, Ҳақиқий Ўзликни топиш учун бўлганлигини англаб етдилар.

Алишер Навоийнинг комил инсон ва бу комилликнинг ибтидоси ҳисобланмиш инсонийлик мартабаси ҳақидаги қарашлари “Лисон ут-тайр” достонида алоҳида эътиборга молик мавзудир. У гоҳ Худхуднинг йўловчи қушларга қилган насиҳатлари тимсолида, гоҳ уларга мисол сифатида келтирилган ҳикоятларда бўлсин, бир бутун тизим сифатида акс этган. Бундай тизимнинг ниҳояси ва чўққиси “Фақру фано водийсининг адосида” бобида акс этади:

*Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот –
Нодиру олий асоси коинот.*

*Барчадин ашрафки ул инсон эрур,
Ким камолида хирад ҳайрон эрур.²*

Навоий комил инсон шарафини улуғлар – сифатлар экан, унинг зоти – аслини ҳам таърифлайди:

*Мунда сен ёхуд авом этгил гумон,
Ё ҳавос англа хаёл айлар замон...*

*Барчанинг Ҳақ зоти мавжи баҳри бил,
Ҳам вужудин мавж янглиғ англағил.³*

Бу ўринда муаллиф тасаввуфнинг анъанавий тимсолларидан “баҳр” ва “мавж” тимсолларига мурожаат қилади. Денгиз, юқорида айтганимиздек, Хусни мутлақ – Тангри тимсоли, мавж эса – олам ва ундаги мавжудотлар рамзидир. Навоийнинг бу фикрларини “Лисон ут-тайр”нинг яна бир ўрнида – дoston ибтидоси – ҳамд қисмида ҳам кўришимиз мумкин:

*Офаринишдан қилиб инсон ғараз,
Онинг айлаб халқ ичида безваз.*

*Кўнглин онинг махзани ирфон қилиб,
Ул тилисм ичра ўзин пинҳон қилиб.⁴*

¹Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 268.

²Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 250-251.

³Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 251.

⁴Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б.9.

Муаллиф Аллоҳ мадҳини куйлар экан, инсоннинг яралиши Унинг бутун борлиқни бунёд этишидан асосий мақсадидир, шунинг учун ҳам унинг – инсоннинг қалбига – илм хазинасининг ичига Ўзини яширди, дейди ва ташбеҳ санъатига мурожаат қилиб, инсон қалбини хазинага, унда яширинган Аллоҳ аксини – хазинадаги пинҳон бойликка қиёс қилади. Юқорида кўриб ўтганимиздек, дoston “вахдат ул-вужуд” таълимотининг бадий адабиётдаги инъикосидир. Бунинг учун Навоий ва “вахдат ул-вужуд” назариясининг асосчиси Ибн ал Арабий таълимотининг ўзаро боғлиқлигини англашимизга тўғри келади.

Бир қарашда Навоий ва Ибн ал-Арабий таълимоти бир-бирига боғлиқ эмасдай туюлади. Лекин Навоий ва уни тасаввуфга боғлаган ришталарни англаганимиз сари бу узоқлик кўзимиз олдида яқинлашиб, бирлашиб кетади.

Бу яқинликнинг сабабини Навоийнинг нафақат илму ижоддаги устози, балки ҳаёти ва тариқатдаги пири Абдурахмон Жомий фаолиятига эътибор билан қараш орқали топиш мумкин. Маълумки, Навоий 1476 йили Нақшбандийлик тариқатини расман қабул қилган. Шундан сўнг у Жомий ҳузурида тасаввуфга доир бир қанча асарлар тўғрисида дарс олган. Бу китоблар орасида “Фусус ул-ҳикам” каби Ибн ал-Арабийнинг, “Ламаъот” каби бу мактабнинг вакилларида бўлмиш Ироқийнинг асарлари бор эди.

Таҳсил натижасида Навоий ушбу асарларга шарҳ ёзиш керак эканлигини устози Жомийга таклиф қилади ва Жомий Навоийнинг фикрини мамнуният билан қабул этади. Натижада, “Нақд ун-нусус фи шарҳи Нақш ал-фусус”, “Шарҳи Фусус ул-ҳикам” каби шарҳлар дунёга келади.¹ Бу шарҳларда Абдурахмон Жомий “вахдат ул-вужуд” назариясини нақшбандия тариқатига мослаб ислоҳ қилади. Бу фалсафанинг бир ғояси – комил инсон назариясидир. Ибн ал-Арабийнинг фикри бўйича комил инсон бу – нури Муҳаммадий – илк яратилган, Тангрининг илк мазҳари, кайҳоний мавжудот. Бу таълимот унинг шогирди Жандий томонидан қайта ишланган ва комил инсон жисмоний мавжудот тарзидаги ўзгартириш киритилган. Жомий бу назарияни янада ривожлантирди.² Навоий ҳам бу ғояни ўз бадий ижоди ва фаолиятининг ўзаги деб қабул қилди. Ушбу дoston ҳам мана шундай камолот тарғиби бўлиб, унинг сўнгида муаллиф ўқувчисига ҳам ушбу йўлни тавсия қилади:

*Кимсен - ўқ сен ҳарнеким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ, неким мавжуд эрур.³*

Демак, Худо ҳам, мақсад ҳам, камолот ҳам ўзингда деб ҳисоблаган Навоий ўқувчисига ўзини тарбиялашни, ўз камолоти учун қайғуришни маслаҳат беради ва буни комилликнинг йўли дейди:

*Ўз вужудингга тафаккур айлагил,
Ҳарне истарсен, ўзунгдин истагил.⁴*

“Мантиқ ут-тайр”да бундай фикр ва тарғиботнинг йўқлиги эса “Лисон ут-тайр”нинг оригиналлик ҳуқуқини янада кучайтиради.

¹ Бу ҳақда қаранг: Навоий Алишер. Ҳамсат ул мутаҳаййирин. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1999. Т.15; Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.13.

² Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б.122-126.

³ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 270.

⁴ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 270.

3. 2. Ҳикоятлардаги рамзий тимсоллар талқини.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида 65та ҳикоят келтирилган бўлиб, ушбу ҳикоятларни адабиётшунос олим Ш.Шарипов мавзу жиҳатидан 4 га бўлиб таснифлашни маъқул кўради. Улар қуйидаги гуруҳлардир:

1. Ижтимоий-сиёсий ва фалсафий мазмундаги ҳикоятлар.
2. Дин ва тасаввуф вакиллари, уларнинг баъзи муҳим қарашларига оид ҳикоятлар.
3. Ахлоқий-таълимий ҳикоятлар.
4. Ишқ-муҳаббат мавзусидаги ҳикоятлар.

Ушбу ҳикоятлар ичида ижтимоий-сиёсий ва фалсафий мазмундаги ҳикоятлар анчагина ўрин эгаллаб, уларда жамият ҳаётининг муҳим қирраларига оид ҳамда шоирнинг пантеистик фалсафага доир баъзи қарашлари ўз аксини топган. Бу ҳикоятлар ҳақида бир қанча олимлар ўз фикрларини билдирган эдилар.¹

Биз ҳикоятлардаги образларда Навоийнинг ошиқ ва маъшуқ, Яратган ва яратилмиш, фано ва бақо, камолот ва залолат ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар ҳамда бир қанча ижтимоий фикрлар билдириб ўтганлигини кўрамиз. Ундаги тимсолларнинг маънолари ҳам шунга монанд мураккаблашиб боради. Шунга кўра, биз ушбу ҳикоятларни уч гуруҳга бўлиб таснифлашга қарор қилдик:

1. Худхуд дostonдаги қушларни Симурағ йўлига тарғиб қилиб, уларга мурожаат қилаётган пайтда айтилган ҳикоятлар. Бу ҳикоятлар шоирнинг ижтимоий фикрларини умумлаштириб баён қилишга хизмат қилади. Ундаги тимсоллар ҳам ижтимоий-дидактик аҳамият касб этган бўлиб, уларга яшил тўн кийган сохта дарвеш (XXXV боб), мазҳарабоз ҳинду (XXXVIII боб) ва бўйра шоҳи ҳақидаги (LVIII боб), уқувсиз боғбон (XLIV боб), сохта заргар (L боб), мушт еб кун кўрувчи текинхўр (XLVI боб), Муқбил ва Мудбир (LIII боб), ўргатилган айиқ (LVI боб), бўйра шоҳи (LIX боб), мечкай паҳлавон (LXII боб), вайронада ганж қидирган киши (LXV боб), Уммонда дур қидирган ғаввослар (LXIX боб), ҳажга бормаган савдогар (LXXI боб) гиёҳванд дарвеш (CVII боб), сувга чўкиб кетган хасис (CIV боб) ва ҳақидаги ҳикоятларни киритиш мумкин.

2. Тарихий шахслар билан боғлиқ ибратли фикрлар акс этган ҳикоятлар. Булар қаторига пайғамбарлар ва валийлар тўғрисидаги ҳикоятлар киради. Жумладан, Одам сафийуллоҳ (XCI боб) Иброҳим алайҳиссалом (CLXXXII), Сулаймон алайҳиссалом билан боғлиқ (CXIII боб), Муҳаммад саллАллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар (III-IV), тўрт нафар саҳоба – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (р.а.) ҳақидаги ҳикоятлар (VI-VIII-X-XII боблар); тасаввуф намояндаларидан Хожа Абдуллоҳ Ансорий (CXL боб), Боязид Бистомий (CLXXVI-LXXXII боб), Иброҳим Адҳам (CXXII боб), Абусаид Абухайр (LXXXVX боб), Абулҳасан Ҳирқоний (CI боб), Абу Бакр Нишопурий (CXXXVII боб), Мансур Халлож (CLVIII боб), Абул Аббос Қассоб Омулий (CLXII боб), Сўфиён Саврий (CLXV боб) Абу Туроб Нахшабий (CXV боб), Жом пири (CXXV

¹ Бертельс Е.Э. Наваи и Аттар / Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – С. 398-416; Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1961. – Б.16-46; Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1968. – Б. 508-518; Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент, Фан: 1970. – Б. 197-198; Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – Б. 58-61; Абдуғафуров А. Алишер Навоий ижодида сатира. – Тошкент: 1972. – Б.189-197; Қаюмов А. Алишер Навоий. – Тошкент: Ёш гвардия 1976. – Б. 118-135; Валихўжаев Б. Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарида шеърини миниатюраларни қайта ишлашдаги маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1976. – № 6. – Б. 35-41; Ш. Эшонхўжаев. Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарида “Ғаввос” ва “Ҳинд савдогари” ҳикоялари. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – 1976. – №3. – Б. 41-53; Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, - 1991. – Б.139-150; Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б.107-140; Шарипов Ш. “Лисон ут-тайр” ҳақиқати. – Тошкент: Маънавият, 1998.

боб), Абу Саид Харроз (CXLIИ боб), Нажмиддин Кубро (LXXXVI боб), Баҳроуддин Нақшбанд (CLXIII боб), Хожа Муҳаммад Порсо ва Хожа Абу Наср (CXXVIII боб), тилшунос олим Асмаъий (CLII боб), Маҳмуд ва Аёз тўғрисидаги (CLXXXV боб) ҳикоятларини келтириш мумкин.

3. Кейинги турдаги ҳикоятларга муаллифнинг фалсафий-тасаввуфий фикрларини ифодалаш учун келтирилган ҳикоятларни киритиш мумкин. Буларга Симурғ ҳақидаги (XV боб), унинг Чин шаҳрига тушган пати тўғрисидаги (XIX боб), Азозилнинг Иблисга айланиши ҳақидаги (CXIX боб), гулханда ёнган сохта ошиқ ҳақидаги (XLI боб), “Хуснини намоиш қилишга кўзгуни восита қилган шоҳҳикояти” (LXXVI боб), шоҳга совға тайёрловчи ошиқлар ҳақидаги (CXLVI боб), шоҳга ошиқ бўлиб зиндонда ётишга ва итбоқарликка тайёр ошиқлар тўғрисидаги (CL боб), Сидра дарахти шохидаги қушлар тўғрисидаги (LXXII боб) Искандарнинг элчиликка борганлиги ҳақидаги (LXXVII боб), Шайх Санъон ҳақидаги (LXXIX боб), Арастунинг шогирди тўғрисидаги (CX боб), ғам чекувчи мисрлик тўғрисидаги (CXVI боб), Мажнун ал-Ҳақ (CXXXI боб), фил ва кўрлар хусусидаги (CLIII боб), икки шатранжчи ҳақидаги (CLVI боб), ҳайрат забун этган маъшуқ йигит тўғрисидаги (CLX боб), “Парвоналар шамъи ҳақиқий зикрида” ги (CLXXIV боб), Мажнун ҳақидаги (CLXXVII ва CLXVIII боблар), девона ошиқ ва унинг оқил маъшуқи тўғрисидаги (CLXX боб), Қақнус ҳақидаги (CLXXIX боб), подшоҳдан ҳеч нима сўрамаган дарвеш тўғрисидаги (CLXXX боб) ва йиқилган девор ҳақидаги (CXС боб) ҳикоятлар мисол бўла олади.

Достондаги барча ҳикоятлар маълум бир фикрни исботлаш учун айтилган бўлиб, биз ишимизда улардаги муҳим ва аҳамиятли тимсолларнинг талқини ҳақидагина тўхталиб ўтишга қарор қилдик.

Мана шундай образлардан бири дарвеш образидир. Шоир достонидаги дарвешларни солиқ, толиб, Мажнун ал-Ҳақ каби номлар билан атайти. Бундан ташқари, дарвешнинг абдол, фақир, қаландар, девона каби халқ орасида машҳур синонимлари бўлган.

Туркияда нашр этилган “Тасаввуфдан терминлар ва ибратли сўзлар луғати”да дарвеш сўзининг маъноси қуйидагича изоҳланади: “Дарвеш форсча “йўқсил” деган маънони англатади. Истилоҳ сифатида тариқатга мансуб кишини айтадилар. Арабча сўз тузилишига кўра “даровеш”, “даровеша” тарзида қўлланади ва дарвешлар маъносини англатади.”¹

Мумтоз адабиётимиздаги бу образ ҳақида бир қатор назарий фикрлар ва бадий асарларни муқояса қилиб, профессор Н. Комилов “Шоҳу дарвеш ҳикмати” мақоласида қуйидагиларни ёзади: “Форсча дарвеш сўзининг луғавий маъноси гадо, камбағал демакдир, яъни дарвешлик – бенаволик, қашшоқлик. Камтар, хокисор бўлиш, ўзини ҳақиру забун ҳисоблаш дарвешнинг асосий фазилати деб қаралган. Шу билан бирга қаландарларни, узлатга чекинган гўшанишин кишиларни ва яна кўп ҳолларда ориф сўфийларни ҳам дарвеш деб атаганлар. Дарвеш кейинги маънода, айниқса шеърятда кенг қўлланилган. Дарҳақиқат, тиланчи гадо билан дарвеш ёхуд сўфийнинг ижтимоий аҳволи, юриш-туришида ўхшашлик бор: сўфий ҳам гадо – дунё мол-мулкидан мосуво бўлган, жанда тўнидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ қашшоқ одам. Аммо сўфийнинг дарвешлиги онгли-ихтиёрий саъю кўшиш натижасидир, унда тама йўқ, дарвешлик – унинг эътиқоди, у тариқат маслагини қабул қилиб, шу йўлда жонини, борлигини фидо этади”² Дарҳақиқат, зоҳиран зору ҳақир, ботинда эса орифу комил бўлган бундай инсонлар, нафақат ўша давр учун жамият идеали, балки бадий адабиёт идеали даражасига етган эди. Дарвеш образи Навоидан олдин ҳам Шарқ адабиётида комил инсон тимсолида қўлланиб келинган. Жумладан, X асрда яшаб ижод этган машҳур туркийгўй адиб Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достонидаги қаҳрамонлардан бири

¹ Тасаввуфдан терминлар ва ҳикматли сўзлар луғати. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Гулпинарли А. (турк тилида) – Истанбул, 1995. – Б. 89.

² Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O‘zbekiston, 2009. – Б.161.

– қаноат образида тасвирланган Ўзғурмиш дарвеш эди ва унинг ўз эътиқодига содиқлиги шу даражада эдики, элигхон – Кунтуғди бир неча бор саройга таклиф қилганда ҳам, ушбу таклифни рад этади.¹

Шарқ адабиётида шу тахлит дарвешларни улуғлаш, уларга ҳавас қилиш, уларни асар қахрамонлари даражасига кўтариш анъана тариқасига кирди ва шу билан биргаликда бадий, илмий-дидактик асарларда дарвеш этикаси – ахлоқи шакллантирилди. Жумладан, форс адабиётининг забардаст вакили, улуғ мутафаккирлардан бири Саъдий Шерозий ўзининг “Гулистон” асарида дарвешлар ахлоқини қуйидагича таърифлайди: “Дарвешларнинг зоҳири жанда либос ва кўҳна палосдур. Ҳақиқати эса тирик кўнгил, ва ўлик нафсдир, тариқати зикр ва шукру хизмат, тоат ва қаноат, тавҳид ва таваккал, таслим ва таҳаммулдур”.²

Навоий ўзигача бўлган Шарқ адабиётидаги дарвеш образини шакллантириш билан биргаликда, ушбу образни хилма-хил талқинлар билан бойитди. Яъни, ўз ижодида сохта ва чин дарвешларга муносабатини билдириб, ҳар иккала турдаги дарвешнинг ўзига хос образини яратди ва уларни тазод йўли билан муқояса қилган ҳолда тасвирлади. Жумладан, муаллиф “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ёзади: “Дарвеш улдурким, бўлғай ризоандеш, агар ичида бўлғай юз неш, юзи бўлғай маҳрамойин ва маломаткеш. Дарвеш керакким, сидқу фано тариқин тузгай, ўзин нечукки бор андоқ кўргузгай. Аноният ғилзатиға қотиқ риёзатлар била сафо бермиш бўлғай ва нафсоният шиддатидин азим мужоҳидалар била чиқиб, фақр тариқиға кирмиш бўлғай ва фано дор ул-амони жамоатхонасиға етмиш бўлғай”.³ Навоий бундай дарвешларни фақр (камтаринлик) тариқатига кирганлигини, ўзи қандай бўлса, элга шундай кўрсатишини (самимиятини) тасвирлаш билан бирга, уларнинг нафсларини ўлдиришлари натижасида фано деб аталмиш омонлик уйига кирадилар, демоқда. Фано тасаввуфдаги энг улуғ мартабалардан эканлигини ҳисобга олсак, Навоий дарвешлик рутбасини жуда баланд даражада тасвирлаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Лекин худди шу асарнинг “Мубрим гадолар зикрида” фаслида Навоий эл кўзига ўзини дарвеш қилиб кўрсатувчи нафс бандаларини қуйидагича танқид қилади: “... Булар орасида ўзига қаландар от қўйғон малъун, одамийлиғдин маъбун ва дев ва шайтон олида матъун. Инсоният ва мусулмонлиғдин йироғ, тўнғуз ва айиғ одамийлиғда алардин яхшироқ”.⁴ Худди шундай муқояса фикрларни шоир “Ҳайрат ул-аброр” достонининг “Риёи хирқапўшлар сулукидаким...” деб номланувчи тўртинчи мақолотида ҳам билдириб ўтган.⁵ Навоий дарвеш ахлоқи ҳақидаги ушбу назарий фикрларини “Лисон ут-тайр”да ҳикоятлар ва тамсиллар тили орқали санъаткорона тасвирлайди. Шу сабабли достондаги дарвеш образини икки хил талқинда ўрганиш аҳамиятли. Чунки Навоий ушбу асарда соф ниятли (Мажнун ал-Ҳақ, икки биродар дарвеш ва подшоҳдан ҳеч нима сўрамаган дарвеш ҳақидаги) ҳамда сохта дарвешлар (яшил тўн кийган сохта дарвеш, гиёҳванд дарвеш) тўғрисида муносабат билдириб, ҳар иккала талқинга ҳам эса қоларли ва аҳамиятли мотивлар киритади.

Мажнун ал-Ҳақ ва яшил тўн кийган сохта дарвеш ҳақидаги ҳамда подшоҳдан ҳеч нима сўрамаган дарвеш тўғрисидаги ҳикоятларда комил пир, ўз маслакига содиқ солиқ образларида Навоий тасаввуфни ўз ҳаёт йўли деб билган чин дарвешларни мадҳ этади, ҳатто улар Тангрига қанча эркалик қилсалар ҳам кечиради, дейди (“Мажнун ал-Ҳақ”).

¹ Хос Ҳожиб Юсуф. Қутадғу билиг.– Тошкент: Фан, 1972. – Б. 575.

² Шерозий Саъдий. Гулистон. – Тошкент: А. Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 52.

³ Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 томлик. – Тошкент, Фан. 1998. Т.14. – Б. 46.

⁴ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б.40.

⁵ Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент, Фан. 1991.Т.7. – Б. 133-142.

Яшил тўн кийган сохта дарвеш ҳақидаги ҳикоятдаги пири комил ҳам дарвеш. Лекин унинг кўзига икки дунё тенг. Дунё матоҳлари аҳамиятсиз. Бир назар билан мисни олтин қиладиган бу кимёназар зотнинг олдида олтин билан тупроқнинг баҳоси бир хил. Халқ орасида нафсининг хоҳиши учун “каронатлар кўрсатиб” юрган сохта дарвешга у бир каромати билан, яъни ердан бир ҳовуч тупроқ олиб, уни олтинга айлантириши орқали танбеҳ беради.

Икки дарвеш тўғрисидаги ҳикоятда ҳам рост сўзи билан золим шоҳни ўз ишидан тавба қилишига сабабчи бўлган икки биродар ҳақида ҳикоя қилар экан, беҳиммат шоҳликдан гадолик афзал деган хулоса чиқарилади. Бу хулоса нафақат ҳикоя қаҳрамони бўлган дарвешнинг балки, Навоийнинг фикри эканлиги аҳамиятли. Сабаби, дарвешликни шоҳликдан баланд қўйиш Навоийнинг шеъриятида ҳам кўп тасвирланган:

*Шаҳ юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар;
Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не нисбат анга.
Ҳар не, шаҳ мақсудидур, дарвешнинг мардудидур!
Кўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анга.¹*

Навоий шоҳ ва дарвеш образлари ўртасидаги тазодини фақат дунёга муносабат билангина ифодаламайди, балки:

*Шаҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,
Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анга.*

Бу дарвешга берилган жуда юқори таъриф. Шоҳ-ку дўзах кўркувидан бир лаҳза тинч эмас, лекин дарвеш Аллоҳ ишқи ва дийдори йўлида жаннатни ҳам инкор қилади, демоқда Навоий.

Подшоҳдан ҳеч нима сўрамаган дарвеш ҳикояти ҳам мана шундай ўзлигидан мосуво бўлган ҳақиқий Аллоҳ ошиғи тўғрисида. Унда подшонинг “Тила тилагингни” деган лутфи марҳаматига жавобан дарвешнинг “Менга Худонинг бергани етади” тарзида жавоб беришида ўз маслағи – эътиқодига садоқати намоён бўлади. Муаллиф бу дарвешнинг маърифатдаги мартабасини юксак баҳолайди ва:

*Ё раб, ул соликка бўлғондек сифат,
Айла Фонийға насиб ул маърифат²*

деб муножот қилади.

Бундай дарвешларнинг тарихдаги фаолиятлари ҳақида машҳур шайхлар маноқибларида кўп ривоятлар эсланади. Буларга Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”сида ва Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”ида баён этилган, яъни Иброҳим Адҳамнинг тахтдан кечишига ва Атторнинг тавба қилишига сабаб бўлган дарвешлар ҳақидаги ҳикоятлар мисол бўла олади.³

Йиқилган деворни кўриб важҳу ҳолга тушган толиб ҳақидаги ҳикоятда эса дарвеш образи юқоридаги даражада фаол бўлмаса ҳам, ўзининг оригинал ва муҳим хулосаси билан эътиборимизни тортади. Ундан бу ҳолга тушишининг сабабини сўрашганда:

¹ Навоий Алишер. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.3 – Б. 30-31.

² Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 286.

³ Қаранг: Аттор Фаридуддин. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 1997. – Б. 22; 166; Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2001. Т.17. – Б. 459.

“деворни ҳар сафар йиқилишга тобора мойилроқ кўрардим. Мана охири шу девор ҳам мақсадига эришибди. Мен тирик инсонман-ку, ниятимга етолмайманми?” деган фикрдан ҳаяжонландим, деб жавоб беради. Маълумки, Шарқ адабиётида йўқсил, девона ва дарвеш образлари билан аксарият ҳолда девор, вайрона, бузуғ образлари ёнма-ён тасвирланадики, бу дарвешларнинг ожиз ва ниёзмандликларини янада бўрттириб кўрсатишга хизмат қилади. Бу борада Шарқ шеърляти ва ҳикоятчилигидан кўплаб намуналар келтириш мумкин. Бироқ, ушбу ҳикоят ўзининг оптимизми билан ажралиб туради ва тасаввуфни етиб бўлмайдиган мавҳумлик деган кишиларга муносиб жавоб бўла олади. Ушбу ҳикоят қаҳрамонини муаллиф “толиб” деб атайдди. Дарҳақиқат, у Ҳақ йўлида толиб – мақсади фақру фано бўлган дарвешдир. Ҳикоятда биз ушбу образнинг яна бир томонини кашф этамиз.

Навоий сохта дарвешлар хусусида ҳам ўз сўзини айтиб, эл кўзига ўзини дарвеш қилиб кўрсатиш катта гуноҳлардан бири эканлигини образлар воситасида баён қилади. Бундай образларга Яшил тўн кийган сохта дарвеш ҳақидаги ҳикоятнинг қаҳрамони мисол бўла олади. Унинг нафсини қондириш мақсадида тўрвасини турли-туман егуликларга тўлдириб юриши, ҳар хил кароматлар кўрсатишга интилиши ўша пайтлардаги типик ҳодиса бўлиб, Навоий бундай нафсига қул бўлган сохта “дарвешлар” устидан кулади ва уларга антитеза тарзида комил пир образини кўяди.

Гиёҳванд дарвеш ҳақидаги ҳикоятда эса мақсади оддий инсонлардан улуғ – Яратганнинг жамолидан маст бўлиш эмас, балки улардан тубанроқ – банг истеъмол қилиб, кайф қилишдай жирканч бўлган дарвешни танқид қилади ва бундай сохтакорликнинг оқибати ҳалокатдир, деган хулоса чиқаради. Бу борада у баъзи бир тариқатларда бўлган мурид тарбиясининг илк босқичларидаги жазба ҳолатини сунъий равишда юзага келтириш учун гиёҳванд модда – бангдан фойдаланиш борасидаги ҳаракатларни танқид қилар экан, тасаввуфдай пок таълимотга бу каби нопок ишларни аралаштиришнинг ўзиёқ заҳар ичиш билан тенг эканлигини ҳам уқтиради.

Яна шундай аҳамиятга эга тимсоллардан гўзал ва эҳтиёжсиз, шу билан бирга, бепарво ва золим Подшоҳ – маъшуқ ҳамда унинг ошиғидир. Ошиқ, одатда, хаста ва муҳтож гадо бўлиб, бу маъшуқнинг эҳтиёжсиз ва олий мартабали, ошиқнинг эса хокисор ва муҳтож бўлиши кераклиги ҳақидаги тасаввуф адабиёти талабига мувофиқ яратилган тимсолларидандир. Бундай антитеза муносабат тасаввуф адабиётини қизиқтириб келган мавзулардан бири бўлиб, бу мавзу ҳақида кўпгина ижодкорлар асарлар яратганлар. Жумладан, Навоийнинг замондоши, форисигўй шоир Бадриддин Ҳилолийнинг “Шоҳ ва гадо” достони мавжуд бўлиб, уни Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий ўзбек тилига таржима қилган.¹

Бу тимсоллар Аттор достонидан олинган ҳикоятларда “Хуснини намойиш қилишга кўзгуни восита қилган шоҳ ҳикояти” (LXXVI боб), шоҳга совға тайёрловчи ошиқлар ҳақидаги (CXLVI боб), шоҳга ошиқ бўлиб зиндонда ётишга ва итбоқарликка тайёр ошиқлар ҳақидаги (CL боб) ҳамда ўзини ошиқ қилиб кўрсатган ва гулханда ёнган дарвеш ҳақидаги (XLI боб) ҳикоятларда кўринади. Бу тимсол подшоҳнинг эл-улусдан эҳтиёжсизлиги, уларга нисбатан чексиз ҳуқуқи каби реал асослари, гўзал ва бепарволиги ҳақидаги форс достонларидаги, жумладан, Атторнинг “Мантиқ ут-тайр”идаги “Бир йўқсилнинг Миср подшоҳига ошиқ бўлгани”, “Султон Маҳмуд ва балиқчи бола”, “Султон Маҳмуд ва тиканчи чол”, “Бир подшо қулига мева бергани”, “Маҳбуслар зиндонни безатишгани”² каби ҳикоятлардаги адабий мотивлардан баҳра олган ҳолда бирлашиб, бадий жиҳатдан бақувват тимсол ҳосил

¹ Бадриддин Ҳилолий. Шоҳ ва Гадо. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таржимаси. / Муҳаммад Ризо мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. III жилд. Таржималар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974.– Б.336.

² Аттор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. – Форсийдан Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006.

бўлишини таъминлаган. Навоий уларни асосан ёш шаҳзодалар деб таърифлайди ҳамда аҳамиятлиси шундаки, салафларидан фарқли равишда уларнинг ахлоқига ҳам эътибор беради. Жумладан, ўзига тайёрланган совғаларни кўриш учун чиққан ёш подшо ғариб ошиқнинг нолаю фиғонини эшитиб, унга раҳм қилиб эмас, таъсирланиб, қалбида меҳр жўш урган ҳолда, унинг вайрона ҳужрасига ташриф буюради. Бу унинг табиатидаги одамийлик хислати борлигидан далолат беради.

Ҳуснини намойиш этишга кўзгуни восита қилган шоҳ ҳикоятидаги подшоҳ ўз хуснининг халққа офат бўлаётганлигини билиб, бунинг олдини олиш мақсадида қасри атрофига кўзгу ясашларини амр қилади.

Ўзини ошиқ қилиб кўрсатган ва гулханда ёнган дарвеш ҳақидаги ҳикоят қаҳрамони бўлган подшоҳ ошиқни синамоқчи бўлиб, уни қатлга ҳукм этади, агар у қатлни мамнуният билан кутиб олса, дарवेशни ўзига мусоҳиб этиб олмоқчи бўлган шоҳнинг нафақат ақлан камолотга етганини, балки адолатли ҳукмрон эканлигини кўришимиз мумкин.

Шоҳга ошиқ бўлиб зиндонда ётишга ва итбоқарликка тайёр ошиқлар ҳикояти эса худди ўша синовдан муваффақиятли ўтган чин ошиқлар ҳақидадир. Уларни синаб, садоқатини англаган шоҳ ҳар иккисини ўзига хос суҳбатдош этиб тайинлайди. Демак, бир қарашда бепарво ва золимдай кўринган ушбу шоҳлар тимсоли аслида эътиборли, адолатли образлар тарзида тасвирланганки, бу уларда нафақат ташқи гўзаллик, балки ички камолот ҳам борлигини кўрсатади.

Энди ушбу ҳикоятлардаги ошиқлар образини кўриб чиқсак:

Ҳуснини намойиш қилишга кўзгуни восита қилган шоҳ ҳикоятида ошиқлар ҳақида аниқ маълумот берилмаган бўлса-да, уларнинг кўплиги, аллақанчаси бу ҳаддан ташқари гўзалликдан қурбон бўлганлиги ҳақида маълумот бор.

Ўзига тайёрланган совғаларни кўриш учун чиққан ёш подшонинг ошиқларидан бири, айтиш мумкинки, энг садоқатлиси ғариб ва хаста. У шу ҳолида ҳам ўзини эмас, эртага шоҳга нима совға қилиш кераклигини ўйлайди ва муносиб тухфаси йўқлигидан изтироб чекади.

Шоҳга ошиқ бўлиб зиндонда ётишга ва итбоқарликка тайёр ошиқлар ҳам чин ошиқлар бўлиб, подшоҳнинг нурли жамолига шайдо бўлган кўнгил соҳиблари ўлароқ, ўзларининг аҳволидан шу даражада беҳабарлик ҳолатидадирларки, зиндонда ётиш ва итбоқарлик қилишни саодат деб биладилар.

Ўзини ошиқ қилиб кўрсатган ва гулханда ёнган дарвеш ҳақидаги ҳикоятда донишманд подшоҳ синовидан ўтолмаган сохта ошиқнинг эл аро шарманда бўлгани ва оқибат жонидан ҳам ажралганлиги тасвирланади.

Ушбу тимсолларнинг тасаввуфий маъноси ҳақида гапирганимизда, шоҳларнинг ҳукмронлиги ва эҳтиёжсизлиги, ҳаддан зиёд гўзаллиги ва камолоти сабаб истиора орқали Худонинг рамзий тимсоли эканлигидан далолат беради. Бу тимсол тасаввуф адабиётининг асосий образлари қаторида бўлиб, Навоийдан олдин Аттор, Румий, Жомий каби сўфий шоирларнинг асарларида ҳам кўп қўлланилган тимсоллар сирасига киради.

Ошиқлар бу ўринда Оламлар Подшоҳига руҳан мафтун бўлган ва унинг йўлига кириб, бу дунёни унутган сўфийлар тимсолидир. Улар Маъшуқнинг синовларини “жон” деб қабул қиладилар ва оқибатда, унинг сирдош-суҳбатдошига айланадилар. Лекин гулханда ёниб кетган дарвеш каби баъзи сохта ошиқлар ҳам борки, улар эл кўзига ўзларини сўфий қилиб кўрсатадилар. Асл мақсадлари эса мартаба ва эл эътибори бўлади. Уларнинг оқибати аянчли, - дейди Навоий ва алалоқибат, гулханда ёнишларини – жойлари жаҳаннам бўлиши мумкинлигини рамзлар орқали тасвирлайди.

“Лисон ут-тайр”нинг бир неча ўринларида Шоҳ ва Гадо қиёфасидан ташқаридаги Ошиқ ва Маъшуқ образига ҳам эътибор берилган. Навоий бу ўринда Атторнинг “Илоҳийнома”сидаги

ошиқ ва маъшуқ ҳақидаги “Ошиқ бўлган сўфий ҳикояти”, “Гўзал бир ўспирин ва дарвеш ҳикояти”¹, “Мантиқут-тайр”даги “Ошиқнинг ўлим ҳолатида йиғлагани”² каби ҳикоятлардан таъсирланган ҳамда уларни ўз ижодкорлиги билан бойитганлиги кўзга ташланади.

Жумладан, “Ҳайрат тариқи адоси”га бағишланган тамсилда айтилишича, бир “бедилу зору ҳақир” киши “бадмеҳр сарву ҳурзод” ишқига асир бўлибди. Ишқининг зўридан жони чиқишга етибди. Шунда бечора ошиқ сўнгги марта маъшуқини кўришни, унга бир-икки оғиз сўз айтишни орзу қилибди. Унинг бу ҳолини кўрган халқ маъшуқини мажбур қилиб бечора ошиқнинг қошига келтирибди. Лекин:

*Ҳайрат этди зойил ондин ақлу ҳуш,
Дарду ҳолин дер киши бўлди хамўш.*

Ошиқ ўзига келганида эса маъшуқ аллақачон кетиб қолганди. Шундай қилиб, бечора ошиқ ҳайратдан бир сўз айта олмай ўз жонидан жудо бўлибди. Бу ҳикоятда ошиқ образи фаол ва тасаввуфий ишқнинг талаби бўйича ўз жонини фидо қилиб, муҳаббатини исбот этади. Маъшуқ образи эса анча нофаол ва ушбу ҳикоятда биз унинг шахсияти ҳақида умуман тасаввурга эга бўлмаймиз. Билганимиз, у ошиғига шу даражада бефарқки, одамларнинг қийин-қистови билан уни кўргани келади, лекин уни ўз ишқида беҳудлик ҳолига тушганини кўрса ҳам парво қилмайди – балки кетиб қолади. Бу ўринда Навоий тасаввуф адабиётидаги бераҳм ва безътибор гўзал маъшуқ образидан фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Достоннинг “Ўз адоси қусури узрига тамсил” бобида келтирилган ҳикоятда “бир паришон” ошиқ ва унинг “даврон офати” бўлган маъшуқи ҳақида сўзланади. Ҳикоятда айтилишича, ошиқ маъшуқининг юзини гулга, қоматини сарвга ўхшатади. Бундай қиёслашни эшитиб, маъшуқ

*Деди: - “Таърифинг киноятдир манга,
Ор ондин бениҳоятдир манга.
Қоматимким сарв деб сурдинг калом,
Сарвга қаддим каби борму хиром.
Оразим гул дебки қилдинг элга фош,
Гулда борму юз балолиғ кўзу қош”³*

Ушбу ҳақли эътироздан ошиқ ҳайратда қолади ва:

*Неки мен дедим муҳаббатдин эди,
Барча ихлосу муваддатдин эди.
Йўқ эди онда шикоятдин асар,
Таъну ташнеъу киноятдин асар,⁴*

деб узр сўрайди. Ушбу ҳикоятда ошиқни – зору шикаста ҳолда кўрадиган бўлсак, маъшуқни эса унга нисбатан анча фаол ва ақлли киши қиёфасида кўрамиз. Навоий ушбу ҳикоятни

¹ Атор Шайх Фаридуддин. Илоҳийнома. Форсийдан Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 113, 155.

² Атор Шайх Фаридуддин. Кўрсатилган асар. – Б.263.

³ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б.272.

⁴ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 273.

мисол қилиб, ўзини ушбу дostonдаги айбу қусури беихтиёр бўлганлигини айтиб, Яратган ва ўқувчиларидан рамзий маънода узр сўрайди.

Яна бир ҳикоятда тасвирланишича, тилшунос олим Асмаъий ҳажга кетаётганида йўлдаги тошда қандайдир ёзувга кўзи тушади. Унда ишқнинг давоси нима эканлиги сўралганди. Асмаъий тошга “бундай ишқнинг давоси ўлим”, деб ёзиб қўяди. Эртаси куни ўша жойга бориб қараса, унда боши мажақланган бир киши ётганди. Бу ҳикоят билан Навоий ишққа қурбон бўлган ошиқнинг матонатини – фано йўлини танлаганини улуғлайди. Ўрни келганда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунёвий адабиётдан фарқли равишда жонни жононга фидо қилиш тасаввуф адабиётидаги одатий мотивлардан ҳисобланади. (Фарҳод ҳам Ширин ўлимини эшитиб, бошини тошга уриб, ўзини ҳалок этганини эсланг.)

Бундан ташқари, дostonда машҳур ошиқ-маъшуқлар образи – Лайли ва Мажнунга икки марта – CLXVIII ва CLXXVIII бобда мурожаат қилинади. Ҳар иккала ҳикоятда ҳам фақат Мажнун, яъни ошиқ иштирок этади ва ҳикоятлар мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин ҳисобланади. Биринчи ҳикоятда Мажнуннинг ўзича сўзлашаётганини кўрган бир киши “ким билан гаплашаяпсан?” деб сўрайди. Мажнун “Лайли билан”, деб жавоб беради. Шунда

Деди: – “Ондин то сенгадур хейли йўл!”

Деди: – “Эй ғофил, эрур ёнимда ул.

Улки онинг зикридур жонимда қут

Йўл йироқ бўлғонда бўлғайму унут!”¹

Муаллиф ушбу ҳикоят билан ишқ йўлида масофа аҳамият касб этмаслигини таъкидлайди. Иккинчи ўринда эса Мажнун “отинг недур,” деб сўраганларга “Лайли!” деб жавоб беради. Бунда Навоий Мажнуннинг ўзлигини унутиб, ўзини Лайли деб ҳисоблаётганлигини, яъни Лайли зотига фоний бўлганлигини айтиб, уни ишқда камолотга етган деб ҳисоблайди.

Ҳикоятлардаги тимсоллардан яна бири кўзгу бўлиб, у ҳақда “Тасаввуф терминлари сўзлиги” да қуйидагича изоҳ берилган: “Миръот – кўзгу тасаввуфда йўқлик, зеро, Аллоҳнинг борлиғи йўқлик оинасида акс этар экан, кўплик (ҳодисалар, дунё) майдонга келади”².

Ушбу тимсол дostonда кўп тилга олинмаса-да, аниқ ва мукамал вазифаси туфайли ўқувчи хотирасида муҳрланиб қолади. Ушбу образни дастлаб “Ул шоҳ ҳикоятиким, хуснини зоҳир қилурға кўзгуни васила қилди” (LXXVI боб) бобида кўрамиз. Ҳикоят “Худхуд қушларға жавоби ва Симурғ зуҳуридан хитоби” (LXXV боб) бобидан сўнг унинг исботи сифатида келтирилган. Унда бир шоҳнинг ҳаддан зиёд гўзаллиги туфайли дунёга ҳаяжон ва туғён тушгани, қанчадан қанча ошиқлар қурбон бўлганлиги, бунинг олдини олиш мақсадида ўша подшонинг ўзи қасри теграсига кўзгу ясатганлиги тасвирланади. Боб якунида Навоий ушбу ҳикоятдаги образларни қуйидагича шарҳлайди:

*Сен бу кўзгуни кўнгул қилғил хаёл,
Ким солур аксини онда ул жамол.*

*Қасри тан, онда кўнгулни кўзгу бил,
Кўзгуда шоҳ хуснини наззора қил.*

¹ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 266.

² Тасаввуф терминлари сўзлуги. Тайёрловчи: Улуғдағ С. (Турк тилида). Истамбул: 1995. – Б. 604

*Бермайин бу кўзгуга аввал жило,
Акс анда солмағай ул подшо.¹*

Бизга маълумки, Навоий “Мантиқ ут-тайр”даги ҳикоятларнинг фақат 12тасидангина фойдаланган, холос. Демак, бу ҳикоят ва ундаги тимсол Навоий дунёқарашига ва ўқувчига айтмоқчи бўлган сўзига тўла мост тушган. У “Мантиқут-тайр”да “Учинчи мақола. Худхуднинг кушларга жавоби” бобидан сўнг келади:

*Кимсада кўз йўқки, кўрса ул нигор,
Ки жамоли олди бул сабру қарор.*

*Хуснига ишқ бойламак мушкул эрур,
Айламиш лутфу камолин кўзгу ул.*

*Кўзгу кўнгулдир, кўнгулга сол назар,
Токи кўргайсан жамолин, эй башар.²*

Ҳикоят далил қилиб келтирилган мақолотдан ҳам шуни кўриш мумкинки, гап Симурғ (Худо)нинг зуҳури ҳақида кетмоқда. Ушбу тасвирга Навоий кўзгуга жило бериш ҳақидаги фикрни қўшган. Кўзгуга бериладиган жилонинг маъноси, кўнгулни турли-туман риёзатлар билан поклаш, нафс ғулусидан озод бўлиш ва баркамол ахлоқ билан камолотга интилишдир. Кўзгуни қанчалик ярқиратиб жило берсанг, ул жамол шунча порлаб кўринади ва сен ҳам унинг камолотига ошно бўласан, демоқчи шоир. Ушбу тимсолни шарҳлашдан олдин унинг келиб чиқишига назар ташласак.

Кўзгу тимсолининг тарихи “Мен яширин хазина эдим, билинмоқ ва танилмоқ учун махлуқотни яратдим” мазмунидаги ҳадисга бориб тақалади.³ Ошкор бўлишни хоҳлаган Тангри бу оламни ва инсон (кўнгли)ни Ўз Хуснига кўзгу этиб танлайди. Мана шу қудсий ҳадис сабабли кўзгу тасаввуф адабиётидаги фаол тимсоллардан бирига айланди. Аттор бу тимсолдан бошқа бир достони – “Илоҳийнома”да ҳам фойдаланади. Уни “Юсуф алайҳиссаломнинг кўзгуга боққани ҳикояти”да келтиради бу тимсолнинг тасаввуфий маъносини шарҳлайди:

*Жамолига Худойим парда тутди,
Ўзига одамийни кўзгу этди.*

*Ва этди кўзгуда ўзни аён Ул,
Жамолу хуснидан кўрди нишон Ул.*

*Боқиб чун хуснига Ул таҳсин айтди,
Дема, бир ўзгага Ул таҳсин айтди...⁴*

³ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 92.

¹ Аттор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.98.

² Бу ҳақда қаранг: Ал-Жазарий Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо. Тасаввуф сирлари. Мутаржимлар: Умрзоқ Б., Тилавов А. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000. – Б.65.

³ Аттор Шайх Фаридуддин. Илоҳийнома. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2007.– Б. 365

Бу тимсолдан Жалолиддин Румий ҳам ўз ижодида маҳорат билан фойдаланган. “Маснавийи маънавий”нинг 1-китобидаги ҳикоятда келтирилишича, Юсуф алайҳиссаломнинг хузурига бир қадрдон дўсти келибди. Юсуф ундан “Менга қандай совға келтирдинг?” деб сўраганида, дўсти унга кўзгу олиб келганлигини айтибди. Шу ўринда кўзгу тимсолини Румий қуйидагича шарҳлайди:

*Кўзгудир борлиққа йўқлик ўйласанг,
Танлагил йўқликни, нодон бўлмасанг.*

*Борлиқ ул йўқликда бўлгайдир аён,
Бой саховат этса йўқсулга, не тонг.¹*

Бу ўринда Румий Юсуфни истиора санъати орқали Тангри тимсолига, Унинг кўзгудаги тимсолини олам ва ундаги яратилмишларга қиёсламоқда. Бу тимсолни Румий бойнинг саховат қилиши каби йўқдан борлик пайдо бўлиши орқали ўқувчига янада тушунарлироқ қилиб тасвирламоқда.

Тасаввуф адабиётида кенг қўлланилган ушбу тимсолга Навоий достонининг бошқа ўрнида, яъни “Худхуд қушларға жавоби ва Симурағ зуҳуридан хитоби” (LXXV боб) бобида ҳам мурожаат қилади:

*Ганже эрди, лек махфий зот анга,
Ёшури хусн эрди, кун - миръот анга.*

*Ўз зуҳурин чун таманно айлади,
Чиқди-ю аввал тажалло айлади.*

*Бу тажаллоси аро хуршидвор,
Юз туман минг соя солди ошкор.²*

Навоий образнинг бошқа томонига эътибор бериб, кўзгудаги акс, яъни илоҳий жамолдан ҳосил бўлган соялар ҳақида гапирмоқда. Яъники “ўн саккиз минг олам”, ундаги жонзотлар, инсон, унинг турли табиати кўзгуда пайдо бўлган акс, бошқача айтганда, соядир. Бу фикрларни, юқорида кўриб ўтганимиздек, Навоийнинг Аттор ва Румий каби улуғ салафлари ҳам таъкидлаб ўтишган эди. Бироқ Навоий салафларининг фикрларини инкор қилмаган ҳолда кўзгуни кўпроқ инсоннинг қалбига ўхшатмоқда. Унга жило бериш ёки занглатиш ҳам ҳар бир банданинг қўлидадир, демоқда.

Достоннинг охирида “Қушларнинг фано хусулидан бақо вусулиға еткони” (CLXIX боб) бобида эса улуғ шоир кўзгу тимсолидан висолга етказувчи восита сифатида ҳам фойдаланган:

*Ким назар қилғон киби кўзгуда эл,
Ёки боққай софу равшан сувда эл.*

¹ Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Meriyus, 2010. – Б. 106.

² Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 23.

*Кўрунур эрди назарда мў-бамў,
Акс кўргузган киби кўзгую сув.¹*

Навоий бу ўринда висолнинг қанчалик яқин эканлигини ўқувчисига аниқроқ тасаввур қилишига имкон бериш учун кўзгу тимсолига сув тимсолини вобаста қилиб, сўз ўйини яратган. Яъни илоҳий жамол оқиб турган зилол сув каби гўзал ва поёнсиз эди. Уни акслантирувчи мазохир эса қанчалик кичик бўлмасин, кўзгу каби ўша сувни бутун борлиғича қамраб олди.

Шамъ ва парвона тимсоллари мумтоз адабиётдаги энг кўп қўлланиладиган тимсоллардан ҳисобланади. Ундаги шамъ ва унинг ёниши маъшуқнинг нурли дийдори ва адл қаддига, парвонанинг унга муттасил интилиши чин ошиқликка қиёсланган. “Тасаввуф терминлари сўзлиги” да ўқиймиз: “Шам – *شمع* мум, машъала. (Тас.) Илоҳий нур. (Ироқий) Соликнинг қалбини ёққан илоҳий нурнинг тажаллийси, мушоҳада аҳлининг қалбида порлаган илоҳий нури”.²

Дарҳақиқат, тасаввуф адабиётида шамъ илоҳий нур, манба тимсоли, парвона эса илоҳий моҳиятни – манбани англаб етиш тимсолидир ва у охир-оқибатда ўз мақсади йўлида (ўзини ўтга уриб) ҳалок (фоний) бўлади. Бу ҳикоят “Мантиқ ут-тайр” да - Фақру фано водийсига далил сифатида берилган.³ Ушбу ҳикоятда Аттор шамнинг нуридан қиёс олмақчи бўлган икки парвонанинг шарҳини уларнинг раҳбари қусурли деб билгани, ниҳоят бир парвона шамга қўшилиб ёниб, қип-қизил чўққа айлангандан сўнг унинг ёнишидан раҳбарнинг кўнгли тўлгани, бошқаларнинг ҳам унга қойил қолганлари ва бунинг таъсирида барчалари ўзларини шамнинг ўтига уриб, фано бўлганликлари тасвирланган. Бунда Аттор билишнинг илмул яқин, айнул-яқин, ҳаққул-яқин даражаларини шарҳлаган. Ва ҳаққул-яқинни ҳақиқий фано деб баҳолаган. Ҳикоят сўнгида Атторнинг хулосаси:

*Этмасанг кўйингда жонингни бадар,
Сенга жонондин нечук етгай хабар?..*

*Бул мақомга кимса маҳрам бўлмади,
Етмади, чун унда бир дам бўлмади...⁴*

Навоий бу ҳикоятдан “Парвоналар мажмаъи шамъи ҳақиқий зикрида” бобида (CLXIV боб) фойдаланади, бироқ у яқин мартабалари ҳақида гапирмайди, балки фанони яхлит бир ҳодиса ҳисоблаб, ундан соликка бўладиган фойдага урғу беради. Яъники шамга интилиб, у билан қўшилишиб ёнган парвоналар икки фойда кўрдилар, дейди Навоий:

*Бир буқим, куймай анга етмас кушод,
Бўлмағунча кул топа олмас мурод.⁵*

Байтдаги “кул” сўзи ийҳом санъати орқали “куйиб кул бўлиш” ва “бутунлик” маъноларида қўлланилиб, бир вақтнинг ўзида икки хил мазмун ифодалаяпти. Демак, фано ўтига тамоман жисми куйдириб, тобламағунча, мақсуд ҳосил бўлмайди. Ошиқ куйиб кул бўлмағунча кул – бутун, яхлитлик маъносини англамайди.

³ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б.268.

¹ Тасаввуф терминлари сўзлиги. Тўпловчи Улуғдағ С. (Турк тилида) – Истанбул 1995. – Б. 491.

² Нишопурий Шайх Фаридуддин Аттор. Мантиқ ут-тайр. Форсийдан Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.339-340.

³ Нишопурий Шайх Фаридуддин Аттор. – Кўрсатилган асар. – Б.340.

⁴ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 257.

*Ёна бир буким, этиб бу навъ барқ,
Ониким ўт баҳри ичра қилди ғарқ.¹*

Фақат куйган кишигина шамнинг асл моҳиятидан хабардор бўлди ва айна пайтда ўзини-ю бошқани унутди, фақат ўша оловни англади, холос.

Шамъ ва парвона тимсоли Навоийнинг лирикасида ҳам энг кўп ишлатилган тимсоллардан саналади. Бунинг сабабини, Навоийнинг ғоявий маслағи – нақшбандийликнинг моҳиятидан қидириш лозимдир. Ушбу тариқатнинг йўналиши ҳақида фикр билдириб, профессор Н.Комилов қуйидагиларни ёзади: “Нақшбанднинг диққат-эътибори тасаввуфни шариат билан келиштириш, илҳом ҳаяжон ва туғёнларини, Мансур каби “Анал-Ҳақ” деб нидо қилишни (Хожа Али Ромитоний сўзи: “Агар ер юзида хожа Абдухолиқ Гиждувоний шогирдларидан биттаси бўлса ҳам Мансур ҳеч қачон дорга осилмасди”) сўндирди, ловуллаган алангалар ўрнига лахча манқалларни пайдо этиб, бетоқат булбул эмас, жимгина шамга талпиниб, ёнадиган парвонани афзал деб билди”.² Демак, Навоий ҳам парвонани сокин майл – саҳв тарафдори бўлган соликка қиёслайди ва ишқидан “нола-ю зор” қилувчи булбулга – сершовқин майл – сукура тарафдори бўлган мажзуб тимсолига баъзан параллел, баъзан эса қарши қўйиб, гўзал шеърий санъатлар яратади:

*Гул юзида булбул сенинг асроринга нотиқ,
Шамъ ўтида парвона сенинг хуснинга шайдо.³*

*Чаман оташгаҳида оташин гулдин чу ўт солдинг,
Самандардек ул ўтдин қулга ботти булбули шайдо...⁴*

*Жамолнинг партавидин шамъ ўти гар гулситон этмас,
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо.⁵*

Шамъ ва парвона тимсолига яна Навоий дostonнинг “Қушлар шоҳ тилаб топмоғондин мутаҳаййир бўлғонда, Худхуд Симурғдин хабар дегони” бобида ҳам мурожаат қилади:

*Худхуд ул нури хираддин баҳраманд,
Роҳбарлиғ афсаридин сарбаланд...*

*Кирди ул мажмаъ аро девонавор,
Шамъи мақсад васфида парвонавор.⁶*

Яъни Худхуд ул ақл нуридан (Симурғга яқинликдан) баҳраманд, раҳбарлик тожи билан боши баланд демокда шоир ва бунинг сабабини мақсад шамига парвоналикда кўраяпти. Бунда шамга парвона бўлиш унга яқинлик, яна аниқроғи, унга сирдош бўлиш маъносида келмоқда. Бундан ҳам мақсад фано – чунки Худхуд Навоийнинг таърифи бўйича ҳодийи комил – руҳини Маъшуққа фано қилган комил инсон ва комил устоз тимсолдир.

⁵ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 258.

¹ Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009. – Б. 100.

² Навоий Алишер. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.3 – Б.27.

³ Навоий Алишер. – Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.3 – Б.27.

⁴ Навоий Алишер. – Кўрсатилган асар. Б.27.

⁵ Навоий Алишер. – Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 32.

Демак, Навоийнинг ижодида ва айниқса “Лисон ут-тайр” достонида шам мутлақ жамол ва камол рамзида, парвона эса бу жамол ва камол ишқида камолотга эришган, фано мартабасига чиққан, бироқ ўз ишқини ошкор қилмаган саҳв йўлидаги ориф солиқ тимсолида ифодаланяпти.

Ит тимсоли тасаввуф адабиётида Қуръони Каримдаги “Асҳоби қаҳф” қиссасига бориб тақалади. “Шайх Нажмиддин Кубронинг сўзи ва итга тушган кўзи” ҳикоятда Шайхнинг назари баракотидан итнинг валийлик даражасига етиши ҳақидаги ушбу ҳикоятнинг замирида ҳам худди шу “Асҳоби қаҳф”нинг ити” тимсоли ётади. Ҳикоятда тасвирланишича, Кубронинг мажлисида айнан шу қисса ҳақида сўз бораётганда шайх суқр ҳолатига етади ва шу дақиқада кўзи кўчадаги итга тушади. Ҳикоятда тасвирланишича, валийлик даражасига етган ит:

*Ошнолиғдин етишди чошни,
Тортиб итлик сийратидин бошни.*

*Ўз қўюб шайх оллида қилди ниёз,
Барча итлар узра бўлди сарфароз.¹*

Ит ўлгандан сўнг уни одамдай иззат-икром билан кўмиб, қабр ясайдилар. Бу ўринда Худхуд Кубронинг кимё каби назари итдай паст маҳлуқни ҳам валий даражасига етказган-лигини мадҳ этиш билан бирга итнинг вафодорлигига ҳам эътибор бермоқда. Балки унинг эгасига (балки ҳақиқий Эгасига) садоқати шу юксак мартабага етказган бўлса, не ажаб?!

Навоий ит тимсолига “Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сўзи фанойи комил мақомида” ҳикоятида ҳам мурожаат қилган. Унда тасвирланишича, бир куни кўчада Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг кўзи бир кўтир итга тушади. Ва бу итга тенг бўлсам керак, деб ўйлай бошлади. Лекин бу қиёсдан ҳам хижолат бўлди ва

*Деди: “Ул аҳли вафодир, мен – эмон,
Ўзни онинг бирла эмди тенг демон.*

*Ул Худовандиға қилмас жуз вафо,
Лек манда зоҳир ўлмай жуз жафо”²*

Шундан кейин фонийликда камолотга етишган авлиё итнинг тупроққа тушган изларини тавоф қилади. Бу тасвирда Навоий фано мартабасидаги комиллик – ўзини ҳеч деб англаш даражасидаги хокисорликдир, демоқда. Навоийнинг ушбу келтирган ҳикоятда ҳақиқат борлигини Муҳаммад Боқирнинг “Баҳоуддин Балогардон” китобидаги ушбу далил ҳам тасдиқлаши мумкин: “... бир кунлари мактабдан ёш, гўзал бир йигит чиқиб келаётган эди. Унинг қўлида мусҳаф (Қуръони Карим) бор эди. Ҳазрат Хожамизга одоб билан салом берди. Ҳазрати Хожамиз жавоби салом қилганларидан сўнг унинг қўлидаги мусҳафни олиб очдилар ва қуйидаги оятга дуч келдилар ва ўқидилар: “Ва калбахум боситун зироайҳи бил-васийд” яъни “уларнинг итлари эса олди оёқларини остонига ёзиб ётур. 18-оят, “Қаҳф” сураси) деган оят чиқди. Ҳазрат Хожамиз дедилар: “Бу оят бизга тегишлидир”.³ Баҳоуддин Балогардон бундай хокисорликни фақат сўзда, яъни тил билан эътироф этибгина қолмай,

¹ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 143.

² Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б.225.

³ Боқир Муҳаммад. Баҳоуддин Балогардон. – Тошкент. Ёзувчи. 1993. – Б. 64.

амаллари ҳам шунга муносиб эди. Яна юқоридаги манбада ўқиймиз: “... Янаул азиз дедик, “Бу даргоҳ итларига ниёзмандлик ила хизматда бўл ва мақсудингни талаб айла. Ва бу даргоҳда бир итга йўлиқгайсанки, шул ит баракотидин сенга саодат муяссар бўлғай” деди. Мен бу азиз шарофати билан итларга мулозимлик (хизматкорлик) қилдим. Бир кеча ногаҳон бир итга дуч келдим, ани кўриб ҳолим ўзгарди, ниёз ва тазарруъ ила ул ит хизматини этдим. Шунда беихтиёр ўкириб йиғлаб юбордим – дафъатан нуре пайдо бўлди. Ит орқасини ерга қўйиб, тўрт оёғини кўтариб, осмонга қаради ва ҳазин овоз билан нола қилди. Мен ҳам шикастанафаслик ва ниёзмандлик билан қўлимни дуога очиб “омин” дедим. Бу ҳол то нур йўқолгунча давом этди”.¹

Навоий тариқатдаги пири комилининг бундай хокисорлигига нафақат ҳавас қилган, балки ижодий тимсолларининг бирига айлантирган. Фарҳод ва Мажнун ўз мактубларида ўзларини Ёрнинг итига тенглаштиришлари, Мажнун эса Лайли кўчасидаги итга дардини айтиб йиғлаши, уни ўзидан устун билиши каби мотивлар фикримизга далилдир. Шоир “Ҳайрат ул-аброр” достонида хамсанавис устозлари – Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийларни мангулик ғорига кирган “Асҳоби қаҳф”га қиёс қилиб, ўзини уларнинг итига тенглаштиради:

*Каҳфи бақо ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай робиухум калбахум.*²

Бу эса энди бевосита Нақшбанддан таъсирланишдир.

“Маърифат водийсининг васфи” мақолотида далил сифатида келтирилган ҳикоятдаги фил тимсоли ҳам мумтоз адабиётда кенг қўлланилган тимсоллардан ҳисобланади. Ҳикоятда тасвирланишича, бир гуруҳ кўрлар мусофирлик ёки асирлик сабабими, Ҳиндистонга бориб қолишибди. Ўз юртларига қайтишгач, улардан филни кўрдингизми, деб сўрашибди. Кўрлар “ҳа” дейишгач, сўровчилар “далил келтиринг” дейишади. Шунда:

*Ҳар бири бир узвига суртиб илик,
Ҳосил айлаб эрдилар ондин билик.*

*Қўлларин мас айлаган деди: - “Сутун”,
Қорнин этгон мас дедиким: “Бесутун”...*³

Хуллас, кўрларнинг фил ҳақидаги фикрлари турли хил ва бир-бирига қарама-қарши чиқибди. Бироқ комили ҳинду нажот, яъни филбон уларнинг фикрини эшитиб, уларни ранжитмайди, таъна ҳам қилмайди, балки кўрларнинг ҳар бирининг гапида ҳақиқатнинг муайян белгилари бор эди, деб ҳисоблайди:

*Лек жамъ ўлғонда бу барча сифат,
Пилға ҳосилдур ул дам маърифат.*⁴

Навоий фойдаланган бу ҳикоя аслида ҳинд эртақларидан келиб чиққан бўлиб, унда тўрт кўрнинг бир филни бошқа-бошқа аъзоларини пайпаслаб “кўрган”и ва бир-бирларига нисбатан нотўғри фикр билдирганлари тасвирланади. Эртақ шундай ниҳояланади:

¹ Боқир Муҳаммад. Кўрсатилган асар. – Б. 46.

² Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент, Фан, 1991. Т. 7. – Б. 56

³ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент, Фан, 2001. Т. 12. – Б. 227.

⁴ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 228.

Шундай қилиб тўртала кўр ҳам янглишиб, бир-бирларини алдайдилар. Аммо уларнинг ҳар бири ҳам тўғриси, ҳар ким билганини айтади.¹ Бу соддагина сюжетдан Шарқ тасаввуф адабиётининг дарғалари ўз фикрларини баён этишда моҳирона фойдаланишган.

Бундай ижодкорлардан дастлабкиси Абу Ҳомид Ғаззолий бўлиб, у бу эртак сюжетида фойдаланиб ёзган ҳикоятини “Фил тўғрисида ихтилофга боришганлари” деб номлайди ва “Кимиёи саодат” асарининг “Табиюнлар ожизлиги баёнида” фаслида келтиради. Бунда Ғаззолий мунажжим ва табиюн (натурфайласуф)ларнинг дунёқарашини (оламнинг марказига қандайдир унсурни қўйиб, уни оламнинг асоси деб ўрганишларини) филнинг маълум бир аъзосини ушлаб “кўриб”, уни “фил” деб туриб олган кўрларга қиёс қилади. Ва шундай хулосалайди: “Бу тоифаларнинг ҳаммаси ҳам рост айтур ва хато қилурлар”.²

Профессор Е. Э. Бертельснинг маълумотига қараганда, бу ҳикоят мазмуни Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Хамса”сида ва Абдумажид Санойининг “Ҳадиқат ул-ҳақойиқ” асарида ҳам учрайди. Бу асарда ҳам ҳикоят кўзи ожиз кишилар билан боғланган.

Ҳикоят Румий ижодида янада сайқалланган ҳолда ишланган. Унда воқеа қаҳрамонлари кўрлар эмас, балки, унда қоронғу хонага бир филни олиб кириб, кишиларга “кўрсатилиш”и тасвирланган. Натижа эса, одатдагидек ҳар хил. Ва Румийнинг хулосаси:

*Ҳар бирининг илкида бўлсайди шам,
Ихтилоф бўлмасди зоҳир зарра ҳам.*

*Ҳис кўзи – кафтдирки, тимискийди, бас,
Кафт неча сийпайди, лекин қамрамас.*³

Шу хулосалар билан у зоҳирга қараб ботинга, мавжга қараб дарёга баҳо бермаслик керак, деб ҳисоблайди.

Навоий юқоридаги салафларидан Санойи, Хусрав Деҳлавий ва Румийнинг асарлари билан таниш бўлганлиги, шубҳасиз. Бу ҳақда у “Насойим ул- муҳаббат” асарида ёзади.⁴ Хусрав Деҳлавийни эса хамсанавис салафи сифатида кўп марта эслайди. Демак, Навоий бу асарлардан хабардор бўлгани ҳолда анъанавий ҳикоятдан фойдалаиб, оригинал асар яратди. Бу оригиналлик қуйидаги ҳолларда намоён бўлади:

Навоий ҳикоятида воқеа Ҳиндистонда бўлиб ўтади. Бу унинг асл манбадан бевосита хабардорлигини ёки буни мантиқан ангаб етганлигини (филнинг Ҳиндистон билан алоқадорлиги сабабли) билдиради.

Иккинчи янгилик ҳикоятга ҳинду филбон (комиле ҳинду нажд) образининг киритилишидирки, сюжетнинг бошқа қайта ишланмаларида бу образ йўқ. Навоий ҳикоятига бу образни шунчаки киритмайди, балки унга пири комилнинг рамзий тимсоли маъносини ҳам юклайди.

Учинчидан, филбоннинг хулосаси, бу ориф кишининг хулосаси эдики, у фил шаклу шамоилидан ихтилофга борган кўрларнинг ҳеч қайсисига ситам ҳам, таъна ҳам қилмади. Балки,

⁵ Бу ҳақда қаранг: Ҳинд эртаклари. – Тошкент: 1956. – Б. 19-20.

¹ Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат. Туркий. Биринчи китоб. – Тошкент: Адолат, 2005. – Б. 79-80.

² Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий. Учинчи китоб. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан; Техрон: Аҳ-Худо, 2003. – Б. 115.

³ Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 20 томлик. – Тошкент, Фан, 2001. Т. 17. – Б. 328.

*Деди ҳар бир улча воқиф эрдилар,
Пил ҳолидин нишоне бердилар.¹*

Бу айни пайтда Навоийнинг ҳам хулосаси эди.

Ушбу ҳикоят “Маърифат водийсининг васфи” бобидан кейин келтирилган бўлиб, Навоий маърифат ҳақидаги фикрларини ўқувчига янада аниқ етказиб бериш учун уни илова қилади. Ҳикоятдаги кўрлар маърифат соҳиблари – ориф кишилар. Филни – мутлақ ҳақиқатни ҳар томондан биладилар ва ўз билганларини ҳақиқат деб ҳисоблайдилар.

Ушбу ҳикоятни таҳлил қилган адабиётшунос олим У. Қобилов шундай фикр билдиради: “... тасаввуфда ҳар бир динга мутлақ ҳақиқатга олиб борувчи йўл сифатида қаралади. Мутлақ ҳақиқат битта, аммо унга борувчи йўллар турличадир. Сўфийлик адабиётида бу қарашлар турли рамзий-мажозий тимсолларда ифодаланган ўринлар кўплаб учрайди. Биргина Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида келтирилган “Фил ва кўрлар” ҳақидаги ҳикоя фикримизни тасдиқлайди. Фил (Фаол) – Ҳусни Мутлақ рамзи. Уни кашф этишга интилган “жамъи басирлар” турфа дин ва маслаклар тимсолларидир.² Биз ушбу таҳлилни нотўғри демаган ҳолда ўз фикримизни баён этмоқчимиз. Яъни: Бир гуруҳ кўрлар – тасаввуфдаги турли тариқат вакиллари, фил эса – Ҳусни Мутлақ, мутлақ ҳақиқат, ёхуд Аллоҳ таолонинг мажозий тимсолидир. Турли тариқат вакиллари, яъни хос кишилар ўзлари танлаган маърифат йўллари орқали Ҳақ таолони турли томондан, маълум бир даражасинигина англаб етдилар. Ваҳаммалари ўзларининг йўлларини тўғри деб ўйладилар.

*Чун сулук ичра кўп эрди ихтилоф,
Кўпраги дурд эрди, ози соф.³*

Яъни тариқат йўлидагилар ичадиган шаробининг лойқаси кўп, тозаси оз эди. Бироқ ҳикоятдаги комил филбон борки, у филнинг жамъи хусусиятларидан огоҳ. Шунинг учун у кўрларнинг ихтилофини ҳал эта олади. Бу комил филбоннинг қандай тимсол эканлигини Навоийнинг ўзи мақолот сўнгида айтади:

*Ким равишда софи эрди машраби,
Бор эди ул тобеъи шаръи наби.⁴*

Яъни танлаган йўли тўғри бир маслак борки, унда наби (пайғамбар)нинг шариятига тобелик бордир. Шубҳасиз, бу йўл Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандийлик йўлидир. Зеро, ундан “Сўрадилар: Сизнинг тариқангизни қандай топиш мумкин? Айтдилар: “Шариятни маҳкам тутиш ва Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатларига тўлиқ амал қилиш билан”.⁵ Демак, Навоий ҳикоятидаги фил тимсоли – Тангрининг рамзий тимсоли бўлса, комил филбон нақшбандия тариқатидаги пири комил тимсолидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ишимизнинг учинчи боби бўйича қуйидагича хулосага келдик:

1. Жаҳон халқлари мифологияси ва унинг ажралмас қисми бўлмиш туркий ва форсий халқлар фольклорида етти рақами сеҳрли рақамлар сирасига киради ва у билан боғлиқ

⁴ Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент, Фан, 2001. Т. 12. – Б. 227.

¹ Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. – Тошкент: Ниҳол, 2008. – Б. 52 -54.

² Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент, Фан, 2001. Т. 12. – Б. 226.

³ Навоий Алишер. Кўрсатилган асар. – Б. 200.

⁴ Боқир Муҳаммад. Баҳоуддин Балогардон. / Ислом тасаввуфи манбалари. Тузувчи Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – Б.199.

кўпгина иборалар, одатлар ҳалигача сақланиб келмоқда.

2.“Етти” сеҳрли рақами туркий-форсий халқлар мумтоз адабиётига, унинг бир қисми сифатида тасаввуф адабиётига ҳам таъсир ўтказди. Натижада, етти иқлим, етти тахт, етти осмон каби иборалар тасаввуф адабиётида ҳам рамзий маънода ишлатиладиган тимсоллар қаторига кирди.

3. Навоий тасаввуфдаги етти водий – Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат ва Фано водийларини тасвирлашда Аттор анъаналарига эргашиш билан бир қаторда ундаги тасвирларга ўзига хос ўзгаришлар киритди. Натижада, тимсолларнинг бадиий қуввати ошди ва уларнинг таъсир доираси ортди. Бу ҳодиса фано водийси таърифида, айниқса, яққол кўзга ташланади.

4. Навоий Ҳайрат водийсидан бошқа водийлар таърифида Аттор фойдаланган ҳикоятларга мурожаат қилмайди. Бу ҳодиса ҳам асарга оригиналлик киритиш билан биргаликда муаллифнинг тасвирланаётган тимсоллар ҳақидаги ўз мулоҳазаларини билдиришга имкон яратади.

5. Навоий “етти водий” принципни “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” дostonларида қўллаганлиги адабиётшунос олим А.Абдуқодиров, “Шайх Санъон ҳақидаги қисса”да истифода этганлиги эса Ф.Исомиддинов каби олимлар томонидан ўрганилганлиги маълум. Биз бу принципни улуғ шоирнинг “Сабъаи сайёр” дostonига илк бор татбиқ этдик. Дostonдаги водий ва қасрлардаги етти кеча тасвирларининг қиёси шуни кўрсатдики, бу принцип Навоийнинг барча дostonларига хос деган фикрни айтишга асос бор.

6. Фано водийси ва ундан кейинги бақо мартабаси, яъни Симуруғ висоли Аттор дostonидан фарқли равишда Навоийда жуда мукамал ва аниқ ифодаланган. Ушбу лавҳа орқали Навоий ўзининг комиллик ҳақидаги фикрларининг асосини баён қилади ва комилликка эришиш учун ҳар бир инсонда имконият бор, деб ҳисоблайди.

7. Дostonдаги энг аҳамиятли тимсоллар бу шоҳ ва гадо – ошиқ ва маъшуқ тимсоллари бўлиб, бу маъшуқнинг эҳтиёжсиз ва гўзал, ошиқнинг хокисор ва муҳтож этиб тасвирланиши ҳақидаги тасаввуф адабиёти талабидан келиб чиққан ҳолда қўлланилган. Бу тимсолларни яратишда Навоий Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ва “Илоҳийнома”сидаги шу мавзудаги ҳикоятлардан таъсирланган бўлса ҳам, ушбу тимсолга ўзининг аҳамиятли тасвир ва фикрларини киритган. Бу ҳолат подшоларнинг нафақат гўзал, балки ахлоқан камолотга етган инсон образида намоён бўлишида кўринади.

8. Навоийнинг лирикаси ва бошқа дostonларига уйғун равишда “Лисон ут-тайр”да ҳам ошиқнинг фаол, хору забун ва қурбонлик характериға, маъшуқнинг нисбатан нофаол, гўзал ва бепарволик хусусиятиға эға эканлиги билан аҳамиятли бўлса-да, истисно ҳолатида маъшуқнинг фаол тимсол даражасиға кўтарилганлигини кўришимиз мумкин. Бундай ҳолатға CLXXXIV боб – “Ҳайрат тариқи адоси”ға бағишланган ҳикоят мисол бўла олади.

9. Дostonдаги дарвеш тимсолиға Навоий ўз салафларидан келиб чиққан ҳолда икки хил ёндашганлигининг гувоҳи бўламиз. Биринчиси, тасаввуфни ўз ҳаёт йўли деб белгилаган ҳақиқий дарвешлар. Иккинчиси бўлса, эл кўзига авлиёсифат кўринувчи сохта дарвешлардир. Навоий тимсолнинг ҳар иккала талқини муқоясасида уларға реалист шоир сифатида бақо беради. Ҳақиқий дарвешни эса салафлари каби комил инсон даражасида мадҳ этади.

10. Миръот – кўзгу тасаввуфий тимсол бўлиб, Яратган ўз жамолини кўриш учун олам ва инсонни кўзгу қилганлиги ҳақидаги ҳадисдан келиб чиққан бу тимсол турли ижодкорлар томонидан ишланган. Навоий унга асосан инсон кўнглини Тангри кўзгусиға ўхшатиши, унга сайқал бериш инсонға берилган имконият эканлиги каби мулоҳазалари билан бойитди.

11. Шамъ ва парвона тимсоллари мумтоз адабиётда кенг қўлланилган тимсоллардан бўлиб, у тасаввуф адабиётида илоҳий жамол ва унинг шайдоси тарзида қайта ишланган. Навоий лирикаси ва дostonларидаги энг сермахсул қўлланилган образлардан бўлган бу тимсолларни қўллашда Навоий парвонанинг шамга эришиш ҳолатини фано деб баҳолайди ва бу ҳолатда парвонанинг икки фойдаси каби тасаввуфий фикрни ўртага ташлайди.

12. Ит образи ишқий-тасаввуфий асарларда фаол қўлланилган тимсоллардан бири саналиб, у Қуръони Каримдаги “Асҳоби Каҳф” ҳақидаги қиссадан келиб чиққан. Навоий ижодида бу тимсол “Асҳоби Каҳф”нинг итига Баҳоуддин Нақшбанднинг муносабати таъсирида ривожланди ва натижада бошқа дostonлари сингари “Лисон ут-тайр”да ҳам фаол қўлланилди.

13. Фил, кўрлар ва комил филбон тимсоллари – ҳинд эртакларидан келиб чиққан ва кўпгина Шарқ ижодкорлари томонидан талқин этилган тимсоллар бўлиб, бу тимсолларга Навоий янги вазифа юклайди. Филни – мутлақ ҳақиқат, кўрларни маърифат йўлидаги турли тариқат вакиллари, филбонни эса Нақшбандия тариқатига мансуб пири комил тариқасида талқин этади.

ХУЛОСА

Биз Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” дostonидаги рамзий образларни тадқиқ қилиш жараёнида шундай хулосаларга келдик:

– Мукулмон Шарқи адабиётида рамзийлик ва рамзий образлар Қуръони Карим ва пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларидан келиб чиқиб ривожланди ва унинг бадий адабиётга таъсири Ибн Синонинг рамзий-фалсафий қиссаларида ўз тақомилига етди. Бу қиссалар мазмун-моҳияти жиҳатидан фалсафий-ахлоқий қиссалар бўлиб, уларнинг асосида юнон фалсафаси унсурлари муҳим аҳамиятга эга бўлса ҳам, тасаввуфий адабиётга самарали таъсир ўтказди ва Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий, Шаҳобиддин Суҳравардий, Мир Саид Али Ҳамадоний каби ижодкорларнинг бир-бирига яқин мавзу ҳамда сюжетларда асар ёзишига сабаб бўлди ва уларда рамзийлик, рамзий тимсолларнинг устувор бўлишида муҳим аҳамият касб этди. Натижада, ушбу асарларда ҳам муайян тимсоллар тизими, яъни рух, нафс, ақл ҳамда уларнинг мунозараси тимсоллашган тизими яратилди.

– Имом Ғаззолий ўз асарларида Ибн Сино тимсолларини яхлит тизим сифатида айнан сақлаб қолди ва уларни мутлақо янги ғояга – тасаввуф таълимотига хизмат қилдирди. Лекин улар ҳали ҳам асосан муаллифнинг фикрини ўқувчига яққолроқ ифода этиш учун хизмат қилган бўлиб, асарда бадийлик омили биринчи ўринга чиқмади. Яъни Ибн Сино ва Ғаззолий қиссалари бадий-фалсафий асарлар эмас, балки фалсафий-бадий рисолалардир.

– Тасаввуф адабиётидаги рамзий ҳикоятчилик Абу Ҳасан Ҳирконийнинг “Нур ул-улум” рисоласидаги Мусо, каптар ва лочин ҳақидаги ҳикоятдан бошланди ва Абдуллоҳ Ансорий ҳамда унинг шогирди Ҳаким Санойи каби форсийгўй адиблар ижоди билан ўз тақомилига ета бошлади. Айниқса, Ҳаким Санойининг “Сайр ул-ибод ва илал-маод” дostonи рамзий-аллегорик йўналишдаги адабиёт ривожига муносиб таъсир ўтказди. Бу йўналишдаги дostonчиликнинг форс тилида ривожланишида Фаридиддин Атторнинг ўрни беқиёсдир. Аттор ижодида Шарқ фольклорининг бир қанча бадий асарларида тажрибадан ўтказилган ҳикоят ичида ҳикоят услуби ривожлантирилди. Тимсоллар кўпайди ва мукамаллашди. Ҳикоятлар ва тимсоллардан фалсафий-тасаввуфий маънолар чиқариш кучайди. Шеърий санъатлар, образлилик каби бадий факторлар сезиларли даражада ривожланди.

– Тасаввуфий тимсоллар Румий ижодида, айниқса, унинг олти китобдан иборат “Маснавийи маънавий”сида сон жиҳатидан ўсди ва сифат жиҳатдан такомиллашди. Бу ҳолат асарнинг нафақат фалсафий жиҳатдан мураккаблашувига, балки бадиий қувватининг ошишига ҳам сабаб бўлди. Абдурахмон Жомий ўз ижодида бу анъанани ихчам ифода ва фалсафий мулоҳазаларнинг аниқлиги каби ўзига хослик билан бойитди. Бу ҳолат унинг “Саломон ва Абсол” достонида яққол кўринади.

– Худхуд образи мусулмон Шарқи адабиётига Қуръони Карим оятлари асосида ўзлашгандан сўнг ушбу адабиётдаги аҳамиятли тимсоллар қаторига кирди. Жумладан, бу тимсол Атторгача бўлган давр мобайнида Рабғузийнинг “Қисас ул-Рабғузий”сида донишманд ва саркаш сўфий тимсолида, Аттордан кейин эса Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”сидаги қисқача ҳикоятда имонли ва оқил инсон сифатида гавдаланди. Натижада, бу тимсол Қуръони Каримдаги қисса қаҳрамони шаклидан бадиий тимсол даражасига кўтарилди. Фаридиддин Аттор эса биринчи бўлиб бу тимсолни ўз достонининг марказий қаҳрамони даражасига олиб чиқди. Шундай қилиб, Худхуд тимсоли донишманд киши, саркаш сўфий даражасидан комил йўлбошчи мартабасига юксалди. Ушбу тимсол Алишер Навоий ижодида қайта ишланди ва қуйидаги аҳамиятли ўзгаришлар киритилди:

- а) Худхуднинг йўловчи қушларга нисбатан муносабати ижобий томонга ўзгартирилди;
- б) шахсиятига камтаринлик ва хокисорлик каби комил инсон сифатлари киритилди;

– Симурғ образи форс асотирларидан келиб чиққан бўлиб, «Авесто»да Варағн ва Саэна ирғға каби вариантларда ифодаланган. Ўзбек халқ эртақларида бу тимсолнинг Симурғ, Давлат қуши, Бахт қуши, Булбулигўё каби бир қанча вариантлари бор. Симурғ тимсоли бадиий адабиётда илк маротаба Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида қўлланилган. Муаллиф туркий ва форсий халқларнинг бу тимсолига алоҳида эътибор берди. Унинг ижодида Симурғ нафақат ғайритабиий қувватга эга қуш, балки довюрак ва доно, баркамол ва сеҳрли қудрат соҳиби бўлган тимсол сифатида намоён бўлди. Аттор Фирдавсийнинг мана шу янгилигидан тасаввуф таълимотида фойдаланди ва натижада бетимсол ва беназир подшоҳ – қушларнинг афсонавий ҳукмдори, рамзий маънода эса Ҳақ таолонинг тасаввуфий тимсолини яратди. Навоий ижодидаги Симурғ образи талқинида эса унинг рамзий-мажозий томони қуйидагича чуқурлаштирилди:

- а) тимсолнинг ўттиз қуш, илоҳий идеал ва қушлар подшоси талқинлари кучайтирилди;
- б) янги комил инсон талқини кашф этилди.

– Қуш образининг жаҳон ва туркий халқлар мифологияси ҳамда фольклоридаги ўрни ўзига хос бўлиб, у ғайритабиий дунёлардан келадиган ёки бошқа оламга юбориладиган элчи, инсонларнинг руҳи ва кўнгли маъноларида ифодаланади. Тасаввуф адабиётидаги қуш образининг келиб чиқиши Ибн Сино ижодига бориб тақалади. Унинг “Тайр қиссаси”даги қушлар – инсонларнинг руҳлари тимсоли Ғаззолий рисоласида солиқларнинг кўнгиллари шаклида ўзгартирилди. Мана шу вариант Аттор ва Навоий достонларида солиқ қушларнинг Тангрини излаб водийлар оша сайрини ифодаловчи тимсол вазифасида қўлланилади.

– Достондаги қуш образининг жон қуши, кўнгул қуши, малойик қушлари ва бошқа вариантларининг келиб чиқиши, фольклордаги ўрни ва Навоий ижодидаги, ниҳоят “Лисон ут-тайр”даги вазифаси қиёслаб таҳлил қилиниши натижасида шу фикрга келиндикки, улуғ шоир лирикасида кўнгил қуши, жон қуши, малойик қушлари каби тимсоллар “Лисон ут-тайр”да ҳам фаол қўлланилган тимсоллар тизимига мисол бўла олади.

– “Лисон ут-тайр”даги афсонавий (симурғ, хумо, анқо, қақнус) ва реал (тўти, товус, булбул, кумри, кабутар, кабки дари, тазарв, қарчиғай, шунқор, бургут, куф, хумой, ўрдак ва товуқ каби) қушлар тимсолларининг келиб чиқиши турли хил бўлса-да улар достонда ягона ғоя – тавҳидга хизмат қилдирилди. Шунинг учун улар Шайх Санъон ҳикоятидан кейин,

яъни қушларнинг руҳиятида муайян ўзгариш содир бўлгандан сўнг муаллиф томонидан “бир қуш” тарзида номланади. Бу билан солиқнинг тасаввуф йўлида покланиб, ўзлигидан мосуво бўла бориш йўли тасвирланади.

– Жаҳон халқлари мифологияси ва унинг ажралмас қисми бўлмиш туркий ва форсий халқлар фольклорида “етти” рақами сеҳрли рақамлар сирасига киради ва бу рақам билан боғлиқ кўпгина иборалар, одатлар ҳанузгача сақланиб келмоқда. Бунга етти авлодни билиш, ҳафтанинг етти кунга бўлиниши, камалакнинг етти ранги каби жумла ва атамалар мисол бўла олади. Бу рақам рамз сифатида туркий ва форсий халқлар мумтоз адабиётига, унинг бир қисми сифатида тасаввуф адабиётига ҳам таъсир ўтказди. Натижада етти иқлим, етти тахт, етти осмон каби иборалар тасаввуф адабиётида ҳам рамзий маънода Илоҳ ва инсон, олам ва одам ўртасидаги муносабатларда ишлатиладиган тимсоллар қаторига кирди.

– Навоий тасаввуфдаги етти водий – Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат ва Фано водийларини тасвирлашда Аттор анъаналарига эргашиши билан бир қаторда ундаги тасвирларга ўзига хос ўзгартиришлар киритди. Бу ҳодиса, айниқса, Фано водийси таърифида яққол кўринади. Навоийнинг новаторлиги яна шу ўринда намоён бўладики, у Ҳайрат водийсидан бошқа водийлар таърифида Аттор фойдаланган ҳикоятларга мурожаат қилмайди. Бу ҳодиса ҳам асарга оригиналлик киритиши билан биргаликда муаллифнинг солиқ руҳиятидаги ҳолатлар ҳақида ўз сўзини айтишга имкон яратади.

– Навоийнинг “етти водий” принципини бошқа дostonларда ҳам қўллаганлиги бизга маълум. Биз бу принципни улуғ шоирнинг “Сабъаи сайёр” дostonига нисбатан илк бор татбиқ этдик. “Лисон ут-тайр”даги етти водий ва “Сабъаи сайёр” дostonидаги етти кеча қиёси шуни кўрсатдики, бу принцип Навоий ижодини яхлит бир адабий ҳодиса сифатида ўрганиш учун бир илмий тажриба вазифасини бажаради.

– Фано водийси ва ундан кейинги бақо мартабаси, Симурғ висоли Аттор дostonидан фарқли равишда “Лисон ут-тайр”да жуда мукамал ва аниқ ифодаланган. Бунда Навоий комиллик ҳақидаги фикрларининг асосини баён этади ва натижада ҳар бир инсонда комилликка эришиш учун имконият бор, деб ҳисоблайдики, бу унинг Аттор ижодидан асосий фарқли томонини кўрсатади.

– Шоҳ ва гадо – ошиқ ва маъшуқ тимсоллари дostonдаги аҳамиятли тимсоллар сирасига кириб, булар маъшуқнинг эҳтиёжсиз ва гўзал, ошиқнинг хокисор ва муҳтож этиб тасвирланиши ҳақидаги тасаввуф адабиёти талабидан келиб чиққан ҳолда қўлланилган. Бу тимсолларни яратишда Навоий Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ва “Илоҳийнома” каби дostonларида тасвирланган кўплаб шу мавзудаги ҳикоятлардан таъсирланган бўлса ҳам, ушбу тимсолга ўзининг баъзи фикрларини киритган. Бу подшоларнинг нафақат гўзал, балки ахлоқан камолотга етганликлари ҳақидаги мотивдир. Яна шуни таъкидлаш ўринлики, ошиқ ва маъшуқ тимсоллари, Навоийнинг лирикаси ва бошқа дostonларига уйғун равишда ошиқнинг фаол, хору забун ва қурбонлик характерига эга эканлиги, маъшуқнинг нисбатан нофаол, гўзал ва бепарво эканлиги билан аҳамиятли бўлса-да, истисно ҳолатида маъшуқнинг фаол тимсол даражасига кўтарилганлигини (“Ҳайрат тариқи адоси”га бағишланган муножотга бағишланган ҳикоят) билан ҳам намоён бўлади.

– Дostonдаги дарвеш тимсолига Навоий салафларидан келиб чиққан ҳолда икки хил ёндашганлиги аниқланди. Биринчиси, тасаввуфни ўз ҳаёт йўли деб белгилаган ҳақиқий дарвешлар. Иккинчиси, эл кўзига авлиёсифат кўринувчи сохта дарвешлардир. Навоий тимсолнинг ҳар иккала талқинини тасвирлашда уларга тасаввуфий маънолардан ҳам аввал реалист шоир сифатида баҳо беради.

– Миръот – кўзгу соф тасаввуфий тимсол бўлиб, Яратган ўз жамолини кўриш учун олам ва инсонни яратганлиги ҳақидаги ирфоний фикрдан келиб чиққан ва турли ижодкорлар

томонидан тасвирланган. Навоий салафларидан фарқли равишда кўзгу – аввало, инсоннинг кўнгли, унга жило бериш ҳар бир кишининг ўз қўлидадир, деган гуманистик мулоҳазалари билан бойитди.

– Шамъ ва парвона тимсоллари мумтоз адабиётда кенг қўлланилган тимсоллардан бўлиб, у тасаввуф адабиётида илоҳий жамол ва унинг шайдоси тарзида қайта ишланган. Навоий лирикаси ва дostonларидаги энг сермаҳсул бўлган бу тимсолларни қўллашда улуғ шоир Аттордан фарқли равишда парвонанинг шамга эришишидаги икки фойдаси каби тасаввуфий фикрни ўртага ташлайди. Фил, кўрлар ва комил филбон тимсоллари – ҳинд эртакларидан келиб чиқиб, кўпгина Шарқ ижодкорлари талқин этган ҳикоят вариантларида қўлланилган. Бу тимсолларга Навоий янги вазифа юклади. Филни – мутлақ ҳақиқат, кўрларни маърифат йўлидаги турли тариқат вакиллари, филбонни эса Нақшбандия тариқатига мансуб пири комил тариқасида талқин этди.

– Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони ва ундаги образлар тизими ўзидан кейинги адабиётга сезиларли даражада таъсир ўтказди. Жумладан, бу таъсирнинг самараси ўлароқ XVII – XIX асрларда яшаб, ижод этган ўзбек адиблари Салоҳийнинг “Қушлар мунозараси”, Гулханийнинг “Зарбулмасал”, Умидийнинг “Қушлар мунозараси”, Ризоий-Пайвандийнинг “Қуш тили” каби дostonлари яратилди.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

Сиёсий адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 1998. – 480 б.
- 2.Каримов И.А. Аждодларимиз даҳосининг бебаҳо ёдгорлиги // Халқ сўзи. – 1999. – 9 ноябрь.
- 3.Президент И.А.Каримовнинг Навоий шаҳрида Навоий ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2001. – 21 авг.
- 4.Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2005. – 448 б.
- 5.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

Манбалар:

- 6.Авесто. Яшт китоби (Худо Ахура Мазда ва у яратган маъбудлар шаънига алқовлар). Ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима. Исҳоқов М. таржимаси. –Тошкент: Шарқ, 2001. 128 б.
- 7.Авроди Қуръоний. Мусанниф: Муҳаммад Зоҳид Иброҳим ал-Бусравий. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. 405 б.
- 8.Ажойиб ул-махлуқот. Сирожиддин Махдум Сидқий Хондайлиқий таржимаси. ЎзФА ШИ. Қўлёзмалар фонди инв №8884.
- 9.Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1983-1984.
- 10.Аттор Шайх Фаридуддин. Илоҳийнома. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Муסיқа, 2007. – 400 б.
- 11.Аттор Фаридиддин. Мантиқ ут-тайр. Насрий баёни. Таржимонлар: Н. Комилов, М.Маҳмудов. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2006. – 248 б.
- 12.Аттор Шайх Фаридуддин. Мантиқ ут тайр. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2006. – 400б.
- 13.Аттор Фаридиддин. Илоҳийнома. Насрий таржима. Талқин ва тафсир (амалга оширувчи Комилов Н). – Тошкент: Ёзувчи, 1994. – 96 б.
- 14.Бистомий Абу Язид (Боязид). “Илоҳий мулоқот”дан. // Ислом тасаввуфи манбалари . Тўпловчи Болтабоев Ҳ. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 400 б.

15. Боболардан қолган нақллар. (Тўплаб нашрга тайёрловчилар: М.Жўраев, У. Сатторов). – Тошкент, 1998. – 128 б.
16. Булбулигуё. Ўзбек халқ эртаклари. Тузувчи – ф.ф.к. М.Маҳмудов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 375 б.
17. Бухорий Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмойил. Ал жомий ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 2-китоб. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996. – 623 б.
18. Жилваҳойи тасаввуф ва ирфон дар Эрон ва чаҳон. / Нигориши Атоиллоҳ таддин. (Форс тилида) Техрон: 1955. – Б. 92-98.
19. Жомий Абдурахмон. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол. / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи – А.Қаюмов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 224 б.
20. Ибн Сино Абу Али. Саломон ва Ибсол. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 132 б.
21. Ибн Сино Абу Али. Шеърлар ва тиббий дoston. – Тошкент: Ўзбекистон КП МК нашриёти, 1981. – 127 б.
22. Ибн Сино Абу Али. Ишорот ва танбеҳот. ЎзРФАШИ фонди инд № 2213.
23. Ибн Сино Абу Али. “Ишорат ва танбеҳот” Душанбе: Ирфон, 1980.
24. Ислom тасаввуфи манбалари. Тўпловчи Ҳ. Болтабоев. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 400 б.
25. Калила ва Димна. Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент: Истиқлол, 1994. – 255 б.
26. Кубро Нажмиддин. Тасаввуфий ҳаёт. Нашрга тайёрловчи: И.Ҳаққул, А. Бектош. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – 264 б.
27. Кунтуғмиш. / Булбул тароналари. 1-том. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг дoston ва термалари. – Тошкент: Фан, 1971. – 344 б.
28. Кошифий Хусайн воиз. Футувватномаи султоний. Форс-тожик тилидан Н. Комилов таржимаси. – Тошкент: А.Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1994. – 112 б.
29. Ландау Жонатан. Будда қиссаси. Инглиз тилидан Жамол Камол таржимаси. // Сирли олам. 1991. – №1. 36-62-б.
30. Мифы народов мира. Энциклопедия. В 2-х томов. 1-том. – Москва: Советская энциклопедия, 1987. – 567 с.
31. Мифы народов мира. Энциклопедия. В 2-х томов. 2-том. – Москва: Советская энциклопедия, 1988. – 719 с.
32. Муҳаммад Боқир Абул Муҳсин. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд./ Дурдона. Мир Қуллол ва Шоҳи Нақшбанд маноқиблари. Форс-тожик тилидан С.С.Бухорий ва И. Субҳоний таржималари – Тошкент: Ёзувчи, 1993. – 79 б.
33. Навоий Алишер. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1988. Т.3. – 616 б.
34. Навоий Алишер. Наводир уш-шабоб. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1991. Т.4. – 560 бет.
35. Навоий Алишер. Бадоеъ ул-васат. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1990. Т.5. – 544 бет
36. Навоий Алишер. Фавойид ул кибар. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1991. Т.6. – 568 б.
37. Навоий Алишер. Ҳайрат ул-аброр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1991. Т. 7. – 392 б.
38. Навоий Алишер. Сабъаи сайёр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1992. Т. 10. – 448 б.
39. Навоий Алишер. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1998. Т.14. – Б. 5-130.
40. Навоий Алишер. Насойим ул-муҳаббат. МАТ 20 томлик. – Тошкент: Фан, 2001. Т.17. – 520 б.
41. Навоий Алишер. Хамсат ул-мутаҳаййирин. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1999. Т. 15. – Б. 7-88.

42. Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – 328 б.
43. Навоий Алишер. Лисон ут-тайр. (Турк тилида) / Нашрга тайёрловчи М. Жонполат. – Анқара: 1995.– 281 б.
44. Навоийнинг нигоҳи тушган... / Тузувчилар: Муҳаммад Али, Б.Қосимов, Р. Нурматова–Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1986. – 400 б.
45. Насафий Азизиддин. Зубдат ул-ҳақойиқ. Н.Комилов таржимаси.– Тошкент: Камалак, 1996. – 56 б.
46. Рабғузий Носируддин Бурҳониддин. Қисаси Рабғузий. – Тошкент: Ёзувчи, Иккинчи китоб, 1991. – 274 б.
47. Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий 1- китоб. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан, 2005. – 368 б.
48. Румий Жалолиддин. Маънавий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб. (Таржима шарҳи билан). Таржимон: Асқар Маҳкам.– Тошкент: Шарқ, 1999. – 368 б.
49. Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий. Учинчи китоб. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Фан; Техрон: Аҳ-худо, 2003. – 432 б.
50. Румий Мавлоно Жалолиддин. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон Халқ шоири Жамол Камол таржимаси. – Тошкент: Meriyus, 2010. – 847 б.
51. Фалсафа. Қомусий луғат. Тошкент: Шарқ, 2004. – 495 б.
52. Фирдавсий Абулқосим. Шоҳнома. Форсийдан Шомухаммедов Шоислом таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975. – 734 б.
53. Шерозий Саъдий. Гулистон. – Тошкент: А. Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1993. – 104 б.
54. Тасаввуф терминлари сўзлиги. Тайёрловчи: Улуғдағ С. Истанбул: 1995. – 605 б.
55. Тасаввуфдан терминлар ва ҳикматли сўзлар луғати. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Гулпинарли А. (турк тилида)– Истанбул, 1995.
56. Хос Хожиб Юсуф. Қутадғу билиг. Тошкент: Фан, 1971. – 964 б.
57. Хоразмий Шайх Одина Муҳаммад. “Мифтоҳ ул-асрор”. Форсийдан Маҳмуд Ҳасаний таржимаси. – Тошкент: Мусиқа, 2006. – 352 б.
58. Чўлоқ бўри. Ўзбек халқ эртаклари. – Тошкент: Юлдузча, 1988. – 205 б.
59. Яссавий Аҳмад. Девони ҳикмат. Нашрга тайёрловчи: Абдушукуров Расулмуҳаммад Ашурбой ўғли. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1992. – 205 б.
60. Ўғузнома. / Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. (Энг қадимги даврдан XIV асргача) Тузувчилар: ф.ф.д., проф Н.Раҳмонов, ф.ф.д., проф Ҳ. Болтабоев. Тошкент: Фан, 2003. – 332 б.
61. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. №1. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2000.
62. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. №4. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2002. – 706 б.
63. Ўзбек халқ эртаклари. Тузувчилар: М.И.Афзалов, Х.Расулов. Биринчи жилд. – Тошкент, Ўзадабийнашр – 1963. – 559 б.
64. Ўзбек халқ эртаклари. Тузувчилар: М.И.Афзалов, Х.Расулов. Иккинчи жилд. – Тошкент, Ўзадабийнашр – 1964. – 591 б.
65. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи шайх Аловуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 2004.
66. Ғазолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат. 1- китоб. Тошкент: Адолат, 2005. – 264 б.
67. Ғазолий Хужжат ул ислом Абу Ҳомид Муҳаммад. Рисолат ут-тайр.// Мажмуат ул-рисола. (Араб тилида.) Курдистон ҳиж. 1328. Ўз ФА ШИ инв № 13262.

68. Ҳамадоний Амир Сайид Али бин Шаҳоб. Ҳафт водий. (Форс тилида.) ЎзР Фа Ши қўлёмалар фонди. Инв № 2312/21.

69. Ҳинд эртаклари. Тошкент: Ўздавнашр, 1956. – 231 б.

70. Ҳилолий Бадриддин. Шоҳ ва Гадо. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таржимаси. / Муҳаммад Ризо мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. III жилд. Таржималар. Тошкент: Адабиёт ва санъат. 1974. – 336 б.

Илмий-назарий адабиётлар:

71. Абдуғафуров А. Алишер Навоий ижодида сатира. – Тошкент: Фан, 1972. – 216 б.

72. Ал-Форобиёни Умар Файрут. Шарҳи қасидаи Абу Али Ибн Сино, Байрут.

73. Бертельс. Е.Э. Наваи и Аттар. // Суфизм и суфиский литература. Избранные труды. Москва 1959. – 517 с.

74. Бородин А.И. Числа и мистика. – Донецк, 1975. – 178 с.

75. Давлатов О. Ибн ал-Арабий ва унинг “ваҳдат ул-вужуд” фалсафаси. Тошкент: Фан, 2008. 92 б.

76. Жуковская Н.Л. Семантика чисел в калмыцком эпосе «Джангар» // «Джангар» и проблемы эпического творчества тюрко-монгольских народов. – Москва, 1980. – 220 с.

74. Евсеков В.В. Мифология китайского неолита. Новосибирск, 1988.

75. Жўраев М., Холмухамедов К. Етти иқлимдаги “етти”лар. – Тошкент: Фан, 1989. – 68 б.

76. Жўраев М. Сеҳрли рақамлар сири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – 111б.

77. Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида “сеҳрли” рақамлар. Тошкент: Фан, 1991. – 153 б.

78. Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. Тошкент: Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006. – 184 б.

79. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1961. –

80. Истеъломий М. Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий. – Техрон: 2001. – 89 б.

81. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – 120 б.

82. Каримов Қ. Илк бадий дoston. – Тошкент – 1976. 115 б.

83. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993. – 96 б

84. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Monarounnahr – O'zbekiston, 2009. – 448 б.

85. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.

86. Комилов Н. Тасаввуф Иккинчи китоб. Тавҳид асрори. – Тошкент: 1999.

87. Комилов Н. Тасаввуф. / Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 336 б.

88. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. –372 б.

89. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. / Дарслик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 664 б.

90. Муҳаммад Носир. Анқони маҳрам қилдингиз. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 72 б.

91. Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992. – 89 б.

92. Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 216 б.

93. Раҳмонов Н. Руҳиятдаги нур муроди. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Тошкент: 2002. – 128 б.

94. Раҳмонов Н. Кўҳна битиктошлар. Ғ. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 111 б.

95. Риттер Ҳ. Фано эмас, бақо қайғуси. (Фариддин Аттор) Таржимон Маҳкам Маҳмуд / Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. Тузувчи: Жўраев З. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 336

- б.
96. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. // Ўзбек фолькларининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1981. – 158 б.
97. Сеидов М. Азайбаржан мифик тафаккурун ганжиналари. – Йазичи 1983.
98. Султон Иззат. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Бадиий адабийнашр, 2010. – 376 б.
99. Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Тошкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 2008. – 236 б.
100. Черемисин Д.В. К ироно-тюркским связями в области мифологии: богиня Умай и мифическая птица / Народы Сибири: история и культура. Новосибирск. 1997.
101. Черценов В.Н. Представления о душе у обских угулов. // Исследование материалы по вопросам первобытных религиозных верований. – Москва: 1959.
102. Фарҳанги мусталаҳоти урафо. (Форс тилида). Техрон: ҳиж. 1329. – Саҳ, 243.
103. Шарипов Ш. Алишер Навоий “Лисон ут тайр” достонининг генезиси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1982. – 96 бет.
104. Шарипов Ш. “Лисон ут-тайр” ҳақиқати. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 160 б.
105. Шер Абдулла. Тасаввуф, Ғаззолийва ғўзаллик фалсафаси. // Соғлом авлод. – 2002. – № 2.
106. Эшонхўжаев Ш. “Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарида “Ғаввос” ва “Ҳинд савдогари” ҳикоялари. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – 1976. – №3.
107. Эшонқулов Ҳ. “Лисон ут-тайр” ни янгича ўрганиш тажрибасидан. // Алишер Навоий ва форс-тожик шеърляти. (Халқаро конференция материаллари.) Хўжанд: Давлат нашриёти 2001. – 46 бет.
108. Қобилов У. Илоҳият ва бадиият. – Тошкент: Ниҳол. 2008. – 142 б.
109. Қориев М. Ибн Сино. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 336 б.
110. Ғаниева С. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Ўзфанакаднашр, 1962. – 84 б.
111. Ғойиблар ҳайлидан ёнган чироқлар. Тузувчи: Жўраев З. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 236 б.
112. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Тошкент: Фан, 1970. – 157 б.
113. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърлят. – Тошкент: Нашриёт-матбаа бирлашмаси 1991. – 184 б.
114. Ҳомидий Ҳамиджон. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 208 б.
115. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – 153 б.
- Газета ва журналларда эълон қилинган мақолалар:**
116. Баскаров Н.А. Душа и древних верованиях тюрков Алтая // Советская этнография. 1973. №5.
117. Валихўжаев Б. Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асарида шеърлий миниатюраларни қайта ишлашдаги маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. 1976-№ 6.
118. Гассет Хосе Ортега-и. Севги сеҳри. // Жаҳон адабиёти. 2008 –№1.
119. Ирисов А. Ибн Синонинг “Рисолат ут-тайр” асари. // Тил ва адабиёт масалалари. – 1959 – №2.
120. Орипов М. Етти водий. Гулистон. – Тошкент: 1991 – №9.
121. Шарипов Ш. “Лисон ут-тайр” ва ўзбек достончилиги // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – 1976. – №1.

122. Шарипов Ш. “Лисон ут-тайр” ва ўзбек дostonчилиги // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – 1976. – №1.

Тадқиқот ва авторефератлар:

123. Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижоди (вахдат ул-вужуд проблемаси бўйича). Фил.фан. докт. ... дисс. –Тошкент: 1998. – 295 б.

124. Жумаева С. Ўзбек мумтоз шеъриятида рақам рамзлари ва уларнинг талқини (XII-XV асрлар). Фил. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: 2006. –168 б.

125. Исомиддинов Ф. Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили. Фил.фан. номз. ... дисс. –Тошкент: 2001. – 138 б.

126. Ишмурадов М. Авестода мифологик қатлам (табиат культлари асосида). Фил.фан. номз. ...дисс. –Тошкент:2002.

127. Малехова А. Поэма Алишера Навои «Лисан ат-тайр». Поэтика композиционных и образных средств. Автореф. дис... кан. филол. наук. – Тошкент: 1978. – 25 с.

128. Муллаҳўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъат уйғунлиги. Фил.фан. номз. ... дисс. –Тошкент, 2006.

129. Нарзиқулова М. “Сабъаи сайёр” дostonида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром тимсоли. Фил. фан. номз. ... дисс. –Тошкент: 2006. – 151 б.

130. Остонақулов Икромиддин. Қисас ар-Рабғузий – адабий асар. Фил.фан. ном. дисс... Автореферат.–Тошкент: 1993. – 26 б.

131. Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари. Фил фан. докт. ... дисс. – Тошкент: 1998. – 282 б.

132. Ҳамидов З. Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” асари тилининг лексик-семантик ва лингвопоэтик хусусиятлари. Фил.фан номз. ...дисс. – Тошкент: 1982.

133. Ҳасанова Ш. Мавлоно Хожа Қози Пайвандий Ризоийнинг “Қуш тили” дostonи ва унинг қиёсий-текстологик тадқиқи. – Фил.фан.номз. ... дисс. – Тошкент: 2006. – 148 б.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони ва Софоклнинг “Шоҳ Эдип” трагедиясида тақдир масаласи талқини

Тақдир муаммоси азалдан Шарқу Ғарб донишмандларини, файласуфу адибларини қизиқтириб келган. Инсоннинг қисмати азалдан белгиланганми ёки ўз ҳатти-ҳаракати билан амалга ошадими? Илоҳий ҳукми ўзгартирса бўладими ёхуд инсон тақдир қўлида ўйинчоқми? Бу каби саволларга ҳар ким ўз нуқтаи назари бўйича жавоб беришга ҳаракат қилган. Тақдир муаммосига файласуфлар бир қатор тезисларда, рисолаларда фикр билдирсалар, адиблар ўз асарларининг қаҳрамонлари орқали муносабатларини бадиий тарзда ифодалаганлар. Шундай файласуф адиблардан бири Алишер Навоийдир.

Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ўз умри давомида саккизта мукамал девон тартиб берган, Шарқ эпикаси анъанасига биноан “Хамса” яратган, бир қатор илмий-тарихий ва ахлоқий асарлар ёзган ва ўз битиклари билан жаҳон адабиётига муносиб ҳисса қўшган буюк ижодкордир. У умрининг охирида улуғ форс шоири Фариддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарига жавоб тариқасига “Лисон ут-тайр” деб номланган фалсафий-тасаввуфий асар яратди. Унда қушлар ўз подшоҳлари Симуруғни излашлари воситасида инсоннинг илоҳий “мен”лигини излаши ва бу йўлда покланиб, ўзида илоҳийликни зоҳир эттириши тасвирланган. Ушбу достонда Шайх Санъон қиссаси мавжуд бўлиб, унда Санъон исми шайхнинг христиан қизига ошиқ бўлгани ва бу ишқ йўлида ўз динидан воз кечиб расвоёи жаҳон бўлишгача етганлиги қаламга олинади. Худди мана шу қиссада Шайх Санъон қиёфасида тақдирга муносабатнинг гўзал намунасини кўришимиз мумкин. Ушбу муносабатга таққослаш учун жаҳон адабиётининг яна бир намунасига – юнон дараматурги Софоклнинг “Шоҳ Эдип” трагедиясига мурожаат қиламиз.

Навоий Шайх Санъон ҳақида маълумот берар экан, унинг диний илмларда камолотга етган ва шайх ул-машоих даражасига эришганлигини кўрсатиб ўтади:

*Шайх Санъон восили даргоҳ эди,
Кўнгли ғайб асроридин огоҳ эди.¹*

Шайх Санъон (Худо) даргоҳига етишганлардан эди. Кўнгли ғойиб сирларни билгувчи эди.

*Каъбада автод ила ақтоб аро,
Ўйла эрдиким наби асҳоб аро.²*

Каъбада абдоллар (тасаввуфда муайян маратбага етганлар) ҳамда қутблар (валийликнинг энг юқори даражасини эгаллаганлар) орасида, гўё пайғамбар саҳобалари билан юргандек юрар эди. (Яъни улардан баланд мартабада эди).

Шоҳ Эдипнинг ахлоқи ҳақида Софокл ҳеч қандай маълумот бермайди, бироқ унинг аждар қуш (Сфенкс) ни енгиши, Февани узоқ йиллар адолат билан бошқариши каби хусусиятлари бизга Эдипнинг ахлоқини ҳам камолотга етганилигини намоён қилади.

Хуллас, биз танлаган икки қаҳрамон нафақат жамиятнинг олд кишилари, балки ўз замонасининг фахру ифтихорлари – бири “остонасининг гадоёи шоҳлар” бўлган улуғ зот;

¹ Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б.95.

² Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. Б. 96.

иккинчиси эса сарсон-саргардон юрган дайдиликдан бегона ўлкада подшоҳлик даражасига етган одам.

Ҳар икки қаҳрамоннинг ўз эътиқодлари бор. Шайх Санъон ягона Аллоҳга ишонади ва ҳар бир мусулмон қатори тақдирнинг илоҳийлигини тан олади.

Шоҳ Эдип эса юнон илоҳларига – Зевс, Пойседон ва айниқса Апполонга меҳр қўйган. Бироқ, тақдирга мавхумият билан қарайди, ишонмайди десак ҳам тўғрироқ бўлади. Биз қиёсламоқчи бўлган бу икки қаҳрамоннинг тақдирга бўлган муносабати ва аксинча тақдирнинг уларга муносабати, шунинг натижасида уларнинг ҳаётидаги туб бурилишлар тасвирланади.

Шайх Санъон бир тушни бир неча марта кетма-кет кўради: тушида у бегона юртдаги бутпарастлар ибодатхонасида бутга сажда қилаётганмиш. Албатта, мусулмон оламида бу катта гуноҳ ҳисобланар эди, шайх кўрган тушига қайта-қайта истиғфор келтиради. Бироқ кўз юмса бас, яна ўша туш такрорланаверар эди. Шунда Шайх “кимсага Каъбами ёки бутпарастлар ибодатхонаси макон бўлганидан қатъий назар, тақдирда борини кўраверди” деган қарорга келган келади. Навоийнинг сўзлари билан ўқиймиз:

*Ботроқ ул кишварга азм этмак керак,
Ҳар қаён тортар қазо – кетмак керак.*

*Чунки бўлса бизга ул маъво насиб,
Бошимизга ҳар на келса, ё насиб.¹*

(Тезроқу бегона мамлакатга бормоқ керак, тақдир – қазо қаерни раво кўрса тезроқ кетиш керакки, бошимизга нима келса, қисматга буйсунамиз, яъни “ё насиб” деб кўраверамиз). Натижа эса аён: Шайх Санъон ўша мамлакатга боради, (у Рум мамлакати эди) бир христиан қизга ошиқ бўлади. Унинг ишқида ўз ақлу ҳушини йўқотган шайх қизнинг висоли учун унинг барча шартларига рози бўлади. Қизнинг шартлари ўта шармандали ва таҳқирловчи эди. Яъни май ичиш, зуннор боғлаш, Қуръонни ўтда куйдириш ва бутпарастлар динига кириш. Шайх бу шартларга кўниб, нафақат жамиятдаги эътиборидан, балки имон-эътиқодидан, ўзлигидан воз кечади. Шарқ адабиётида унинг бу ҳолати - ишқ йўлидаги вафодорлик деб тараннум этилади. Унинг бу аҳволини кўриб, бирга келган муридлари Шайхдан юз ўгириб, юртларига кетишади. Фақатгина бир мурид (Навоий уни фоний-Ҳаққа етган мурид деб атайди), шайхнинг гуноҳларини сўраб, Тангрига илтижо қилади. Унинг илтижолари ижобат бўлиб, шайхнинг гуноҳи кечирилади. У Каъбага қайтади. Бироқ энди фақатгина ориф, диндор эмас, ишқ дардини бошидан кечирган, руҳан покланган ва илоҳий ўзликни англаган комил инсон эди.

Шоҳ Эдип тагедиясидаги воқеалар ривожига кўра Фива шоҳи Лай ўғил кўради. Боланинг тақдири ҳақидаги мудҳиш башоратга кўра у ўз отасини ўлдириши ва онасига уйланиши керак эди. Бу башоратдан қўрққан шоҳ бир чўпон қулига чақалоқни бериб, уни ўлдиришни буюради. Бироқ чўпонни чақалоққа раҳми келади ва уни Коринф шоҳининг чўпонига бериб юборади. Коринф шоҳи Полиб бефарзанд бўлганлиги туфайли болани олади ва уни ўз фарзандидай катта қилади. Бир куни Дельфадан – Аппалон қоҳинларидан (бу сафар Эдипнинг ўзига) унинг қисмати ҳақидаги ўша башорат қайта нозил қилинади. Шунда Эдип Коринф диёридан бош олиб чиқиб кетади:

¹ Алишер Навоий. Кўрсатилган асар. Б. 97.

... Минг бало, кулфатлар қилди башорат,
 Тақдирда онамга уйланармишман,
 У туққан болалар жирканч бўлармиш,
 Отамнинг қотили бўлар эмишман.
 Бундай башоратни эшитгандан сўнг,
 Мен узлатга кетдим. Коринфдан узоқ,
 Волидамдан узоқ, отамдан узоқ,
 Мудҳиш тақдиримдан қочдим узлатга.¹

Лекин ўзи билмаган ҳолда Фивага – она шахрига келиб қолган Эдип ўзи хоҳламаган ҳолда (ўзини ҳимоя қиламан деб) отасини ўлдириб қўяди. Тахт эгасиз қолгач, Фивага келган бало – аждарқушни ўлдирган киши шоҳ бўлиши лозим бўлади. Эдип аждар қушни ўлдиради, шоҳ бўлади ва ўша давр анъанасига кўра олдинги шоҳнинг бевасига, демакки, ўз онасига уйланади. Воқеалар ривожига жараёнида Эдип бунга англаши, ўзини ўзи жазолаши ва афсус-надомати асносида трагедия ўз ниҳоясига етади.

Ушбу асарларнинг яратилиши замон ва макони турли хил: Шоҳ Эдип антик давр Юнонистон ҳаётидан ҳикоя қилса, Шайх Санъон ўрта аср Шарқи ҳаётидан лавҳа. Муаллиф ва қаҳрамонларнинг эътиқодлари ҳам бир-биридан мутлақо фарқ қилади. Бироқ бизга ушбу асарларни муқояса қилишга ундаган бир нуқта бор, у ҳам бўлса юқорида айтганимиздек, тақдирга муносабатдир.

Эътибор берадиган бўлсак, ҳар икки асарда ҳам сафар лавҳаси бор. Яъни ҳар икки қаҳрамон ҳам ўз юртидан сафар қилади. Айнан ана шу сафар лавҳасида қаҳрамонларнинг тақдирга муносабати биринчи марта ва энг аҳамиятли тарзда намоён бўлади.

Навоийнинг қаҳрамони Шайх Санъон бошига нима тушса, тақдирдан кўражагани айтиб, ўзи тақдирга пешвоз чиқади (Румга боради). Софоклнинг қаҳрамони Шоҳ Эдип бўлса, тақдирдан қочиб, сафар қилади. Аниқроғи ўз юртидан қочиб кетади. Айнан мана шу муносабат асарда қуйидаги ўринларда тасвирланади ва қаҳрамон руҳиятни очишга хизмат қилади.

Шайх Санъон Каъбага қайтиб кетмоқчи бўлган муридларига қаршилик қилмайди, лекин ўзи қайтиб кетиш ҳақидаги таклифни қабул этмайди:

*Бири дебким: “Румға бўлди сафар,
 Каъбани қилмоқ керак эмди мақар”.*

*Шайх дебким: Онда қилғонни талаб,
 Мунда топдим не чекай ул ён тааб”².*

Яъни Шайх тақдир ҳукмига ночорликдан, эмас, онгли равишда бўйсунди. Ушбу нуқта мусулмон кишининг имондаги бурчини кўрсатиши билан биргаликда, шайхнинг индивидуал эътиқодини, маслагини намоён қилмоқда.

Шоҳ Эдипнинг тақдирга муносабатини баён қилувчи яна бир нуқта – бу асардаги Эдип ҳақиқатни билиши арафасидаги ҳолатдир. Ўша лаҳзаларда талвасага тушган Эдипнинг ҳатти-ҳаракатига эътибор берайлик:

¹ Софокл. Шоҳ Эдип. Асқад Мухтор таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. Б.44.

² Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1996. Т.12. – Б. 108

*Қочиш керак, қочиш... Аммо қаёққа?
Қайта олмаймен мен ўз ватанимга.
Унда мен падарқуш бўлиш ҳавфим бор.
Туғишган отамни унда ўлдириб,
Онамни никоҳга олишим лозим;
Худо тайинлаган даҳшатли тақдир,
Шўрлик пешонамдан ўзим қўрқаман.¹*

Кўрганимиздек, Эдип ўзи тан олмаган тақдирдан кўрқади, ундан қочиб, ота-онасини ташлаб келган, шунча вақт ўтишига қарамай, улар билан қизиқмаганди, энди унга аталган башорат яна юз кўрсатаётганда яна тақдирдан қочиб, оиласини ташлаб, аллақерларга кетмоқчи.

Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асарида Шайх Санъон ҳақида бир ривоят бор, унда ҳикоя қилинишича, Ибн Саққо (Шайх Санъон)нинг ёшлигида бир улуғ авлиёнинг – Ғавснинг ҳузурига боргани ва унга нисбатан ҳурматсизлик қилганлиги учун дуоибад тариқасида унинг динда баланд мартабага эришиши, Рум диёрига бориши ва алал оқибат бошига тушадиган шармандали воқеалар башорат қилинганлиги айтилади.² Бироқ, биз тадқиқ этаётган қиссанинг ҳеч бир ўрнида Шайх ўз бошига тушадиган кулфатлар учун ҳеч кимни – тақдирни ҳам, Ғавснинг башоратини ҳам, атрофдагиларни ҳам айбламайди. Бир сўз билан айтганда тақдирга индамай бош эгади. Фоний муридининг илтижолари билан гуноҳи авф этилиб, ақлу ҳуши жойига келганда ҳам, Каъбага қайтиб кетаётганда ҳам бирор муридани бегона юртда ташлаб кетганида айбламайди, ўзининг ортидан келган христиан қизни ҳам айбламайди – балки унинг сўнгги илтижосини бажаради – қизга имон калимасини ўргатиб, мусулмон бўлишига сабаб бўлади.

Рус адабиётшуноси Н. Куннинг “Қадимги Юнонистон миф ва афсоналари” китобида ёзилишича, Эдипнинг аянчли тақдир соҳиби бўлишига унинг отаси Лай қилган бир иш сабаб бўлади. Яъни Фива шоҳининг валиаҳди Лай Пелопс шоҳининг даргоҳига боради. У ерда узоқ вақт меҳмон бўлган Лай миннатдорчилик ўрнига мезбоннинг “тузлиғига тупириб”, унинг кичик ўғлини Фивага олиб қочиб келади. Бу кўргуликка чидолмаган Пелопс Лайни дуоибад қилади. Ушбу дуоибадга биноан Лайни ўз ўғли ўлдириши ва онасига уйланиши, ундан жирканч фарзандлар туғилиши, хуллас авлод тавқи лаънат ичида йўқ бўлиши керак эди.³ Лай бу башоратга аввалига эътибор бермайди. Менойкейнинг қизи Иокастрага уйланиб, бир неча йил фарзанд кўрмагандан сўнг эса бунинг сабабини билиш учун Дельфага – қоҳинлар даргоҳига боради. Қоҳинлар Аппалон номидан унга яқин орада фарзанд кўришини, бироқ Пелопснинг дуоибоди муқаррар амалга ошажагини башорат қилишади. Ушбу башоратдан кўрққан Лай эса юқорда айтганимиздай фарзандини ўлимга ҳукм этади.

Ҳақиқат ошкор бўлиб, онасига уйланганини-ю, отасини ўлдирганлигини билган Эдип эса барчани - ўз ота-онасини, гўдаклигида ўлимдан сақлаб қолган чўпонни, Тангрилар башоратини лаънатлайди, лекин бунда ўзининг ҳам айби борлигини, тақдирдан қочиб хато қилганлигини тан олмайди.

¹ Софокл. Шоҳ Эдип. Асқад Мухтор таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. Б. 45.

² Бу ҳақда қаранг: Авлиёлар султони. Тўплаб, нашрга тайёрловчи: И. Остонақулов. – Тошкент: Янги аср авлоди 2004. – Б.36-37; Исомиддинов Ф. Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили. Фил.фан.ном.дисс. – Тошкент: 2001. – Б. 76; А. Жомий. Нафаҳот ул-унс. Ҳиндистон. Ҳиж. 1289. (Форс тилида) Саҳ, 333.

³ Кун Н.А. Легенды и мифы древней Греции. – Ташкент: Ёш гвардия, 1986. – Ст. 424-425.

Шайх Санъоннинг тақдирга муносабати – комил мусилмоннинг ўз қисматига мардона бош эгишидир. Зеро, исломда бошга мусибат етган лаҳзаларда қилинган сабргина ҳақиқий сабр, деб тан олинади ва у “чиройли сабр” дея улуғланади. Шайх Санъон ёшилигида олган Ғавснинг дуоибад лаънатидан қутилиб, аввалгидан-да улуғланган ҳолда Маккага қайтишига фоний муридианинг дуоси восита бўлсада, аслида мана шу мардоналиги сабаб бўлади.

Шоҳ Эдип эса, отаси Лай бегуноҳ чақалоқни ўлимга буюриб адашгани каби, тақдирдан қочиб, хато қилади ва мана шу хато туфайли ўзини ўзи балога дучор қилади. Буни биз унинг охириги иқроридан ҳам билишимиз мумкин. Зеро, трагедиянинг сўнгида абгор аҳволда Фивадан чиқиб кетаётган Эдип:

Нима бўлса бўлар, энди бу ёғин

Тақдирнинг ўзига ҳавола қилдим,

дейди. Бу инсоннинг ўз ожизлигини охири тан олиши, яъни мажбурий сабр эди.

Эдипнинг тақдирга муносабати асрлар бўйи инсонлар онгида “кўчиб юриб” XX асрга келиб бутун Ғарбни ишғол қилган экзистенциализм, абсурд каби фалсафасининг пайдо бўлишига сабаб бўлмадимикин?!

Шарқлик инсоннинг бу каби фалсафаларни ҳуш кўрмаслиги ва “эртага нима бўлишини Худо билади” қабилда яшаши сабабининг илдизи Шайх Санъонлар тафаккуридаги тақдирга таҳаммул ва Аллоҳга таваккул туйғуларининг натижалари эмасмикин?!...

Хуллас, бу икки асардаги тақдирга муносабат масаласи бизга нафақат икки даҳо ижодкор тасвирида инсоннинг тақдирга муносабатини, балки Антик давр билан Ўрта аср тафаккури, Шарқ ва Ғарб фикрлаш оламини, демакки инсониятнинг тақдирга бўлган икки хил муносабатини кўрсатиб беради.

2-ИЛОВА

Достондаги рамзий образларнинг изоҳли луғати

АНҚО (ар.) – афсонавий қуш номи. “Нафоис ул-фунун” асарида келтирилишича, А. боши одам қиёфасида, бўйни ва қанотлари узун қуш. Ривоятларга кўра, одам қадами тегмаган ороларда яшаркан. “Ғиёс ул-луғот” ва “Бурҳони қотеъ”да А. Қоф тоғида яшовчи Симурғ сифатида таърифланган. А. бошқақушлардек тухум қўйиб эмас, тирик жўжа туққани учун камёб ёки ноёб нарсага нисбатан мажозан “А.нинг тухуми” деб таъриф беришади. А. ирфон фалсафасида комил инсоннинг тимсоли. Баъзи файласуфлар А.ни ҳаюло (материя) нинг рамзи деб атаган. Чунки ҳаюлони ҳам алоҳида ҳолда кўриш мумкин эмас. Шеърятда, асосан, нодир, ноёб, ягона нарсаларга таъриф беришда қўлланилади

Ҳам нишиман Қофи истиғно анго,

Ҳам лақаб ул Қоф уза Анқо анго.

(“Лисон ут-тайр” 15-боб)

Навоий достонда Симурғни анқо деб атайди. Меърожномада Муҳаммад Пайғамбарни Рисолат Қофининг Анқоси, достон сўнгида устози Атторни Фано Қофининг Анқоси деб улуғлайди.

БУРГУТ (турк) – қирғийлар оиласига мансуб йиртқич қуш. Навоий “Лисон ут-тайр” достонида бу образга мурожаат қилиб, бургутни нафс, жисмоний куч-қудратга берилиб, тоат-ибодатни эсидан чиқарган инсон ёки аслиятни унутган руҳ мисолида талқин қилади:

*“Кирди Бургут ўртаға, яъни Уқоб
Деди: “Эй қушлар аро моликрикоб.
Манга ҳолат ўзга қушлардек эмас,
Қумрию булбулдек эл васфин демас.
(“Лисон ут-тайр” 60-боб)*

БУЛБУЛ – чумчуқсимонлар туркумига мансуб сайроқи қуш. Б. Навоий лирикасида энг кўп мурожаат қилинган, гул тимсоли б-н уйғун ҳолда ошиқнинг изтироблари, унинг маъшуқаси гўзалликларидан таъсирланиши каби ҳолатларни тасвирлаш учун қўлланилган фаол тимсоллардан бири саналади.

Навоий Б. тимсолини ишқ йўлида фарёд чекувчи, яъни суқр йўлидаги ошиқ соликка қиёслайди ва тазод санъатидан фойдаланиб, уни ўтда жимгина ёнувчи парвонага – ишқини пинҳон сақловчи саҳв йўлидаги ориф соликка қарши қўяди.

“Лисон ут-тайр”да Навоий Фаридиддин Аттордан таъсирланиб Б. образидан сал бошқачароқ – зоҳирий гўзалликка, ўткинчи жилога мафтун киши тимсолида фойдаланади:

*Деди Булбул: “К-эй бу мажмаъга далил,
Мен бўлубмен гул ҳавосидин залил.*

*Ондин ойру ошиқу девонамен,
Ақлу ҳушу сабрдин бегонамен.
(“Лисон ут-тайр”, 39-боб)*

ДУРРОЖ – қирғовул; бедана. “Лисон ут-тайр” достонида Худҳуд қушларни Симурғ сари йўлга даъват қилиб, еттинчи ўринда мурожаат этган қуш. Достонда бошқа тилга олинмайди.

*– “Кел-кел, эй Дуррожким, бас хуб сен,
Жон қушидек барчаға матлуб сен.
(“Лисон ут-тайр” , 28-боб)*

2) “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги “Ростлиқ таърифидаким...” деб номланган ўнинчи мақолатга илова қилинган ҳикоят қаҳрамони. Эгрилик ва ёлғон рамзи.

*Кўнгли бу ишдин бўлуб озорлиқ,
Бошлади дуррож била ёрлиқ.
(“Ҳайрат ул-аброр”)*

ЕТТИ ВОДИЙ – солик руҳининг етти даражадан иборат идрок босқичлари, инсоннинг илоҳий маърифат йўлида босиб ўтиши лозим бўлган руҳий-маънавий “манзил”ларини англатувчи, “Лисон ут-тайр” достонидаги асосий рамзлардан бири.

“Етти” дунё халқлари мифологияси ва фольклорида муҳим аҳамиятга эга бўлган “сирли” рақамлар сирасига киради. Етти иқлим, етти сайёра бир ҳафтанинг етти кундан иборатлиги ёки ойнинг тўртта етти кунликда янгилашиб туриши ва ҳ.к.лар шулар жумласидандир. Етти рақамини белгилашда ҳафта кунлари б-н боғлиқ бўлган Қуёш, Ой, Марс (Баҳром), Венера (Зухра), Меркурий (Уторид), Юпитер (Муштарий) ва Сатурн (Зухал) сайёралари асосий рол ўйнаган.

Ибн Синонинг “Тайр” қиссасида қушлар овчидан қочиб, саккиз тоғни ошиб ўтади. Ушбу мотив, яъни қиссадаги қушлар учиб ўтган саккиз тоғ пайғамбаримиз (с.а.в.) меърож кечаси босиб ўтган осмоннинг саккиз қаватига ишора. Ғаззолий қиссасида эса қушлар учиб ўтган тоғлар “водий” сўзи б-н алмаштирилади. Ихтиёр, изтирор водийлари ҳақида сўз боради. Бироқ уларнинг сони аниқ айтилмайди. Атторда эса бу тартиб аниқ, яъни еттита қилиб белгиланиб, Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат ва Фақру фано деб ном қўйилади ва ҳар бирига ўзига хос тасниф берилади. Навоий “Лисон ут-тайр”да водий номлари ва уларнинг таснифларини ўзгаришсиз қолдиради. Лекин уларни муаллиф эмас, қушларнинг саволларига жавоб тариқасида Худхуд таърифлайди.

*Оллимизда етти водийдур азим,
Ҳар бирида беҳаду андоза бийм.
 (“Лисон ут-тайр”, 148-боб)*

ЖОН ҚУШИ – одам ўлганидан кейин ёки уйқусида руҳи қушга айланиб учиб кетиши ҳақидаги тасаввур асосида пайдо бўлган ибора.

Жон, руҳ ҳақидаги мавҳум тасаввурлар кейинчалик жон қуши, руҳ тўтиси, чивиндек жон каби нисбатан аниқ образлар воситасида тасаввур қилина бошланган.

Ж.қ. образи фольклор сингари мумтоз ад-тимиз, хусусан, Алишер Навоий ижодида асосий тимсоллардан биридир.

Ёрининг ўтлуғ юзини қўмсаган жон (қуши)ни парвонага қиёслаш ёки ёрнинг юзини кўриш учун танадан чиқишга шайланиши каби тасвирлар қушнинг парвозига ўхшатилади. Бу тимсол “Лисон ут-тайр”нинг илк байти билан ҳамоҳангдир:

*Жон қуши чун мантиқи роз айлағай,
Тангри ҳамди бирла оғоз айлағай.
 (“Лисон ут-тайр”, 1-боб)*

ИЗЗАТ ЧОВУШИ – Симурғнинг хос маҳрами, эшик оғаси мажозан фаришта. Достонда йўловчи қушлар билан мулоқот қилади ва уларга ном, сафар, йўл машаққатлари даъвоси ортиқча эканлиги ҳақида сўзлаб, қушларда ҳали ҳам “мен”лик йўқолмаганлиги учун уларга танбеҳ беради:

*Пардадин ногоҳ иззат човуши,
Жилва қилди ўйлаким давлат қуши.
 (“Лисон ут-тайр”, 166-боб)*

ИСТИҒНО – 1) эҳтиёжсизлик; нозу карашма.

*Ошуруб ҳаддин Навоий ҳамниёзу ажзини,
Ёр истиғнову нози ҳар нечаҳаддин ошиб.
 (“Ғаройиб ус-сиғар”, 61-ғазал)*

2) “Лисон ут-тайр” достонида қушлар Симурғга етиш асносида учиб ўтадиган етти водийнинг тўртинчиси. Ушбу водийда солиқ ҳам Яратганнинг маърифатини ҳис этгандай сўнг, Унинг эҳтиёжсизлигини англай бошлайди.

Навоий бу водийни шундай таърифлайди: унда гумроҳ ва огоҳ, бутхона ва Каъба йўли бир хилдир, улар ободми ё вайронми (истиғно соҳиби – Аллоҳ учун) фарқсиздир. И.нинг кучидан минг яшар фил ҳозиргина туғилган филбаччадай, улуғ чархи фалак бир дона хас б-н тенгдир. Куфр б-н дин бу водийда баробардир, солик (йўловчи)га иш жуда қийиндир. Мана шундай ҳол ва эҳтиёжсизликларни англаш ва ҳис этиш асносида солик (банда)да ҳам Тангридаги каби эҳтиёжсизлик сифати акс эта бошлайди. Солиқнинг моддий ва маъ-ий эҳтиёжларга рағбати камайиши баробарида камолоти юксалиб, ахлоқи тозариб боради.

Ф. Исомиддиновнинг фикрича, Истиғно водийсида шайх Санъоннинг тарсо қизига ишқи тушиб, унинг барча шартига бўйсунди, истиғносини қабул қилади, беҳуд ва бепарво бўлиб қолади, ишқ туфайли шайхул-машойихликдан чўчкабоқарга айланади. Натижада, беҳудлик ва эътиборсизлик шу даражага етадики, унинг учун ишқ олдида на дин, на мазҳаб, на мартаба ва на мансаб ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

Бу водийда Яратганнинг эҳтиёждан холилигини англаб етаётган солик Аллоҳнинг толиби бўлгани учун бу эҳтиёжсизлик натижасида матлубнинг унга бўлган эътиборидан бошқа ҳамма нарсага – дунё ва унинг неъматларига эҳтиёжсизлик сеза бошлайди. Яхши ва ёмонликни бепарво кутиб олади. Бу энди тасаввуфнинг мақомоти эмас, балки соф ҳол даражасидир.

Достонда водийнинг моҳиятини англатиш учун шатранж ўйини билан боғлиқ ҳикоят келтирилган. Унда икки шатранж устаси икки томонга ўтириб, ўртага қўйилган тахтага доналарини териб чиқади. Икки ўртада кураш бошланади. Шатранж тахтаси ўраб олинган қалъага, ундаги кураш эса ҳақиқий уруш майдонига айланади. Агар ўйин тугаб, шатранж устасининг бири тахта четини кўтарса, доналарнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди. Шатранж доналари йиғилиб халта ичига солинса, “шоҳ” ҳаммадан ҳам қуйи тушиши, “пиёда” эса юқорига кўтарилиши мумкин.

*Ҳар дам истиғно ели бўлғонда тез,
Солибон офоқ аро юз рустаҳез.*

*Ёғиб истиғно саҳобидин ёғин,
Юз туман оламни сув элтур соғин.
("Лисон ут-тайр", 155-боб.)*

ИШҚ – (ар.) – 1. ҳаддан ошган муҳаббат; инсондаги кучли майл. Сўфийлар назарида ботиний бир қудрат билан Ҳақ васлига интилиш. Ишққа гирифтор одамни ошиқ, ошиқ интиладиган мазҳар ва матлубни маъшук дейилади. “Ишқ”, “ошиқ”, “маъшук”, “маъшуқа”, “иштиёқ” сўзлари арабча “ашақа” сўзининг ўзагидан ясалган. “Ашақа” деб араблар дарахтлар ва ўсимликларга ўралиб, уларнинг ширасини сўриб оладиган ва охир-оқибатда қуритадиган сариқ печакни айтадилар.

Ад-тда “ҳақиқий” ишқ ва “мажозий” ишқ деган тушунчалар ҳам бор. “Ишқи ҳақиқий” – бевосита Парвардигорнинг ўзига, зоти мутлаққа бўлган ишқдир. “Ишқи мажозий” – дунё гўзалликларига, жумладан инсонларга муҳаббат қўйиш орқали Парвардигорни севишдир. Яъни ҳақиқатнинг кўприги мажоздир.

2) “Лисон ут-тайр” достонида қушлар Симуруғни излаш асносида учиб ўтадиган иккинчи водийнинг номи. Бу водий талаб водийсининг узвий давоми бўлиб, солик қалбида талаб комиллашгач, ишқ пайдо бўлади.

Машҳур тас. назариётчиси Боязид Бистомий тас.ий ишқдаги беҳудлик йўли “сукр”ни ҳақиқий ошиқликнинг – маърифатнинг йўли, деб белгилаган. Бу йўл Жунайд Бағдодий

томонидан танқид қилинган ва унга қарши саҳв – хушёрлик концепцияси илгари сурилган бўлса-да, бироқ, тарихда сўфийлар, айниқса, ижодкорларни бу йўл сершовқин жазбаси билан ўзига тортгани маълум. Фаридиддин Аттор ҳам Боязид ва Мансур Халложнинг йўли ҳисобланган суқрни ёқлаб, “Мантиқ ут-тайр”да ишқ – маърифат, яъни Аллоҳни таниш илмининг ибтидосидир, дейди.

Навоий тариқатдаги маслағи бўйича Жўнайд Бағдодий йўли бўлмиш саҳвни ёқласа-да, Мажнун, шайх Санъон каби қаҳрамонлари орқали суқрга ҳам рағбат билдиради. “Лисон ут-тайр”да ишқ талабнинг узвий давоми, маърифатнинг бошланиши сифатида тасвирланади. Мазкур водийда қушларнинг қалбини Симурғнинг И.и банд этади, натижада улар ўзларини ва дунёни унутадилар.

Ушбу водий тавсифи учун Навоий араб тилшунос олими Асмаъий билан боғлиқ ҳикоятни келтиради. Ҳикоятга кўра, Асмаъий ҳажга кетаётиб, бир чашма бошида ёзув битилган тошни кўради. Тошда шундай деб ёзилган эди: “Эй Ҳижоз аҳли! Бир сирнинг чорасини топсангиз: агар киши И.га мубтало бўлиб, ишқ уни сабру қароридан жудо этган бўлса, нима қилсин?”

Асмаъий кўлига қалам олиб, ёзув тагига шундай сўзларни битади: “Кимки бу ҳалокатли йўлга кирган бўлса, ундан кўрқмасин”. Бу сўзларни ёзиб бўлиб, Асмаъий яна йўлида давом этади. Эртасига яна шу жойга келиб қараса, тошда янги ёзув пайдо бўлган экан: “Агар ошиқ пок бўлсаю, И.ни яширин сақласа, лекин муҳаббат шиддатидан тоқати тоқ бўлиб, васлга эҳтиёж сезса, бунинг иложини топмаса, нима қилсин?” Асмаъий бу сўзларни ўқиб, қалами билан шундай деб ёзиб кўяди: “Агар ўша дардли инсон насиҳатларимдан ўз мақсадига эришмаган бўлса, ўлсин ва И. ўтидан ўзини халос қилсин!”

Орадан бир кун ўтиб, ошиқнинг жавобини билиш учун ўша жойга келган Асмаъий чашма ёнида бошини тошга уриб, ўзини ҳалок этган бир кишини кўради. Асмаъий бу ҳолдан азобланиб, ҳалок бўлган ошиқ учун мотам тутади ва марҳумни қабрга кўяди. Ушбу ҳикоятдан ошиқнинг асосий маслағи – ишқ йўлида жисмдан воз кечиш ва ёр учун ўлмоқликни афзал билиш, деган хулоса келиб чиқади.

*Чун Талаб водийсини қилдинг тамом
Кўйғунг ул дам Ишқ водийсиға гом.*

*Ишқ келди машъали гитифурўз,
Дема машъал, шуълаи офоқсўз.
 (“Лисон ут-тайр”, 151-боб.)*

КАБКИ ДАРИ (КАКЛИК) – қуш номи. Мумтоз шеърятда, хусусан, Навоий ижодида асосан маъшукнинг қадди ва чиройли қадам ташлашига, жилваланишига муқояса қилинган.

“Лисон ут-тайр” дostonида Симурғ сари йўлга чиққан ва Худхуд билан савол-жавоб қилган қушлар қаторида иштирок этади. Дostonда бу образ узлатни макон тутган зоҳид (ёки руҳиятнинг ўз ибодатларига ружу кўйиши) мисолида талқин қилинади.

Ушбу тимсол орқали Навоий ибодатга ружу кўйган зоҳид асл ҳақиқатдан – Аллоҳдан узоқдадир, деган умумтасаввуфий ғояни олға суради:

*Ёна ажз айлаб аён Кабки дарий,
Деди: – “К-эй мажмуъи қушлар раҳбари.*

*Мен қушидурмен – қўҳистон манзилим,
Онда тенгри ҳамдиға зокир тилим.
("Лисон ут-тайр", 48-боб)*

КАБУТАР – қуш номи. Дунё мифологиясида рух, тинчлик маъносини англатади, туркий халқлар асотир ва эртақларида ҳам "девларнинг жони кабутар шаклида бўлар эмиш" деган тушунча мавжуд. Шу билан бирга, одам руҳига ҳам муқояса қилинади. "Лисон ут-тайр"да К. Симурғга айтган узрида ўзини "барча қушлар ичра ҳаййу ло ямут" – тирик, ўлмайдиган қушман, деб таништиради. "Мантиқ ут-тайр"да бу образ келтирилмаган. Уни дostonга Навоий киритган. "Лисон ут-тайр"да К. уй-жойига асир бўлган одам ёки вужудига асир нотавон рух тимсолида талқин қилинади:

*Сўнгра шарҳ этти Кабутар арзи ҳол,
– "К-эй ҳидоят фаннида соҳиб камол.*

*Барча қушлар ичра ҳаййи ло ямут,
Манга қисм этмиш улус илкида қут.
("Лисон ут-тайр", 45-боб).*

КУФ – бойқуш. "Лисон-ут тайр"даги қуш образи. У Худхуд билан суҳбатда хазина топиш ишқига тушганлигини айтиб, узр сўрайди. Бу тимсол Навоий талқинида кундалик тирикчиликка ружу қўйган одам ёки шу хилдаги руҳиятнинг хусусияти маъносида гавдалантирилган:

*Зоҳир этти ажз аҳволини Куф:
"Ким эрурмен мен заифу йўл махуф.*

*Ўтқарибмен умрни вайронада,
Бошима емрулгудек кошонада.
("Лисон ут-тайр", 63-боб)*

КЎЗГУ – илоҳий мазҳар бўлган комил инсон сифати. Чунки К. деганда, Аллоҳнинг зоти, сифатлари ва исмларига ишора қилинадик, уларнинг барчаси комил инсон қалбида акс этади. Тас. аҳли наздида, дунё ва нафс ғуборларидан покланган кўнгил К.дай мусаффо бўлиб, унда ёр – Ҳақ жамоли жилваланади:

*Десанг, Навоий, жон аро маҳбуб бўлғай жилвагар,
Аввал кўнгул кўзгусидин маҳв айла нақши мосиво.*

Мосиво – Худодан бошқа нарсалар, яъни мавжудот ва махлуқотни билдиради. Шунга мувофиқ, нақши мосиво – дунёга мойиллик, ҳаётга муҳаббатни, бошқача айтганда, кўнгилнинг нафс истак-хоҳишларидан покланмаганини билдиради. Шунинг учун ҳам юқоридаги байтда улуғ шоир айтаяптики: "Эй Навоий, агарда маҳбубанг (яъни Аллоҳ таоло) жонинг ичидан жой олишини истасанг, аввало кўнгил К.сини дунё ҳою ҳавасларидан мусаффо айла". Зеро, Аллоҳ ўзидан бошқа барча нарсанинг хаёлидан қутулиб, нафс гардию дунё ғубори қолмай шаффоф бир ҳолга келган кўнгилгагина ташриф буюради.

Аллоҳга нисбатан олганда эса бутун борлиқ – улкан бир К.: Аллоҳнинг жамоли, камоли ва сифатлари ҳар ашёда у ёки бу даражада акс этади. Қудсий бир ҳадисда айтилишича, Аллоҳда ўз жамолини кўриш истаги туғилади ва ҳуснига К. қилиб мавжуд оламни яратади.

Ризоқулихон Ҳидоятнинг ёзишича, хоҳ дунёдаги, хоҳ хаёлдаги бўлсин, умуман, мазҳар бўлган ҳар бир нарса К. дейилади.

*Бўлди ул кўзгу кўнгул, эй аҳли дил,
Ким ҳақ анда жилва айлар муттасил.
("Лисон ут-тайр", 75-боб)*

МАЪРИФАТ (ар) – билиш. 1. "Лисон ут-тайр" достонидаги қушлар Симурғга етиш асносида учиб ўтадиган етти водийнинг учинчиси. Аллоҳни таниш илми.

Тасаввуфнинг тўрт умумий босқичидан, яъни шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқатнинг учинчиси бўлиб, бунда солиқ ўз сезгиларидан холи бўлиб, айрим дақиқаларда бир лаҳза ҳақиқатга етиш имконига эга бўлади, ҳаяжонланади. Бу жазавали ҳолат "ҳол" дейилади. Маърифат босқичига етган солиқ ўзи ҳам муршид, устод бўлиши мумкин. Аттор "Мантиқ ут-тайр"да маърифат водийсини Худони англаш илми дея уқтиради ва ўқувчисини Яратган маърифатини англашга даъват қилади.

Навоий эса устозидан фарқли равишда Аллоҳни англаш йўлидаги тафовутни айтиб ўтади ва ўз фикрини бу водийда Мусою Фиръавни, Маҳдию Дажжолни кўриш мумкин, буларнинг ҳаммаси ўз йўлида собит, Аҳмад нурга фарқ бўлган бўлса, Абу Жаҳл зулмат ичида деб таърифлайди. Навоий бу ҳолатни янада яхшироқ ифодалаш учун "Кўрлар ва фил" ҳикоятдан фойдаланади. Яъники, кўзи ожиз кишилар филнинг турли аъзоларини ушлаб кўриб, фил ҳақида турли фикр билдирадилар ва бу борада бир-бирлари билан ихтилофга борадилар. Мана шу ихтилоф маърифат водийсидаги Яратганни таниш борасидаги маърифат билан муқояса қилинади.

*Маърифат водийсин ондин сўнгра бил,
Дашти бопоеълиғин наззора қил.
("Лисон ут-тайр" 153-боб)*

МУДБИР – 1) иши орқага кетган, бахтсиз:

*Мудбире топтуқ Навоийни саломатдин йироқ,
Кўрким, ул не навъу не янглиғ жаҳонда шуҳрати.
("Ғаройиб ус-сиғар", 577-ғазал)*

2) "Сабъаи сайёр" ва "Лисон ут-тайр" дostonларидаги "Муқбил ва Мудбир" ҳикояларидаги персонаж.

"Сабъаи сайёр" достонидаги сандалий қасрда олтинчи иқлимдан келган сайёҳ томонидан Баҳромга сўзлаб берилган ҳикояда М.нинг сабрсиз, имонсиз ва ёлғончи эканлиги, охир-оқибат бу хусусиятлари ўзининг бошига бало бўлиши – ёлғон қасами туфайли қорни ёрилиб, ўлиши тасвирланади. Низомийнинг "Ҳафт пайкар" достонида сандал рангли қасрдаги гўзал "Хайр ва Шарр" (яхши ва ёмон) ҳақида ҳикоя сўзлайди. Ҳикоя мотиви ва ундаги Шарр образи М.га яқин туради.

*Мудбир андоққи борса ҳар сори,
Ултуруб юзда гарди идбори.
(“Сабъаи сайёр”, 25-боб)*

“Лисон ут-тайр” достонининг 53-бобида яъни Худхуднинг Тазарвга жавобига исботи тариқасида берилган ҳикоятда Навоий яна ушбу қаҳрамонларига мурожаат қилади. Яна икки ҳамроҳ бирга йўлга чиқадилар. Йўлда учраган биринчи шаҳарга келиб ажралишади. Мудбир яна ўз исмига монанд ёмонликларнинг рамзи бўлиб келади ва “байт ул-латаф”га боради. У ерда май ичиб, бир кишини ҳақоратлагани сабабли ўлдириб қўяди. Натижада, ўзи ҳам қатл этилади.

*Аҳли нуқсондин эди Мудбирға сўз,
Йўлаким бут васфидин кофирға сўз.
(“Лисон ут-тайр”, 53-боб)*

МУҚБИЛ – 1) бахтли, иқболли, хушбахт.

*Қуллуғунг доғидин ўлсам, истамон озодлиқ
Ким, бу тамғадур нишони мудбири муқбил аро.
(“Бадоеъ ул-васат”, 19-ғазал)*

2) “Сабъаи сайёр” ва “Лисон ут-тайр” достонларидаги “Муқбил ва Мудбир” ҳикояларининг персонажи.

“Сабъаи сайёр” достонидаги сандалиий қасрда олтинчи иқлимдан келган сайёҳ томонидан Баҳромга сўзлаб берилган ҳикояда Муқбил тақводор, сабрли ва тўғрисиўз киши этиб тасвирланади ва бу хислатлари сабабли подшонинг эътиборига сазовор бўлиб, унга куёв ва меросхўр бўлади.

Низомийнинг “Ҳафт пайкар” достонидан олинган “Хайр ва Шарр” (яхши ва ёмон) билан боғлиқ ҳикоядаги Хайр образи Муқбилга яқин туради.

*Муқбил озодаи хумоюн фол,
Элга мақбул этиб ани иқбол.
(“Сабъаи сайёр”, 25-боб)*

“Лисон ут-тайр” достонининг 53-бобида, яъни Худхуднинг Тазарвга жавобига исбот тариқасида берилган ҳикоятда М. характери ва тарбиясидаги тўғрилиқ, тақводорлик туфайли шоҳнинг мулозаматига эришади.

*Муқбил айтур эрди аҳлиллоҳдин,
Динда хайли комилу огоҳдин.
(“Лисон ут-тайр”, 53-боб)*

“Маҳбуб ул-қулуб” асарининг иккинчи қисмидаги “Тавозуъ ва адаб зикрида” деб номланган бобида бу икки қаҳрамон номи тилга олинади. Ушбу бобда М.нинг одоб ва тавозу (камтарлик) билан шоҳ карамига эришганлиги тасвирланади.

СИМУРҒ, Семурғ – Шарқ халқлари мифологиясида сеҳрли, барча нарсага қодир қуш рамзи. У бургутсимон тумшукли, катта қанотли, баҳайбат ва патлари ҳам сеҳрли бўлган улкан қуш тарзида тасаввур этилади.

Симурғ “Авесто”да “Варағн”, “Саэна ирғға” шаклида келтирилган. Ўзбек халқ эртакларида ҳам Симурғ образи давлат қуши, бахт қуши тимсолидир. Эртакларда Симурғ подшоҳларни ўзига жалб этадиган, бир пати ярим подшоликка тенг ноёб қуш, гоҳ бош қаҳрамоннинг ҳомийси, гоҳ ҳимоячиси қиёфасида келади.

*Фирдавсий*нинг “Шоҳнома”сида Симурғ тимсоли ота-бола паҳлавонлар *Золва Рустам*нинг ҳомийси, нажоткор ва қўрқмас, доно ва мўъжизакор қобилиятга эга образ тарзида намоён бўлади. Тасаввуф манбаларида Симурғ Аллоҳ таоло, Ақли Кулл, комил инсон, ғайб оламининг асрори маъноларида қўлланилгани қайд қилинади. Ишроқ фалсафасида Симурғ етакчи тимсоллардан бўлиб, Сухравардий бу тимсол орқали ўз таълимотининг асосий тамойилларини ёритишга ҳаракат қилган.

Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарида Симурғ бош қаҳрамон сифатида намоён бўлади. Аттор бу образни ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитиб, рамзийлик анъанасига асосан унга Яратганнинг тимсоли вазифасини юклайди. Симурғ сўзи қушлар подшоси номини англатиши билан бирга, ундан форс тилидаги сўз ўйини орқали Симурғ – ўттиз қуш сўзининг ҳам пайдо бўлиши муаллиф мақсадига мос келади.

Навоий ҳам “Лисон ут-тайр”да Симурғ образини ўз достонининг бош қаҳрамони қилиб олади. Навоий достонида ҳам Симурғ идеал образ сифатида “парда орқасида” тасвирланади, яъни асосий воқеалар майдонига чиқмайди. Унинг таърифини “Лисон ут-тайр”да ҳам Худхуд сўзлайди.

Навоий Симурғ таърифига Атторга нисбатан кўпроқ мулоҳаза ва тасвир юклайди. Е.Бертельснинг фикрига кўра, “Навоий қушларни ўзларининг сирли подшоси ҳақида кизиқишга икки ҳисса кўпроқ мажбур қилади.”

Достоннинг “Қушлар ўз нисбатларини *С.га Худхуддин сўрғонлари*” бўлимида Навоийнинг Симурғ тимсолига нисбатан Аттордан фарқли муносабати янада ойдинлашади.

Атторнинг фикрича, бу дунё, ундаги қушлар *С.*нинг сояси холос, яъни улар *С.га* интиланларидагина аҳамиятли. Қушлар (инсонлар)нинг бу дунёдаги ҳаёти ҳижрон ва айрилиқда. Аттор мана шу фикрни таъкидлар экан, унинг нуқтаи назари бўйича инсоннинг шахс сифатида мавжудлиги унинг *С.га* (Аллоҳ васлига) интилиши билан аҳамиятли.

Навоий эса инсоннинг яратилишини ҳижрон ва айрилиқ эмас, балки Яратувчининг ҳикмати, деб баҳолайди. У “Мен махфий хазина эдим, ошкор бўлишни хоҳладим” мазмунидаги қудсий ҳадисга асосланиб шундай фикрга келади.

Достон якунида бу фарқ янада яққол намоён бўлади. Бир қарашда бир хилдай туюлган бу фикр икки даҳо ижодкор қаламида икки хил хулоса беради: Аттор фикрича, ўттиз қуш (тариқат йўлидаги солиқлар) риёзат чекиб Симурғ (Ҳақ таоло) даргоҳига етдилар ва унга айландилар, яъни ўзликдан юксакликдаги илоҳий Ўзликка етдилар.

Навоийнинг нуқтаи назари бўйича эса ўттиз қуш (тариқат йўлидаги солиқлар) риёзат чекиш асносида табиатлари софланиб, ўзларидаги *С.ни* (Аллоҳнинг зухурини) кашф қилдилар, яъни ўзларидаги Илоҳий Ўзликни қайта кашф этдилар.

Демак, Навоий достонида Симурғ – ўттиз қуш, Аллоҳнинг рамзий тимсоли талқинидан ташқари янги – комил инсон маъносини ҳам англатади.

*Шухрати Симурғ ила офоқ аро,
Зоти мамлу чарх олий тоқ аро.*

(“Лисон ут-тайр”, 15-боб)

ТАВҲИД 1) (ар. яккахудолик) – яккахудолик ҳақидаги таълимот. Аллоҳнинг бирлигига ишониш, Уни ягона деб билиш, Аллоҳнинг зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, феълида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилиш.

*Ё Раб, ул барг насиб этки, Навоий топқай
Боғи тавҳид гулу булбулдек баргу наво.
 (“Бадоеъ ул-васат”, 3-ғазал)*

2) “Лисон ут-тайр” достонидаги қушлар Симурғга етиш асносида учиб ўтадиган етти водийнинг бешинчиси. Бу водийда солиқ Яратганнинг улуғ ва ягоналигини, ундан бошқа борлиқнинг ҳеч эканлигини ҳис этиб боради.

Имом Ғаззолий таърифига кўра, *“Тавҳид шундай шарафли мақомдирки, таваккул, ризо, Аллоҳга таслимият ҳоллари айни шу мартабанинг меваларидир”*. Абдуллоҳ Ансорийнинг айтишича, “тавҳид – бирликда сўзламоқ, бирликда кўрмоқ ва якто бўлмоқдир.”

Т.нинг даражалари қуйидагилардир:

Тавҳиди сифот – ҳар қандай сифатни Худодан деб англаш ва уни мукаммаллаштириш;

Тавҳиди зот – борлиқдаги ҳамма нарсани фақат Аллоҳ вужудининг натижаси деб билиш”.

Навоий Т. водийсини таърифлар экан, *тафрид* ва *тажрид* терминларини қўллаб, Т. учун бу икки хусусият зарур деб ҳисоблайди.

Ушбу водий таърифида Аттор ҳечликка, яъни инсон вужудининг ҳеч бўлишига эътибор қаратган бўлса, Навоий диққатни Аллоҳ билан бўладиган васл натижасида инсоннинг бу улуғ бирликка сингишига қаратади.

Ушбу водийга бағишланган ҳикоятда Навоий Мансур Ҳалложни эслайди. Ҳикоятда тасвирланишича, Ҳаллож “пайғамбар Муҳаммад (саллАллоҳу алдайҳи васаллам) меърож кечаси нега фақат ислом умматининг гуноҳини сўради, барча гуноҳкорларнинг гуноҳини тилаганида нима бўларди?” деган фикрда юраркан. Иттифоқо, бир кун Расулulloҳ унинг тушига кириб, “Меърож кечаси менда менликдан нишон ҳам йўқ эди”, дейди.

Навоий бу ҳикоят билан тавҳид водийсида “Аналҳақ” деб нидо этган Ҳалложнинг аслида ҳали комилликка етмагани – меърож кечаси пайғамбардан ўзликни талаб қилаётгани, пайғамбар Муҳаммад (саллАллоҳу алдайҳи васаллам.)ни унинг тушига кирганлиги мотиви эса уни асл тавҳидни ҳали англаб етмаганлигини намоён этади. Зеро, Нақшбандийликда Ҳаллож мартабаси ҳурмат қилинади, бироқ энг баланд мартаба, деб тан олинмайди.

*Водийи Тавҳид ондин сўнгра бил,
Фард ўлуб тажрид ондин сўнгра бил.*

*Чун бу водий сори сайринг қўйди гом,
Фарду яктолиғ санга бўлди мақом.
 (“Лисон ут-тайр”, 157-боб)*

ТАЛАБ – 1) излаш, қидириш, сўраш.

*Бало даштидағи оворалар сонин талаб қилдинг,
Бу янглиғ хонумонидин жалоларға не сон анда.*

(“Наводир уш-шабоб”, 25-ғазал)

2) Лисон ут-тайр” достонидаги қушлар Симурғга етиш асносида учиб ўтадиган етти водийнинг биринчиси. Талаб водийсидаги тоатнинг оддий ибодатдан фарқи шундаки, унда соликнинг ибодатидан мақсад дунёвий орзу-ҳаваслар ёки жаннат, ундаги кавсар ва ҳурлар тамаси эмас, балки фақат Яратганнинг Ўзи бўлмоғи керак. Бу водийдаги толибнинг кўзига Худога бўлган Т.нинг кучлигидан олдига келган ва йўлиққан фил, пашшадай, арслон ва йўлбарс, чўлоқ чумолидай кўринади. Аждаҳо дуч келгудай бўлса, ундан хаёлига қўрқув эмас, балки маънавий хазина орзуси келади.

А.Абдуқодиров “Лисон ут-тайр” даги водийларни Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” дostonлари билан қиёслаб, Т. водийсини “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги Фарҳоднинг ғамгинлик ҳолати ҳамда хазинадаги кўзгунинг сирини билиш учун Юнон мулкига бориши, ҳаким Суҳайло раҳнамолигида аждаҳо – нафс, Аҳраман дев – салтанат ҳою ҳавасини енгиб, кўзгуда нақшланган сўзни ўқишга муваффақ бўлиши билан муштарак ҳолат касб этади, деган хулосага келади.

Достонда водий моҳиятини очиб бериш учун шаҳзода ва унинг ошиқлари ҳақидаги ҳикоят келтирилган. Унга кўра, қадимда бир қудратли подшоҳнинг Юсуфдек гўзал ўғли бўлиб, бутун олам аҳли унга ошиқу шайдо экан. Бир куни у саҳрода айланиб юриб, минглаб ошиқи зорлар унинг ишқида изтироб чекаётганлигини кўради. Улар орасида икки девона шаҳзода диққатини тортади. Мулозимлар уларни ушлаб қаср томон олиб келадилар. Шоҳ улардан бирини зиндонга ташлаб, иккинчисини ўзига итбоқар қилиб тайинлайди. Шунда улардан бири иккинчисидан бу азоб-уқубат ичида ҳоли қандай эканлигини сўраганида у бу ҳолат машаққат эмас, балки ошиқ учун роҳат эканлигини айтади. Иккинчиси ҳам бу сўзларни тасдиқ этиб, ошиқўз маъшуқи васлига талабгор экан, бу азоблар унга фақат мамнунлик бахш этишини баён қилади. Бу сўзларни пана жойдан эшитиб турган шаҳзода бениҳоя хурсанд бўлиб, уларни ўзининг яқин маҳрамларига айлантиради. Ҳикоятдан Талаб водийсига қадам қўйган солик ошиқликдан келадиган жами синовларга, машаққат ва уқубатларга тайёр туриши, маъшуқ васли йўлидаги қийинчиликларни бахту саодат деб қабул қилиши керак, деган хулоса келиб чиқади. Зеро, бу водийдан мақсад Яратганнинг васлидир.

*Чун Талаб водийсиға қўйсанг қадам,
Оллингға ҳар дам келур юз минг алам.*

*Ҳар дам анда юз маломат юзланур,
Ҳар нафас минг саъб ҳолат юзланур.
 (“Лисон ут-тайр”, 149-боб)*

ТАЗАРВ (ф.) – қирғовул. Патлари турли рангда, ёқимли овозли, чиройли қуш номи. Одатда сарв пойида юрганлиги сабабли сарвнинг ошиғи ҳам дейдилар (“Фарҳанги Рашидий”). Мозандарон ва Астаробод ўрмонларида кўп учрайди. Баъзи ривоятларга кўра, Т.нинг асосий озиғи олов бўлиб, шу сабабдан, ошиқлик маъносида ҳам қўлланилган.

*Нутқи тўти, жилваси товусу рафтори тазарв,
Ҳусн гулзорида йўқтур бир анга монанда қуш.
 (“Фавойид ул-кибар”, 247-ғазал)*

“Лисон ут-тайр” достонида Т. ташқи чиройига ружу қўйган енгилтак ёхуд руҳиятнинг енгил-елпиликларга мойилги мисолида гавдалантирилган:

*Ёна арз этти Тазарви гулузор:
– “К-эй ҳидоят шеvasида номдор.*

*Мен қушидурменки қилмиш ҳусну зеб,
Гулшан ичра суратимни дилфиреб”.*
(“Лисон ут-тайр”, 51-боб)

ТАЖРИД (ар) – ёлғизланиш, яккаланиш. Тасаввуфий маънода нафсни тўла мағлуб этиш ва дунёга муҳаббатдан қутулиб, фақат Аллоҳга боғланиш.

*Ҳарне касб айлаб эди тавҳид аро,
Водийи тафрид ила тажрид аро.*
(“Лисон ут-тайр”, 15(-боб)

ТАФРИД(ар.) – ёлғизланиш, одамлардан чекиниш, ўзни узлатга олиш. Тас-ий маънода бу дунё ҳою ҳавасларига берилганлардан узоқлашиб, вужудни инкор қилиш ҳамда Аллоҳга қўшилишдир.

*Ким онингдек водийи Тавҳид аро,
Гулшани тажрид ила тафрид аро.*
(“Лисон ут-тайр”, 158-боб)

ТОВУС – қуш номи. Мумтоз ад-тда маъшуқанинг гўзаллиги ва қадам ташлаш рамзи (товус хироми) сифатида талқин қилинган.

*Найлаб ул товус пайкарни тилай қулбамғаким,
Чуғз қўнмас, дам-бадам емрулгудек вайрона деб.*
(“Бадоеъ ул-васат”)

“Лисон ут-тайр”да Т. зебу зийнатга бино қўйган киши ёки ўз илми ва амали билан кибр-ланиш рамзи сифатида тасвирланади.

*Сўнгра Товус этти узрин ибтидо,
Деди: – “К-эй, сен барчамизға муқтадо.*

*Мен қушемен қасру гулшан зийнати,
Нақшу рангим аҳли олам ҳайрати.*
(“Лисон ут-тайр”, 36-боб)

ТОВУҚ – “Лисон ут-тайр”даги қуш образи. Султонмурод Олим “Навоий ва Нақшбанд” рисоласида бу образнинг куйидагича талқинини ҳавола қилади: “Ризқ топишда Товуқ бошқа қушлардан қолишмайди. Фойда келтириш жиҳатидан Товуқ кўп қушлардан устун.

Меҳнаткаш, йўқ жойдан йўндириб, ризқ топади. Тер тўкиб, дон излайди”.

Достонда Т. шаҳвоний ҳирс тимсоли сифатида гавдалантирилган. Шунинг учун муаллиф унинг бу хусусиятига эркакка хос фазилат эмас деб, қаттиқ танбеҳ беради.

*Товуғ этти бўйла узрин ошкор:
“К-эй туюр ичра раиси тождор.*

*Биз иковга тож рўзи қилди ҳақ,
Лек ҳар бирга бир иш қилди насақ.
 (“Лисон ут-тайр”, 72-боб)*

ТЎТИ– қуш номи. Мумтоз ад-тда ширинсўзлик тимсоли бўлиб келади. Унга ёрнинг ширин каломи муқояса қилинади. “Лисон ут-тайр”да Т. кўп қийинчилик кўрмагани учун “*бургутлар пашшадек бўладиган йўл*”да қийналиб қолишини айтади. Ушбу тимсол билан Навоий зоҳирий орзу-ҳавасларга ўч, худбин кимсаларни ёки ўз-ўзига бино қўйиш хусусиятини акс эттиради.

*Тўти аввал узрин оғоз айлади,
Бўйла ажз ойинини соз айлади.*

*Ким: – “Қушедурмен маконим гармсер,
Ҳинд ақсосида қилғон сайри тайр.
 (“Лисон ут-тайр”, 33-боб)*

Ушбу образ Навоий лирикасида ҳам фаол қўлланилган:

*Сарвдек хазро либосинг бирла, эй нозук ниҳол,
Тўтиесен жилвагар, шаккар санга ширин мақол.
 (“Наводир уш-шабоб”)*

ФАНО – 1) бақосизлик, йўқ бўлиш, ўлиш.

2) ўзликдан кечиш, ўзни унутиш, тасаввуф йўлига кириш. Яъни ўзни Яратган борлиғида йўқ этиш, қатранинг уммон ичига сингиши, зарранинг қуёш бағрида маҳв бўлиши.

3) ўлим, ажал.

4) “Лисон ут-тайр” достонидаги қушлар Симурғга етиш асносида учиб ўтадиган етти водийнинг еттинчиси. Бу водийда соликлар йўқ бўлмасдан Яратганнинг борлиғига сингиш мумкин эмаслигини ҳис этароқ, унинг ҳайбатидан маҳв бўладилар.

Ишқ аҳлининг муроди бўлган фано мартабаси Навоийнинг ҳам мақсади эди. Навоий барча водийлар шарҳига биттадан ҳикоят бағишлагани ҳолда ушбу водий шарҳига тўртта ҳикоят бағишлайдики, бу билан биз бу водийга муаллифнинг эътиборини яққол кўрамиз. Яна бир тахаллуси Фоний бўлганлиги сабабли ҳам Навоийда ўзини фано мартабасида кўрмоқчи эканлиги, комил фонийлар (Фаридиддин Аттор – “Қофи фано Анқоси”, Абдухолик Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби ориф-авлиёлар) замондошлари (Абдурахмон Жомий, Саид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад кабилар)га ҳавас ва интилиш ҳамда алалоқибат бу мартабага ўзини муносиб деб англаш туйғулари мужассам эди.

Тасаввуфнинг энг оғир ва мураккаб бу босқичи ҳақида кўплаб алломалар, тасаввуф намояндалари фикр билдириб ўтганлар. Жумладан, тасаввуф ҳақида илк назарий асар ёзган мутафаккир ватандошимиз Шайх ал-Қалободий “Тасаввуф сарчашмаси” асарида

“Фано ҳолидаги банда ўткинчи момақалди роқ ёки шамол эмас, балки унинг инсоний сифатлари ўзгартирилиб, у руҳоний ёки фаришта бўлиб қолмайди, балки... нафсий рағбат, хоҳишлардан фоний бўлади”, деб фикр билдирган бўлса, тасаввуф ва шариатни бир-бирига яқинлаштирган, ислохотчи аллома, ҳужжат ул-ислом Ғаззолий Ф.ни лаҳзалик бир ҳол деб ҳисоблайди. Боязид Бистомий ҳам “Илоҳий мулоқот”да: айнан фанофиллоҳ мартабаси ҳақида мулоҳаза юритиб, уни қуйидагича таърифлайди: “... Сўнг менга қудрат назари билан боқди. Ўз борлиғи билан мени қийматсиз (йўқ) қилиб қўйди ва Ўз зоти билан менда тажаллий этди. Мен У ила бор бўлдим, бирлашиш шу билан ниҳояланди ва дунё бир бўлди. Ҳамма нарса Унинг воситасида бир бўлди”.

Қушлар не машаққат билан келган манзиллари – Симуруғ асли ўзлари эканликларини, бу сафар садафнинг гавҳар бўлмоғи учун – дунёю нафс майлларидан кечиб, Ҳақиқий Ўзликни топиш учун бўлганлигини англаб етдилар.

*Навҳаи боғи фано тузмак керак,
Ул тараф парвоз кўргузмак керак.
("Лисон ут-тайр", 17-боб)*

ШАЙХ САНЪОН – ибн Саққо. Тақводорликда Каъба нозири даражасига етишган, бироқ тарсо (христиан) қизнинг ишқига дучор бўлиб, жамики эътиқодидан айрилган, оқибатда бир муриднинг дуоси шарофатидан тавба қилиб, ориф мусулмон даражасига етишган персонаж.

Навоий Шайх Санъон образига “Лисон ут-тайр” достони ва “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасида мурожаат этади. “Лисон ут-тайр” достонида шайхнинг ишқий саргузаштини ўзида акс эттирган махсус “Шайх Санъон қиссаси” мавжуд. Қисса достондаги энг йирик ҳикоят ва айни пайтда мустақил рисола даражасидаги асардир. Қисса “Лисон ут-тайр”нинг марказий қаҳрамони Худхуд томонидан айтилади ва ҳикоят қушларга шу даражада қаттиқ таъсир қиладики, натижада қушлар Симуруғга томон шиддат билан интиладилар.

“Насойим ул-муҳаббат”да Навоий шайх Санъонни “ишқ ва муҳаббат баҳрининг гавҳари ва шавқу маломат оташкадасининг самандари” деб улуғлайди ва унинг ишқ ҳамда камолотини билмоқчи бўлганлар Шайх Фаридиддин Атторининг “Мантиқ ут-тайр”ни ўқисинлар, деб маълумот беради (бунинг сабаби, ҳали “Лисон ут-тайр” яратилмаган эди).

Абдураҳмон Жомий “Нафаҳот ул-унс” асарида Шайх Санъон ибн Саққо) ҳақида анчагина тўлиқ маълумот беради. Унинг сувчини ўғли эканлиги, ёшлигида бир улуғ авлиёнинг – Ғавсининг дуоибадига қолганлиги ҳақида шу асарда маълумот берилади. Ривоятда Санъон талабалигида икки дўсти билан баҳс бойлашиб, замона Ғавсини синамоқ учун унинг ҳузурига боргани ва унга нисбатан ҳурматсизлик қилганлиги учун Ғавс томонидан дуоибад тариқасида унинг динда баланд мартабага эришиши, Рум диёрига бориши ва алал оқибат бошига тушадиган шармандали воқеалар башорат қилинганлиги айтилади.

*Шайх Санъон восили даргоҳ эди,
Кўнгли ғайб асроридин огоҳ эди.
("Лисон ут-тайр", 79-боб)*

ШОҲБОЗ – 1) Шоҳқуши, шоҳнинг ов қуши, лочин. “Лисон ут-тайр” достонида Худхуд қушларни Симуруғ сари йўлга тарғиб қилиб, тўққизинчи ўринда мурожаат этган қуш. Достонда бошқа тилга олинмайди.

*Ҳаббазо, эй Шоҳбози шоҳваш,
Ҳайъатинг ҳам хуш, жамолинг доғи хуш.
("Лисон ут-тайр", 30-боб)*

2) мажозан олий мартабали, олийҳиммат:

*"Олий ҳиммат шоҳбозедур баланд парвоз ва беҳиммат сичқон сайёде юрутачи тоз".
("Маҳбуб ул-қулуб")*

ШУНҚОР, Сунғур – "Лисон ут-тайр" даги қуш образи. Ўзини подшоҳ атаб, шоҳга эҳтиёжи йўқлигини айтади. Худхуд уни танқид қилиб, Бўйра шоҳи ҳақидаги ҳикоятни айтиб беради ва бу билан "сен зоҳирда ўзингни шоҳ деб ўйлаяпсан, асли подшоҳлик фақат Симурғга хос", деган ғояни ифодалайди.

Навоий бунинг воситасида тахт ва мансабга ружу қўйган шахслар ҳамда амалпарастлик иллатини фош қилади:

*Деди Сунғур: – "К-эй улусқа роҳбар,
Амринга тобеъ келиб огоҳлар.*

*Манга Ҳақ бир рутба зоҳир айламиш,
Ким бори қушларға қодир айламиш.
("Лисон ут-тайр", 57-боб)*

ЎРДАК – "Лисон ут-тайр" даги қуш образи. У сохта кароматгўй сўфий тимсоли ёки руҳнинг ўз илму ҳунарларига мағрурлиги қиёфасида гавдаланган.

*Ўрдак оғоз этти:- "К-эй фархунда зот,
Сув била бўлмиш манга қойим ҳаёт.*

*Ондин ойру музтарибмен қайғудин,
Ўйлаким тушкай йироқ болиғ су(в)дин.
("Лисон ут-тайр", 69-боб)*

ҚАРЧИҒАЙ – "Лисон ут-тайр" даги қуш образи Қарчиғай "Мантиқ ут-тайр" достонида қушлар қаторида санаб ўтилган, лекин алоҳида тилга олинмаган. Навоий унга алоҳида ўрин ажратиб, Қарчиғай ов қуши экани, шикорда асосан шоҳлар билан бирга юришидан мағрурланишини тасвирлайди. Бу тимсолга Навоийнинг алоҳида эътиборига сабаб, бизнингча, бу образ туркий халқлар фольклорида кўп тилга олинганлигидан бўлса керак. С.Олимнинг фикрига кўра, Худхуд ов қуши бўлмиш Қарчиғайни ғурур йўлида пастликда, жаҳолат ва ғафлат босганликда айблаб, аслида шоҳга ҳам, овчига ҳам қул эканлигини таъкидлайди.

*Қарчиғой қилди аён гуфторини,
Кўргузуб чангол ила минқорини:*

*"Ким, манга қушлар киби эрмас ҳисоб,
Ким баса қушларға мен молик рикоб.*

(“Лисон ут-тайр”, 54-боб)

ҚАҚНУС – афсонавий қуш. Тумшуғида жуда кўп тешик бўлиб, ундан чиққан овозлардан гўё мусиқа тўқилар эмиш. Юнон мифологиясида *Феникс* деб аталган бу қуш бургутсимон ва ранги қизил-тилласимон, олов рангда тасаввур қилинган. Айтишларича, умрининг охирида у турли хушбўй ўтинлар воситасида ўзи ва уйчасини ёндирармиш ва унинг кулидан янги Қ. пайдо бўлармиш. Мисрликларнинг тасаввурига кўра, у ўтларнинг хушбўй ҳидидан ўлади, сўнг қуёшда ёниб кетиб, унинг танасидан Қ. боласи чиқади.

Феникснинг Шарқ адабиётига Қақнус шаклида ўзлаштирилиши билан бирга бир қатор мотивлар ҳам кўшилди. Натижада ушбу образнинг таъсирчанлиги, бадий қуввати ортди. “Ажойиб ул-махлуқот” асарида ёзилишича: “Қақнуснинг жуфти, фарзанди бўлмас эмиш. Тумшуғидаги беҳисоб тешиклардан сеҳрли оҳанглар янграр экан. Ниҳоят, тумшуғидаги тешиклардан ва қанотидан ўт чиқиб, ўтинга тушар ва ўзи ҳам кулга айланармиш. Кулдан эса тухум ва бу тухумдан ёш Қақнус пайдо бўлар экан. Куй ва арғанун (орган) мусиқа асбоби унинг овозига тақлидан кашф этилган эмиш”.

Ҳайдар Хоразмий “Махзан ул-асрор” достонида ўзининг ушбу асарни ёзишдаги ҳолатини Қ.нинг ўтда ёнишига қиёс қилади.

Қ.образидан Навоий дастлаб ғазаллари ҳамда “Фарҳод ва Ширин” достонида фойдаланган.

*Дема булбул, де они қақнуси зор,
Топиб лаҳнидин онинг қақнус озор.*

*Агар қақнус чекиб юз нола жонсўз,
Анга минг нола ўқи борча дилдўз.
 (“Фарҳод ва Ширин”, 6-боб)*

Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” да тасвирлашича, Қақнус умр бўйи хас-хашак йиғади ва умрининг охирида шундай нола чекадики, натижада хас-хашак йиғилган уясига ўт тушиб, уя билан унинг соҳиби Қақнус ҳам ёниб кетади. Аттор бу анъанавий образдан умрнинг фонийлиги ҳақидаги хулосани асослаш учун фойдаланади.

Навоий эса бу ҳикоятни “Лисон ут-тайр” да ҳам деярли айнан келтирар экан, уни *Фисоғурс* (Пифагор)нинг Қақнус наволарини эшитгани ва унга асосланиб, мусиқа фанига асос солганлиги ҳақидаги мотив билан бойитади. Қақнуснинг ҳаёти, ўтин йиғиши, ноласи сабабли атрофга ўт кетиши айнан берилиб, унинг ўтидан атрофдаги кўнгулларга ўт туташishi ҳақидаги фикр кучайтирилади, лекин хулоса мутлақо ўзгача маъно касб этади. Яъни:

*Шайх гўё келди ул аввалги тайр,
Ким наво ичра қилиб умрида сайр...*

Навоий бу сатрлар орқали маънавий устози Атторни Қ.га қиёслайди. Навоий салафининг санъати, маҳоратига мос образни унинг ўз асаридан топади ва унга янги маъно юклаб, анъанавий образдан буткул янги хулоса чиқаради. Навоий айнан шу ўринда ўзини Қ.нинг кулидан пайдо бўладиган қақнус боласига ўхшатади, бу ташбеҳ воситасида ҳам Атторга бўлган эҳтиромини, ҳам унга муносиб издош эканлигини изҳор этади.

*Бу таносибқа назар солса киши,
Кўп анга ўхшош топар қақнус иши.
("Лисон ут-тайр", 174-боб)*

ҚУМРИ – сайроқи қуш номи. Мумтоз ад-тда, хусусан Алишер Навоий шеъриятида сарвнинг ошиғи бўлган сайроқи қуш сифатида тасвирланади.

*Сарву гул ҳусн ичра йўқ ул сарви гулрухсорча.
Уйлаким, қумрию булбул нолада мен зорча.
("Фавойид ул-кибар")*

Навоий "Лисон ут-тайр" достонида ушбу тимсолга янги маъно юклаб, уни боғ-бўстонни севувчи, ундан бир дақиқа ҳам айрилмайдиган қуш – ўз уйига меҳр қўйган ва ундан нарини кўролмайдиган киши ёки руҳиятнинг дунё "ялтир-юлтир" ларига асир бўлиб, ундан ажралишни тасаввур қила олмайдиган хусусияти тимсолида талқин қилади. Худхуд унинг хонанишинлигини танқид қилгани ҳолда, Ҳақ йўлига киришни тарғиб қилади.

*Деди Қумриким:– "Аё фархундарой,
Ғафлату гумроҳларға раҳнамой.*

*Мен қушедурмен чамандин чиқмағон,
Дашту водий сайридин ториқмағон.
("Лисон ут-тайр", 13-боб)*

ҚУШЛАР – жаҳон халқлари мифологиясида катта аҳамиятга эга бўлиб, воқеалар жараёнида бирданига пайдо бўлувчи, қаҳрамонларга ёрдам берувчи ва вазиятни кескин ўзгартирувчи элемент сифатида эътироф этилади. Улар асосан, илоҳиёт билан одамларнинг ўртасидаги кўприк сифатида, юксаклик ва осмон рамзи тимсолида талқин қилинган.

Қушлар тимсоли бошқа кўпгина халқлардаги сингари туркий халқлар мифологиясида ҳам илоҳий олам билан мулоқот қилувчи восита сифатида ифодаланган. Навоий асарларидаги қушлар тимсоллари замирида ҳам фольклор мотивлари ҳамда тасаввуф адабиёти мотивлари мужассамлашган.

"Лисон ут-тайр" дostonдаги қушлар тимсолларини эса иккига ажратиб таҳлил қилиш мумкин. Буларнинг биринчиси афсонавий қушлар: *Симурғ, Анқо, Ҳумо ва ҚақнуСимурғ* Иккинчиси реал қушлар: *тўти, товус, булбул, қумри, каклик, тазарв, дуррож, кабутар, шоҳбоз (қирғий), шунқор.*

Йўл қийинчиликларига чидолмай, Худхуддан узр сўраган қушлар тартиби эса қуйидагича: *тўти, товус, булбул, қумри, кабутар, кабки дари, тазарв, қарчиғай, шунқор, бургут, куф, ҳумой, ўрдак ва товуқ.*

Дostonдаги барча қушлар алоҳида тимсоллар бўлиши билан биргаликда, бошқа маънода, жон қушининг турли ҳолатдаги кўринишлари, турфа кайфиятдаги товланишларидир.

*Барча олам қушларининг сурати,
Билгил, онинг сояи нур ҳикмати.
("Лисон ут-тайр", 75-боб)*

ҲАЙРАТ – 1) ҳайронлик, беҳудлик

2) "Лисон ут-тайр" даги оттинчи водий. *Ҳайрат* водийси тавҳид мартабасининг бевосита

давоми бўлиб, соликнинг тавҳиддан, яъни Аллоҳ билан бир лаҳзалик бўлган висолдан ҳайратга тушиши билан изоҳланади. Бу истилоҳга Сулайман Улуғдағнинг “Тасаввуф терминлари сўзлиги”да қуйидагича таъриф берилган: “Ҳайрат – ҳайратда қолиш, лол бўлиш. Қалбга тушган тажаллий сабабидан соликнинг тафаккур этолмайдиган ва муҳокама қилолмайдиган ҳолга келиши.” Навоий ҳайрат водийсини таърифлар экан, “Ҳайрат водийсига етган солик ўзлигини йўқотиб, унинг вужуди ҳақиқат нури билан ёритилади ва кўнгли ҳақиқатни кўриб, ҳайратланади. Бу ерда ҳайрат тилни гунг (соқов) ва лол айлайди, ақлни зойил (йўқ), хушни поймол қилади. Кеча билан кундузнинг фарқини англолмайди. Йўқни билмас, борни ҳам англамас Симуруғ Қайси томонга кўз солсанг (ҳақиқатдан) ҳайратда бўласан, ҳамма ҳайронликда саргардон бўлур. Бу ерга қадам қўйган аҳли сулук ҳайронликдан ўзга иш билмас”, дейди.

Ишқ водийсида ҳам, маърифат даражасида ҳам ҳайрат бизнингча, ошиқ вужудини қамраб олади. Бироқ бу водийда у жуда кучли бўлиб, Аллоҳнинг қудрати, эҳтиёжсизлигию ягоналигидан ҳосил бўлиб, соликнинг ақлу хуши, эгаллаган мартабаларию ўзлигини ҳам забун қиладиган кучли ҳаяжонли ҳайронлик тарзида кечади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, Ақли Кулл барча ақлларнинг йиғиндиси ва бошланғич нуқтаси бўлгани каби, Ҳайрат водийсидаги ҳайрат барча ҳайратларнинг йиғиндиси ва бошланғич нуқтасидир.

*Мундин ўтсанг водийи Ҳайратдурур,
Водийи Ҳайратда кўп шиддатдурур.
("Лисон ут-тайр", 148-боб)*

ХУДХУД– “Лисон ут-тайр” даги йўлбошчи қуш, ўттиз қушни Симуруғ даргоҳига бошловчи асосий тимсол.

Ушбу тимсолнинг келиб чиқиши Қуръони Каримнинг “Намл” сураси билан боғланади. Унда Сулаймон пайғамбарнинг Худхуд билан танишиши ва уни Сабаъ маликасига элчиликка юбориши баён этилган. Шу боис бу тимсол форс-тожик ва туркий ад-тда зеҳнли, идрокли қуш сифатида ифодаланади. Ҳ. тимсоли илк бор Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонига марказий қаҳрамон сифатида олиб кирилган. Аттордан кейин бу образга Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”сининг 1-китобида Сулаймон (а.)нинг Ҳ. билан танишуви акс эттирилган ҳикоятда мурожаат қилади. Унда Ҳ. оқил ва имонли зот сифатида акс этган.

Ҳ. тимсоли туркий ад-тда ҳам ўз ифодасини топган бўлиб, Носириддин Рабғузийнинг “Қисас ул-анбиё” китобидаги Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом бобида Ҳ.нинг Сулаймон алайҳиссалом билан мунозараси келтирилган. Қисса Қуръони Карим оятларига асосланган бўлса-да, кўпгина қўшимча деталлар билан бойитилган. Бунинг натижасида Ҳ. образи ақлли, тадбиркор ва имонли, бироқ анчагина саркаш тимсол сифатида юзага чиққан.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги Ҳ. қушлар мажлисида жой талашиб, келишмовчиликка борганлари саҳнасида кириб келади. Навоий бошқа салафлари каби Ҳ.нинг улуғлигини Сулаймон пайғамбар ва Сабо мамлакати билан боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Воқеалар ривожига Навоий талқинидаги Ҳ. Аттор Ҳ.и каби қушларни Симуруғ сари сафарга даъват этади. Йўл оғирликларига чидолмай, қайтмоқчи бўлган қушлар узрини тинглаб, саволларига жавоб бериш асносида уларни янгитдан сафарга руҳлантиради. Уларни Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат, Фақру фано водийлари оша саёҳат қилдирар экан, руҳан чиниқтириб, Симуруғ васли учун восилликка тайёрлайди.

Ҳ. ҳар бир қуш билан алоҳида равишда суҳбат қураб экан, у билан Симуруғни боғлаб турган риштадан гап бошлайди ва ана ўша ришта туфайли унинг Симуруғга боғлиқлигини,

Симурғ висолига қараб интилиши даркорлигини тарғиб қилади.

Навоий Қуръони Каримдан илҳомланган салафлари Аттор, Рабғузий, Румий талқинидаги Ҳ. образининг анъанавий асосларини сақлаб қолган ҳолда уни ўзига хос ва ҳаётий талқинлар билан бойитди. Бу даставвал Ҳ. тимсолининг шахсиятида намоён бўлади. Яъни у доно, закий ва аслзода (Сулаймоннинг элчиси) бўлганига қарамасдан анча камтарин ва камсуқум. Аттор талқинидаги Ҳ. ўзини-ўзи таърифлаб, Сулаймонга маҳрам бўлганлигини, унинг олдида иззати баланд эканлигини таъкидлайди, натижада Ҳақ асроридан хабардорлигини айтади. Навоий эса “Лисон ут-тайр” да бу таърифни бошқа қушлар тилидан беради (16-боб).

Навоий талқинидаги Ҳ. дoston қаҳрамонлари бўлмиш солиқ қушларнинг инжиқлик билан берган саволларига ҳам, ўзларини такаббурлик билан таъриф-тавсиф қилишларига ҳам чидайди. Сиполик билан жавоб қайтаради. Атторнинг Худхудидан фарқли равишда сомеларига қаттиқ гапирмайди. Дунёвий ва диний билимлари етарли бўлса ҳам, уни ноўрин намоён қилмайди, фақат берилган саволларгагина жавоб беради. Шунда ҳам дostonда унинг донишмандлиги етарлича намоён бўлади. Бу фазилат, яъни камтаринлик комил инсон ахлоқининг муҳим сифатларидан бири бўлиб Навоий уни Ҳ. тимсолида намоён этади.

Навоий талқинида Ҳ. юксак ирфоний мушоҳадаларни содда ҳаётий мисоллар, воқеалар орқали тушунтириб беради, у ҳар бир қушнинг ўз даражасига қараб сўзлайди. Аттор ўз дostonида асар сюжетини ҳеч бир воқеасиз қушларни таърифлаш билан бошлайди. Уларни Ҳақ сари сафарга даъват этади. Навоий эса қушларни таърифлаш вазифасини Худхудга юклайдики, бу дostonнинг мантиқий кучини ва ушбу тимсолнинг асардаги бадий-эстетик қувватини оширишга сабаб бўлади. Аттор талқинидаги Ҳ. ҳеч бир сўроқсиз, ўз-ўзидан Симурғни таърифлайди ва у қушларга подшоҳ бўлишга арзишини, фақат унинг ёнига бориш кераклигини айтиб, қушларни ана шу йўлга тарғиб қилади. Симурғнинг Чин мамлакатидан жилва қилиши воқеасини сўзлаб беради. Навоий талқинидаги Ҳ. эса Симурғ таърифини ҳам қушлар савол бергандан сўнг айтади ва бу ҳолатга муаллифнинг ўзи ҳам алоҳида урғу бериб, боб сарлавҳасига чиқаради. Аттор дostonидаги воқеалар еттинчи водийга келганда Ҳ.нинг вазифаси тугайди. Шундан сўнг қушлар дostonда раҳнамосиз ҳаракат қилишади. Бироқ Навоий талқинидаги Ҳ. ўзи эргаштирган қушларни энг охири лаҳзада, яъни улар фано водийсида ноумидликка тушганларида ҳам қўллаб-қувватлайди. Умидлантиради. Мана шу умид қувватида қушлар мақсадга эришадилар. Бу Ҳ.нинг комил инсон, балки Ҳаққа етган муршид эканлигини ҳам англатади. Навоий “Қушлар фано навмидлигида Худхуднинг иршодидан қувват ҳосил бўлғони” бобида уларнинг висолга эришганликларини таърифлар экан,

*Ҳам аларда бор эди мардоналиқ,
Ҳодии комилда ҳам фарзоналиқ,*

деб Ҳ.ни комил йўлбошчи сифатида баҳолайди.

Яна бирўзига хослик шундан иборатки, ҳамиша, ҳатто жамоавийликни ёқлайдиган нақшбандийлик тариқатида ҳам Ҳаққа етиб бориш йўли жамоавий эмас, индивидуал йўлдир. Демак, дostonдаги қушлар – кишилар, солиқлар тимсоли эканлигини инкор этмаган ҳолда, бошқа маънода бир кишининг турли хулқ-атворлари тимсолида гавдаланган бўлиши ҳам мумкин. Бу ўринда Ҳ. ўз-ўзини тарбиялаётган нафс (нафси лаввома) ёки Раббисини таниётган руҳ тимсоли ҳам дейиш мумкин.

Шунингдек, Навоий ўзининг худбинлик ва зоҳирга бино қўйиш, хилватнишинлик ва узлатнишинликка муносабат, молу мулкка, амал-мартаба ва куч-қудратга бино қўйишнинг зарари, зеб-зийнатга ўчлик ва шаҳватпарастликдан нафратланиш, беҳунарлик ва

беғайратликни қоралаш ва бошқа бир қатор ижтимоӣ фикрларини, ишқ олдида шоҳу гадо баробарлиги, нафс ва шайтоннинг соликка муносабати, етти водий таърифи, фақру фано ва бақо ҳамда инсон ва унинг камолотига оид фалсафий фикрларини, ваҳдат ул-вужуд ва тажаллий назарияларига доир дурдона ирфоний мулоҳазаларини дostonда Ҳ. тилидан ифода этади. Демак, Ҳ. образининг яна бир ўзига хос жиҳати – уни муаллиф дostonдаги биринчи рақамли тимсол даражасига олиб чиққан.

*Сарбасар қушлар алоло қилдилар,
Худҳуд атрофинда ғавғо қилдилар.
("Лисон ут-тайр", 16-боб)*

Навоий лирикасида Ҳ. ҳам комил, ҳам огоҳ шахс маъносида қўлланилган:

*Тожварлар оқ уйдасокин ўлса, аҳли ишқ
Ўйладурким булбулу худҳудға бўлғай бир қафас.
("Наводир уш-шабоб", 223-ғазал)*

ҲУМО, ҳумой – “Лисон ут-тайр” даги қуш образи. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида давлат қуши, бахт қуши каби маъноларни англатади. Хусусан, халқ дostonларида мамлакат подшоси вафот этгач, тахт вориси бўлмаган пайтларда учириладиган афсонавий қуш сифатида талқин қилинади. Унга кўра, қуш муносиб тахт эгасини ғойибона тарзда танлаб, унинг бошига қўнади.

Алишер Навоий “Лисон ут-тайр” да Ҳ.нинг афсонавий хусусияти ҳақида ўзига хос фикр билдириб, асосий эътиборни Ҳ. ҳақидаги ривоятга қаратади. Чунки Ҳ.нинг бахт қуши эканлиги-ю, унинг подшоларни тахтга чиқишига сабаб бўлиши фақат бир афсона бўлиб, шу пайтгача ҳеч бир тарихий асарда ҳеч қайси подшо бошига Ҳ.нинг сояси тушганлиги учун подшо бўлиб қолгани ҳақида маълумот йўқ. Худҳуд худди мана шу содда мантиққа асосланиб, “Лисон ут-тайр” да “Мен давлат қушиман”, деб даъво қилган Ҳ.нинг даъвоси ёлғонлигини исботлайди ва шундай бўлган тақдирда ҳам бундан унга ҳеч қандай фойда йўқлигини айтади.

*Бошлади узрини соҳибфар Ҳумой,
Деди:— «Эй саргашталарга раҳнамой.*

*Ондадур иқболдин поям менинг,
Ким берур тахти шараф соям менинг.
("Лисон ут-тайр", 66-боб)*

Ҳ. тимсолига Навоий лирикасида ҳам кўп марта мурожаат қилинган:

*Бир ҳумоюн қуш кеча садқанг бўлур, эй муғбача,
Қоф анқосимудур ё дайр хуффошимудур?
("Бадоеъ ул-васат", 173-ғазал)*

СИРДАРЁХОН ЎТАНОВА

**АЛИШЕР НАВОИЙ
ҒАЗАЛИЁТИДА
РАНГ СИМВОЛИКАСИ**
монография

КИРИШ

Маълумки, бадийлик асосларидан бири рамзийлик бўлиб, халқ тафаккури, оғзаки ижодининг бой анъаналари асосидаги ранг символикаси ёзма адабиётда ранг билан алоқадор образ, тимсол, рамзлар тизимини вужудга келтирди. Ўзбек мумтоз адабиётидаги ушбу тизим форс-тожик адабиёти, ислом ва тасаввуф ғоялари заминида янада такомиллашди. XII асрдан бошлаб ранг символикасининг туркий халқлар адабиёти, жумладан, ўзбек адабиётида кенг миқёсда истеъмолда бўлганлигини кўришимиз мумкин. XIV-XV асрлар ўзбек мумтоз шоирлари Атойи, Лутфий, Гадоий, Саккокий ижодида ранг символикаси билан боғлиқ образли тасвирдан кенг фойдаланилди. Ўзбек мумтоз адабиётида ранг символикаси Алишер Навоий ижодида ўзининг энг юқори чўққисига эришди.

Алишер Навоий ижоди, хусусан, лирикасида ранг символикаси лирик қаҳрамон образини гавдалантириш, унинг ўй-хаёли, дунёқараши, атроф-муҳитга муносабатини ифодалаш, психологик ҳолатини тасвирлаш жиҳатидан, айниқса, ёрқин намоён бўлади. Ранглар асосидаги символик тасвир шоир лирикасида нафақат бадий усул, балки ижодий метод ва лирик услубнинг узвий қисмига айланган. “Навоий ижоди учун хос бўлган ана шу усулнинг ҳақиқий намунасини биз унга қадар бўлган ўзбек ва форс-тожик лирикасида (тўғрироғи, ғазалчиликда) учратмаймиз”.¹ Бу эса Навоий лирикасидаги ранг символикасини монографик планда махсус тадқиқ этиш бугунги адабиётшунослик учун долзарб эканлигини кўрсатади.

Китобда Алишер Навоийнинг тўлиғича ранг символикаси асосига қурилган ғазаллари шоир дунёқараши, эстетик принципларига боғлиқ равишда таҳлил қилинганлиги, ранг символикасининг образлилик, бадий колорит, лирик қаҳрамон маънавий-психологик ҳолатини очиб беришдаги роли ёритилганлиги, шоир ғазалиётидаги ошиқ ва маъшуқа образларининг ички структураси ранг символикаси воситасида очиб берилганлиги билан ҳам белгиланади.

Ишга жалб этилган манбалардаги ранг билан боғлиқ бўлган рамз, образлар олами, символикаси махсус ўрганилмаган. К.Т.Мустаевнинг китобида «Алпомиш» достонидаги ранг рамзлари², М.Содиқовнинг номзодлик диссертациясида ўзбек тилидаги ранг билдирувчи сўзлар ўрганилган бўлса³, Б.Бафоевнинг айрим мақолаларида ранглар тилшунослик нуқтаи назаридан қисман таҳлил этилган⁴. «Хазойин ул-маоний» девони асосида яратилган Ё.Исҳоқовнинг «Ранглар рамзи» номли мақоласи мавзуга оид илк жиддий тадқиқот ҳисобланади⁵. Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонида ранг символикасига бағишланган мақолада С.Ҳасанов муҳим илмий-назарий хулосалар билдирган⁶. И.Ҳаққуловнинг “Яна

¹ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 124.

² Мустаев К.Т. Поэтика цвета и числовых знаков-символов в «Песне о Роланде» и «Алпамыше». – Самарканд: Зарафшон, 1995. – 152 с.

³ Содиқова М. Ўзбек тилида ранг-тус билдирувчи сўзлар: Филол. ном... дисс. – Тошкент, 1963. - 168 б.

⁴ Бафоев Б. Навоий ғазалларида ранг билдирувчи сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1984. - № 5. – Б. 51-56; Бафоев Б. Навоий назми тилида қизил синонимлари, синтагмалари ва улардаги маънодошлик // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1984. - № 5. – Б. 37-41; Бафоев Б. Навоийнинг «Фавойид ул-кибар» девонида ранг маъносидаги сўзлар // Адабиёт кўзгуси. – 2002. - № 7. - Б. 20-24.

⁵ Исҳоқов Ё. Ранглар рамзи / Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 123-138.

⁶ Ҳасанов С. Гўзалликдаги ранглар олами / Навоийнинг етти тухфаси – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. - 192 б.

қора ранг ҳақида” сарлавҳаси остидаги мақоласида эса фақат қора рангга тўхталинган¹. С. Жуматованинг «Ҳозирги ўзбек шеърлятидаги ранг билан боғлиқ рамзий образлар» номли номзодлик диссертациясида эса XX аср ўзбек шоирлари ижодида қўлланилган ранг рамзлари кенгроқ тадқиқ этилган².

Европа ва жаҳон адабиётида рангларнинг турли хусусиятлари ўрганилган бўлиб³, жумладан, немис олими И.В.Гётенинг «Ранг ҳақида таълимот» китобида рангларнинг физиологик, психологик жиҳатларига эътибор қаратилиб, улар илиқ ва совуқ рангларга ажратилган. Туркия ва Озарбайжон олимларининг мазкур мавзуда олиб борган ишлари анчагина салмоқли бўлиб, ранг кишиларнинг кундалик турмушига чуқур сингишганлиги, шунинг учун уларнинг миллий урф-одатларида, санъат ва адабиётида муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. Л.Н.Миронованинг «Рангшунослик» китобида эса, дастлаб қандай ранглар пайдо бўлган, унинг архитектура, ҳайкалтарошлик, қурилишдаги ўрни, адабиётда қандай тасвир этилганлиги, ниҳоят, рангнинг амбивалентлиги ҳақида фикр юритилади.

¹ Ҳаққулов И. Яна қора ранг талқини ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2001. - № 3. - Б. 17-24.

² Жуматова Н. С. Ҳозирги ўзбек шеърлятидаги ранг билан боғлиқ рамзий образлар: Филол. фан. номз... дисс. - Тошкент: 2000. - 126 б.

³ Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. - Душанбе: Дониш, 1987. - 108 с.; Kurbanov S. Azerbaijan halisinda renklerin uygulanmasi // Turkiyat Arastirmalari Enstitusu dergisi. - Erzurum, 2001. - S. 211-214; Алексеев С.С. Цветоведение. - М.: Искусство, 1952. - 148 с.; Ганж Р. Турк инончлари ва миллий урф-одатларида ранглар. - Анкара, 1997. - 77 б.; Гёте И.В. Избранные сочинения по естествознанию. - М.: Наука, 1957. - 553 с.; Кононов А. Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник. М., 1978, 171-178 с.; Миронова Л.Н. Цветоведение. - Минск: Вышэйшая школа, 1984. - 287 с.; Молчанова О.Т. Прилагательные семантические поля «чёрный цвет» и «белый цвет» в ономастиконе алтайцев // Советская тюркология. Баку, 1985. - № 3, 30-42-с.; Саидов М. Кўк, оқ, қора рангларнинг эски инончлар ила алоқаси // Озарбайжон ФА хабарлари, 1978, № 2, 52-54-бетлар.; Соловьев С.М. Изобразительные средства в творчестве Ф.М. Достоевского. Очерки. Часть 4 - Цвет. - М.: Советский писатель, 1979. - 352 с.; Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в исламе. - М.: Наука, 1989. - 328 с.; Шукуров Ш.М. «Шах-наме» Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция. - М.: Наука, 1983. - 176 с.

1-БОБ. РАНГ, УНИНГ ТАРИХИ ВА БАДИИЙ АДАБИЁТДА ЎРИНЛАШИШИ

1.1. ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА РАНГ СИМВОЛИКАСИНING ЎРНИ ВА РОЛИ

Шарқ мумтоз шеърияти мазмун-мундарижасининг кенг қамровлилиги, поэтик тасвир йўлининг ўзига хослиги, образлари оламининг ниҳоятда бой эканлиги билан юксак эътиборга сазовор. Бу шеъриятда рамзий-мажозий тасвир устувор бўлиб, таҳлил ва талқинлар сўз, тимсол, рақам ва оҳанг билан бир қаторда, ранглар символикаси ҳам мазкур устуворлик ва ўзига хосликни таъминловчи омил эканлигини кўрсатади.

Фанда рангга шундай таъриф берилади: «Ранг – моддалар чиқарган ёки қайтарган нурланиш спектрига мос равишда ёруғликнинг муайян кўриш туйғусини ҳосил қилиш хоссаси. Ранг - (тасвирий санъатда) – ранг-тасвирнинг асосий ифода ва тасвир воситаси. Ранг орқали рассом мавжуд борлиқни ҳаққоний акс эттиради. Табиатдаги бор ранглар ахроматик ва хроматик рангларга бўлинади. Ахроматик рангларга оқдан тўқ қорагача бўлган бўёқлар, қолганлари хроматик (қизил, сариқ, кўк ва ҳ.к.) рангларга киради. Хроматик ранглар, ўз навбатида, иссиқ (қизил, сариқ, зарғалдоқ) ва совуқ (кўк, мовий, бинафша), шунингдек, ҳар иккисига кирувчи (бинафша, яшил) рангларга ажратилади»¹.

Етти хил камалак (спектр) рангини бир-бирига аралаштириш орқали 280 дан ортиқ ранг тусланишини ҳосил қилиш мумкин. Ранг инсон руҳиятига кучли таъсир этувчи восита бўлиб, у инсонда қувонч ва маъюслик, тетиклик ёки ғамгинлик, хотиржамлик ёки безовталиқ туйғуларини уйғотиши мумкин. Рассом учун рангнинг ана шу кучи муҳим омил бўлиб, улар асарнинг ғоявий-пластик ечимида муҳим роль ўйнайди.

Инсоният тарихида рангларнинг турли рамзий маъноси бўлиб, улар маълум жамият гуруҳларининг этник, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётидаги у ёки бу ҳақиқатларни акс эттирган. Одамлар рангни энди фарқлай бошлаганларида дастлаб оқ, қизил ва қора рангни ўзаро ажратишган. Улар оламни тушунишдаги мифологик тасаввурларида (масалан, қизил ранг орқали олов, қуёш ёки қон, ҳаёт жўшқинлигини тушунганлар), урф-одатларда (қора ва кўк ранглар мотам белгиси), давлат ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида, ҳатто туш кўрганда (масалан, яшил ранг бахт ва омад рамзи²) ҳам маъно-моҳиятни бевосита ранг билан боғлашган. Дехқончилик ва чорвачилик асосий эҳтиёжга айлангандан кейин хитойликлар ва юнонларда сариқ (ер) ранг ҳам истеъмолга олиб кирилган.

Шарқ мамлакатлари дунё сайёралари ва ҳафтанинг ҳар бир кунини ўзига хос ранг билан юритганлар: 1. Қора – Шанба – Зуҳал (Сатурн); Сарик – Якшанба – Қуёш; яшил – Душанба – Ой; Қизил – Сешанба – Миррих (Марс); Кўк – Чоршанба – Уторид (Меркурий); Сандал – Пайшанба – Муштарий (Юпитер); Оқ – Жума – Зуҳра (Венера). Улар дунёнинг тўрт жиҳатини ҳам тўрт хил ранг билан номлашган: шарқ - яшил ёки кўк, ғарб - оқ, жануб – қизил, шимол – қора. Ер марказини эса сариқ ранг билан ифода этганлар. «Шаманларда Эзгулик илоҳи Улгеннинг олтин эшикли саройи ва тахти бўлган. Бу тахт турган жой эса дунё маркази деб ҳисобланган. Бундан ташқари, худди шу – шаманлик даврида муҳим роль ўйнаган ва бугунга қадар яшаб келаётган икки Рух бўлган: бири Албасти (туркча, қизил кўйлак-

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-том. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – Б. 49.

² Таъбирнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – Б. 33.

ли), иккинчиси Сари Албасти (Сариқ кийимли). Одамлар доимо ёрдам сўраб уларга илтижо қилганлар»¹. Эҳтимол, шунинг учун туркий халқларнинг Хун империясида, хоразмшоҳлар, фотимийлар, айюбийлар, Мисрда давлат ташкил этган мамлукларда, усмонлилар, Олтин Ўрда ҳоқони Ботухон даврида, шунингдек, Темур давлати ва унинг сулоласи ҳукмронлик қилган бобурийлар империяси даврларида ҳам сариқ ранг давлат рамзи сифатида уларнинг байроғида акс этган.

Қадимги Хитойда табиат ҳодисаларига (унсурларига), йил фаслларига, планеталарга ва барча нарсаларга алоҳида ранг берилган. Қуйидаги жадвалга кўра, Хитойда куз фасли шоли (оқ буғдой) йиғим-терим даври эканлиги учун ҳам оқ ранг билан берилган².

Ранг	Йил фасли	Унсурлар, нарсалар	Ер томонлари	планеталар	хайвон рамзлари
яшил (ёки кўк)	баҳор	дарахт	шарқ	Юпитер	аждаҳо
қизил	ёз	олов	жануб	Марс	қақнус
оқ	куз	металл	ғарб	Венера	йўлбарс
қора	қиш	Сув	шимол	Меркурий	тошбақа
сариқ	ёзнинг охири	ер	марказ	Сатурн	илон

Бундан ташқари, куз ғарб билан алоқадорликда, ғарб эса – ўлим, ғам-андуҳлар юрти ҳисобланади. Чунки Хитой ва Японияда мотам ранги оқдир.

«...Туркий халқлар қадимданоқ оқ, кўк, қора ранглари ўз ибтидоий турмушларининг маълум қирралари билан боғлаб тушунганлар. Масалан, улар дунёнинг бир қисми бўлмиш ўликлар оламини оппоқ – йўқлик рангида идрок этишган ва уни кўриб бўлмастик мисолида буни тасдиқлашга уринишган. Азада оқ рангдаги кийим ўликлар ва тириклар дунёси ўртасидаги алоқа тимсолида кийилади. Қора рангдаги кийим эса одам ўлган – ёмон кунда шу ёмонликнинг, оғир мусибатнинг рамзи сифатида кийилади. Чунки аждодларимиз ёмонлик ва ўлимни қора рангда тасаввур қилишган. Кўк ранг сув ва осмон рангидир. Улар эса марҳумлар руҳи кўним топадиган манзиллардан ҳисобланади. Шу сабаб кўк ранг мотам маросимида ва унга алоқадор йиғи-йўқловларда азадорлик рамзини ифодалаб келади. Мотамдаги аёлнинг эса юраги ҳижрон, айрилиқ азобидан қонга, ҳасратга тўлади, ранги-рўйи ғамдан сарғаяди. Азадан чиқишнинг ўзига хос тартиби ва иримлари бор. Аза рўмоли ўрнига шодлик, ўйин-кулги, саломатлик рамзи сифатида қизил дурра танғиб қўйилади»³.

Урмитанликларда азадан чиқиш жараёнида бош устига яшил барг қўйилади. Бу одат ғам тугаб, янгича ҳаёт бошланганлигини рамзий ифода этади. Чунки яшил барг ҳаёт рамзи ҳисобланади. Яқин қариндошлар эса кўк ёки қора кийим киядилар. Оқ рангдаги кийим кийиш эса бу азадорликдан чиқиш деганидир. «Қутадағу билиг»дан олинган қуйидаги мисралар ҳам фикримизни қувватлайди:

*Туман йилдан бери маъюс тул эдим,
Энди бу туллик кийимини ечиб, оқ либос кийдим⁴.*

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисга кўра бундай дейилади: «Расулуллоҳ (С.А.В) мусул-

¹ Res'at Genc'. Turk inanis'lari ile milli geleneklerinde renkler ve sariб kirmiziб yes'il. – Turk Tarih Kurumu Basimevi, Ankara, 1997. – S. 31.

² Л. Н. Миронованинг «Цветоведение» китобидан олинди. Мазкур жадвал кўпгина шарқ халқларининг дунёқарашларини умумлаштиради.

³ Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Тошкент: Фан, 2004. – Б. 78-79.

⁴ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадағу билиг. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 73.

монларга қарата: «Ўзларингга оқ кийимни маъқул кўринглар, яъни оқ кийинглар, чунки у кийимларнинг покроғи ва яхшироғидир. Ўликларни ҳам оқ газмол билан кафанланглар», – дедилар.

Бошқа диндаги кўпгина халқлар ҳам «мархумнинг оқ кафани – бу инсоннинг илоҳий даражага кўшилиши белгиси» деб ҳисоблайдилар. Бу эса оқ рангдан гарчи мотам, қайғули дамда фойдаланилса-да, моҳиятида ижобийлик, ёруғлик, мархумга яхшилик истаги бор эканлигини англаш мумкин.

«Авесто»да Анаҳитанинг айнан тўртта оқ тусдаги от қўшилган аравада юриши ҳам оқ рангдаги улуғворлик, кучлилиқ сифатларига урғу берилганлигидан далолатдир.

*Тўртта тулпор қўшилгандир аравасига
Тўрттови ҳам бир тусда – оппоқ!¹*

Оқ рангдаги кийим, айниқса, хун халқлари улуғлари, ҳарбийлари учун бир шуҳрат нишонаси каби кўрилган. Оқ от эса ўрда ичидаги буюк рутбалиларни (мансабдорларни) аскарлардан айирган бир ишора эди². Бу одат турклардан мўғулларга ҳам ўтган ва Чингизхон давлатида ҳам давом этган. Ҳақиқатан ҳам, биз Чингизхоннинг императорлик байроғи, яъни туғининг тўққиз учли оқ байроқ бўлганини биламиз. Улар оқ рангни шунчалик муқаддас деб билишганки, уни «нопок» ҳайвонлар учун қўлламаслик мақсадида от ва бошқа ҳайвонларнинг оқ туслисини ҳам «қизил» деб атаганлар³.

Кундалиқ турмушимизда «оқсуяк» ибораси ҳам учраб туради. Бу ҳам оқ рангининг ҳукмдорлар, насли-насаби тоза кишилар билан боғлиқ улуғворлик, кучлилиқ маъноларига яна бир ишора этилиши билан боғлиқдир.

Сариқ ранг – қуёш, ҳаёт, муқаддаслик рамзий маъносига эга. Қадимги хитойликларда у бахт, шодлик мазмунида ишлатилган бўлса, Европада, аксинча, нафрат туйғусини ифодалаган. Японларда эса сариқ ва нофармон гуллардан мотам маросимлари учун гулчамбар тайёрланган. Шунинг учун бу рангдаги гуллар ҳозир ҳам совға сифатида тақдим этилмайди.

Қора ранг – мотам, чексизлик, кўрқув, ўлим, мавҳумлик рамзи бўлса, қизил ранг – ғалаба, хурсандчилиқ, шодлик, тириклик, олов ва қон симболидир. Қадимги немисларда бу ранг кучлилиқ ва уруш, қон ва ҳаёт маъноларида қўлланилган.

Яшил ранг – табиатнинг уйғониши, баҳор, ишонч рамзи. Кўпгина халқларда навқиронлик, умид ва шодмонлик тимсоли ҳисобланади. Яшил ранг – кишиларнинг кайфиятини кўтариб, дам олдиради, қон босимини пасайтиради.

Кўк ранг эса тинчлантирувчилик хусусиятига эга.

Қомусий олим Ибн Сино бир ўринда рангларнинг шифобахшлиги хусусидаги фикрларини шеърӣ шаклда шундай баён этган:

*Қора, яшил рангдан кўзга бор манфаат,
Шу ранглардан басиратинг топгай қувват.
Оқу сариқ ранглар ҳаддан ошса агар,*

¹ Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Шарқ, 2001. Б.171.

² Ганж Р. Турк инончлари ва миллий урф-одатларида ранглар. – Анқара, 1997. – Б.21.

³ Содиқова М. Ўзбек тилида ранг-тус билдирувчи сўзлар. Филол. фан. ном... дисс. – Тошкент, 1963. – Б. 66.

Бундан сенинг кўзларингга етгай зарар¹.

Ранг билан боғлиқ урф-одатлар, анъаналар, кундалик турмуш ҳодисалари қадимги кишиларнинг эстетик тафаккури тўғрисида ёрқин тасаввур берувчи бир воситадир. Шу маънода оқ ранг семантикасига алоқадор ҳақиқатлар унинг ҳаётда нима учун шу қадар кенг ўрин эгаллаганлигини, француз олими Ньютоннинг оқ рангни бежиз спектрдаги бош ранг деб атамаганлигига ишора этади.

Оқ ранг кун ёруғлигининг мифологик эквиваленти бўлиб, ҳар доим эзгулик мазмуни касб этган, шунингдек, бу ранг ҳаётбахш омиллар – сут ва буғдойни, чанқоқликни босувчи, танани покиза қилувчи – сувни, булутлар, ҳалоллик, ёруғлик кабиларни ўзида ифода этган. Шу боис энг қадимги даврларданоқ оқ ранг билан эзгулик, кўпайиш ва илоҳийлик каби хусусиятлар боғланади. Туркий халқлар тарихининг шаманлик даврига оид маълумотларга кўра оқ ранг улуғлик, адолат, кучлилик маъноларида кенг қўлланилган². Олтойликларда оқ ранг тўғрилик, гўзаллик, улуғворлик маънолари билан бирга, улуғ Тангрининг яратувчилик ва яхшилик кучларини йиғувчилик сифатларини ҳам билдирган бўлса³, Жанубий Сибирдаги туркий халқларда эса оқ ранг эпик ва тарихий ном сифатида ҳам учрайди: Оқ Қоон, Оқ Мўлат ва бошқалар. Н. Б. Бахилинанинг эътироф этишича, қадимги руслар учун оқ ранг фариштанинг мартабаси, саодатли қиёфасини тамсил этган⁴. Африка халқлари эса оқ рангни шодлик ва бегуноҳлик аломати деб билишган. Мусобақада ғолиб чиққан ва озод қилинган қулга оқ кийим кийдиришган⁵.

Шунингдек, оқ сўзи билан боғлиқ кўплаб географик номлар мавжуд – Оқдарё, Оқсув, Оқсой ва ҳоказо. Қизиқарлиси шундаки, бу атамалар бевосита ранг билан боғлиқ бўлмай, балки қор сувларига тўйинишдан пайдо бўладиган чучук сувли дарёга нисбатан ишлатилади. Бу ҳолат қирғизларда, озарбайжонларда, қозоқларда, олтойликларда ҳам учрайди⁶.

Хоразмликларда «оқ ер» атамаси суғорилмаган ерларга нисбатан ишлатилган.

Азалдан кишилар янги уйга кўчиб ўтишдан олдин хонага, уйнинг устунларига ва шифтига ун сепишган. Айрим жойларда ҳануз келинникига куёв томонидан келган қудаларга ун сепишади. Халқимиз, одатда, келин-куёв йўлига оқ пояндоз тўшайди⁷.

Анъанага кўра чорвадор аҳоли оқ уйларни, асосан, ўғил уйлантириш вақтида қурганлар. Янги турмуш қурган ёш келин-куёв ана шу оқ уйда яшаган. Бизнингча, ёш келин-куёвлар учун оқ рангли ўтов тикланишида рамзий маъно ҳам мавжуддир. Чунки кўпчиликка маълумки, дунёнинг деярли барча халқларида оқ ранг поклик, бахт-саодат ва эзгуликни билдирувчи тимсол ҳисобланади. Оқ кигизга эга бўлмаган камбағал оилаларда никоҳ уйи қора рангли кигиз билан қопланиб, усти оқ мато билан ёпилган⁸. Кўчманчи ўзбек уруғлари – қипчоқ, кўнғирот, қурама, лақай, қарлуқ, дўрмон ва бошқалар ҳамда қозоқ, қорақалпоқлар-

¹ Шоисломов Ш. Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърий асари (Уржуза). – Тошкент: Фан, 1972. – Б. 59.

² Ганж Р. Турк инончлари ва миллий урф-одатларида ранглар. – Анқара, 1997. – Б.14.

³ Молчанова. Прилагательные семантических полей «чёрный цвет» и «белый цвет» в ономастиконе алтайцев // Советская тюркология. – Баку, 1985. – № 3. – С. 39.

⁴ Бахилина Н.Б. История цветообозначений в русском языке. – М.: Наука, 1979. – С. 26.

⁵ Миронова Л.Н. Цветоведение. – Минск: Вышэйшая школа, 1984. – С. 85.

⁶ Молчанова О.Т. Прилагательные семантических полей «чёрный цвет» и «белый цвет» в ономастиконе алтайцев // Советская тюркология, Баку, 1985, № 3. С.38.

⁷ Тошева Г. Қашқадарё воҳаси тўй маросимлари: Тарих фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: Ўз Р ФАТИ, 2003. – Б. 14.

⁸ Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. – Тошкент: Фан, 1974. – С. 225.

да никоҳ тўйи куни тикланадиган уй оқ уй ёки оқ ўтов деб аталган.

Бундан ташқари, қирғиз халқ эпоси «Манас»да Манаснинг отаси Жақип совчиликка борар экан, келин учун аталган сарполар устига оқ гиламдан ёпу ёптириши айтилади: «... Жақип чол пайсалламай, ўрnidан кўзғалиб, оқ чодирини буклатиб, олти отга молу дунё юклатиб, оқ гиламдан ёпу ёпдириб, олти йигитни карвон олдида чоптириб, Бухорога жўнаб қолди, денг»¹.

Аслида, ранг билан боғлиқ асрий ҳақиқатларнинг мукамал тасвири Куръони каримда берилган. Айниқса, қуйидаги оятларда иймонли, софдил кишиларнинг қиёмат кунида юзлари оқ (ёруғ) бўлиши алоҳида таъкидланган: «(Қиёмат) Кунида мўминларнинг юзлари оқ бўлур, (кофирларнинг) юзлари қора бўлур. Сўнг юзлари қора бўлган кимсаларга айтилуру: Иймон келтиргандан кейин яна кофир бўлдингларми?! Бас, кофир бўлганингиз касофати-га мана бу азобни тотиб кўрингиз! Юзлари оқ бўлган зотлар эса Аллоҳнинг раҳмати(жаннат)да бўлиб, ўша жойда абадий қолажаклар»². Шубҳа йўқки, бугун халқимиз орасида кенг ёйилган, қўлланиладиган «юзи оқ» ва «ёруғ олам» ифодалари ҳам оқнинг миллатимизнинг маънавий ва миллий ҳаётида қозонган адолат, тўғрилиқ, ҳақиқат, юксаклик ва кучлилиқ маънолари билан боғлиқдир.

Бизга маълумки, Фирдавсий «Шоҳнома»си қадим Эрон ва Турон халқларининг ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший турмуши ҳақида ёрқин тасаввур берувчи солномадир. Н.М. Шукуров дostonда рангларнинг семантик, символик, сюжетли мундарижасидан ўринли фойдаланилганлигини таъкидлаб, жумладан, шундай ёзади: «Воқеалар ривожининг ижобий ёки салбийлик тарафига ривожланиши билан золимларнинг мағлубияти ёки яхшиликнинг ғалабаси уларга мос ранглар билан берилади»³. Ҳақиқатан ҳам, doston билан танишиш жараёнида биз баён этилган фикрларнинг ёрқин исботига дуч келдик. Масалан, кун кеч бўлганда Фаридун Заҳҳокка қарши жангга чиқар экан, ундан яхшиликнинг хуш бўйи келаётганлиги, у бамисоли жаннат фариштасидай эзгулик, ёруғ келажакка умид уйғотувчи нажоткордай тасвир этилади. Эътиборлиси, ундан таралаётган бўй оддий эмас, балки қимматбаҳо қора мушк эканлигида:

*Қоп-қора чодирга буркангач олам,
Яхшилик кўзлабон келди бир одам.
Оёққа тушади қаро мушк бўйи,
Жаннат ҳури эди унинг ранг-рўйи»⁴.*

Ёки:

*Хурушига берди заъфарон гулоб,
Ёнида кўп йиллик ёқут ранг шароб»⁵.*

Ш. Турдимов халқ қўшиқларида ишлатилган рамзларни олти гуруҳга ажратади ва мазкур гуруҳнинг бирини ранг рамзлари ташкил қилади⁶. Дарҳақиқат, халқ оғзаки ижодида, хусусан, қўшиқ, лапар, dostonларда оқ ранг йигит, эр киши маъноларида қўлланилган бўл-

¹ Манас. Қирғиз халқ эпоси. 1-китоб. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1964. – Б. 378.

² Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур. Оли-Имрон сураси. 106-107-оят. – Бишкек, 2001.

³ Шукуров Ш.М. «Шах-наме» Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция. – М.: Наука, 1983. – С. 113.

⁴ Фирдавсий. Шоҳнома. Танланган dostonлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984. – Б. 61.

⁵ Кўрсатилан китоб. – Б. 37.

⁶ Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных лирических песнях: Автореф. дисс. ...канд. фил. наук: Ташкент, 1987. – С. 13.

са, қизил ранг қиз, аёлнинг рамзи ўлароқ тушунилган. «Китоби Дада Қўрқут»да хонлар хони Бойинтур йилда бир тўй қилади ва шундай фармон беради: «Ўғли борни оқ ўтовга, қизи борни қизил ўтовга қўндириг, кимнингки ўғли-қизи йўқ бўлса, қора ўтовга ўтказинг, қора кигиз тўшанг, қора қўйнинг сонидан қўйинг, егани есин, емагани кетсин, ўғли-қизи бўлмаганни эгам қарғагандир, биз ҳам қарғармиз»¹.

Халқ қўшиқларидан бирига эътибор берайлик:

*Қизил гул билан оқ гул,
Хуш бўлибди ёр-ёр.
Куёв қўлига келин
Қуш бўлибди ёр-ёр*².

Мазкур тўртликда ҳам «қизил гул» қизнинг, «оқ гул» эса йигитнинг тимсоли бўлиб келган.

Навбатдаги мисолда эса «оқ уй» бахтиёр турмуш кечираётган оиланинг рамзи ҳисобланади:

*Оқ уйингга васса тердим,
Санамадинг жуфти-тоқ,
Оқ уйингдан ёр чиқади,
Қоши қора, юзи оқ*³.

Сариқ рангнинг кишилик жамиятининг ижтимоий-маданий, маиший турмушида қай даражада мувофиқлашганлигининг бадиий ифодаси халқ қўшиқларида яққолроқ намоён бўлади:

*Гул сариқ, рангим сариқ,
Сарғайганимни ким билур?
Сарғайиб эшикда турсам,
Меҳрибон ёрим келур*⁴

Ёки:

*Марвариддек ялтирайди янги ёр олган киши,
Заъфарондек сарғаяди ёридан айрилган киши*⁵.

Маълум бўлаётирки, лирик қаҳрамон юзининг ёрини кута-кута сарғайишини сариқ гулга муқоясаланиши, янги уйланган кишининг марвариддек ялтираб, айрилиқда кишининг заъфаронга ўхшаб сарғайиб кетишига зид қўйилиши ошиқ ва маъшуқанинг ички кечинмаларини, айрилиқ, ҳижрон мотивларининг ёрқинроқ очилишида муҳим ўрин тутган.

*Узик мани қумитти,
Соқинч манга юмитти,*

¹ Қўрқут ота китоби. Эпос // Ёшлик. - Тошкент, 1988. - № 5. - Б. 39.

² Ўзбек халқ ижоди. Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. - Б. 165.

³ Кўрсатилган китоб. - Б.134.

⁴ Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. - Б. 25.

⁵ Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. - Б. 22.

*Кўнглум ангар амитти,
Юзу манинг сарғарур.*

(Унинг севгиси мени ҳаяжонга солди, Бошимни қайғулар ўраб олди. Кўнгул унга боғланиши билан юзим сарғайди)¹.

Ошиқнинг ишқи тушган қиз ҳали «жабр» қилишга улгурмай туриб, унга эндигина кўнгил қўйиши биланоқ юзи сарғая бошлади. Демак, сариқ ранг нафақат айрилиқ, ҳижрон, ёр «жабр»ининг рамзи, балки муҳаббатнинг атрибутларидан бири эканлиги «Девон»да ўз тасдиғини топган. Шунингдек, бошқа бир тўртликда қора хол ёр гўзаллигининг ажралмас қисми эканлиги аён бўлади:

*Булнар мёнїё улас кбз,
Қара мёңїз қїз їлїўз.
Андїн тамар тўка тўз,
Булнар їана ол қачар.*

(Мастона кўзли, кўркам юзли, қоп-қора холли севиклим, ёноқларидан ёқимлилик томаётгандек мени асир қилади. Асир қилади-да, сўнг қочади)².

Ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланишида, кишилар қалбидаги орзу-армонларини, дард-аламларини, эзгу истак-ниятларини ифода этиш учун ранг тасвирлари, ранг символикаси ҳал қилувчи аҳамият касб этиши ўз-ўзидан бўлмаган.

*Бош ёрилса бўрк ичида,
Кўл синса, енг ичида.
Сарғайиб адо бўлдим,
Чордеворнинг ичида.*

Одатда, ўзбекларда бошга тушган қийинчилик, дард-аламни ошкора қилмаслик, чидамли бўлиш учун мазкур мақолни кўллайдилар. Эзилишнинг қайғу-ҳасрат, дард-алам чекишнинг чексиз даражасини англатиш учун гулдек яшнаган юз сомонга таққосланади.

«Оқ уйда бўлган киши олачиқда ҳам бўлади»³ мақолидаги оқ уй устига оқ кигиз ёпилган ўтов бўлиб, одатда, хону беклар, кўчманчи чорвадорларнинг катта бойлари истиқомат қилганлар. Олачиқ эса олди очик, кичик, кўримсиз, ҳатто олдида эшиги бўлмаган ўтов ёки қапа. Бу мақол орқали бойлик билан керилмаслик, мағрурланиб кетмаслик ҳақида кишиларга сабоқ берилган. «Оқ кўнгиллининг юзи кўркам», «Оқ шунқорнинг боласи емлигига қарамас, емлигига қараса, шунқорликка ярамас» каби мақолларда эса «оқ» сифатловчиси ўзи боғланиб келган сўзлар билан софдиллик, мардлик каби чин инсоний туйғуларнинг ифодаланишига хизмат қилган. «Қизил»ни кўрса Хизр ҳам йўлдан озади» мақоли билан эса халқимиз бойликка учиб, ўз обрўсини ерга урадиган кишиларга киноя қилади.

¹ Кошғарий М. Девони луғотит турк. I том. – Тошкент: Фан, 1960. – Б. 87.

² Кўрсатилган китоб. - Б. 92.

³ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома: Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси, 1990. – Б. 336.

Соч-соқолнинг оқариши қарилик етганлигининг бир белгиси. Кекса кишилар эса кўпни кўрган, тажрибали бўлишади, шунинг учун ҳам оқ соқолли кишида донолик, улуғлик хи-слатлари мужассамлашган бўлади. Юсуф Хос Ҳожибга кўра, кексарганда оқ кўнгилли ҳам бўлиш кишининг кўрки ҳисобланади:

*Қайси бир бошга оққуш туси кирса,
Киши кўнгилни оққуш каби оқ тутиши керак¹.*

«Алпомиш» достонида Бойбўри чопарларни Барчинга «...мактубни Алпомишнинг қўли-га бердик», деб ёлғон айтишга мажбур қилиб жўнатади. Барчиннинг хатини ўқиб йўлга тушган Алпомишга узоқдан қора кўринади. Яқинлашиб келганда у қора ўн чопар эди. «Ўн чопар Ҳакимбекни кўриб: «Оқ юзли – обрўли бўлдик», - деб отдан тушиб таъзим қилди»².

Кўринадики, туркий халқларнинг машҳур қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш»да ҳам ран-глар орқали кўплаб рамзий маънолар намоён бўлган. Масалан, Алпомиш Барчинни тушида кўргач, уни қутқаришга қатъий киришади: «...оқ қубба келган, қизил чиройли, хўб барка-мол, яхши қиз экан», - деб отланиб ётибди»³.

Достондан маълум бўлишича, кўк ёки яшил рангли кийимни бадавлат, бахтиёр ҳаёт ке-чираётган кишилар кийишган:

*Устимга кийганим менинг яшил, кўк,
Ғарибликда бўлармикан кўнгил тўқ,
Саман отли, саржиғали бек йигит,
Бир олтойга сиздан муҳлат сўрайин.*

Ёки Барчин бир ўринда Қоражонга қарата:

*Устима кийганим кимхоб кўк эди,
Сенга ўлжа бўлган Ҳакимбек эди.*

Бадий адабиётда, жумладан, мумтоз шеърятда ранг билан бевосита алоқадор ҳақиқат-лар тасвири муҳим ўрин тутаяди. Бу тасодифий ҳодиса эмас, албатта. Чунки Одам Ато туғи-либ, кўз очган дунё рангли дунёдир. Шунинг учун ранг инсонга алоҳида таассурот бағи-шлайди. Зеро, Қуръони каримнинг ҳам бир неча оятларида дунёнинг барча яратилганлиги турли-туман рангларда яратилганлиги айтилади. Масалан, бу ўринда: «... Аллоҳдан ҳам гў-залроқ ранг бергувчи борми?...»⁴, «Аллоҳ осмондан сув (ёмғир-қор) ёғдириб, унинг ёрдами-да рангу рўйлари турли-туман бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми?», «Яна тоғлар орасида оқ-қизил - ранго-ранг йўл (ли тоғлар) ҳам, тим қора (тоғлар) ҳам бордир»⁵, «Шунингдек, одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ранг-баранглари бор-дир...»⁶ каби оятларни эслатиш мумкин.

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 217.

² Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 213.

³ Кўрсатилган китоб. Б. 243.

⁴ Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур таржимаси. – Бишкек, 2001. – 2:138

⁵ Кўрсатилган китоб. - 35:27

⁶ Кўрсатилган китоб. - 35:28

Ислом санъати ўзининг юксак жозибаторлигига қарамасдан, устун тартиблилиги билан ажралиб туради. Шеърларда ҳаддан ташқари кўп бўлган ҳиссиётлар ўлчамда, қофияда қатъий қоидалар билан мураса қилади. Оламнинг рангли манзараси ҳам худди шундай: бир қарашда гўё туганмас кўп рангли, ранг-барангдек, лекин аслида ҳар бир ранг ўз ўрнида, ҳар бирида муайян маъно ёки рамз яширинган бўлади.

Бадиий адабиётдаги ранг символикасини чуқурлаштирган назария «вахдат ул-вужуд»-дир. Бу назарияга кўра олам, ундаги жамики нарсалар Аллоҳ сифатларининг зухурланиши, тажаллисидир.

Таъкидлаш зарурки, вахдат ул-вужуд гарчи диний-фалсафий тушунча бўлса-да, лекин у шоирлар ижодида, аниқроқ айтганда, бадиий асарларида ҳам кенг талқин этилган. Бунинг исботини Шарқнинг машҳур шоирлари ижодида яққол кўриш мумкин. Улуғ ўзбек шоир ва мутафаккири Алишер Навоий ижодиёти ҳам бундан мустасно эмас.

Аввало шуни айтиш лозимки, вахдат ул-вужуд масаласи Навоийнинг лирик ва эпик асарларида ўзининг изчил бадиий талқинини топганлиги билан ажралиб туради. Бунинг эса асоси бор. Воқеан, Навоийнинг бу борадаги қарашлари чуқур ҳаётий ва мантиқий заминга эга эди. Дастлаб, улар ҳақида тўхталмай туриб, улуғ шоир ижодидаги бу масаланинг талқинини тадқиқ этиш мушкул.

Навоий ижодида вахдат ул-вужудни мустаҳкамлаган илк манбалар Қуръони карим ва ҳадислар эканлиги равшан. Хусусан, Қуръонда Аллоҳ тавҳиди чуқур асосланган. Шу сабабли барча сўфийлар ва мутасаввиф шоирлар бу борада унга таянишади. Мутасаввиф шоир Санойи илоҳий тажаллиётни қуйидагича поэтиклаштирган:

*Ранг-баранг акс этса-да, ашёлар жами,
Бир рангга айлантирар ваҳдатнинг хуми.
Рангларнинг бирлашиши ҳамма у бўлгандир,
Ипнинг ҳам нозиклашиб, бир тола бўлгандек¹.*

Маълумки, тасаввуф тариқатлари жуда хилма-хил бўлиб, ислом дунёсида XII-XIV асрлардаёқ унинг асосий тармоқлари шаклланиб улгурган эди. Ўрта Осиё ҳудудларида, асосан, ясавия, суҳравардия, кубравия, мавлавия, қодирия, нақшбандия сулуқлари тарқалган.

«Кубравия, нақшбандия тариқатлари ақидасига кўра, зикр билан машғул бўлган солиқ юрагида бирин-кетин қизил, сариқ, оқ, яшил ва мовий рангда нурлар зухур бўлади. «Якранг», «кофирбачча», «Кўҳи Қоф» каби атамалари билан англатилган рангсизлик ёки якранглик эса Вахдат оламидан иборатдир. Шунингдек, ваҳдати вужудчи мутасаввифлар динлар орасидаги фарқларни бир ранг фарқидан иборат деб биладилар, ҳаммасининг асли рангсизлик эканини сўйлайдилар, шу сабабдан ҳаммасига тенг, бир кўз билан боқадилар»².

Шарқдаги сўфийлик тариқатларини чуқур ўрганган инглиз олими Тримингэм солиқнинг «рангдан рангга ўтиш»³ ҳолатини жадвалда қуйидагича кўрсатади:

¹ Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти: Филол. фан. док. дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 26.

² Даврон Х. Шаҳидлар шоҳи. – Тошкент: Қатортол-Камолот, 1998. – Б. 141.

³ Талвин – бир рангдан бошқа рангга ўтиш, бир ҳолдан бошқа ҳолга ўзгаришдир. Талвиннинг натижаси тамкин ҳисобланади. Тамкин – бир манзилда қарор топмоқ, вазминлик ва руҳий улуғворликка эришмоқ маъносини англатади. Талвиннинг энг олий даражаси «Ҳақ рангига бўянмоқ»дир.

«Семь стадий суфизма»¹

№	1	2	3	4	5	6	7
А	Плотская душа	Порицающая душа	Вдохновенная душа	Успокоенная душа	Удовлетворенная душа	Принятая душа	Совершенная душа
Б	Путешествие к богу	Путешествие с помощью бога	Путешествие под богом	Путешествие с богом	Путешествие в боге	Путешествие от бога	Путешествие в бога
В	Мир удостоверяемый (чувствами)	Мир перешейка	Мир духовных сущностей	Мир истинного	Мир основ	Мир сокрытого	Мир множественности и единственности
Г	Состояние склонности к страстям	Состояние любви	Состояние страсти	Состояние единения	Состояние кончины или перехода	Состояние смятения	Состояние обитания (в боге)
Д	Обиталище: грудь	Обиталище: сердце	Обиталище: дух	Обиталище: тайна (сердца)	Обиталище: Тайна тайны	Обиталище: Глубоко внутри	Обиталище :убежище («земля») тайны
Е	Шари'а	тарика	Ма'рифа	хакика	вилая	Зат аш-шари'а	Зат ал-кулл
Ж	голубой	желтый	красный	белый	зеленый	черный	бесцветный

Сўфий назарийётчилари ҳам рангга катта эътибор берганлар. Унда инсон онгига таъсир этувчи кучли эмоционал, рухий куч-қувватни кўра билганлар. Шу боис «ранг назарияси» сўфийликнинг фалсафий-эстетик таълимотини теран идрок қилишда тўлдирувчи вазифани бажарган. Шунингдек, ранг сўфийликнинг мураккаб рамзлари моҳиятини англашда ёрдам беради. «Рангнинг кенг рамзий талқини Бохарзийнинг «Аврод ул-аҳбоб ва фусул ул-одоб» китобида кўрсатиб берилган: «Чин сўфий қаерда бўлишидан қатъи назар, доимо ё Аллоҳнинг гўзаллигини (яъни илоҳий гўзалликни) мушоҳада қилиш ҳолатида, ё Аллоҳнинг буюклигини (яъни илоҳий қудратни) ҳис қилиш ҳолатида ёки Илоҳий моҳиятни ҳис қилиш ҳолатида бўлиши керак. Биринчи ҳолатда қора рангли, иккинчи ҳолатда оқ рангли, учинчи ҳолатда эса фақат қора ёки оқ эмас, кўк, яшил, сариқ ва бошқа рангли кийим кийишга ҳам рухсат этилади»².

Шу нарса аниқки, Ислом динида қарама-қаршиликлар кураши ва бирлиги қонуни амал қилмайди, балки уларнинг доимий уйғун эканлигини назарга олиб фикр юритиш тўғри бўлади. Унда тун ҳам кун каби ижобий ҳодиса саналади. «Аллоҳ тунни инсон учун ёпинчиқ қилиб, уйқуни хотиржамлик қилиб яратди». Бу қоронғуликнинг салбий эмаслиги ва кунга қарши қўйилмаслигига ишорадир. Шайтон ҳам қора эмас, оловли, олов эса қизил ранг – нафсга яқин туради. Соя ҳам салбий эмас, балки, ёруғликни тўлдириб туради. Бу ҳақда «Қуръон»да яна шундай дейилади: «(У икки жаннат серсув ва серяпроқликдан) қорамтирдирлар»³.

Анъанавий шеърийатнинг кўпгина намояндалари каби Навоийнинг қарашларида ҳам Шарқда кенг тарқалган ва тасаввуф билан бевосита алоқадор тажалли таълимотига таянилади. Шоирнинг бир ғазалида бу фикрларнинг ажойиб бадиий ифодаси мавжуд:

¹ Тримингэм Дж. С. Суфийские ордены в Исламе. – М.: Наука, 1989. – С. 128.

² Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе: Дониш, 1987. - С. 41.

³ Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур таржимаси. – Бишкек, 2001. – 55:64

*Рокиб ўлғоч, қилди шабрангини ҳар ён жилвагар,
Соя гарчи кўп зуҳур эмас қуёш бўлғач бийик¹.*

Мисралар мазмунидан шоир учун бутун дунё Аллоҳнинг гўзаллигидан иборатлиги ва унинг тимсоли моддий оламда акс этганлигини англаш қийин эмас. Сўфийлик гўзалликни уч асосий босқичга бўлади: 1- мутлақ, ўзгармас, илоҳий гўзаллик; 2- мутлақ гўзалликнинг тажаллиси бўлган моддий оламдаги нарса ва моддият гўзаллиги; 3 - инсоннинг ҳаракатлари билан боғлиқ илоҳий гўзаллик ва кўринмас гўзаллик»².

Биз юқорида қайд этганимиздек, Аллоҳнинг гўзаллиги ўзи яратган нарсаларда, предметларда, моддий оламда мужассам. У сувда, яшилликда, юлдузда, ой, қуёш, малоҳатли юз ва зулфда акс этади. Тадқиқотда саналаётган тимсолларнинг мазмун-моҳияти таъкидлаб ўтилган назария билан боғлиқ ҳолда ёритиб борилади.

Ишқ ва муҳаббат изтироблари, ошиқ ва маъшуқа кечинмалари, айрилиқ ва ҳижрон туйғулари, шунингдек, ўзаро турли инсоний муносабатларда юзага келадиган ҳолатларнинг поэтик тасвирида ранглардан фойдаланиш Атойи, Лутфий, Гадоий ижодида ўзига хос мактаб вазифасини ўтаган. Жумладан, қуйидаги байтда Атойи тазод санъати ёрдамида – зулф-юз, қаро – оқ – сўзларини зидлаш билан - айрилиқ изтиробиде қолган лирик қаҳрамон ҳолатини ишонарли чизади:

*Жудо бўлғали мен зулфу юзунгдин,
Кўзумга не қаро кўринди, не оқ³.*

Яъни, ёрнинг тундай қаро зулфидан ҳамда кундай оқ юзига боқишдан жудо бўлган ошиқнинг кўзига энди дунёдаги гўзал нарсаларнинг бирортаси кўринмайди. Ҳақиқатан ҳам, қадрли, суюкли кишисини ёки зарур нарсасини йўқотган одамнинг кўзига ҳеч нарса кўринмай қолиши мумкин. Бу ерда қаро, оқ дейилганда фақат шу рангдаги нарсаларгина эмас, балки кенгроқ маънода ҳамма нарса кўзда тутилган.

Шоир Гадоий ижодида ҳам оқу қаронинг жуфтлаштирилиши орқали юқоридаги мисраларга мазмунан яқин байт учрайди:

*Оқу қарони танимон ўзга бу дори дунёда,
Ошиқи содиқ ўлғоли оразу зулфу холина⁴.*

Байт мазмунидан кўриниб турибдики, лирик қаҳрамон “бу дори дунёда” ёрнинг “ оразу зулфу холи”дан ўзга “оқу қаро”ни (ҳеч нарсани) танимасликка аҳд қилган, яъни ундан ўзгага назар ташламасликка онт ичган садоқатли ошиқ тимсолидир.

*Қаро отлиқ оқ бегим, бу не юруш бўлур, не жавлон,
Жиловингни тортароқ тутки, улусда қолмади жон⁵.*

¹ Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. МАТ. IV том. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 242 (Бундан кейинги мисоллар Алишер Навоийнинг 20 жилдлик мукамал асарлар тўпламидан олинганлиги учун қавс ичида китоб жилди ва саҳифаси кўрсатилади – С. Ў.).

² Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе: Дониш, 1987. - С. 9.

³ Атойи. Танланган асарлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1960. – Б. 93.

⁴ Гадоий. Девон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – Б. 120.

⁵ Кўрсатилган китоб. – Б. 114.

Қора от устида жавлон уриб елиб бораётган оппоқ юзли малакнинг кўрганларнинг ақлидан бегона қилаёзган гўзал тасвири Шарқ миниатюра санъатини ёдга туширади¹.

Бошқа бир қатор байтларда шоир ийҳом воситасида оқ рангни бир неча маъноларда кўллайди.

*Шул ҳаловатким топибтур тузлуқ эрнидин бу жон,
Гар унутсам ҳаққини, қилсун кўзумни ул туз оқ,
Ул қаро кўзумдин айирдинг кўра олмай рақиб,
Эй қаро юзлук, илоҳий, тушса шум кўзунга оқ².*

Агар чуқурроқ разм солинса, халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам оқ рангни қора ранг билан ё қарши, ё ёнма-ён ва ё жуфтлаш, шунингдек, муқояса қўйиш орқали турли хилдаги ҳолатлар, манзаралар яратилган. Инсон учун энг қадрли бўлган кўзда ҳам оқ ва қора рангларнинг мутаносиблигидан гўзаллик ҳосил бўлган. Кўзга оқ тушиши касалликнинг бир тури ва кўзнинг фақат оқ рангда бўлиши хунукликнинг юқори даражасидир. Гадоийнинг лирик қаҳрамони ҳам Аллоҳ яратган гўзалликларни кўриш учун берилган кўздан ғаразли мақсадларда фойдаланган рақибга қарата, унинг қаро кўзи – дилбаридан айиргани учун қаро юзлик деб мурожаат қилади, кўзунга оқ тушсин дея нафратини ифода этади.

Мавлоно Лутфийда эса ранг билан боғлиқ байтлар янада гўзал, энг нозик маъноларнинг поэтик тасвирлари учрайди. Масалан:

*Фироқингда тўкайин ёш нақдин,
Қаро кунлар учундир оқ ёрмоқ³.*

Мазкур байтдаги сифатлаш тарзида ишлатилган “қаро” ва “оқ” ранглари муайян рамзий маъно касб этмоқда. Лирик қаҳрамон ёр фироқида тўкаётган кўз ёшлари “қаро кунлар” учун аталган “оқ ёрмоқ”, яъни маблағдир. Бу байтда шоир тамсил санъатидан усталик билан фойдаланиб, халқ орасидаги бир удум – қора кунлар учун атаб маблағ асраб қўйишдан лирик қаҳрамоннинг ҳижрон дамларидаги реал ҳолатини тасвирлашга эришмоқда.

Шоирнинг бир ғазалида шундай мисралар бор:

*Хони висолидин манга тегмас наволае –
Ким, мавти аҳмар отлиғ анинг интизори йўқ⁴.*

Юқорида таъкидлаганимиздек, мумтоз адабиёт вакиллари ижодини тасаввуфий жиҳатларини яхши англамай туриб, мисралар замиридаги маъноларни тушуниш қийинлашади. Мавлоно Лутфий тариқат сулукларини адо этган мутасаввиф шоирлардан эканлиги, юқоридаги байтлар соф тасаввуфий мазмунда эканлигига ишорадир. Байтдаги «мавти аҳмар» иборасида тариқатнинг маълум босқичларини ўтаётган солиқнинг руҳоний ҳолати баён

¹ Қаранг: Шарқ миниатюра мактаблари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – 184 б.

² Кўрсатилган китоб. – Б. 71.

³ Лутфий. Сенсан севарим. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. – Б. 114.

⁴ Кўрсатилган китоб. Б. 117.

этилган. Тасаввуфнинг машхур намояндаларидан Нажмиддин Кубронинг «Тасаввуфий ҳаёт» китобида солиқ пирга қўл берганидан сўнг нафсини тарбияламоғи лозимлиги баён этилар экан, жумладан, шундай дейилади: «Ихтиёрий ўлим борлиқ ва дунё билан боғлиқ ишлардан бутунлай фоний (фанойи куллий) бўлмоқдир... (Нафсининг) Ўлим(и) ҳам бир неча хилдир:

Мавти аҳмар (қирмизи ўлим). Бу нафсининг хоҳиш ва истакларига қарши туриш эрур. Мавти абяз (оқ ўлим). Бу очлик билан қорин талабларини ўлдириш.

Мавти аҳзар (яшил ўлим). Бу арзон мато парчаларидан ямоқли кийим кийишдир. Чунки янги кийим дунё билан боғлиқ орзу ҳисобланади.

Мавти асвад (қора ўлим). Бу халқнинг жабру жафосига таҳаммул этмоқ эрур. Бунга «фано филлоҳ» ҳам дейилади, яъни бутун феъл ва ҳаракатларни маъшуқанинг феълида фоний қилмоқдир»¹.

Биз кейинги фаслда Навоийнинг устоз сўз санъаткорлари лирикасининг мазмунни бой ҳамда теран мундарижада, инсоний ҳиссиётларни нозик ва жозиб шаклларда бериш каби муҳим жиҳатларини ўрганганлигини кузатдик.

¹ Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 47.

1.2. АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА РАНГЛАР ВА УЛАРНИНГ МАЪНО МИҚЁСЛАРИ

Юқорида ранг билан боғлиқ равишда кишилар ҳаёти, уларнинг турли ижтимоий-сиёсий, эстетик, маънавий-руҳий, диний-фалсафий қарашлари ҳақида баҳс юритилди. Аслини олганда, рангнинг барча маъно қирралари ер юзидаги бутун борлиқни ўзининг нури тажаллисидан пайдо қилган Аллоҳнинг қудратига бориб тақалади. Алишер Навоий назмидаги рангга доир бадиий тасвирлар Аллоҳнинг яратувчилик қудратини, илоҳий гўзалликни нечоғли теран мушоҳада қила олганлигидан далолатдир.

Биз ўз тадқиқотимиз учун «Хазойин ул-маоний»нинг академик нашрини асос қилиб олдик. Лекин зарур ўринларда Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларига таяндик.

Ё.Исҳоқовнинг маълумотига кўра, «Хазойин ул-маоний»да тасвир бошидан охирига қадар изчил ранг билан боғлиқ ҳолда борган 31 та ғазал («Ғаройиб ус-сиғар»да 9 та, «Наводир уш-шабоб»да 7 та, «Бадоеъ ул-васат»да 8 та, «Фавойид ул-кибар»да 7 та) бор¹. Биз тадқиқот жараёнида мазкур ғазаллар билан танишиб чиқдик. Шу билан бирга, девон таркибидаги ғазалларнинг у ёки бу ўрнида қўлланилган ранг маъносидаги сўзларни имкон даражасида ҳисоблаб, уларни қуйидаги жадвалда умумлаштирдик:

қора	қизил	яшил ёки кўк	оқ	сарик
544	521	164	127	104

«Ранг» кўп маъноли ва шаклдош сўз бўлиб, Навоий асарларида қуйидаги маъноларда келган:

1. Ранг – бўёқ, тус²;
2. Хил, тур, турлилик:

*Ким неча ранг раёҳин уза эскан бирла,
Ел ҳарири, қоолоғой бўлмоғи мумкин эрмас*

(4-741).

3. Наф, фойда:

*Ранг йўқтур чун қизил гулдин санга, эй андалиб,
Эл қулоғин асру кўп ёлқитма фарёдинг била*

(3-418).

4. Кўриниш; юз, башара; ҳолат:

*Елга ҳамроҳ оташин гул майл этар базминғаким,
Бўлғай ушбу вазҳ бирла рангу бўюнг садқаси*

(4-618).

¹ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 124.

² Биз тадқиқотимизда асосан мазкур сўзнинг шу – биринчи маъноси ҳақида фикр юритамиз.

5. Ўхшаш, монанд:

*Қоши узра қавси қузаҳ вусмаси,
Вафо рангидан келди, албатта тоқ*

(2-233).

6. Юриш-туриш, интизом, тартиб, сулук:

*Чун замон аҳли замона ранги тутмоқдур зарур,
Даҳр нофаржом учун эл ҳоли нофаржомдур*

(3-103).

7. Бойлик; мансаб, ҳукм, амал, даража, мартаба, обрў:

*Ҳам Ҳусайний сўзидин ранги ғариб,
Ҳам ғариби дамидин байти ажаб*

(4-689).

Ранг шаклдош (омоним) сўз сифатида «Фарҳод ва Ширин» достонида «тоғ эчкиси» маъносини билдирган:

*Балиғ сайд айлабон ҳар ён наҳанги,
Нечукким ранг сайд этгай паланги.*

(8-124).

Алишер Навоий шеърларида оқ рангнинг софлик, тўғрилиқ, яхшилиқ, ёруғлиқ, улуғлиқ, адолат, энг асосийси, гўзаллиқ маънолари кенг ёритилган. Шоир ошиқ кўнгил қўйган дилбарни тасвирлар экан, унинг қора қошу кўзи, сунбул сочлари, ёқут лаблари ёки оқ юзи, ёхуд сарвдек қадди-қоматини таърифлаш билан кифояланиб қолмай, ёрнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турган энг кичик нарсаларни ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Масалан:

*Оқ уқор ўтоғаси чобуксуворим бошида,
Уйлаким хатти шуои айлагай зоҳир қуёш*

(5-178).

Байтнинг иккинчи мисрасида тасвирланган ҳодиса олдинги мисрадаги маҳбубанинг ҳолатига ташбеҳ этилган. Яъни қуёшнинг бутун ёруғлиги, тафти-ҳарорати, гўзаллиги унинг шуълалари ёрдамида намоён бўлганидек, гўзал қизнинг бор чиройи бошига оқ пардан жиға таққанда бирдан кўзга ташланишига қиёсланади.

*Оқ уй ичра ҳар недур зоҳирдур ул юз тобидин,
Шамъ бўлса уйда, ташқаридин бўлур зоҳир бари*

(5-412).

Мазмуни: Шам ёритиб турган хонадаги нарсаларни бемалол кўриш мумкин бўлганидек, кишининг тоза, оқ кўнгил(оқ уй)лиги унинг порлоқ, мусаффо чеҳрасидан кўриниб туради.

Ғазалларда оқ рангнинг кофурий, сиймгун каби қатор арабча, форсча маънодошлари қўлланилиши бевосита асарнинг таъсирчанлигини, бетакрорлигини таъминлаган. Шу билан бирга, лирик қаҳрамоннинг ҳол ва кайфиятларини очиб беришга хизмат қилган.

*Саҳфайи кофур уза мушкин рақамким айламиш,
Гўйиё субҳи саодат узра давлат шомидур*

(3-147).

Кўринадик, Алишер Навоий ҳам оқ ва қора рангни уларнинг моҳиятидан келиб чиқиб қўллайдики натижада бир-бирини табиий равишда тақозо этади. Лекин, юқорида айтганимиздек, шоир уларнинг арабча кофур (оқ) ва мушкин (қора) шаклидан фойдаланган. Байт мазмунига кўра, қалам билан саҳфайи кофурий (оқ варақ ёки саҳифа) узра мушкин рақам (қора сиёҳ билан ёзилган битик) битилган бўлиб, у ҳеч қачон ўзгармасдир. Гўёки бахт-иқбол тонги отганда ортидан молу давлатнинг қора сояси кўланка ташлаб тургандек. Оқ ва қора ранглар қарама-қаршилигида тақдири азалнинг ҳақлиги, кун ва туннинг алмашинуви, инсон ҳаётининг яхши ва ёмон кунлари каби чуқур фалсафий мазмун яширинган.

Ёки бошқа бир байтда чин ошиқлик шунчаки осон иш эмаслиги, жисм ҳижрон кўраси (оловхонаси)да куйиб, покланиб, соф маъдан (олтин)га айланмагунча, сариқ юзда оқ ёш доналари сочишдан наф йўқлиги айтилади:

*Сиймгун ашк ўлмоқ олтундек юз узра не осиф,
Жисм ҳижрон кўрасида бўлмайин холиси ёр*

(6-137).

Навоийнинг кўпгина ғазалларида сариқ ёки олтин ранг билан боғлиқ ҳижрон муҳаббатнинг муҳим бир белгиси ўлароқ қаралади. Мазкур мисралардан билинадик, кўз ёши-ю сарғайган юз ҳам ҳали чин муҳаббатга далил бўла олмас экан.

Тасаввуф адабиётида, туркий шоирлар, шу жумладан, Алишер Навоий ижодида ҳам май атамаси, унинг турли даражадаги рангларини англатувчи майи аҳмар (қизил май), майи гулфом (қизғиш май), майи жигаргун (тўқ қизил май) шаклларига тез-тез дуч келинади. Лекин ишқ шаробидан тотиб, муҳаббатга гирифтор бўлган, энди ёрнинг ҳажр ўтидан яра бўлган кўнглига ундан ҳам кучлироқ бўлган бодаи кофургун (оқ май) дурдидан (қуйқасидан) яна унинг ўзидан малҳам сўраётган ошиқ фақат Навоийнинг лирик қаҳрамонидир.

*Кўнглум ўлди ҳажр ўтидин реш, эй соқий, менга
Бодаи кофургун дурдидин олиб марҳам эт*

(5-78).

Навоийнинг бутун истеъдоди ана шу «мазҳари комил» – инсонни улуғлашга, унинг гўзаллик оламини кўрсатишга, эзгу фикр-туйғуларини мадҳ этишга бағишланган. Тадқиқот жараёнида таҳлили кўриладиган мисолларнинг аксариятида ҳам комил инсон тимсолининг у ёки бу шаклда бадий тасвири ўз аксини топганлиги равшанлашиб боради. Бунда шоир ғазал жанрининг янги қирраларини кашф этиб, тасвирда оригиналликка эришади.

Навоий ўз қаҳрамони руҳиятидаги ишқ билан боғлиқ турфа ўзгаришларни акс этти-

ришда тасвирланаётган ҳолат ва реал табиат ҳодисалари ўртасида бадий уйғунлик ярата билишга эришган. Фикримиз тасдиғи тариқасида ҳавола этилаётган мана бу байтда ошиқнинг маъшуқаси билан дийдорлашуви натижасида юзага келган ҳолат қаламга олинган:

*Ҳар аёғидин ўтук тортиб, аритсам юз била,
Тер гулобин ул хино ёққан кафи гулноридин*

(4-461).

Шайхзода домла бир ўринда: «... классик эстетика нормаларини қабул қилган шоир (Алишер Навоий – изоҳ бизники - С.Ў.) бу элементларга янгилик киргишига, ўзидан илгари поэзияда тутилмаган образ ва усулларни қўллашга уринди»¹. Дарҳақиқат, «Ҳазойин ул-маоний»нинг ҳар бир девонига бир нечтадан ранг радифли ғазаллар жойлаштирилганки, бу бошқа ижодкорларда учрамайди. Жумладан, «Наводир уш-шабоб» девонидаги оқ радифли қуйидаги ғазал эътиборга моликдир. Биз юқорида фикр юритган байтлардаги оқ ранг ифодалари ушбу ғазалда ўзининг яхлитлигини топган, десак хато бўлмайди:

*Ашкдин бўлди қарорғон қулбайи вайроним оқ,
Қулбаи вайрон демаким, дийдаи гирёним оқ.*

*Ишқ ўтининг дудидин ҳинду бўлубмен ёрға,
Ашк юғандин нечук бўлғай тани урёним оқ,*

*Баски кўз боғиға берди оразинг ҳижрони су,
Ҳар сари гуллар очибдур бу ики бўстоним оқ.*

*Сабий тифли мактабимен, ўргана олмон сабақ,
Йиғламоқтин чун бўлди лавҳи дабиристоним оқ.*

*Ваҳ, не кун бўлғайки ногаҳ ул қуёш айлаб тулуғ,
Юзидин бўлғай қарорғон ҳужрайи айвоним оқ.*

*Шоми ҳажрим этса, тонг йўқ, ногаҳон гар субҳидек,
Жилвагар бўлса, либосин айлабон жононим оқ.*

*Рўзгорим дайр аро қилди қаро чун муғбача,
Қолмаған бўлса тонг эрмас чеҳраи имоним оқ.*

*Эй Навоий, халқни баским ўқурда йиғлатур,
Ашк сайлидин бўлур борған сайи девоним оқ*

(4-231).

«Навоий ғазал услубининг имкониятларидан шу қадар маҳорат билан фойдаланадики, натижада, шоир ғазалиёти поэзиямизда ҳеч пайт мисли кўрилмаган гўзаллик, нафосат, дард гулшанига бориб етди... У ғазалларида сўзни тирик вужуддай ҳаракатлантирди, ға-

¹ Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. VI томлик. IV том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 196.

залда сўз «жилвасига намоиш, жамолига оройиш» берди»¹, – дейди адабиётшунос олим И. Ҳаққулов. Юқоридаги шеърнинг ҳар байтида қўлланилаётган “оқ” сўзининг хилма-хил маънолари мазкур фикрларни қувватлайди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ранг маъносидаги «оқ» сўзи соф туркийча бўлиб, араб алифбосида *ق* шаклида ёзилади. У форс тилидаги «сафид», араб тилидаги «баёз» сўзи билан бир маънодадир. Араб тилида мана бу шаклда ёзиладиган *عاق* - «оқ» сўзи «саркаш, бош тортган, юз ўгирган»² деган маъноларни билдиради. Демак, бу сўз ўзбек тилидаги ранг билдирувчи «оқ» билан омонимлик (шаклдошлик) муносабатини ҳосил қилган. Лекин мазкур сўзларнинг бир маънода ишлатилиши оқибатида баъзи бир чалкашликлар келиб чиққан. Масалан, К.Т.Мустаев «Алпомиш» достонининг тадқиқига бағишлаб ёзган монографиясида оқ рангнинг юқорида саналган бир қанча ижобий маъноларда қўлланилишини ёзади ва дostonдан мисоллар келтиради. «Алпомиш» достонида чоҳдан қутулиб, ота юртига қайтган Ҳакимбек кўп номаъқулчиликлар қилган Ултонтозга қарата:

*Отасини урган оқ бўлади*³, –

дейди. К. Т. Мустаев мисрадаги «оқ» рангини дostonда қўлланилган ягона салбий маъно ўлароқ изоҳлайди⁴. Филология фанлари доктори Х. Эгамов ҳам туркий халқлар эртақларида ранглар символикасига бағишланган мақоласида «оқ қилдим», «оқпадар» каби иборалар таркибидаги «оқ» рангининг салбий маънода қўлланилаётганини ёзади⁵.

Бизнингча, «оқ падар», «оқ қилмоқ» ибораларидаги «оқ» компонентининг ранг билдирувчи оқ сўзига алоқаси йўқ. Аслида «оқ падар» – оқ – рад этилган, падар – ота, яъни «ота томонидан рад этилган» деган маънони билдиради. Араб тилидаги шаклдош «оқ» сўзининг туркий тилларга ўзлашиши оқибатида маъноси бошқа-бошқа, аммо шакли бир хил бўлган икки сўз пайдо бўлган. Уларнинг аралаш ишлатилиши сабабли чалкашлик келиб чиққан. Чунки биз оқ сўзи бирор ўринда «рад этилган» маъносида ишлатилганлигига гувоҳ бўлмаймиз.

Шайх ул-машойих Аҳмад Яссавий тўртликларида оқ ва қора ранглар зидлигида чуқур маърифий-тарбиявий ғоялар ифода этилган:

*Сочу соқол хўб оқорди, кўнгул қаро,
Тонгла борсам ё пучакман ёхуд саро.
Ким «аласту би роббуқум» демиш вақто,
Билолмасман қаю жамъдин бўлдум мано*⁶.

Болалик дамлариданоқ сўфий шайхларга эътиқоди ва эътимоди кучли бўлган Алишер Навоий уларнинг меросини ҳам қунт билан ўрганди. Шундай ижодий изланишлар самараси сифатида Навоий шеърлятида жонли тасаввур уйғотувчи тимсолий лавҳалар, ҳаётий кузатишлардан озиқ олган завқбахш қиёслар, халқона донишмандлик руҳидаги таъсирли

¹ Ҳаққулов И. Абодият фарзандлари. – Тошкент: Ёш гвардия, 1990. – Б. 167.

² Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. – Б. 493.

³ Алпомиш. Ўзбек халқ қахрамонлик достони. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 308.

⁴ Мустаев К.Т. Поэтика цвета и числовых знаков-символов в «Песне о Роланде» и «Алпамыше» – Самарканд: Зарафшон, 1995. – С. 152.

⁵ Эгамов Х. Цветовая символика в тюркских сказках // Адабий мерос. - Тошкент, 1988. – № 2. – Б. 62.

⁶ Яссавий А. Девони ҳикмат (янги топилган намуналар). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 24.

ифодалар ўрин топди.

*Оқара бошлади бошу тўкула бошлади тиш,
Сафар яроғини қилғилки, тушти бошингга иш*

(6-168).

Ёки:

*Шабобнинг ҳавасидан соқолни ранг этма,
Оқорса сабза, кўкармак яна не имкондур*

(6-97).

Ёки:

*Улким соқол бўяр ҳаваси тушти бошиға,
Бўлмоқ соқол қора, не осиг чун оқарди бош?*

(4-183).

Биринчи байтда қариллик аломатлари – сочларнинг оқариши, тишлар туша бошлаши боқий дунёга сафар қилиш вақти келганлигидан хабар бериши ҳақида сўз юритилган бўлса, иккинчи ва учинчи байтларда кексаликни бўйнига олмай, йигитлик даврини қўмсаб, соқолини бўяшга тутинган кишига қуриётган майса қайта кўкармаганидек, соқолни қорага бўяган билан сочнинг оқини яшириб бўлмаслиги киноя тарзида айтилади. Бу ҳолатлар Навоийни фалсафий руҳ билан йўғрилган ҳаётий хулосалар чиқаришга ундаган. Унда навоиёна тафаккурга хос мантиқий мушоҳадакорлик, кичик бир деталь атрофида фикрларнинг боғланган силсиласини ҳосил эта билиш хусусияти сезилиб туради.

Фузулий ёшлик йиллариданоқ Навоий шеърятининг бетакрор оламига ошно бўлди ва бунинг натижаси ўлароқ, унинг ижодида қатор ғазал ва мухаммаслар яратилди. Қуйидаги ҳавола этилаётган байтда у устоз анъаналарини давом эттиришда маҳорат кўрсатган:

*Верди рихлатдин хабар мўйи сафиду рўйи зард,
Чеҳраи гулгун ила зулфи паришонни унут!¹*

Демак, шоирнинг айтишича, соч-соқолнинг оқариши ва юзнинг сарғая бошлаши боқий дунёга сафар қилиш пайти яқинлашганидан далолат беради. Шундай экан, ёшликнинг ҳою-ҳавасларидан воз кечиб, бу сафарга тайёргарлик кўриш лозимлигини уқтиради.

Маълумки, ахлоқий-фалсафий, панд-насихат мазмунидаги фикр ва ғояларнинг бадиий ифодаси қитъанинг жанр хусусиятини ташкил қилади. Алишер Навоийнинг «Наводир уш-шабоб» девонидан бир қитъани ўқиймиз:

*Кўб олтун, кумуш сари қўл сўнмоғил
Ки тутсанг кафингни қора занг этар,
Кўнгулда доғи майлини асрама -
Ки, кўнглунгни доғи ҳамул ранг этар
(4-507).*

Яъни, ҳирс билан жамғарилган бойлик бамисоли киши аъзоида йиғилиб қолган иллат-мараздир, унинг олди олинмаса, бойлик сарф бўлмай ётаверса, у йирингга айланиши

¹ Фузулий. Девон. Икки жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Шарқ, 1968. – Б. 67.

– киши ҳалок бўлиши муқаррар. Шоир олтинга қўл чўзмагин, қўлинг қора зангга бўялади, агар унга бўлган ҳирсингни кўнглингга асрагудек бўлсанг, кўнглинг ҳам шундай қора бўлади, дейди ва қитъада илгари сурилаётган мазмуннинг кучайишида ва кучли ахлоқий таъсирчанлик касб этишида айнан қора рангдан ўринли фойдаланади.

Рангга алоқадор рамзий-поэтик ифодалар образнинг атрофлича такомилда муҳим роль ўйнаши муқаррар. Навоий яратган персонажлар тўлақонлилиги, ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги, чуқур психологизми билангина эмас, индивидуаллиги билан ҳам ажралиб туради. Навоий лирикаси, хусусан, ғазалларидаги пейзаж шоир маҳоратини белгиловчи омиллардан биридир. Масалан, шоир бир ўринда маъшуқанинг мовий рўмол остидан кўриниб турган ингичка қошларини булутлар орасидан кўрина бошлаган янги ойга қиёслайди:

*Мовий ёғлиқтин қошинг, эй жонға бедод эткучи,
Кўк булутқа кирди гўё янги ойнинг бир учи*

(6-405).

Байтда кўк ранг билдирувчи сўзи билан бирга, унинг маънодошларидан «мовий» ҳам ишлатилган. Шоир девонида ушбу сўзнинг қўлланилиш доираси бошқа рангларга қараганда торроқдир. Шунингдек, кўк лафзи кўпинча яшил билан тенг қўйилган.

«Кўк» сўзи илгариги руник ёзувлар, ўрхун ёдгорликларида ҳам тез-тез учрайдиган қадимги сўздир. У даврларда бу сўз осмон, ҳаво ранг, уруғ-авлод маъноларида қўлланган... Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида бу сўзлар жуда кенг изоҳланган. Унга кўра, бу сўзлар икки алоҳида ўзаклардан иборат бўлиб, ёзилишида ҳам кўк, кўк шаклида фарқли сўзлардир.

Кўк: осмон, шеър вазни, оҳанг, ҳаво ранг, хотинлар юзидаги доғ маъноларида;

Кўк: эгар чилвири ва уруғ-авлод маъноларида изоҳланган. Ҳозирги ўзбек тилида ҳам бу сўз «Девон»даги каби икки мустақил сўз сифатида қўлланади. Икки хил талаффуз қилинади, икки хил ёзилади. Лекин иккинчи сўз жонли тилда ўзгаришга учраган. Охирги «к» ҳарфи «й»га алмашиб, куй тарзида ўзлашган. Лекин Навоий асарларида унинг бир хил талаффуз қилингани ва ёзилганлиги кузатилади. Чунончи, осмон маъносида:

*Не кўкка, не қуёшқа инса бошим,
Бузуқ уй бўлса кўк, равзан қуёшим¹.*

кўк ранг:

*Кўк жафосидин ўлур хобгаҳинг бўз туфроғ,
Бўлса остингда сипеҳр ашҳаби янглиғ кўк бўз*

(3-219).

куй, оҳанг:

*Йиғланг, эй шамъу суроҳийки, ўларимни билиб,
Мутриби нағмасаро навҳа кўкин чолди яна*

(3-419).

Бадий қиёс нечоғлиқ фавқулудда янги ва нозик бўлмасин, агар у ҳаётдан узилган бўлса, кучли завқ қўзғай олмайди. Таҳлилини кўраётганимиз байтда Навоий ошиқнинг ички кечинмаларини табиий воқеликка алоқадорликда тасвирлаб, образли лавҳа яратган:

*Вўсма бирла қошин ул маҳвашки рангин айламиш,
Кўзи жаллоди қиличиға қошин яшил қин айламиш*

¹ Алишер Навоий. Вақфия. МАТ. XIV том. – Тошкент: Фан, 19... – Б. 161.

(3-210).

Вақт ва замонлар ўтиши билан бадий адабиётда рангларнинг мазмун-моҳияти чуқурлашиб, қўлланиш доираси ҳам кенгайиб борган. Хусусан, Алишер Навоийнинг лирик меросида сариқ ранг билан боғлиқ тасвирларнинг миқёси ниҳоятда кенгдир.

Қадимдан ота-боболаримиз сариқ рангни сариқ касалга¹ даво деб ҳисоблаб келишган. Шунинг учун беморга сариқ либос кийдиришган ва бемор ётган хонани сариқ рангли буюмлар билан жиҳозлашган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (саллАллоҳу алдайҳи васаллам) ҳам касал кўргани борганларида сариқ салла ўраб борганлар². Чунки, сариқ ранг қуёш нури, илиқлик, кўтаринки руҳ рамзидир. Бироқ Навоийнинг лирик қаҳрамонига сариқ ранг шифо бермайди, аксинча, маъшуқанинг сариқ тўни унинг дардини янада авж олишига сабаб бўлганлигини қуйидаги мисралардан англаб олиш мумкин.

*Ярақон дафъи сариғ жинс қилур, турфа кўрунг –
Ким, бўлур тегса юзум тўниға бисёр сариғ*

(5-215).

Бу ерда юзнинг сариғлигини муҳаббатнинг қийинчиликларидан деб билган шоир фавқулодда мафтункор манзара яратган.

Навоий шундай ҳаётий ҳодисалардан фойдаланадики, унда ўқувчи онгида ўша тасвир муҳрланиб, унинг таъсирида шоир шахсига муҳаббат шаклланади. Заргарлар баланд ҳароратли оловда соф олтинни бошқа маъданлардан ажратиб оладилар. Бугунги кунда кон саноатида ҳам олтин шу тариқа олиниши маълум. Ишқ дардида машаққат (эмгак) тортган ошиқнинг ҳам юзлари сарғайиб, олтин рангига кириб қолади.

*Олтун эзиб, эриб куйган сори холис бўлур,
Не ажаб, сорғорса юз етган сойи эмгак манга*

(3-33).

Ёки:

*Йиғлағон сойи сариғроғдур юзум, толиғ кўрунг,
Ким сочармен донаву андин сомондур ҳосилим*

(3-317).

Айрилиқдан аламли қон ёшлари тўка-тўка лирик қаҳрамон хасталаниб, юзлари сарғая боради. Ошиқнинг бу даражадаги «ачинарли» аҳволи ҳам иккинчи мисрада ажойиб ҳаётий ҳодисага тамсилланади, яъни бу деҳқоннинг дон сочиб, ҳосил ўрнига фақат сомон йиғиб олганига ўхшатилади. Демак, ошиқ-маъшуқлар толеъи бутун инсоният қисмати билан узвий алоқадор, яъни лирик қаҳрамон севги азобида қанчалар изтироб, машаққат чекишига қарамай висолга эришиши душвор, худди шундай деҳқон ҳам кўпинча меҳнатига яраша ҳақ ололмайди, роҳатини кўролмайди.

Асарнинг ҳаётийлиги ва бадий қиммати, аввало, воқеликни билиш воситаси, инсон ўйлари, туйғулари ва дунёқарашини шакллантирувчи қурол бўла олиш қобилиятига эга

¹ Навоий ғазалларида бу касаллик **сариқ оғриқ**, **ярақон** шаклида учрайди.

² Булатов С., Аханов С. Ранг психологияси. – Тошкент: Фан, 2003. – Б. 7.

эканлиги билан ўлчанади.

*Кўзки учқан чоғда устиға ёпиштурдум сомон,
Номабар қуштурки¹, сариғ руқға элтур ёр учун*

(6-327).

Эътибор берилса, байтда ўтмиш воқелигининг бугунги кунда унутилаёзган яхши бир таомили фавқуллодда гўзал ифодаси ўз аксини топган. Кишилар кўз учган пайтда «тўкинлик бўлсин, яхшиликка бўлсин» деб ирим қилиб, қовоқ устига сомон қўяди. Шоир халқимиздаги бу одатни назмга кўчиради. Байтда ташбеҳ қўлланган: ошиқнинг кўзи учаяпти, унга ошиқ сомон ёпиштиради. Ошиқнинг кўзи – қуш, сомон унинг ёрга ёзган сариқ номаси, яъни у нигоҳи билан ёрга дилидагини етказмоқда.

Навбатдаги байтда эса сариқ рангнинг кўпроқ гўзаллик маъноси, бўёғи сезилади:

*Ул қуёш рухсорию сариғ юзумнинг шарҳини,
Сафҳаи хуршид, хатти зарнигоридин ўқу*

(6-350).

Кўринадики, Алишер Навоий ижодида қўлланилаётган сариқ рангнинг мазмун-моҳияти хазон, меҳр (қуёш), олтин, сомон (хошок), сариқ лола, заъфарон, қаҳрабо, зарварақ, зарбафт каби сўз ва иборалар ёрдамида очилган. Шоир ижодида кўрсатиб ўтилган сўзларни мужассам этган бир бутун ғазал учрайди. Бу эса лирик қаҳрамон кечинмалари, унинг севгилиси ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради:

*Сариғ либос аро ул нўшлабки хандондур,
Эрур Масиҳки, хуршид ичинда пинҳондур.*

*Либосу жисм ила ул гулзор кўргузди,
Хазон ичида баҳореки, ақл ҳайрондур.*

*Либоси ўт киби асфар, тани ҳаёт суйи,
Ажойиб ўтки, аросинда оби ҳайвондур.*

*Ўшул дил орзусидинки, зарварақ киймиш,
Юзумнинг олтунида дурри ашк ғалтондур.*

*Фироқ даштида лолалар сариғ бутмиш,
Магарки доғлари барча доғи ҳижрондур.*

*Юз ул этакдин агар олмасам, не тонгки, сомон,
Чу қаҳрабоға етар, қўймоғи не имкондур?
Сариғ юзумдек этиб субҳ ўзин соғиндимким,*

¹ Изоҳ: Ўтмишда қушларнинг хат ташувчи вазифасини бажарганлиги маълум. Жумладан, «Алпомиш» достонида Алпомиш ўз яқинларига чоғга тушиб қолганлигининг хабарини чўлоқ ғоз орқали билдирса, П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида Умаршайх Мирзо Аҳси қўрғонида кабутар орқали хабар йўллашга қушхонасига чиққанда ҳалок бўлади.

Совуғ нафас била меҳрин ёшурмоғ осондур.

*Навоийға берур эл панду ул муни дерким:
Сариғ либоси фалон шўхнинг не часпондур?*

(4-134).

Ғазалда ишқ кечинмалари тасвири бевосита сариқ рангнинг турли маъноларини қўллаш билан юзага чиққан. «Сариқ» сўзи, унинг маънодоши асфар, шунингдек, шу ранг остида бирлашувчи хазон, олтун, қаҳрабо, зарварақ, меҳр(қуёш) кабилар илтизомни вужудга келтирган.

*Сариғ либос аро ул нўшлабки хандондур,
Эрур Масиҳки, хуршид ичинда пинҳондур.*

Матлаъда маҳбубанинг сариқ рангли кўйлақда шўх кулиб (нўшлаб) «жон олиши» гўё ривоятларга кўра фалакка кўтарилган Исо алайҳиссаломни қуёш (хуршид) нурлари берки-тиб туришига ўхшатишган. Мисраларда маъшуқанинг ўша жон олувчи лаблари Исо алайҳиссаломнинг ўликларни тирилтиргувчи мўъжизасига ўхшатилиши жиҳатидан шоирнинг ташбеҳни ўринли қўллаганлиги шубҳасиз.

*Либосу жисм ила ул гулзор кўргузди,
Хазон ичида баҳореки, ақл ҳайрондур.*

Иккинчи байтда лирик қаҳрамон ўзининг биринчи ўхшатишидан «воз кечади». Йўқ, дейди у, эгнидаги либоси-ю танаси сап-сариқ бўлса-да, санамнинг юзлари қизил(гулузор), хазонрезги фаслида гул очилишига эса ақл бовар қилмайди.

*Либоси ўт киби асфар, тани ҳаёт суйи,
Ажойиб ўтки, аросинда оби ҳайвондур.*

Маъшуқанинг кўйлаги ошиқнинг кўзига энди сариқ-қизғиш(асфар) оловга ўхшаб кўрина бошлайди. Танаси эса сув каби тиниқ, тоза. Реал ҳаётда сув билан ўт ёнма-ён турмайди. Лекин ёрнинг эгнига кийган либоси шундай ярашганки гўё олов ўртасида тириклик суви тургандек.

Маъшуқанинг либоси бежиз ўтга ўхшатилмаган. Чунки лирик қаҳрамоннинг қалбидаги муҳаббат ҳам алангаланмоқда. Шунинг учун навбатдаги мисраларда лирик қаҳрамон ички кечинмалари тасвирига ўтилади.

*Ўшул дил орзусидинки, зарварақ киймиш,
Юзумнинг олтунида дурри ашк ғалтондур.*

Ахир, маъшуқанинг сариқ рангдаги жозибасига маҳлиё бўлган ошиқ ҳам энди шу рангдаги кийимлар кия бошлади. У висол орзусида шу ҳолатга етдики, сарғайган юзидан кўз ёшлари дур каби тизилиб оқади.

Фироқ даштида лолалар сариғ бутмиш,

Магарки доғлари барча доғи ҳижрондур.

Одатда, тоғда лола қип-қизил очилади. Лекин сувсиз чўлда очилган лолалар сариққа мойил ҳам қора доғи кўп бўлади. Ошиқ юрагидаги ишқ ғунчаси ҳам висолга ташналиқдан сарғайиб, айрилиқ узоқ давом этгани сайин қалбда яралар ҳам орта бошлайди.

Аён бўлмоқдаки, ғазалда сариқ ранг маъноси атрофида бирлашувчи предмет ёки ашёлар жамланиши бадиий манзаранинг янада гўзалроқ тасаввур этилишини ва мазмуннинг мантиқий бутунлигини таъмин этмоқда. Навбатдаги мисраларда сомон, қаҳрабо кабилар нафақат сифат жиҳати, балки уларнинг ашёвий хусусиятлари ҳам назарда тутилган.

*Юз ул этакдин агар олмасам, не тонгки, сомон,
Чу қаҳрабоға етар, қўймоғи не имкондур?*

Агар, дейди лирик қаҳрамон, сарғайган юзимни ёр қўйлагининг этагидан олмасам бўлмайди, ишқ дардида нафақат сомондек сариқ рангга бориб етади, ундан ҳам ортиб, қаҳрабо тусини олади, шу билан бирга қаҳрабодек елимлик хусусиятига ҳам кириб қоладика, кейин ажралиш осон эмас.

*Сариғ юзумдек этиб субҳ ўзин соғиндимким,
Совуғ нафас била меҳрин ёшурмоғ осондур.*

Мазкур байтдан икки хил маъно келиб чиқади. Сабаби, биринчи мисрадаги «субҳ» - 1) тонг; 2) юз равшанлиги; иккинчи мисрадаги «меҳр» - 1) қуёш; 2) меҳру муҳаббат каби маъноларда келмоқда. Аввал байтнинг иккинчи мисраси мазмунига диққат қилсак. Мисрадан икки хил маънони тушуниш мумкин. Биринчиси, ҳаво совиганда, қуёш (меҳр)нинг ҳарорати пасаяди, иккинчиси, совуқ назар билан одам ўз меҳрини яшириши мумкин. Биринчи мисрада, қуёш чиқаётганида тонг янада нурлироқ, ёруғроқ бўлади, иккинчиси, ишқ ўтидан кишининг юзи равшанроқ бўлади, дейилмоқда.

Навойга берур эл панду ул муни дерким:

Сариғ либоси фалон шўхнинг не часпондур?

Лирик қаҳрамонга эл: энди сен шўх гўзалларга қарашдан, уларга ошиқ бўлишдан ўзингни тий, сингари насиҳат қилиб турган бир пайтда у, сариқ либос кийган гўзалнинг кийми ўзига нақадар ярашибди-я, дейди ва бу билан ўзининг ишқ йўлида собитлигини исботлайди.

Ғазалнинг матлаъида сариқ рангнинг амбивалентлик¹ хоссаси юзага чиққан. Сабаби, юқоридаги байтларда сариқ ранг ва унинг ўрнида қўлланилган синонимлари, асосан, ошиқнинг ҳижронда абгор бўлган ҳолатини, изтиробдан синиққан кайфиятларини ифода-лаб, салбийлик мазмунини касб этган бўлса, сариқ либосда янада гўзал бўлиб кетган дилбар ўз асирига Исо Масиҳ каби жон бағишлайди.

Умуман, ғазалда лирик қаҳрамоннинг ишқий «саргузашт»и сариқ ранг билан алоқадор-

¹ Амбивалентлик - қарама-қарши маъноларни бир хилда аташ ёки бир ном остида бир-бирига зид маънонинг таркиб топиши.

ликда ифода этилар экан, мазкур ранг ошиқ ва маъшуқа муносабатларида юракда ишқнинг пайдо бўлиши, айрилиқ, ҳижрон ва муҳаббатнинг янада кучайиши каби туйғуларнинг ёрқинроқ, таъсирчанроқ ифодасида муҳим белги вазифасини бажаради.

«Навоий ишқ темасини баланд кўтариб, шу тема билан лирикада турмушнинг кўп соҳаларига кириб чиқди. Унинг ғазалларида табиат ҳодисаларидан тортиб жамият масалаларигача, инсон гўзаллигидан тортиб қушнинг нағма-наволаригача, ҳофизнинг хонишидан тортиб файласуфнинг донишмандлигигача, ошиқ қалбининг изтиробли тўлғонишларидан тортиб ринднинг бепарволигигача бўлган ҳисобсиз ҳодиса, масала ва манзараларни кўришимиз мумкин»¹.

Биринчи бобда билдирилган фикрлар юзасидан шундай хулосалар чиқариш мумкин:

– Шарқ халқлари эътиқодий қарашлари тарихида ранглар алоҳида ўрин тутди. Бу туркийларнинг қадимий эътиқоди – шаманизмда икки асосий муқаддас руҳ – Албасти ва Сари Албастининг қизил ва сариқ кийимда тасаввур қилинишида яққол акс этган. Мазкур руҳлар кийимининг муҳим атрибути бўлган қизил ва сариқ ранг уларда мужассам бўлган руҳоний қудратнинг рамзий ифодасидир. Бу эса ушбу рангларнинг туркий халқлар эътиқодий қарашлари, урф-одат, расм-русумларида катта аҳамият касб этишига олиб келган.

– Аксарият ҳолатларда ишқ-муҳаббат саргузаштлари, айрилиқ ва ҳижрон туйғулари, боғбон, рақиб образлари халқ оғзаки ижодида қўлланилган рангга алоқадор тимсоллар мажмуини ташкил этган.

– Рангшуносликдаги амбивалентлик (қарама-қарши маъноларни бир хилда аташ) ҳодисаси Алишер Навоий ғазалларида у ёки бу даражада қисман акс этган бўлиб, кўпроқ қора, сариқ, қизил рангларнинг ҳиссасига тўғри келади.

– Шоир ғазалларида васф этилган маъшуқа хоҳ илоҳий, хоҳ мажозий ёхуд комил инсон тимсоли бўлсин, унинг китобхонга эстетик-эмоционал таъсир этиш, кучли завқ уйғотиш, тасаввур доирасининг кенгайтиришида ранглар символикаси ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

– Алишер Навоий девонидаги рангга алоқадор байтлар мавзу доираси кенг қамровлидир: у ўзида инсон ҳаётини ахлоқий, маърифий, эстетик, тасаввуфий, ижтимоий нуқтаи назардан талқин этувчи шеърларни жамлаган. Девоннинг шоир руҳий-фалсафий оламининг муҳим қирраларини ташкил этувчи қарашларни уйғун ва бадий тарзда ифодаловчи мукамал мажмуа касб этишида рангларнинг салмоқли ўрин тутиши таҳлил ва талқинларда ойдинлашди.

¹ Ҳаққулов И. Ғазал гулшани. Гоявийлик ва маҳорат чўққиси. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 56.

2-БОБ. РАНГ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИЁТИ ОБРАЗЛАР ОЛАМИ

2.1. РАНГ СИМВОЛИКАСИ ВА ОБРАЗЛИЛИК

Бадиий адабиётда образ ва образлилик хусусида баҳс юритилганда, албатта, ранг символикаси масаласини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Чунки Алишер Навоий шеъриятида рангга алоқадор байтлар миқдори ҳам, мазмуни ҳам шунчалик салмоқлики, шоир яратган кўпгина образларни рангдан ажратилган ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам унинг лирикасида ранг ва образ, ранг ва образлилик тушунчалари табиий тарзда ўзаро уйғунлик топган. Айниқса, тасвир бирор ранг билан боғлиқ бўлган ғазалларда рангнинг рамзий ифодаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шундай экан, дастлаб символ ва символика, образлилик атамаларининг асл моҳиятига назар ташлаш зарур.

“Символ образли ифоданинг бир кўриниши бўлиб, бадиий нутқда ҳаётий воқеа, тушунча ва нарсаларни ифодалаш учун шартли равишда кўчма маънода ишлатиладиган сўз ёки сўзлар бирикмаси.”¹, “Символика – 1. Тушунча ва ҳис-туйғуларнинг шартли белгилар, символлар ёрдамида ифодаланиши. 2. Символлар мажмуи.”²

Маълумки, адабиётнинг бош хусусияти ғоявий мазмуннинг бадиий шаклда ифодаланиши, яъни адабиётнинг бадиийлигидир. Образлилик эса бадиийликнинг бош аломати ҳисобланади. А.Ф.Лосев бу ҳақда шундай дейди: «... бадиий образлилик ҳеч қачон символсиз ҳосил қилиниши мумкин эмас, гарчанд бунда символ ўзига хос бўлса-да.»³ А.А.Потебнянинг фикрича, поэтик образ белги, символга таянади, чунки айнан улар образ ҳақида тасаввур уйғотади, образнинг ички шаклини ташкил этади.⁴

Алишер Навоий шеъриятининг мавзулар олами кенг қамровлилиги билан ҳам юксак саналади. Унда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, фалсафий мазмун ишқий лирика билан узвий боғланган. Шунинг учун ҳам ранг символикаси, асосан, ошиқ ва маъшуқа муносабатларини образли акс эттиришда қўлланилган. Масалан, қуйидаги байтда образ осмондаги қизғиш булутлар воситасида яратилган:

*Юзунг шаҳидлари туфроғин совурмиш ел,
Буким булут кўрунур кўкта ҳар тараф гулгун*

(1-572).

Гарчи байтда маъшуқанинг юзи қизил эканлиги айтилмаган бўлса-да, байтдаги “гулгун” сўзи бевосита шунга ишора этиб турибди. Яъни ёрнинг гулгун юзини кўрган ошиқ унга шунчалик шайдо бўладики, охирда ишқ йўлида жон беради. Ишқнинг оташи ошиқнинг вафотидан кейин ҳам сўнмай, ҳатто у ётган туфроғни ҳам ёндириб, кул қилади. Шамол бу туфроғларни созуриб, осмону фалакка кўтаради. Биргина “гулгун” лафзи орқали ёрнинг юзи қизил экани, қизил юзлик эса гўзалликнинг энг муҳим белгиларидан эканли-

¹ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. - Тошкент: Ўқитувчи, 1979. - Б. 279

² Ўша китоб. - Б. 280..

³ Лосев А.Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – М.: “Искусство”, 1976. – С.144.

⁴ Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990. – С.140.

ги ойдинлашди. Шунингдек, кўкда булутларнинг қизил бўлиши ҳам табиий ҳол. Бу билан ишқ дарди чин ошиқни шаҳидлик мартабасига етказиши образли тасвирланган.

“Ёзувчи қай даражада моҳир бўлмасин, асар учун образни жалб қилишда жуда ҳам эркин ҳаракат қила олмайди. Санъаткор бу ишда доим иккита мантиққа асосланади. Улардан бири – ҳаёт мантиқи, иккинчиси муайян асардан кузатилган бадий мантиқдир. Ёзувчининг маҳорати унинг мана шу икки мантиққа мукамал амал қила билишида кўзга ташланади.”¹ Қуйидаги мисраларда Алишер Навоий ҳаёт мантиқи ва бадий мантиқни мукамал уйғунлаштиришга эришган.

*Торттим ранжи хумор айлаб майи аҳмар тамаъ,
Ул кишидекким қозар тоғ айлабон гавҳар тамаъ*

(4-213).

Шоир гавҳар илинжида минг машаққату азоблар чекиб тоғ қазаётган кишининг ҳолатини муҳаббат, висол (майи аҳмар – қизил майи) умидида ранжи озор тортаётган ошиқнинг ҳолига ўхшатади.

Навоийнинг муҳаббат ҳақидаги қарашларининг асосий моҳияти шундан иборатки, мажозий ишқ (инсонга, борлиққа бўлган реал севги), ҳақиқий ишқ (вужуди мутлаққа – Яратганга бўлган муҳаббат)дан алоҳида олиниб, унга қарама-қарши қўйилмаган. Балки мажозий ишқ ишқи ҳақиқийнинг бир кўриниши ёки ҳақиқий ишқ йўлидаги ўзига хос босқич сифатида баҳоланади.

*Недур ой сафҳаси бўлғон қародин доғлиқ гўё,
Жамолинг дафтарин ёзғонда бўлмиш бир варақ ботил*

(3-409).

Одатда, ёрнинг гўзаллигини таъкидлаш учун унга борлиқдаги энг чиройли нарсалар қиёсланади. Яратган мутлақ гўзаллик эгаси, бутун борлиқ, жамики мавжудот унинг тажаллиси. Шунингдек, Ой образи Шарқ мумтоз шеъриятида, жумладан, Алишер Навоий лирикасида ҳам кўп учрайди. Аммо ойнинг ҳам доғи бор. Қора доғ эса унинг хуснини янада орттиради. Демак, хусну латофатда ойдан ҳам гўзал маъшуқа ошиқнинг ҳақиқий ишққа етишишида муҳим вазифани бажаради.

Қора қошу кўз, қизил юзу лаъл лаблари билан ошиқларига жафолар кўрсатган маъшуқа образи таниш. Унинг қўлига мовий рўмол боғлаб олганлиги табиий бўлса-да, гўё ўз асирларига кўп зулм қилганлиги туфайли оғриб боғлаб олган, дея шоирона сабаб кўрсатилишини Навоийнинг юксак санъаткорлиги белгиси деб баҳолаш мумкин.

*Илгига мовий катон ул шўх невчун чирмамиш,
Гўйиё кўп тийғи зулм урмоқтин оғриб боғламиш*

(3-270).

Зеро, “Китобхонларнинг ҳисларини қўзғатиш, “туйғуларимиздаги тўлқунларни” уйғотмоқ орқали ҳаяжонлантириш – эстетик таъсирчанлик экан, бадий образ маъзи тўқ, ҳа-

¹ Адабиёт назарияси. I том. – Т.: Фан, 1978. – Б.285.

ётий, умрбоқий бўлгандагина бадий қимматга эга бўлади.”¹ Байтда маъшуқанинг айнан мовий рўмолчаси орқали ифодаланаётган тасвири образнинг бадий қимматини таъминлаган ва образлиликни вужудга келирган.

*Кўзум хуноби лаълинг шавқидин баҳр ўлди, тонг эрмас,
Чиқиб гулгун бу дарёнинг саҳоби, ёғса қон ондин...*

Образ яратишда шоирнинг эстетик идеали, дунёқараши, руҳий олами, ижодий тажрибаси етакчилик қилади, воқелик шу асосда қайтадан жонланади, образли тасвирга эга бўлади. Юқоридаги мисраларда ҳам ошиқнинг қалбида муҳаббат туйғуси алангаланиши жараёни тасвир этилган. Маъшуқнинг лаъли лабларини кўрган ошиқнинг кўзлари қонли дарёга айланди, энди унинг сувлари буғланиб, булутга айлангач, ундан қонли ёш оқса, ажабланманг, ахир, ошиқнинг дард-ҳасрати кучайиб, ҳижрон азобидан тўккан ёшлари катта дарёни ҳосил этди.

Ёки қуйидаги байтда энди ошиқнинг кўзларидаги қонли ёшлар дилбарнинг чиройли қизил юзлари туфайли эканлиги аён бўлади. Ошиқнинг ёшларидан ҳосил бўлган ариқдан сув ичган боғдаги гуллар фақат қизил очилиши маҳорат билан тасвир этилиб, образли тасвирнинг ажойиб намунаси яратилган.

*Кўларим боғи гулистон бўлмиш ул юз шавқидин,
Барги гуллардур сочилган ашки гулгун ҳар тараф*

(2-385).

Қора ранг билан боғлиқ руҳий ҳолат тасвири Навоий асарларида алоҳида мақсадга эмас, шоирнинг умумий мақсади, ниятини чуқурроқ, аниқроқ, таъсирлироқ очишга, ҳаётнинг мураккабликларини, инсонлараро ўзаро алоқаларнинг мушкулликларини, турмушдаги турли-туман зиддиятларни бадий изоҳлашга, улардан кўз юммасликка, уларни тўғри тушуниб олишга қаратилган.

*Маҳжабинлардин сияҳдиллиқ не тонгким, ойнинг
Ботинин кўрсанг қародур, гар кўрунур зоҳир оқ*

(3-258).

Шоир шеърларида бу каби чуқур фалсафий мазмун, ҳаётий воқеликнинг бадий талқини қора ва оқ ранглари контраст қўллашдан ташқари яшил, кўк ранглар тасвирида ҳам кўринади. Масалан, бу дунёнинг ўткинчилиги, баҳорнинг яшилликка бурканган кўрки бир лаҳзалик эканлиги, табиат яшиллик билан ўралган бўлса-да, ортидан хазон фасли келиши қуйидаги мисралардан аён бўлади:

*Сабзаи хат бирла бу гулшан вафосиз эрканин,
Килки кудрат ёзди, райҳони баҳоридин ўқу*

(6-518).

¹ Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Т.: Шарқ, 2002. – Б.34.

Навоийдаги шеърий маҳорат инсон образини, унинг ички ва ташқи борлигини атрофлича чуқур, бадиий гавдалантира билишида намоён бўлади.

*Сафо аҳлиға гулрухлар хаёлидин тағайюр йўқ,
Қачон гул акси тушмаклик била гулранг бўлғай су*

(2-638).

Бу хил сатрларда Навоийнинг асосий мақсади ўз лирик қаҳрамонининг ички дард, ҳаяжон ва изтиробларини, қалб интилишларини, кўзга кўринмас қайғу ва ҳасратларини таъсирчан этиб тасвирлашдир. Бунинг учун Навоий кўп ўринда параллелизм усулидан фойдаланади.

*Сиймгун ғалтон сиришкимдурки, ҳоло бўлди қон,
Буки эл шингарф дейдурлар, бурун сиймоб эрди*

(1-700).

Яъни, одатда кўз ёш оқ ранг бўлади, ошиқ санамнинг қизил юзлари-ю лаъл лабларини кўраверар экан, ишқ-муҳаббати алангаланиб, қонли ёшлар тўка бошлайди. Иккинчи мисрадаги “сиймоб” лафзининг “сиймгун ғалтон”, “шингарф”нинг “қон” билан параллел қўйилиши мазмуннинг чуқурлашувига хизмат қилган.

Навоийнинг бошдан охир бир ранг асосидаги ғазаллари унинг ранг символикаси билан боғлиқ бадиий-эстетик қарашларини англашда муҳим аҳамиятга эга. Бир ранг ва унинг турли товланишлари асосидаги ғазалларда муайян рангнинг символик моҳияти янада чуқурроқ очилади. Жумладан, “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан жой олган “бинафш” радифли ғазалда тасвир ушбу ранг билан боғлиқликда олиб борилади.

*Қилғали кийган либосин ул бути зебо бинафш,
Ваҳки, ёқмас хотиримға ҳеч ранг илло бинафш.*

*Сарви раъно ҳулламу киймиш бинафша баргидин,
Ё либосин айламиш ул чобуки раъно бинафш.*

*Эзди жаннат гулларидин ранг наққоши қазо,
Сен киярдек чунки бўлмас даҳр аро пайдо бинафш.*

*То бинафш этмиш тўнин ул гул борурмен ҳушдин,
Боғ аро ҳар гулниким кўрсам мени шайдо бинафш.*

*Гул бинафшазор аро тушган кеби ул шўхнинг
Кўнглаки воло бинафшу тўни ҳам кимхоб бинафш.*

*Сабзада савсан ярашқандек мулойимдур, баса,
Шўхи сабзорангларнинг рангига дебо бинафш.*

*Жуз бинафша боғ аро гул экмагил, эй боғбон
Ким, либоси рангини истар бизинг мирзо бинафш.*

*Бўйлаким, соқий тўнин қилмиш бинафш эрмас ажаб,
Аксидин бўлса билурин соғари саҳбо бинафш.*

*Чарх рангомиз эрур, қўрма тафовут зинҳор
Рангларким, кўргузур кўку яшилдин то бинафш.*

*Эй Навоий, ул бинафшапўш гулнинг васфида
Бўлмасун ҳар не ёзарсен коғазе илло бинафш.*

“Бадий асарнинг композицион маркази ғоянинг ташкил қилувчи кучига боғлиқ. Шундай экан, асар ғояси ҳамма қисмларни яқка маънони ифодалашга бўйсундирган бўлгандагина, композицион жиҳатдан етук бўлади».¹ Лирик қаҳрамон – ошиқ қалбида муҳаббат туйғуси куртак ёзиб, дардли, изтиробли ишқий кечинмаларнинг бошланиши маъшуқанинг эгнидаги либос ранги билан узвий алоқадор эканлиги ғазалнинг матлаъсидаёқ ойдинлашади, шунингдек, ранг, юқорида мулоҳазалардан келиб чиқиб айтганда, шеърнинг композицион бутунлигини таъминлаган.

*Қилғали кийган либосин ул бути зебо бинафш,
Ваҳки, ёқмас хотиримға ҳеч ранг илло бинафш.*

Яъни: Ул гўзал либосини бинафшаранг қилганлиги сабабли бинафшадан бошқа ранг ҳаргиз кўнглимга ёқмайди.

Зебо санам – маъшуқа устидаги бинафшаранг либос лирик қаҳрамон кўнглига шу қадар кучли таъсир ўтказганки, бундан ўзга рангга у парво қилмайди. Олам унинг наздида бинафшаранг тус ола бошлайди, у атрофдаги ҳар бир нарсани шу рангга кўради. Шоир билиб билмасликка олиш (тажохули ориф) усули билан лирик қаҳрамондаги ушбу ҳолат таъкидини янада кучайтиради.

*Сарви раъно хулламу киймиш бинафша баргидин,
Ё либосин айламиш ул чобуки раъно бинафш.*

Шоир ёрнинг бинафша ранг либос кийганлигини табиатдаги ҳодиса – қуёшнинг қора ёки бинафша ранг булут ортидан (қуршовида) янада чиройлироқ кўриниши билан асослайди. Табиийки, параллель равишда маъшуқа олдинги мисрада сарвга, ушбу мисрада эса қуёшга ташбиҳ қилинади.

Лирик қаҳрамон наздида ёр либосининг ранги – жаннат гуллари рангидан олинган, яъни у бу дунёга мансуб эмас, илло “даҳр аро” бундай рангни ҳали ҳеч ким кўрмаган:

*Эзди жаннат гулларидин ранг наққоши қазо,
Сен киярдек чунки бўлмас даҳр аро пайдо бинафш.*

Бунда ёр мажозан жаннат гулига қиёсланади. Жаннат эса поэтик матнда азалий ҳақиқат макони тимсоли. Гўёки бу оламга ўша макондан ташриф буюрган, бинобарин, мавжудлик

¹ Адабиёт назарияси. I том. – Т.: Фан, 1978. – Б.271.

моҳияти, борлиқ ва унинг асосига фалсафий нигоҳ билан боқадиган лирик қаҳрамон учун ёр – азалий ҳақиқатга эришиш воситаси. У қиёсни бутун борлиққа кўчиради ва оқибатда боғдаги бинафшаранг ҳар бир гул (кенг маънода борлиқдаги ҳар бир ашё, жонли ва жонсиз нарса-предмет) унинг кўзига матлуб (талаб этилган, топилиши албатта шарт бўлган ҳақиқат, мавжудлик сири) мазҳари бўлиб кўринади:

*То бинафш этмиш тўнин ул гул борурмен ҳушдин,
Боғ аро ҳар гулниким кўрсам мени шайдо бинафш.*

Ёр-жаннат гули-боғдаги гуллар семантик қаторини ўзаро бирлаштириб, боғлаб турган восита – ранг (бинафша ранг).

Ғазалда икки асосий чизиқ мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ранг билан боғлиқ: 1. Ёр тасвири; 2. Ошиқ руҳий ҳолати тасвири.

Ўн бир байтли ғазалнинг олти байти (1-, 2-, 3-, 4-, 6-, 7-байтлар) маъшуқа кийими, ташқи кўриниши, маънавий даражаси тасвирига бағишланган. Улар орасида кийим ва ёрнинг ташқи кўриниши билан боғлиқ тасвир етакчилик қилади.

Ғазал ёр тасвири билан бошланади. Айнан ёрнинг ташқи кўриниши, гўзаллиги ошиқни мафтун этади. Ёр гўзаллигининг асосий атрибути эса унинг бинафшаранг кийими. Бинобарин, ёрнинг гўзаллиги намоён бўлишида ранг асосий восита. Ранг ошиқ руҳий ҳолатининг кўзғовчиси. Унинг руҳияти ранг (бинафшаранг кийим) таъсирида жунбушга келади ва ҳолатида кескин ўзгариш рўй беради. Бу ўзгаришни унинг руҳий ҳолати чуқурлашиши, дунёқарашининг эса байтдан-байтга фалсафийлаша боришидан билишимиз мумкин. Ғазалнинг 8-, 9-, 10- байтларида лирик қаҳрамон борлиққа фалсафий нигоҳ билан қарайдиган чуқур дунёқараш эгаси сифатида намоён бўлади:

*Чарх рангомиз эрур, кўрма тафовут зинҳор
Рангларким, кўргузур кўку яшилдин то бинафш.*

Яъни: Чарх ранг-баранг, аммо сен бу ранг-баранглик орасида тафовут кўрма, яъни унинг бир рангда кўриниши яхши, ёки у фалон рангда кўринса ёмон деган ўйга бориб алданма. Чарх турли рангда намоён бўлиши билан унинг моҳияти ўзгариб қолмайди.

Байтдаги фалсафий фикрнинг асосини чарх (фалак, дунё)нинг алдамчилиги, у турли шаклда намоён бўлса-да, моҳияти ўзгармаслиги, унинг лирик қаҳрамонга тескарилигидадир. Энг асосийси, ушбу фикр ранг воситасида очилган. Шоир дунёнинг турли рангда товланиб, тусланиши – буқаламунлигини биргина “рангомиз” сўзи орқали берган ва унинг кўк, яшил, бинафша ёки бошқа рангда товланиб туриши, бу билан унинг ташқи кўриниши ўзгарса-да, моҳияти дахлсиз қолишини таъкидлаган. Дунёни буқаламун, унинг тузилишини эса ошиқ манфаатларига зид сифатида талқин этиш Навоий ижоди учун ҳам, Шарқ шеърояти учун ҳам янгилик эмас. Бироқ ушбу ғазалда бу ҳол ранг воситасида очиб берилиши шоирнинг бадиий кашфиётидир.

Хуллас, ғазалда шоирнинг бадиий нияти маъшуқанинг бинафшаранг кийими воситасида очилган. Мазкур ғазал мисолида ранг символикаси асосига қурилган ғазалларнинг қуйидаги муҳим хусусиятлари намоён бўлади: 1) шоирнинг бадиий нияти ранг ва у англатган маънода мужассамлашган; 2) уни юзага чиқаришда ушбу рангнинг турли товланиш (оттен-

ка)лари иштирок этади; 3) лирик қаҳрамон руҳиятидаги ўзгариш маъшуқа кийимининг ранги билан боғлиқ равишда пайдо бўлади, унинг тинч, бир маромдаги руҳий ҳолати муайян рангдаги кийим таъсирида ўзгаради, бинобарин, маъшуқа кийимининг ранги ошиқ руҳий ҳолатини ўзгартирувчи асосий бадий унсур.

Чинакам лирик шеърни муайян одам руҳининг, муайян характер кайфиятининг белгили ҳолатини акс эттирувчи «нутқи» деб атаса бўлади. Лириканинг асосида шоир шахси бор, лекин бундан лирик қаҳрамон шоирнинг ўзинигина ифода этар экан-да, деган хулоса чиқармаслик керак... Лирик поэзияга хос образлилик кўринишларини худди ана шу лирик қаҳрамон образининг намоиш этилиш тарзлари белгилайди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга таяниб, шоир лирикасининг тадқиқи жараёнида ранглар ва уларнинг шартли символик маънолари, ранглар билан боғлиқ фалсафий-диний қарашлар ижодкор фойдаланадиган “материал” бўлиб, образнинг тўлақонли чиқиши ранг асосидаги образлиликка бевосита боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Дарҳақиқат, ошиқ, маъшуқа, соқий, май, гул, ой каби образларнинг моҳияти кўплаб ўринларда ранг рамзлари орқали очила боради.

2.2. РАНГ ВА МАЪШУҚА, ОШИҚ ОБРАЗЛАРИ

Изланишларимиз шуни кўрсатдики, ранг рамзлари воситасида поэтик мушоҳада юри-тиш лирик шоирлар, хусусан, Алишер Навоий ижодида ўзининг мукамал ифодасини топ-ган. У форс-тожик ва туркий адабиёт вакилларининг ижодини қунт билан ўрганган, улар қўллаган бадий образлардан ижодий фойдаланган, туркий назмни янги-янги тасвирий восита ва тимсоллар билан бойитган. Шу нуқтаи назардан Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Атойи, Лутфий, Гадоий каби форсий ва туркий шоирлар ижодида ранг тасвирига оид айрим байтларни кузатиш масалага янада ойдинлик киритади.

Малик ул-калом Лутфий девонида ранглар уйғун келган бир нечта либос номлари би-лан боғлиқ ғазал учрайди. Лирик қаҳрамон, яъни маъшуқа қандай ва қайси рангдаги кий-им киймасин, ҳаммаси унга ярашади, бир хуснига ўн хусн қўшади. Ғазалнинг айрим байт-ларига эътибор берайлик. Мисраларда унинг маълум бир кийимдаги ҳолати табиатдаги энг гўзал нарсалар билан қиёсланади ва улардан гўзалроқ эканлиги яна ва яна ойдинла-шиб бораверади.

*Ҳар гаҳки, киши жуббани ул дилрабо кияр,
Гўёки тун либосини моҳи само кияр..*

*Кўнглакка инжу тўнчи мунунгтек не хўб эмиш,
Ёхуд келур латиф неким маҳлиқо кияр.*

*Ашҳаб нечун аранг кўтарур нозанин бўйи,
Ул руҳдек бадан била тўн мунтаҳо кияр.*

Биринчи мисрадаги «киши жубба» - қора қундуз терисидан тикилган пўстин бўлиб, уни кийган дилбар билан қоп-қора тунда ўз хуснини кўз-кўз қилаётган самодаги ой хусн тала-шади.

Атойи қаламига мансуб қуйидаги байтда ҳам маъшуқа шу каби либосда намоён бўлади:

*Қоронғу кечада киш жибба ичра,
Юзунг ою, кўзунг чўлпон бўлубтур.¹*

Абдураҳмон Жомийнинг бир ғазалида пейзаж тасвири лирик қаҳрамон кайфиятини ёри-тишда муҳим ўрин тутади. Яъни дилбар ёрнинг яшил либосда бош эгиб туриши шу қадар мафтункор, ажойибки, ҳатто бинафша ҳам ул санамнинг хусни олдида бош эгиб, яшил ли-бос кийишга ошиққандек. Кейинги байтда тасвир яна ҳам таъсирчан. Булутлар ҳам маҳбу-банинг бу ажиб хусну малоҳатини кўриб, ошиқу-шайдо бўладилар, ишқ олови уларни куй-дириб, айрилиқ изтиробидан кўз ёшлар тўкмоқда. Бу манзара эса одатда тоғли жойларга ёғиши керак бўлган ёмғирнинг тўсатдан саҳрода дўлга айланишига ўхшаб кетади.

*Бошин эгиб, бинафша кийибмиш яшил либос,
Кўкат унинг оёғига қилмиш зарин нисор.
Кўклам булутларики сочибдур саховатин,*

¹ Атойи. Танланган асарлар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1960. - Б. 49.

Саҳронинг эгнида дуру гавҳар либоси бор.¹

Мисраларнинг бирор жойида ҳам маъшуқа, унинг кийган либоси тилга олинмаган, лекин бинафша унинг рамзий тимсоли ҳисобланади.

Мавлоно Гадоийнинг лирик меросида тадқиқот мавзуимизга алоқадор поэтик ифодалар эътиборимизни тортди. У маъшуқанинг қиёфасини бадиий акс эттириш жараёнида ўзига хос такрорланмас портрет санъатларини яратган. Шоирнинг бир шеърида маъшуқа париларга қиёс этилади, қизиқарлиси, пари пистоқи ранг тўнда гавдалантириладики, ҳатто Навоий ғазалларида ҳам бундай тасвирни учратмадик:

*Кўнғлуми яғмолади бир пистақи тўнлуқ пари,
Сочлари сунбул, янгоқи рашки гулбарги тари.²*

Хуллас, Навоийгача бўлган шеъриятда ҳам образ ва ранг ўртасидаги уйғунлик, бадиий ниятни юзага чиқаришда рангдан фойдаланишга аҳамият қаратилган. Бироқ ушбу тасвирий восита – рангдан лирик қаҳрамон психологик ҳолатини тасвирлашда кенг ва ҳар томонлама фойдаланиш Алишер Навоий ижодида ўзининг юқори даражасига кўтарилган.

Ижодкорнинг лирик қаҳрамони ким эди, деган саволга ойдинлик киритишдан аввал қуйидаги таърифга эътибор қаратамиз: “Лирик қаҳрамон – лирик асарда кечинмалари тасвирланаётган киши, шоирнинг умумжамият учун қимматли ҳис ва фикрларини ташувчи шахсдир. У шоир шахси билан эстетик идеалнинг қўймасидир”.³ Навоийшунос олим А.Ҳайитметовнинг Алишер Навоий ғазалларининг мавзуи ҳақидаги мулоҳазаси эътиборлидир. “Шоир ўз ғазалларини ғоявий-тематик жиҳатдан шартли равишда уч қисмга бўлган: 1. Ошиқона ғазаллар; 2. Риндона ғазаллар; 3. Орифона ғазаллар.”⁴ Демак, ўз-ўзидан равшанлашадикки, ошиқ, ринд ва ориф образлари шоир лирикасида асосий ўрин тутди.

Навоийнинг поэзияси метафорикдир. Унинг ғазалларида метафоранинг кўплигидангина эмас, балки аксар ғазаллар бошдан охиригача мажозий равишда тузилади. Уларда ишора, рамзлар, киноялар муҳим вазифа бажаради. Гап ранг рамзлари воситасида яратилган образлар ҳақида борар экан, юқорида таъкидланган уч образ орасида ошиқ образининг мукамал бадиий ифодасига хизмат қилган.

“Адабий турлар ва жанрлар” китобида шоирнинг лирик қаҳрамони ҳақида баҳс юритилар экан, “Навоий лирик қаҳрамонида ошиқлик, мутафаккирлик бўртиб туради”⁵, дея тўғри таъкидланган.

Навоийнинг лирик қаҳрамони ўз даврининг, ўз даври маданияти, ахлоқи, фалсафаси ва маънавий дунёсининг ойнасидир. Навоий лирик қаҳрамони билан ўзбек адабиётининг биронта шоири лирик қаҳрамони ўз муҳитини кенг ва чуқур ҳолда қамраб олиш соҳасида тенг кела олмайди. Шоир шеърларида эркак ва аёллар киядиган 60 дан ортиқ либос турлари тилга олинган. Булар: **або, аблақ, абришим, атлас, воло, далқ, даббоғ, дебо, диклай (баъзи ўринларда «дакла», «декла»), доройи, елак, ёпуқ, жавшан, жанда, жома, жубба, жул, жиба, заркаш, иксун, капанак, катон, киш, кежим, кўктемур, лиҳоф, лоя, мошоб,**

¹ Жомий. Мақсуди дил... - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. - Б. 80.

² Гадоий. Девон. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. - Б. 143.

³ И.Султон. Адабиёт назарияси. - Т.: Ўқитувчи, 1980. - Б. 262.

⁴ Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. - Т.: Ўқитувчи, 1993. - Б. 136.

⁵ Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назариясига оид). Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика. - Т.: Фан, 1992. - Б.63.

мураққаъ, ос, олтойи, паранд, парниён, пашмина, пўстин, песа, ридо, сайфур, сақарлот, синжоб, танпўш, тийин, тўрқа, ўрмак, хирқа, хилъат, хафтон, шол, ширдоғ, қоқум, қумош, қабо, «ҳарир», ҳасирий либос, ҳулла, ёпуқ, чакмон, чопон, чорқаб ва ҳоказо.

Мазкур либосларнинг рангини акс эттирувчи сифатловчилар ҳам хилма-хил бўлиб, улар бевосита лирик қаҳрамоннинг у ёки бу ҳолати ва кайфиятини ёритади. Жумладан, ошиқнинг ҳижронда эзилган, дардли, ҳазин кайфияти «сариф ҳулла», «хазоний кисват», «сариф либос», «сариф тўн» каби иборалар воситасида гавдалантирилган. Масалан:

*Ул сариф тўнлуғ турганда таъзимға тик,
Шуълаким, хошокни куйдургали бўлғай бийик*

(6-227).

Ё.Исҳоқов шоир лирикасига бағишланган «Навоий поэтикаси» китобида: «...ғазалларда шоирнинг ҳис-туйғулари, нозик кечинмалари хилма-хил ташбеҳлар, оригинал истиоралар ва автор мақсади, муносабатининг очилишига имкон берувчи маънавий ва лафзий санъатлар ўзининг гўзал ва табиий ифодасини топган»¹, деб ёзади. Дарҳақиқат, юқоридаги байт «тамсил» санъатининг ажойиб намунаси бўла олиши билан ҳам характерлидир, яъни биринчи мисрадаги сариқ тўнли дилбар(маъшуқа)нинг таъзимга қад ростлаши иккинчи мисрада ҳаётининг бир ҳодиса билан далилланади. Гўзал ёр ишқида ёниб, ҳижронида ўртаниб, хазон бўлаёзган ошиқ (хошок)ни сариф тўнли маъшуқа – «шуъла» янада баттарроқ ишқ оташида ёндиришига қиёсланади. «Бийик» сўзининг луғавий маъноси «катта, улуғ, тик» бўлиб, қуруқ хошок одатда баландлаб, яъни тик ёнади.

*Эй Навоий, кисвати гар обгундир, не ажаб,
Бу яқиндурким, бўлур сув ичра дурри шаҳвор*

(3-137).

Бу энди бошқа манзара: ёрнинг нозик вужудидаги либос сув рангида. Шу боисдан ҳам унинг номи «кисвати обгун»дир. Ошиқ унинг шундай кийим кийишидан ажабланмайди. Чунки «дурри шаҳвор» ҳам ерда эмас, балки сув ичида бўлади. Демак, бу ерда маъшуқанинг сийратига алоҳида урғу берилмоқда.

*Ҳуллаи кофиргун ул хилъати хазро уза,
Сабзаи жаннатқа гўё тушти раҳматдин қиров*

(6-343).

Маъшуқанинг яшил (хазро) хилъат устидан оқ (кофиргун) ҳаририй ҳулла кийиб турган ҳолати жаннатдаги ям-яшил майсалар устига тушган оқ қировга ўхшатилади.

Баъзан қиз-жувонларнинг устидаги либосда бир неча ранг гўё ял-ял ёниб кўзни яшнатади. Камалакни эслатадиган ва камалакка нисбат берилган етти рангни акс эттирувчи бундай заррин кийимларнинг тарихи узоқларга бориб тақалишини қуйидаги байтдан англаб олиш қийин эмас:

¹ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 127.

*Етти ранг дебои заркордин,
Мукалал қилиб дурри шаҳвордин*

(3-312).

«Дебо» - нозик, нафис ипак кийим бўлиб, шоир таъкиди бўйича у етти ранг билан зийнатланган. Айти пайтда, унга дурлар қадалган.

Навоий ёр(маъшуқа)нинг хислатларини, гўзаллигини очиш учун ойнанинг маълум ҳолатини, кўринишларини чизади:

*Меҳриға кўкта шафақ хўб эрмас андоқким манга,
Мовий терлик узра ул ойнанг қизил ширдоғи хўб*

(5-40).

Қуёш ботаётган пайтдаги қизиллик билан ой – ёр кўйлагининг зид қўйилиши рамзнинг таъсирчанлигини оширади, аниқлигини, у юзага келтирадиган ҳис-туйғунинг ҳаяжонли чиқишини таъминлайди. Мовий кўйлак (терлик) ва кўк (осмон), қизил ширдоғ ва шафақ ой – ёрнинг тасвирига ажойиб жило бахш этувчи бўёқдир.

Бошқа бир байтдаги ойнанинг турли рангларда кўринишини ёрнинг либосларига боғлиқ эканига ишонамиз. Ёрнинг қоматига ярашиб турган ниҳоятда чиройли, қизил, қора ва кўк рангли либосларидаги ҳусну малоҳатидан уялиб кетган ой қизариб (шафақ) кетса, баъзан ҳасаддан қорайиб кетади, бошқа пайт эса ҳавас билан тиниқ мовий (кўк, гардун) рангга киради.

*Қизил ёхуд қора ё кўк тўнунг ҳар бир эрур мавзун,
Нечукким, ой либоси ҳам шафақ, ҳам кеча, ҳам гардун*

(5-318).

Маъшуқа юзларини қизил кўйлагининг энги билан ёпиб олса-да, барибир унинг ҳуснини яшира олмайди, аксинча янада гўзаллаштириб юборади, ахир, қуёшни булутлар тўсиб ололмайди-да!

*Қизил кўнглак энгин оразға ёпсанг важҳи йўқ воқеъ,
Қуёш оллида кўрмайдур киши гулгун булут монеъ*

(6-203).

Биз юқорида қизил ранг, аниқроғи, қизил ипакдан тикилган кўйлакнинг эркак ва аёл муносабатларида ижобий таъсирга эгалиги ҳақида сўзлаган эдик. Аммо ушбу ранг ҳамма вақт, ҳамма ҳолатларда ҳам яхши кайфият, ҳолат ва мақсаддан далолат беравермаган. Шоҳ ва султонлар устидаги қизил либос қаҳр, ғазаб, ҳатто хунрезликка ишорат қилган. Бу ҳақда Навоий шундай дейди:

*Тўкти қон гулгун либосин кийгач ул хўблар шаҳи,
Қон тўқар эмиш қизил тўн кийса, бешак, шоҳлар*

(3-136).

Биринчи мисрадаги «хўб» гўзал маъносини билдиради. Демак, «хўблар шаҳи - «гўзаллар шоҳи» демак. У гулгун, яъни гул рангли қип-қизил либос кийганда гўёки ошиқнинг жаллодига айланади. Нима учун? Чунки қадим даврлардаги урфга кўра баъзи шоҳлар қизил тўн кийганда албатта қон тўкилган экан. Тарихчи Масъудийнинг «Ажойиб ад-дунё» номли асарида бу хусусда шундай маълумот берилган: «...турклар энг буюк ҳукмдорларини хоқон дерлар. Унинг тожи, тахти ва камари олтиндандир. Турклар ипак либослар киярлар. Ривоятга кўра, уларнинг хоқонлари халққа кўп кўринмасмиш, кўринган тақдирда унинг олдида ҳеч ким бўлмасмиш... Ҳукмдорнинг муайян бир куни бордир, шу кун ҳукмдор номига улкан бир гулхан ёқилур. Ҳукмдор юқоридан гулханга қараркан, қоҳинлар оловга юзланиб қандайдир дуолар ўқирлар. Шунда олов ичидан буюк бир қиёфа тепага юксалар. Агар бу қиёфа яшил бўлса, ёмғир ва мўл-кўлчиликка, оқ рангда бўлса қурғоқчиликка, қирмизи бўлса қон тўкилишига, сариқ бўлса хасталиклар ва вабога, қора бўлса ҳукмдорнинг ўлимига ва узоқ сафарга чиқишига далолат этар»¹. Балки Алишер Навоийнинг бундай маълумотдан хабари бўлмагандир, лекин бу хусусда албатта эшитган, оғиздан-оғизга ўтиб келган нақллардан воқиф бўлган.

Машрабнинг қуйидаги матлаъ билан бошланувчи ғазали эса Навоийнинг ўзидан кейинги ижодкорларга нечоғли таъсир ўтказганлигини кўрсатади:

*Зебо санамим гулгуни зебо ясанибдур,
Қонимни тўқар, буки қизил тўн кийинубдур.²*

Исломиё эътиқодга кўра шаҳидлик Аллоҳнинг ҳузурини юксак мартаба саналади. Шаҳид кафансиз, яъни жон бераётган вақтида эгнида бўлган кийими билан дафн қилинади. Салжуқий султонлардан Султон Алп Арслон бир жангга отланганда аскарлари билан бирга-ликда оқ либос кияди. Шунингдек, отлари устига ҳам оқ мато ёптиради. Бунда улар албатта шаҳидликни бўйинга олиб, жангга киришган. Қуйидаги мисраларда Навоийнинг лирик қаҳрамонларидан бири ҳам ишқ йўлида шаҳид бўлишни ифтихор билиб, ёрнинг жон олгувчи кўзлари ва ниҳоятда чиройли, лолагун либоси туфайли қизил қонга бўялган либоси билан дафн этишни сўрайди. Иккинчи мисрадаги «маъҳуди кафан» иборасида «одатдаги, расм-русумдаги кафан», яъни одатга кўра майитнинг тоза оқ мато билан кафанланишига ишора бор:

*Лоладек қонлиқ либосим бирла дафн айланг мени -
Ким, шаҳиди ишқ маъҳуди кафанға кирмади*

(6-437).

Ёки:

*Шаҳид ўлсам либоси лолагун сарви равонимдин,
Ясанг қабрим уза миле, бўянг гулранг қонимдин*

(3-383).

Биз юқорида либос ва ранг тасвирлари акс этган айрим байтларни таҳлил этган бўлсак, қуйида яхлит олинган айрим ғазаллар билан танишамиз.

¹ Ganiz Faza'il. El-Etrak. – Ankara, 1988. - S. 33.

² Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. - Б. 185.

*Тўрт ранги мухталифдин ҳуллаким, жонон кияр,
Тўрт унсур кисватидур гўйиёким жон кияр.*

*Ўзбеки гулнори тўндин қуйдум, аммо ўлтурур,
Лимуйи терлик анинг остидаким жонон кияр.
Икки ёнимни шикоф айлаптурур бу рашкким,
Икки ёнидин шикофин боғламай қаптон кияр.*

*Гул била савсан катон янглиғ бўлур маҳтоб аро,
Кўнглаки гулгун елак чун савсани каттон кияр.*

*Ораз узра шўхлуғдинму ёпар санжобини,
Йўқса санжоби булуттурким, маҳитобон кияр.*

*Ҳар чубулған торидур сарриштаи иззу шараф,
Эски шолеким, фано кўйида бир урён кияр.*

*Гар Навоий жандасин шоҳ олди, тонг йўқ, чунки ишқ
Поку беғашдур, гадонинг кисватин султон кияр
(4-132)*

Ушбу ғазални ҳеч иккиланмасдан ўзига хос «либоснома» десак, хато бўлмайди. Унда ҳул-ла, кисват, тўн, лимуйи терлик, қаптон, катон, кўнглак, синжоб, шол, жанда сингари ўн турли либоснинг таърифу тавсифи берилган. Уларнинг ранглари эса бири бирига ўхшамайди.

Бу ғазал дастлаб «Наводир ун-ниҳоя» девонига, сўнгра эса «Хазойин ул-маъоний»нинг «Наводир уш-шабоб» девонига киритилган. Тўғри, шоирнинг лирик меросида тасвир бошдан-охир ранг ёки либос билан ёхуд ҳар иккисининг уйғунлигида яратилган 30 дан ортиқ ғазал учрайди. Бироқ тўрт хил ранг ва 10 турли либос орқали бир вақтнинг ўзида жонли портрет ва манзара яратиш нафақат ўзбек ғазалиётида, балки Шарқ шеърляти тарихида камёб учрайдиган адабий ҳодисадир. Шунинг учун ҳам ушбу ғазал таниқли навоийшунослар эътиборидан четда қолмаган. Масалан, Ё. Исҳоқов ғазал композицияси ҳақида фикр юритар экан, уни тўрт тип (таъриф, тавсиф, мадҳ ва шарҳи ҳол)га ажратади ва юқоридаги ғазални иккинчи, яъни васф характеридаги ғазаллар сирасига киритиб, илк икки байт таҳлили билан кифояланади. Н. Жумаҳўжа эса рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган бу ғазалда тилга олинган олтига: ҳулла (безакли, нафис матодан тикилган кийим), ўзбеки гулнори тўн (анор гулли қизил тўн), лимуйи терлик (сарик ичкўйнак), катон (канопдан тўқилган мато), қаптон (устдан кийиладиган ҳашаматли тўн), синжоб (силовсин ва олмахон терисидан ишланган тўн ва ёпинчиқ) каби либосларга таъриф беради. Аслида, ғазалда ўн турли кийим номи мавжуд бўлиб, унга кисват (кийим, уст-бош), елак (енгсиз енгил устки кийим), шол (жундан тўқилган мато, шундай матодан тикилган кийим), жанда (дарвишлар тўни)ни ҳам қўшиш керак.

*Тўрт ранги мухталифдин ҳуллаким, жонон кияр,
Тўрт унсур кисватидур гўйиёким жон кияр.*

Мазкур ғазал матлаъсининг биринчи мисрасини икки хил талқин қилиш мумкин, яъни жонона тўрт хилма-хил рангдаги ҳулла - безаклар билан зийнатланган нафис либос кийган. «Тўрт ранг» дейилганда исталган тўрт ранг мутаносиблигини тасаввур қилиш ҳам мумкин. Ахир, табиатдаги етти асосий ранг (қизил, сариқ, яшил, кўк, оқ, қора, зангори)ни қўшиш ва қориштиришдан минг-минглаб ранглардан фойдаланилмоқда. Иккинчи маъно эса жононанинг тўрт рангли тўртта либос кийганлигини англатади. Бу либосларнинг ранги эса кейинги байтларда ойдинлаштирилиб борилади. Иккинчи мисрада Навоий инсоннинг Аллоҳ таоло томонидан тўрт унсур воситасида яратилганлиги ҳақидаги диний, фалсафий қарашларга таянади. Ундаги «жон» сўзи «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да 1. Руҳ, тириклик, ҳаёт; 2. Аъзои бадан, вужуд ва бошқа саккиздан ортиқ маънони англатиб келиши изоҳлаб берилган. Демак, шоир айна ўринда «жон»ни вужуд мазмунида ишлатган. Зеро, инсон вужуди тўрт унсур: тупроқ (қора), сув (кўк, мовий), олов (қизил), ел (сарик)дан яратилган. Юнон файласуфлари Эмпедокл ва Демокрит табиатдаги тўрт унсур тўртта асосий рангларга тўғри келишини айтиб, бу рангларни қора, сариқ, қизил ва оқ («оқ ранг» деганда улар сувни назарда тутадилар, биз эса уни «кўк, мовий» деб олдик – С.Ў.) деб кўрсатади. Бинобарин, бир-бирига зид тўрт унсур: тупроқ – шамол, сув – олов ва уларнинг ҳар бирига мос тўрт мухталиф ранг: қора – сариқ, қизил – кўк байт марказида турган тушунча бўлиб, жонона кийган кийимнинг ранглари мазкур тушунча доирасида ойдинлашади.

*Ўзбеки гулнори тўндин куйдум, аммо ўлтурур,
Лимуйи терлик анинг остидаким жонон кияр.*

«Ўзбеки гулнори тўн» - қанақа тўн бўлганлигини биз бугун аниқ таърифлаб беролмаймиз. Лекин у ўша замоннинг энг нафис, чиройли ва бежирим кийими бўлганлиги шубҳасиз. Анор гулли тўнда янада жозибали бўлиб кетган жонона унинг остидаги сариқ кўйлаги билан ошиқнинг ишқини янада оловлантиради. Ошиқ куйиб, ҳижронда шу қадар сарғайиб кетадики, унинг муҳаббат оташида тобланган танаси билан маъшуқанинг лимуйи терлик либосини фарқлаш бир мушкул ҳолга айланади.

*Икки ёнимни шикоф айлаптурур бу рашкким,
Икки ёнидин шикофин боғламай қаптон кияр.*

Байтнинг иккинчи мисрасидаги қаптон икки ёнидан боғланиб кийиладиган тўн ёки камзул бўлиб, у ёрни улуғвор ва салобатли кўрсатади. Бу эса ошиқнинг ҳолини яна ҳам танг қилиб қўяди, яъни бундай гўзаллик ва жозибани кўрган ошиқ уни ҳатто ўз кўзларидан ҳам рашк қила бошлайди-ю, охир-оқибат бу ҳасрат унинг жигар-бағрини тешиб (шикоф) юборади.

*Гул била савсан катон янглиғ бўлур маҳтоб аро,
Кўнглаки гулгун елак чун савсани каттон кияр.*

Тўлин ой шуъласида қизил гулга чирмашиб ўсаётган каноп (яшил поя) ўсимлигини назарга келтиринг. Маъшуқа вужудидаги енгсиз гулгун либос (елақ) билан канопдан тўқилган катон – яшил кўйлак худди шу манзарага ўхшайди. Қадди-қомати расо маҳбуба юпқа

савсаний (яшил ранг) катон устидан енгсиз қизил кўйлак кийган.

*Ораз узра шўхлуғдинму ёпар санжобини,
Йўқса санжоби булуттурким, маҳитобон кияр.*

Бунда энди бошқа бир кайфият ва манзара тасвирланган. Ёз оқшомларида тиниқ осмонда аҳён-аҳёнда пайдо бўлиб, парча-парча сузиб ўтадиган булутлар ой юзини беркитганидек, дилбар ҳам мовий (кўк) санжоб (кўйлак)ининг енги билан юзини дам-бадам ёпиб-очиб, ўз асирини ҳайрону лол даражага етказган.

*Ҳар чубулған торидур сарриштаи иззу шараф,
Эски шолеким, фано кўйида бир урэн кияр.*

Навбатдаги байт бевосита лирик қаҳрамоннинг ботиний оламига алоқадордир. Қадимда «эски шол» қачон кийилган? Қачонки тариқат йўлига кириб, кўнглини дунёнинг ўткинчи ҳамма нарсасидан холи қилганда. Зеро, ушбу шол оддий ипдан эмас, балки иззату шараф ришталари билан тўқилган (чин ошиқ Аллоҳ ҳузурида ҳақиқий иззат-шараф эгаси бўлади). Аслида ҳам мазкур йўлни танлаган кишига кўйилган талаблардан бири унинг кийими билан боғлиқ эканлигини, шунингдек, нима учун айнан шол «эски» бўлиши лозимлиги ҳақида тасаввуфшунослар ўз мулоҳазаларини билдиришган. Тожикистонлик олим А. Курбанмамедовга кўра, сўфийнинг чиройли кийимлар кийишга бўлган иштиёқи – Аллоҳга етиш йўлидаги катта тўсиқ, чунки улар ҳою ҳавас, нафсоний ҳис-туйғуларни алангалатади, жисмоний майлларни қондиришга ундайди, бу эса асл ҳақиқатдан узоқлашишга олиб келади¹. Бинобарин, Қуръони каримнинг «Аъроф» сураси, 26-оятида шундай дейилади: «Эй Одам болалари, Биз сизларга авратларингизни беркитадиган либосни ҳам, ясан-тусан (либосини) ҳам туширдик. (Ҳаммасидан) яхшироқ либос тақво либосидир». Тақво эса динни тутиб турувчи устундир. Ҳақиқий Аллоҳ ошиғи бўлган тақводор эса зоҳирини ортиқча ҳашам, дабдаба-ю безаклардан холи этиб, камтарона либос кияди.

Ниҳоят, ғазалнинг охириги байтини ўқиймиз:

*Гар Навоий жандасин шоҳ олди, тонг йўқ, чунки ишқ
Поку беғашдур, гадонинг кисватин султон кияр.*

Мумтоз шоирларимиз қатори Навоий ҳам «эски шол», «хирқа», «жанда» кийимининг хайри-хосиятига алоҳида эътибор қаратади. Чунки булар ҳақиқий ва содиқ ошиқнинг кўнглини «поку беғаш» қилади. Шунинг учун бундай либосларга фақат «ғарибу гадо» (ошиқ) лар эмас, шоху султонлар ҳам муҳтожлик сезганлар.

Кўринадики, Н. Жумахўжа «Сатрлар силсиласидаги сеҳр» китобида ёзганидай ғазалдаги либослар фақат маъшуқага эмас², балки сўнгги икки байтдаги «эски шол», «жанда», «кисват» каби кийимлар лирик қаҳрамонга тегишлидир.

Ё. Исҳоқов ҳам шоирнинг бир қатор ғазаллари асосида ёр билан боғлиқ буюм тавсифи (ёғлиғ, хилъат, мактуб) ётади ва у детал вазифасини бажаришини айтади, бу эса шоир ғазалиёти поэтикаси учун хос бир хусусият эканини таъкидлаб, мазкур усулни шартли ра-

¹ Курбанмамедов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе: Дониш, 1987. - С. 17.

² Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. - Б. 167.

вишда поэтик фетиш¹ деб атайди. Қуйидаги машхур ғазалда ҳам шу усулдан фойдаланилган ва дилбарнинг қизил, сариқ, яшил рангдаги хилъати тасвири асосида ажойиб манзара чизилган:

*Хилъатин то айламиш жонон қизил, сариғ, яшил,
Шўълайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сариғ, яшил.*

*Гулшан эттим ишқ саҳросин самуми оҳ ила –
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сариғ, яшил.
Шишадек кўнглумдадур гулзори ҳуснунг ёдидин.
Тобадоннинг аксидек алвон қизил, сариғ, яшил.*

*Оразу хилъат била хаттинг хаёлидин эрур.
Кўзларимнинг оллида даврон қизил, сариғ, яшил.*

*Лаългун май тутқил олтун жом бирла, сабзада,
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сариғ, яшил.*

*Фақр аро беранглик душвордур беҳад валеқ,
Хирқада тикмақ эрур осон қизил, сариғ, яшил.*

*Эй Навоий, олтуну шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сариғ, яшил.*

(6-264)

Филология фанлари номзоди С. Жумаева Нажмиддин Кубронинг оқ ранг – исломни, сариқ ранг – иймонни, зангори ранг – эҳсонни, яшил ранг – ишончни, кўк ранг – иқон (тўла ишонч)ни, қизил ранг – ирфонни, қора ранг – ҳаяжон (ҳайрат)ни акс эттиради, деган таснифига асосланиб, мазкур ғазалда радиф бўлиб келган қизил, сариғ, яшил сўзлари икки маънога эга бўлиб, ботиний мазмунда ирфон, иймон ва ишончни тамсил этади², дейди. Бу эса ғазалнинг соф тасаввуфий мазмундаги асар эканлигини ва демак, уни шу нуқтаи назардан текшириш кераклигини талаб этади.

Тасаввуф таълимотига кўра комил инсон даражасига етишни истаган сўфий етти босқични босиб ўтиши керак. Бу йўлда пирнинг раҳнамолиги керак бўлади. Унинг тарбияси ёрдамида мурид мазкур босқичлардан бир-бир ўта бошлайди, пири комил унинг қайси босқичда эканлигини ранглар ёрдамида билиб боради.

Биз юқорида Алишер Навоий ўз ғазалларида 60 дан зиёд либос турлари уларга уйғун ранглар воситасида лирик кечинма, бадий ифодалар мавжуд эканлиги ҳақида хабар берган эдик. Қуйида айрим байтларда бадий аксини топган либослар ва уларнинг кимлар томонидан ва қачон кийилишига кўра таснифлаган ҳолда келтирдик:

Юқори табақа вакили, жумладан, подшоҳга хос кийимлар:

¹ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 59.

² Жумаева С. Рақам, маъно ва тасвир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 25.

*воло (ф) - юқори сифатли, олижаноб, қимматбаҳо мато:¹
Палоси ҳузни мен, эй атласи чарх,
Манга лойиқ эмас воло қумошинг*

(3 – 275).

2. Иксун (а) - шоҳи-ипаклик мато, ҳашамли кийим:

*Сочингу мушк аро бор анча тафовутки, мунунг,
Кисватидур янги иксунда, анинг - эски саноч*

(6-75).

3. Кўктемур - қадимги уруш кийимларидан бир хили:

*Иш куниким, кўктемур бирла тановар гардин,
Ер фалак рангин тутуб, кийгай малак ер кисватин*

(5-343).

4. Тўрқа - катон номли матодан тикилган қимматбаҳо кийим:

*Шолни тўрқа ўрниға ўткара олур бўлса, таъхир йўқ,
Бўрёни зарбафт ерида сота олур бўлса тақсир йўқ.²*

5. Қоқум - оқ ва майин жунли ҳайвон ва унинг мўйнасидан ишланган пўстин:

*Туну кун жилва қилма, эй аруси даҳр, билмишмен -
Ки, меҳнат субҳи бўлмиш қоқуминг, ғам шоми синжобинг*

(6-360).

6. Тийин - олмахон терисидин тикилган поча пўстин:

*Тийину қоқумни рокиб шўхлар ўз эгниндин,
Тоб бирла юзга чеккандин қўнгул бетоб эрур*

(3-168).

Дунё орзу-ҳавасларидан қўнгил узиб, маълум бир тариқатга кирган ёки дарвеш, қалан-дар кийимлари:

1. далқ (а) - жанда, дарвешлар кийими:

*Эй Навоий, ул қуёш васлин гадолиғ қилғали,
Зоҳир айлабмен сариғлиқ далқу гардунвор қад*

(3-117).

2. Капанак (ф) - жундан қилинган устки кийим, жул чакмон, дарвишларнинг жул кийими:

² Изоҳ: мазкур кийимга ва бундан кейинги либос турларига бериладиган таърифларда мумтоз асарлар ва Алишер Навоий асарлари учун турли йилларда тузилган луғатлардан, жумладан, П.Шамсиев ва С.Иброҳимовлар луғатидан фойдаландик.

² Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. XIV-том. – Тошкент: Фан, 1998. - Б. 32.

*Салтанат хилъатидин ортуқ эрур дайрда маст,
Судрасам бода гадолиғида йиртиқ капанак*

(3-268).

3. Мураққаъ (а) - дарвишлар киядиган қуроқ тўн, жанда:

*Бўлма эмин чарх давридин мураққаънўш деб -
Ким, қуёшдин бу мураққаъ ичра ўтлуғ тоси бор*

(3-166).

4. Ҳасирий либос (а) - бўйрага ўхшаш, қуроқ тўн:

*Нафис кийгулук ўлса яланг танимға ҳавас,
Ҳасир нақши ҳасирий либос ўрниға бас*

(3-191).

Аёлларга хос бўлган кийимлар:

*атлас - ипакдан тўқилган майин мато:
Қон ёшим аксиму ол этмиш фалак миръотини,
Ким, бўлубтур лағлигун атласда сойир офтоб*

(5-35).

2. заркаш (ф) – зар (олтин) билан ишланган, зарланган кийим:

*Саркаш аблақ секритиб даврондек ул хуршидваш,
Эғнида заркаш либоси доғи андоғким қуёш*

(6-111).

3. Паранд (ф) - ипакдан тўқилган юпқа кийимлик, ҳарир шойи:

*Эй Навоий, оби ҳайвондек лабидин уз умид -
Ким, сочи зулмотидин ёпти анга мушкин паранд*

(6-94).

4. Диклай – енги қисқа устки кийим:

*Яшил енгингки, сариғ дикладин кўрунди не тонг,
Хазон дарахти бўлур ҳам бирорта ахзар шох*

(3-109).

5. Елак – нимча:

*Кўнглакинг барги гулу устида гулранг елак,
Гул кеби жисминг уза уйлаки гулгун кўнглак*

(3-268).

Барча учун умумий бўлган кийимлар, шунингдек, либос тикишда фойдаланилган мато-

лар:

1. аблақ (а)- ола пўстин:

*Совуғ оҳимдин ўлсанг бетаҳаммул қўзга келтур юз -
Ки, анда аблақ этмишмен мураттаб теграси қундуз*

(4-148).

2. Кисват (а) - кийим, уст-бош, либос:

*Оҳ дудидин қаро эрмас Навоий кисвати,
Ким анинг оллиға солмиш бўйла мотам иштиёқ*

(4-231).

3. Киш (ф) - қора пўстин, қундуз пўстин;

4. Ўрмак – туя жунидан тўқилган бир нав мато;

5. Мошоб – жундан тўқилган кийим; камбағал, мискинлар киядиган уст кийим :

*Кишу ўрмак, қайдидин ўт айшни фавт этмаким,
Киш қаророқ тулку, ўрмак юқароқ мошоб эрур*

(3-168).

6. Лиҳоф (а) – кийим, кўйлак:

*Сабуҳи вақти гул очилғанин найлайки, ул ётмиш
Ўзини ғунча янглиғ чирмабон гулгун лиҳофинда*

(5-383).

7. Лоя (ф) - ипакли тўқима:

*Сенинг гулгун тўнунгким, нақиш эрур зар риштадин ҳар ён,
Биайниҳ ўйладурким, зарварақ остидағи лоя*

(6-366).

8. Олтойи - қизил тулки, олтой тулкиси ва унинг терисидан ишланган пўстин:

*Кўр Навоий маснадин ишқ ичраким, гулхан аро
Шуъла олтойиу куллардур анга синжобдек*

(3-264).

9. Ос - жуни оқ ва юмшоқ бир ҳайвон (оқсувсар) ва унинг терисидан ишланган пўстин:

*Агарчи ҳулларинг ранги кофур,
Валекин осу қоқум бирла маҳрур.¹*

10. Ширдоғ - иссиқдан сақланиш учун кийиладиган устки кийим:

¹ Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. IX-том. – Тошкент: Фан, 1990. - Б. 76.

*Гули раънодин этти кисватин сарви равон ёхуд,
Сариғ терлик уза ул шўхму киймиш қизил ширдоғ*

(4-216).

11. Сияҳпўш (ф)– қора кийган:

*Қошу қўзин кўргали, эй шайх, билдим, макри бор,
Ҳар сияҳпўшики меҳроб ичра бўлғай муътакиф*

(3- 248).

12. Пашмина (ф) - жундан ишланган мато:

*Тун либосидек қаро пашминадурму сайрида,
Ё тутубтур ул жафогар шўхни оҳим менинг*

(4-255).

13. Шол - шол, жундан тўқилган мато ва шундай матодан тикилган кийим:

*Қила олмас қари дебо кийиб ўзни зебо,
Шол ҳам кийса йигитка ярашур зеболиқ*

(4-230).

14. Қабо (а)- эркакларнинг узун ва кенг уст кийими:

*Гар кўрмадинг шафақ уза хуршид, эй кўнгул,
Эҳсос қил ани юзу гулгун қабосидин*

(3-470).

15. Давож – тўн, ёпинчиқ, кўрпа:

*Ҳам этти нофаи заъфунг қамарни мушки давож,
Ҳам этти гулшани лутфунг шафақни гулгунпўш*

(5-177).

Ҳар мисрада янги-янги турфа рангли либосларда намоён бўлаётган лирик қаҳрамон қиёфасида китобхон ўтмишда яшаган аждодларимизнинг бой маънавий қиёфаси, миллий урф-одатлари билан яқиндан танишишга муяссар бўлади.

Серқирра санъаткорнинг бир қанча ғазалларида XV аср хотин-қизларининг гўзаллик сирлари, эстетик кийиниш маданиятининг қай даражада юқори савияда бўлганлигининг бадиий ифодасини топишида ранг символикасининг зарурий восита эканлиги ойдинлашади:

Арғувоний тўнмудурким киймиш ул сарви равон,

Ё магар сарви равон қилмиш либоси арғувон?
(3-351).

*Ул яшил тўнлуқ париваш лағлишаккар бор ила,
Рух тўтисин қилибдур мунфаил гуфтор ила.*
(6-375).

*Хилъатин айлабтур ул шўхи сийминбар қаро,
Тун саводи бирла келгандек моҳи анвор қаро.*
(5-35).

*Хилъатин дема сариғ рангки, рухсору кўзум,
Айлади ойинагун тўнида изҳор сариғ.*
(5-215).

*Савсаний тўн бирла ул қад савсани озод эрур,
Ё бинафша баргидин зеб айлаган шамшод эрур.*
(6-137).

Тасвир рангга алоқадор баъзи ўринларда Хизр, соқий образлари учрайдики, уларда шорнинг орифлик, риндлик кайфияти, ўй-кечинмалари устунлик қилган. Жумладан, қуйидаги байтда шоир Хизр образи орқали ахлоқий-таълимий ғояларини илгари суради:

*Реву ранг аҳли муриди бўлмағилким, Хизр эмас,
Хирқасин ҳар аҳмоқ этса бақли хамқодек яшил*
(5-388).

«Реву ранг» - ҳийла, макр, «бақли хамқо» - семиз ўт. Қадимий тасаввурларга биноан Хизр алайҳиссалом учун хос ранг яшилдир. У яшил тўнда кўринади. Шоир айтмоқчики, сен яшил семиз ўтга ўхшаш «хирқа» кийган ҳар бир кишини пир деб ўйлаб, унга мурид бўлишга шовилма. Зеро, яшиллик улар реву ранг – макр-ҳийласининг рамзи ҳам бўлмоғи мумкин. Лекин яшил ранг бошқа бир боқий ҳақиқат тантанасини ҳам акс эттиради:

*Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар Наврўз ила байрам,
Чаман сарви яшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам*
(6-286).

«Хилъат» либоснинг хос бир тури бўлиб, тўй-шодиёналарда кийишга мўлжалланган ҳашаматли кийим саналади. Наврўз келиши билан табиат уйғониб, боғ-гулзор, дала-қирлар ям-яшил тўнга бурканади. Шунга ўхшаб яшил хилъат кийган маъшуқа ҳам ошиқ кўнглини баҳорга айлантирган.

Бошқа бир байтда ўқиймиз:

*Сариғ оғриқ бўлдум, эй соқий, хазони ҳажр аро,
Қони асфар майки, бор ҳар қатраси бир қаҳрабо*
(1-48).

Шоир юқоридаги мисраларда мавжуд адабий анъаналарга риоя қилиб, лирик қаҳрамон-

нинг зоҳирий ва ботиний қиёфасини ошиқнинг соқийга мурожаати, шунингдек, май образи воситасида тасвирлар экан, сариғ оғриқ, хазон, асфар май, қаҳрабо каби бир ранг остида бирлашувчи сўзлардан моҳирона фойдаланиши натижасида ўқувчи кўз ўнгида ёрқин образли манзара ҳосил қилади.

Навоий Шарқ халқлари эстетик диди, тафаккури тараққиётида алоҳида ўрин тутган сиймодир. Шоир ҳам маъшуқа, ҳам ошиқ, яъни лирик қаҳрамонининг жинси, ёши, ҳол ва кайфияти ҳақида ёрқин бир тасаввур берувчи либос ва унга уйғун ранглари танлашга алоҳида эътибор қилган. Шу маънода улуғ шоир шеърларини ўрганиш, ранг ва либосларга тегишли тасвирларнинг ҳам маъно, ҳам гўзаллик, ҳам бадиий тасвир сирларини ёритиш катта аҳамият касб этади. Чунки бунда Алишер Навоий санъаткорлигининг янги бир жиҳати намоён бўлади.

Иккинчи бобда кўриб ўтилган масалалар юзасидан шундай хулосаларга келдик:

- Демак, тасвир ранг билан боғлиқ байт ва ғазаллар Алишер Навоий ижодида лирик асарларнинг бадиий юксак намуналари ҳисобланади. Шу билан бирга, у ўзбек мумтоз шеърлятида ранг рамзларини илк бор кенг йўналишда бадиий тасвирлаб бергани жиҳатидан алоҳида эътиборга сазовор. Шоир шеърларида ранг билан боғлиқ воқеа-ҳодиса, кечинма, ҳолатлар тасвири, асосан, ошиқ ва маъшуқа образлари атрофига бирлаштирилган. Лирик қаҳрамон тимсолида ошиқларнинг мукамал, умумлашган образини кўриш мумкин.

- Маъшуқа ва ошиқ образлари шоирнинг эстетик идеалини ўзида мужассамлаштирган характерлар даражасига кўтарилган. Ранг символлари шоир ифодалаётган воқеликни эстетик баҳолаш катта имконият яратиш билан бирга бу образларнинг бошқа шоирлар шеърларида тасвирланган шу каби тимсоллардан фарқлигини, бадиий мукамаллигини ва образлигини таъминлаган.

- Алишер Навоийнинг «Тўрт ранги мухталифдин хуллаким, жонон кияр...» деб бошланувчи ғазалида тилга олинган ўн турли либос номлари зарур этнографик маълумот бўлиш билан бирга муҳим поэтик функция ҳам бажарган. Бу, авваламбор, тасвирнинг либос, унинг ранги орқали деталлаштирилишида намоён бўлади. Навоий образни либос ва ранг уйғунлигида гавдалантирган, бу эса ортиқча бадиий тафсилотнинг олдини олиш, фикрни бир мавзу доирасида жамлаш ва муайян ўзанга йўналтириш имконини берган. Шоир ёрнинг устидаги «хулла», «ўзбеки гулнори тўн», «лимуйи терлик», «катон», «қаптон», «синжоб», «гулгун елак» фонида лирик қаҳрамонга тегишли бўлган «шол», «жанда», «кисват»ни тилга олиш орқали маъшуқа ва лирик қаҳрамон психологик ҳолатини чизиб берган.

- Ошиқ ва маъшуқанинг ҳолати байтларда, авваламбор, уларга тегишли бўлган кийим воситасида ойдинлашади. Агар маъшуқага хурсандчилик, бепарволик, унинг ҳуснини намоёиш этувчи кийимлар хослаштирилган бўлса, лирик қаҳрамон – ошиқ учун буларнинг зидди бўлган кийимлар, бинобарин, руҳий ҳолат хосдир. Аммо ушбу зидлик бир-бирини тақозо этадиган зидлик бўлиб, ғазал байтлари, ошиқ ва маъшуқа психологик ҳолатини сабаб-оқибат муносабатлари доирасида ўзаро боғлайди.

3-БОБ. РАМЗИЙ-МАЖОЗИЙ МОҲИЯТ ВА ТАСВИР МАҲОРАТИ

3.1. РАНГ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАСВИР ВА БАДИИЙ САНЪАТЛАР

Юксак ғоя ва чуқур мазмунни гўзал бадий шаклда бера олган асарларгина жаҳон адабиёти хазинасидан ўзига муносиб ўринни эгаллайди ва абадий яшайди. Улуғ сўз санъаткори Алишер Навоий асарларининг жаҳоншумуллиги ва абадий барҳаётлигининг сабаби ҳам унинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фикрларни мукамал бадий ифода этганлигидир.

Адабий асарда ҳақиқат ҳам, унинг ифода воситалари ҳам бадий тус олади. Шеър завқ ва ҳаяжоннинг натижаси бўлиб, у шахснинг руҳий оламига завқлантириш орқали таъсир кўрсатади. Завқни кўзгатувчи асосий омил бадииятдир.¹ Шунинг учун юз йиллар мобайнида Шарқ мумтоз шеъриятининг назарий ва амалий фаолиятига кўрсатма ва дастуриламал бўладиган илмлар пайдо бўлганки, булар «илми бадеъ», «илми аруз» ва «илми қофия»дан иборат эди. Булардан «илми аруз» шеърдаги вазн масалалари билан, «илми қофия» вазндор мисраларнинг ва байтларнинг охирги бўғинларидаги оҳангдошлик, яъни қофия муаммолари билан шуғулланса, «илми бадеъ» – шеърдаги бадий воситалар, усуллар масаласига бағишланган.

Мазкур илмлар талабидан келиб чиқиб, у ёки бу шоир ижодига, у ёки бу бадий асарга баҳо берилар экан, ижодкор ифодалаётган ғоя ўз аксини топган ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, маърифий-тарбиявий муаммолар моҳияти ва кўлами, бадий тимсоллар жилоси билан бир вақтда, қўлланган шеърий санъатларнинг ранг-баранглиги, мантиқий асосланиши, асар мазмунини очишдаги ўрни ва аҳамияти каби масалаларга ҳам алоҳида диққат қилинган. Навоий таъбири билан айтганда, ҳақиқий шоирнинг иши «маъоний хазойинидан жавҳар термак ва эл файзи учун назм силкига вазн бермак»дир.²

Шарқ мумтоз адабиётининг поэтик хазинасида бадий воситалар жуда кўп ва турли-туман бўлиб³, «буюк шоирнинг ўлмас асари «Хазойин ул-маоний» Шарқ классик лирикасининг ойнаси, санъаткорлар қўллаб турган бадий воситаларнинг кўрғазмасидир...»⁴. Навоий ғазалларида биз фақат шеърий санъатларнинг тўлиқ мажмуасини эмас, балки уларнинг шоир ғоявий-эстетик ниятининг рўёбга чиқишида ўйнаган фаол ролини ҳам кўраемиз.

1-бобда Алишер Навоийнинг ранглар билан боғлиқ байтлари миқдори жадвалда кўрсатилган эди. Маълумки, Алишер Навоий ижодида бадий санъатларнинг минглаб ўзига хос намуналари бўлиб, улар шоир санъаткорлигини кўрсатувчи муҳим омил саналади. Шунингдек, ранглар воситасида яратилган шеърий санъатли байтлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бу юқорида қайд этилган жадвалнинг қарийб тўртдан бир улушини ташкил қи-

¹ Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 21.

² Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. МАТ. XIV том. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 26.

³ Бу ҳақда қаранг: Исҳоқов Ё. Классик адабиёт поэтикасидан маълумотлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1970-1973 йил сонлари; Шайхзода М. Асарлар. Олти жилдлик. 4- жилд. Устод санъатхонасида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 372 б.; Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод (Хўжанд), 1972. – 180 б.; Ҳусайний А. Бадоеъу-с-санойи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 398 б.; Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2002, 1-6-сонлари.

⁴ Шайхзода М. Асарлар. Олти жилдлик. 4- жилд. Устод санъатхонасида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 218.

лади. Шеърят илмида мазкур санъатлар маънавий, лафзий ва ҳар иккиси бирга келганда эса қоришиқ санъатлар деб тасниф этилади.

Алишер Навоий ижодида маънавий санъатлардан ҳисобланувчи истиора нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Қуйида лирик қаҳрамон мурожаат этаётган «гул» тимсолида эгнига қизил ва сариқ рангдаги матолардан ажойиб кўйлак кийган қизнинг тушунилиши истиоранинг ёрқин мисолидир:

*Сориғ, қизил алвон била хилъатларинг, эй гул,
Раънолиғ эрур, улки либосингда аёндур*

(4-211).

Бошқа бир байтда эса қизил лабларнинг лаълга, лаб устидаги тукларнинг зангори ёзувга ўхшатилиши билан истиора ҳосил бўлган. Яна байтда ёқут лаблар худди ўликларга жон бағишловчи Исо алайҳиссалом, яшил туклар эса ишқ шаробидан насиба улашувчи яшил тўнли Хизр алайҳиссаломдир, дея тарихда ўтган тарихий ёки афсонавий шахсларга ишора этиш билан талмеҳ, рассомчиликда ишлатиладиган шингарф (қизил) ва зангори (яшил) ранглар қизил лаблар ва яшил хат (тук) олдида нурсиз бўлиб қолади дея мусаввирга мурожаат (илтифот) этиб, бу рангларга қўл урма дейиш билан бир неча санъатларнинг уйғунлигида маъшуқа гўзаллигига ўзгача шаклда урғу берилган:

*Лаълу хаттининг Масиҳюю Хизрдин ори бор,
Эй мусаввир, сунма қўл шингарф ила зангорға*

(6-365).

Қуйидаги мисраларда ҳам маъшуқанинг жон бағишловчи лаъли лаблари ҳамда янги чиққан майсадек хати юзда шу қадар мутаносиб жойлашиб, ажаб гўзаллик ҳосил этганки, бу ҳол гўё бир-бирларига қўшни яшаётган Исо Масиҳу Хизр каби дея яна шоир истиора ва талмеҳга мурожаат этади.

*Ажаб йўқ, сабзаи хат соясида жонфизо лаълинг,
Муносибтурки, бўлғайлар Масиҳу Хизр ҳамсоя*

(6-542).

Билол – тарихий шахс. У пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом томонидан ўткир овоз соҳиби бўлганлиги учун муаззин (азон айтувчи) вазифасига тайинланган ҳабаш. Маъшуқанинг қип-қизил лаби, лаби устидаги қора (шабранг) холи жаннат боғларида кавсар булоғи қирғоғида сайр этиб юрган Билолни лирик қаҳрамон ёдига солади:

*Равзада кавсар қироғинда хаёл эттим Билол,
Юз аро лаб, лаб уза шабранг холингни кўруб*

(6-53).

Ошиқ ҳижронда кўз ёш тўкаверганидан кўзлари нурсиз ҳолга келиб қолган. Маҳбубанинг жамоли қуёш. Қуёшнинг нурлари эса сероб. Юзинг зиёсидан бизни ҳам баҳраманд эт,

токи сенинг хуснингни томоша қила олай дея унга закот қоидасини¹ (талмех) ёдга соляпти:
*Чун ювди кўзлар саводин ашк, ёрут юз очиб,
 Ким дирамсиз элга бой эл фарздур бермак закот*
 (3-80).

Асарнинг ҳаётийлиги ва бадий қиммати, аввало, воқеликни билиш воситаси, инсон ўйлари, туйғулари ва дунёқарашини шакллантирувчи қурол бўла олиш қобилиятига эга эканлиги билан ўлчанади. Байтнинг биринчи мисрасида ифодаланган фикрга далил сифатида иккинчи мисрада ҳаётий бир ҳодисани мисол қилиб келтиришга асосланган тамсил санъатига Атоуллоҳ Хусайний шундай таъриф берган: «... бу ҳам (яъни тамсил) истиора жумласидиндур, аммо бу истиоранинг мисол йўллуғ навъидур, яъни шоир бир фикрга ишора қилмоқни истаганда ўзга бир маънони билдиргучи бир неча лафзни келтирур ва ани мақсаддаги фикрнинг мисолига айлантурур ва ўз фикрини ўшул мисол билан ифода қилур».²

Алишер Навоий ҳам бир ўринда ошиқнинг ҳолатини халқимизнинг кундалик турмушидан олинган ҳодиса билан қиёс этади, яъни катталар йиғлаётган ёш болага турли рангдаги нарсалар бериб овутишганидек, юзнинг сарғайиши, қонли ёш тўкиш ошиқнинг ҳақиқатан ёр ҳажрида ўртанаётганидан дарак бериб туради ва уни бир оз тинчлантиради:

*Кўнгулни қон ёшу гоҳи юзум била овутурмен,
 Сариф-қизил била андоқки, халқ тифлин овутмиш*
 (5-182).

Ўтмишда ота-боболаримиз янги ойни кўрганларида, хурсандликларидан беихтиёр кўзларини юмганлар³. Шоирнинг лирик қаҳрамони эса ёрнинг мушкин (қора) қошларини кўрганда, қувончдан кўзлари янада каттароқ очилади.

*Янги ой кўргач халойиқ кўзни юммоқ расм эрур,
 Лекин очилди кўруб мушкин ҳилолингдин кўзум*
 (3-329).

Байтда урф-одатларга ишора этиш билан ирсоли масал, «кўз юммоқ» – «кўз очмоқ» иборалари воситасида тазод санъати қўлланилган.

Коинот жисмлари, жумладан, ойнинг қоронғу кечада фалакда кезиб юриши ҳақида гап кетаётган навбатдаги мисраларда ҳам Навоийнинг ийҳом санъатидан ўринли фойдаланиши мазмунни равшанлаштиришга ва айтилаётган фикрнинг жозибали шаклга келишига кўмаклашган, натижада, байтлар ўқувчининг қалбини қаттиқ ҳаяжонга соладиган даражада бадий тус олган. Яъни, 1) ой – осмондаги ой, 2) ой - ой юзли санам.

*Ой ҳалокимга тутуб мотам кийиб тундин қаро,
 Орази сайли била аҳли азо кирдор этар*

¹ Закот – (арабча –тозаланиш, садақа бериш) – мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-том. – 2002. – Б. 656.

² Хусайний А. Бадоеъу-с - санойи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 220.

³ Сатторов М. Ўзбек урф-одатлари. – Тошкент: Мерос, 1993. – Б. 97.

(4-121).

Шунингдек, ойга инсоний хусусиятларнинг кўчирилиб, ташхислантирилиши ҳам таъсирчанликни оширган. Яна шунга эътиборни жалб этиш лозимки, сўнгги икки байтдаги лирик қаҳрамон – ой – маъшуқа тимсоллари учлиги шоир қалбининг энг нозик кечинмаларини образли ифодасида, ўқувчига маънавий-эстетик озуқа беришда аҳамиятлидир.

Баъзан ийҳом санъати ҳусни таълил, тажохули орифона санъатлари билан бирга қўлланади. Масалан,

*Сариғ қоғазмудурким сўзи ҳажрим айлади таҳрир,
Ва ёхуд шуъла тушти саҳфаға ул сўз этиб таъсир?*

(4-99).

байтида ўзини билмасликка солиб (тажохули орифона) «Айрилиқ, ҳижрон ҳақидаги сўзлар ёзилган қоғазнинг ўзи сариғмиди ё бу сўзлар таъсир қилгач, у саҳифа (қоғаз)га шуъла тушиб сарғайиб кетдими?» деган ҳайратомуз мазмунни ифода қилади. «Сўз» ҳар икки мисрада икки маънода: сўз ва ўт (чўғ) маъноларида қўлланганки, буни ийҳом санъати намунаси деб биламиз.

Илтифот санъатида шоир баён вақтида гап шахсини ўзгартириб туради. Бу нутққа хилма-хиллик бағишлаб, уни зерикарли бўлишдан қутқаради ва ўқувчи ёки эшитувчининг диққатини кучлироқ тортиб, унда завқ-шавқ уйғотади. Атоуллоҳ Хусайний бу ҳақда: «Илтифот ҳуснининг сабаби улдурким, сўзлагучи каломни бир услубдин иккинчи услубқа нақл қилғанда, ... эшиткучини ул каломни тингламоққа кўпрак жалб этар, анинг рағбатин орттирур ва ани эшитмактин нишотин зиёда қилур»¹. Деярли барча ижодкорларнинг девонида илтифот намуналари учрайди. Эътиборли жиҳати шундаки, улар кўпинча лирик қаҳрамон севгилисига тегишли характерли белгилардан бири - ранглардан келиб чиқади.

Масалан, Лутфийнинг лирик қаҳрамони маъшуқанинг сеҳрловчи қора холига боқиш умидида шу қадар интиқ бўлиб сарғайдики, чеҳраи зарди (сариқ юз) олдида сомон ҳам кўзга кўринмай қолади. Шунинг учун дийдорини бир кўриш учун менга ҳам қиё боққин дея ёрига «эй гул хирмани» - гул юзли деб мурожаат этади:

*Донаи холинг таманносиди, эй гул хирмани,
Қил назарким, чеҳраи зардим ёшурди коҳни.*²

Саккокийнинг лирик қаҳрамони эса маъшуқасига ҳижронда заъфарондек сарғайган юзларига қайта қизиллик, умидсиз танасига қайта ҳаёт бағишловчи халоскори сифатида қарайди ва шу сабабли «эй жон» деб илтифот этади.

*Сенинг лаълингдан ўфтониб қизарур лаъл қон ичра,
Ҳасад этур менинг юзим кўрубон заъфарон, э жон.*³

Навоий эса бир ғазалининг ҳар байтида «жон», «жисм», «бағир», «кўнгил»га илтифот

¹ Хусайний А. Бадоеъу-с - санойи. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 198.

² Лутфий. Сенсан севарим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987 - Б. 279.

³ Саккокий. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1962. - Б. 11.

этган шоир «кўз»га мурожаат қилади. Кўз аъзоси ўртаси қора, атрофи оқ, унинг доимий намланиб туриши учун эса бир тарафидан доимий суюқлик ажралиб туради. Кўзнинг табиий тузилиши билан унга «эй тардомани (этаги хўл) юзи қаро» деб мурожаат қилинишида мантиқий боғланиш мавжуд. Яъни кўзга қарата сендаги чиройли тим қоралик туфайли кўнгилда, бутун аъзоларда «балоу ваҳшат»лар бошланди, дейди.

*Кўзга чун дерменки, эй тардомани юзи қаро,
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балоу ваҳшати*

(6-403).

Қуйидаги мисраларда эса муболаға, истиора ва тажохули орифона санъати биргаликда келган. Лирик қаҳрамон кечаю кундуз ёрнинг қизил лабларини ўйлаб, ёш тўкавергач, охири кўз ёшлари қонга айланган, бу – муболаға. Лабнинг лаълга қиёс этилиши – истиора. Лекин ўзи ҳам била олмай қолган: лабларинг хаёлидан ҳамма нарса қизилми ёки қонли кўзёшларим туфайлими? Бу эса тажохули орифона.

*Англамон олимпдадур лаълинг хаёли муттасил,
Ё онинг шавқидин оққан ашки ол олимпдадур*

(5-132).

Шоир баъзан ўз фикрини ажабланиш, ҳайратга тушиш услубида ҳам ифодалайди. Бунга таажжуб деб ном қўйилган. Бу санъат ҳам Навоийда кўп ишлатилган. Масалан, қуйидаги байтда таажжуб ўхшатиш(ташбеҳ) билан биргаликда моҳирона қўлланилган: воқеликка мантиқан ёндашилса, булбул гуллар чаман очилган баҳор фаслида иштиёқ билан сайрайди, куз – хазон фаслида нола қилиши ажабланарли ходиса, ошиқ ҳам муҳаббат қуйини висолдан яшнаган вақтда эмас, ҳижронда юзлари сарғайганда авжга чиқариши кишига ғалат туюлади.

*Чеҳра сорғорғон сари ортар кўнгулнинг ноласи,
Бор ажаб воқиъ хазон фаслида нолон андалиб*

(3- 31).

Алишер Навоийнинг аксарият ташбеҳлари ҳаётда, турмушда учрайдиган оддий нарса ва ходисаларга асосланган бўлиб, шоир ижодининг бу хусусияти асарга оммавийлик ва халқчиллик бағишлаш билан бирга ўқувчининг оддий турмуш воситалари ва ҳаётини ташвишларга шоирона муносабат пайдо қилади. Масалан, дилбарнинг қуёшдек порлоқ юзини кўргандан сўнг лирик қаҳрамоннинг аҳволи оғирлашади – севги дардида ўртаниб, «қора қайғу»га қолади, худдики қуёш(мехр) чиқиб, юқорилайвергани сари соя пайдо бўлгандек.

*Юзунга чун таважжух айладим, қолди қаро қайғу,
Кейин тушган киби соя кўрунганч мехр утрудин*

(4-363).

Қуёш ботаётганда шафақ қизариб, қуёш шафақ ичида янада гўзал кўринади. Бу эса гул юзли санамнинг қоронғу тушганда қизил(ол) чодирга киришига ўхшатиш.

*Тун ақшом уйлаким бўлғай шафақ ичра қуёш пинҳон,
Кирар ҳар шом ул гулчеҳра шодурвони ол ичра*

(5-395).

Тилдаги бадий воситаларнинг бир қисми лафздош, яъни талаффузида эшитувчини таъсирлантирадиган даражадаги умумийликка эга бўлган сўзларга асослангандир.

Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида туркий тилнинг афзалликлари ҳақида сўз юритар экан, маънодошлик(синонимия) ҳодисасига мисоллар келтириш билан ўз фикрини далиллайди. Яна шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, туркий тил нафақат маънодош(синоним) сўзлар, балки шаклдош(омоним) сўзлар ҳисобига ҳам бой луғат манбаига эга. Омонимлар воситасидаги сўз ўйини натижасида тажнис санъати ҳосил бўлган бўлса, туюқ жанрининг туркий адабиётда пайдо бўлиши ҳам тилнинг юқоридаги хусусияти билан боғланади.

Мумтоз шеърятимиз тарихида рангни ифодаловчи сўзлар ёрдамида яратилган тажниснинг кўплаб ажойиб намуналари фикримизни қувватлайди.

Бизга аёнки, Лутфий ижодида туюқ жанри муҳим мавқега эга. У шаклдош сўзларни ғазалда ҳам қўллаб, сўз қўллашдаги шоирлик иқтидорини намоён этган.

*Кўнглум қарори қолмади, бир оқча юз тилар,
Ул оқча юзки мен тиларам, оқча юз тилар.¹*

Яъни: Бир оқ юзли (оқча) ёр орзусида сабру қарорим қолмади, мен оқ юзли (оқча) дилбар висолини тиласам, у юз оқ танга (оқча) тилайди.

Шоир Атойи ҳам бир ғазалида «қаро кўзлар» иборасини тажнис сифатида қўллаган бўлса:

*Боқар охулайин ҳар ён ўшал қаро кўзлар,
Хаданги ғамзасин отмоғ учун гўё қаро кўзлар.²*

Бошқа бир ўринда «ол» лафзини уч ўринда уч хил маънода ишлатиш оқибатида бадий тасвирда муваффақиятга эришган.

*Жонимни васл учун десам ол, эй қаро кўзум,
Олким, бу сўзда шувбадаву макру ол йўқ.³*

Бу санъатнинг Алишер Навоий лирикасида ҳам ажойиб намуналари мавжуд. Масалан, қуйида ижодкор ошиқнинг ишқдан сарғайган юзини хазон фасли етган боққа, икки бетини сариқ баргга ўхшатмоқда. «Сари» сўзи ёрдамида тажнис ҳосил этилган, биринчи мисрадаги сари – сариқ, иккинчи мисрадаги сари эса томон маъносида қўлланилган.

*Кўрма сариғ барғу қил наззора рухсорим сари,
Қўй хазон боғин, гузар қил заъфаронзорим сари*

(6-416).

¹ Лутфий. Сенсан севарим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987 - Б. 340.

² Кўрсатилган китоб. – Б. 51.

³ Кўрсатилган китоб. – Б. 112.

Бир байтнинг ўзида сариқ барг, сариқ рухсор, хазонли боғ, заъфаронзор каби сариқ белгиси остида жамланган отлар уйғунлашиб, ўқувчига ҳижронли кунларнинг изтиробини энг нозик қирралари билан ҳис этишга кўмаклашади.

Байтда содда отларнинг қатор тизилиши натижасида таъдид санъати ҳам вужудга келган. Бу отлар эса ранг белгиси бўйича жамланган: ёрнинг холи, лаби устидаги хати(майда тук), кўз ва қоши – бариси қора.

*Қорадур холу хатту кўзу қошинг,
Магар борини куйдурмиш қуёшинг*

(3-274).

Қуйидаги байтнинг биринчи мисрасида тасаввуфнинг фақр босқичида фойдаланиладиган отлар жамъи – таъдидлар ранг белгисига кўра кейинги мисрада фарқланган, яъни тафриқ этилган. Бу ерда қора шол – киш(қора кундуз терисидан тайёрланадиган кийим)га, кул эса синжоб(кўк силовсин терисидан тайёрланадиган кийим)га ранглари бўйича ажратилган.

*Фақр қўйининг қора шоли била гулхан кулин,
Топқали, биллаҳки қилман кишу синжоб орзу*

(3-397).

Навоий лирикасининг бадий қиммати, шоир санъаткорлигининг ўзига хос қирралари унинг тасвир воситалари доираси ҳамда улардан фойдаланиш йўлларида яна ҳам аниқ намоён бўлади. Бинобарин, Навоий лирикасида, бир томондан, унга қадар бўлган ўзбек шеъриятида маълум даражада мавжуд бўлган поэтик воситаларнинг мисли кўрилмаган даражада тараққий этганлигини кўрсак, иккинчи томондан, фақат шоир лирикаси орқали юзага чиққан янги усул ва образларнинг шоҳиди бўламиз. Масалан, қуйида қайғу, зулф, бош, ер отлар(таъдид)и рангига кўра лирик кечинма ҳосил қилаётган бўлса-да, байтдаги қора ранг ўз ва кўчма маъноси билан 4 хил мазмунни ифода этмоқда:

*Қаро қайғу мени элтиб қаро зулфунг учун ҳар тун,
Қаро бошни тутуб овуч қаро ерга кириб тирсак*

(4-235).

Яъни: Ошиқни айнан тим қоралиги учун янада фусункор бўлган ёр зулфи (қаро зулф) иштиёқида қийин кунга қолиб, кечаю кундуз бошида чарх ураётган шубҳали ўйлар (қаро қайғу) исканжасида «қаро бош»ни(қора сочли ёш йигит) ушлаб, қўлларини ер(қаро ту-проқ)га тираб жим қолган.

Мукаррар сўзи «қайта-қайта, уст-устига» маъноларини ифодалайди. Шу ном билан аталувчи лафзий санъат эса байтнинг ҳар икки мисрасида жуфт сўз қўллашни талаб этади. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»нинг саккизинчи мажлисида Хусайн Бойқаро қаламига мансуб бир ғазал ҳақида фикр юритар экан, «Фурқатда кўнгил қатра-қатра қон эрканин бурунғи мисраъда айтиб, сўнгги мисраъда ўтқон мукаррар лафз муқобаласида «Ал-

лоҳ-Аллоҳ» лафзи ҳам мукаррар ва асру муассир адо топибдурким:
*Фурқатингдин хасту кўнглум қатра-қатра қон эрур,
Аллоҳ-Аллоҳ, бу не ҳажри беҳаду поён эрур»,¹*

дейди. Шоирнинг ўз ижодида ҳам бу санъатнинг бир қанча намуналари учрайди.

*Қаро-қаро мижа ханжарларин ититмак ишинг,
Ҳаёт нахлини кесган қиё-қиё боқишинг.*

(3-340)

Ошиқлар бағрини ханжар каби тилган киприқлар оддий эмас, балки тим қора мужгон. Уларни яшашга бўлган умид ниҳolini (ҳаёт нахли) кесган эса гўзал маъшуқанинг жон олгувчи қарашлари. «Қаро-қаро», «қиё-қиё» сўзларининг жуфтлашган такрорида эса мазкур сўзларга яна бирмунча маънавий юк ва услубий ижобий бўёқдорлик орттирилган.

Мукаррар сўз асосий фикрни ажратиб, бўрттириб мақсадга ишора қилади². Сўз жуфтлашиб такрорлангани сари айтилмоқчи бўлган фикрга эътибор кенгроқ қаратилади.

*Қиё-қиё боқиши еткуруб бағирға қилич,
Қаро-қаро мижаси еткуруб кўнгулга хаданг.*

(6-335)

Демак, байтларда қора гўзалликнинг доимий белгиси сифатида бош маъно ташийди.

Тугал лафздошликка асосланган ийҳом деб аталувчи санъатнинг маъноси гумонга солиш демақдир. Тубандаги мисраларда ҳам «қўй», «ол» сўзларининг икки маънода қўлланилиши билан ийҳом ҳосил бўлган. Биринчи маъноси: Оёғинг остидаги тупроққа бошимни қўяй дегандим, «майли қўя қол» деди, қизил лабларидан бўса олишни сўраган эдим, «ола қол» деди. Иккинчи маъноси: оёғинг остидаги тупроққа бош қўяй дегандим, «қўй, ундай қилма» деди, бўса олиш учун лабларининг рангини сўрагандим, «қизил» деди.

*Бош қўяй дедим оёғи туфроғиға, деди: «Қўй»,
Бўса истаб, лаъли рангин сўрдум, эрса деди: «Ол»*

(3-385).

А.Ҳожиаҳмедов радд-ул-ажуз ал-ас-садр санъатига изоҳ берар экан, умуман, такрорланувчи сўзларнинг ўзаро муносабати ва ўрнига кўра бу санъатнинг йигирмага яқин тури мавжуд дейди³. Шулардан бири тасбе бўлиб, унда олдинги гап ёки мисра ёхуд байт охирига жойлашган сўз, сўз бирикмаси кейинги гап, мисра ёхуд байтда қайтарилиб фикрий изчиллик таъминланади.

*Зулфи кўзларни қаро қилмоққа шоми фурқати,
Шоми фурқат дафъиға рухсори меҳри анвари*

(4-420).

¹ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. МАТ. XIII том. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 179.

² Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод (Хўжанд), 1972. – Б. 97.

³ Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 86.

Инсон табиати шундай: олдида турган нарсадан айрилгач, ўша нарса бирданига қадрли ҳам чиройли кўринади. Лирик қахрамон ёрининг зулфу қошлари ҳам айрилиқ шоми етгач янада қорароқ, чиройлироқ кўрина бошлайди. Унинг юзидан таралаётган меҳр нурлари туфайли эса жудолик туни тонгга алмашади. Демак, байтда зулф, кўз отларининг тартиб билан келиши натижасида таъдил, шоми фурқат бирикмасининг биринчи мисра охирида ва иккинчи мисра бошида келиши тасбе, меҳр сўзининг бир вақтнинг ўзида икки маъно (қуёш ва меҳр) да ишлатилиши билан ийҳом ҳосил бўлган.

*Хаттини кўрдик лаб узра, гар зумуррат хат киши,
Кўрмади лаъли узра ё шингарф уза зангор хат*

(5-28).

«Хат» лафзи ранг белгисига кўра тажнисни вужудга келтирган бўлса: маъшуқа лаби устидаги яшил тусли майда туклар - хат ва зангор рангида ёзиладиган битик- хат, бошқа тарафдан биринчи мисранинг шу сўз билан бошланиб, иккинчи мисранинг «хат»да тугалланиши тасдирни вужудга келтирган. Яна лаб ва лаъли сўзлари қизиллик хусусиятига кўра бирлашади.

Устоз В. Раҳмонов тасдирни айлана санъати ҳам деб атайди ва қуйидагича изоҳлайди: «... қайтариш натижасида автор кўзда тутган фикрлар ҳам шакл жиҳатдан, ҳам маъно томондан бир байтнинг ўзидаёқ доира-айлана шаклида йиғинади»¹.

*Фош этар меҳрин Навоийнинг сариғ рухсораси,
Субҳдекким, сорғориб рухсори айлар меҳр фош*

(3-205).

Тонгда қуёш ҳали чиқмасидан бурун субҳ сарғайиб, қуёшнинг чиқишидан дарак берганидек, кишининг меҳри товланиб кетганда ҳам юзлари порлаб, соф олтин рангига – сариқ рангга киради. Бу – ташбеҳ. «Фош этар меҳри» бирикмасининг иккинчи мисра охирида тескари такрорланиши оқибатида тарди аксли тасдир вужудга келган бўлса, «сариғ рухсораси» бирикмасининг такрори «радд-ул-ажуз ал-са-садр»нинг бошқа бир кўринишини ҳосил қилган. Ёки қуйидаги мисолларда ҳам:

*Бўлмас қора кўз элдин тутмоқ киши вафо кўз,
Сендин нетиб вафо кўз тутқамен, эй қаро кўз*

(4-160).

Навоий шеърлятида ранг англатувчи сўз ва сўз бирикмаларини байтнинг турли ўринларида қўллаш билан тарди акс санъатининг кўплаб намуналари вужудга келган:

*Эй ишқ, нетиб ул қаро кўзни кўрайинким,
Кўзнинг қаросин ҳажрида ашк айлади зойил*

(6-257).

¹ Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод (Хўжанд), 1972. – Б. 132.

Бошқа бир байтда оқ ва қора рангларни зидлаш (тазод) ҳамда кўз қарову оқини бирикмасини иккинчи мисрада тескари қўллаш (тарди акс) билан ишқий кечинма тасвирида муваффақиятга эришилган.

*Кимга солдим кўз қарову оқини ишқ ичраким,
Қон аро пинҳон кўзум оқу қаросин кўрмадим?*

(5-307).

Навоий ижодидан чексиз илҳомланган Огаҳий бу санъатнинг оригинал намунасини яратган:

*Ваҳ, не бало қародур, э шўх, қаро бало кўзинг,
Гар худ эмас қаро бало, бас не бало қаро кўзинг.¹*

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари образларининг мукамаллиги, поэтик бадиияти салмоқли эканлиги билан нафақат туркий халқлар, балки барча Шарқ халқлари адабиётида катта ўрин эгаллайди. Масалан, дostonда шундай мисралар бор:

*Румий қизи (яъни кун) юзини ерга яширди,
Олам гардиши занги юзи (каби) бўлди².
Чўчиб уйғонди, бошини қўтарди,
Қора ҳабаш юзини пардалабди.³*

Биринчи байт кун ботишининг бадий ифодаси бўлиб, яъни куёш румий қизи истиораси билан берилган бўлса, тун эса занги юзига ўхшатилади (ташбех). Иккинчи байтда эса тун чекиниб, тонг отиши манзараси қора ҳабаш истиораси орқали берилган.

Одатда, қиш кечалари ҳам узун, ҳам совуқ ва, шунингдек, қоронғи бўлади. Шу сабабли шоир қиш кечасининг қоралигини муболағали тарзда тун зангиси дейди. Қор ёғаётганда эса совуқ бир оз «юмшаб», тун ҳам ёруғроқ бўлади. Айрилиқдан ўртанган лирик қаҳрамон қалбида ҳам қиш иқлими ҳукмрон. Агар унга севгилисидан кўнгилни ранжитадиган хабар келса ҳам майли, бу унга «зимистон» кўнгилни оз бўлса-да равшан этади. Байтда зулмат ва нур сўзларининг қарама-қарши қўйилиши тасвирнинг ойдинлашишига хизмат қилган.

*Гар эрур занг аҳли зулмони ва лекин қор ила,
Қилди тун зангисини аҳли сафову нур қиш*

(4-193).

Шоир ижодида сўзнинг қарама-қарши маъноларидан фойдаланиб яратилган лирик ҳолат тасвирлари кўплаб учрайди.

*Хусн чун жилва қилур, оқу қорада йўқ фарқ,
Кишига келса бало – хоҳи хито, хоҳи ҳабаш*

¹ Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин. Тошкент: Фан, 1960. – Б. 258.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 597.

³ Қўрсатилган китоб. – Б. 513.

(5-182).

Агар қиз ҳусни жилва қилиб турар экан, унинг оқ юзли Чин ўлкасининг қизими ёки қора танли ҳабаш қизи бўлишининг ҳеч фарқи йўқ, барибир, севгига мубтало ошиқ муҳаббатнинг оғир синовлари-ю «балолар»и дучор бўлиши аниқ.

Эътиборлиси шундаки, ижодкор бирор бир ранг-тус билдирувчи сўзлар зидлигидан фойдаланар экан, алоҳида рангнинг шу ва бошқа тилдаги номларини ҳам унумли қўллайди. Масалан, шоир бир ўринда қора сўзи ўрнида савод, оқ ўрнида эса баёз лафзини ишлатади. Шом ва субҳ сўзларининг жуфтлигида зидлик мазмуни янада кучайтирилган.

*Савод жаҳлини юб, вақт эрурки уйғонсанг,
Ки умр шомига субҳи ажал кетурди баёз*

(3-227).

Ёки:

*Дуди оҳим кеча-қундуз чу фалак сари боқиб,
Субҳга дам тутулуб, шомга ораз қорариб*

(4-46).

Ёки:

*Васлинг қунию шоми фироқинг баёнида,
Кофур бирла мушкни ҳамроз қилмадинг*

(3-281).

Бошқа байтда симоб ўзагидан ясалган симоб, сиймгун, сиймбар каби сўзлар ёрдамида айрилиқда сиймоб(оқ рангли) янглиғ кўз ёш тўкаётган ошиқнинг портрети чизилади.

*Не тонг, сиймоб янглиғ оқса кўздин сиймгун ашким,
Ки сиймоб айламиш ҳушу хирад бир сиймбар мендин*

(5-327).

Ёки:

*Келгуси ул сарви сийминбар гули серобдек,
Ким танимда ҳар замон титрар кўнгул сиймобдек*

(3-263).

Алибек Рустамов адабий асарнинг бадий жиҳатдан етуклигига бирламчи асос воқеийлик эканлигини таъкидлайди¹. Қуйидаги байт худди ўша китобат ва ташбеҳ санъати мутаносиблигида яратилган воқелик ва тасаввурнинг ажойиб бадий шакллантирилгани намунасидир:

*Қошларингдинким эрур қонлуғ кўнгул ичра хаёл,
Ул қизил коғазда нундур, бу шафақ ичра ҳилол*

(5-264).

Шарқ адабиётида маъшуқа қошларининг араб алифбосидаги нун - ن ҳарфига ўхшатиш анъана ҳисобланади.

Кузатишларимиздан шу нарса аниқлашадикки, бадий адабиётда, хусусан, лирикада маъ-

¹ Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. - Б.125.

шуқанинг юзи, лаблари қизил ранг билан, унинг зулфи, қошу кўзи қора рангда, холу хатти яшил, вужуди сариқ рангда ёки бу рангларнинг маънодошлари ёрдамида тасвир этилади. Шунинг учун бўлса керак, Навоий шеърлятида ҳам, ундан олдин яшаб, ижод этган Атоий, Саккокий ғазалларида ҳам мазкур аъзолар уларнинг ранглари уйғунлашган жамъ ва тақсим санъатларининг турли намуналари учрайди. Масалан, Атоийда:

*Эй менглари мушку, энги лола, кўзи оху,
Зулфунг ғамида тутти кўнгулни қаро қайғу.¹*

Ёки Саккокийда:

*Бўю, юзу лаъл эрну, хату хаддина туш йўқ,
Сарву гулу мул настарану ёсуман ичра.²*

Алишер Навоийда:

*Узору лаълу лабинг васфини қачон ёздим,
Оқиб кўзум ёши гулранг, бўлди қон қоғаз*

(3-122).

Алишер Навоий ғазаллари композицион тузилиши жиҳатидан етук санъат асарлари эканлиги таниқли адабиётшунос, навоийшунос олимларнинг тадқиқотларида асослаб берилган³. Шоир бир неча ғазалларида ранглар иштирокида раддул матлаъ санъатини қўллайдик, бу шоир ижодининг, хусусан, поэзияси бадииятининг кўп қиррали эканлиги ҳақидаги фикримизни қувватлайди.

*Лолагун тўн ичра, ё раб, ул ғазоли Чин эрур,
Ё кўзумнунг мардуми қон ёш ила рангин эрур.
Билмон, оёким, шафақ ичра эрур заррин ғазол,
Лолагун тўн ичра ёхуд ул ғазоли Чин эрур?*

(5 -141).

Юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, мумтоз лирикада «илми қофия» бадииятнинг асосий қираларидан саналиб, унда вазндор мисраларнинг ва байтларнинг охирги бўғинларидаги оҳангдошлик, яъни қофия масалалари текширилган. Ижодкорнинг салоҳияти шеърларда қўлланган қофияларнинг ғоялар моҳиятини, тимсоллар қиёфасини очишдаги аҳамияти, қофия учун танланган сўзларнинг маънавий теранлиги, оҳангдорлиги, жило ва жозибаси билан ҳам белгиланган.

Маълумки, аксарият ҳолларда қофия радиф билан қўлланилган. Радиф «Изма-из келувчи» маъносини ифодаловчи сўз бўлиб, адабиётшуносликда қофиядан сўнг келиб айнан такрорланувчи сўзлар бирикмасини англатади. Радифлар шеърда ифодаланаётган етакчи фикрни таъкидлаш, ўқувчи эътиборини асосий ғояга жалб этиш, шоир ғоявий ниятини китобхон қалбига тўлароқ, чуқурроқ етказиш мақсадига хизмат қилади.

Алишер Навоий радифнинг хилма-хил турлари ва санъатларидан, радиф ва қофия муносабатларидан ўринли фойдаланганки, бунда бевосита ранг билдирувчи сўзлар манбаи

² Кўрсатилган китоб. - Б.149.

³ Кўрсатилган китоб.- Б. 21.

⁴ Бу ҳақда қаранг: Ойбек. Навоий ғазалиёти // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1961. - № 1,2.; М. Шайхзода. Ғазал мулкининг султони. VI томлик. IV-том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – 372 б.; А. Ҳайитметов. Навоий лирикаси. Тошкент: Фан, 1961. – 295 б.; Ё. Исҳоқов. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 168 б.

шоир маҳоратининг муҳим жиҳати бўлиб ҳисобланган. Шоирнинг «Хазойин ул-маоний» куллиётида лирик кечинма тасвири бошдан-оёқ ранг билан боғлиқ ўттиздан зиёд ғазаллар борлиги ҳақида гапирган эдик. Мавжуд ғазалларнинг ўндан ошиғида ранг англатувчи сўзлар радиф вазифасини бажарган.¹ Бу адабий ҳодиса XV асргача ва ундан кейин ҳам нафақат туркий, форсий поэзияда ҳам кузатилмайди. Жумладан, шоирнинг қора, сариқ, қизил, яшил, кўк, мовий, оқ – жами етти ранг радифли ғазалларида ишқий ҳиссиётлар тасвири ва ишққа дахлдор фалсафий мулоҳазалар баёни етакчи ўрин эгаллайди. Бу шеърларда шоир ошиқ қалбнинг турли ҳолатларига мувофиқ бадиий лавҳаларни чизади: у ҳажр азобидан ўртанади, васл умидидан таскин топади, гўзалликдан жунбушга келади, ишқ неъматига шукрона келтиради ва ҳоказо. Айтиш керакки, санаб ўтганимиз бу ҳолатлар Навоийгача яратилган мумтоз шеъриятда қайта-қайта тасвирга тортилган. Шунинг учун унинг олдида фикрни ўзига хос кўринишда ифодалай билиш, унга янгича маъно жилвасини бағишлай олиш вазифаси турган. Буни яхши тушунган Навоий ўзигача такрорланган умумий фикрда очилмаган қирралар ифшосини топишга ҳамда уни янгича шакллар воситасида беришга интилди ва кўп ҳолларда бунга эришди. Қуйида фикримизни шоирнинг ранг радифли ғазалларидан олинган мисоллар билан далиллаймиз.

*Тифллар тошики, жисмим қилди сартосар қаро,
Бўлди савдоға саводи аъзам андин ҳар қаро.*

(4-27).

*Ярақондин манга гар бор эса рухсор сариғ,
Турфа кўнгилки, эрур дийдаи хунбор сариғ.*

(5-297).

*Хулласин ул сарв қилди нахли раънодек яшил,
Лек оҳим дудидин ваҳм айлаб осродек яшил.*

(5-388).

*Ул гули раъноға номам хўб эмас яксон қизил,
Сафҳаси бўлса керак бир ён сариғ, бир ён қизил.*

(5-267).

*Ашкдин бўлди қарорғон кулбайи вайроним оқ,
Кулбаи вайрон демаким дийдаи гирёним оқ.*

(4-231).

Бизга аёнки, «Хамса» дostonларини ташкил этувчи «Сабъаи сайёр» лиро-эпик поэмаси сюжети етти иқлимдан келган етти сайёҳнинг ҳикоялари асосига қурилган². Дoston қаҳрамони Баҳром бу ҳикояларни етти кун мобайнида маълум бир ранглар билан бўялган қасрларда тинглайди.

Юқоридаги ғазалларнинг ҳаммаси «Хазойин ул-маоний»нинг у ёки бу девонида жойлашган бўлиб, яхлит олиб қаралганда китобхон тасавурида ошиқ ва маъшуқа муносабатларининг қизиқарли, ҳаяжонли, таъсирчан лирик дostonини ҳосил этган ва беихтиёр ўша «Сабъаи сайёр»ни ёдга туширади.

Радифнинг ҳар байтда қатъий ўрин ва шаклда келиши унинг ўқувчи диққат марказида бўлишини таъминлайди. Навоийнинг тубандаги мисраларини ўқиганимизда ундаги ра-

¹ Изоҳ: Биз бу ғазалларнинг айримлари билан 1-, 2- бобларда танишган эдик.

² Алишер Навоий. Сабъаи сайёр. МАТ. X том. – Тошкент: Фан, 1992. – 448 б.

дифга алоҳида эътибор қаратамиз:

*Лаъбинг лаълу хатинг, эй жон, зумуррад,
Бўлурму лаълга ҳар ён зумуррад.*

(6-92).

«Зумуррад» лафзининг радиф вазифасида қўлланилиши билан шоирнинг муболағасиз даҳо санъаткор сифатидаги янги қирраси равшанлашади.

Шоирнинг «Ғаройиб ус-сиғар» девонида «эй қорақўз» радифли ғазал бор. Шунинг таъкидлаш ўринлики, мазкур сўз ҳар байтда такрорланар экан, ҳар сафар бу сўз остида ёрини, дўстини, ака ё инисини ёхуд устозларидан бирини назарда тутган. Шу жиҳатлар ҳам унинг радиф танлашдаги ўзига хослигини, чин шоирона иқтидорини бўрттириб кўрсатади.

*Йўқки ул кўз қорадур ҳуснунг аро, эй қорақўз,
Ким, қошинг дағи эрур асру қаро, эй қорақўз.*

(3-185).

Шу боис Навоий учун ҳеч қачон шеърий санъатлар шунчаки санъаткорликни намойиш қилувчи восита бўлмаганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қиламиз. У ҳақиқий новатор ижодкор сифатида ўзининг бутун санъаткорлик маҳоратини, муҳим ижтимоий-сиёсий фикрлари, эзгу ғояларини юксак бадиий савияда ифода қилиш учун дадиллик билан ишга солган.

Бобнинг навбатдаги қисми ҳам бевосита Алишер Навоий ғазалларидаги лирик кечинма ва манзаралар тасвирининг анаъанавийлиги ва ўзига хослигини ранг ва гул тимсолида ёритишга бағишланган бўлиб, унда бадииятнинг ўрни катта мавқе эгаллайди.

3.2. АЛИШЕР НАВОЙИ ҒАЗАЛЛАРИДА РАНГ ВА ГУЛ ТИМСОЛИ БАДИИЯТИ

Маълумки, Шарқ шеърятининг улкан намояндalари ўз асарлари таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида поэзияда гул тимсолига кенг миқёсда мурожаат қилганлар. Асарга, айниқса нафислик, нозиклик бағишлашда гул фавқулodда катта рол ўйнаган. Гулларни турли маънода қўллаш билан инсон руҳи ва ҳолатларидаги гўзаллик ҳамда нафосат тасвири ёрқинлик касб этган.

Гул воситасида рамзий мазмунларни ифодалаш халқимизнинг кундалик ҳаётий муносабатлари билан баробар равишда мукамаллашиб борган. Жумладан, миллий урф-одатларда, тўй-шодиёналарда, маросимларда гулга дахлдор анъаналар кучли таъсирга эга бўлганлигини халқ оғзаки ижодидаги баъзи намуналар орқали кузатишимиз мумкин.

*Суйган ёр қизил гулдек,
Биз ишқида булбулдек.
Бир қиё боққанда жоним,
Биз эшигида қулдек.¹*

Тўртликдаги «қизил гул» етук, балоғатга етган қиз тимсолида келган бўлиб, бирикмадаги «қизил» сўзи образнинг ёрқинлигини кучайтирган ҳамда «қизил гул» сифатлаши орқали назарда тутилаётган қизнинг нақадар пок, мусаффо эканлигига ишора этади. Қуйидаги мисралардаги «тоза гул» бирикмаси ҳам гўзал, мафтункор қизнинг рамзий ифодаси бўлиб, юқоридаги тўртликда ифодаланган маъноларга ҳамоҳанглиги, узвий давоми эканлиги билан характерлидир.

*Қошингни қароси ювса кетарми?
Сенигдек тоза гул боғда битарми?
Сенигдек тоза гул боғда битганда,
Сўраб борсам, боғбон менга сотарми?.²*

Фольклоршунос Ш.Турдимов қуйидаги тўртликда «қизил»нинг анъанавий рамзий маъносидан бирмунча кенгроқ қўламга эга эканлиги, яъни қизил гул образи айни пайтда «қиз муҳаббати» маъносини акс эттиришини қайд этади:

*Асра қизил гулингни,
Сақла қизил гулингни.
Баҳосига етмаса,
Узма қизил гулингни.³*

Яна шуни ҳам айтиш керакки, ушбу тўртликда ҳаёли, иболи ва ифбат-назокатини юқори тутадиган қиз учун қанча фазилатлар хос бўлса, уларнинг ҳаммасини асраш ва эъзозлай олишга даъват бордир.

¹ Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б. 60.

² Ўзбек халқ қўшиқлари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1956. – Б. 66.

³ Турдимов Ш. Ранго-ранг дунё // Ёшлик. - 1987. - № 8. – Б. 61.

Атоқли адиб П.Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романида бир эпизод бор: Моҳим бегим Ҳирот кўчабоғларидан бирида от миниб ўтаётган Бобур Мирзога қизил гул отиб, муҳаббат изҳор этгандай бўлади. Бегимнинг гўзаллигини кўрган Мирзо ҳам жавоб сифатида кейинроқ қизил олма ҳада қилади. Маълум бўладики, «қизил гул»нинг рамзийлиги халқимизнинг миллий одатларига сингиб кетганлиги асрлар оша давом этиб келган.

Рус олимаси Л.Н.Миронова ҳам мусулмон халқлари ўрта аср поэзиясида қизил рангнинг энг кўп қўлланилганлигини таъкидлайди: «... гап севги-муҳаббат ҳақида кетса, энг яхшиси буни қизил ранглар айтсин: атиргул, лола, лолақизғалдоқ»¹. У ўз фикрини давом эттириб ёзар экан, араб шоири Ибн ал-Мутаазнинг қизил ранг ва гул билан боғлиқ образни янгилаганини айтади ва исбот тариқасида унинг ижодидан намуна келтиради:

Қабрлар ўзининг ранг-баранглиги билан яшанаб турарди:

*Лола, лолақизғалдоқлар қизил атиргул билан чирмашиб кетган эди!
Мен сўрадим: «Ким ётибди?» Ер тилга кирди:
«Йиғла – оёғинг тагида ошиқнинг қабри бордир.»²*

Гул тимсолининг аста-секин маъно қатлами кенгайиб, у орқали ифодаланаётган фикр барча кишиларга бирдай тааллуқли бўлиб борганини бир қатор халқ мақолларида кўриш мумкин. Масалан, «Гул бўлиб туғилиб, сассиқ алаф бўлиб яшама»³ мақолида: инсон боласи туғилганда пок бўлиб туғилади. Аммо баъзилар ўз ҳаётлари давомида инсонийлик шаънига нолайиқ ишларни қилиб, нопок бўлиб, одамлар ўртасида ёмон аталиб, шу ёмон ном билан ўлиб кетадилар. На тирикликда ва на ўлгандан сўнг эл-юрт орасида зиғирча қадр-қимматлари бўлмайди. Сен бундай қилма, инсонийлик шаънига доғ туширма. Ҳамма қатори оқ бўлиб туғилгансан, қора бўлиб ўлма, дейилмоқчи. «Гул – даста-даста, гул бермаган нокаста» - яъни, қадимий одатга кўра, гулзорга келиб, гул сўраган кишининг сўзини ерда қолдириш қаттиқ айб саналган. Мазкур мақолни бирор нарчаси ошиб-тошиб ётган бўлишига қарамай, сўраб келган одамга бермайдиган одамларга аччиқ киноя тарзида қўллаганлар.

Ўзбек халқ наққошлик санъати ҳам чуқур рамзийлик асосига қурилган. Хусусан, ислимий нақш элементларини ташкил этувчи гулсафсар – осойишталик ва умр узоқлиги, атиргул – гўзаллик рамзи, нилуфар эса бахт-иқбол рамзини билдиради.

XV асргача туркий тилда ижод қилган Атойи, Саккокий, Гадоий, Лутфий каби шоирлар ҳам гул образига тез-тез мурожаат қилганлар. Жумладан, Атойи бир ғазалида:

*Уётқондин қизил гул кўнглаки ғарқи арақ бўлсин,
Юзи гулшан сари гулгун қиё боғин бега-бега.
Сочиқ сочсун қизил олтун, кумуш гул бирла шукуфа,
Сабо дарвешлар янглиғ қилиб йўлунгда дарюза.»⁴*

Шоир тонг чоғида гуллар юзида қуёш нурида ял-ял ёнаётган шудринг томчиларини табиий деб қабул қилмайди, балки тонг палласида гулгун либосда гулшанга кириб келган маъшуқанинг гўзаллигидан хижолат тортган қизил гул тер(арақ)га ботган, дея ўқувчи

¹ Миронова Л.Н. Цветоведение. – Минск: Вышэйшая школа, 1984. – С. 72.

² Кўрсатилган китоб. – С. 72.

³ Ш.Шомақсудов., Ш.Шораҳмедов. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. – Тошкент., 1990. – Б. 83. Изоҳ: бундан кейинги мақоллар шу китобдан, кўрсатилган саҳифадан олинган.

⁴ Атойи. Танланган асарлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1960. – Б.153.

тасаввурида ёрқин бир манзара ҳосил қилади. Кейинги байтда эса гўзал санам хуснининг харидорига айланган сабо ҳам гулларнинг оқ, кумуш ранг, қизил ранг япроқларини тиланчилик(дарюза) билан олиб, унинг йўлларига «сочиқ» сочиб, қутлайди.

Гадойй лирикасидаги бир қатор байтларда эса ўзига хос образли тасвирларни кўриш мумкин, яъни уларда ташхис усули воситаси ила қизил гулнинг маъшуқа ол(қизил) яноғига шайдолиги; гулзорда ёр сочининг мушкин рангию узунлигини кўргач, сунбулу райҳоннинг мақтанчоқликлари учун шармандали ҳолга тушиб қолгани кўрсатилади:

*Эй, латофатта қизил гул ол янгоқинг бандаси,
Сунбулу райҳон дағи мушкин сочинг шармандаси.¹*

Бошқа бир байтда шоир элнинг назарида гўё қизил атиргул(варди аҳмар) бу қадар тиниқликни, қизилликни ёрнинг ол яноқларидан; наргис(гуллари қора рангга мойил) эса мафтункорликни унинг сеҳрлаб олгувчи қора кўзларидан олган, деб ҳисоблайди.

*Варди аҳмарки дер эл ул ол янгоқингдур сенинг,
Наргиси шахло, дағи жоду қароқингдур сенинг.²*

Биз тадқиқот жараёнида шу нарсани кузатдикки, Навоийнинг атиргул, хусусан, оқ атиргул, қизил атиргул тимсолларини рамзий маънода қўллар экан, бу шоир маҳоратининг янги қирраси ўлароқ намоён бўлган. Масалан,

*Лола янглиғ бўлди гулгун бодадин ул юз гули,
Ваҳ, не рангин очилур эрмиш қизил сув ичса вард*

(4-91).

Лекин қуйида Машрабнинг бир ғазалида ёрнинг юзи «сарик атиргул»га ўхшатилишида анъана бағридаги новаторлик бўй кўрсатган, десак хато қилмаймиз.

*Сузук кўзлу, сариғ садбарг³ юзунгни, дилрабо кўрсам,
Юзунгдин юз ўгурмасман, агар юз минг бало кўрсам.⁴*

Жомий эса ошиқнинг ҳижронда қон юта-юта хун бўлган қалбини ҳали очилмаган қизил гулнинг қатма-қат ғунчасига ўхшатиш билан лирик қаҳрамоннинг «дарди»ни нечоғли «жиддий» эканига ўқувчи эътиборини тортса, кейинги мисрада эса тасвирни янада кучайтиради, яъни изтиробдан ошиқ лоладек қонли ёшлар тўкмоқда:

*Сенингсиз ғунчадек дил ғарқи хундир,
Кўзум ёшини кўргил, лолагундир.⁵*

Алишер Навоий лирикасида ҳам гул тимсолининг кўплаб такрорланмас рамзий маъно

¹ Гадойй. Девон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 112.

² Гадойй. Девон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 78.

³ Садбарг - атиргул

³ Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987. - Б. 73.

⁴ Жомий. Мақсуди дил... - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. - Б. 152.

ва образлари кашф этилган. Адабиётшунос А. Валихоновнинг «Ғазал нафосати» китобидаги «Навоий ғазалларида гул» деб номланган қисмида Навоийнинг гул тушунчасидан фойдаланган соҳаларни саккиз қисмга ажратиб фикр юритади ва уларнинг ҳар бирини алоҳида сарлавҳа остида беради¹.

*Сарви гулрўйим қилур гулгашти гулзор, эй насим,
Дам-бадам сариғ-қизил гул, ул гули раъноға соч*

(5-75).

Кўринадики, фикрий-эмоционал таъсирчанликни ошириш мақсадида шоир бир вақтнинг ўзида иштиқоқ, илтифот, ташбеҳ санъатларидан фойдаланган. Иштиқоқ бадий санъатининг моҳияти шундаки, санъаткор байт ёки айрим гапларда ўзаги бир бўлган сўзларни икки ёки ундан ортиқ марта келтиради². Келтирилган байтда гулрўй(гул юзли), гулгашт(гул сайри), гулзор(жой), сариғ-қизил гул(раъно гули), гули раъно(маъшуқа) сўзлари гул ўзагидан ясалган бўлиб, иштиқоқни юзага келтирган бўлса, «эй, насим» дея шаббодага илтифот этган, ёрнинг тик қаддини сарвга, қизил юзини эса гулга ўхшатиш билан эса ташбеҳи муқайяд санъатига мурожаат қилган.

*Ёр юзи гул фурқати ашкимни гулгун айламиш,
Соғари гулранг ичинда бодаи гулфом бер*

(6-124).

Юқоридаги мисралар «Фавойид ул-кибар» девонидан ўрин олган ғазалнинг иккинчи байти бўлиб, унда «гул» ўзаги ёрдамида ҳосил бўлган «қизил» рангнинг тўрт ўринда ишлатилган синоними лирик қаҳрамоннинг айрилиқда нечоғли изтиробли ҳолатда эканлигини тасвирлашда қўл келган. Маҳбубанинг юзи гул – қизил рангда, шундай гўзал дилдорнинг айрилиғи ошиқни кўзларидан гулгун – қип-қизил қонли ёшлар тўкишига сабаб бўлмоқда, бу аччиқ фироқнинг бир оз «ҳовурини босиш учун» эса соғаркаш(май қуёвчи)дан гулранг(қизил) соғар(қадах)да гулфом(қизил) май сўрамоқда.

Ёки:

*Дема, ашқинг нега гулрангу кўзунг гулфом эрур,
Ҳеч кимнинг ёри гулрўю гуландом бўлмасун*

(4-351).

Алишер Навоий ҳар бир образни, тимсолни айрича муҳаббат билан тасвирлар экан, уларнинг ҳар бирига хос бўлган хусусиятлар ўқувчи тасавурида ёрқин муҳрланиб қолади. Буни шоирнинг «Хамса» достони қаҳрамони қаҳрамонлари Баҳром, Фарҳод, Ширин ва Лайли кабилар портретининг бадий ифодасида кўриш мумкин. Ҳатто Шириннинг оти тасвирида ҳам ижодкорнинг ўз қаҳрамонига бўлган муносабати очиқ кўринади.

*Ўзи гулрангу гул монанд зоти,
Бўлуб «Гулгун» халойиқ ичра оти.*

⁵ Қаранг: Валихонов А. Ғазал нафосати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. – 98-167-бетлар.

⁶ Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод (Хўжанд), 1972. – Б. 123.

*Жаҳон боғида йўқ ул бодподек,
Бўлуб гулбаргин элтурга сабодек.¹*

Байтдаги устига қизил тўн кийиб, дасторига қизил гул тақиб, қизил от(гулгун рахш)га чиройли миниб, оламни гулистон қилган дилбар чавандоз тасвири Навоийнинг тафаккур кўзгусида Шириннинг сиймоси узоқ йиллар мобайнида бадий сайқалланиб келганлигидан далолат беради. Албатта, бунда ранглар, айниқса, қизил ранг ва унинг синонимларининг ўрни беқиёс.

*Қилди оламни гулистон улки гулгун рахш уза,
Чиқти гулгун тўн кийиб, гул санчибон дасторға*

(6-377).

Одатда, гулзордаги гулларнинг энг сараларидан ҳисобланмиш раъно гулининг косачабарглари икки хил рангда: бир тарафи қизил, иккинчи тарафи сариқ бўлади. Жам ва тафриқ санъатидан усталик билан фойдаланган шоир ваъдасида турмай, ёлғончилик қилган маъшуқасига гўё шу йўл билан танбеҳ беради. Байтдан англашилаётган мазмун шоирнинг бадий ниятини ифодалашга хизмат қилгани равшан. Шунингдек, байтнинг ижтимоий-ахлоқий маъноси ҳам бор, яъни Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, панд-насихат сифатида ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.²

*Икки юзлук бўлмаким, бу боғнинг раъно гули,
Гар қизорур бир юзи, лекин яна бир сорғорур*

(3-153).

Бадий адабиётда, жумладан, туркий адабиётда маъшуқанинг саводи холи(қора холи) турли-туман бадий тасвир воситалари ёрдамида «кўб ва хўб» тасвирланган. Навоий куйидаги байтда ёрнинг лаби устидаги қораликка яқин тим яшил хат(тук)и ичидаги қора хол(саводи хол)ини ям-яшил бинафшазорга яшириниб олган қора қарғага ўхшатиш билан ўқувчи тасавурида осон муҳрланиб қоладиган бадий манзара яратади.

*Саводи холи анинг хатти мушкбор ичра,
Магарки зоғ ёшунмиш бинафшазор ичра*

(4-407).

Ёки дилбарнинг хино гули боғлаган кафтлари-ю тирноқларининг настарин ранг(оқ ва қизил рангнинг уйғунлиги)ини кўрган настарин гули(гуллари майда оқ ва қизил) ҳасаддан баттарроқ изтироб чекиб, оқариб-қизарса ҳам, барибир ёрнинг хино ёққан қўллари рангидек бўла олмайди. Бу ерда ҳам жонлантириш санъати байт мазмунининг таъсирчанлигини ошириб, китобхонда эстетик завқ уйғотиши билан аҳамиятлидир.

*Ул хино ёқтию қон ютти ҳасаддин настаран,
Ранг анинг тирноғларидек настаранға кирмади*

¹ Алишер Навоий. Фарҳода ва Ширин. МАТ. VIII-том.- Тошкент: Фан, 1990. - Б. 241.

² Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б.103.

(6-437).

Масалан, шоир бир ўринда ҳусни таълил санъати ёрдамида лолаларнинг сариқ рангда очилишига маъшуқанинг «ранжу ситами» ҳаддан ошганлиги туфайли ошиқнинг қизил юз(лоларўй)и ҳижронда сарғайган, дея ўқувчини ишонтиради:

*Сарғарибтур лоларўйим ранжи то бўлмиш қатиғ,
Лола бу йил гулшани умрумда очилмиш сариғ*

(4-219).

Шунингдек, биринчи мисрадаги «Сарғайибтур лоларўйим» иборасини иқкинчи мисрада «Лола очилмиш сариғ» тарзида қўллаш билан тарди акс санъати ҳам юзага келган.

«Ҳусни таълил» арабча «чиройли далиллаш» маъносини билдиради. Бу санъат бирор нарса ёки ҳодисага ғайривоқеий, лекин шоирона сабаб келтиришдан иборат. Шоир ижодида ҳусни таълилнинг гўзал намуналари жуда кўп.

Қуйидаги байтларда Алишер Навоий маҳбубанинг кўзлари қизаришига ажойиб сабаблар кўрсатади:

*Лолагун майдин қизармиш кўзларинг ул навъким,
Лолазор устида ҳар ён ағнамиш бўлғай кийик*

(4-242).

Яъни: чин ошиқнинг муҳаббатидан маст бўлган ёрнинг кўзлари қип-қизил лолазорда ағанаётган оҳуга ўхшатишган.

Ёки бошқа бир байтда бутун вужуди ишқ оловида ажойиб тусга кирган маъшуқанинг нозланиб юришлари лолазор устига акси тушиб турган янги кўринган ой(ҳилол)ни эслатади:

*Лолагун май тобидин ул ой қизармиш гўйиё,
Шўхлуқтин лолазор устида ағнабтур ҳилол*

(5-254).

Лутфий девонидаги бир ғазалнинг

*Ой юзунгнинг хижлатидан гул қизорди, ҳолиё,
Ханда бирла ўткорур, чун инфилоли бордурур,¹*

байтида гулнинг қизариб очилиши хижолатдан юзи қизарган ва ўзининг ноқулай аҳволини яшириш учун зўрма-зўраки табассум қилаётган одамга қиёсланиб кишини лол қолдирувчи тасвир чизилган. Ташбеҳ (ойга ўхшаш юз) ва ташхис (гулнинг қизариши) санъатларига асосланган мазкур тасвирда ҳусни таълил маҳбуба гўзаллиги, латофатини таъсирчан қилиб ифодалашга имкон берган.

Навоий бир ғазалида ҳам устоз байтларига ҳамоҳанг мисралар мавжуд:

Гул қизариптуру сунбул қорориптур гўё

¹ Лутфий. Сенсан севарим. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 234.

Боғ аро қилди аён зулф ила рухсор ул шўх

(4-83).

Чаманзордаги гуллар ўз-ўзидан қизил очилмаган, сунбулнинг қорайиши ҳам табиий эмас, балки улар боғда кезиб юрган дилбарнинг қизил юзи-ю қора зулф(соч)ини кўргач, хижолатдан қизариб, қорайиб кетган.

Умуман, Алишер Навоий ижодида лирик қаҳрамонининг ички кечинмалари, ҳижрон, айрилиқ манзаралари тасвирида «лола» тимсолига мурожаат қилган ўринлар кўп учрайди:

*Яна ҳар дам ишим сочмоқдадур кўз боғидин лола,
Ки бўлмиш лоладек қонлиғ кўнгул паргола-паргола.
Кўзунгдур фитнаву афсун саводидин қаро наргис,
Юзумдур меҳнату идбор доғидин сариғ лола*

(3-425).

Мисралардаги кўз ёши – қизил лола - кўнгул, кўз – афсун саводи – қаро наргис, юз – меҳнат – сариғ лола каби бирликлар мантиқан боғланиб, бири иккинчисининг юзага келишини тақозо этмоқда. Бу эса мазмуннинг чуқурлашувига ҳам таъсирчанликнинг ошишига хизмат қилган. Мазкур ҳодисада уларнинг ранг белгиси алоҳида эътиборга моликдир.

Ёки шоирнинг бошқа бир ғазалида баҳор ва куз фаслларининг хусусиятларини, бу фаслларда табиатда юз берадиган ўзгаришларни гоҳ маъшуқасининг васли хаёлида шод-хурам, гоҳ ҳижрон изтиробларидан маҳзун ошиқнинг шу каби ҳолатларига қиёс этишида ҳам бевосита уларнинг ранг хусусиятлари боғловчи омил бўлмоқда.

*Хазон ранг юзига берса, тонг йўқ, шуълайи дардим,
Ким, элга шамъи базм ўлмиш баҳори нозпарвардим.
Хазон бирла баҳорин даҳрнинг найлай, чу ёшурди
Бирисин лолайи ашким, бирисин чехрайи зардим*

(3-421).

Ишқ-муҳаббат, висол айёми, ҳижрон дарди, айрилиқ каби соф инсоний туйғулар бадий ифодасида табиат тасвиридан, хусусан, гул тимсолидан фойдаланиш Бобур лирикасига алоҳидалиқ бахш этган. Қуйидаги ғазалда ҳам у устоз шоирнинг анъанавий етакчи образлари ёрдамида янгича руҳдаги ҳижрон манзараларини тасвирлайди:

*Хазон яфроғи янглиғ, гул юзинг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чехрайи зардим.
...Хазондек қон ёшим сориғ, юзумдин эл танаффулда,
Баҳор ранги, биҳамдиллоҳ, улусдин ўзни қутқордим.¹*

Бобораҳим Машрабнинг бир ғазалида ҳам висолга ташна ошиқнинг қалб кечинмалари Навоий ва Бобур ижодиётидан таъсирланишнинг самараси сифатида юзага келгандек:

*Ул барги хазон ранги, гулғунчада қон ранги,
Ой-қунда сомон ранги – ишқинг ситамидур шул.²*

¹ Бобур. Назм дурдоналари. – Тошкент: Шарқ, 1996. - Б. 43.

² Машраб. Меҳрибоним қайдасан. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990. - Б. 68.

Адабий асарда тасвирланаётган бадий тимсол ҳолати ёки ҳаракатининг бўрттирилган, кучайтирилган ифодаси муболаға санъати бўлиб, бунда ўқувчи ошиқ қиёфаси, ички олами, қалбида мавж урган эҳтирослари таъсирчан, жозибали акс этади.

*Ҳар қизил гулким, юзунг шавқида олиб исладим,
Еткач оҳим шуъласи, ани сариғ гул айладим*

(6-290).

Шоирнинг лирик қаҳрамони гулга шунчаки гул сифатида қарамайди, балки у маҳбубасининг юзларини эслатгани учун ҳам меҳр билан, завқ билан ҳидлаган эди, дилида алангаланган ишқ оташининг шуъласига қизил гул ҳам сариқ гулга айланди дея муболаға қилади. Ўқувчи, албатта, бу хил тасвирнинг шартли эканини ҳис этади, унинг воситасида муҳаббат дардига гирифтор бўлган инсон кечинмаларининг энг юқори даражасини ақлан англайди ҳамда ошиқ қалбининг изтироблари ҳақиқатан ҳам ниҳоятда кучли эканига ишонч ҳосил қилади.

Мана бу байтда ҳам лирик қаҳрамоннинг маҳбуба васлига етолмай, ишқ алангаси юрагида янада батарроқ авж олиб, ўтли оҳлари кўкка етиб, натижада, чарх айвони бу тутунлардан қорайган. Сиз фалакнинг қоралигини мушкин (қора) булутлар туфайли деб билманг, балки бу дардли ошиқнинг ишқи туфайлидир, дея муболағали тасвирдан фойдаланилган.

Бирор нарса ёки ҳодисанинг хусусиятини шу хусусияти бор бошқа нарса ёхуд ҳодиса орқали тасвирлаш ўхшатиш ёки ташбеҳ дейилади. Ўхшатишнинг хизмати тасвирланмишнинг сифат ёки вазифасини равшанлаштириш, ўткирлаштириш ва шу йўл билан ўқувчи ёки тингловчининг ҳиссини уйғотишдир.

*Гулда йўқ сарв қади, сарвда гул рухсори,
Сарви гулрўйим эрур хусн тариқида тўкуз*

(3-185).

Одатда, гул жуда чиройли бўлса-да, эгилиб ўсади, сарв дарахти эса ғоятда тик бўлса-да унда гулнинг хусни бўлмайди. Байтда тасвирланаётган дилбар эса хуснда тўкис, бекаму кўст: унинг қадди сарвдек тик, юзи эса гулдек мафтункор.

Ёрнинг ўсма қўйган қошлари қизил юзига шу қадар ярашганки, бу эса гулзорда нозлаиб турган икки товусни тасаввурга келтиради.

*Ложуварди вўсма бирла зеб берган қошларинг,
Жилвагар бўлган икки товус эрур гулзор аро*

(5-19).

Форс шеърятининг атоқли шоири Ҳофиз Шерозий ёрнинг ҳамма гўзал нарсалардан ҳам чиройли эканлигини айтар экан, жумладан, маъшуқанинг лаблари устидаги қаро хат(-майин тук)лари шу қадар тиниқ қора(тўқ яшилга мойил) рангдаки, унинг олдида гулзордаги гуллар ичида ўзининг хушбўй иси-ю ўзига хос ранги билан ажралиб турадиган (қора) райҳон «ғубор» босгандек хиралашиб қолади, дейди:

*Райҳон нимасан, қаро хатин кўр,
У тозаю сен ғубор эрурсан.¹*

Кўринадики, байт муаллифи қора рангни райҳон гули билан ёнма-ён қуйишдан маҳбу-
банинг ҳуснда тенгсиз эканлигини таъкидлаётган экан, Навоий эса маъшуқанинг кўзлари-
ни қора нарғисга қиёслаш билан ўз ҳиссиётларини янгича шаклда ифодалашга эришади.

*Найлай қаро нарғисни, бошимға урайинму,
Ким, бошима офат кетурур ул кўзи шаҳло*

(5-29).

Алишер Навоий назмида гулларнинг турли-туман навлари ва такрорланмас ранглари-
нинг юксак бадий ифодасига гувоҳ бўлинади. Лирик қаҳрамоннинг қувончу шодликлари
ҳам, изтиробли кечинмалари ҳам гул ва рангнинг мутаносиб тасвирида кўринади. Бу ўз-ў-
зидан бўлмаган. Навоийшунос олим А.Ҳайитметов ўзининг «Шарқ адабиётининг ижодий
методи тарихидан» китобида Қобус Вашмгирнинг форсча тўртлигини (таржимаси билан)
келтирар экан, унинг халқ қўшиқларига хос соддалик, конкретлик, айти маҳалда гў-
зал образлиқнинг таъсири натижасида вужудга келганлигини таъкидлайди. Мана ўша
тўртлик:

*Гул шодликнинг подшоҳи бўлса, май хурсандчиликнинг амиридир,
Шу икки нарсанинг юзидан, одатда, маишатни қидираман.
Эй ой юзли, агар бунинг сабабини билмоқчи бўлсанг, билки –
Гул сенинг юзингнинг рангига эга,
Майда эса сенинг икки лабинг таъми бор.²*

Хуллас, ўзбек мумтоз шеъриятида асарга лирик оҳанг ва нозик мазмун бағишлашда гул
тимсоли, унинг рамзий маънолари фавқулудда катта роль ўйнаган. Айниқса, Алишер На-
воий назмида бадий тимсол хусусиятлари яққолроқ намоён бўлган. Бадий тасвир усул-
лари ёрдамида ошиқ қиёфаси, ички олами, қалбида мавж урган эҳтирослари таъсирчан,
жозибали ифодаланган.

Маълум бўладики, халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиёт(шеърият)да ҳам гул образига
мурожаат қилинган. Қизиқарлиси шундаки, халқ оғзаки ижодида маъшуқа гўзалликда, ла-
тофатда гулларга ўхшатиш бўлса, мумтоз поэзиядаги гуллар ҳусну тароватни, рангни
ёрнинг ол юзи, яноғидан, ақиқ лабларидан, қора кўзию мушкин сочи, хатидан олганлиги
айтилади.

Алишер Навоий маҳоратининг қирраларини кўздан кечириш натижасида тадқиқот-
нинг ушбу бобида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Сўз қўллаш шоирдан қанчалик маҳорат талаб этса, шеърда ранг символларига мурожа-
ат қилиш ҳам шунга яқин малака ва моҳирликни талаб қилади. Чунки ҳар бир ранг ўзига
хос ва янги мазмундаги сўз, гоҳо ибора ва маъно қийматига эга. Шунинг учун ранг сиртдан
бир «белги», тус ёки бўёқ бўлиб кўринса-да, шу ғазалларда ҳам ғоявий, ҳам эстетик му-

¹ Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1958. – Б. 183.

² Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. (X-XV асрлар) – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 277.

каммаллик ва таъсирчанликка хизмат қилади. Ташбеҳ, муболаға, тарди акс, раддул матлаъ сингари бадиий санъатларда қўлланилган ранглар бунга далил бўла олади.

- Академик А. Рустамов Алишер Навоийнинг беқиёс даражада катта адабий муваффақиятларга эришишида унинг шоирлик истеъдодидан ташқари яна етти муҳим омилнинг таъсири борлигини, кузатувчанлик шу омиллардан бири эканлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, у кундалик турмуш ҳодисаларига синчковлик билан муносабатда бўлганлиги боис тамсил, ийҳом, ирсоли масал каби шеърий санъатларнинг оригинал намуналарини яратди ва бу санъатларнинг бадиий инкишоф этишида рангларнинг символик хусусиятларидан ўринли фойдаланди.

- Алишер Навоий лирик қаҳрамонининг ички кечинмалари, ҳол ва кайфиятини ёритишда муқояса қилинган нарса-ҳодисалар фақат шакли ўхшашлиги билангина эмас, балки ранг белгисига кўра ҳам мантиқий боғланиш ҳосил қилади.

- Шоир ижодига халқ оғзаки ижодининг таъсири беқиёс эканлиги адабиётшуносликда эътироф этилган. Бу адабиётда кенг қўлланилган гулларнинг ҳусни, рангу бўйи маъшуқанинг янада чиройли бўлишига туртки бўлган бўлса, Алишер Навоий лирикасида эса, аксинча, маҳбубанинг ҳусни гулларга айрича чирой, назокат ва турфа ранг бағишлаши ифода этилади.

ХУЛОСА

Оламдаги барча кашфиётлару тадқиқотлар орасида энг буюги инсон руҳиятини англашдир. Инсон яратилибдики, ҳамиша олдинга интилиб яшаган. Яратган берган умрни қандай ўтказиш кераклиги тўғрисида бош қотирган ва ҳаётини яхшилаш, янада мазмунлироқ яшаш йўлларини қидирган ҳамда бу уринишларда янги-янги нарсаларни кашф этиб бораверган. Вақт ўтиши билан бу кашфиёт «эскириб», уни бундан-да такомиллаштириш мумкинлигини сезиб қолган ва яна ҳаракат қилган. Бу изланишлар натижаси ўлароқ ҳайкалтарошлик, меъморчилик, мусиқа санъати билан бир қаторда адабиёт – сўз санъати вужудга келди. Инсон зоҳирий ва ботиний оламининг турфа кўринишлари адабиётнинг хил ва жанрларида ўз ифодасини топиб келмоқда.

Инсон – олий мавжудот, у мукамалликка интилар экан, унинг руҳи танасига қул бўлмаслиги, балки Аллоҳга талпиниб, ўзини ҳар турли гуноҳлардан поклаб, нуқсонларини йўқотиб бормоғи зарур. Сўз санъаткорлари ўша улуғ мақсаднинг амалга ошувида муҳим саналган масалалар, уларнинг ечими хусусида қалам сурганлар. Илал оқибат инсон тахайюлининг мислсиз кашфиёту марраларини эгаллаганлар. Ранглар воситасида воқеа-ҳодисаларни рамзий ифода этиш ҳам бу кашфиётларнинг бири ҳисобланади.

Бадий адабиётда ранг китобхоннинг теварак-атроф тўғрисидаги тасаввур доирасини кенгайтиришга эмас, балки бизнинг ҳиссиётларимизга, олам манзарасини шакллантирувчи тасаввуримиз қувватига таъсир кўрсатиш воситаси ҳамдир.

Ранг символининг тарихий такомилли, дастлаб халқ оғзаки ижодида пайдо бўлган рангга алоқадор тимсолларнинг ёзма адабиётга кириб келиши ва поэтик ифода этилиши, Алишер Навоий ижодида, хусусан, ғазалларида ранг рамзларининг қатъий ўринлашуви ва уларнинг мавзу-мундарижасининг кенгайиб бориши жараёнини тадқиқ этиш натижасида юзага келган фикр-мулоҳазаларимиз юзасидан қуйидаги хулосаларга келдик:

Дунёдаги бошқа халқлар каби туркий миллатлар тарихида ҳам воқеа-ҳодисаларни рамзийлаштиришга интилиш кучли бўлган, жумладан, улар маълум бир ранг воситасида орзу-истаклари, мақсад-интилишлари, ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини символлар ёрдамида ифода этишлари оқибатида улар анъанавийлашиб борган. Ҳаётдаги бу анъанавий рамзлар, тимсоллар давлат сиёсатида, урф-одатларда, маросимларда, халқ оғзаки ижодининг эртақ, мақол, кўпинча қўшиқ ва лапарларида акс этган.

Ранг символикасининг бадий адабиётда ўринлашишини яққол кўрсатадиган асар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» дostonидир. Унда туркий халқларнинг рангга доир тасаввурлари концентрациялашганлигига гувоҳ бўламиз.

Навоийгача бўлган ўзбек шеърлятида Атойи, Гадоий, Саккокий, Лутфий ижодида ранглардан фойдаланиш фикр, туйғу, ҳолат, манзара тасвирида салмоқли ўрин тутди.

Навоий лирикасидаги ранг символикасида қора ва қизил ранглар етакчи мавқе эгаллайди. Улардан кейин яшил ва кўк, оқ, сариқ ранглардан самарали фойдаланилган. Умуман олганда, «Ҳазойин ул-маоний»даги 2600 ғазалдан 31 таси бошдан-охир ранг символикаси асосига қурилган. 1400 дан ортиқ ғазалда ранг билан боғлиқ образлилик у ёки бу даражада намоён бўлган. Бу эса ранг символикасининг Навоий ғазалиётида тутган ўрнини кўрсатиб турибди.

Ранг символикасининг Навоий ғазалларидаги поэтик функцияларидан бири муайян бир рангнинг маълум тушунча – мафҳумларни бир мавзу доирасида уюштиришидадир. Жумладан, «Сариғ либос аро ул нўшлабки хандондур...» деб бошланувчи ғазалда сариқ ранг билан алоқадор символик образлилик ғазал байтларини бир-бири билан боғлашга, бир-бирига яқин тушунчаларни бир ғазал доирасида уюштиришга, яъни ғазал якпоралигига хизмат қилган.

Шоир қўллаган ранг рамзлари образлиликни вужудга келтиришда, айниқса, ошиқ ва маъшуқанинг кечинмалари, ҳол ва кайфияти ҳақида тасаввур берувчи ёрқин манзаралар яратишда муҳим ўрин тутган. Шу маънода, шоир шеърларида ранг символикасига тегишли тасвирларнинг ҳам маъно, ҳам гўзаллик, ҳам бадий-тасвирий жиҳатларини ёритиш катта аҳамият касб этиб, санъаткорнинг ўзига хос томонлари намоён бўлади.

Либос психологик тасвирнинг муҳим деталли: у лирик қаҳрамон руҳий кечинмалари, ҳолатига йўл очади. Шунинг билан бирга либоснинг тури ва ранги унинг ишқ бобида қандай мартабага етганлигини рамзий тарзда ифодалайди. Бинобарин, лирикада либос, унинг ранги образда мужассамланган бадий ният, мақсаднинг зоҳирий атрибутли бўлиб, образнинг ички мазмун-моҳияти унинг либоси, либоснинг ранги орқали воқеланади, образнинг ички структураси тўғри, муаллиф нияти билан уйғун ҳолда англанишига имкон яратади.

Навоий ғазалиётида либос ва ранг поэтик унсур сифатида қўлланилар экан, 60 дан ортиқ кийим ва унинг қисмлари номлари келтирилади. Либоснинг шоир ғазалларидаги поэтик функцияларидан бири шундаки, Навоий кийим тасвири воситасида ўқувчини ўзи айтмоқчи бўлган фикрга тайёрлаб боради. Зеро, либос ўқувчи ва шоир ўртасида мулоқот ўрнатиш воситаларидан биридир.

Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси бир қатор бадий усул ва воситалар орқали тасвирланади. Буларнинг энг фаоллари истиора, талмех, илтифот, ташбеҳ, ташхис, тазод, муболаға, тажохули орифона, тажнис, таажжуб, таъдид, мукаррар, ийҳом, тасбе, тарди аксдир.

Шоир ранг билан боғлиқ символик тушунча-мафҳум, фикр-қарашни бадий санъатлар воситасида ифодалар экан, ўзигача бўлган форс ва ўзбек адабиёти ютуқларидан ҳам ижодий фойдаланган, Ҳофиз, Атойи, Саккокий, Лутфий шеърларидаги анъаналарни давом эттирган.

Ранг поэтик унсур сифатида бадий анъаналар тадрижи давомида ривожланиб, поэтик тафаккурнинг барқарор элементига айланиб борган. Буни, айниқса, мумтоз адабиётда маъшуқанинг юзи, лаблари қизил, зулфи, қоши, кўзлари қора, хатти яшил, танаси сариқ ёки ушбу рангларга яқин қоришиқ ранглар орқали тасвирланганлигида намоён бўлади. Бинобарин, ранг символикасида ҳам анъанавийлашиш, қолиплашиш жараёнини кузатиш мумкинки, бу гарчанд ранглар палитрасидан фойдаланишда шоир имкониятларини маълум маънода чекласа-да, бошқа томондан, поэтик талқиннинг чуқурлашишига олиб келган. Чунки анъананинг муайян рангдан фақат маълум объект билангина боғлиқликда (масалан, қора рангдан фақат соч, қош, кўз; қизил рангдан юз, лаб тасвирида ва ҳоказо) фойдаланиш талаби ушбу ранглар ва улар ифодалаган символик мазмун талқинини чуқурлашишига хизмат қилган.

Навоий лирикасида ранг ифодаловчи сўзлар, қофия ва радиф сифатида ҳам қўлланил-

ганлигини кўришимиз мумкин. Қофия ва радиф ўлароқ энг фаол ранг англатувчи сўзлар «қора», «оқ», «қизил», «бинафша», «яшил»дир.

Гул – Шарқ шеъриятининг ёрқин ва кенг истеъмолда бўлган образи. Навоий лирикасида ҳам гул образи катта ўрин тутди. Шоир гул образини яратар экан, ранг билан боғлиқ символикадан изчил фойдаланади. Гулнинг ранги лирик қаҳрамон ва маъшуқа психологик ҳолати билан уйғунлик касб этади.

Шоир ғазаллари таркибидаги ранг билан боғлиқ образларни атрофлича ўрганиш серқирра, кўп йўналишли миллий адабиётимиз тарихи ҳақидаги тасаввуримизни мукамаллаштиради.

Ранг, унинг рамзий маънолари мумтоз адабиётимиз вакиллари, шунингдек, Навоий ғазаллари учун бир нақш вазифасини бажарганлигини шоир девонида қўлланилган минглаб ранг маъносидаги сўзлар ва уларнинг символик ифодасида ўз тасдиғини топаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Илмий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин // Тафаккур. - 1998. - №2
3. Каримов И. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз.Т. 7. - Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. Тошкент: Ўзбекистон, 2001.
5. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995.
6. Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
7. Адабиёт назарияси. II жилдлик. I-жилд. – Тошкент: Фан, 1978.
8. Адабиёт назарияси. II жилдлик. II-жилд. – Тошкент: Фан, 1979.
9. Азимов Э., Ашрафхўжаев Ф. Амир Темур давлатининг рамзлари // Тафаккур. - 1996. - № 3
10. Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар. Тошкент: Камалак, 1991. – 176 б.
11. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I-том. – Тошкент: Фан, 1983.
12. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. II-том. – Тошкент: Фан, 1983.
13. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III-том. – Тошкент: Фан, 1984.
14. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. IV-том. – Тошкент: Фан, 1985.
15. Архитектурное наследие Узбекистана. – Тошкент: Фан, 1960.
16. Аристотель. Поэтика (Поэзия санъати ҳақида). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980.
17. Асомуддинова М. Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981. – 116 б.
18. Бафоев Б. Навоий ғазалларида ранг билдирувчи сўзлар. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1984 - № 5.
19. Бафоев Б. Навоий назми тилида қизил синонимлари, синтагмалари ва улардаги маънодошлик. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1984. - № 5.
20. Бафоев Б. Навоийнинг «Фавойид ул-кибар» девонида ранг маъносидаги сўзлар. // Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам. – 2002. - № 7.
21. Бобоев Т. Шеър илми таълими. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
22. Бобур. Мухтасар. Нашрга тайёрловчи С.Ҳасанов. – Тошкент: Фан, 1971.
23. Булатов С. Ғайб илмидаги ранглар фалсафаси. // Имом ал-Бухорий сабоқлари. – 2004. - №2.
24. Булатов С. Б. Ранг психологияси. – Тошкент: Фан, 2003.
25. Валихонов А. Ғазал нафосати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985.
26. Воҳидов Р. XV асрнинг II ярми – XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърляти. Тошкент: Фан, 1983.
27. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро, 1994.
28. Жумаева С. Рақам, маъно ва тасвир. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.
29. Жуматова Н. Ўзбек халқ мақолларидаги ранг билан боғлиқ рамзий образлар. // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1997. - № 6.
30. Жумахўжаев Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

31. Иброҳимова М. Либосларда халқ руҳи. // Мулоқот. – 2001. - № 5. -
32. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент: Фан, 1965.
33. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983.
34. Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.
35. Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асрори. 2-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1999.
36. Кошғарий М. Девону луғотит турк. III томлик. I-том. – Тошкент: Фан, 1960.
37. Кошғарий М. Девону луғотит турк. III томлик. II-том. – Тошкент: Фан, 1961.
38. Кошғарий М. Девону луғотит турк. III томлик. III-том. – Тошкент: Фан, 1963. .
39. Кошифий Ҳ. В. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Тошкент: Мерос, 1994.
40. Кубро Н. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004.
41. Лапасов Ж. Мумтоз адабий асарлар ўқув луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
42. Мадаев О., Собитова Т. Халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Шарқ, 2001.
43. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974.
44. Маҳмудов Қ. Туркий байроқлар рамзи. // Фан ва турмуш. – 1991. - №12.
45. Мустаев К.Т. Поэтика цвета и числовых знаков-символов в «Песне о Роланде» и «Алпамыше». – Самарканд: Зарафшон, 1995.
46. Набиев М. Рангшунослик. – Тошкент: Фан, 1995.
47. Навоий ва адабий таъсир масалалари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент: Фан, 1968. – 353 б.
48. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973.
49. Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1993.
50. Навоийнинг ижод олами. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Фан, 2001.
51. Норқулов Н. Камалиддин Беҳзод. – Тошкент: Фан, 1964.
52. Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик шеърятини жанрлари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
53. Ойбек. МАТ. XIII-том. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Фан, 1979.
54. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Т.: Фан, 1976.
55. Очил С. Орзулар кўкидаги шафақлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
56. Очил Э. Навоий ғазалларида комил инсон тимсоли. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001. – №1.
57. Пугаченкова Г.А. Истории костюма Средней Азии и Ирана XV- первой половины XVI вв. по данным миниатюр. – Тошкент: Фан, 1956.
58. Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Тошкент: Ёзувчи, 2001.
59. Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.
60. Рўзимбоев С. Хоразм дostonларидаги рамзлар. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. - №5.
61. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. Тошкент: Фан, 2004.
62. Султонова Д. Тириклик тимсоли. // Тафаккур. - 2003. - №2.
63. Тоҳир Рашидхўжа. Хизр образи ва унинг классик шеърятдаги талқини. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1991. - №2.
64. Турдимов Ш. Ранго-ранг дунё. // Ёшлик. – 1987. - №8.
65. Тўхлиев Б. «Қутадғу билиг»да ранг рамзига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001.

- №3.

66. Улуғбек М. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1993.
67. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси: (Дарслик). – Тошкент: Шарқ, 2002.
68. Усмонов О. Камолитдин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби. – Тошкент: Фан, 1977.
69. Форобий. Шеър санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979.
70. Ҳасанов С. Навоийнинг етти туҳфаси. Гўзалликдаги ранглар олами. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.
71. Ҳасанов С. Навоий даҳоси. // Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам. – 2002. - №7.
72. Шайхзода М. Ғазал мулкининг султони. VI томлик. IV-том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972.
73. Шамсиев П. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1966.
74. Шаропов А. Оламлар ичра оламлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978.
75. Ғаниева С. Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1968.
76. Шарафиддинов О. Алишер Навоий поэтикасининг баъзи масалалари. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – 1968. - №4.
77. Шарқ миниатюра мактаблари. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.
78. Шарипов М. Навоий ва адабий алоқалар. – Тошкент: Фан, 1968.
79. Шодиев Э. Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиётига муносабати масаласига доир. – Ленинобод - Тошкент, 1964.
80. Шодиев Э. XIX аср тожик шоирлари ижодида Навоий анъаналари. // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1977. - №1.
81. Шоисломов Ш. Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърий асари (Уржуза). – Тошкент: Фан, 1972.
82. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома: Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990.
83. Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. Тошкент: Ўздавнашр, 1963.
84. Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Фан, 1979.
85. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
86. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970.
87. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
88. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Фан, 1963.
89. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан (X-XV асрлар). – Тошкент: Фан, 1970.
90. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Фан, 1961.
91. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989.
92. Ҳаққулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990.
93. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.
94. Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998.
95. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1990.
96. Ҳомидов Ҳ. Навоий ижодида Фирдавсий анъаналари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985.
97. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
98. Ҳусайний А. Бадойиъ-ус санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981.

- 99.Ўзбек адабиёти тарихи. V томлик. II том. XV асрнинг иккинчи ярми. – Тошкент: Фан, 1977.
- 100.Ўзбек адабиёти масалалари. Ҳайдаров С. «Ҳайрат ул-аброр» достонида пейзаж. – Тошкент: Фан, 1979.
- 101.Ранг. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-том. – Тошкент: «Ўз МЭ» Давлат илмий нашриёти, 2004.
- 102.Закот. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-том. – Тошкент: «Ўз МЭ» Давлат илмий нашриёти, 2002.
- 103.Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Тошкент: Фан, 2004.
- 104.Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2003.
- 105.Мирзаев А. Тасвир сеҳри. – «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2005 йил, 20 май.
- 106.Шаниязов К.К. К этнической истории узбекского народа. – Тошкент: Фан, 1974.
- 107.Турсуналиев К. Все цвета радуги: (тубетейки и головные уборы узбеков XIX-XX вв). – Тошкент: Фан, 1991.
- 108.Аширов А. Анъанавий дунёқарашда ранглар рамзи. – Фарғона водийси этнографияси ва этник тарихининг долзарб муаммолари. – Наманган, 2003.

II. Бадий адабиётлар

- 1.Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – 656 б.
- 2.Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Алоуддин Мансур таржимаси. – Бишкек, 2001.
- 3.Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Тошкент: Шарқ, 2001. .
- 4.Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. – Тошкент: Шарқ, 1998.
- 5.Алишер Навоий. Бадойиъ ул-бидоя. МАТ. I-том. – Тошкент: Фан, 1987.
- 6.Алишер Навоий. Наводир ун-ниҳоя. МАТ. II-том. – Тошкент: Фан, 1987.
- 7.Алишер Навоий. Фаройиб ус-сиғар. МАТ. III-том. – Тошкент: Фан, 1988.
- 8.Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб. МАТ. IV-том. – Тошкент: Фан, 1989.
- 9.Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. МАТ. V-том. – Тошкент: Фан, 1990.
- 10.Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. МАТ. VI-том. – Тошкент: Фан, 1990.
- 11.Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989.
- 12.Бобур. Назм дурдоналари. – Тошкент: Шарқ, 1996.
- 13.Бойқаро. Девон. Рисола. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990.
- 14.Гадойи. Девон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973.
- 15.Даврон Х. Шаҳидлар шоҳи. – Тошкент: Қатортол-Камолот, 1998.
- 16.Жомий А. Мақсуди дил... – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.
- 17.Лутфий. Сенсан севарим. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987.
- 18.Маҳобҳорат. Жанглар қиссаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1995.
- 19.Манас. Қирғиз халқ эпоси. 1- китоб. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1964.
- 20.Машраб Б. Меҳрибоним қайдасан.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1990.
- 21.Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин. Тошкент: Фан, 1960.
- 22.Оттойи. Танланган асарлар. – Тошкент: Бадий адабиёт, 1960.
- 23.Оқ олма, қизил олма. Ўзбек халқ кўшиқлари. – Тошкент: Фан, 1972.
- 24.Рамайна. Ҳинд халқ эпоси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978.

25. Саккокий. Танланган асарлар. – Тошкент: Ўздавнашр, 1960.
26. Таъбирнома. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001.
27. Фирдавсий. Шоҳнома: Танланган дostonлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1984.
28. Фузулий. Девон. II жилдлик. I- жилд. – Тошкент: Шарқ, 1968.
29. Хоразмий Ҳ. Девон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1981.
0. Ўзбек халқ ижоди. Гулёр. Фарғона халқ кўшиқлари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967.
31. Ҳомидов Ҳ. Кўҳна Шарқ дарғалари. – Тошкент: Шарқ, 1999.
32. Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1958.
33. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971.
34. Яссавий А. Девони ҳикмат. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004.
35. Қўрқут ота китоби. // Ёшлик. – 1988. - №5-6-7.


III. Хорижда чоп этилган адабиётлар

1. Курбанмамадов А. Эстетическая доктрина суфизма. – Душанбе: Дониш, 1987. 108 с.
2. Ganiz Faza'il. El-Etrak. –Ankara, 1988.
3. Веселовский А. Историческая поэтика. – М.: Высшая школа, 1980. .
4. Kurbanov S. Azerbaican halisinda renklerin uygulanmasi. – Turkiyat Arastirmalari Enstitusu dergisi. – Erzurum, 2001.
5. Алексеев С. С. Цветоведение. – М.: Искусство, 1952.
6. Бахилина Н. Б. История цветообозначений в русском языке. – М.: Наука, 1979.
7. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Избранные труды. Т.3. – М.: Наука 1965. – 524 с.
8. Бертельс Е. Э. Навои и Джами. Избранные труды. Т.4. – М.: Наука, 1965.
9. Бируни Абу-р-Райхон. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). – М.: Издательство, 1963.
10. Бонгард-Левин Г. М. Древнеиндийская цивилизация. – М.: Наука, 1980.
11. Веймарн Б.В. Искусство и жизнь. – М.: Искусство, 1978.
12. Ганж Р. Турк инончлари ва миллий урф-одатларида ранглар. – Анқара, 1997.
13. Гёте И. В. Учение о цвете. В кн.: Избранные сочинения по естествознанию. – М.: Наука, 1957.
14. Гёте И. В. Об искусстве. – М.: Искусство, 1975.
15. Зернов В. А. Цветоведение. – М.: Книга, 1972.
16. Цойгнер Г. Учение о цвете. – М.: Строиздат, 1971.
17. Кононов А. Семантика цветообозначений в тюркских языках. - Тюркологический сборник. Москва, 1978,
18. Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981.
19. Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1987.
20. Лосев А. Ф. Проблема символа и реалистическое искусство. – М.: Искусство, 1976.
21. Лосев А. Ф. Знак. Символ. Миф. – М.: Искусство, 1982.
22. Миронова Л. Н. Цветоведение. – Минск: Вышэйшая школа, 1984.
23. Молчанова О.Т. Прилагательные семантические полей «чёрный цвет» и «белый цвет» в ономастиконе алтайцев // Советская тюркология. – Баку. - 1985. - № 3.
24. Никитина М. Древняя корейская поэзия в связи с ритуалом и мифом. – М.: Наука, 1982.
25. Поэзия и проза Древнего Востока. Сборник. – М.: Художественная литература, 1973.
26. Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. Очерки искусства Средней Азии. – М.: Искусство, 1982.

27. Саидов М. Кўк, оқ, қора рангларнинг эски инончлар ила алоқаси. // Озарбайжон ФА хабарлари. – 1978. - №2.
28. Саидов М. Озарбайжон мифик тафаккурининг манбалари. – Баку: Ёзувчи, 1983.
29. Соловьев С.М. Изобразительные средства в творчестве Ф.М.Достоевского. Очерки. Част 4. Цвет. – М.: Советский писатель, 1979.
30. Стеблева И.В. Поэтика древнетюркской литературы и её трансформация в ранне-классический период. М.: Наука, 1976.
31. Сухарева О.А. Древние черты в формах головных уборов народов Средней Азии. Среднеазиатский этнографический сборник. – М.: Наука, 1954.
32. Теория литературы. Том IV. Литературный процесс. – М.: Наследие, 2001.
33. Тернэр В. Символ и ритуал. – М.: Наука, 1983. 277 с.
34. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1976.
35. Потеня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990.
36. Трименгэм Д.Ж. С. Суфийские ордены в Исламе. – М.: Наука, 1989.
37. Kurbanov S. Azerbaican hallslnda renklerin uygulanmasl. Türkiyat Araştırmaları Enstitüsü dergisi, sayı: 18 – Erzurum, 2001.
38. Рахмонов В. Шеър санъатлари. (Ўзбек классик поэтикасидан қўлланма). – Ленинобод, 1972.
39. Шукуров Ш. М. «Шах-наме» Фирдоуси и ранняя иллюстративная традиция. – М.: Наука, 1983.
40. Шукуров Ш.М. Искусство средневекового Ирана. – М.: Наука, 1989.

IV. Диссертация ва авторефератлар

1. Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти: Филол. фан. номз. ...дисс. - Тошкент, 1998.
2. Бобониёзов А. Ё. Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1995.
3. Бозорова Н. Алишер Навоий ғазаларида кўнгил образи: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2002.
4. Жуматова Н. С. Ҳозирги ўзбек шеърлятида ранг билан боғлиқ рамзий образлар: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2000.
5. Муллаҳўжаева К. Т. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида): Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 2005.
6. Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикасининг тарихий асослари ва бадиияти: Филол. фанлари д-ри. ...дисс. - Тошкент, 1995.
7. Садыков Р. Х. Поэтика творчества Хасана Туфана: Автореф. дисс. филол. наук. - Казан, 2005.
8. Салахутдинова Д. И. «Бадоеъ ул-бидоя» девони ва бадий санъаткорлик масалалари: Филол. фан. номз. ...дисс. – Самарқанд, 1983.
9. Содиқова М. Ўзбек тилида ранг-тус билдирувчи сўзлар: Филол. фан. номз. ...дисс. – Тошкент, 1963.
10. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари ва туркий фольклор мотивлар, образлар силсиласи, тасвир принциплари: Филол. фанлари д-ри. ...дисс. – Тошкент, 1991.



СОФИЯ ЖУМАЕВА

**АЛИШЕР НАВОИЙ
ШЕЪРИЯТИДА
РАМЗИЙ РАҚАМЛАР
ТАЛҚИНИ**

МУҚАДДИМА

Бутун дунё халқлари маънавий ҳаёти, мифологияси, дини, фалсафий қарашларида рақамлар алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки рақам фалсафий категория бўлиб, мантиқий, миллий-маданий, мифологик ва диний хусусиятларга эга. Шунинг учун ҳам қадимги дунё тарихидан то бугунги кунга қадар маълум маънода рақамларга эътиқод, муносабат ва мурожаат сезиларли даражада кўзга ташланади. Қадимги Вавильон, Миср ва Юнонистонда хилма-хил муқаддас рақамлар тизими ишлаб чиқилган. Бу эса Пифагор ва унинг издошлари томонидан бошлаб берилган, кейинчалик мистик-фалсафий нумерологиянинг пайдо бўлишига олиб келган. Уларнинг рақам ҳақидаги фикрлари олам ва ундаги барча нарсаларнинг пайдо бўлиши хусусидаги қарашлар билан боғлиқ эди. Пифагорнинг фикрига кўра, Олам рақамлар кучи воситасида яратилган. Унинг талқинида рақам ҳам моддият, ҳам Оламнинг шакли сифатида намоён бўлганлиги учун ҳам “Ҳамма нарса рақамдан иборат” деган тушунча келиб чиққан.

Одам фарзандлари ақл-идроки, тафаккур ва хаёлотининг муҳим бир унсури сифатида рақамлар бадиий адабиётдан ўзига хос ўрин эгаллаган бўлиб, бу ҳодиса узоқ тарихга эга. Шарқ мумтоз шеърияти мазмун ва шакл, поэтик тасвир йўли, восита, образлар олами эътибори билан ўзига хос бир шеъриятдир. Бу шеъриятда рамзий-мажозий тасвир устувор йўналиш ва хусусиятни ташкил этади. Шунинг учун унда сўз, тимсол, ранг, оҳанг билан бир қаторда, ҳарф ва рақам воситасида илгари сурилган ҳақиқатларнинг символик ифодалари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Узоқ асрлик мумтоз адабиётимиз намуналарини тадқиқ ва талқин қилганда, уларнинг рамзий-мажозий “қатлам” ва ҳақиқатларига ҳам дуч келинади. Бу фикр рақам семантикаси ва символикасига ҳам дахлдордир.

Мумтоз адабиёт намуналарида рақамга мурожаат қилиш, рақамлар воситасида маълум бир фикрни ифодалаш, рақам рамзларидан фойдаланиш тажрибаси сезиларли даражада эътиборни тортади ва айтиш мумкинки, бундай ҳолат Алишер Навоий ижоди учун ҳам бегона эмас. Буюк мутафаккир шоирнинг шеърий асарларида, дostonларида рақамлар ва уларнинг рамзий-мажозий моҳиятига эътибор қаратиш, шу орқали маълум бир ҳолатни тасвирлаш, баъзи бир фикрни далиллаш ёрқин кўзга ташланади, бу орқали эса ўқувчининг кўз ўнгида янги бир маъно, моҳият ва сирлар олами очилади.

АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА РАҚАМ МАВҚЕИ

Шеъриятнинг тасвир объекти инсон қалби, кўнгли, руҳий дунёсидир. Унда инсон кечинмалари, ҳис-туйғулари, лаҳзалик ҳиссий ўзгаришлар тасвирланар экан, бу ҳис-ҳаяжону қалбнинг ҳузур-ҳаловатлари доимий эмас, балки лаҳзалик ва ўткинчи эканлиги назардан соқит этилмайди. Шунинг учун мумтоз шеъриятда лаҳза, он, дам, фурсат хусусида кенг баҳс юритилган. Вақтнинг энг кичик бирлиги ҳисобланган дам ва лаҳзаларга тасаввуф аҳлининг алоҳида аҳамият беришлари, бир дам, бир лаҳза, бир нафас, бир он сингари вақт бирликларига катта маъно бағишлашлари Навоий шеъриятида ўзига хос усулда тасвир этилган.

Нафас, дам, он, лаҳза – вақтнинг энг кичик бирлиги. Вақт – ўтмиш, ҳозир ва келажак. У ортга қайтмас ва қайтарилмасдир. Вақт инсон онги, иродаси ва куч-қудратига бўйсунмайдиган шафқатсиз қудрат. Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов Алишер Навоий шеърияти ҳақида фикр юритар экан, шундай дейди: “Вақтга фақат маънавий-руҳий ҳаракат ва маърифий фаолият ила юзлашиш лозим. Вақт олдидаги масъуллик у билан алоқа ўрнатишнинг ўзига хос “мақом”ларини эгаллашни талаб қилади. Шу маънода тасаввуф аҳлининг фикр-қарашлари ва ҳаётий тажрибалари жуда ибратли. Ибратлиси шундаки, улар вақтнинг энг кичик бирлиги ҳисобланмиш дам ва лаҳзанинг мазмунига алоҳида аҳамият берганлар. Шарқнинг кўп буюк санъаткорлари сингари Алишер Навоийнинг Вақтга доир қарашлари, муносабат тарзи ва ундан кўзда тутган мақсадлари ҳам тасаввуф маслағи билан чуқур алоқадордир”¹.

Дарҳақиқат, бир дам, бир он, бир лаҳза ва фурсатларни қадрлаш, уларнинг зое кетмаслигини ҳис қилиш қалб уйғоқлигидан далолат беради. Инсон айни дамни, ҳозир яшаб турган, нафас олаётган фурсатларини қадрлай олсагина, нурли ўтмиш ва ёрқин келажакка холис назар ташлай билади.

“Вақт кескир қиличдир. Агар кескир бўлмаганида эди, ҳолдан-ҳолга ўтгунингга қадар сени кутган бўларди. Ҳолбуки, замон ўткир қиличдек ҳаракатланади ва ўз ҳукмини ижро этади”². Нажмиддин Кубронинг “Фавойихул-жамол” асаридаги ушбу фикрлар “Ибнул-вақт” - сўфий учун дастурул амалдир. У ўтаётган ҳар бир дамни, фурсат ва лаҳзаларни қадрлайди. Вақтни беҳуда сарфламасликка ҳаракат қилади. Агар шундай бўлмаганида Навоийнинг лирик қаҳрамони:

*Маст ўлуб бир дам шабоб айёмини тут муғтанам
Ким, йигитлик дам-бадам ўтмакдадур айём аро-*

дея вақтни “муғтанам” тутишга чақирмаган бўлар эди. Аммо гап ғанимат саналган ана шу дамни қандай ва қай ҳолатда ўтказишда. Маълумки, тасаввуфда май, бода, шароб калималари илоҳий ишқ, Аллоҳ муҳаббати маъноларини англатади³. Ҳақ ошиғининг май, шароб, бода талаб қилиб соқийга мурожаат этиши илоҳий муҳаббатни қалбда барқарор айлаш ва шу туфайли сархуш бўлишни билдиради. Лаҳза ва фурсатларнинг ғаниматлигини ҳис қилган солиқ ана шу дамларни ишқдан “маст ўлуб” ўтказишни хоҳлайди ва бошқаларни ҳам шунга чорлайди:

¹ Ҳаққул И. Тасаввуф ва Навоий шеърияти ҳақида. “Навоийнинг ижод олами”. - Тошкент, 2001. 10-бет.

² Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. - Тошкент, 2004. 157-бет.

³ Сулаймон Улудоғ. Тасаввуфий терминлар луғати. - Истанбул, 1995. 80-85 бет.

Бир дам аҳбоб била базми сабуҳий тузубон
Чекинғиз, дамни ғанимат билибон, бодаи ноб.

Бу истак амалга ошмагач, ошиқ афсус-надоматлар ичида қолади. Даврон унинг тилаги билан “эврулмас” лигидан шикоят қилиб, ўз армонларини қўйидаги тарзда баён айлайди:

Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,

Бир нафас эврулмади даврон менинг комим била. Ўтиб кетган, яъни мозийга айланган вақтни орқага қайтаришнинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ. Шунинг учун ҳатто чарх ҳам бундай ишни бажаришга қодир эмаслигига иқрор бўлмоқ керак:

*Айш вақтин бил ғаниматким, эрур дам ушбу дам,
Чарх эрмас фавт бўлган вақтни ёндурғудек.*

Лаҳзалик ҳаяжону кечинмалар, завқу сурур такрорланмаслигини ҳис қилган ошиқ яна бундай қарорга келади:

*Эй Навоий, дам бу дамдур – тут ғанимат, бода ич,
Ўзга бир дамга етар – етмаска чун воқиф эмон.*

Бир он, бир лаҳза, бир дам ва бир нафасда шундай бир катта мазмун яширинки, уларнинг қуввати ва шу пайтларда эришиладиган илоҳий файзлар такрорланмасдир. Ҳақиқий ошиқ шу боисдан “бир нафас”, “бир лаҳза” сингари жуда қисқа фурсатларни қадрлайди ва уларга қандайдир жавобгарлик билан ёндашади. Ҳофиз Хоразмий:

*Не бўла ғамгин қўнгулни лутф этиб шод этса дўст,
Банди ғамдин бандасин бир лаҳза озод этса дўст, -*

дея “бир лаҳза”гина висол онларини истаётган ошиқ ҳолатини акс эттирса, Мавлоно Лутфий:

*Фироқинг тўкти бир дам ичра қоним,
Ажал етса кишига бир замондур, -*

сингари мисраларда фироқда қолган ошиқ бу айрилиққа “бир дам” ҳам чидай олмаслигини ифодалайди. Атоий эса бунга бошқача ёндашади:

Бир нафасда ўлгай эрдим фурқатингнинг дардидин,
Васл умидидир менга ўлмакни душвор айлаган.

АЛИШЕР НАВОИЙ:

*Бир нафасе, эй Масих, бошима еткил,
Ким, бу нафас бедилингга сўнгги нафасдур, -*

дея “бир нафас” жумласига катта маъно бағишлайди. Умуман олганда, тасаввуф арбобларининг вақтга доир қарашлари диққатга сазовордир. Масалан, Абу Али Даққоқ (вафоти 1015) вақтни киши зеҳнини ўша онда машғул этувчи ҳол сифатида таърифлайди: “Вақт сен ичида бўлганинг нарсадир. Дунё ила бўлсанг – вақтинг дунё, охиратда эсанг – вақтинг охират, қувончда бўлсанг – вақтинг қувонч, қайғули бўлсанг – вақтинг қайғудир. Шу маънода бир қатор суфийлар тасаввуфни вақт илми, дея таърифлаганлар. Масалан, Жунайд Бағдодийга кўра, тасаввуф вақтни муҳофаза этиш ҳунаридир”¹.

Дам ва фурсат, нафас ва лаҳзанинг сири ва мазмуни ҳолда равшанлашади. Маълум бир вақтда туғилиб, тезда ўтиб кетадиган ҳаяжон, эҳтирос, шавқ, ғайбат, ҳузур – ҳол ҳисобланади. Тасаввуф таълимотида ҳол инсоннинг иродаси ва ҳаракати туфайли эмас, балки Аллоҳнинг лутфи ила қалбда туғиладиган майл ва кайфиятни англатади. Зеро, “Ҳол ўзига хос қисқа муддатли кайфият, қалбнинг порлаши, чақмоқ чақилгандай ярқираган чароғон нурни туйиш лаззати. У бир лаҳзада пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлиши мумкин”². Модомики шундай экан, унда ана шу лаҳза ва онларни юксак қадрламоқ лозим. Чунки “ҳол маърифати” инсонни бир лаҳза ва бир онларни эъзозлашга, уларга таслим бўлиш, мозию мустақбал (келажак) ўй-ташвишлари билан эмас, балки ҳозир, айна дам ва фурсат шавқини бой бермасликка чорлайди. Бундай қарашлар шеъриятдан ҳам ўрин олган. Масалан, Ҳазрат Али ибни Абу Толиб шундай ёзади:

*Кечди кечмиш, эртаги кундан не суд,
Ҳозиринг роҳатда кечса, бўлгани.*

*Ҳозиринг бу - вақти ҳолингдир, йигит,
Вақти ҳолинг бу – умрнинг гулшани*³.

Ҳужвирийнинг қуйидаги сўзлари ҳам шу ҳақда: “Ҳақдан бир ворид (тажаллий) қулнинг қалбига етса ва уни жамъ ҳолига юксалтирса, шунда унинг кашфида на мозий, на мустақбал хотираси қолур. Вақтла ҳол кечмиш ва келажак тушунчасидан озод бўлиб, Ҳақ билан сархуш бўладиган бир ҳолга эришади”⁴. Бу фикрлардан шу нарса англашиладики, илоҳий воридотга етишган ошиқ бу дунёни тамоман унутади.

*Мозий билан мустақбалга сарф айлама умрни
Ҳол аҳли учун ҳеч бири мақсуд эмас, -*

сингари фикрлар “дам бу дам” тушунчаси заминиди юзага келган. Нажмиддин Кубро

¹ Кушайрий. Рисолаи Кушайрий. – Истанбул, 1991. 252-бет.

² Комилов Н. Тасаввуф. 1-китоб. - Тошкент, 1996. 29-бет.

³ Ҳазрати Али ибни Абу Толиб. Девон. – Тошкент, 2005. 289-бет.

⁴ Ҳужвирий. Кашфул маҳжуб. – Истанбул: Даргоҳ, 1996. 518-бет.

таъкидлаганларидек: “Ибнул вақт... ўтмишга ҳам, истиқболга ҳам назар ташламас. Чунки унинг мозийга ёки мустақбалга боқмоғи ўтмиш ёхуд келажакни ўйлаб айна ондаги вақтини беҳуда кетказмоғи демакдир”¹. Навоийнинг:

*Не мзидур, не мустақбал орада, сенсену бу дам,
Не шод ўлмоқдурур ҳар дам узун умрунг шитобидин, -*

деган сўзлари бунинг бир тасдиғидир.

Ҳол вақт туфайли юзага келадиган ва уни безайдиган бир вориддир. Вужуд учун руҳ нима бўлса, вақт учун ҳам ҳол шуни ифода этади. Вақт соҳиби ҳол соҳиби даражасига кўтарилгач, вақтдаги ўзгаришлар барҳам топади ва у вақтнинг ичида нафас олади. Ҳолдан маҳрум кишининг вақтдан узоқлашуви жоиздир. Ҳол вақтга бирлашганда эса фақат кунлар эмас, замонлар ҳам вақтга айланиб, ошиқ ўзини ҳар қандай заволдан ҳимоя қила олади. Ҳужвирийнинг ёзишича, Яъқуб (алайҳи саллам) вақт соҳиби бўлганлиги учун баъзан йиғлашдан қил каби тебранса, гоҳо шодликдан сарвга ўхшаб кетган. Иброҳим (алайҳи саллам) эса ҳол соҳиби бўлганлиги боис ҳижрондан азоб тортмаган ва висолдан масрур ҳам бўлмаган. Шу маънода ҳол талаб этилганнинг сифати бўлса, вақт талабгорнинг даражасидир².

Бир лаҳза ва бир дамда юзага келадиган ҳол эса турлича. Зеро, “ҳол тасаввуфдаги шундай ғаройиб ҳолат ва хилма-хил маънавий руҳий, психологик ҳодисаки, унинг барча шакл ва кўринишларини номлаш ёки таърифлашга имкон бўлмаган, албатта”³. Нажмиддин Кубро эътирофига кўра, солиқ унс ва баст ҳолидан баланд кўтарилганда, борлиғидан куш саслари эшитиладиган бир ҳолга етишса, ғайбат ҳолида унинг руҳи қуёш, ой ва сайёралар сингари самодаги собит юлдузлар шаклида зуҳур этади⁴.

“Не тонг, келтурса манга ишқ ҳар дам ўзгача ҳол”, - дея ишқдан қалбда пайдо бўладиган ҳол – “нашъа-ҳузун, шодлик-қайғу, ғайбат-ҳаяжон” сингари руҳий кечинмаларнинг хилма-хиллигини таъкидламоқчи бўлган шоир яна бир ўринда бундай ирфоний файзлар, кечинмаларнинг тез-тез ўзгариши мумкинлигини таъкидлайди:

*Ваҳ, не ҳол ўлғайки, келгач ул бути зебо манга,
Ўзга қилғай ҳол ҳар дам ул қади раъно манга.*

Ибн Арабий “Раҳмон” сурасидаги “Ҳар кун ул бирор ҳолатда бўлур” сўзларини “Ҳар лаҳза Анинг учун бошқа бир ҳол ва шаън бордур”, - дея изоҳлайди ва Аллоҳнинг тажаллийларига мувофиқ равишда ошиқнинг ҳоли ўша дам, фурсат, алоҳида бир лаҳзаларда ўзгаришини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам Навоий лирик қаҳрамони:

*Тут, эй соқий, манга бир майки, анинг нашъаси еткач,
Кўнгул беҳол бўлғай, жонға ҳар дам ўзга ҳол ўлғай, -*

дея эътироф этади. Ҳолнинг жуда тез ўзгариши ошиққа эмас, балки маъшуқага боғлиқдир:

¹ Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Тошкент, 2004.-157-158 бетлар.

² Ҳужвирий. Кашфул маҳжуб. – Истанбул: Даргоҳ, 1996. 520-521-бетлар.

³ Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. – Тошкент, 1998. 151-бет.

⁴ Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. - Тошкент, 2004. 181-бет.

*Ҳолим ўлмиш ўзгача ҳар дамким, ул ой кўргузур
Лабда гуфтор ўзгача, қоматда рафтор ўзгача.*

Хуллас, Ҳақ ризоси ва севгисига эришган, “кўнгли зариф, руҳи латиф, ахлоқи гўзал, маънавий ҳаёти мукамал” ошиққа “соҳиби ҳол” дейилган. Маърифат аҳлининг иқрорига кўра, улар икки тоифа. Ҳолига маҳкум, яъни илоҳий тажаллий пайтида ақлу ҳушни тарк айлаган, ўзини тамоман унутадиган солиқ талвин соҳиби дейилади. Ҳолига ҳоқим бўлган, яъни ҳар қандай ҳолатда ҳам ақл ҳукмронлигини биринчи ўринга қўядиганлар тамкин вакиллари ҳисобланади. Навоий шеъриятида ҳар иккала ҳол соҳибларининг тимсолини учратиш мумкин. Ёрдан етадиган “дард”ни ҳам, “ғам”ни ҳам хуш кутиб оладиган ва ўз ичида яшаётган ҳолдан бошқасига аҳамият бермайдиган талвин соҳибининг “илоҳий воридот ва раҳмоний тажаллий вақти”даги иқрори мана бундай:

*Хуш ул дардким, юзланур лаҳза-лаҳза,
Хуш ул ғамки, хотир аро дам-бадамдур.*

Унинг бундай ҳолатини кўрган халқда дам кулгу, дам йиғи пайдо бўлади:

*Бул - ажаб йиғлар жунунум ичра кўрким, халқни
Ишқ бир дам йиғлатур ҳолимға, бир дам кулдурур.*

Аммо ошиқ учун бу аҳамиятсиз. Чунки у “беҳуд”лик орқали боқий умрни қўлга киритади:

*Умри боқий топқамен, бир лаҳза ушбу ҳол аро
Ўзни беҳуд, кўзни рухсорингға ҳайрон айласам.*

Демак он, лаҳза, нафас сингари вақт бирликлари тасаввуфда катта аҳамиятга эга бўлган ва уларга кўп муҳим маъно ҳам юклатилган. Чунки худди шу лаҳзаларда ошиқ илоҳий файзни қўлга киритади. Ишқ ўтида ёнган қалб бир лаҳза бўлса-да, фараҳланади.

“Аллоҳ истаган кишисига истаган ҳолни берур, истаган ҳолни олу¹”, яъни ҳол Аллоҳ томонидан берилади ва олинади. Ҳоллар фақат бир илоҳий эҳсон бўлиши билан бирга уларнинг яхшивадомли бўлишига эзгу амал ва ибодатларнинг таъсири бордир. Ҳол соҳиби ҳар томонлама гўзал, маънавиятли ва маърифатли бўлиши лозимлиги талаб қилинади. Зеро, адабиётнинг ўзи гўзал хулқ, юксак маънавият ва маърифат тарғиботчисидир.

Жуда қадимий даврларда мавжуд зоҳирий дунё бир рақамидан пайдо бўлган, у руҳни акс эттиради ва ақл, яхшилик, бирлик ва бахт тимсолидир, деб ҳисобланган. Ушбу рақам дин ва тасаввуф таълимотида дунёнинг бирлиги, Мутлақ борлиқ мазмунида қўлланилган. Айниқса, тасаввуфий адабиёт намуналарида Яратганнинг яккаю ягоналигини эътироф этиш мақсадида “бир” рақамига тез-тез мурожаат этилганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, Аҳмад Яссавий ҳикматларида “Биру борим, дийдорингни кўрарманму?” дея Яратганга мурожаат қилинган. “Биру бор” - Аллоҳнинг бирлиги, ваҳдоният. “Ваҳдат” истилоҳи бирлик, яккаю ягоналик, танҳолик маъноларини англатади. Шунинг учун ҳам Тангрига “ваҳдати

¹ Сулаймон Улутоғ. Тасаввуфий терминлар луғати. - Истанбул, 1995. 218-бет.

вужуд” дейилган, яъни У борлиқнинг бирлигидир. Ҳақни танимоқ, бутун мавжудотнинг яратувчиси танҳо эканлигини билмоқ, яккаю-ягоналигига ишонмоқ – тавҳиддир.

Эски юнон олимларининг икки рақамига доир қарашлари Шарқ мутасаввифлариникига анча яқин келади. Зеро, юнонлар ҳам икки рақамида зиддият, қарама-қаршилик, тушунчалардаги номувофиқлик ҳамда тескарилик аломатларини кўришган. Ишқ оташида ёнган ошиқ ҳам “иккилик” фикрини, яъни “мен” ва “сен”ни тарк этади. Инсонда касрат ваҳми мавжуд экан, том маъноси ила Мавлосини таний олмайди. Чунки “мен” ва “сен” ақидаси билан яшаш – ваҳдатни инкор этишдан ўзга нарса эмас. Шунинг учун ҳам Юнус Эмро: “Кеч менлик даъвосидан, Сўзла сўзнинг хосидан”, - дея хитоб қилади. Иккилик айни замонда Яратганнинг қудрати, сунъини инкор айлаб, унга энг кучли далил бўлган яратилмишни Яратгандан айри кўриш ва билишдир. Бу эса ҳақиқатда “ширк”дир. Шоир буни шундай сўзлар билан баён этади:

*Иккилик пардаси йўқдур кўзимда
Бирликдир муродим, ўзим, сўзимда.
Кеча-кундуз доим Ҳақ ниёзимда
Қиблагоҳим, Шоҳи Мардона келдим.*

Инсоннинг жон ва тани ишқ ўтида ёнганда “иккилик” ўртадан кўтарилади, шундагина Ҳақ таолони билиш, тавҳид асрорига етишиш мумкин. Тавҳидга эришган солиқнинг кўзи “Бир”ни кўради, қулоғи “Бир”ни эшитади, тили “Бир”ни сўзлайди. Бу ҳақда Алишер Навоий ёзади:

*Бир бўлу бир кўру бир де, бир тила,
Майл қилма мунда иккилик била.*

*Иккилик бу йўлда аҳволлиқдурур,
Сирри ваҳдатдин муъатталлиқ дурур.*

Мутасаввифлар илоҳий “мен” хусусида сўзлаганда, Аллоҳнинг исм, феъл, сифатларини ўзида мужассам этган комил инсонни назарда тутганлар. Комил инсон – Аллоҳнинг сири, Аллоҳни еру кўқдан излаш ноўрин. Яссавийнинг бир ҳикмат-давриясидаги: “Эрни кўрдим эргашдим, истадугимни сўрдим. Барчаси сенда деди, қолдим ҳайрон ичинда”, – сингари мисраларда инсони комил шахсияти эътироф этилган бўлса, Навоий фано мақомига эришган солиқка мурожаат қилиб шундай дейди:

*Зотнинг ижмолиға тафсилсен,
Ҳам вужуд ишколиға таъвилсен.*

*Ўз вужудунгға тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен ўзунгдин истагил.*

Шарқ шоирлари поэтик маъно ва мантиқ талабларига асосланиб рақамларга мурожаат қилганда, бевосита у ёки бу рақам “чегара”сида анъанавийлашган ҳақиқатларни ҳам инобатга олганлар. Буни икки рақамидан фойдаланишда ҳам кузатиш мумкин. Алишер

Навоий шеърлятида икки рақами кўпгина ўринларда “дунё”, “олам”, “дахр”, “жаҳон”, “кавн” сўзлари билан бирга қўлланилиб, икки дунё – фоний (ўткинчи) ва боқий (абдий) дунё мазмунида ишлатилган. Шоирнинг “Хазойин ул-маоний” куллиёти ва “Хамса” асарларида олтмишга яқин ўринда “икки олам” (дахр, жаҳон, дунё, кавн) бирикмаси ишлатилган. Ҳақиқий ишқ соҳиблари, яъни Ҳаққа ошиқ бўлганлар висолга етишиш учун икки дунё ноз-неъматларидан ҳам кечишни афзал билганлар:

*Арз этсаларки, ёр керак ё **икки жаҳон**,
Ёр айтқумдурур бери, **икки жаҳон** нари.*

Икки дунё неъматлари васлга етишиш учун тўсқинлик қилади. Шунинг учун ошиқ бу неъматлардан кўнгил узиши, қалбини Аллоҳ ишқига боғлаши лозим:

***Икки жаҳонни** кўрар васл монеъи солик,
Мурод ёр эса, ҳам мундину, ҳам андин кеч.*

Дўст – Аллоҳ ишқи билан яшаган солик – ошиқ икки жаҳон ишларидан, ташвишларидан “фориг” бўлади:

*Хотирим икки жаҳон машғулидин ўлмиш фориг,
Дўст ёди била то кўнглум ўлубтур машғул.*

Икки олам шоҳлигидан висол лаззати яхшироқдир, шунинг учун висолга бир дам бўлса-да, эришган ошиқ бу шоҳлиқдан воз кечади:

*Васли бирдамлиқки, тушкай иттифоқ,
Икки олам шоҳлиғидин яхшироқ.*

Ёр васлига мушарраф бўлиш учун ошиқ икки оламини бағишлашга тайёр:

*Муяссар эса дўстнинг васли бир дам,
Бериб **икки олам**, харидорларбиз.*

“Қадаҳ” тасаввуфда Аллоҳ ишқи ва муҳаббатининг рамзи саналади. Ишқ йўлига кирган ошиқ “икки жаҳон мулкига” баҳоланган бўлса ҳам, “қадаҳ”ни сипқоришдан манфаатдор:

*Жаҳон ғамин чу олур, бер қадаҳни, эй соқий,
Олурмен, икки жаҳон мулкига баҳо қилсанг.*

Навоийнинг бу фикрлари билан Ҳофиз Хоразмий қуйидаги байти ҳамоҳанг:

*Майи софийни биза келтуринг, эй сўфийи соф,
Ҳосили икки жаҳонни сиза инъом эталим.*

Лутфий лирик қахрамони эса маъшуқа сочининг ҳар бир “тори учун” икки дунёни

бағишламоқчи:

*Икки дунёни кўнгул берди сочинг тори учун
Кўрки оз моя била ул не бало суд этти.*

Рақамлар тарихи чуқур ўрганилса, уларга эътибор ёки улардан айримларини муқаддаслаштириш турли халқларда турлича мақсадлар асосида юзага чиққанлигини кўриш мумкин. Масалан, бир рақами қадим Хитой фалсафасида бахтсизлик рамзи саналган бўлса, уч рақами уч асосий қудрат – осмон, ер ва инсон; уч ёруғлик манбаи – кўёш, ой, юлдузни тамсил этган. Христиан динида ҳам “уч”дан кенг фойдаланилган ва у кўп ҳолларда тангри – ота, тангри – ўғил ва тангри – руҳ тушунчасини акс эттирган. Учни муқаддаслаштириш бадий адабиётда ҳам ўз ифодасини топган. А.И.Бородиннинг фикрига кўра, италян шоири Алигери Данте (1265-1321) “Илоҳий комедия”сининг уч қисм – Дўзах, Аросат, Жаннатдан иборатлиги, терцина – учлик шаклида ёзилиши ва унда уч рақамининг изчил қўлланиши бунинг далилидир¹. Озарбайжон олими Заур Гасанов “уч ўғуз”, “уч қарлуқ”, “уч гурхон” каби бир неча ибораларни келтириб, уч рақами туркий халқларнинг этник бирлигини ифодалашда иштирок этганлигини ёзади². Уч рақами Шарқ халқлари ижодиётида анъанавий бир ҳақиқатларни акс эттирган бўлса-да, на оғзаки, на ёзма адабиётда диний, фалсафий, мифологик тушунчаларни ифодалашда ундан кенг фойдаланилган. Лекин айрим ҳаётий ва инсоний ҳақиқатларга кенг эътибор қаратиш ва буни алоҳида таъкидлаш учун уч рақами ҳам назардан четда қолдирилмаган. Шу жиҳатдан Насимийнинг мана бу мисраларини мисол келтириш мумкин:

*Келур уч нарсдан мардумга озор:
Буларни сен ўзингга қилма санъат.*

*Бири бўҳтон, бири қинғирлик этмак,
Бири билмак ҳақиқатни зарофат.*

*Насимий, сен агар аҳли назарсен,
Ўзингга қил бу уч нарсани одат:*

*Бири лутфу карамла яхши ахлоқ,
Бири таҳқирлама ҳеч кимни албат.*

*Бу сўзлар хуш насиҳат уққувчига,
Бу уч одат эрур айни саодат.*

Алишер Навоийнинг устози Саййид Ҳасан Ардашерга бағишланган маснавийсидаги қуйидаги байтларда ҳам уч рақами Хуросон аҳли орасидан вафо кўтарилгач, юз очган ахлоқий таназзулни таъкидлашга хизмат қилдирилган:

Вафо азм айларда бўлмиш магар

¹Бородин А.И. Число и мистика. – Донецк, 1975. С. 111.

²Гасанов З. Царские скифы. – Нью-Йорк, 2002. С. 267.

Сахову мурувват анга ҳамсафар.

*Бу уч феъл чиққач ародин тамом,
Яна бўлмиш уч феъл қойиммақом.*

*Вафо ерида зоҳир ўлмиш нифоқ,
Саҳо ўрнида бухл тутмиш висоқ.*

*Мурувватқа бўлмиш ҳасад жойгир,
Зиҳе ҳуш элу мулкати дилпазир.*

Уч рақамига қараганда тўрт рақами халқимиз ижтимоий қарашлари, анъаналари ва кундалик турмушида анча кенг қўлланилган. Дунё халқлари мифологиясида оламнинг тузилиши, унинг тўрт томони мавжудлиги, бир ой тўрт ҳафтадан, бир йил тўрт фаслдан иборатлиги, Ойнинг ҳар ойда ўз тусини тўрт марта алмаштириб туриши каби ҳолатлар бу рақамнинг анъанавийлашишига¹ сабаб бўлган.

Ислом дунёсида ҳам тўрт рақами энг кўп ишлатилувчи рақамлардан бири бўлиб, тўрт дўст – чорёр, тўрт муқаддас китоб, тўрт фаришта сингари бирикмаларда бу рақам билан боғлиқ ифодаларни учратиш мумкин. Уларнинг айримларига эътиборни қаратсак.

Тўрт муқаддас китоб тушунчасида Мусо пайғамбарга юборилган Таврот, Довуд пайғамбарга юборилган Забур, Исо пайғамбарга юборилган Инжил, Муҳаммад (саллАллоху алдайҳи васаллам)га юборилган Қуръон муқаддас китоблари назарда тутилади. Мутасаввифлар фикрига кўра, ҳар бир илоҳий китоб бир маънавий мақомга далолатдир. Инсони комил вужудидан ташқарида бўлмаган бу самовий китоблар солиқ босиб ўтадиган мартабалар, тавҳид мақомларига ишора қилади. Таврот сифатлар тавҳидига, Забур феъллар тавҳидига, Инжил исмлар тавҳидига, Қуръон зот тавҳидига далолат бўлиб, тавҳид сири шу тўрт китобда тўплангандир.

*Таврот ила Забурни,
Инжил ила Фурқонни,
Булардаги баённи
Жумла вужудда билдик², -*

дейди Юнус Эмро.

Ишққа гирифтор бўлган, ҳақиқий ишқ ўтида ёнганлар бу илоҳий китобларда Маъшуқи азалнинг ҳусни жамолини кўрганлар. Шунинг учун ҳам Насимий

¹ Тўрт рақамининг анъанавийлашуви унинг астрономик ҳолатлар билан боғлиқлиги ҳам сабаб бўлган. Чунончи, тунги ёритқичимиз Ой бир ойда ўз ҳолатини, тусини тўрт марта ўзгартиради. Ой Қуёш билан бир буржда учрашган даврда қоронғи ярми биз томонда бўлади ва нур кўринмайди. Бу ҳолни **мўҳоқ** дейдилар. Қуёшдан қарийб 12 даража узоқлашиб, нур олувчи ярмининг бир миқдори кўришиб турса, уни **ҳилол** дейдилар. Ой офтоб рўпарасига етиб, унинг нурли ярми бизга қараб турса, уни **бадр** – ўн тўрт кечалик ой дейдилар. Ой Қуёш рўпарасидан ўтгач, ёруғ ярми бора-бора камайиб, ниҳоят кўринмай қолади. Бу ҳолатга **ижтимоъ** дейдилар. Астрономик кузатишлар ифода этилган асарларда Ойнинг тўрт осмони борлиги ҳам таъкидланади. Булар: Жавзаҳр, Мойил, Ҳомил ва Тадвир. Ўн икки бурж тўрт чоракка ажратилган. Қуёшнинг ана шу чораклардан бирида бўлган муддати йил фасллари саналади (Қаранг: Али Қушчи. Астрономияга оид рисола. – Тошкент, 1968. – 48-52-бетлар).

² Юнус Эмро. Девон. – Анқара, 1990. 133-бет.

*Ояти “Саб ул-масоний”дир юзинг,
Тўрт китоби осмонийдир юзинг,
Мусҳафи Ҳақнинг баёнидир юзинг,
Равзаи хулднинг нишонидир юзинг¹, -*

дейди.

Шунингдек, тўрт рақами инсоннинг яратилиши ва мавжудлигига дахлдор ҳақиқат шарҳига ҳам хизмат эттирилган, деса асло хато бўлмайди.

*Бу вужуднинг сармоясини ўту сув, тупроғу елдир,
Ҳар бири аслига қайтар ғофил бўлмоғинг недур сенинг?²*

Юнус Эмронинг ушбу байтидаги ўт, сув, тупроқ ва ел сўзлари тўрт унсурни ифодалайди. Инсон комиллик мартабасига кўтарилиши учун ана шу тўрт унсур хусусиятларидан халос бўлмоғи лозим. Юнус Эмронинг бошқа бир байтида худди ана шу мақсад қуйидагича акс эттирилган:

*Тарк этурман нор ила хокни, боду парни аслида
Шаш жиҳатдан ман чиқам, бежон ўлам, бетан ўлам³.*

Бу сўзлар фанофиллоҳ мақомига юксалиш орзусини ҳам ифодалайди. Агар шу орзуга эришилмаса, илоҳий китобларни ёд билишдан бир натижа чиқмайди. Алишер Навоий бунга алоҳида урғу бериб, шундай дейди:

*Тўрт унсур қайдидин то чиқмағайсен, нафъ эмас
Осмоний тўрт дафтарни тутайким ёд бил.*

Алишер Навоий шеърятда тўрт унсур, тўрт дафтар билан бир қаторда тўрт мазҳаб, тўрт анҳор, тўрт раҳбар каби ибораларга ҳам тез-тез дуч келинади.

Маълумки, мазҳаб – таъқиб этиладиган йўл ва асос демак. Исломдаги тўрт мазҳабдан бири ҳанафий, иккинчиси шофийий, учинчиси ҳанбалий ва охиргиси моликийдир. Сайри сулук йўлига кирган ошиқлар бу тўрт мазҳабдан бирини қабул қилиш билан бирга улардан ташқарида “ишқ мазҳаби” ҳам мавжуд, деб билганлар. Улар ишқ мазҳабини ўзига хос “дин”, деб англаганликлари боис ҳам Юнус Эмро “Эй ошиқлар, эй ошиқлар, ишқ мазҳаби диндур манга”, - дейди. Маккор ва нифоқчи, “жаҳон золи”дан воз кечиш хусусида Алишер Навоий эса шундай хулосани баён этади:

*Жаҳон золи ҳам макр этар, ҳам нифоқ,
Ани **тўрт мазҳаб**да қил уч талоқ.*

Бошқа бир ғазалида шоир гўё “тўрт мазҳаб”да ҳам “даҳр золини” “уч талоқ” этишга

¹ Насимий. Рубойлар. - Боку, 1973. 48-бет.

² Юнус Эмро. Девон. – Анқара, 1990. 158-б.

³ Юнус Эмро. Девон. – Анқара, 1990. 215-б.

мушарраф бўлганлигини сўзлайди:

*Даҳр золин **тўрт мазҳаб** бирла қилдим уч талоқ,
Фард қилди борий мундоқ кадхудолиқдин мени.*

Жаннат ва жаннатдаги ариқлар хусусида фикрлар ислом оламидаги анчагина собит қарашлардан биридир. Тўрт ирмоқ ёки тўрт ариқ ҳақидаги диний фикр-қарашларга асосланиб, Навоий инсоннинг реал бир ҳолатини кўрсатишга эришган:

*Ҳар кўзумдин гоҳ су, гаҳ қон оқар кўюнг аро,
Тўрт ариқ оққан масаллик равзаи ризвонда су.*

Тўрт ариқ ёки анҳори арбаъ дейилганда ҳамма вақт ҳам жаннатдаги тўрт ирмоқ, яъни ариқ тушунилмаган. Чунки тасаввуф аҳли бу иборани янги маъно билан бойитган. Уларга кўра, анҳори арбаъ айни пайтда тўрт турли илм мазмунига ҳам эга. Булардан биринчиси касбий илм бўлиб, унинг тимсоли сувдир. Иккинчиси фитрий илм, рамзи эса сут. Учинчиси ҳол илмидурки, унинг рамзи шаробдир. Тўртинчиси эса илми ҳақиқати завқия бўлиб, унинг тимсоли бол¹. Шарқ шоирлари, жумладан Алишер Навоийнинг шароб таърифидаги байтларининг кўпчилигида илми ҳол сирлари тавсифу талқин қилинган.

Туркий халқлар дунёқаршида, халқ оғзаки ижодида, шунингдек, ислом динида муҳим аҳамият касб этувчи рақамлардан яна бири беш рақамдир. Алишер Навоий беш рақамига мурожаат қилганда унинг барча “имтиёз” ва “имконият”ларидан фойдаланишга ҳаракат қилган. Шоир девонларидан олинган қуйидаги байтларда тугалланиш, ниҳоясида етиш, ўткинчи дунё маънолари бор:

*Навоийё, бу ўтар олам ичра беш кун қил
Ўзунгни май била машғулу ишқ бирла овут.*

Ёки

*Баҳор айёмини беш кун ғанимат англа, эй булбул
Ким, мунча сўзу тобинг оташин гул мижмариндиндур.*

Ушбу байтларда дунёнинг фонийлиги, умр қисқа, уни ғанимат билиш кераклиги таъкидланган. Лекин “беш кун” ибораси такрорланган бўлса ҳам, гўё у ҳар гал худди шу ўринда топиб, мазмун заруриятига биноан қўлланилгандай таассурот пайдо қилади.

Мусулмонлар орасида тез-тез тилга олинадиган “Оли аҳо” ёки “Аҳли байт” ибораси ҳам шеъриятдан ўрин олган. Ҳаёти ўрнат ва намуна бўлган бу беш кишининг биринчиси Муҳаммад (саллАллоҳу алдайҳи васаллам), қизлари Биби Фотима, куёвлари Ҳазрати Али ва унинг ўғиллари Ҳасан ҳамда Ҳусайнлардир. Атоий ғазалларидан бирида ўқиймиз:

*Гарчи рақибни муддаи ҳардам хорижлик қилур,
Ҳамроҳу ҳамдам, ҳиммати оли аҳо бўлсун санга.*

“Оли аҳо”ни Муҳаммад пайғамбарнинг энг яқин дўстлари ва ҳақиқий издошлари бўлган тўрт халифа – ҳазрати Абу Бакр, ҳазрати Умар, ҳазрати Усмон ва ҳазрати Али, деб

¹ Умар Жайлон. Тасаввуфий шеър шарҳлари. – Истанбул, 2000. 222-бет.

билувчилар ҳам бўлган. Алишер Навоий ғазалларидан бирида:

*Бўлмағай эрди муяссар “Хамса”, яъни панж ганж,
Қилмаса эрди мадад ҳолимға беш оли або, -*

дейди.

Бу фикрни “Агар пайғамбар ва тўрт халифа мададкор бўлмаса, “Хамса” ёзиш менга насиб бўлмасди”, - деган мазмунда ҳам тушуниш мумкин. Лекин оли або ибораси аҳли дил, кўнгил одами, кўнгил тилини англовчи маъноларини ҳам ифодалаган. Шунинг учун Навоийнинг эътирофи “Хамса” дostonларини ёзишга таъсир кўрсатган салафларига тегишли дейиш тўғри бўлади, деб ўйлаймиз.

Алишер Навоий шеъриятида фақат юқоридагиларгина эмас, бошқа рақамларга ҳам жуда кенг ва хилма-хил маънолар сингдирилган. Тўққиз рақами ҳам бундан истисно эмас.

Олтойликларнинг қиёмат тасвири берилган қадимий ривоятларидан бирида айтилишича, охир замон бошланиши билан қора ер оловга қопланиб, буюк хоқон Ота тангрига қараб, юз бурармиш. У чоғда дунё бузилар, инсон насли маҳв бўлар экан. Фитна ва фасод тарқатувчи шамол инсонларни ҳаяжонга солармиш. Ҳамма жой теп-текис бўлгач, денгиз тўлқинланиб, унинг туби кўринар ва денгиз қаъридан тўққиз бўлак қора тош чиқар эмиш. Бу тошлар тўққиз жойидан ёрилиб, ҳар тошдан тўққиз чамбарли тўққиз сандиқ пайдо бўлар, ҳар сандиқдан темир қанотли тўққиз киши чиқиб, улардан иккиси сардорлик қилар эмиш. Одамлар роҳат-фароғатдан ажралиб, қаттиқ таҳликага тушармиш. Кўёш ва Ой нурсизланар, қорайиб қолар экан. Дарахтлар илдизидан қўпорилиб, ота боладан, бола ота-онасидан ажралармиш. Демак, қадим замонлардаёқ охир замон манзарасини чизишда тўққиз рақамига суянилган ва шу асосда унинг даҳшатига урғу берилган.

Рус олимаси И.Л.Галинская “Маҳобҳорат” дostonидаги тўққиз рақами билан боғлиқ бир метафора ҳақида тўхталиб, “тўққиз дарвозали қўрғон” инсон вужудини, ундаги “аҳоли” эса қадимги ҳинд фалсафасидаги сўнгсизлик ва мавҳумот, янада аниқроғи, руҳни билдиришини қайд этади¹.

Айрим бир фикр, тушунча, нуқтаи назар ё ҳақиқатларни акс эттиришда Навоий ўрни-ўрни билан уч, тўрт, беш, олти, етти рақамларига мурожаат этса-да, тўққиз рақамидан нисбатан кенг ва изчил истифода этади.

Алишер Навоий ижодида тўққиз рақами билан алоқадор **“тўққиз ано”, “тўққиз ато”, “тўққиз афлок”, “тўққиз аркони давлат”, “тўққиз парда”, “тўққиз туҳфа”, “тўққиз хон”, “тўққиз қадах”, “тўққиз қатла юкунмоқ”** каби бирикмаларнинг учраши тасодифий эмас. Навоий рақамлар воситасида бадиий образ яратар экан, ҳар бир рақам билан боғлиқ қадимий қарашларга ҳам таянади.

Тўққиз рақами билан боғлиқ маъно шарҳлари қадимда яратилган китобларда ҳам учрайди. Масалан, Маҳмуд Кошғарий “Девони луғатит турк” асарида туғ сўзига изоҳ бериб шундай ёзади: “Туғ - туғ, байроқ. Тўққиз туғли хон – тўққиз туғлик хон ёки хоқон. Қарамоғидаги шаҳар ва ўлкалар сони ошиб кетса ҳам, туғ тўққиздан оширилмаган. Хоннинг юқори мартабаси тўққиз билан фол қилинган. Бу хон туғлари тўқ сариқ рангли шоҳи ёки ипак матодан қилинади. Бу ҳам яхши фол учундир”².

Абулғози Баҳодирхон эса турк-мўғул халқлари орасида одатга айланган тўққиз ҳадя

¹ Галинская И.Л. Загадки известных книг. – М.: Наука, 1986. С. 13.

² Кошғарий М. Девони луғатит турк. - Тошкент, 1963. 140-бет.

(тўққиз от, тўққиз чопон, тўққиз парча бахмал) ҳақида маълумот беради.

Профессор А.Абдуғафуров “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги “Тийрадур ўйлаким ёруғлиғ анга бермас юз” мисраси билан бошланувчи ғазалдаги тўққиз сўзининг изоҳида “Абушқа”га мурожаат этиб, ундаги шундай фикрларга диққатни жалб этади: “Аммо чиғатой тоифасининг бир одатлари бордурки, у маънойи ашъор учун “Ғаройиб ус-сиғар”да бир байт келур:

*Ғам ғизоси орасинда қани туркона аёғ,
Тўра ойини била томса тўқуз, оқса ўтуз.*

Ул одат будурки, суҳбатда қадаҳдан бир томла (томчи) тўкулса, тўққиз қадаҳ ичурлар, агар бир қадаҳ тўкилса – ўттуз қадаҳ ичурлар. Ва бу маъни доғи буким, агар баним қадаҳимдин томила томилса – тўққиз қадаҳ ичайин ва агар тўкилиб оқса – ўтуз қадаҳ ичайин, демақдур. Масту беҳуд бўлғондин киноядур.

*Муғанний, бир навое туз, Навоий, нағмае қўргуз,
Аёқчи, томса тут, тўққузки Доройи жаҳон келди.*

ва яна “Ҳайрат ул-аброр”да олтинчи мақола ҳикояси охирида келур:

*Соқий, адаб шартини омода тут,
Оллима тўққуз юкунуб бода тут.
То ани ич, деб санга мен юз тутай,
Томса тўқуз, оқса худ ўттуз ичай”¹.*

А.Абдуғафуров “Абушқа”даги мисолларга қўшимча равишда “Наводир уш-шабоб” ва “Бадоеъ ул-васат” девонларидаги ғазаллардан ҳам байт ва мисраларни келтиради. Аввало шуни айтиш жоизки, “май ва майхўрлик билан алоқадор “ўттиз” рақами Навоийгача ҳам қўлланилган. “Девону луғотит турк”даги қуйидаги тўртликка диққат қилайлик:

*Оттиз ічіб қіқраіім,
Јоқар қубуб сэкраіім.
Арсланлају кокраіім
Қачті сақінч сэwnnalім.*

Уч қайтадан ичиб, қувнайлик, сакраб-сакраб ўйнайлик, Арслон каби наъра тортайлик, қайғу алам биздан йўқолганини кўрсатайлик².

Бизнингча, худди ушбу тўртликдагидек, Навоий мисраларида ҳам “ўттиз ичай” қайта-қайта ўттиз маротаба ичиш маъносидан кўра, кўп ичай, маст бўлай мазмунини ифода этади. Шунингдек, унда “ўттиз аймақ хоқонига” ишорат ҳам борга ўхшайди.

Ласзло Расонийнинг “Тарихда турклик” асарида қайд этилишича, тўққиз ва ўттиз рақамлари турк (тикнуъ)ларнинг аймақ сонларига тегишлидир. Қопоғон хоқоннинг қизига

¹ Абдуғафуров А. “Тўра ойини била” // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2001. 2-сон. - Б. 22-25.

² Кошғарий М. Девони луғатит турк. I қисм. – Тошкент, 1960. 159-160-бетлар.

оид қабр ёзувида отаси учун “Ўттиз аймақ хоқони” таъбири тилга олинган. Бу ўттиз аймақ икки қавм зумрасидан иборат бўлган: 1. Тўққиз ўғуз^{1*}. 2. Ўн икки кўк-турк. Тўққиз ўғуз зумраси ўн саккиз аймақдан таркиб топган: уйғур, хун, буку, тунгра, найирғу, иска, қалпоқ, қарлуқ, басмил. Уйғурнинг ўзи ҳам тўққиз тармоққа ажралган: яғлоқлар, яғмурқорлар, қурабирлар ва бошқалар. “Шина усу” битигида хоқон улусини ўн уйғур, тўққиз ўғуз номи билан хотирлайди. Тўққиз ўғуз ниҳоятда мутакомил бўлишига кўра қуйидаги унсурлардан ташкил топган: тўққиз тармоқли уйғур аймағи, бир уйғур аймағидан бўлмаган аймақ, саккиз ўғуз аймағи – жами ўн саккиз аймақ. Шарқий кўк-турклар Қопоғон хоқон даврида ўн икки аймақни ташкил этган. Демак тўққиз ва ўттиз рақамларига эътиқод қўйишнинг бир сабаби қадимги туркий халқлар тарихи билан боғлиқдир².

Тўққиз рақамининг ўтмишда “машхур”лиги боисини аниқроқ тасаввур қилиш учун Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” китобидаги мана бу сўзларга диққат қилиш ҳам ортиқчалик қилмайди: “Ёзишларича, мўғул шўъбаси тўққиз нафардир: Мўғулхон, Қорахон, Ўғузхон, Кунхон, Ойхон, Юлдузхон, Менглихон, Тенгизхон, Элхон. Шу важҳдан тўққиз рақамига эътибор мўғул фирқаси орасида ривож топади. Мўғулларнинг бундай эътибори таъқиқига кўра, ҳар мартабада тўққиз саноғидан ортиғини лозим кўрмайдилар”³.

Чингизхон туғининг тўққиз пояли бўлиши, ҳарбий йиғинларда тўққиз саркарданинг иштирок этиши, тархон (хоннинг алоҳида эҳсонига эришган киши)ларнинг тўққиз гуноҳи авф этилиши, тархонлик унвонининг тўққиз авлодгача мерос қолиши, тархоннинг ҳукмдор олдида тўққиз қадаҳ шароб ичиши ва салтанатдаги истаган нарсасини тўққизтадан олиши мумкинлиги тўққиз рақамига эътиқод қўйишнинг яна бир намунаси.

Шу ўринда Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асаридаги бир ҳикояни эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Унда нақл қилинишича, Хусайн Бойқаро Хоразм вилоятини обод қилиш мақсадида, Хуросондан уч минг хонадонни Хоразмга кўчириш учун буйруқ чиқаради. Бу “мажбурий буйруқ”ни Навоий одамларни ватандан жудо қилиш ва уларни катта қийинчиликларга гирифтор айлаш, деб ҳисоблайди ҳамда подшоҳга “бу ишнинг баҳридан ўтсалар”, дея мурожаат этади.

“Соҳибқирон бу сўзни биринчи галда, – дейди Хондамир, – ризолик қулоғи билан тингламади. Шафқатли Амир (яъни Навоий – С.Ж.) бу ҳақда ўн марталаб таъкид қилса ҳам бирор натижа чиқмади. Лекин бошқа бир галда журъат қилиб шундай арз қилди: “...ўзингизнинг менга берган фармонингизга биноан, ҳар бир иш ўринсиз воқе бўлса, **тўққиз галга айтишга** ҳақлидурман. Халқни Хоразмга кўчириш масаласида **тўққиз марта арз қилдим**, натижа бермади.”⁴. Хуллас, Навоий тўққиз рақамининг “имтиёз” ва “имконият”идан фойдаланиб мақсадга етишади. Бу эса тўққиз рақамига доир анъанавий қараш Навоий даврида ҳам унутилмаганлигидан далолат беради.

Туркий қавмлар ўртасида ҳурмат-эҳтиром, тавозеъ кўрсатиш мақсадида тўққиз марта таъзим қилиш ҳам одатга айланган. Шунинг учун ҳам Навоий:

*Ётўғончию йиров тузгач ун,
Сен қадаҳ олу тўқуз қотла юкун, -*

^{1*} Ўрхун Энасой ёзма ёдгорликларида ҳам тўққиз ўғуз халқ сифатида бир неча бор тилга олинади.

² Расоний Ласзло. Тарихда турклик. - Анқара, 1988. 103-бет.

³ Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. - Тошкент, 1994. 41-бет.

⁴ Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент, 1967. 89-90-бетлар.

деб ёзган эди. Туркий халқлар учун хос бўлган ушбу одатга Навоий “Садди Искандарий” достонида яна тўхталади. Искандар Кашмирда Ферузни шоҳ қилиб қўтаради ва аркони давлатни кўп эмас, оз эмас, тўққиз марта шоҳга таъзим айлаб, ҳурмат бажо келтиришга фармойиш беради:

*Келиб қўйдилар бошиға тожи зар,
Либоси зар устига заррин камар.*

*Яна уч тўқуз давлат аркониға,
Тўну жубба бирла анинг ёниға.*

*Ики юзга ҳам деклаю тўн бериб,
Яланг тўн аларча яна ўн бериб.*

*Аларни чу мундоқ севундурдилар,
Шаҳ олинда тўқуз юкундурдилар.*

Навоий шеъриятида “тўққиз гунбад”, “тўққиз осмон”, “тўққиз сипехр”, “тўққиз табақ”, “тўққиз торами ахзар”, “тўққиз фалак”, “тўққиз чарх” каби иборалар бевосита осмон жисмлари билан боғлиқ. Ҳайъатшунос олимларимиз илмий кузатишлар асосида осмонлар сони тўққизта, деган хулосага келганлар¹.

1. Фалакул-афлок – осмонлар осмони. Ҳамма осмонни ўз ичига олганлиги учун ҳам бунда осмонлар осмони ва “фалаки атлас”² деб атайдилар. 2. Буржлар осмони. Бунда турли турғун ёриткичлар жойлашган. 3. Зуҳал осмони. 4. Муштарий осмони. 5. Миррих осмони. 6. Қуёш осмони. 7. Зуҳра осмони. 8. Аторуд осмони. 9. Ой осмони. Осмонларни Ой осмонидан бошлаб санаш машҳур бўлганлиги учун ҳам “Осмонлар осмони” тўққизинчи осмон ҳисобланган.

Навоий даврида астрономия соҳасида жуда кўп изланишлар олиб борилган ва юқори натижалар қўлга киритилган. Шоир табиий фанлардан ва бу соҳаларда қўлга киритилган ютуқлардан бохабар бўлган, албатта. Шунинг учун “шоирнинг дунёни тушунишда табиий фан ютуқларидан фойдаланиши қонуний бир ҳол эди”³. Қўйидаги байтнинг иккинчи мисрасида шоир осмон (“гунбад”)ларнинг тўққизта эканлиги, унинг доим айланиб (“гунбади даввор”), ҳаракатда бўлишини таъкидлайди:

*Тут қадаҳ даврини хушим, йўқ бажуз саргашталиқ,
Даҳр даврида бу тўққуз гунбади даввор эса.*

Осмон жисмлари, уларнинг ҳаракатлари, жойлашиш ўрни ва бадиий адабиётдаги рамзий маъноларига эътибор қаратиш шоир ғазалларидан ташқари, достонларида ҳам учрайди (“Фарҳод ва Ширин” достонида Фарҳоднинг Салосил қўрғонида осмон жисмлари билан сўзлашгани, “Сабъаи сайёр” достонида Баҳром ва Дилором образларининг сайёраларга нисбат берилишини эсланг).

¹ Бу ҳақда қаранг: Али Қушчи. Астрономияга оид рисола. – Тошкент, 1968. 36-бет.

² “Атлас” - нақш урилмаган танга. Бу осмонда ёриткич нақшлари бўлмаганлигидан атлас дейилган.

³ Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент, 1997. 175-бет.

Куюшнинг ярим тутилиши – гардиш боғлаши бир байтда ажойиб ташбеҳни юзага келтирган:

*Фитналик тўққуз фалак гирдингда, жоно, турфаду,
Ким, кўруптур бир куюш давринда мундоқ холалар.*

Астрономияга оид адабиётларда осмонлар доира шаклида бўлиб, бир-бирининг атрофидан айланиши қайд этилган. Буни назарда тутган ҳолда шоир шундай дейди:

*Китоб авроқидек бўлғай мусаттаҳ қолмайин даври
Ғамим тошиға бўлса бир нафас тўқуз фалак ҳомил.*

Яъни, “менинг ғамим юкини тўққиз фалак бир лаҳза кўтариб турса, ўз доирасини йўқотиб, китоб варақларидек текис, ясси бўлиб қоларди”. Демак, Навоий осмон жисмлари ва уларнинг ҳаракатига нафақат шоир, балки олим назари билан ҳам нигоҳ ташлаган, илмий хулосалар асосида образли фикр юритган.

Рақамлар замирида пинҳон ётган маъно сирларини англаш, уларни аниқлашга уринмаслик баъзан янглиш ва хато хулосалар чиқаришга ҳам йўл очади.

Алишер Навоий девонларида шундай байтлар ҳам мавжудки, уларни таҳлил ва талқин этиш, умуман рақамга тегишли ҳар бир ишорат ва фикр устида пухта ўйлаш, тахминга йўл қўйиб бўлмасликни талаб қилади. Улуғ шоир бир ғазалида ёзади:

*Ҳамдинға ҳар қўтаҳ назар ҳам гунгу лол ўлғай магар,
Чунким демиш хайрул башар ул ерда лоуҳси сано.*

*Жинси башар йўқ оғаҳинг, хуршид хоки дарғаҳинг,
Кўк маҳд аро тифли раҳинг **етти атоу тўрт ано.***

“Сўз бағридаги маърифат” номли китобда мазкур байтлар бундай изоҳланади: “... лоуҳси сано – мақтовнинг чегараси йўқ (Ҳадис). Етти ато – Ҳазрат Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Довуд, Исо, Муҳаммад Мустафоларга ишора; тўрт ано – Момо ҳаво, Биби Осие (Фиръавннинг мўмина хотини), Биби Марям (Ҳазрати Исонинг оналари), Хадичаи Кубро (пайғамбаримизнинг биринчи хотинлари, ислом динини биринчи бўлиб қабул қилган инсон).

Хайрул башар – пайғамбаримизнинг сифатларидан – луғавий маъноси инсонларнинг энг хайрлиси”. Бу изоҳдан кейин шундай хулоса чиқарилади: “Кўринадики, Мир Алишер Навоий ҳам кўчирганимиз ғазалда Ҳақ зоти тўғрисида фикрлаш мумкин эмаслигини таъкидлаб ўтадилар ва буни “бу ҳақда гапирмоқчи бўлсалар, етти отамизу тўрт онамиз ҳам бешикдаги гўдакка ўхшаб қоладилар, деб рамзий равишда ифода қилдилар”¹.

Тасаввуфда фақат “тўрт ано” ҳақида эмас, балки “тўрт ато” - чор падар хусусида ҳам сўз юритилганлиги маълум, албатта. Сўфийлар руҳоний жиҳатдан руҳи Муҳаммадияни, жисмоний томондан Ҳазрати Одамни, расуллик сифатининг илк соҳиби бўлганлиги маъносида Ҳазрати Нухни, биринчи бора мусулмон деб аталганлиги учун ислом нуқтаи

¹ Воҳидов Р., Неъматов Ҳ., Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. - Тошкент, 2001. 58-59-бетлар.

назаридан Ҳазрати Иброҳимни ота деб қабул қилганлар. Лекин Навоий байтида қўлланилган “тўрт ано”нинг инсонга алоқаси йўқ. Чунки унда аносири арбаъа – тўрт унсурга ишора қилинган. Бу тўрт унсур ҳарорат, бурудат, рутубат ва юбусат каби тўрт хусусиятни майдонга келтирган. Шулардан қон, балғам, савдо ва сафро юзага чиққан. “Етти ато”дан мақсад эса етти кўқдир. Баъзан етти рақами ўрнида тўққиз ҳам қўлланилган. Исмоил Ҳаққий Бурсавий бу ҳақда ёзади: “Сурати инсонийя тўққиз ота, тўрт она ва уч боладан иборат эрур. Тўққиз отадан мурод – тўққиз кўк фалаги, тўрт онадан мақсад ҳаво, оташ, сув ва тупроқ, яъни тўрт унсур. Уч фарзанддан мурод эса ўсимлик, маъдан ва ҳайвон, яъни маволиди салосадир”¹.

Маҳмуд Шабустарий янада соддароқ қилиб буни бундай тушунтиради: “Инсон ўз суратида зоҳир айлашдан олдин она раҳмида ва ота белида бир қатра сувдан иборат эди. Ота-она шу бир қатра сувни еган нарсаларидан, яъни ҳайвонот, наботот ва жамодотдан тўплашган. Бу уч борлиққа тўрт унсур она, тўққиз кўк ота эрур, яъни жамодот, наботот ва ҳайвонот тўрт унсур ва тўққиз қат кўкдан пайдо бўлган”². Булар бевосита инсоннинг яратилишига дахлдор мулоҳазалар. Инсони комил масаласига келганда, етти кўк тушунчасига тамоман янгича ёндошилиб, унга бутунлай янги рамзий-мажозий мазмун сингдирилган. Азизиддин Насафийнинг ёзишича, инсоннинг ташқи аъзолари – бош, икки қўл, жинсий аъзо ва оёқ етти иқлимни англатади. Ўпка, мия, буйрак, юрак, ўт халтаси, жигар ва талоқ сингари ички органлар етти кўкни тамсил этади.

“Ўпка бир кўк бўлиб, – дейди Насафий, – Ой фалагини акс эттиради. Чунки Ой буюк оламнинг ўпкаси бўлиб, ҳар икки оламнинг ўртасидан жой олган. Бу фалакда малаклар кўп. Сув ва мўътадил ҳавонинг муваккили бўлмиш малак ўша малакларнинг раҳбари ҳисобланади. Мия – иккинчи кўк. Уторид (Меркурий) фалагининг кўзгусидир. Зеро, Уторид улуғ оламнинг миясидир. Бу фалакда ҳам малак бор. Ёзув ва илм таҳлили ила шуғулланиш тадбирини бошқарувчи малак уларнинг сардоридир. Номи – Жаброил. Буйрак учинчи кўк бўлиб, Зуҳра буюк оламнинг буйраги ҳисобланади. Бу фалакда ҳам малаклар кўп. Севинч, шаҳват, ҳаловат муваккили бўлган малак шу малакларнинг раҳбаридир. Юрак тўртинчи кўк бўлиб, Қуёш фалагининг кўзгуси. Зеро, Қуёш олами кубронинг юраги. Бундаги малакларнинг раҳнамози ҳаёт вакили бўлган бир малақдир. Ўт халтаси – бешинчи кўк. У Миррих фалагининг ойнаси. Бундаги малакларнинг йўлбошчиси қаҳр, ғазаб, жазо ва қатл қилиш муваккили бўлган бир малақдир. Жигар олтинчи кўк бўлиб, Муштарий фалагининг ойнасидир. Ундаги малаклар пешвоси ризқ малаги. Олимларга ҳам шу малак ризқ улашади. Талоқ – еттинчи кўк. Зуҳал фалагининг кўзгуси. Азроил шу кўкдаги малаклар раҳбаридир”.

Бу маълумотлардан келиб чиқадиган асосий ва муҳим хулоса шуки, мумтоз шоирларимиз самовий олам, жумладан, етти ёки тўққиз кўк хусусида сўз юритганда ҳамма пайт ҳам жисмоний мавжудликларни эмас, балки инсонга нисбат берилган рамз ва мажоз орқали комил инсон моҳиятини ёритишга қаратилган фикр-мулоҳазаларга ҳам диққатни жалб этишган. Бунга эса мавжуд оламда бор ҳамма нарса одамда ҳам бор, комил инсон фақат ердаги эмас, самодаги барча нарсаларни ҳам ўзида жамлаган, деган ишонч кенг йўл очган. Шунинг учун ҳам Навоийнинг юқоридаги мисраларида “етти ато” етти кўкни, “тўрт ано” тўрт унсурни англатади, деган фикрдамиз.

Навоий бир неча байтларда “тўққиз ато” (“тўққиз ано”) тушунчасига диққатни тортади:

¹ Умар Жайлон. Тасаввуфий шеър шарҳлари. – Истанбул, 2000. 189-бет.

² Шабустарий Маҳмуд. Гулшани роз. - Истанбул, 1993. 75-77-бетлар.

Неким **тўққуз аною** тўрт атодин фитнаю офат,
Бўлур воқиъ, анга ул офати фаттон эрур ворис.

ёки:

Ато-онангга раҳмат, эй ўғилким, кўрмамиш сендек
Не ул **тўққуз ато**, бал не бу **тўрт асрағучи** до.

Навоий тўққиз осмон билан алоқадор бўлган фикрларни илгари сурар экан, оламнинг яратилиши, дунёнинг пайдо бўлиши ҳақидаги диний қарашларни ҳам четлаб ўтмаган. Диний эътиқодларга кўра, бутун олам ва ундаги барча мавжудотлар буюк меъмор – Аллоҳ томонидан яратилган. Шоир бунга ишора қилиб шундай дейди:

Сониъиким чекти чун сунъи қалам,
Офариниш тарҳини қилди рақам.
Айлагач дойир **тўққуз афлокни**,
Қосир этти фаҳмидин идрокни.

яъни, Яратувчи қудрат қалами билан оламни бунёд этди. У тўққиз фалакни айланувчи қилиб яратди ва бунинг сирини ҳеч кимга ошкор қилмади. Шоир девонларидаги ҳамд газалларнинг бирида етти кўк ҳам, тўққиз осмон ҳам “илоҳий амр”га тобелиги айтилади:

Илоҳий амринга маъмур **етти торами аъло**,
Не **етти торами аъло**, **тўққуз сипеҳри муалло**.

“Тўқз сипеҳри муалло” қанчалик юксак ва улуғвор бўлмасин, барибир Ҳақ даргоҳига нисбатан улар кичикдир. Чунки Аллоҳ ҳар нарсадан буюк ва устун:

Улки **тўққиз чарх** айвони ўзун кўп кўрди наст,
Чун назар солди бийик даргоҳининг кирёсиға.

“Хамса”даги дostonларнинг ҳамд қисмларида анъанавий наътларда ва “Меърожнома”ларда бўлгани сингари фалаклар номи бирма-бир тилга олинади. Шуниси эътиборга моликки, меърож ҳодисаси ҳикоя қилинган ўринларда фалакларни санаш Ой осмонидан бошланиб, фалаки сайёра (ҳаракатланувчи)да ниҳоясига етказилса, ҳамдларда, аксинча, фалаки сайёрадан Ой осмонигача санаш тартиби кўзга ташланади. Тасаввуф таълимотига кўра, фалаклар руҳий камолот йўлидаги босқичлардир. Насафий ўзининг “Зубдат ут-ҳақойиқ” асарида ҳар бир фалак турли тоифадаги кишилар руҳининг манзили эканлигини қайд этади. Унга кўра, 9-осмон, яъни Арш – пайғамбари хотам руҳининг манзили, 8-осмон – улул-азм пайғамбарлар руҳининг манзили. 7-осмон – мурсал пайғамбарлар, 6-осмон – анбиёлар, 5-осмон – авлиёлар, 4-осмон – илми маърифат аҳли, 3-осмон – зоҳидлар, 2-осмон – тақво аҳли, 1-осмон -- имонлилар руҳининг манзилidir¹.

Руҳ ўз Раббисини таниш ва унга интилиш асносида юқорига қараб тараққий этади. Бир пайтлар фалаклар бўйлаб ерга туширилган инсон руҳи “бу йўлни қайтадан босиб ўтиб,

¹ Насафий. Зубдат ут-ҳақойиқ. – Тошкент, 1987. 117-бет.

аслига қайтиши лозим”. Қуръондаги “Улар Аллоҳдан келдилар ва яна Аллоҳга қайтадилар” оятидаги иниш-юксалиш тушунчаларини мутасаввифлар қавси нузул, қавси уруж шаклида изоҳлайдилар. Таназзул мақомида инсон руҳи юқоридан пастга қараб ҳаракатда бўлса, тараққий мақомидаги ҳаракат қуйидан юқорига томон бўлади. Бошланғич ва охириги нуқта битта бўлиб, у аҳадият мақоми ҳисобланади. Руҳнинг бундай мақом-манзиллардаги сайрини Навоий кўп бора қаламга олган. “Наводир уш-шабоб” девонидан ўрин олган:

*Кўк бинафшазорини анжум чу наргисзор этар,
Наргисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнглум зор этар,*

байти билан бошланувчи ғазалда “ошиқ руҳи”нинг юқоридан пастга ҳаракати тасвирланган бўлса, “Сабъаи сайёр” достонида илоҳий висолга етишган инсон ҳаракати пастдан юқорига томон йўналган. Бундай тасвирни “Хамса” асарининг бошқа дostonларида ҳам кўриш мумкин. Навоий асарларида тўққиз ёки етти фалакнинг икки хил тартибда берилиши тасодиф эмас, албатта. Бу тасаввуф таълимотида мавжуд бўлган нузул ва уруж тушунчалари билан боғлиқ, бундан фалаклар аслиятдан ажралиш, узоқлашиш рамзи ёки узоқлаштирувчи поғоналар ҳамда аксинча, аслиятга яқинлаштирувчи босқичлар, мақомлар рамзи эканлиги ойдинлашади.

Алишер Навоий дунё ва ҳаёт ҳақиқатларини образли тарзда ифода қилганлиги боис рақамларга ҳам, биринчи навбатда, образли фикрнинг бир воситаси ёки “унсури” сифатида мурожаат этган. Шунинг учун мутафаккир шоир рақамлар асосида ифодаланган маъноларни, бир томондан, янгиликлар билан бойитган, иккинчи томондан, уларнинг чиройли, таъсирли ва ибратли тасвирларини яратишга эришган.

Навоийнинг рақамларга муносабати ва уларнинг рамзий-мажозий моҳиятини кашф этишдаги маҳорати, хусусан, бир, етти, тўққиз каби рақамлардан фойдаланишда яққол намоён бўлган эди. Бу рақамлар замиридаги маънолар улуғ санъаткор диний, тарихий, фалсафий билимининг кенг ва чуқурлигидан ҳам далолат беради. Аммо шоир қайси рақамга мурожаат қилмасин, албатта, унга сингдирилган мазмуннинг илмий замини ва асосини назардан қочирмаган.

ЯНА “ЎН САККИЗ МИНГ ОЛАМ” ҲАҚИДА

Шарқ адабиётининг исталган вакили, яшаш жойи ва замонидан қатъий назар, рақамларга бадий кашфиётнинг бир намунаси сифатида мурожаат қилган. Хусусан, буюк шоир Алишер Навоий шеъриятида рақамлар тилга олинар экан, ҳар бир рақмнинг халқимиз тарихи, урф-одатлари, анъаналарида тутган ўрнига, диний мифологик қарашларда, шунингдек, тасаввуф таълимоти ҳамда адабиётдаги рамз ва маъноларига ҳам эътибор қаратилган. Шунинг учун шоир шеъриятида тилга олинган рақамлар билан боғлиқ фикрлар таҳлилга тортилганда, ана шу жиҳатлар ҳам ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Акс ҳолда, у ёки бу рақамдан кўзда тутилган асл мақсад ва маънони ёритиш қийинлашиб, олимлар орасида баҳсу мунозаралар кўпайиб бораверади. “Ўн саккиз минг олам” иборасига тегишли фикр ва талқинлар бунинг бир мисоли бўлиши мумкин. Улуғ шоир машҳур ғазалларидан бирида ёзади:

*Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур.*

*Деса бўлғайким, яна ҳам ўн саккиз йил ҳусни бор,
Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.*

*Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур
Ҳусн шоҳи, ул балоларким кўзу қошиндадур.*

*Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,
Барчаси эзид таоло сунъ наққошиндадур.*

*Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,
Ақлға юз ҳайрат ул ойнинг ичу тошиндадур.*

*Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масиҳ,
Бул ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.*

*То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,
Ҳар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.*

Бу ғазалда ўн саккиз рақами тўрт маротаба икки маънода ишлатилган: биринчиси – ўн саккиз йил, иккинчиси – ўн саккиз ёшдаги ҳусн. Ғазални шарҳлаган олимлар “ўн саккиз минг олам” ибораси хусусида албатта алоҳида тўхталганлар.

Филология фанлари доктори Нусратилла Жумахўжа “Ўн саккиз ёш ҳайратлари” мақоласида бундай дейди: “Ўн саккиз минг олам” – бадииятда тимсолга айланган турғун сўз бирикмаси бўлиб, у бутун борлиқ ўн саккиз минг оламдан иборат, деган оламнинг чексизлиги ҳақидаги қадимий тасаввурлардан келиб чиққан”¹. Филология фанлари

¹ Жумахўжа Н. Ўн саккиз ёш ҳайратлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1990. 21 сент.

доктори Иброҳим Ҳаққул эса нисбатан бошқача мулоҳазаларни илгари суради: “Навоий ғазалида таъкидланган “Ўн саккиз минг олам” тасаввуф таълимоти замирида юзага келган бўлиб, Ҳақ ошиқларининг сийрат оламига, зоҳирий оламга эмас, ботиний оламга дахлдордир. “Ўн саккиз минг олам” - тасаввуф шеъриятидаги поэтик образлардан бири. Унга шунчаки “турғун сўз бирикмаси” деб қаралмаслиги керак”¹.

Бир неча тасаввуф луғатларида “ўн саккиз минг олам” иборасига атрофлича изоҳ берилган. Улардан бирида қайд этилишича, оламнинг ўн саккиз мингга етказилиши қуйидаги тарзда изоҳланади: “Бу тўққиз фалакла тенг курраи ҳаво, сув курраси, тупроқ курраси, оташ курраси, яъни аносири арбаъа, жамодот, ҳайвонот, наботот, яъни маволиди салоса. Инсон ва инсони комил. Буларнинг жами ўн саккиз бўлурки, зуҳур эътибори ила ҳар бири мингдан бўлиб, ўн саккиз минг бўлур”². Турк олими Маҳмуд Байроқдор эътирофи бўйича, пайғамбаримизни барчага ўрнатқучи ва юксалтириш учун “Ўн саккиз минг олам пайғамбари” дейиш мусулмонлар орасида бир одат тусига кирган ва у мажозий мазмунга ҳам эгадир³. “Ўн саккиз минг олам”нинг ўн саккиз рақамини муқаддаслаштириш билан боғлиқ жиҳати ҳам бор. Албатта, ўн саккиз ёш маъшуқанинг энг гўзал даври. Навоий ўн саккиз оламга муқобил равишда “Не ажаб чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур”, деганми? Бунда бошқа бир сир ҳам бор. “Жалолиддин Румий “Девони Кабир”даги бир ғазалида – дейди румийшунос Гулпинарли, – “Эй, сиймтанли гўзал, ўн саккиз қадахдан ортиғини қабул қилмасмен. Шафқат қил, ҳолимни кўр, эй бераҳм, эй жаллод гўзал”, демиш. Мавлоно нимага айнан “ўн саккиз”ни тилга олаётир? Чунки ўн саккизни муқаддас билиш Мавлоно замонида ҳам бўлган. Демак, бу қаноатнинг Мавлонодан аввалги даврлардан келаётган бир анъана эканлигига ишонишимиз керакдир”⁴. Умуман олганда, ўн саккиз рақами мавлавийлар учун муқаддас саналган. Улар Мавлоно “Маснавий”сининг бутун моҳияти ва хулосаси илк ўн саккиз байтда жамлангандир, деб қарашган. Фақирга садақа улашилганда ҳам иложи борица “ўн саккиз”ликка амал қилишга интилишган экан.

“Ўн саккиз минг олам” муаммоси анча мураккаб ва чигал. Эҳтимол, шунинг учун ҳам навоийшунос Ёқубжон Исҳоқов масалага янада конкрет ёндашиб, мақоласини “Ўн саккиз минг олам асрори” деб номлаган. Олимнинг ёзишича, “Ўн саккиз минг” тушунчаси бир жиҳатдан оламнинг яхлит ва ягоналиги ҳақидаги тасаввур тарафдори бўлган Платон ва Аристотелнинг олам гармонияси ҳақидаги концепциясига мос келади. Иккинчи жиҳатдан эса рақамларнинг рамзий моҳияти ҳақидаги асотирлар билан (уч, етти, тўққиз) алоқадордек туюлади”. Олимнинг хулосасига кўра, “ўн саккиз минг олам” иборасини “икки хил йўналишда – оламнинг пайдо бўлиши борасидаги диний тасаввурлар билан ёки тасаввуф фалсафаси билан боғлиқ ҳолда талқин этиш имконияти мавжуд. Ҳар иккала ҳолатда ҳам Аллоҳ билан узвий боғлиқ ҳолда келади. Лекин бирида (диний аспектда) Яратувчининг буюк қудратини, иккинчисида, яъни фалсафий маънода Аллоҳнинг сифатлари (тажаллийси)ни таъриф ва тавсиф этиш учун хизмат қилади”⁵.

Бизнинг назаримизда, Ҳужвирийнинг қуйидаги фикрлари масаланинг илдизини аниқлаш ва равшанлаштиришга яқиндан ёрдам беради. У ёзади: “Олам – Аллоҳнинг махлуқотидан иборат эрур. Сўфийлар ўн саккиз минг ва эллик минг олам мавжуд, деган

¹ Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. - Тошкент, 1991. 103-бет.

² Адҳам Жабачи ўғли. Тасаввуф терминлари луғати. – Анқара, 1979. 571-бет.

³ Қаранг: Байроқдор М. Тасаввуф ва замонавий илм. – Истанбул, 1989. 83-бет.

⁴ Гулпинарли А. Маснавий таржимаси ва шарҳи. - Истанбул, 1990. 15-16-бетлар.

⁵ Исҳоқов Ё. Ўн саккиз минг олам асрори. «Навоийга армуғон». 3-китоб. - Тошкент, 2003. 62-68-бетлар.

қарорга келишган. Файласуфлар бири улвий, бошқаси суфлийга ажралувчи икки олам ҳақида баҳс юритмишлар. Усул уламози эса Аршдан ер юзига келгунча ҳар не бўлса оламдур, дейдилар. Тасаввуф йўлига кирганларнинг руҳлар олами, нафаслар олами дейишдан кўзлаган мақсадлари файласуфларникидан бошқадир. Зеро, сўфийларнинг мурод ва мақсадлари руҳлар ҳамда нафасларнинг зуҳур айлаши ва бир жойга жамланишидир”¹.

Диний нуқтаи назардан ҳам, оддий одамлар тушунчасида ҳам ўн саккиз минг олам ибораси оламнинг кўплигини ифодалайди. Буларнинг ҳар иккаласидан ҳам рамзий маъно ахтариб бўлмаслигини эътиборга олиш лозим. Тасаввуфга келсак, мазкур ибора суфийлик заминидан юзага келганлиги боис унга шу қадар кўп маънолар сингдирилганки, уларни бирма-бир изоҳлашнинг сира иложи ҳам, имкони ҳам йўқ. Даврия² моҳиятини ўрганган тадқиқотчиларнинг айтишлари бўйича, Аллоҳ илк тажаллийси билан Ақли кулл (Муҳаммад нури)ни яратган. Ақли кулл тажаллийларидан бошқа махлуқотларни бино қилган. Нури Муҳаммадия навбати билан руҳлар олами (нафси кулл), табиат, хайюла, жисми кулл, шакл, арш, атлас фалаги, манозил фалаги, етти кўк, етти қат ер ва маволиди салоса (маъдан, ўсимлик, ҳайвонот) мартабаларида зуҳур этганки, булар “ўн саккиз олам”ни ташкил этган. Демак, ўн саккиз минг олам тушунчасини инсоннинг камол мартабаларидан ажралган ҳолда хаёлга келтириб бўлмаганидек, ёритиб ҳам бўлмайди. Худди шу сабабга биноан ҳам мутасаввиф ижодкорлар ўн саккиз минг олам тушунчасига алоҳида эътибор бериб, такрор-такрор уни қўллаганлар. Бунга тўла ишонч ҳосил қилиш учун Яссавий, Боқирғоний, Юнус Эмро, Насимий, Сўфи Оллоёр каби шоирларнинг асарлари билан танишиш кифоядир. Профессор Мустафо Тотчига кўра, “ўн саккиз минг олам рамзийдир ва яратилмиш барча оламлар учун ҳам қўлланилади... Аллоҳга категорияларидан кечиб, илоҳий оламга юксалмишдир”³. Бу эса ишқ ва маърифат натижасидурки, шунинг учун ҳам Аҳмад Яссавий:

*Ориф ошиқ жон мулкида алам тортса
Ўн саккиз минг қамуғ олам ғулғул бўлур⁴, -*

деган. Ўн саккиз минг олам айни пайтда “ўн саккиз минг ҳижоб”, уларни бартараф айлаш ҳам ташқи ва ташқаридаги сайрни эмас, балки руҳий сайри саёҳатни акс эттиради. Бу хусусда Юнус Эмро:

*Одим-одим илгари беш оламдан ичкари
Ўн саккиз минг ҳижобни кечдим бир тоғ ичинда, -*

дейди. Бу “тоғ” эса Бирлик, яъни Ваҳдатдир. Бунга етиб боргунча инсон жуда кўп туйғулардан кечиши ва уларнинг таъсиридан бутунлай озод бўлмоғи керак. Ана шу ҳақиқатга асосланиб, мутасаввиф ижодкорлардан бири: **“Ўн саккиз минг олам инсонга тегишлидурки, бу унинг ўн саккиз минг сифати эрур. Булардан олти минги набототга, олти минги ҳайвонотга, олти минги инсонга тааллуқли.** Булар эса бир-биридан айри

¹ Хужвирий. Кашфул маҳжуб. – Истанбул, 1996. 228-бет.

² Даврия – диний-тасаввуфий адабиётдаги жанрлардан бири бўлиб, яратилишнинг бошланғичи ва охири, борлиқнинг қаердан келиб, қаерга кетиши ҳамда булар орасидаги мавжудликнинг тасаввуфий изоҳидир.

³ Мустафо Тотчи. Юнус Эмро. Тадқиқот ва шарҳ. – Анқара, 1990. 234-бет.

⁴ Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Тошкент, 1990. 150-бет.

эмас, балки ихтилот ҳолиндадир. Тангри уларнинг барчасини ихота этмишдир”, - дейди¹.

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги қуйидаги байтларда юқорида қайд этилган ҳақиқатларнинг деярли барчаси эътиборга олинган ва ўзининг бадиий ифодасини топган:

*Ҳақ вужуди келди баҳри бекарон,
Мавжи онинг офаринишдин аён.
Ўн саккиз минг олам ичра ҳар не бор,
Ким қилурлар аҳли маъни эътибор.*

*Ҳар неким зоҳирдурур сурат аро,
Ким бори маръий бўлур ҳайъат аро.*

*Арз сатҳи узра юз шакли ажиб,
Шаклларда юз туман лавни ажиб...*

*Ҳам ақолиму билод эткил хаёл,
Ҳам биҳору ҳам уюну ҳам жибол.*

*Ҳам булар даври доғи нору ҳаво,
Бал ҳавою нордин ҳам мосиво.*

*Ҳам булар даври дағи тўққуз фалак,
Собиту сайёра ҳам хайли малак.*

*Не малойик улки, йўқ сони онинг,
Балки миқдор ичра поёни онинг...*

*Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот -
Нодиру олий асоси коинот.*

*Барчадин ашрафки ул инсон эрур,
Чун камолида хирад ҳайрон эрур...*

Шарқ шоирлари, жумладан, Алишер Навоийнинг нуқтаи назари бўйича, одамнинг моҳияти ва ботиний аҳволи қанча чуқур кашф этилса, оламнинг сир-асрори ҳам, илоҳий ҳақиқат ва гўзалликлар ҳам ўшанча кўпроқ равшанлашади.

Навоийнинг рақамларга муносабати ва уларнинг рамзий-мажозий моҳиятини кашф этишдаги маҳорати, хусусан, бир, етти, тўққиз каби рақамлардан фойдаланишда яққол намоён бўлган эди. Бу рақамлар замиридаги маънолар улуғ санъаткор диний, тарихий, фалсафий билимининг кенг ва чуқурлигидан ҳам далолат беради. Алишер Навоий шеърда қайси рақамга мурожаат этмасин, албатта, унга сингдирилган мазмуннинг илмий замини ва асосини назардан қочирмаган. Бу гап “ўн саккиз минг олам” тушунчасига ҳам тегишлидир. Навоийни рақамлар сир-асрори билан кўпроқ қизиқишга илҳомлантирган

¹ Абдурахмон Гўзал. Диний-тасаввуфий турк адабиёти. – Анқара, 1996. 585-бет.

йўл, албатта, тасаввуф йўли эди. Шу боисдан ҳам Навоий шеърятидан ўрин олган рақамлар икки томонлама аҳамиятга эга. Бири, Навоий шеърятининг ички ва сирли нуқталарини ёритиш учун, иккинчиси, тасаввуф ҳақиқатларини конкрет тарзда билиш учун. Шунга кўра, “ўн саккиз минг олам” сингари айрим мураккаб тушунчалар хусусида баҳс юритилганда, тасаввуфга таянмасдан ҳеч қандай ижобий натижага эришиб бўлмаслигига ишониш керак, деб ўйлаймиз.

РАҚАМ СЕМАНТИКАСИ ВА ТАСВИР МУТАНОСИБЛИГИ

Шеърятнинг мазмун ва шакл компонентлари ҳамда уларнинг ўзаро алоқаси ҳақида мумтоз шоирларимиз жуда кўп мулоҳазаларни баён этиб кетишган. Бу мулоҳазаларнинг аксариятида шаклга нисбатан шеърда мазмун устун бўлиши зарурлигига қайта-қайта эътибор қаратилган. Масалан, Юсуф Хос Ҳожиб, Ҳайдар Хоразмий, Лутфий, айниқса, Алишер Навоийнинг шеърда шакл мукамаллиги ва мазмун гўзаллигининг бирлиги тўғрисидаги фикр ва хулосалари ҳанузгача ўзининг аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Шарқ поэтикасига доир асарларда қайд қилинишича, шеърнинг луғавий маъноси «билмак», яъни шуур айлаш, истилоҳий маънода эса «шеър» вазнли, қофияли ва образли каломдир. Калом ҳам фикр англатиш ва алмашиш, ҳам маълум мақсадда сўзларнинг бир жойга жамланишидир.

“Шеър вазнсиз бўлмаганидек, фақат қофиянинг ўзи билан ҳам шеър яралмайди, шеър учун буларнинг ҳар иккиси ҳам зарур. Лекин шеърда маъно бўлмаса, унинг жони ҳам йўқдир. Санъатлар шеърнинг бегагидир, холос”¹. Демак, вазн, қофия, образ, мажоз, қиёслар сингари бадий санъатлар ҳам шеърнинг «жони» ҳисобланган мазмун ва маънонинг жонли, таъсирли ифодаланиши учун зарурий воситалардир.

Маълумки, анъанавий мавзуларда қалам тебратган классик шоирлар бадий ижод жараёнида таассурот ва илҳомга суянишдан аввал илмга таянганлар. Улар вазн, қофия назариясини қанчалик пухта ўзлаштирсалар, бадий санъатлардан баҳс юритилган илм тармоғини ҳам ўшанча чуқур эгаллашган². Бу эса баъзи машҳур санъаткорларнинг шеърнинг ўзига хослиги, бадийлиги билан бир қаторда унинг илмийлиги тўғрисида сўзлашга ҳам йўл очган. Фузулий шеърятини поэтикасини тадқиқ этган олим Собир Алиевнинг хулосасига кўра, “шоирлик билан олимлик Фузулий шахсиятида ва ижодиётида бирлашмишдир... Бадий услуб ила илмий услуб унинг асарларида ваҳдат ҳолида зухурланган. Шоир Фузулий шеърятини олимдир, олим Фузулий эса илмий мулоҳазаларида шоирдир”³.

Дарҳақиқат, Фузулийнинг устозлари, жумладан, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий ҳам илм ва назмни шеърнинг ажралмас унсурлари деб ҳисоблашган. Шунингдек, “илмсиз шеър

¹ Ваҳид Табризи. Жамъеи мухтасар. - М., 1959. С.36.

² Бу ҳақда қаранг: А.Хусайний. Бадоеъ ус-саноеъ. -Тошкент, 1981; Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2002. - №1-6; Шайхзода М. Асарлар. Олти жилдлик. 4-жилд. - Тошкент, 1972; Раҳмонов В. Шеър санъатлари. - Ленинобод, 1972; Исҳоқов Ё. Классик адабиёт поэтикасидан маълумотлар // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1970-1973.

³ Алиев С. Фузулий поэтикаси. - Баку, 1985. 15-бет.

асоси йўқ девор эрур, асосиз девор беътибор бўлур”, деб билишган.

Рақамларнинг ҳақиқатлари билан қизиқиш, уларнинг рамзий-мажозий маъноларини шеърда ифодалаш тажрибаси ҳам илмсиз амалга ошмаган, албатта. Аммо мумтоз поэтика қонун-қоидалари ва талабларига риоя қилмасдан у ёки бу рақамга дахлдор мазмунни таъсирли шаклдасавирлашнинг ҳам иложи йўқдир. Зеро, бадий санъатасосида маънонинг умуман бир ифода ёки тасвири тўғрисида эмас, балки унинг қандай тасвирланиши хусусида қаноат ҳосил қилиш керак. Мумтоз шоирларимиз, хусусан, Алишер Навоий ижодиётида рақам сирларини ёритишда ҳам, рақамга таяниб ишқий ҳолат, кайфият ёки ҳақиқатларни ўзига хос ранг ва манзаралари билан гавдалантириб беришда ҳам талмех, тазод, муболаға, ружуъ каби ўнлаб бадий санъатлардан унумли фойдаланилган. Лекин биз ушбу масалага тўхталишдан олдин бир жиҳатни қайд этиб ўтишни лозим деб билдик. Агар рақам татбиқи нуқтаи назаридан мумтоз шоирлар тажрибаларига диққат қилинса, улар рақамлардан у ёки бу мавзу, маълум бир тушунча ва ҳақиқатга доир мазмунни таъкидлаш усули сифатида фойдаланганликларига ҳам ишонч ҳосил қиламиз. Навоийнинг қуйидаги байтларига эътибор қаратинг:

*Замон аҳлин вафосиз дебки, қилдим дostonлар сабт,
Навоий бир кишида гар вафо топсанг, сўроқ ўртай*

Ушбу байтда замона аҳлининг вафосизлиги, ҳеч кимда ваъдага вафо қилиш фазилатининг топилмаслиги айнан бир рақами орқали тасвир этилади. Қуйидаги байтда ҳам «бир фатири хом» бирикмаси орқали мол-дунёга ружу қўймаслик, нафсоний ҳою-ҳавасларга берилмасликка даъват бор:

*Бўлма кун қурсин тилаб афлокдек саргаштаким,
Бир фатири хом билан осон ўтар ҳар кун маош.*

Аслида бундай усул дастлаб халқ оғзаки шеърлятида жорий қилинган. Форс-тожик тилида яратилган мана бу тўртликка диққат этайлик:

*Се бор бигуфтам, ки себ ор ба ман,
Аз боғи латофатат ду себ ор ба ман.
Се бор бигуфтамун наёварди себ
Ин ваъда хилофи карда се бар ба ман¹.*

Мазмуни:

*Уч бора айтдимки, олма келтир менга,
Латофат боғингдан икки олма келтир менга.
Уч бора айтсам ҳам олма келтирмадинг,
Уч бора ваъдага вафо этмадинг менга.*

Ишқий мазмундаги ушбу рубоий ҳаракатини гўё уч рақами белгилаб тургандай. Айни

¹ Ҳабибов А. Рубоийети халқи ва китоби. – Душанбе, 1981. 138-бет.

пайтда “се бор” – “уч маротаба” иборасининг қайта-қайта тилга олиниси ҳам ошиқ, ҳам маъшуқа кайфиятини ёритиб беради. Бундан ташқари, у тажнис санъатини ишлатишга ҳам йўл очган.

Рақамлар воситасида маънони таъкидлаш ёки унга урғу бериш усулидан ислом адабиётининг дастлабки даврларидаёқ фойдаланилганлигини араб тилида ёзилган шеърлар ҳам тасдиқлайди. Эски даврларда ўн рақамига уйғунлик, мукамаллик тимсоли деб қаралган. Шу тушунчага таяниб айрим шоирлар комил инсон ҳақидаги фикрлар баёнида ўн рақамига таянганлар. Бунга бир мисол сифатида Ҳазрати Алининг қуйидаги байтларини келтириш мумкин:

*Жаҳон бойликлари ичра киши хулқиға зийнатдир:
Бири дини илоҳий ул, бири ақлу фаросатдир.*

*Учинчи давлатинг–илминг, кейин, тўртинчиси–ҳилминг,
Саҳо бешинчиси, олтинчиси – эҳсони неъматдир.
Эрур еттинчиси лутф, саккизинчиси сабр ила бардош,
Шукрдир тўққизинчи, сўнг ўнинчи меҳру ҳимматдир¹.*

Мана бу рубоийда юракни ойнадай покиза айлаш учун ўн ёмон хулқдан қутулишга даъват этилган:

*Хоҳи, ки шавад дили ту чун оина,
Даҳ чиз бурун кун аз даруни сина.
Ҳирсу аламу ғазаб, дуруғу ғайбат,
Бухлу ҳасаду риёву кибру кина².*

Мазмуни:

*Агар дилинг ойнадек (соф) бўлишини хоҳласанг
Кўнглингни ўн нарсдан тоза тут:
Ҳирс, алам, ғазаб, ёлғон, ғийбат,
Хасислик, ҳасад, риё, кибр ва гина-қудурат.*

Айрим ўринларда рақамларни кетма-кет келтириш йўли билан фикр ривожлантирилади:

*Эй Навоий, сўз ила онча гуҳар сочтингким,
Баҳру кон кирди қора ерга сенинг килкингдин.*

*Бирига, ё ўниға, ё юзига, ё мингига,
Дегай эл найлагай ортуғ эса эллик мингдин.*

Давр ва замон бедодлигидан шикоят оҳанглари эшитилиб турган қуйидаги байтда ҳам

¹ Ҳазрати Али ибн Абу Толиб. Девон. – Тошкент, 2005. 286-287-бетлар.

² Ҳабибов А. Рубоийти халқи ва китоби. – Душанбе, 1981. 10-бет.

рақамлар асосий роль ўйнайди:

*Навоий, қилма айб афғону фарёдки, даврондин
Не бир фарёду ўн афғонким, юз фарёду минг афғон.*

Энди бевосита бадий санъатларга эътиборни қаратадиган бўлсак, аввало муболағага тўхталишга тўғри келади.

Алишер Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазалларидан бирида ёзади:

*Ҳажр ўқидинким эрур бағрим аро **юз минг** тешук,
Ҳар тешук **бир** кўздурурким ҳолима ҳайрон эрур.*

Бунда “ҳажр ўқи”дан бағри тилинган ошиқнинг ҳолати муболаға усулида шарҳланган. Бироқ ҳолатнинг қийноқли ва оғирлигини “юз минг тешук” иборасисиз тасаввур этиб бўлмайди. Иккинчи мисрада “юз минг тешук”ка яқин бир маъно юкланади, яъни улар “ҳажр ўқи” зарбидан пайдо бўлган (эҳтимол, улар ўнтадир, юзтадир ёки кўпроқдир) оддий тешик эмас, балки “ҳар тешук бир кўздур”. Бу “кўз”лар эса ошиқ ҳолини идрок этишга қодир бўлганлиги учун ҳам ҳайрондир. Ошиқнинг ҳоли унинг ўзи учун ҳайронлик сабаби бўлганидек, сипеҳр учун (ҳам) ҳайратли. Шунинг учун сипеҳр унга “юз минг кўз” билан нигоҳ ташлайди:

*Мунграйиб андоқ синуқ кўнглум бузулурким, сипеҳр
Булъ ажаб ҳолимға **юз минг кўз** била ҳайрон бўлур.*

Мумтоз шеърятда рақам асос бўлган бадий санъатларда бир, икки, уч, тўртдан бошлаб токим юз минггача етиб борадиган рақамларга дуч келинади:

*Кирди туфроққа ҳилол, очди тўлун ойға жамол,
Ўн тўлун ойнинг қироғидин чу олдинг **ўн ҳилол.***

Алишер Навоийнинг ушбу байтида маъшуқанинг тўлин ойга ўхшаб ҳусн-жамоли очилгани таърифланган. Лекин шоир таърифда “ўн” рақамига таяниб, ҳилол шунчаки тўлин ойга айланмади, балки “ўн тўлун ойнинг” четидан олинган ўн ҳилол гўёки бирлашди, дейди. Бу эса ўқувчида таассуротнинг кучайишини ҳам таъминлайди.

*Фироқи ўқидин бўлмиш тешук-тешук бағрим,
Бу турфароқки, бир ўқдиндурур ҳар икки тешук.*

Фироқ ўққа қиёс қилиниб, ёр фироғи кўксимни “тешук-тешук” қилди, дейди лирик қаҳрамон ва кейинги мисрада муболағанинг иғроқ туридан фойдаланган ҳолда “бир ўқ”дан “икки тешук” пайдо бўлди, деган фикрни ифода этади. Навоийнинг бошқа бир байтига назар ташлайлик:

*Эй, кўнгулда шаҳди лаълинг ҳасратидин **юз тешук,***

Ҳар тешукдур шаҳд занбури уйи янглиғ чучук.

Шоир демоқчики, сенинг лаълинг ниҳоятда ширин. Унинг ҳасратидан кўнгулда “**юз тешук**” пайдо бўлди. Балки унинг сони юзмас, ундан кўпдир? Иккинчи мисрадаги фикр ушбу рақамнинг нисбий эканлигига шеърхонни ишонтиради. Асалари уясининг тешиклари сонини санаш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Чунки улар бир неча юзга етиши мумкин. Бироқ ҳар бирида асал бўлади. Ошиқнинг кўнгли ҳам шунга монанд, шу боисдан у “шаҳд занбури уйи янглиғ чучук” дир.

Лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ёрқин намоиш қилиш рақамлар воситасида ифода этиладиган фикрлар орқали ҳам амалга оширилади:

*Дарди ишқимдин сувол этти ул ой, фарёдким,
Юз жавобим бору йўқ хушим демакка бир жавоб.*

Маъшуканинг ишқ дарди тўғрисида берган саволига ошиқда юзлаб жавоблар бор, аммо шулардан лоақал биттасини ҳам айтолмайди. Чунки бунга унинг кучи, иштиёқи – хуши йўқ.

У ёки бу шоир шеърятидан жой олган рақамларни шунчаки қайд қилиш билан мақсадга эришиб бўлмайди, албатта. Бунда поэтик образ ва образли маъно мағзини ёритиш нуқтаи назаридан иш юритилса, кўзланган натижалар кўлга киритилади. Шунини ҳам қайд этиш зарурки, рақамларга сингдирилган маъно ва поэтик санъат мутаносиблиги масаласи махсус текшириладиган бир масала бўлиб, уни тўла-тўқис очиб беришнинг уйдасидан чиқиш ниҳоятда қийиндир. Шунинг учун биз айрим характерли мисоллар орқали кўзланган мақсадни ёритишга ҳаракат қилдик. Мана, мумтоз адабиётда кўп қўлланилган талмеҳ санъатини олайлик.

Маълумки, шеър ёки насрда машҳур тарихий воқеалар, афсоналар, адабий асарлар ёки мақолларга ишора қилиш санъати **талмеҳ** деб юритилади¹. Навоий шеърятда рақамлар билан боғлиқ қарашлар, урф-одатлар ушбу санъатдан фойдаланишга асос бўлган. Шоирнинг “Наводир уш-шабоб” девонидаги ғазаллардан бирида шундай байт бор:

*Қирқ ёшда фақр ойинин агар касб этмадинг,
Арбаин чекмак била ул ҳосил ўлмоқтин тунгил.*

Худди шу байтга ҳамоҳанг мисралар озарбайжон шоири Насимий ижодида ҳам учрайди:

*Хилвати арбаъин ила кимса эришмади Ҳаққа
Зухду салоҳу майл этган фикру маҳола тушмасин².*

Бу байтларда тариқат йўлига кирган солиқнинг нафсни енгиб қалбни поклаш, зикр ва ибодат билан машғул бўлиб, Ҳақ ёди билан яшаш мақсадида сокин узлатга чекиниб, чилла ўтиришига ишорат этилганки, бу талмеҳдир. Чилла (арбаин)дан мақсад оз еб,

¹ Бу ҳақда қаранг: Раҳмонов В. Шеър санъатлари. - Ленинобод, 1972. 70-75-бетлар; Бобоев Т. Шеър илми таълими. - Тошкент, 1996. 254-255-бетлар.

² Насимий. Рубоийлар. - Боку, 1973. 91-бет.

оз ухлаш, тоат-ибодат, риёзат бўлса-да, аммо фақат шу йўл билан мақсадга эришиш ҳам мумкин бўлмаган. Навоий бу тўғридаги фикрларни ифодалашда қирқ рақами ва унинг араб тилидаги муқобили “арбаин” сўзларидан фойдаланган. Талмеҳ қонуниятига кўра қўлланилган рақамлар шоир фикрини асослаш ва кучайтиришга хизмат қилган.

Шарқ адабиётида Юсуф пайғамбарнинг “уч кўйлаги” тилга олинган байтлар анчагина. Биринчи кўйлак Юсуф (алайҳи саллам) акалари томонидан қудуққа ташлангандан кейин қонга беланган ҳолда отаси Яъқуб (алайҳи саллам)га келтирилган. Иккинчи кўйлак Юсуф (алайҳи саллам)нинг айбсизлигига ва зиндондан озод бўлишига далил бўлган. Учинчи кўйлак Юсуф (алайҳи саллам)нинг тирик эканлигини исботлаш мақсадида отасига етказилган ва Яъқуб (алайҳи саллам)нинг кўзлари очилишига сабаб бўлган. Адабиётда ошиқнинг ишқдаги турли ҳолатини тасвирлаш мақсадида ана шу уч кўйлак рамзидан фойдаланилган. Абу Абдулло Рудакий шеърларидан бирида бу ҳақида ёзади:

*Эшитганман Юсуфда бор экан деб **учгина** кўйлак,
Ҳаёт ўтқарганида роҳату қулфат қучоғида.
Бири қон ичра булғанди, **бири** йиртилди тухматдан
Бири Яъқуб кўзига етди-ю очди яноғида.
Юзим ўхшар биринчига, дилим иккинчига ўхшар
Учинчиси насибим бўлғусидир васл чоғида.*

Алишер Навоий ижодида айнан “уч кўйлак” тилга олинган фикрларга биз дуч келмадик. Лекин шоирнинг кўйидаги байтларини ўқиган киши ўша кўйлақлардан бирини тасаввур қилиши мумкин:

*Кўнглагингдинким топар жон дам-бадам Юсуф иси,
Эй азизим, мен ҳам ул кўнглак аро бир тормен.*

Ёки:

*Ҳабибим истаю гулшан аро ҳар дам гул ислармен,
Мени Юсуфдин айру қилди қонлиғ кўнглаги хурсанд.*

Мутасаввиф шоирлар ижодида тасаввуфда белгиланган тўрт босқич номлари тилга олинган мисралар ҳам бор. Навоий салафларидан фарқли равишда бу тушунчага нисбатан “тўрт бозор”, “ишқ мулкининг тўрт бозори” ибораларини қўллаган. Шунини ҳам қайд этиш керакки, “ишқ бозори” ёки “ишқ дўкони” иборалари Яссавий ҳикматларида ҳам бот-бот кўзга ташланади ва бу тушунча ошиқни васлга мушарраф қиладиган, Дўст дийдорига йўл очадиган ва ваҳдатга етаклайдиган Ишқ йўлини англатади. “Тўрт бозор” Шариат, Тариқат, Маърифат ва Ҳақиқатнинг рамзий маънолари бўлиб, улар ҳам талмеҳга айланган. Навоийнинг бир қанча байтлари бунинг мисоли бўла олади:

*Журм анинг ишқидин ўзга йўқки, ҳар дам кездурур,
Ишқи мулки **тўрт бозорида** бўйным боғлатиб.*

Ва:

*Балки бўйным боғлабон, ушшоқ ибрат олғали
Ишқ мулки **тўрт бозорида** судраб кездурунг.*

Бу байтларда талмеҳ билан бирга **истиора** санъати ҳам қўлланилган бўлиб, “тўрт бозор” бирикмаси мураккаб истиора саналади. Маълумки, бадий асарда бирор сўзни ўз маъносидан бошқа бир маънода қўллаш санъатига истиора деб юритилади. Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балоға” асарида истиора ҳақида шундай дейди: “Бу санъат ул бўлурким, бир лафзени ҳақиқий маънодин элитиб, яна ўзга ерда орият тариқи бирла келтурурлар”¹.

Навоийнинг

*Васлиға кўз маҳрам эрмастур, нетиб маҳрам бўлур,
Иккитар доманки, тануғлуғ берурлар қонима, -*

байтида биринчи мисрадаги “кўз” сўзи ўрнида иккинчи мисрада “икки тардоман” ифодаси қўлланилган. “Тардоман” форсча “тар” – “хўл” ва “доман” – этак сўзларидан тузилган қўшма сўз бўлиб, “этаги хўл” деган маънони билдиради. Кўз доим ёшланиб туриш хусусиятига эга бўлганлиги учун ҳам унга нисбатан шу сифатлаш қўлланилади. Шунингдек, тардоман юзи қора, деган маънони ҳам англатади.

Тасаввуф ва тасаввуф адабиётида басират, яъни қалб кўзи хусусида анча кенг фикр юритилган. Зеро, дунёни қалб кўзи билан кўриб, моҳиятни англаш ғоятда аҳамиятли саналган. Юқоридаги байтнинг биринчи мисрасидаги “кўз”дан мақсад зоҳир кўзи бўлиб, басиратга тенг келолмаган боис тардомандир ва у ошиқни қонига ташна қилиб юборган.

Навоий шеъриятида кўз сўзи ўрнида “икки наргиси жоду”, “икки сайёд”, ошиқ қалби маъносида “бир қуш” ёки “бир кабутар”, маъшуқа маъносида “бир қуёш” истиоралари ҳам кўп ишлатилган. Масалан:

*Назарға келгали ул **икки наргиси жоду**,
Кўнгулда йўқтурур орому кўзда ҳам уйқу.*

Ёки:

*Эйки дерсен, кўзларим кўнглунгни не навъ этти сайд,
Бир кабутар нетсун охир **икки сайёдинг** била.*

Бу байтнинг биринчи мисрасида маъшуқа кўзининг ошиқ кўнглини ром этганлиги қайд этилиб, бу ҳодиса “сайд” – ов қилишга нисбат берилган. Шу боис иккинчи мисрада ов билан боғлиқ тушунчалар – “кабутар”, “сайд” сўзлари келтирилиб, ошиқ қалби “икки сайёд” (маъшуқа кўзлари) қаршисида иложсиз қолган кабутарга қиёс қилинмоқда. Қуйидаги мисолда ҳам худди шундай истиорали манзара тасвирланган:

*Сайд ўлди кўнгул кўзларинга, ваҳ, қутулурму
Бир қушки, анинг қасдида бўлғай **ику сайёд**.*

Навоий айрим ўринларда кўз сўзи ўрнида “икки булоқ” истиорасини ҳам қўллайди:

*Хаёлинг этти Навоий бошида манзилгаҳ,
Нединки бир тепада жорий эрди **икки булоғ**.*

¹ Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2002. - №5. – Б. 90.

Рақамлар воситасида **ружуъ** – қайтиш санъати орқали Навоий ниҳоятда чуқур маъноларни ифодалашга эришган. Мана бир мисол:

*Илоҳий амринга маъмур етти торами аъло,
Не етти торами аъло тўқуз сипеҳри муалло.*

Бундаги иккинчи мисрада биринчи мисрадаги фикрдан қайтиб, мазмунни янада кучайтиришда рақам асосий рол ўйнайди, яъни “**етти торами аъло**”дан кўра, “**тўққиз сипеҳри муалло**” шоир муддаосини бўлиғроқ ифодалашга хизмат қилган. Шеършунос В.Раҳмоновга кўра, шоир “нафақат аҳён-аҳёнда бир байтдагина, балки баъзан бир неча байтларда ҳам системали равишда қайтишлар қилиши мумкин”. Бу иш қуйидаги мисраларда ҳам кузатилади:

*Шаҳру кишвардин илик юб, хонумондин кечкамен,
Хонумондин ким десун, икки жаҳондин кечкамен...*

*Шаҳру кишвар, хонумон, икки жаҳону умру жон,
Худ не бўлғай, мунча юз ком ўлса, андин кечкамен.*

Бу байтларда фикран уч марта кетма-кет чекинилган. Шоир лирик қаҳрамонининг “шаҳру кишвар”, “хонумон”дан кечганлигини тасвирлар экан, иккинчи мисрада бу эътирофдан воз кечиб, “икки жаҳон”га ҳам этак силкиганини қайд этади. Навбатдаги байтда эса бу хаёлдан ҳам кечиб, барча нарсадан юз ўгирганлигини тан олади. Силсилали ружуъ санъати қўлланган бу байтлардаги икки рақами фикрни кучайтириб, таъсирли ифодалаш учун хизмат қилган бўлса, иккинчи байтнинг кейинги мисрасидаги “юз” рақами аниқ сон қийматини эмас, балки анча кўп, сон-саноксиз каби маъноларда ишлатилган.

Маълумки, ҳаёт ҳар турли зиддият ва қарама-қаршилиқлар заминида илгарилайди ва ривожланиб боради. Инсон ҳаёти ва тақдири ҳам қарама-қаршилиқларга тўладир. Шу боисдан бадий санъатлар орасида ҳам бевосита қарама-қарши фикр, фаолият ва тушунчаларни акс эттиришга хизмат қиладиганлари бор. Тазод шундай санъат. Аслида бир-бирига қарама-қарши бўлган рақамлар йўқ, улар миқдор, санок жиҳатдан кам-кўпликни англатишига кўра фарқланади. Аммо мумтоз шеърятимизнинг кўзга кўринган сиймолари қаторида Алишер Навоий ҳам рақамларга таянилган образли тасвирларида ҳам қарама-қарши фикрларни илгари суради ва бунда рақамлар тазодий характер касб этади. Бир-бирига зид тушунчаларни ифода этишда бирикма шаклида келтирилган бир ва юз, бир ва минг, бир ва юз минг рақамларига мурожаат қилинган. Бундай ўринларда бир рақами яққалик, танҳолик, ягоналик ва камлик маъноларида; юз, минг, юз минг рақамлари эса анча кўп, ҳадсиз, ҳисобсиз маъноларида ишлатилган. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги мисолларни келтирамиз:

*Зиҳе хуснунг зуҳуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавғо.*

Ёки:

Не эди, эй ишқ, юз тийғи бало бир зорға,

Ҳажрдин **минг** захри қотил **бир** ҳазин беморға.

Бунда “бир савдо” “юз ғавғо”га, “юз тийғи бало” “бир зор”га, “минг захри қотил” “бир ҳазин бемор”га зид қўйилади.

Алишер Навоий девонларида мазкур усулда яратилган байтлар бисёр ва уларнинг деярли ҳар бири ўқувчида янги фикр, янги таассуротлар уйғотишга қодир:

Ҳалоким васл аро **мингдир бир** эттинг,
Ки, бергай Тенгри **бир** ёшингға **минг** ёш.

Ёки:

Тийра фироқ тунлари шарҳини айт, демаким,
Минг кеча деб туганмагай **бир кечанинг** фасонаси.

Бу сўзларни ўқиб беихтиёр “Минг бир кеча” афсоналари хотирга келади. Бироқ фироқ тунлари “шарҳи” араб афсоналарига ўхшамайди. Чунки “бир кечанинг” фасонасини минг кечада айтиб адо қилиш мумкин эмас.

Сўз маъно-моҳиятини таъкидлаб кўрсатиш лафзий санъат турларидан бўлган тақрирнинг асосий хусусиятидир. Навоий ижодида рақам такрори воситасида улар замиридаги маъно-моҳиятни тўлақонли акс эттириш, шунингдек, айни шу рақамни ифода этган сўзнинг ҳам эмоционал таъсир кучини оширишга эришилади. Буни “Лисон ут-тайр” достонидан олинган қуйидаги байт мисолида кўришимиз мумкин:

Бир бўлу **бир** кўру **бир** де, **бир** тила,
Майл қилма мунда иккилик била.

Байтда бир рақамининг бир мисрада тўрт марта айнан такрорланиши натижасида шоирнинг “бир” рақами замиридаги моҳиятни таъкидлаш мақсадини сезиш қийин эмас. Зеро, бунда “ваҳдат” – бирлик тушунчаси ва “тавҳидга эришган кишининг кўзи “Бир”ни кўриши, қулоғи “Бир”ни эшитиши, тили “Бир”ни сўзлаши, қалби “Бир”ни тилаши” ифода этилган. Бундай мисолларни шоир ғазалларидан ҳам келтириш мумкин:

Икки гул вақтидуру, **икки** қуёш давронидур
Ким, кўнгулда ул **ику** ораз ғами ҳижронидур.

Бу байтда икки рақами айнан такрорланиб, тақрир санъатининг юзага келишига хизмат қилмоқда.

Таркиби оҳангдош ва ўзаро қофиядош сўзларни ёнма-ён келтириш санъати **тазмини муздаваждир**. Навоийнинг:

Ғам ғизоси орасинда қани туркона аёғ,
Тўра ойини била томса **тўқуз**, оқса **ўтуз**, -

байтида “тўқуз” ва “ўтуз” сўзларидаги **ў** ва **у** унлилари, **т** ва **з** ундошлари ўзаро “бирикиб”, муסיқийликни кучайтирган. Шоирнинг ушбу санъатдан моҳирона фойдаланишида тўққиз ва ўттиз рақамларининг ўзаро оҳангдошлиги муҳим рол ўйнаган. Шунингдек, иккинчи

мисрада “т” товуши бир неча бор такрорланиб, аллитерацияни юзага келтирган ва бунда ҳам тўққиз ҳамда ўттиз сўзларидаги “т” товуши алоҳида аҳамият касб этган.

Бутун бир шеър ёки байтда ички қофия қўллаш ҳам маҳорат бўлиб, бу ишга мусажжаъ дейилган. Бунда “... байтлар сажлар уйғунлигига асосланган тенг бўлақларга ажратилади ҳамда асосий қофиялардан ташқари, ички қофиялар ҳам ишлатилади”¹, яъни ғазалнинг ҳар бир байти тўрт бўлақка бўлинади, уч бўлақ мустақил қофияланиб, тўртинчи бўлақ ғазалдаги асосий қофияга оҳангдош сўз билан якунланади. Профессор А.Ҳайитметовнинг маълумотлари бўйича, оҳангдорликни кучайтирувчи ва жозибаторлигини оширувчи бундай қофияли ғазаллар Навоий ижодида тўққизтадир. Улардан биридаги мана бу байтга диққат қилинг:

*Муғанний, бир навое туз, Навоий, наъмае кўргуз,
Аёқчи, томса тут тўққизки Доройи жаҳон келди.*

Бу байтдаги ички қофия (туз, кўргуз, тўққиз)да тўққиз рақами фаоллик кўрсатган ва байт оҳангдорлигини кучайтириб, унга ўзгача латофат ва жозоба бағишлаган.

Шеърый мисраларда содда отларни тартиб билан келтириш санъати **таъдид**дир. Навоий бу санъат татбиқида ҳам рақамларни назардан четда қолдирмаган. “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги келтирилган ғазаллардан бирининг байти бунинг бир далилидир:

*Меҳрим ўтин ҳушу сабру ақлу ҳис ёшурмади,
Меҳри ломиз тўрт бурқаъ кейнидин пинҳон эмас.*

Байтнинг биринчи мисрасида инсонга хос бўлган тўрт хусусият – ҳуш, сабр, ақл, ҳис сингари содда отлар тартиб билан келтирилган бўлиб, иккинчи мисрада қуёш – меҳрнинг тўртинчи осмонда жойлашганлиги ва нур сочиш учун “тўрт бурқаъ”нинг халақит бермаслиги мисол сифатида келтирилган ҳамда биринчи мисрадаги фикр асосини мустаҳкамлаган. Таъдид санъатининг юзага келишига эса тўрт рақами таянч бўлган.

Байтдаги бир сўзнинг турли ўринларда такрорланиши **қайтариш** санъатини ҳосил қилади. Навоийшунос Ё.Исҳоқовнинг қайтариш санъатига бағишланган мақоласида унинг эллиқдан ортиқ шакли мавжудлиги қайд этилади². Мумтоз шеърятда рақамлар воситасида қайтариш ва рақамларни қайтариш усули ҳам тез-тез учрайди. Масалан, **радд ус-садр ал-ил ҳашв** (байт бошидаги сўзнинг мисра ўртасида келиши):

*Етти чарх авроқи тўлғай, етти баҳр ўлса мидод,
Ул қуёш васлиға бир дамлик, хаёлимни десам.*

Қайтариш санъатининг яна бир шакли радд ус-садр ил-ал-ибтидо (байт бошидаги сўзнинг иккинчи мисра бошида келиши)дир:

*Икки зулфунг тўлғанур ҳар дам сабо таҳрикидин,
Икки ҳинду наъма бирла зоҳир эткандек усул.*

¹ Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. - Тошкент, 1976. 44-бет.

² Исҳоқов Ё. Қайтариқ санъати // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1972. - №2. - Б. 83-87.

Ёки

*Минг қуёшча кўрган ўз ёрин, вале ёр оллида
Минг улушидин бирича зарранинг ҳам бўлмаган.*

Қуйидаги байтлар эса **радд ул-ҳашв ил-ал-ибтидо** (биринчи мисра ўртасидаги сўзнинг ибтидода такрор келиши)га мисолдир. Навоий ёзади:

*Хатинг ичинда лабингнинг **ики** холи не ажаб
Икидур нуқта, ёзилур эса хат ичинда жон.*

Ёки:

*Манга бу эл ичра не **бир** ҳамдаме
Ки, **бир** дам иковлан дейишсак ғаме.*

Маълумки, шеърда маъно жиҳатдан ҳар хил, аммо шаклан бир хил сўзларни қўллаш тажнис санъати дейилади. Рақамлар воситасида тажнис яратиш ва шу орқали маълум бир фикр, лавҳа ёки тимсолни таъсирчан ифодалаш ҳам ижод тажрибасида кўп учрайди. Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида:

*Қул Хожа Аҳмад **қирққа** кирдинг нафсингни **қирқ**,
Мунда йиғлаб, охиратда бўлғил ориқ, -*

дейилади. Навоий шеъриятида эса “юз” сўзи ёрдамида тажнис яратилганлиги кўпроқ кўзга ташланади. Масалан:

*Истаса васлин қўнгул кўз рашкдин қон ёш тўкар,
Кўз **юзин** кўргач, қўнгул **юз** нола ғайратдин қилур.*

Ёки:

*Соқийё, очтинг чу май тутмаққа жоми Жам **юзин**,
Юз ғамим дафъ айладингим, кўрмагайсен **ғам юзин**.*

Ушбу мисраларда лирик қаҳрамон соқийга мурожаат қилиб, жоми Жам юзини очиб, менга май узатдинг, бу майни ичиб, менинг “юз ғамим” дафъ бўлди, шунинг учун сен ғам юзини кўрма, дея уни шарафлайди. Байтда уч ўринда юз сўзи келтирилади, биринчи ва иккинчи мисра охирида радиф бўлиб келаётган “юз” сўзлари бет маъносини англатаётган бўлса, иккинчи мисра бошида рақам, миқдор маъносини билдирмоқда. Шунингдек, ушбу байтда қоришиқ санъатлар қўлланганлигини ҳам кўрамыз. Байтнинг иккинчи мисраси бошида келган “юз ғамим” мисра охирида “ғам юзи” шаклида ўрни алмаштириб қўлланган. Бу “тарду акс” санъати саналиб, сўзларнинг ўрнини алмаштириш натижасида уларнинг маъноси ҳам янгиланади, мисра мазмуни такомиллашади. Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонида ҳам ана шу санъат асосида яратилган байтда рақамлар асосий рол ўйнаган:

*Мен доғи **мингдин бирин** айлай баён,
Сизга **бирдин минггача** айлай аён.*

Хуллас, бадий санъатлар рақамларни “тилга” киритиш, рақам воситасида ифодаланган рамзий-мажозий маъноларни тўғри аниқлаш ва талқин этишда тажрибада синалган энг ишончли усул бўлган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий уларнинг кўпчилигини илҳом ва маҳорат билан татбиқ қилган.

ХУЛОСА

Одам фарзандларининг ақл-идроки, тафаккур ва хаёлотининг бир унсури сифатида рақамлар ҳам бадий адабиётдан ўзига хос ўрин эгаллаган бўлиб, бу ҳодиса узоқ тарихга эга. Шунинг учун мумтоза адабиётимизда бир қанча рақамлар фаол қўлланилган. Бу, албатта, у ёки бу рақамга рамзий-мажозий маъно юклаш орқали амалга оширилган ва бу иш аста-секин ўзига хос ғоявий-бадий анъанага айланиб борган. Рақамлардан у ёки бу мақсадда фойдаланиш ижод тажрибасидаги жўн ишлардан эмас, албатта. Чунки ҳар қандай рақам асар матни таркибида аниқ бир ғоявий, бадий, рамзий вазифани бажармаса, у ўзининг мавжудлигини тўла-тўқис оқлай олмайди. Мумтоз адабиёт вакиллари томонидан қўлланилган рақамлар ҳамма пайт ва ҳамма ҳолатларда ҳам янги фикр ёки мазмун ифодаси учун хизмат эттирилган, деб бўлмайди. Зеро, адабиётдаги анъанавийлик қонун-қоидалари ва талаблари моҳият эътибори билан рақамлар анъанавийлашув пайдо бўлган.

Рақам рамзлари, уларнинг мажозий моҳиятини кашф этиш, шунингдек, бадий ижодда улардан самарали фойдаланиш рақамлар замирига сингдирилган илмий заминга ҳам асосланилган. Шу маънода рақамларнинг халқимиз тарихи, урф-одатлари, анъаналари билан боғлиқ жиҳатлари билан бирга уларнинг илмий асослари, фан қўлга киритган ютуқлардан ҳам фойдаланилган.

Алишер Навоий шеъриятидаги рақам “силсиласи” текширилганда биз ҳам уларда ҳаётӣй, фалсафӣй маънолар билан бир қаторда, диний-илоҳӣй мазмунлар ҳам сингдирилганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Рақамларнинг шоир ижодидан ўрин эгаллаши тасаввуф таълимоти билан ҳам боғлиқ. Шоир ижодида учрайдиган рақамлар орқали шунчалик чуқур, хилма-хил ва бир-биридан фарқланадиган диний, ирфоний, тарихий маъно ёки тушунчалар акс эттирилганки, тасаввуф таълимотини четлаб, уларни таҳлил ва талқин қилиш ҳеч қандай самара бермайди. Улардаги мазмунни ифодалашда шоир поэтик ғоя ва тасвир талабларига мувофиқ тарзда бадий санъатларга мурожаат қилган. Шунинг учун, ўз навбатида, поэтик санъатлар рақамлар бағрида яширинган маъно сир-асрори билан чуқур қизиқишга ундайди.

Алишер Навоий дунё ва ҳаёт ҳақиқатларини образли тарзда ифода қилганлиги боис рақамларга ҳам, биринчи навбатда, образли фикрнинг бир воситаси ёки “унсури” сифатида мурожаат этган. Шунинг учун мутафаккир шоир рақамлар асосида ифодаланган маъноларни, бир томондан, янгиликлар билан бойитган, иккинчи томондан, уларнинг чиройли, таъсирли ва ибратли тасвирларини яратишга эришган.

Мундарижа

ЗУҲРА МАМАДАЛИЕВА

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” ОБРАЗЛАРИ: РАМЗ ВА МАЖОЗ ОЛАМИ

Кириш.....	9
------------	---

I БОБ

1.1. Туркий ва форсий халқлар эпик адабиётида рамзийлик.....	11
--	----

II БОБ. “ЛИСОН УТ-ТАЙР” ДОСТОНИДАГИ РАМЗИЙ ОБРАЗЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

2.1. Худхуд образининг талқини ва ғоявий-бадиий хусусиятлари.....	29
2.2. Симурғ образи ва унинг талқинлари.....	36

III БОБ. РАМЗИЙ ОБРАЗЛАР ВА ОРИФОНА ТАЛҚИН

3.1. Етти водий образи: ғоя ва тасвир.....	61
3.2. Ҳикоятлардаги рамзий тимсоллар талқини.....	80
Хулоса.....	98
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	101
1-Илова.....	107
2-Илова.....	111

СИРДАРЁХОН ЎТАНОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИЁТИДА РАНГ СИМВОЛИКАСИ

Кириш.....	132
------------	-----

1-Боб. Ранг, унинг тарихи ва бадиий адабиётда ўринлашиши

1.1. Ўзбек шеърлятида ранг символикасининг ўрни ва роли.....	134
1.2. Алишер Навоий ғазалларида ранглар ва уларнинг маъно миқёслари.....	147

2-Боб. Ранг ва Алишер Навоий ғазалиёти образлар олами

2.1. Ранг символикаси ва образлилик.....	159
2.2. Ранг ва маъшуқа, ошиқ образлари.....	166

3-Боб. Рамзий-мажозий моҳият ва тасвир маҳорати

3.1. Ранг билан боғлиқ тасвир ва бадиий санъатлар.....	181
3.2. Алишер Навоий ғазалларида ранг ва гул тимсоли бадиияти.....	195
Хулоса.....	205
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	208

София Жумаева

**АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА
РАМЗИЙ РАҚАМЛАР ТАЛҚИНИ**

Муқаддима	216
Алишер Навоий шеъриятида рақам мавқеи	217
Яна “Ўн саккиз минг олам” ҳақида	235
Хулоса	250

УЎК 821.512.133.06(091)

КБК 83.3(5Ў)

И 28

Истиқлол даври навоийшунослиги: 30 жилдлик / Зухра Мамадалиева: “Лисон ут-тайр” образлари: рамз ва мажоз олами; Сирдарёхон Ўтанова: Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси; София Жумаева: Алишер Навоий шеъриятида рамзий рақамлар талқини; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2022. – 256 бет.

Ж.29: Зухра Мамадалиева: “Лисон ут-тайр” образлари: рамз ва мажоз олами; Сирдарёхон Ўтанова: Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикаси; София Жумаева: Алишер Навоий шеъриятида рамзий рақамлар талқини. – 256 бет.

***Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети
Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.***

ISBN 978 9943 5123-5-1

Илмий нашр
ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Йигирма тўққизинчи жилд

Зухра МАМАДАЛИЕВА

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” ОБРАЗЛАРИ:
РАМЗ ВА МАЖОЗ ОЛАМИ

Сирдарёхон Ўтанова

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИЁТИДА
РАНГ СИМВОЛИКАСИ

София Жумаева

АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА
РАМЗИЙ РАҚАМЛАР ТАЛҚИНИ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусахҳих: *Шохрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами АІ №247.
02.10.2013 йилда берилган.
Босишга рухсат этилди 15.07.2021 й. Бичими 84*108^{1/16}.
Cambria гарнитураси. Шартли босма табоғи 21.
Нашриёт табоғи 23 Адади 1 000 нусха.